

**ОДИЛ ЕҚУБОВ**

# **АДОЛАТ МАНЗИЛИ**

**Қиссалар, ҳикоялар, эссе**

**Тошкент**

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти — «Хазина»**

**1996**

Еқубов, Одил.  
Адолат манзили: (Танланган асарлар). — Т.:  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти. 1996. — 320 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Еқубовнинг мазкур китоби адабнинг ўзига хос танланган асарлари бўлиб, унинг таваллуҳидининг 70 йиллигига бағишлаб нашр этилмоқда. Бу китобга Одил Еқубовнинг сўнгги йилларда яратган янги асари — «Адолат манзили» кирган. Асар меҳнаткаш ўзбек халқига чуқур эҳтиром ва самимий муҳаббат билан суғорилган бўлиб, яқин ўтмишда унинг бошидан кечган драматик воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. «Муқаддас» қиссаси ва ҳикоялар ҳам ёшлар ҳаётига бағишланган бўлиб, адолат, инсоф, диънат, муҳаббат ва инсонийлик ғояларини тасдиқлайди. Китобга адабнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги эссеси ҳам киритилган. Севишли ёзувчимиз Одил Еқубов ижодининг турли қирраларини акс эттирган бу мажмуа кенг китобхоналар оmmasига манзур бўлади деган умиддамиз.

Уз2

Муҳаррир: О. Шарафиддинов.

Е 4702620201  
М352(04) — 96 қатъий буюртма 96

ISBN 5-635-01513-1

© Одил Еқубов, 1996

## УЛКАН АДИБ 70 ЕШДА

*Севикли ва улкан адибимиз Одил Еқубов 70 ёшга тўлди.*

*50-йилларнинг ўрталарида бўлса керак, Ҳамза номидаги театр саҳнасида Одил Еқубов деган драматургнинг «Биринчи муҳаббат» пьесаси саҳналаштирилганда аллақанча пулга билетни кимдандир ялимиб олиб, театрга тушган, ёш агроном қиз Муқаддаснинг ўктамлигига қойил қолган эдик. Бу пьеса саҳнада қанча вақт яшади, билмадим, аммо 50-йилларнинг адоғига келиб Одил Еқубовнинг китобларини қидириб ўқийдиган, ўзини кўрсак, чеккага ўтиб қўл қовуштириб турадиган, 1-Май кўчасидаги Езувчилар уюшмасига бориб, иккинчи қаватга кўтарилиб, кенг раволи айвондан ўтиб, чап томондаги бурчак бир хонанинг эшигини ийманибгина тақиллатиб, рухсат бўлгач, кириб, қимтинибгина машқий нарсаларимизни ўша машҳур Одил Еқубовга кўрсатадиган ва у кишининг эҳтиросли маслаҳатларини иклову самимият билан тинглайдиган бўлган эдик. Биз бу — Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов, Анвар Эшонов, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ... ва умуман ҳозир 60 ёшни мўлжалга олиб турган носирлар, адабиётшунослар, журналистлар ... Ҳатто биздан анча ёши катта, Одил Еқубовга тенгдошми, ёки у кишидан бир-икки ёш каттами, Турғун Пўлат, Қодир Махсумовлар... ҳам у кишидан маслаҳатлар олар эдилар.*

*Биз-ку, адабиёт муҳиблари, бир сари, барча китобхонлар адабиётимиз осмонида пайдо бўлган бу юлдузга интилар эдилар. Бу юлдуз порлагандан порлади, сўниш нималигини билмади, салкам эллик йил мобайнида бу юлдуз ўзининг янги-янги қирраларини намоян эта борди. Унинг ижодий лабораториясидан худбинлик туфайли муҳаббатидан айрилган йигит («Муқаддас» қиссаси) ўктам ва мард лўли чол («Атаман» ҳикояси), севгили-*

сининг ялтироқ бахти учун исқирт ишлардан ҳам қайтмайдиган, ўлик-тириклик, жонворларнинг фарқига бормай қолган киши («Бахт қуши» ҳикояси), бойликка ҳирс қўйиб, харом-харошдан қайтмайдиган, пора олишни ҳунарга айлантирган нокас («Биллур қандиллар» қиссаси), илми салтанат устига қўймоқчи бўлган, нобакор ўғилни қарғашга тили бормаган султон, эзгулик остига хизмат қиладиган, севгиси учун жон фидо этган Қаландар Қарноқий, ҳокимият завқи учун буюк аллома отасининг калласини олган падаркуш Абдуллатиф, мутаассиблик билан жамиятни инқирозга олиб келган руҳонийлар (аслида ислом динининг душманлари), амалдорлар («Улуғбек хазинаси» романи), буюк аллома Ибн Синонинг изтироблари («Кўҳна дунё» романи), диёнатни олий матлаб деб билган софдил кишилар («Диёнат» романи) образлари (санаб адоғига етиб бўлмайди) пишиб, етилиб чиқди. Боз устига қанча-қанча публицистик, илмий мақолалар, аёлларимиз тақдирига жонкуярлик билан муносабатда бўлган чиқишлар шу ижодий лабораториянинг жўшқин иш фаолиятдан далолат беради.

Одил Еқубов адиблик фаолияти билан ижтимоий-сиёсий фаолиятни муштарак тарзда олиб боради. У Улуғ Ватан уруши фронтларидан қайтгач, Урта Осиё давлат университетининг рус филологияси факультетига ўқишга кирди. Университетни битиргач, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасида маслаҳатчи, сўнг «Литературная газета»нинг Марказий Осиёдаги муҳбири, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномагининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг раиси, Атамашунослик қўмитасининг раиси лавозимларида ишлади. СССР Олий Кенгашининг депутаты сифатида ўзбек халқининг ташвишлари ва дардларини ҳимоя қилди. Ҳозирда «Туркистон — умумий уйим» жамияти раисининг Ўзбекистон Республикасидаги муовини.

Бундай кўп қиррали ижтимоий фаолият учун на фақат вақт, имконият, жисмоний қувват, балки мустаҳкам имону эътиқод керак бўлади.

Адиб «Адолат манзили» қиссасида ўзбек халқининг бошига ёғилган фалокатларни қаламга олиб тасвирлар экан, адолат манзилини аниқ тасаввур этади. Бу адолат манзили имону эътиқоддир, пок виждондир, адиб ана шу хислатларни мужассамлантириб, ёрқин уфқлар сари олға интилмоқда.

Асрор САМАД.

# ҚИССАЛАР

Бибисора момо Бетеран\* чолни кутавериб, кўзи илинган экан, бир маҳал эшик қўнғироғининг овози қулоғига чалинди. Момо чўчиб уйғондию «ҳозир-ҳозир», деганича ўша томонга пилдиради. Лекин йўлакка чиқиб қараса, эшик эмас, телефон экан. Худди ёв қувгандай бетиним, асабий жиринглаяпти.

«Маржонойдир?!»

Бибисора момо ногирон юраги орқасига тортиб, телефон ёнидаги курсига ҳолсизгина чўкди. Момонинг юраги янглишмаганди: бир неча дақиқа давом этган ғув-ғувдан кейин олисдан, чамаси, момо туғилиб вояга етган Маржонтов овулидан қизининг юракка ғулув солувчи ҳаяжонли, титроқ овози эшитилди:

— Моможон, ўзингизмисиз, моможон?!

— Мен, болам, мен, момонг.

— Ассалом, моможон. Эсонмисиз, омонмисиз, Ветеран бобомлар..

— Бобонг-да омон.. Ўзинг қалайсан, болажоним! Набирам эсон-омон юриптими?

— Неварангиз, Лочинжонингиз — ҳаммаси эсон..

— Эса.. нега йиғлайсан? Омонлиқма, болам? — деди момо, аллақандай хатарли туйғудан юраги ҳамон безиллаб. Момонинг оналик меҳрига йўғрилган сўзлари сим орқали минг чақирим наридаги қизининг юрагига бориб етди чоғи, Маржоной:

— Куёвингиз Суюн акам.. Суюн акамлар, — дедию жимиб қолди. Қизининг ўпкаси тўлиб, ўзи билан ўзи олишаётганини сезган момо:

— Куёвимга не бўлди? — деди жеркинқираб. — Овриб қолдима?

— Оғриси ҳам майли эди, моможон.. Олкеттишди. Бибисора момо тушунмади.

---

\* Ветеран, демоқчи.

— Ким опкетди? Қайга опкетди?

— Моможон, — зорланди Маржонной. — Буни телефонга айтиб бўлмайди. Тухмат ҳаммаси. Айланай, моможон. Бир кеп кетинглар. Ветеран бобомлар билан бир кеп кетмасаларинг... биз ҳаммамиз буёқда... онасидан айрилган бўтадай бўзлаб қолдик, моможон!..

Момонинг миясида: «Қамап қуйипма?» — деган савол чақмоқдай чақнадию суяк-суякларигача зирқираб кетди. «Қамалган, қамалмаса... қизалоғи Маржонной уясига илон тушган чумчуқдай чирқирайма?»

— Не бўлди? Очигини айт, болам?

— Очигини айтсам... ёмон! Жуда ёмон! Тезроқ келинг, тезроқ келинглар, моможон!

— Борамиз, болам борамиз.

— Ветеран бобомлар ҳам келсинлар.

— Хўп, хўп, болам. Ветеран бобонгни-да олдимга солиб оппараман...

Маржонной яна бир нима демоқчи эди, бироқ телефон ғув-ғув қилдию Маржоннойнинг овози худди ожиз полапоннинг овозидай чирқиллаганича узилди-қолди.

Бибисора момо хаста оёқларини аранг судраб, меҳмонхонага ўтди. Тўрт хонали катта уй, уй эмас, қаср, гўё сув қуйгандай, гўё ўлик чиққан хонадондай жимжит. Момо бир кун аввал ёмон туш кўриб уйғонган, кундузи эса, кун бўйи чап кўзи учиб, кўнгли ғаш бўлиб юрганди. Тушида, ё қудратингдан, эшик тақ-тақ тақиллармиш. Момо чиқса... остонада кўз очиб кўрган, суйиша-суйиша қовушган марҳум эри Мамат мерган турган эмиш. Тўппа-тўғри Маржонтовдан тушиб келганмиш. Эғнида қора чакмон, бошида қоракўл телпак, қўлида жинғил сопли камчи, сулув мўйловини дикрайтириб:

— Ҳа, бибим! — дермиш кўзлари ғазабдан чақнаб. Маржонтовнинг кўм-кўк яйловларини эсингдан чиғариб, Боботовдай дархон элди тарк этиб, худо ўзи қовуштирган эрингди унутиб, бошингди олиб кетганингда топган жойинг шул бўлдима? Ё манов олтин буюмларга сотилдингми? Бул зебу зийнатларга учдингма? Ундан кўра Маржонтовдаги булоқлардинг салқин сувин симириб, ўтовингди безаб, қимиз шопириб ўтирғанинг минг марта яхши эмасми, бибим?

— Оғажон! — дермиш момо зорланиб. — Агар сиз қирчиллаган қирқ ёшингизда Маржонтовдан йиқилиб, шўрлик бибингизди зор-зор йиғлатиб, тилаб олган қизимизди тирик етим қилиб, бу ёлғон дунёдан кўз юммаганингизда... мен бадбахт Боботовдан кетармиди-

мов? Икки кўзим икки булоқ, йиғлай-йиғлай, иккови-да қуриди. Сиз нени биласиз, оғажон?

Билмасам... мен ёмондан кўнглингди узиб топган... анов Бетеранинг қайда? — дермиш Мерган, қўлидаги қамчисини гижимлаб.

Момо аллақандай талмовсираб:

— Қўйинг, ул шўрлик чолди! — деб ёлворармиш. — Ул-да Оллонинг мўмин бандаси. Не қилай, агар сиз «Бойчибор»ингизда товдан-товга учаман деб, дарага йиқилиб...

— Дарага жиқилсам-да ўлмаганман! — дермиш Мамат мерган. У чап кўзини қисиб, ғалати кулармиш. — Сени синамоқ ниятида шундай қилган эдим! Агар бу сўзинг рост бўлса, агар мендан кўнглингди узмаган бўлсанг... жур, кеттик Маржонтовга! Суюкли қизим Маржонойнинг ўтовида улкан тўй! Тез етиб борайки! Ешликда суйишиб-суйишиб ўйнаб юрган яйловларди кезиб, ўлан айтиб, элдинг дуосини олайки!..

Момо кўрсатгич бармоғини лабига босармиш:

— Ҳай, оғажон! Бетеран эшитмасин. Мен ҳозир, ҳозир! — дермиш момо куймаланиб, дермиш-у, қувончдан юраги ҳапқириб... уйғониб кетармиш!

Момо ётоқхонага секин мўралади. Чироқ ўчиқ, лекин ҳовлидаги симёғочлардан тушган шуъладан хона ёп-ёруғ. Ёнма-ён қўйилган залворли, кенг каравотларнинг бири ҳануз бўш. Эрталаб қайси бир мактабга учрашувга кетган Бетеран (момо уни қачон шундай деб чақира бошлаганини ўзи ҳам билмайди!) ҳануз қайтмабди.

Бибисора момо ҳамон юраги гурс-гурс уриб, аста курсидан турди-да, бир-бир босиб, меҳмонхонага чиқди. Меҳмонхона гира-шира. Ҳовлидан тушган шуъла хонанинг ўнг ва чап томонларини қоплаган қимматбаҳо сервантларда, жавонлардаги китобларнинг заррин жилдларида, бутун деворни эгаллаган ва ёқасидан этагига ордено-медал қадаган суратларда акс этиб, уйни ажиб бир жилвага тўлдирган.

Момо дераза рўпарасидаги диванга чўкди, сўнг, тирсақларини тиззасига, қўлларини иягига тираб, оғир, бесарамжон хаёлга толди.

Момони, айниқса, ҳайратга солган нарса — кеча тушида кўрган марҳум эри Мамат мерган — тирик мерганнинг ўзгинаси эди! Сўзлариям, кўзлариям, жаҳли чиққанда дикрайиб кетадиган мўйловиям, келишган келбатию қийғир қарашлариям, ҳамма-ҳаммаси момо суйиб қовушган Мамат мерганнинг ўзгинаси! Мерган —



илоё жойи жаннатда бўлғай, қирққа кирмасданоқ тоғдан учиб, оламдан ўтган. Бибисора момо эса беш-олти яшар қизчаси — ҳозиргина бўтадай бўзлаб сим қоққан суюкли Маржонойни бағрига босганича, чирқиллаб қолаверган эди!..

Ё қудратингдан! Тушда ҳам шунчалик ўхшайдими одам? Ҳатто ҳамон қулоғида жаранглаб турган ўктам, шиддатли овози ҳам тирик Мерганнинг овози...

Момонинг юрагига гулув солган нарса шу бўлдики, кеча кўрган туши билан ҳозирги телефонда эшитгани шум хабар ўртасида мудҳиш ва сирли бир алоқа бор эди!.. «Суюкли қизим Маржонойнинг уйида улкан тўй», деди Мамат мерган тушида. Ҳа, унинг бу сўзлари ҳам, Маржонойнинг ҳозирги фарёди ҳам бежиз эмас! Маржонойнинг бошига оғир савдо тушиптики, раҳматлик, руҳи бесаранжом, момонинг тушига кириб юрипти!..

Бибисора момо, ҳарчанд уринмасин, аллақачон ёдидан чиқа бошлаган мудҳиш манзаралар, чеккан уқубатлар, дарду ҳасратлар эсига тушаверди, тушаверди. Шафқатсиз фожеа куни Мамат мерган Маржонтов этагида бўладиган катта улоққа отланди. У маҳалда ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Бибисора, қўлида Маржоной, уни анча ергача кузатиб қўйди, сўнг, худди бугунгидай ўзини қуярга жой тополмай, юраги ўйнайверди, ўйнайверди. Ахири, шомга яқин Маржонтов томондан бир қора тўзон кўринди. Йўқ, бу одатда улоқдан жўр қий-қириқ билан қайтадиган улоқчилар тўдаси эмас, мотам сукунатига чўмган улкан оломон эди! Оломон яқинроқ келгач, қўш от устида оқ кигизга ўраб-чирмалган бир нарса кўринди. Юрак ўлгур сезар экан! Ҳамма балони севар экан юрак ўлгур: оқ кигизга ўралган — Мамат мерганнинг суяги экан!

Эртасига бутун Маржонтов Мамат мерганни — унинг тулпори билан ёнма-ён, — улоқни олган «Бойчибор» камида ўттизгаз келадиган жардан сакрайман деб, бўйни узилган экан! — дафн этишди...

Бибисора эгнига кўк кийиб бир йил аза тутди, кейин бир йилдаёқ қариб мункайиб қолган қайнона, қайнотаси билан рози-ризлашиб, хўжалик марказига кўчиб ўтди. Унинг бахтига хўжаликда гилам цехи очилган эди. Бибисора шу цехга ишга кирди. У Мамат мергандан кейин бошқа эр қилмайман, деб онт ичган, ундан қолган ёдгорим — Маржонойни оқ ювиб, оқ тараб катта қилсам-у; яхши жойга бериб, бу дунёдан тинчгина ўтсам, у дунёда Мерган билан учрашганда юзим оқ, жисмим

пок бўлса, деб ўйлаган эди. Шу боисдан, не-не жойлардан келган қанчадан-қанча совчиларни қайтарган эди. Йўқ, мен қиламан ўттиз, тапгри қилар тўққиз, деганлари рост экан. Такдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан.

Мерган оламдан ўтганининг учинчи ё тўртинчи йили қишлоқда мана шу «Ветеран» пайдо бўлди.

Ветеран асли маржонтовлик бўлиб, урушда довруқ қозонган, ўзиям ўша мавридада бутун вилоятни ёт деб ётқизиб, тур деб турғизиб юрган отга минармонлардан эди. Гилам цехида у билан учрашув бўлди.

Бибисора бу даврада гилам цехининг пешқадам чеварларидан эди, шу боис, ветеранга гулдаста тутқазиб шарафи ҳам унга топширилди. Учрашувдан аввал «ветеран-ветеран», деб довруқ солишганда Бибисора уни ошини ошаб, ёшини яшаб битган бир қария деб ўйлаган эди. Сахнага чиқиб қараса... бўй-басти келишган, тоғни урса талқон қиладиган, устига устак, шўх, сўзамол, гапга чечан бир одам экан. Кўрган-кечирганларини ҳикоя қилганида, қулдиравериб, бир зал зёлнинг ичагини узди. Бу ҳам етмагандек, Бибисора ҳаяжондан дудуқлана-дудуқлана уни табриклаб, гулдаста тутқазганида... Ветеран аввал унинг қўлидан, кейин пешонасидан ўпди-ю, залда қийқириқ бўлиб кетди...

Кечқурун эса... кечқурун Бибисора ишдан қайтса... меҳмонхонанинг тўрида мийғида кулимсираб... семизлигидан Мансур меш деб ном чиқарган директорлари ўтирипти! Совчи бўп кепти!

Унинг айтишича, бир-икки йил муқаддам Ветераннинг ҳам жуфти ҳалоли оламдан ўтган экан. Ўғил, қизлари ҳам турмуш қуриб, ўзларидан тинчиб кетишибди. «Маржонтов»га келишдан мақсади... Бибисорага ўхшаган камтаргина ёш жувон учраб қолса, уйланиш экан!

Бибисора аввал бу гапни эшитишни ҳам истамади. Лекин Мансур меш ҳам анойи одам эмас (анойи бўлса, «Маржонтов»дай донгдор совхозга хўжайин бўлармиди?) бирда койиса, бирда илондай алдаб-авради.

Бибисора кўзига ёш олиб, Маржонойни рўкач қилган эди, директор бунга ҳам сўз топди.

— Ветеран айтди, — деди у, овози бирдан юмшаб. — Қизидан хавотир олмасин, деди. Мен уни ўз қизимдан кўпроқ алқайман. Ўзим яхши мактабларда ўқитиб, дўхтир қиламан, Қариганимизда икковимизнинг ҳам жонимизга оро киради, деди. Бундан ортиқ нима керак сенга, болам!..

Мансур мешнинг ҳамма сўзи бир бўлди-ю, шу сўзи ҳам бир бўлиб, Бибисора розилик берди.

Биринчи ой, ҳатто биринчи йиллар Маржонтовнинг бебош сойларига, қир-адирларига ўрганган Бибисора, қафасга тушган қушдай бўлиб, тўрт-беш хоналик ўрдадай уй кўзига тор кўриниб, кўп қийналди. Лекин, одам боласи ҳамма нарсага ўрганар экан. Бибисора ҳам аста-секин янги шароитга ўрганиб кетди.

Ветеран ҳам сўзининг устидан чиқди. Маржонийни ўз фарзандларидан афзал кўриб, алқаб-ардоқлаб ўстирди.

Маржоний бўлса, тўққизинчи синфни битириб, ўнинчига ўтганида гулдай очилиб, кўчада юрса ҳамма қайрилиб қарайдиган суқсурдай бир қиз бўлди.

Аммо бу дунё ўзи шундай норасо дунё экан. Қасдига олиб, худди шу мавридда ҳамиша ошиғи олчи бўлиб келган Ветерандан омад юз ўгирди-ю, ишлаётган иши, тагидаги машинаси, текин дўконлари, ҳаммасидан жудо бўлиб, уйда ўтириб қолди. Шундай Ветеран бир кун Момони ёнига ўтқазиб, ёрилди.

— Гапимга қулоқ сол, Моможон, — деди Ветеран, унга ёт, шикаста, ғам тўла овозда. — Аҳволимни кўриб турибсан. Сулаймон ўлди, девлар қутулди деганларидек, собиқ хўжайин оламдан ўтгандан кейин унинг курсисига ўтирган манов девларнинг қаҳри менга тушди. Ишонман, бир кун келиб, ҳақ қарор топади! Аммо унгача... Маржонийни дўхтирлик ўқишига кирита оламанми, йўқми — бунга кўзим етмай қолди. Моможон! Шунга бир ўйим... уни Маржонтовга юборсак, дейман. Бир йил тоғалариникида туриб, мактабни ўша томонда битириб келсамикин, дейман. Сабаби... узоқ вилоятлардан келган ёшларга катта имтиёз берилади, ўқишга кириши осон бўлади... Шунга сен нима дейсан, Моможон?

Сўнгги пайтларда чолининг аллақандай чўкиб, мунғайиб қолганини кўриб, ўзиям эзилиб юрган момо бир нима дейишга тили бормади.

— Ўзингиз биласиз, Ветеран, — деди Момо бирдан юраги увишиб. — Сиз қизимди етти ёшида бағрингизга босдингиз. Сиздан қизим-да рози, мен-да розиман. Сиз бул уйда бошсиз. Бошнинг сўзи — худонинг сўзи.

Маржоний қишлоққа кетгандан кейин ўрдадай бу уй ташландиқ, гўристондай ҳувиллаб қолди. Лекин бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бўлар экан, Маржоний баҳона, Момо билан Ветеран бир неча марта Маржонтовга бориб, қўй еб, қимиз ичиб келишди. Ниҳоят, бир йил ҳам

Ўтиб, Маржоной мактабни битириб келадиган фурсат ҳам яқинлашди. Аммо худди ўша кунлари чол-камбир, қишлоққа борамиз, деб шайланиб турганларида унинг ўчғир мана шу шум телефон яна жиринглади-ю, кутилмаган бир хабар келтирди: Маржоной мактабни бирга битирган Суюн бургут деган бир йигит билан қочиб кетибди!

Бу хабарни эшитган Ветеран кўксига ўқ теккан шердай ўкириб юборди. Момо эса... Момо ҳам аввал оташда қовурилгандай қовурилди, кейин... ичида оллога шукур қилди. Сабаби... Маржонойни опқочиб кетган йигит... ҳозиргина тушига кирган биринчи эри — Мамат мерганнинг узоқроқ бўлса ҳам жияни эди!

... Бибисора момо руҳидаги аллақандай армонга бўйсуниб, меҳмонхонанинг ўнг томон деворини қоплаган китоб жавонларининг олдига борди. Жавонларнинг бирида, битта-битта терилган сержило китоблар орасида нозик ўймакорлик билан ясалган бежиримгина ёғоч қутича турарди. Момо қутичани олиб, ўртадаги столга қўйди, қийғир бурнига кўзойнагини қўндириб, қутичанинг қопқоғини очди: қути тўла хат! Мамат мергандан қолган ёдгори, худодан тилаб олган суюкли қизалоғи, кўзининг оқу қораси Маржонойнинг хатлари! Аллақачон сарғайиб, ўқилавериб титилиб кетган хатлар! Момо уларни қўлга олмаганига неча йил бўлди?

Маржоной ҳам момосига хат ёзишни аллақачон йиғиштириб қўйган, керак бўлса телефон қилади, керак бўлса қанот боғлаб учиб келади. Лекин илгари, Маржоной бир йилгина қишлоқда ўқиб келсин, деб юборган пайтларда келган бу хатларни момо қизгинасини соғинган онларида бир кунда ўн марта ўқир, ўқийвериб, ёд бўлиб кетганди улар!

«Суюкли энажоним, меҳрибон бобожоним!..

Сизлар мени Маржонтовга ташлаб кетганларингизда ҳеч нарсани билмадиларингиз: мен орқаларингиздан қарай-қарай бўзлаб қолдим.

Мабодо биров қизимни ранжитяптимикин, деб ўйламанг, энажон. Тоғамлар ҳам, янгам ҳам қўйишга жой тополмайдилар. Айниқса марҳум отамнинг эналари, катта момомлар тиллари бол, бирам меҳрибон, бирам меҳрибонларки, тонг отмасдан туриб, менга гўжа десам гўжа, мойсўк десам мойсўк; кўнглим нима тусаса, шуни тайёрлаб берадилар. Худди мен оч қоладигандек, мактабга кетаётганимда қурут дейсизми, қовун қоқи дейсизми, қаймоққа қорилган патир дейсизми, тўқоч дей-

сизми — папкални тўлдириб берадилар. Энажон, кўйинг, синфдошларимдан уяламан, десам ҳам кўймайдилар... Мерганимдан қолган тирноғим, ёлғизим, ёдгорим, деб суйганлари суйган... Мерган отамни, Сизни кўп эслайдилар. Отам совчи кўймай опқочиб кетганларини, шунда марҳум бобомлар бия сўйиб, туя сўйиб, элга ош берганларини, Маржонтов — Маржонтов бўлиб, бундай тўй кўрмаганини айтиб, йиғлаб оладилар. Сиздан жуда-жуда розилар. Доим сизни дуо қиладилар... Шундай бўлса ҳам, бу ерга, айниқса мактабга, синфдошларимга сира кўниколмаяпман.

Сизниям, Ветеран бобожонимниям қаттиқ соғинаман. Севикли Тошкентимни (мен бу шаҳарнинг қадрини энди билдим, моможон!), ўқиган мактабимни, синфдош дугоналаримни, гимнастикага қатнайдиغان стадионимни, барча-барчасини кўп эслайман, кўп соғинаман... Қачон ўтақоғлар экан бу бир йил?..»

Бибисора момо бу мактубни олганида Ветеран чолига: «Ўқимасаям розиман, қизгинамни бағримизга опкеб беринг!» — деб зор-зор йиғлади. Бироқ қайсар чол кўнмади. Бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. У вилоятдан келадиган ёшларга йўл очиқ, хоҳлаган жойида ўқий олади. Ҳали қизгинамни катта олима қиламан, дўхтир қиламан, қариганимизда жонимизга оро киради, деб оёқ тираб туриб олди...

Йўқ, сал ўтмасдан бошқача хатлар кела бошлади.  
«Оппоқ моможоним, суюкли бобожоним!

Мендан ташвиш тортманглар. Хийла ўрганиб қолдим. Синфдошларим бирам яхши, бирам содда, бирам дилкаш. Қизлар ҳам, болалар ҳам, ҳаммаси мени яхши кўришади. Фақат битта бола бор. Исми Суюн. Лақаби «Бургут». Ҳамма уни Суюн бургут дейди. Бирам тегажоқ, бирам тегажоқ. Ўзиям жуда ғалати. Битта кўк қашқа оти бор. Эртақлардаги дулдул дейсиз! Мактабгаям ўша дулдулни ўйнатиб, хуржунига дўмбирасини солиб келади. Танаффус бўлди дегунча дўмбирасини чалиб, ҳаммани оғзига қаратади, гоҳ кулдиради, гоҳ (лоф эмас, моможон) йиғлатади. Ҳеч ким билмасин, ёлғиз сизга айтаман. Синфимиздаги ҳамма қизлар унга зиндан ошиқ. У бўлса... менга тегажоқлик қилгани қилган. Катта энам айтдилар: Суюн бургут марҳум отамларга қариндош бўларкан (жиями-ей, ё жиянларининг жиянларими-ей). Ўзиям шундай оловки, мерганликдаям, улоқдаям, ўландаям бу элда унга ета

дигани йўқ, дейишади. Менга ўлан тўқиб, ўлан ўргатишни ваъда қилди»...

Момо аввал бошда қайси жиян экан деб, эслашга ҳарчанд уринмасин, эслай олмади. Бироқ қизининг шу хатидан кейин кўнглига қандайдир кудук\* тушди. Кейинги хатлар эса, момонинг дилидаги кудукни ошираверди, ошираверди...

«Кўзимнинг нури, Моможоним!»

Кеча хатингизни олдим. Кўзимга суртиб ўқидим, бир кулдим, бир йиғладим. Суюн бургутни айтибсиз. Марҳум отангнинг унақа жияни йўқ, ундан овлоқ юр, эҳтиёт бўл, дебсиз. Қотиб-қотиб кулдим. Нега эҳтиёт бўлар эканман? У ҳашқир эмаски, мени еб қўйса. Агар ишонсангиз... мен ундан эмас, у мендан қўрқади, моможон! Кураш тушганда ҳаммани йиқитадиган девдек йигит мени кўрса... довдираб қолади... қисқаси, қизингизга инонаверинг, уни балоям урмайди, моможон!

Кеча бир автобус бўлиб Маржонтовга чиқдик. Елғиз Суюн бургут автобусга минмади, кўк қашқасига миниб борди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, моможон, дулдули шунақа чопқир эканки, гоҳ биз билан ёнма-ён боради, гоҳ қувиб ўтади. Қувиб ўтганда тилини чиқариб, бизларни мазах қилади. Роса кулишдик!

Мен борган жойимизни элас-элас эсладим. Агар янглишмасам, сиз келин бўлиб тушганда ўтов тикиб турган жойларингиз. Тепада Маржонтов, пастда арчазор... сиз кўп айтар эдингиз, моможон. Отамлар тоғдан қирғовул, каклик отиб келар эканлар. Ўзлари тош қалаб арча ёқиб, кабоб қилар эканлар. Мен тентак бўлсам, емайман, деб дод солиб йиғлар эканман. Суюн бургутни ота-онаси ҳам ўша жойда туришар экан. Ўтовларига чақиришди, меҳмон қилишди. Кейин ўйин-кулги бўлди, тараф-тараф бўлиб ўлан айтишдик.

Эсингиздами, моможон, кичкиналимда сиз ҳам отамларга қўшилиб кўп ўлан айтардингиз. Кечалари мени ўлан айтиб ухлатардингиз.

Маржонтов, Маржонтов,

Айланайин Маржонтов.

Ўргилайин Маржонтов, — деб бошладиган ўланингизни айниқса яхши кўрардим.

Бу ерда бу ўланни билмайдиган бирорта бўз бола, бирорта қиз-келиндяк йўқ экан. Суюн акамлар менга ҳам ўлан тўқишни ўргатди. Хамир учидан патир деган-

\* Кудук — шубҳа.

ларидек, мана, иккимиз тўқиган ўландан бир парча, моможон:

«Маржонтов, Маржонтов,  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов  
Отам суйган товимсан,\*  
Момом суйган бовимсан.\*\*  
Кўзим очиб кўрганам,  
Момомдайин суйганим  
Етолмадим қадрингга,  
Кетдим сендан овлоққа.  
Адашган фарзандингман,  
Кечир, қизинг, Маржонтов.  
Келдим мана, юкиниб,  
Кўз ёшимни ютиниб,  
Гуноҳкор қизалоғинг,  
Авф этгайсан, Маржонтов...»

Уланам сизга ёқадими, ёқмайдими, билмадим, моможон. Мен уни Суюн акамларга кўрсатдим. Суюн акамлар кулдилар. Бу шунчаки бир эрмак, дедилар. Аммо ўлан тўқиш эрмакдан бошланади, дедилар. «Ёзавер-ёзавер, айтавер-айтавер, ахир бир кун одам бўласан, дедилар».

Шу-шу, Бургут деса қизалоғининг оғзидан бол томадиган бўлди. Момо бир печа марта Маржонтовга бориб келайлик, деб чолига ёлворди. Бироқ бу ёлгон дунёнинг иши сира битмас экан, сира адоғ бўлмас экан. Чолкамбир Маржонтовга «ана борамиз, мана борамиз», деб юрганларида қиш ўтиб, кўклам ҳам келди. Ниҳоят, Маржоной мактабни битирадиган кунга бориб, уни ўзимиз билан бирга олиб келамиз деб, йўлга шайланиб турганларида мана бу хат келди:

«Нуридийдам моможоним, меҳри дарё бобожоним!

Мен сизларнинг олдингизда гуноҳкорман! Кечиринг, моможон, кечиринг, бобожон!

Биламан: сизлар менинг бахтимни ўйлаб куйинасизлар. Қизгинамиз энгилтаклик қилиб, ўз келажагини ўзи поймол қилди, деб озор чекасизлар. Дабдурустан айтиб қўяқолай, меҳрибонларим: қизларингиз Маржоной — дунёдаги энг бахтли инсон!

Сиз айтишингиз мумкин, моможон: биз сени қачон

\* товим — тоғим.

\*\* бовим — боғим.

топишганингга бермаймиз дедик, биз деган бўлсак, аввал ўқинглар, ўқиб одам бўлинглар, тўй эса қочмас, деганимиздир! — дейишингиз мумкин. Ҳаммаси тўғри, мумкин! Бироқ... сўнгги пайтларда Суюн акамлар нима десам экан, шундай оғир бир дардга, рашк дардига дучор бўлдиларки, мени еру кўкка ишонмайдиган бўп қолдилар. Эмишки, Тошкентга борсак мен гўё берган сўзимдан қайтиб қолар эмишман. Сизлар ҳам (айниқса, бобомлар) катта мансабдорлардан олифта куёв топиб, мени унга бериб юборар эмишлар. Бирда кулдим, бирда йнғладим. Гоҳ жаҳлим чиқди, гоҳ... нимасини яширай, қаттиқ суяра эканки, рашк қилади-да деб, ичимда қувондим...

Энди бу ёғини эшитинг, моможон. Мактабда имтиҳон тугаган кун кечқурун клубда катта кеча бўлди. (Сиз Бетеран бобонг билан борамиз, дегандингиз, кўзимиз тўрт бўлиб кутдик, келмадиларингиз!) Ота-оналар дастурхон ёзишди. Суюн акамларнинг отаси қўй сўйиб келдилар. Роса ўйин-кулги бўлди. Суюн акамлар билан бирга ўзингиз билган «Айланайин Маржонтов, ўргилайин Маржонтов» йўлида роса ўлан айтдик. Суюн акамлар ўзлари ҳам шу йўлда бир ўлан тўқибдилар, юрт эшитиб лол қолди.

Эмиш, Маржонтовда она-бола оҳу яшаган эмиш. Онаси боласидан кўҳлик эмиш, боласи онасидан.

Кунлардан бир кун шаҳардан бир қари овчи кепти. Овчи оҳуга ишқивоз экан. Она-бола оҳуни кўрибди-ю уларга маҳлиё бўлиб, отмабди. Йўлларига симтўр қўйиб, қўлга туширибди-да, шаҳарга олиб кетибди. Бироқ овчи шаҳарда уларни қанча парвариш қилмасин, Маржонтовнинг серсув, сербулоқ яйловларига, сойларига, арчазорларига ўрганиб қолган она кийик овчининг қафасига дош беролмай, тез орада жон таслим қилибди. Овчи қараса, онасидан айрилган етим оҳу ҳам оғзига чўп олмай, кундан-кунга орқага кетяпти. Раҳми келиб, қайта Маржонтовга опкеп қўйиб юборибди. Сал ўтмай, етимча оҳуга бир ёш қўчқор учрабди. Бир-бирини суйиб қолишиб, тоғдан-тоққа сакраб ўйноқлаб юришибди. Бир кун оҳугинани кўрармикинман деб, бояги кекса овчи яна тоққа кепти. Қараса, у қўйиб юборган оҳугина, ёнида ер депсинган ёш қўчқор, тоғдан-тоққа сакрашиб ўйноқлашиб юришган эмиш. Овчи қаҳри келиб, қўчқорни отиб ташлабди, сўнг оҳугинани тутиб олибди-да, яна шаҳарга олиб кетибди. Бу сафар оҳугинам ёлғизликдан ичикмасин деб, овчи унинг ёнига бошқа бир қўчқорни қўшиб қўйибди. Оҳугина тоғда ҳалок бўлган қўчқорни бир-



икки кун қўмсабди-да, кейин овчи қўшган қўчқор билан ковушиб кетаверибди...

Еш бола дейсиз! Бирам содда, бирам содаки, гўё ўланда нимага шама қиляпти — ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди. Балониям билиб туришибди одамлар! Кекса овчи — бу ветеран бобомлар. Она кийик — сиз! Бевафо оҳуча — мен! Укириб юборишимга сал қолди!

Кечамиздан сал олдин Суюн акамлар мени бир чеккага олиб сўроққа тутган эдилар. «Хўп, энди бу ёғи нима бўлади, Маржон!» деб сўраган эдилар.

Мен хатларингизни кўрсатдим. Тошкентга борамиз, бирга ўқиймиз, кейин тўй қиламиз, дедим.

У қовоғидан қор ёғиб:

— Йўқ, — дедилар. — Тошкентларингга бормайман, — дедилар. «Нега?» — деб сўрасам, нима дедилар денг? «Сенга ишонмайман, — дедилар. — Мен бир ўлан тўқидим, дедилар. — Шунда сенга айтадиган гапимни айтдим, дедилар. Шу ўланни эшитиб, жавобингни бер, дедилар. Мени десанг, шу бугун Кўк қашқамга ўнгариб «Маржонтов»га опкетаман, йўқ десанг... ота-энангнинг олдига кетаверасан, дедилар, ўйлаб кўр, бир-икки соат муҳлатинг бор», дедилар-да, менинг гапларимга қулоқ солмай, шартта бурилиб чиқиб кетдилар. Нима қилишимни билмайман. Ёнимда сиз билан бобожоним бўлганларингизда-ку, маслаҳат сўрадим. Қасдига олиб, сизлар ҳам келақолмадингизлар...

Кеча тугагандан кейин, бошим гаранг, қизлар билан уйга кетаётгандим, тўсатдан тасир-тусир от чоптириб, Суюн акам босгириб келдилар. Отдан сакраб тушдилар-да, қизларга: «Сенлар бораверинглар. Маржонной қолсин, бир оғиз гапим бор!» деб, мени дугоналаримдан ажратиб олдилар.

Бу сафар жуда хомуш эдилар, ғамгин эдилар, кўнгли синиқ эдилар.

— Хўш? Ўйладингми? — деб сўрадилар.

Мен (худо шоҳид, моможон) яна сизнинг гапларингизни айтдим. «Олдин Тошкентга борайлик, бирга-бирга ўқийлик», дедим.

Суюн акамлар гапимга қулоқ ҳам солмай:

— «Шайтон дара»ни биласанми? — деб сўрадилар.

Мен саволига тушунмадим.

— Эшитганман, бироқ кўрмаганман, — дедим.

— Шундай дара бор, — дедилар Суюн акамлар. — Кузда борган жойларимиз эсингдами? — дедилар. — Ўша жойларга яқин, — дедилар. Аммо даҳшатли дара,

унга йиқилган жонзот омон қолмайди, — дедилар. Турқи ёмон эди, қўрқиб кетдим.

Айтдиларки кечаси, ҳалиги ўланни тўқиб бўлганларидан кейин, туш кўрибдилар. Тушида мен ўландаги кичкина оҳу эмишман. Суюн акамлар бўлса овчига айланган эмишлар. Бошим ўзимники эмиш-у, таним оҳуни таяси эмиш. Мен қочганимча «Шайтон дара» ёқасига борармишман. Суюн акамлар «Тўхта, Маржон, тўхта!» деб бақирар эмишлар. Мен қулоқ солмай дарадан ҳатлар эмишман-у, қушга айланиб, қарши қирғоққа қўнармишман, кетимдан ирғиган Суюн акамлар эса... нариги қирғоққа етолмай, тубсиз дарага қулар эмишлар... У ёғи нима бўлди, билолмай, уйғониб кетармишлар!..

— Майли, — дедилар Суюн акамлар. — Тушимга қараганда сенинг йўлинг равон. Бирор ардоқли одамнинг мартабали фарзандига тегиб, бахтли умр кечирасан. Мен эсам... Маржонтовдан бирор ғор-пор топиб, тарки дунё қиламан!

Шундан кейин нима бўлганини билмай қолдим, моможон. Йиғлаб, ўзимни бағрига отдим-ов! Бир маҳал қарасам... «Кўк қашқа»да қушдай учиб кетяпмиз, орқамда Суюн акамлар... шу учганимизча бориб Маржонтов этагидаги ўтовларига тушдик. Сиз ҳам ўша жойларга келин бўлиб тушгансиз. Элас-элас эслайман... Сиз Ветеран бобом икковларинг сира ташвиш чекманглар. Қизларинг шундай бахтли, моможон, шундай бахтлики...

Қайнонам билан қайнотам қизингизни қўядиган жой тополмайдилар. Мендан ўтниниб сўрадилар. «Келишсин, — дедилар, — тўй қилайлик, бирга-бирга элга ош берайлик, — дедилар...»

Бу ёлғон дунё ўзи шундай ғалати дунё экан. Бир кун яхши бўлса, бир кун ёмон, ўтиб кетаверар экан, кўнгилдаги яра ҳам битиб кетаверар экан.

Тўй ҳам бўлди. Бир йил ўтар-ўтмас Маржонной ўғил кўрди. Бетеран бобоси: отаси бургут деса бургут, боласи Лочин бўлсин, деб, исмини Лочин қўйди... Сиртдан ўқув деган ўқув бўлар экан. Бетеран шўрлик у ёққа чопиб, бу ёққа чопиб, Суюнбек билан Маржоннойни шу ўқишга киритиб қўйди. Куёв-келин ёз келиб, бир ой-икки ой шу уйда туришди. Улар ўқишди, Бибисора момо Лочинни бағрига босиб, қулоғига ўлан айтиб катта қилди. Маржонной ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлди, куёвлари Бургут мол дўхтирлигига ўқиб, «Маржонтов»даги йилқи фермасига бошлиқ бўлди. Қизи билан куёвини кўрганда момонинг эсига она-бола оҳулар ҳақида куёви

тўқиган ўлан тушарди. Шунда «илоё ёмон кўзлардан ўзинг асра», деб дуо қилар, нсириқ тутар, тумор тикиб, бўйинларига осарди. Йўқ, кўз тегди. Қай балодан ҳам куёвлари Бургутни бултур совхозга директор қилиб кўтаришди, кўтаришди-ю, эр-хотин, бошлари маломатда қолди. Бу ҳам етмагандек, мана энди бу шум хабар, кулфат...'

Момо кўзи илинган эканми-ей, таниш бўғиқ овозни эшитиб кўзини очди.

— Ҳа, тағин нима бўлди, моможон? Яна мижжа қоқмай мени кутиб ўтирибсанми? Айтган эдим-ку, мени кутма, ётавер деб!

Момо бир сапчиб тушди-ю, овоз келган томонга қаради. Еп-ёруғ даҳлизда... Бетеран чоли унга тикилиб қаққайиб турарди!

Эғнида узун кулранг плаш (эрталаб учрашувга кетаётганида ногаҳон жала қуйганди), бошида қўқон араванинг ғилдирагидай улкан, қора шляпа, новчадан келган Ветеран момога ҳозиргина тушида кўрган раҳматлик жуфти ҳалоли Мамат мергани эслатдию ўпкасини босолмай йиғлаб юборди.

## II

Сал кам саксонни урган, бирда гадо бўлса, бирда шоҳ, бирда отга минса, бирда яёв, яхшини ҳам, ёмонни ҳам, очни ҳам, тўқни ҳам кўравериб кўса бўлган Ветеран, мсмо ҳиқиллай-ҳиқиллай дийдиёсини бошлар-бошламасданоқ ҳамма гапга тушунди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Марҳум хўжайин оламдан ўтар-ўтмасданоқ юртда бошланган бу ёнғинда хуржунлари ҳаром пуллардан қаппайиб, димоғлари шишиб кетган, оламни олдим деб, босар-тусарини билмай қолган ўпкаларгина эмас, куёви Суюн бургутдек куни кеча оғзи ошга етган ҳалол, покиза йигитлар ҳам бу ёнғин ичида қолганларини кўриб юрган Ветеран бу шумхабарсиз ҳам аллақачон кўнгли беҳаловат, юраги така-пука эди. Аммо энг ёмони шунда эдики, у ҳозир, майда-чуйда шоҳ-шаббалар у ёқда турсин, не-не алп чинорлар ҳам куйиб кул бўлаётган бу ўрмонга яқинлашиб бўлмаслигини яхши англар, кимки яқинлашса, ўзи ҳам ёнғин ичида қолаётганини кўриб турарди! Аммо ёш тўла кўзлари маъсум гўдакнинг кўзларидай мўлтираб, ундан нажот кутиб ўтирган бу соддагина, авомгина аёлга буни қандай тушунтиради? Ғалати нарса экан турмуш деганлари! Бундан сал кам ўттиз йил муқаддам кўз очиб кўрган

ҳалолидан айрилиб, мана шу Бибисорага уйланганида у марҳумадан кейин ҳувиллаб қолган уйимга қараб, рўзгоримни тебратиб ўтирса бас, шунга ҳам шукр қиламан. Ҳали йиллар ўтади ва шундай даврлар келадики, ёш боладай содда, қўйдай ёввош бу жувон ёшлигида севишиб, энтикиб қовушган марҳумадан ҳам яқин бўп кетади. Яхши кунларимда ҳам, ёмон кунларимда ҳам бирдай вафодор ҳамроҳимга, ҳатто сирдошимга айланади, деган фикр ҳаёлига ҳам келмаган эди. У маҳалда Бибисоранинг этагидан ушкаб, эргашиб келган қизи Маржоной ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларимдан ҳам азиз, меҳрибон, Маржонойдан туғилган Лочин эса энг суюкли неварам бўлади, деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди!

Марҳума, ётган тупроғи юмшоқ бўлсин, жуда кўҳлик эди, шўх эди, шаддод эди. У оғир касалга чалиниб, оламдан ўтганида Ветеран эликларни уриб қўйганди. Бибисора эса энди йигирма беш-йигирма олтига қадам қўйган, ҳали Мамат мергандан кўнглини узолмай юрган ёшгина бева эди. У марҳумадай кўҳлик бўлмаса-да, қорамағиздан келган барча тоғ келинчақларидай нозиккина, ёқимтойгина ёш жувон эди.

Қайси бир доно шоир айтган экан, муҳаббат ёш танламайди, деб.

Ветеран (нега ветеран бўлар экан, у маҳалда бутун бир вилоятда сал кам пошшо бўлиб, ҳаммани даф-даф титратиб юрган кимсан Шербўта Норбўтаев) ҳамиша ерга қараб гапирадиган, катта-катта маънос кўзлари оҳунинг кўзларидай мўлтираб турадиган бу ёш беванинг сеҳрига илинди-қолди.

Аммо Оллоҳ шоҳид: Шербўта Норбўтаев Бибисорани танмахрамликка сўраган маҳалда берган ҳамма ваъдаларини бажо келтирди! Фақат, шу Маржоной!.. Қизи Маржонойга келганда ҳаёт уни бир туртди-ю, умидлари чил-чил синди! Майли! Ҳар ким пешонасига ёзилганини кўрар экан. Маржоной ҳам ўзича бахтиёр эди. Жуда бахтиёр эди. Агар мана бу фалокат рўй бермаганида...

Ёспирай! Бу элга кўз тегди-ёв! Бир маҳаллар, собиқ хўжайини оламдан кўз юмишидан аввал, бу юрт Ветераннинг назарида, шиддатли пойгада ҳамма отлардан ўзиб, қанот боғлаб учиб бораётган тулпорга ўхшарди! Марҳум хўжайин ҳануз кўпчиликка жумбоқ бўлиб келаётган аллақандай сирли бир ҳолатда, ҳеч ким кутмаган бир вазиятда дунёдан ўтди-ю, моҳир чавондозидан айрилган учқур тулпор тўсатдан қоқилди, қоқил-

дигина эмас, қаноти қайрилиб, туёғи синди!.. Унинг ўрнига ўтириб, қамчисини олган «чавандоз»лар эса аллақачон тулпорнинг жоловини дўпли деса калла оладиган бир гуруҳ жаллодларга бериб қўйишди. Улар бўлса мана уч йилдирки, бу безабон шўрлик элни қовуриб ётиштипти! Қилмаган номаъқулчиликлари, кўрсатмаган ўйинлари қолмади. Ахийри юлғичлару каззоблар бир ёқда қолб, куёви Суюн бургутдай ҳалол йигитларга ёпишиб, эл юзига қора куя чаплаб ташлашди. Кейинги пайтларда Ветеран телевизорга яқинлашишдан, марказий газеталарни қўлга олишдан юраги безиллайди. Газетани очса ҳам, телевизорнинг қулоғини бураса ҳам — юракни қақшатадиган биттаю битта гап: бошқа ҳамма эл, ҳамма юрт — ҳалол, пок, у ёқларда на қаллоблик бор, на кўзбўямачилик, на ўғрилик! Порахўр ҳам, савдогар ҳам, миллионер ҳам — ҳаммаси шу элда! Бу элга ишонманглар! Сабаби муғомбирлик, у ўзини гадо қилиб кўрсатади, аслини олса, ўлган пахтакорнинг йиртиқ чопонидан ҳам бир халта олтин, бир тўрва пул чиқади!..

Ветеран гоҳ-гоҳида бундай эшиттиришлар қулоғига чалиниб қолгудек бўлса, тонг отгунча кипригига уйқу инмай, юраги санчиб чиқади, ўзи қийналса ҳам майли, шўрлик Бибисорани ҳам қийнайди. У чолига гоҳ сув, гоҳ дори, гоҳ чой бериб, бошида ўтириб чиқади. Аммо... онангнинг ўйнаши қози бўлса дардингни кимга айтасан, деган гап ҳаққи-рост экан. Адолат йўлида наъра тортиб, от суриб юрган ёшлик йиллари бўлса-ку, ўзи биларди нима қилишини! Энди сал кам саксонга бориб, билагидан кучи, белидан қуввати кетган бир мавридда қўлидан нима ҳам келарди? Бу ишни собиқ хўжайнинининг қабри устида қасам ичиб, унинг тулпориغا ўтирганлар қилиши лозим эди. Эшитишича, уларнинг ўзлари учун ҳам ҳозир сичқоннинг ики минг танга эмиш!..

**Ҳаллиям бўлса худо асради Ветеранни!**

Бундан ўн беш, йигирма йиллар муқаддам марҳум хўжайин бир кун уни Тошкентга, ўз даргоҳига чақириб, узоқ суҳбатлашди. Сочларига аллақачон қиров қўнган бўлса ҳам, чеҳраси тиниқ, қадди сарв, дилкаш одам, раҳматлик хўжайин, кўнгли кетганда яхши сўз билан, илиқ, самимий муомала билан ийдириб юборарди кишини. Ушанда ҳам шундай бўлди. Суҳбатни узоқдан бошлаб, вилоятда қилган хизматларига жуда юксак баҳо берди, вилоят аҳли Шербўта Норбўтаевнинг бу хизматларини тобад унутмаслигини қайта-қайта таъкидла-

ди-ю, сўнг: — Умр шундай экан, — деди тўсатдан маъюс тортиб. — Авлодлар ўрнига янги авлодлар келар экан. Авлодлар ўрин алмашиб туриши шарт экан. Ҳаёт ўзи шунга мажбур этар экан бизни. Хулласи калом, агар ранжимасангиз, биз сизни Марказга олсак, оқсоқол. Ёшингиз ва обрўингизга муносиб, тинчроқ бир иш берсак, яхши уй-жой билан, машина билан таъмин этсаг-у, вилоятга ўзингиз тарбия қилган ёш укаларингиздан, ишонган шогирдларингиздан бирини тайинласак...

Раҳматлик гапининг устидан чиқди: уни Марказга олиб, супраси қуруқ бўлса-да, номи улуғ, машиналик, имтиёзли лавозимга тайинлади, мана шу шоҳона уй-жойни берди. Шундай бўлса ҳам, хом сут эмган банда, Шербўта Норбўтаев анчагача кўнглининг бир чеккасида марҳумдан ранжиб юрди. Рост, у ўшандаёқ олтимишга бориб қолган эди, аммо-лекин аллақачон олтимишдан ошиб, етмишга етиб қолганлар ҳам олтин курсиларида қилт этмай ўтиришар эди! Лекин, Ветеран энди ўйлаб қараса, раҳматлик ўшанда унга эсдан чиқмайдиган бир яхшилик қилиб кетган экан! Сабаби, етмиш у ёқда турсин, саксонда ҳам жойларини ҳеч кимга бермай, баланд курсиларига елимдай ёпишиб олган кўп вилоят котибларининг аҳволлари вой бўлди кейин! Кексалар у ёқда турсин, ҳатто Ветераннинг ўрнида қолган унинг ўз шогирди, ёш, ҳалол котиб ҳам нотинч эмиш. Бу шум хабарни Ветеран шу бугун эшитди...

Ветераннинг беором алғов-далғов хаёлини момонинг тизгинсиз бир дардга тўла мўгли овози бўлди:

— Қизалоғим жилай-жилай эси кетди. Бор умидимиз Бетеран бобомларда, деди. Бобомиз келиб, жонимизга аро кирмаса, ҳол сўрайтин бир жон жўқ, деди!..

Олпоқ бошини чангаллаб, оғир ўйга толган Ветеран беҳол қўлларини пешонасидан узиб, Бибисора момога қаради. Момо ўзига аллақандай ярашадиган оҳори тўкилмаган олпоқ рўмоли билан оғиз-бурнини ўраб олган, рўмоли орасидан фақат болаларча умид билан мўлтираб турган нам кўзларигина кўринарди. Ветераннинг нигоҳи ёш тўла бу ғамгин кўзларга тушди-ю, «О, моможон, моможон, — деди ичида. — Сен нимани ҳам биласан?» Лекин тилининг учида турган бу гапни ичига ютиб, аста ўрнидан турди, тураркан:

— Қўй, йиғлама, бибижон! — деди-да, бирдан қуйлиб келган меҳрдан юраги ийиб, кампирининг оёқларига, нимжонгина елкасидан қучди: — Тайёргарлингини кўравер, тонгда йўлга чиқамиз, моможон!

Суюн бургут ҳибсга олинганига бир ҳафта бўляптики, Маржонойнинг миясини кечаю кундуз бетаскин бир ўй, нотинчу беҳаловат бир савол кемиради: эрининг гуноҳи нима, у нима жиноят қилдики, қамоққа тиқишади? Лекин қанча ўйламасин, кечалари кипригига уйқу инмай, ҳовлини гир айланади, саволига жавоб қидиради, беором хаёли пировардида бултур ёздаги бир воқеага бориб тақалаверади, тақалаверади. Уша куни Суюн бургутнинг Маржонтов этагидаги йилқи фермасига вилоят қўмитасининг биринчи котиби Жалолиддин Нажмиддинов вертолетда учиб келган, энг ёмони, Суюн бургут ўша куни, ўша ерда Нажмиддиновнинг қистовига ён бериб, «Маржонтов» совхозига директор бўлишга розилик берганди.

Уша куни Лочиннинг туғилган куни эди. Бир кун аввал совхоз марказидан Лочиннинг уч-тўртта синфдошлари келишган, уларнинг орасида Олтиной билан Кумушбиби деган қизалоқлар ҳам бор эди.

Эрталаб Суюн бургут «йигитларни» эргаштириб тоққа чиқиб кетди, Маржоной эса Олтиной билан Кумушбибинини ёнига олиб, бўғирсоқ пишириб, қимиз сузишга киришди.

Олтиной соддагина бир қўйчивоннинг қизи бўлса ҳам, мактабда гимнастикадан биринчилиكنи олиб, катта спартакиадаларда қатнашиб юрар, ўзиям нозиккина, истараси иссиққина қизалоқ эди. Маржоной билар, ўғли билан Олтиной бирда алоқ-чапоқ, бирда аразлашиб юришса ҳам, аслида жуда тотув эдилар. Маржоной ҳам қўл-оёғи қушдек енгил бу суқсурдеккина ёқимтой қизни аллақачон кўз остига олиб қўйган. Лочин иккиси мактабдан сўнг бирга ўқишса-ю, кейин Олтинойни келин қилсам, деб орзу қилиб юрарди. Шу боисданми ё ўғлининг туғилган куни сабабми, ёшларни кутиб, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетдию учовлон, худди ёш дугоналардай чақчақлашиб, ишга киришиб кетдилар. Бир маҳал осмонда гувиллаган овоз эшитилди. Утовдан югуриб чиқишса... вертолет! Ирмоқнинг у юзидаги кўкаламзор майдонга қўняпти! Утловлардан югуришиб чиққан болалар айюҳаннос кўтаришиб, бир зумда ҳаммаёқ қийчув бўп кетди. Вертолетни тоққа кетган йигитлар ҳам кўришган шекилли, зум ўтмай улар ҳам етиб келишди. Нажмиддинов бир ўзи эмас, ёнида бир-иккита ҳарбийлар ҳам бор эди.

Меҳмонлар иккига бўлинди. Лочиннинг дўстлари ўз улушларини дастурхонга тугиб, тоққа чиқиб кетишди. Вертолетда келганлар эса сой соҳилига, атрофи арча билан қуршалган ям-яшил сайхонликка чодир тикишиб, кун бўйи маишат қилишди, сойдан балиқ тутишди, харсанг тошларга шиша «тикиб», милтиқ отиб, мерганликда ким ўзар ўйнашди.

Маржоний хизмат қилавериб, юришга ҳоли йўқ, ярим кечада ўтовга кириб энди диванга чўзилган эди (у бошқаларга намуна бўлай деб, Маржонтовдаги ўтовини ҳам совхоз марказидаги уйидай саранжом-саришта қилиб қўярди) остонада ширакайф, димоғи чоғ Бургут пайдо бўлди.

— Уйғоқмисан, Маржон? — деди шивирлаб. — Пинакка кетган бўлсанг ухлайвер...

Маржоний кулди.

— Уйғотиб бўлиб, тагин ухлайвер дейдилар!

Суюн бургут беписанд қирқирлаб кулди-да, ёнига келиб диванга чўкди.

— Кечирасан, Маржон. Маслаҳатлашадурғон гап чиқиб қолди.

Маржоний эрининг «маслаҳатлашадурғон гапи»ни эшитар-эшитмасданоқ юрагини аллақандай совуқ бир сезги чулғаб олди-ю:

— Директор-чи? — деб сўради. — Мансур меш... Мансур акамлар нима дейдилар?

Бургут яна ўша беписанд, ширакайф овозда:

— У киши пенсияга чиқадилар! — деб кулди.

— Кўнармиканлар?

— Кўнмаса менга нима? Бу ёғи катталарнинг гами.

Агар тагини суриштирсанг... Мансур меш мана шу Нажмиддиновнинг вилоят кўмитасига биринчи котиб бўлишига қаршилиқ қилган. Зимдан олишган. Нажмиддинов ҳаммасини билади! Нажмиддинов райком пайтидаёқ қарши эди Мансур меш! Менми унга арбоб билан олиш деган? Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Ҳа, Маржоний ҳамма гапдан бохабар эди! Нажмиддинов райком пайтларида ҳам эри билан соз эди. Директорга айтмай, тўғрироғи, унга билдирмай Маржонтовга кўп келар, бир кун-ярим кун арчазорда қуён-пуён овлаб, маишат қилиб кетарди. Аммо фермада директорнинг ўз айғоқчилари бор, улар бу гапларни оқизмай-томизмай етказишиб туришарди. Шу бондан эри билан директор ўртасида гинахонлик аримас, фақат Суюн



бургутнинг самимийлигию нима бўлгандаям унга ёмонлик қилмаслигига инонганидан, ўпкахонликдан нарига ўтмас эди. Лекин, энди-чи? Бу гапни эшитса-чи?

Маржоний қоронғуда эрининг қўлини топиб, аста силади:

— Жон Суюн ака, ўйлаб кўринг. Нима бўлгандаям сизни шу ишга қўйган ўша «ёмон»... директор! Биласиз-ку, бу одамнинг қўлидан ҳар бало келади!..

Суюн бургут бетоқатлик билан қўлини Маржонийнинг қўлидан тортиб олди.

— Суюн бургут гапидан қайтадиган номардлардан эмас. Сўз бердими, сўзида туради. Бошга тушганини кўз кўрар дейдилар, хотин!..

У шахд билан ўрнидан туриб, ўтовдан чиқиб кетди.

Маржонийнинг айтгани бўлди. Меҳмонлар нонушта қилиб, энди ўринларидан тураётганларида Мансур меш ҳам етиб келди. Унинг «Газиг»ни узоқдан таниган Маржоний: «Вой, ана, директор!» деб юборди ваҳима босиб.

Ешлигида новча, хушқад одам, кейинчалик семизликда «Волга»га сиғмай қолиб (одамларнинг айтишича директор сонигача осилиб тушган қорнини чарм мешга солиб, кўйлаги ичидан бўйнига осиб юрармиш!) махсус ясаптирилган мана шу «Газик»ка ўтиб олган, шу боисдан ҳам у бутун Маржонтовга отининг қашқасидек маълум эди.

Маржонийнинг хитобини эшитган меҳмонлар чиқишди. Нажмиддиновни кўрган директор, унинг: «Э, тушманг, оқсоқол, тушманг!» — дейишига қарамасдан, юмшоқ чармдан махсус тиктирилган этигига аранг сиққан йўғон оёқларини зўр-базўр қимирлатиб, шўпири ёрдамида машинадан аранг тушди-да, меҳмонлар томон алпанг-талпанг юрди:

— Э, бу қанақаси бўлди, хўжайин? Биз томонларга келадилар-у, каминани йўқламайдилар ҳам? Биз ғарибнинг гуноҳимиз не, Жамолиддин ака?

Унинг қил-қизил бўғриққан юзидан, жир босиб ичига чўкиб кетган қисик кўзларида бир маҳалнинг ўзидан таъна-маломат аралаш аллақандай совуқ таҳдид шундоқ акс этиб турарди.

Нажмиддинов бир дақиқа аллақандай талмовсираб қолди-ю, кейин ўзини тутиб қулочини ёзди:

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, отахон! Мана бу генераллар тоғда йўл қуришмоқчи экан. Шуларнинг илтимоси билан тасодифан келиб қолдим. Аммо тўғри-

сини айтсам, қайтишда салом бажо келтириш ниятимиз йўқ эмас эди!..

Мансур меш бошидан похол шляпасини олиб, босволди қовундай сип-силлиқ, туксиз бошини силади.

— Йўқ, улим, ота-бола тутинган эканмизми, бундай бўлмайди! Отасини унутган ул қандай ул, Жалолиддин Нажмиддинович?

Биринчи котиб яна зўрма-зўраки кулди:

— Айтяпман-ку, қайтишда кирамиз деб ўйловдик. Мана, Суюн бургут айтсин...

— Суюн бургут! — деди директор қовоғини уйиб. — Бургут — те менинг улим! Улим бўлмаса... икки минг йилқини инониб топшириб қўярмидим, Бургутга? Аммо очигини айтсам, улим Жалолиддин, сўнгги пайтларда отасини эсидан чиқариб, қўйди, бул улим! — У осилган қовоқлари тагида худди барханлар остида яширинган қудуқдай милтиллаган кўзларини биринчи котибдан узиб, камондай таранг тортиб турган Суюн бургутга тикилди:

— Аммо... отасин унутган ул, ул бўлама? Худо урмайма бундай улни?

Суюн бургут худди қамчи еган отдай сапчиб, бир нима демоқчи бўлди, бироқ Нажмиддинов: «Ота-бола кечиримли бўлади, айб Бургутда эмас, каминада, отахон!» деб, икковини яраштирган бўлди-да, хайр-маъзур қилиб, вертолётга чиқиб учиб кетди. Директор эса Маржонийнинг ялиниб-ёлворишларига қарамасдан, қўйчивонлардан хабар оламан, деган баҳонада, «Газик»ка ўтириб, туз тотмасдан жўнаб қолди.

Шу кундан бошлаб, Маржонийнинг кўнглига ғулув тушди. Сал ўтмай совхоз шаҳарчасида «Мансур меш кетармиш, ўрнига Суюн бургут бўлармиш», деган мишмишлар тарқадию Маржонийнинг еган оши ичига тушмай, ҳаловати йўқолди. Дўстлари қувонди, душманлари саломига алик олмайдиган бўлишди. Маржоний яна бир неча бор эрига: «Жон Суюн ака, илоннинг инига чўп суқяпсиз, қўйинг шу ишни!» деб ялинди-ёлворди. Аммо ғишт қолипдан кўчган, Бургутдан ихтиёр кетган эди!

Бир ҳафтадан кейин вилоятдан одамлар келиб, совхозда катта мажлис ўтказишди. Унгача Суюн бургут (одамларнинг айтишича, Мансур меш ҳам) бири ошкора, бири пинҳона бир неча марта вилоят марказига, кейин Тошкентга бориб келишди.

Маржоний мажлисга бормади, уйда ўтириб, «илоё

эримнинг номзоди ўтмагай» деб худога тавалло қилди. Бироқ унинг арзи арши-аълога бориб етмади. Ҳамма гапни кейин эшитди: директорликка учта номзод қўйилипти. Биринчиси (чамаси вилоят катталари ё қўрқинган, ё ҳадиксирашган) Мансур мешнинг ўзи, иккинчиси бош ҳисобчи. Суюн бургут эса, учинчи номзод бўпти. Бош ҳисобчи ўз номзодини қайтариб олти. Кўп тортишувлардан кейин яширин овозга қўйилиб, Мансур меш 17 фоииз, Суюн бургут 73 фоииз овоз олипти. Бу яқун эълон қилинганда бутун аҳли совхоз ўринларидан туриб, ярим соат қарсақ чалишипти. Угли Лочин буни кўзлари болаларча порлаб, ҳаяжондан энтика-энтика гапириб берди, бошқалар эса гўё Мансур меш эшитиб қоладигандек, атрофларига қарай-қарай, шивирлашиб ҳикоя қилишди Маржонойга...

Шу-шу, хонадондан ҳаловат қочди.

Йўқ, Маржоной бундай деса, адолатли бўлмас. Биринчи беш-олти ой тинч ўтди, эри ишга жон-жаҳди билан киришди. Маржоной Суюн бургутни қанча суймасин, қанча ҳурмат қилмасин, унинг қонида бундай шижоат, бундай қобилият борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бугут ишни ободончиликдан бошлади: дастлаб ғишт заводи қурдиришга киришди, совхознинг эски клубини ремонт қилдириб, жиҳозларини янгилатди, бир маҳаллар омбор учун қурилиб, ниҳоясига етмай қолиб кетган бинони таъмир қилдириб, ёшлар учун чиройли спорт зал очиб берди, энг овлоқ қўраларгача движок қурдириб, нур обортирди. Рост-да! Кечагина ов деганда Маржонойни эсидан чиқариб юборадиган, улоқ деганда фермасини ҳам унутиб, даштда наъра тортиб юрадиган Бургутнинг вужудида бу уддабуронлик, бу шижоат мудраб ётгани кимнинг тушига кирибди! Тез орада «Суюн бургут» деса, одамларнинг оғзидан бол томадиган бўлди. Шу-шу, Маржонойнинг дилига ором бермай келаётган ғулув ҳам хиёл босилди, ҳатто меҳрига меҳр қўшилиб, ич-ичидан эридан ифтихор қиладиган бўлди. Бироқ бало қайда, десанг, оёғинг остида, деган нақл рост экан шекилли, эрига кўз тегди. Олти ой деганда тоғда ҳеч қутилмаган бир фалокат содир бўлдию Маржоной Оллоҳдан тилаб олган ором онласини яна тарк этди. Маржоной бу воқеани ҳар эслаганида юраги бир зирқирайди.

Мактабда кузги таътил кунлари бошланган эди. Ишга барвақт кетадиган Суюн бургут наридан-бери нонуш-

та қилиб, энди ўрнидан турган эди, дарвоза қўнғироғи худди қаердандир ёнғин чиққандай қаттиқ-қаттиқ жиринглади.

Маржоной юрагини ҳовучлаб чопқиллаб чиқса, кўчада... эрининг янги «Газик»и ёнида... Олтиной турибди! Ҳамиша озода, бежирим кийиниб юрадиган қизалоқ... эғнида эски чопон, бошида кир-чир тивит рўмол, оёғида кирза этик, рангида ранг йўқ... қалтирайди. Узоқдан, афтидан тоғдан миниб келган оти оқ кўликка чўмилган. От ҳам Олтинойдай дир-дир титрайди.

Маржоной юраги орқасига тортиб, қизни қучди:

— Нима бўлди? Нима қилди, қизгина?

Олтиной уйдан чиққан Суюн бургутни кўрдию пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

— Қўрага ўт тушди. Олти юз қўй нобуд бўлди...

Суюн бургут текис йўлда қоқиниб кетиб, дарвоза устунини қучоқлаб олди.

— Нима дединг? Ёнғин? Олти юз қўй нобуд бўлди? Қачон?

— Кечаси... — Олтиной ҳўнграб юборди.

— Одамлар... Отанг... Дарвеш дудук қайда эди?

— Қўрада. Ҳаммамиз телевизор кўриб ўтирувдик, амакижон.

— Телевизор! Телевизорга бало борми? — Ҳеч қачон сўкиниб гапирмайдиган одам Суюн бургут кутилмаганда хунук сўкинди. — Хўп, мен кетдим, Маржон! — У шундай деди-да, уйдан чиққан Лочинга юзланди. — Сен ҳам чиқ машинага!

Олтинойни бу аҳволда кўриб, ҳангу манг бўлиб қолган Лочин:

— Хўп, ота, — деди ҳушёр тортиб. — Ҳозир... «Қалдирғоч»га сув-пув берай!

«Қалдирғоч» — ахал текин наслидан бўлган ёш арғумоқ. Бургут уни директор бўлишидан аввал туркманлардан янги «Волга»сига алмаштириб олиб, ўғлига тортиқ қилган. Лочин ҳақиқатан ҳам қалдирғочдай гўзал, сийнаси қалдирғочнинг қанотидай ялтиллаб турадиган бу тулпорчасидан бир дақиқа ажралгиси келмайди. Уғлига ҳеч қачон қаттиқ гапирмайдиган Суюн бургут бу сафар бирдан ўшқириб берди:

— Сув-пувди онанг беради Қалдирғочга! Чиқ машинага.

Ота машинага ўтириб, эшигини қарсиллатиб ёпди. Лочин, ҳамон ҳанг-манг, тескари ўгирилиб олган Олтинойга бир қараб қўйди-да, истар-истамас машинага

чиқди. Ота-бола жўнаб кетишди. Олтиной гоҳ қулт-қулт ютиниб, гоҳ сал ўпкасини босиб бўлган воқеани гапириб берди.

Олтинойнинг отаси Дарвеш дудуқ, умри тоғу тошда қўй кетида ўтган пок, соддадил чўпоннинг қўраси Маржонтовнинг кун ботиш томонида, «Алвасти сой» деган сойнинг ортидаги серўт, сергийёх янтоқзор қирларга жойлашган.

Дарвеш дудуқ ўзидай серфарзанд, меҳнаткаш укаси билан бирга икки қўра қўйни боқишар, укаси бригадир, ўзи оддий чўпон эди. Бултур ёзда, қўраларга движок ўрнатилгандан кейин Суюн бургут ака-уканинг кўп йиллик меҳнатини тақдирлаб, совхоз ҳисобидан рангли телевизор инъом этган. Шундан бери қўрада байрам. Ҳар оқшом Дарвеш дудуқнинг шифти паст, аммо бир таноб келадиган катта уйда ака-уканинг йигирмадан ортиқ мишиқи болаларию қўни-қўшни, хотин-халаж дегандек, бир қўра одам йиғилади, қий-чув кўтаришиб томоша кўришади. Қасдига олиб, фалокат юз берган кунлари қайси бир ёзувчининг тарихий романи асосида яратилган телефильм намойиш қилинаётган эди. Кечаси ҳамма томошага маҳлиё бўлиб, томоша айни қизиқ жойига борганда тўсатдан худди яшин чақнагандай ташқарида нимадир ярқираб кетдию уйда телевизор ўчади, ҳовлида эса, аксинча, гўё кимдир улкан гулхан ёққандай, ҳаммаёқ ёришиб кетади...

Уйдагилар «гур» этиб, ташқарига отилишади. Қарасалар, паҳса девор билан ўралган катта ҳовлининг кун ботиш тарафидаги томига тоғ баробар уйилган қуруқ пичан, янтоқ, ёвшанли қўра ловуллаб ёняпти. Томдан ағанаб тушган пичан ва қуруқ беда боғламлари бостирма атрофида, қоғоздай ловуллаб, коптокдай юмалаб юрипти! Бало бир келмасин, бир келса, бир-бирини қувалаб келаверади, деганлари ҳақ рост экан. Олтинойнинг айтишича, ёнғиндан бир ҳафта аввал кўрғонга кечаси иккита қашқир тушиб, беш-олти қўйни бўғизлаб кетган экан. Шундан бери эшикларга отнинг калласидай қулфлар солиниб, танбалаб қўйилар экан. Шу боисдан чор атрофдан «Калит, калит кимда?» деган бақирӣқ-чақирӣқлар эшитилиб турибди-ю, лекин калит топилгунча бутун қўра олов ичида қолипти! Қўра ичкарисидан юракларни тилка-пора қилувчи зорли маърашлар эшитилармиш, бу маърашлар бир-бирларини йўқлаб йиғлаган она-болалар фарёдини эслатармиш. Уни эшитган қўрадаги хотин-халаж, болалар, чолу кампир — ҳамма

баравар кўкка қўл чўзиб нола чекишипти! Уларга қўшилиб йиғлаган Олтиной ёнғиндан кундуздай чароғон ҳовлида у ёқдан-буёққа югуриб юрган шўрлик дадасини кўрипти. Дадасининг бошидаги телпаги учиб кетган, эғнида на чопони, на кўйлаги бор, қўлида катта кетмон, бечора тинмай бақирар эмиш:

— Ҳой мусулмонлар! Эркак зоти қайда бу қўрғонда? Булдозерчи қайда? Юргиз булдозерингди! Буз деворди буз!

Олтинойни лол қолдирган нарса — дадасининг дудғланиши йўқолиб, тили ечилиб кетгани эди.

Дадаси қўрғон деворларига бир-икки кетмон уришга улгурипти, булдозерчи бўлса булдозерини ўт олдиришга ҳам улгурмапти: ёнғинда қолган қўранинг томи гуп-гуп ўприлиб туша бошлапти!

Маржоной, гарчи Олтинойнинг гапларидан юраги тарс ёрилай деса ҳам, қизалоқни қўлидан келганча юпатди, «Қўрқма, ҳаммаси яхши бўп кетади», деб тасалли берди, ўзи эса, кўнгли хуфтон, томга чиқиб, Маржонтовнинг йўлига тикилди. Қани энди Суюн бургутнинг қораси кўринса, машинасининг чанги чиқса, Маржоной бу чангни кўзларига тўтиё қиларди!

Худо ҳеч бир бандасининг бошига солмасин, бундай нотинч мавридларда соат ҳам имиллаб юрар экан, осмондаги офтоб ҳам жойидан жилмай туриб қолар экан! Қани энди вақт ўтсин-чи!..

Маржоной билан Олтиной вақт ўтказиш ниятида хамир қоришди, нон ёпишди. Тоғдан оқ кўликка чўмилиб келган от билан «Қалдирғоч»га ем-хашак, сув-пув бериб, ўзларини овутишди, бу орада ўн марта томга чиқиб, Маржонтовга термулиб-термулиб қарашди. Бир хавф, бир хатар, бир фожиа уларни бир кунда яқинлаштириб, опа-сингил қилиб қўйди, аммо қани энди тоғ йўлида бирор мошинанинг қораси кўринса?

Ниҳоят, офтоб ана ботаман, мана ботаман, деб турганида Маржонтов томонидаги баланд қирда бир ҳовуч тўзон кўзга чалинди, сал ўтмай, дарвозалари олдига таниш «Газик» келиб тўхтади. Маржоной ота-болани кўриб, юраги зирқираб кетди.

Суюн бургут бир кундаёқ камида бир пуд озиб, чўп бўлиб қолганди. Азалдан қорамағиз юзи оловда қолган арчадай қорайиб, қийғир бурни сўррайиб, лунжлари ичига ботиб кетганди. Лочин ҳам кўзлари олазарак; у худди ёмон туш кўриб, уйғонган болага ўхшарди.

Суюн бургут ҳовлига кириши билан гап йўқ, сўз йўқ, телефонга ёпишди:

— Одам йиғилдими клубга? Нима? Клубга сизмай-ди? Яхши! Тоғдаги чўпон-чўлиқ, йилқичилар-да келиш-дими? Раҳмат, раҳмат! Ҳозир бораман!

У ўғлига юзланди.

— Сен нима қиласан? Борасанма?

— Бораман! — деди Лочин.

— Кетдик! — Суюн бургут шундай деб, эшик томон йўналди-ю, пойгакда тўхтаб, Маржонийга қаради. — Гап бундай, Маржон! — деди юраги санчаётгандай кўкрагини яшқалаб. — Йўлда ўғлинг билан маслаҳатлашдик. Нима қилиб бўлсаям бу икки чўпонни қамоқдан асраб қолмоқ керак. Қамаб қўйишса, полапонларини ким боқади? Ҳаммаси ош деб, нон деб чирқиллаб ётган жўжачалар. Оталаридан айрилиб, етим қолишса... Аммо-лекин... чўпонларни асраб қолиш учун қирилган қўйларни тиклаш лозим! Ҳукуматнинг битта қўйига ҳам тегиб бўлмайди. Мен ҳозир халққа мурожаат қиламан. Аммо халқдан ёрдам сўрайдурган одам аввал ўзи ибрат кўрсатмоғи даркор. Сен нима дейсан, Маржон?

— Мен нима дердим? Сўзингиз тўғри, — деди Маржоний эрининг гапидан ҳаяжонга тушиб.

— Тўғри десанг... улим билан йўлда ҳисоб-китоб қилдик. Кўкламда қўрада эллик бош қўйимиз бор эди. Қўзи-пўзиси билан юз бош бўлганди. «Қалдирғоч»ни айтмай қўяқолай. Сенинг говмишингдиям. Аммо-лекин қўйларни бераман. Юз қўй! Барини бераман. Нима дейсан?

Бургут бирор савоб ишга аҳд қилганда Маржоний қачон йўқ деган? Маржоний дилига қўйилиб келган оналарча меҳрдан энтикиб:

— Керак бўлса сигиримни ҳам бераверинг, Суюн ака, — деб хитоб қилди, қилди-ю, пиқ-пиқ йиғи овозини эшитиб, ялт этиб қаради. Бу бурчакда тескари қараб ўтирган Олтиной эди!..

Суюн бургут қовоғини уйиб, томоғини қирди.

— Йиғлама, қизим. Айб отангда! Суюн бургут тирик бўлса ўзи қамалса қамалади, бироқ отангди қаматтирмайди! — У шундай деб, ўғлига бир қараб қўйди-да, тўсатдан мийиғида жилмайди. — Юз қўй бўлса... барибир молди сенинг қалинингга берардик!

Лочин отасига бир ёвқараш, қилди-да, ташқарига отилди. Унинг кетидан кулимсираганича Суюн бургут ҳам чиқди.

Ота-бола кечаси алламаҳалда қайтишди. Иккисининг ҳам димоғлари чоғ, бир-бирига сўз бермай, одамларнинг яхшилигини эслашарди.

Мажлис Суюн бургут ўйлагандан ўн баробар яхши ўтди.

Суюн бургут содир бўлган фалокатни гапириб бериб: «Энди нима қиламиз, биродарлар, «Маржонтов»да қирқ йил қўй кетида қирма-қир юрган бу икки жафокаш чўпонни қаматиб бир этак жўжаларини етим қиламизма ё ёрдам берамизма?» — деб сўраганида бутун совхоз аҳли: «ёрдам берамиз, ёрдам берамиз!» — деб қичқиришибди. Суюн бургут гапини тугатиб: «Менинг юз бош қўй-қўзим бор, ҳаммасини бердим, биродарлар!» — деганида залда қийқириқ бўп кетипти, ҳамма ўрндан туриб, каксалар «Умрингдан барака топ!» — деб дуо қилишибди. Шундай бўптики, ҳатто Мансур меш ҳам сўз олиб «Тўғриси, ёмон иш бўпти, жиноят бўпти, аммо лекин Дарвеш дудуқнинг полапонлари тентираб қолмасин учун мен-да худо йўлига ўн қўй бердим!» — деб, у ҳам олқиш олибди...

Ото-болагина эмас, Маржоной ҳам елкасидан тоғ кулагандай енгил тортди.

Лекин бу қувонч кўпга бормади. Кўпга эмас, эртасигаёқ райондан милиция ва прокуратура ходимлари бостириб келишди. Шу-шу, уч-тўрт ойгача Суюн бургутнинг боши маломатдан чиқмади. Гарчи халқ нобуд бўлган қўйлар ўрнига олти юз қўй йиғиб берган бўлса ҳам, Суюн бургутни судрамаган жойлари қолмади, району вилоят у ёқда турсин, ҳатто марказдан ҳам комиссия устига комиссия келаверди, келаверди.

Охири комиссия бундан уч ой аввал келганди. Кўк-лам яқинлашиб қолса ҳам тоғда ҳали қор қалин эди. Бургут уларни ўз «Газиг»ига ўтқазиб, машинани ўзи ҳайдаб кетди-ю, кейин бир кулиб, бир куйиниб гапириб берди. У бир кун олдин Дарвеш дудуққа одам юбориб: «элдан тушган олти юз бош қўйни алоҳида қўрага қамаб, ким қанча қўй берди, рўйхатни қўлида ушлаб турсин, бола-чақасини эса бир уйга йиғиб, кутиб ўтирсин!» — деб тайинлаб қўйган экан.

Тоғда ҳануз қор қалин экан. Кўкламга ишониб енгил кийинган комиссия аъзолари, неча жойда машинадан тушиб, қор кечиб, рулдаги Бургутга ёрдам беришга мажбур бўлишибди-ю, «Алвасти сой» устидаги қўраларга ўласи ҳолда етиб боришибди. Шу боисдан рўйхатни номигагина кўздан кечиршиб, элдан йиғилган қўйларни



наридан-бери санаган бўлишипти-ю, жуфтакни ростлаш пайнга тушишибди. Лекин Бургут «бир кеп қопсизлар, чўпон-чўлиқнинг уй-жойларини кўриб кетингизлар, деб, кўярда-қўймай Дарвешнинг кўрғонига бошлаб борибди. Уйга киришса... йигирмадан ортиқ увада-чувада ёпинган болакайлар, икки катта ёғоч қорсон айланасига чўк-калашиб, гўштсиз шилпилдоқни (қайси чўпон кўкламда қўй сўяди) шапир-шупир тушираётган экан!

Эшикдан бир дунё совуқни олиб кирган олифта, аммо қовоқларидан қор ёққан хўжайинларни кўрганда бола-чалар шапир-шупир ураётган шилпилдоқларини ҳам қўйиб, уввос тортиб йиғлашибди. Уларга хотин-халаж, чол-хампир — ҳамма қўшилибдию бўпти йиғи, бўпти йиғи.

— Мана, — дебди Бургут. — Бу шўрликларнинг кўрган кунлари — шу! Жиноят қилишган эмас булар, хато ўтган! Хоҳланглар — йиғилган қўйларни элга қайтариб бериб, бу икки бегуноҳ қарияни, мени ҳам қўшиб ҳибс қилинглар! Манов етимчаларни эса давлат ўзи боқсин. Бўлмаса... нуқта қўйинглар бу сарсон-саргардонликка!

Бургутнинг гапидан кейин йиғи-сиғи баттар авж олибдию комиссия аъзолари Дарвеш дудуқнинг ғариб кулбасини шоша-пиша тарк этишибди.

Шундан кейин Суюн бургутнинг қулоғи, Маржоной-нинг кўнгли бироз тинчиган эди. Бир ҳафта аввал текшир-текшир қайта бошланди... Аввалги комиссиялар ҳам бир сари эди, буларнинг нафаси совуқ, турқи бузуқ эди. Совуқ шабаданинг совуқ шарпасини бошлаб қадамларидан бор-йўғи уч кун аввал совхоз клубида келган бу турқи ёмон терговчиларнинг номуборак пой-қадамларидан бор-йўғи уч кун аввал совхоз клубида мактабни битирувчилар оқшоми бўлиб ўтганди. Кечада Лочин билан Олтиной, бири-биридан шўх, бири-биридан ёқимтой ўланлар айтиб, ҳаммани хушнуд қилишди. Уғлидан ғурурланиб, бир қоп семирган Бургут ўзиям қўлга дўмбира олиб, худди Лочин эмас, эр-хотин ўзлари мактабни битирган масъуд дамлардай, Маржонойни саҳнага тортиб, қизиқчиликни авжига чиқарди. Лочин ва Олтиной бир томон, Суюн бургут билан Маржоной бир томон, тонг отгунча ўлан айтишиб, қизиқчилик қилишди. Эртасига Лочин бошлиқ бир гуруҳ совхоз ёшлари — улар орасида Қумушбиби билан Олтиной, ўғилларининг энг қадрдон дўсти Суюн қилтириқ деган чопқир йигитча ҳам бор эди, — вилоят марказида ўтадиган

улкан мусобақага жўнаб кетишди. Мусобақада Лочин севимли «Қалдирғоч»и билан пойгада қатнашиши, бошқа ёшлар — бири чопиш, бири гимнастика бўйича беллашишлари керак эди. Ёшлар қайтишгач, Суюн бургут билан Маржонтой Лочинни олиб Тошкентга тушишни, омад ёр бериб, ўғиллари ўқишга кирса, улар умрларида биринчи марта хорижга саёҳатга чиқишни режалаштиришган эди.

Хуллас, ёмонликдан дарак йўқ эди. Суюн бургут ярим ҳазил, ярим чин, ёшларга: «Соврин олмай қайтманглар, совринсиз қайтсанглар Маржонтовга киритмайман!» деб уларни кузатиб қўйди-да, ўзи тоққа кетди. У тоғда бир ҳафта бўламан, деб кетганди, уч кун ўтмай, кеча эрталаб ногаҳон кириб келди.

Юзи тунд, қовоғи осилган, кўзлари киртайган, ўзига жуда ярашган чиройли мўйловининг учлари аллақандай шалвираб, осилиб қолган.

Маржонтой энди уйқудан туриб, сигир соғаётган эди. Эрининг турқини кўриб аъзойи бадани музлаб кетди-ю, ўрнидан тураман деб, челақдаги сутнинг ярмини тўкиб олди.

Суюн бургут бедазор ўртасидаги ёғоч каравотга бориб ўтирди. Маржонтой кўрқа-писа унга яқинлашди.

— Нима бўлди? Нега тоғдан барвақт қайтдингиз?

Суюн бургут қўлини ҳорғин силкитиб:

— Яна бошланди! — деди уф тортиб.

— Комиссия келдими?

— Йўқ, районга чақирдишди. Бу сафар — Московдан келган прокурорлар! Айтган эдим-ку, Московдан терговчилар келиб, юртни остин-устин қилаётир, кўп одамларнинг ёстиғини қуритаётир деб. Гўжанг борми? Бўлса бир коса бер, мен юрай. — Бургут ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ Маржонтой жон-жаҳди билан эрининг бўйнига осилиб, зорланди:

— Жон Суюн ака! Борманг у ёққа! Қайтиб кетинг Маржонтовга!

Суюн бургут тўсатдан каравот ёнига тиз чўкди-да, Маржонтойнинг белидан қучиб, лаблари, бўйни, юзларини пала-партиш ўпа бошлади.

— Омон бўл! Лочинни сенга, сени Оллоҳга топширдим, Маржон! — У Маржонтойнинг исканжага айланган қўлларини аранг ёзиб, бошини чиқариб олди, сўнг, Маржонтой олиб чиққан бир коса гўжани симириб ичди-да, хаёлчан одимлаб Лочиннинг хонасига кирди. Кичикроқ чорбурчак хонага гир айлана жавонлар ясалган

бўлиб, жавонларгина эмас, дераза тоқчаларигача, стол-стулларгача — ҳаммаёқ китобга тўлиб кетганди! Суюн бургут жавон ва стол-стулларда қалашиб ётган китобларга узоқ кўз югуртириб турди-да, тўсатдан овози дарз кетиб:

— Илоё ўғлимнинг умри узоқ бўлсин! — деди. — Сен уни ўқит, одам қил, Маржон...

Маржоной кўзи жиққа ёшга тўлиб:

— Худди қайтиб келмайдигандай гапиряпсиз. Нима гуноҳ қипсизки, бундай дейсиз?

— Йўқ, гуноҳи йўқ Суюн бургутнинг! Бир айтдим-қўйдим-да, Маржон! — Бургут бирдан ёпирилиб келган нохуш хаёлларни қувмоқчи бўлган одамдай бошини бир силкитди-да, уйдан чиқди...

Маржоной ўрдадай ҳовлида бир ўзи қолди. У уйга кирса уйга сиғмас, ҳовлига чиқса ҳовлига сиғмас, ўзини қаёққа қўйишини билмас эди. Шу аҳволда пешингача аранг чидади, кейин юраги ўйнайверди, ўйнайверди-ю, идорага бориб шаҳарга сим қоқишга (гарчи кимга сим қоқишини тасаввур этмаса ҳам) аҳд қилди.

Маржоной шоша-пиша кийиниб уйдан чиқди.

Қасдига олиб, худди бошқа кўча қуриб қолгандай, катта кўчадан юрган экан, муюлишга борганда «гур» этган жўр кулгини эшитиб, беихтиёр бир салчиб тушди. Кўчанинг нариги юзида собиқ директор Мансур мешнинг ҳовлиси жойлашган эди, ишдан кетгандан кейин у киши гўё бир гектар ҳовлисида жой етмагандай, кўча юзига сўри солдириб, устига нақшинкор айвон қурдирган эди. Кундуз кунлари сўрига гилам, гилам устидан шоҳи кўрпачалар ёздириб, эски жўралари билан шу ерда қимиз шопиришиб, «Девонан ростгўй», деб донг таратган телба-тескари қизиқчисини сайратишиб, ҳангома қуриб ўтиришарди.

Чамаси, бу кун ҳангома авжида эканми, одам айниқса гавжум эди.

Маржоной беихтиёр қадамини тезлаштирди, бироқ худди шу пайт:

— Ҳой келинпошша! — деган таниш, дўриллоқ овозни эшитиб, юраги увишиб тўхтади.

Қўйиб берса ерга теккудек қорнини чарм халтага жойлаб, ипини бўйнига осиб олган собиқ директор, айиқдай тебраниб, қўш болишга суянди.

— Оппоқ қизим, Маржоной, бери келинг, сизга якки оғиз гапим бор! — деди у, аллақандай мулойим, меҳри-

бон овозда, сўнг, бўйсиз бошини аранг буриб, сўрида ўтирган жўраларига юзланди:

— Сенларга рухсат, такасалтанглар! Пенсияга чиқдик деб, бировнинг текин қимизини ичиб, текин овқатини еб, ағанаб ётаверасанларми? Уят ҳам керак-да бундоқ! Сен ҳам девонаи ростгўйман деб, оғзингга келганини валдирайвермай... бор, мол-полга қара!

Ўтирганлар шамол учирган хазондай, бир зумда гумдон бўлишди. Девонаи ростгўй ҳам норози, пўнғиллай-пўнғиллай ичкарига кириб кетди. Собиқ директор қорнига кийдирилган чарм халтани икки қўллаб кўтариб-кўтариб қўйди-да, хонтахтага кўкрак тиради.

Маржоний, ҳануз юраги нотинч, сўри четига омонатгина ўтирди.

Мансур меш кўзлари тагидаги қорнига ўхшаш кичик «мешча»ларни аста силаб:

— Нима бўлди? Суюнжонди тагин чақиртириптими? — деб сўради.

Маржоний ранги ўчиб:

— Чақиринди, — деди секин.

— Ҳой аттанг, ҳой аттанг! — Мансур меш худди сувсиз чўлда сувсаб қолган ҳўкиздай оғир-оғир ҳансиради. — Кўп яхши бола эди Суюн бургут. Мен уни ўз улимдан-да яхши кўрардим. Аттанинг. Қаттиқ янглиши эринг, Маржоний, қаттиқ адашди!

Маржоний бошини осилтирганча рўмолининг учини ўйнаб ўтирар. у афсонавий жонивордай беҳол ҳансираб ётган бу бесўнақай, ўтовдай улкан одамга нима деб жавоб беришини билмасди. Маржоний унинг хайрихоҳлик билдириб, ачинишлари ҳам, таскину тасалли беришга уринишлари ҳам — ҳаммаси уйдирма, ҳаммаси сохта эканини, шу топда у ич-ичидан хурсанд бўлаётганини сезиб турар, ҳатто ҳамма балони қилаётган, эрининг оёғига зимдан болта ураётган ҳам шу Мешкай эканига ақли етар, шу боисдан тобора кўти ўчиб, юрагининг қаърида қандайдир жиловлаб бўлмас бир исён кўтарилаётганини туяр ва собиқ директордан ҳам кўра ҳозир шу исёндан кўрқар эди.

— Ўзингиз кўрдингиз-ку, Мансур ака! — деди у, овозидаги титроқ билан олишиб. — У кишини мажбурлашди-ку, Суюн акамларни...

— Э, ўйин бунинг ҳаммаси, ўйин! — деди Мансур меш ва ўтовсимон гавдасига зид бир чаққонлик билан қаддини яна ростлаб, калта, йўғон оёқларини хонтахта тагига узатди. — Ёлғон сўз не керак, келинпошша?

Куёвинг директор бўлмоқчи экан, аввал каминага айтмайми? Мени қийнаётир, қийнаётир демайми? Мен унга яхши маслаҳат бериб, оқ фотиҳа бермайманми?

Гапни секин бошлаган Мансур меш овози тобора дўриллаб, ахийри баланд, дарғазаб пардаларга кўтарилди:

— Эрингга не ёмонлик қилдим мен шўрлик? Зўр чавандоз деб, учқур улоқчи деб, ўз отимди унга бердимми? Бердим! Улоқларда, пойгаларда соврин олса, ўзим олгандай қувондимми? Қувондим! Икки минг йилқини ихтиёрига топшириб қўйдим — қимизини ичдингларми? Роҳатини кўрдиларингми? Кўрдинглар! Қани айт-чи, айланайин келин, мен не ёмонлик қилдим эрингга!

Мансур меш ногаҳон кўзига ёш олди-ю, Маржонийнинг қалбида кўтарилаётган туғён сув сепилган гулхандай ўчди-қолди!

— Сўйла! Нега оғзингга талқон солиб олдинг, келинжон?

Маржоний бошини қуйроқ эгди.

— Мен нима ҳам дейман, Мансур ака? У шўрлик, эримни айтаман, ўшанда, Маржонтовда биринчи котибга сиз айтган сўзларни айтиб зор йиғлади. Қулоқ солмади котиб. Кейин... Совхоздаги сайлов!.. Сайловда одамлар...

— Елғон сўз бул! Елғон! — Мансур меш гўдакнинг бошидай юм-юмалоқ, юмшоқ мушти билан хонтахтани гурс этиб урди. — Бунинг ҳаммаси уюштирилғон, ташкил қилинғон! Эса... шу совхозга ўттиз йил бошлиқ бўлиб кимга ёмонлик қилди камина? Бир қўйди ўн қилдим, ўн қўйди минг! Емадим! Ичмадим! Тағин не керак... бу одамларга? Йўқ, яхшилиқни биларми, осий бу банда? Йўқ, билмайди! Эса... емай-ичмай, уйқу не, дам не — билмай ишласам-да, қариганда кўрган яхшилигим шу бўлдими?

Мансур меш дир-дир титраган қўлларини дастурхондаги гулдор рўмолчага чўзди. Маржоний буни кўрди-ю, шоша-пиша ўрнидан турди.

— Мени кечирасиз, Мансур ака! Мен сизнинг бу сўзларингизга бир нарса дейишга ожизман. Ҳукумат ишларига ақлим етмаса...

— Ҳукуматни тек қўй, келинпошша! Ҳукуматда гуноҳ йўқ. Гап Бургутда! Ўзини оловга отди! Ўз оёғига болта урди эринг, ўзига-ўзи завол қилди, келинпошша!

Маржоной, юрагида сўна бошлаган исён қайта қўз-  
ғалаётганини сезиб:

— Қўйинг, Мансур ака! — деди ёлвориб. — Биров-  
га ёмонлик тилагунча, ўзингга омонлик тила, деган  
боболаримиз. Суюн акам нима гуноҳ қилптики, унга  
завол бўлади?

— Шундай денг? Ҳеч гуноҳи йўқ паришта денг,  
эрингиз?

Маржоной шартта бурилиб, чопқиллаганича катта  
кўчани кесиб ўтди. Мансур меш яна нималарнидир деб  
ғилдиради, сўкинди, лекин Маржоной икки қўли билан  
қулоқларини беркитганича кўчанинг у юзига ўтиб олди.  
У идорага бормоқчи эканини ҳам унутиб, уйлари томон  
бурилди, бурилар экан, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди-ю,  
биров кўриб қолишидан кўрқиб, юзини рўмоли билан  
ўраб олди.

«Бу мешқориннинг сассиқ гапларига қаранг! Емаган  
эмиш, ичмаган эмиш! Бир қўйни ўн, ўн қўйни минг  
қўй қиламан деб, умри ўтган эмиш! Айрон ичиб меш  
қорин бўлгандирсан? Одамларга ёмонлик қилмаган  
эмиш! Одамни одам қатори кўрмаганларинг-чи? Биров  
қарши гапирса гўрга тикқунча қувганларинг-чи? Чў-  
понларни қора-қон қилиб қамчилаганларинг-чи? Арз  
қилганларнинг етти пуштигача қоракуя сурганларинг-чи?  
Инсофу адолат йўқ эмиш одамларда! Қишлоқ қурган  
бўлсанг... ўзингни ҳам эсдан чиқармадинг. Худоёрхон-  
нинг саройидан қолишмайдиган сарой қурдинг ўзингга!  
Ун фарзандингнинг барини — билсин-билмасин, олий  
мактабларга жойладинг. Улкан лавозимларга ўтқаз-  
динг. Ёшинг етмишга борди! Энди сенга мансаб не ке-  
рак, қари бўри?..»

Маржоной уйга киришга ҳоли қолмади. Бир-бир  
босиб ҳовлидаги каравотгача борди-да, ўзини кўрпачага  
ташлади...

#### IV

Суюн бургут кун ботиш олдида, Маржоной тамом  
умидини узиб, яна идорага отланганида кириб келди.  
У эрталабгидан ҳам ҳорғин, ғамгин, ночор кўринар, юз-  
лари ҳам чўяндай қорайиб кетганди.

Маржоной томоғи ғиб бўғилиб, эрига умид билан  
мўлтираб қаради.

— Нима бўлди? Тинчликми? Рангингизда ранг йўқ?  
Суюн бургут хотинининг саволига жавоб бермай:

— Ўғлим қайтмадимми? — деб сўради.

— Йўқ, ҳали қайтмади! — Маржоний эрининг қўлини олди. — Айтнинг ахир! Нимага чақиринипти? Тағин ўша эски ҳаммом, эски тосми?

Суюн бургут: «Шошма, кейин, кейин!» деди-да, Маржонийга илтижо билан тикилиб:

— Анов... падарига лаънат заҳар-заққумдан қолган-қутгани борми? — деб сўради.

— Бор. Тунов кунги ёшлар кўчасидан қолган...

— Бор бўлса бир пиёла опчиқ! Асабда асаб қолмади. Юрагимни қон қилиб, ғажиб ташлашди-ку бу зўравонлар!

Маржоний чопқиллаб кириб, патнисда нон, пишлоқ, бодринг, помидор ва ярим шиша келар-келмас коньяк олиб чиқди.

Суюн бургут коньякни пиёлага лим-лим қилиб ағдарди-да, худди чўлда чанқаб қолган одамдай бир сипқаришда тугатди, патнисдаги неъматларга қўл ҳам теккизмай, ҳовли саҳнига ўтиб, хаёл оғушида уни айланишга тутинди.

Маржоний зинага чўкканича унга жимгина тикилиб ўтирар, ўтирган сайин вужуди зирқираб, бир-биридан ваҳимали ўйлардан юраги безиллаб оғирди. У бу сафар одатдаги сўроқ эмас, бошқа бир ёмон, машъум гап чиққанини ич-ичидан сезар, бироқ шиддатли қорамтир юзида тизгинсиз изтироб, хаёлан бировлар билан олишаётган эрига гап қотишга журъат этмасди.

Ногаҳон Суюн бургут ўй ўйлашдан чарчагандек қўлини бир силтади-да, Маржонийнинг олдида келди. Унинг кўзлари маъюс бўлса ҳам, лабларининг четида хушбичим мўйлови тагида фавқулодда шўх табассум зоҳир бўлганди.

— Мен бугун бир ўлан ёздим, Маржон, — Бургут чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқариб хотинига узатди. — Ма, сен ўқиб тур! Мен дўмбирани опчиқай. Ёшлик чоғларимизни эслаб, бирга-бирга бир ўлан айттайлик! — У шундай деди-да, Маржонийнинг жавобини кутмасдан уйга кириб кетди. Маржоний тўрт букланган қоғозни ёзди. Эрининг биринчи синф боласининг дастхатидай йирик-йирик ҳарфлар билан қинғир-қийшиқ ёзилган ўланига кўз югуртирди:

Маржонтов, Маржонтов!  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов,  
Қирғин келса қўрғоним,

Ёв босганда қалқоним,  
Йиқилганда суюнчим,  
Қоқилганда таянчим,  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов...

Маржонной ўқиган сайин беғубор ёшликлари, ёш келин-куёв, қўлларида дўмбира, «Маржонтов»да бўладиган улоқлар, пойгалар, тўй-ҳашамларда ўлан айтиб, элнинг олқишини олган чоғлари эсига тушиб, кўз ёшлари қуйилиб келаверди, келаверди. Уша масъуд чоғларда ҳам, ўланни Суюн акаси ўзи тўқир, у қўлига дўмбирасини олса бас, ўлан ўзи тизилиб келаверарди. Лекин уларда бу шеърлардаги ҳазин мисралар, қандайдир таҳдидли кунлар шабадаси сезилмас, аксинча, улар Маржонтов булоқларидай тиниқ, ёруғ туйғуларга тўлдирарди дилларни. Бу ўлан эса...

Тулпорларнинг кишнашиб,  
Бияларнинг тишлашиб,  
Ботирларнинг беллашиб,  
Айғир мисол чайнашиб,  
Сурон солиб ўтганда  
Чин дилингдан суюнган  
Бобокалон Маржонтов,  
Қадим бувам Маржонтов.  
Булоқ янглиғ тирқираб  
Оққанида кўз ёшим,  
Артиб қўйган Маржонтов,  
Мард бўлгин деб, овутиб,  
Бағринг очган Маржонтов!  
Букун сенга не бўлди?  
Нечүк сукут сақлайсан?

«Ҳа, бир нарса бўлган эрига! Боя... меш қорнинг тарс ёрилгур Мансур меш қарғаб башорат қилганидек, ёмон бир гап... йўқ-йўқ, совуқ башоратини ҳам ел осин унинг, туф-туф! Биров ундай деса... Кишининг юракбағрини эзиб қон қиладиган бу сўзлар қайдан келди?..»

Фарзандларнинг бошига  
Синов тушди, Маржонтов!  
Ёмонларнинг егани  
Қази бўлди, Маржонтов!  
Яхшиларнинг бошига  
Қиров қўнди, Маржонтов,



Нечук сукут сақлайсан?  
Қалдиरोғинг қалдираб,  
Ҳақни ҳаққа йўймайсан?  
Емонларга терс боқиб  
Дуойи бад қилмайсан?  
Нечук сукут сақлайсан,  
Айланайин, Маржонтов  
Ургилайин, Маржонтов...

Маржоной, яна ўпкаси тўлиб, ўлан ёзилган қоғозни  
юзига, кўзига суртди.

Уйдан, дўмбирасини аста сошлаб, Суюн бургут чиқди.  
Унинг чеҳрасидаги булут хийла тарқаган, чақнаган кўз-  
лари, мўйлови тагга яширинган табассум ҳазилга,  
шўхликка ундарди:

— Ҳа, қалай, яхши ўлан бўптима, Маржон?

Маржоной қулт этиб ютинди:

— Яхши. Бироқ нима бўлди ўзи? Гапирсангиз-чи  
бундоқ? Юракларим қон бўп кетди-ку, Суюн ака?

Суюн бургут хотинига жавоб бериш ўрнига унинг  
ёнига ўтирди-да, кулимсираб ўлан бошлади:

Айланайин, Маржоной  
Ургилайин, Маржоной!  
Оллодан тилаб олган,  
Бобомдан сўраб олган  
Елғизгинам Маржоной,  
Олтин ёрим Маржоной!..  
Термулган кўзларингдан,  
Бол томар сўзларингдан,  
Айланайин, Маржоной!..

— Бас! Бўлди, — деди Бургут Маржонойнинг елка-  
сидан қучиб. — Йиғиштир ғам-ғуссани! Қани, ёшлик  
йилларимизни бир эслайлик. Арт кўзингни! Қани, жўр  
бўл!

Айланайин, Маржонтов!

Ургилайин, Маржонтов

Маржоной кўз ёши аралаш ўзини зўрлаб кулди-ю,  
рига жўр бўлди:

Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов,  
Какликларинг сайраса,  
Айиқларинг бўқирса,

Тилларанг тулкиларинг  
 Офтобдайн товланса,  
 Бўриларинг увиллаб,  
 Оламга ваҳм солса,  
 Виқор-ла кулиб боққан,  
 Айланайин, Маржонтов,  
 Букун сенга не бўлди?  
 Элинг букун қувғинда,  
 Уғлонларинг сургунда,  
 Оналарнинг фарёди  
 Етди арши-аълога,  
 Нечук сенга етмайди?  
 Етган бўлса ноласи,  
 Нечук сукут сақлайсан?  
 Нечук қаҳринг сочмайсан?  
 Ахир сенга не бўлди,  
 Айланайин, Маржонтов,  
 Ургилайин, Маржонтов!

Юраги ғаш бўлгани учунми, Бургутнинг овози бошда сал бўғиқ чиқса ҳам, тобора очилиб, сал ўтмай илгаригидай мусаффо янгради. Маржонтой жўр бўлгач, унга гўё шарқираб оққан бир жилға тиниқ сув қўшилди-ю, худди ёшлик чоғларидагидай ажиб бир жозиба касб этди. Улан охиридаги мунгли сатрларга, доим меҳрибон Маржонтовнинг бугун, фарзандлари бошига қора булут келганида, нечундир сукут сақлаётган Боботовга мурожаат қилганларида, Бургутнинг овози шундай тизгинсиз бир дард билан янградик, сон-саноқсиз қиз-келиндяклар мўралаб қарашди, олма ва ўрикларга осилган болакайлар — чумчуқ бўп кетди!..

Улан охирига етиб қолганда, дарвоза қанотлари шарақлаб очилиб, «Қалдирғоч»ни етаклаб Лочин кириб келди. У кулимсираганича оёқларини кериб отхона тагида тўхтади-да:

— Э, қойил, қойил! — деб хушнудкулди. — Тошкентдан хонандаю созандалар келтими делман-а? Ишлар бешми дейман, қўшиқлар вадаванг!

Суюн бургут дўмбирасини Маржонтойга бериб, ўглига пешвоз чиқди.

— Соврин қайда, ўғлим, соврин? Ё соврин ололмай, икки қўлларингди бурунларингга тиқиб қайтдиларингма, шаввозлар?

Лочин кўрагини кериб, Бургутнинг ўзига ўхшаб қийғир қараш қилди:

— Соврин олмаса элга қайтармиди ўғлингиз, ота? — У шундай деб, «Қалдирғоч»нинг бўйнидан қучди. — Аммо соврин учун ўғлингизни эмас, «Қалдирғоч»ни қутланг, ота! Вилоятда биринчиликни олди. Бошқа болалар ҳам бўш келишмади. Салим қилтириқ югуришда, Олтиной гимнастикада биринчи ўринни олишди. Қумушбиби — иккинчи ўрин. Суюнчингиз бўлса бераверинг, ота!

«Қалдирғоч» гўё Лочиннинг гапларини тушунгандай узун, чиройли бўйинини ғалати эгиб, ўнг оёғи билан ерни тарс-тарс тепиб кўйди. Суюн бургут қулочини кенг ёзди:

— Ке, бир қучоқлашайлик, ўғлим!

Ота-бола қулоқ очиб кўришишди. Сўнгги бир йилда бўйи отасидан ҳам чўзилиб қолган Лочин Бургутни даст кўтариб, гир айлантирди-ю:

— Бедазорга улоқтириб юборайми, ота? — деди ярим чян, ярим ҳазил оҳангда, кейин кўзида ёш (Маржонойга нима бўлди, қайғурса ҳам кўзига ёш келади, қувонса ҳам) онасига юзланди:

— Бир коса совуқ айронингиз борми, опа? Мен кетаман ҳозир!

— Эшикдан кирмасдан туриб қаёққа қочмоқчисан, болам?

— Ҳозир Тошкентдан телевизорчилар, шоирлар, мухбирлар келишади. Бизни суратга олишади! — деди Лочин, болаларча бир ғурур билан. — Биз улар билан баҳс қилмоқчимиз, ота! Диспут!

Суюн бургут қовоғини уйди:

— Қанақа диспут?

— Ҳаёт тўғрисида... Бўлаётган ноҳақликлар, бўҳтонлар, қама-қамалар тўғрисида... Ё сизга тухмат қилишмадим, ота?

Наҳот ўғли бугунги гаплардан беҳабар бўлса? Суюн бургут қути ўчиб, қўлларини ўғлининг елкаларига кўйди. Ўғлининг елкалари, билаклари тошдай қаттиқ эди!

— Ўғлим! — деди у аллақандай ёлвориб. — Мабодо ёшлик қилиб, ҳар хил хомхаёлларга бориб юрманглар. Ҳукумат билан ҳазиллашиб бўлмайди! Дунёни олдим деб юрган не-не одамларнинг пайини қирқиб, янчиб ташлаган бу ҳукумат! Ўқигансан! Биласан!

— Биламан! — деди Лочин, қайсарлик билан. — Қулоқ қилиб отишган! Душмансан деб чопишган! Ўз элини, хотин, бола-чақасини ҳимоя қилган ўғлонларини «босмачи», деб ошишган!

Суюн бургут юраги орқасига тортиб, бир қадам орқага тисарилди:

— Сен... бу гапларни қайдан топдинг? Мияннга ким қўйди бу бемаъни хаёлларни?

— Нега бемаъни бўларкан? — Лочин асабий кулди. — Бирорта телевизор, газета, журнал қолмадики, бошимизга мағзава тўкмасин! Мен Москванн айтяпман! Сиз тоғда юриб, газета ўқимайсиз, телевизор кўрмайсизда, билмайсиз!

«Ёпирай, бу бола нима дейди? Ўзи топган гапми бу ё бировлар бошларини айлантириб чоғга итармоқчимми бу ёшларни?»

— Менга қара, болам! Сенлар бундай гапларга кўп учаверманглар!.. Ким билсин, қайси ниятда...

— Сиз билмайсиз! — Яна ўжарлик қилди Лочин. — Шунақа тухмат бўляптики, суяклари зирқирайди одамнинг! Бутун ўзбек халқи порахўр эмиш, ўғри эмиш! Биттаси элни олтин хум устида ўтирган кўзойнакли илонга ўхшатипти! Бу шўрпешона элни ким ҳимоя қилади? Ким бу бўҳтонларни рад этади! Ким ҳақиқат қилади! Шоирлар келишса, биз бугун шу тўғрида баҳс-лашамиз, ота!

«Ростдан ҳам нима дейди, бу бола? Бу аҳволда у қамалса, нима қилади бу бола? Адойи тамом бўладику? Унинг суюкли фарзанди — кўзининг қорачиғи, орзу умиди...» — Суюн бургут тоғда ногоҳ кўзғаладиган қора бўрон янглиғ тўсатдан юрагини чулғаган мудҳиш ваҳимадан аъзойи бадани музлаб, ўғлини бағрига босгиси, оёғига тиз чўкиб ёлворгиси, «Қўй, бу хатарли сўзларингли! Отаннга айтдинг, бошқа бировга айтакўрма, ўғлим», деб илтижо қилгиси келади. Бироқ Лочин опаси тутган бир коса айронни — у айронни қимиздан ҳам яхши кўрарди — Бургутга ўхшаб бир кўтаришда бўшатди-да, «мени кутманглар, кичкина ўтиришимиз бор эди», деганича, дарвоза томон йўналди. Унинг кетидан жимгина тикилиб қолган Бургут беихтиёр.

— Ўғлими! — деб чақирди.

«Қалдирғоч»нинг ёнига бориб, унинг бўйни, пешонасини қашлаётган Лочин ўгирилиб қаради:

— Лаббай, ота?

Суюн бургут худди ўғлига қарашга журъат этмагандай, бошини ҳам қилиб:

— Ўғлими! — деб такрорлади. — Илоё бошинг тошдан бўлсин, омон бўл, онангни сенга, сени Оллоҳга топширдим, болам!

Лочин отни қашлашдан тўхтаб, сергакланиб отасига қаради:

— Сабаб, бундай дейсиз, тинчликми, ота?

— Тинчлик, болам, тинчлик, йўлингдан қолма, бо-равер!

— Тинчлик дейсиз-у, тагин... одамни чўчитасиз! — Лочин бошини ғамгин чайқаб, ҳовлидан чиқди.

Маржоний оёқлари мажолсизланиб, эрининг ёнига «шилқ» этиб тушди-ю, Бургутнинг катта, дағал кафтларини қўллари орасига олди. У меҳнатдан, совуқдан қорайиб кетган бу қўлларни кўзларига, лабларига босмоқчи эди, бироқ Суюн бургут тез эгилди-да, Маржонийнинг кичкина узунчоқ кафтларини қўллари орасига олиб, лабига босганича узоқ жим қолди.

## V

Ярим кечада дарвозага ўрнатилган қўнғироқ устустига қаттиқ-қаттиқ жиринглади.

Маржоний эрини ухлаб қолди, деб ўйлаганди, йўқ у ҳам уйғоқ экан, шитоб билан ирғиб туриб, ўзини диванга ташларкан:

— Ана, келишди, — деди ҳорғин, беҳол овозда.

— Кимлар келишади? — деди Маржоний дир-дир титраб. — Уғлингиздир?

— Уғлимда калит бор, қўнғироқ чалмайди. Ановлар! Бугун сўроқ қилган московлик терговчилар! Бор, оч!

Маржоний дарвоза очиқ экани ёдига тушиб, меҳмонхона чироғини аранг топиб ёқди-да, гурс этиб, эрининг ёнига чўкди.

Зум ўтмай ҳовлида гурс-гурс товушлар эшитилиб, эшик шарақлаб очилди-ю, уйга бирин-кетин уч киши кириб келди.

Бургут ялт этиб қаради.

Олдинда кундуз Суюнни сўроқ қилган, Шарановский деган, новчадан келган, жингалак малларанг сочлари шоирона тўзғиган, тиниқ мовий кўзлари ёш боланинг кўзларидай маъсум ёш йингит, иккинчиси... Миржалолов деган (у ҳам кундузги терговда бор эди!) қовоғи солиқ, сўхтаси совуқроқ одам, учинчиси... ё тавба! Мансур меш!

Қанордай кенг банорас тўн кийиб, қўш белбоғ билан қорнини кўтариб боғлаб олган Мансур меш, худди узоқ уйқудан турган қари айиқдай алпанг-талпанг юриб, остонадан аранг ўтди-да, эшик ёнидаги курсига гурс этиб чўкди.

Шарановский тўрдаги столга ўтаркан, Маржонойга тикилиб қаради-да, мийиғида кулди:

— О, балосан, Суюн ботир! Шундай бетакрор гўзал хотининг бор экан-у, бизга кўрсатмайсан ҳам, ёш феодал!..

Маржоной, гўё бу жингалак соч, ширин забон одам дабдурустан унга ёпишиб оладигандек, апил-тапил сурилиб эрининг пинжига кириб олди. Гарчи, улар ўтирган диван столдан анча нарида бўлса ҳам, Шарановскийнинг оғзидан келаётган қўланса хид Бургутнинг димоғига гуп этиб урилди. Чамаси, улар ҳозир меҳмондорчиликда бўлгану уччалови ҳам қиттай-қиттай отишган эди.

— О, ўзбек гўзали! — яна кулди Шарановский. — Мунча ҳуркмасангиз, мунча ўзингизни опқочмасангиз биздан?

У гапини тугатолмай қолди, Суюн бургут шартта ўрнидан турди, қалт-қалт титраб:

— Сен, — деди, чўқмордай қорамтир муштарини тугиб, — сен қўлингдан келса отиб ташла мени! Аммо хотинимга гап отма! Агар гап отадиган бўлсанг...

Шарановский полни ғачир-ғучир қилиб, ўтирган креслосини орқароққа сураркан, шоша-пиша пистолетини қинидан чиқариб, столга ташлади:

— Сен йигит... Сенсираб гапирма менга!

Маржоной йиғи аралаш эрининг қўлига ёпишди:

— Жон Суюн ака! Утиринг, ўзингизни босинг...

Суюн бургут оғир ҳансираб, жойига ўтирди. Шарановскийнинг маъсум мовий кўзлари кутилмаган бир қаҳр билан чақнади. У ҳамон эшикда қаққайиб турган Миржалоловга юзланди:

— Утир, Миржалолов, папкаларни оч, сўроқ протоколини бошла! — Шарановский шундай деб, қўлларини орқасига қилганча, бир неча марта кенг меҳмонхонанинг бу бурчагидан у бурчагига бориб келди, ниҳоят, бир-бирининг пинжига суқилиб олган эр-хотинининг рўпарасида тўхтаб, Бургутга мурожаат қилди:

— Ҳалиям ўжарлик қияпсанми, Сувонқулов? Ҳалиям тан олмайсанми қилган жиноятларингни?

Суюн бургут овози хиёл титраб:

— Йўқ! — деди қатъий. — Сиз айтган гапларнинг ҳаммаси туҳмат, ўртоқ... гражданин терговчи!

Шарановский қизғиш сочларини силаб истеҳзоли кулимсиради:

— Билиб қўй, қайсарлик фақат зарар келтиради

сенга! Бари бир бўйнингга оласан. Олдирамиз! — деди у ва ёзишга киришган Миржалоловга қараб буюрди. — Протоколни тўхтат! Тинтувга киришамиз. Хўш, нимадан бошлаймиз! — У мовий кўзларини қисиб, ён-верига олазарак қаради-да, тахмондаги қўш сандиқ ва уларнинг устига йиғилган шойи кўрпаларни мўлжалга олди:

— Анави сандиқлардан бошлаймиз. Сандиқлар очиқми ё ёпиқми? Епиқ бўлса калитни беринг, хоним!

— Ҳозир... ўзим очиб бераман! Калитни олай. — Эрининг қатъияти бамисоли электр токидай таъсир этган Маржоний шартта ўрнидан туриб, ичкари уй томон йўналди. Йўналаркан, хаёлидан: «Энам билан момоларимдан қолган тақинчоқ-пақинчоқларим эрим шўрликнинг бошига бало бўлмаса эди!» — деган фикр ўтди.

Сандиқларнинг калити Лочиннинг столидаги ғаладонда турарди. Маржоний уларни топиб, меҳмонхонага чиққанида тахмондаги кўрпаларнинг ҳаммаси уй билан битта бўлиб сочилиб ётар, Ветеран билан момоси инъом этган кийим шкафлари ланг очилган, Шарановский дағал, бетакаллуф ҳаракатлар билан ғаладонлардаги буюмларни олиб ҳар томонга отмоқда эди.

Миржалолов деганлари кўрпа-кўрпачаларни ағдариб бўлиб, худди қойилмақом иш қилгандек, қўлларини белига тираб, қаққайиб турган экан, Маржонийнинг қўлидаги калитларни юлқиб олди-да, тахмон рўпарасига тиз чўкди.

Марҳум қайнонасида қолган эски сандиқларнинг эски қулфлари аллақандай мунгли, изтиробли жаранглаб кетди. Сандиқларда Лочиннинг тўйига деб, Маржоний бирда эрига кўрсатиб, бирда кўрсатмай олган шойи ва тивит рўмоллар, беш-ўн кийимлик атлас, банорас ва кимхоб тўнлар саранжом-саришта қилиб тахланган, уларнинг тагида, катта сандиқнинг энг хилват бурчагида боя хаёлидан ўтган ва қайнонасида мерос қолган тилла билагузуклар, қадимги заргарлар беаган, ёқут, дур ва садафлар қадалган зираклар, болдоқлар солинган халта, халта ёнида Маржонийнинг ўзи, бўлғуси келиним учун деб орзу қилиб йиққан бир қути тилла соат, олтин занжирчалар, сирғалар, иккита узук ва яна аллақандай тақинчоқлар бўларди.

Миржалолов худди хўжайиннинг истагини яхши билган искович итдай, сандиқ тўла кийим-кечакларни пала-партиш гиламга отиб, ахийри Маржоний кўрққан нарсаларни топди-ю, бирдан қовоғи очилиб:

— Мана, бойликларнинг боши топилди! — деб ёш боладай қиқирлаб кулди.

Шарановский қизил барқут халтача билан митти ёғоч қутичадаги зеб-зийнатни стол устига ағдарди. Столга тўкилган олтин билагузук, болдоқ ва сирғаларнинг нафис жаранги меҳмонхонани тўлдирди.

— Ух-ҳў! — деди Шарановский, ингичка чиройли мўйловчасини мамнун силаб. — Камида ўн минг сўмлик тилла буюм! — у шундай деб шеригига буюрди:

— Зеб-зийнатларни битта-битта санаб, халтага жойланг. Протоколга киритинг! — Шарановский, худди илҳоми жўшган шоирдай кўзлари порлаб, қўлларини бир-бирига ишқаб, иккинчи сандиқни очди-ю, димоғига гуп этиб урган нафталин ҳидида афти бужмайиб, оркага тисарилди.

Миржалолов деганлари, чамаси эски сандиқларни титавериб, нафталин ҳидларига ўрганиб кетган бўлса керак, иккинчи сандиққа ҳам ўзи ёпишди... Шунда Маржонойнинг эсига лоп этиб бир нарса тушди-ю, юраги музлаб кетди. У Лочиннинг тўйига деб, ўз маошидан йигирма сўм-ўттиз сўм ажрата-ажрата сал кам тўрт минг сўм йиққан, бу пулни қайси бир матонинг орасига тахлаб қўйганди. «Шу одатимиз ҳам қуриб кетсин! — деди у ичида. — Эримнинг бошига бало бўлмаса эди шу пул ўлгир!»

Маржоной буни ҳали ўйлаб улгурмаган ҳам эдики, Миржалолов четга отган бир кўрпалик бархит орасидан ўша пул сочилиб тушди-ю, ҳавода гўё бир гала қушдай париллаб учди.

— Ҳо, Ҳо! — Шарановский кенг меҳмонхонада у ёқдан — бу ёққа югуриб, ҳавода чархпалак қилган қоғоз пулларни тутар экан, мамнун хитоб қилди. — Мана, порага келган пуллар! Мана бойлик!.. Ҳатто пойгакдаги курсида ўтирган Мансур меш ҳам, жойида бесўнақай талпиниб, бир нечта ўн сўмликларни тутиб олди.

— Ҳўш, гражданинг Сувонқулов! Буларга нима дейсиз?..

Маржоной эрини гапиртирмади. Урндан сакраб туриб, Шарановский томон талпинди.

— Уртоқ терговчи! — унинг кўзи жиққа ёшга тўлиб, бир дақиқа гап тополмай талмовсираб қолди. — Бу пулларга эримнинг ҳеч даҳли йўқ! Мен ўқитувчиман, ўртоқ терговчи! Ун йилдан бери ўғлимнинг тўйига деб, маошимдан ҳар ой йигирма-ўттиз сўм ажратиб йиққанман бу пулларни. Нарй борса тўрт минг сўм!..



Шарановский тишлари орасидан:

— Сизнинг пулингизми, эрингизнинг пулими — ҳаммасини аниқлаймиз, хоним! — деди кесатиб. — Умуман сиз... бу ерда ўтираман десангиз ё тилингизни тишлаб ўтиринг, ё бу уйдан чиқиб кетинг! — Шарановский шундай деб, Суюн бургутга юзланди:

— Хўш, гражданин Сувонқулов! — деди у, турган жойида дик-дик сакраб, — хоним-ку ўглининг тўйига бир дунё зеби-зийнату пул тўплабди. Сиз бу тўйга нимани атадингиз? Чиқаринг атаганларингизни!..

— Бизнинг удумимиз бўйича тўй-маросимлар билан хотинлар шуғулланади.

— Епирай, а? — деди Шарановский. — Улоқ бериш, кўпқари чопиш удумлари-чи? Улоқ олган, пойгада ўзган чавандозларга хуржунда пул улашишлар, гилам, телевизор, ҳатто енгил машина ҳадя қилишлар-чи! Тўғрими, ўртоқ гувоҳ!

Мансур меш ўтирган жойида бир чайқалиб:

— Ҳа, бўлгон! — деди овози дўриллаб. — Баъзи бир аҳмоқ мансабдорлар қилган бу ишларди!

Суюн бургут шартта бурилиб қаради.

— Ўзингизни айтаётирсизми?

— Оғзингга қараб сўйла, Суюнбой? — пўнғиллади Мансур меш. — Камина ўттиз йил директорлик қилиб, сариқ чақасига ҳам тегмадим ҳукуматнинг!..

— Ҳозир биз бу кишини эмас, — Шарановский Мансур мешга имо қилди, — сизни тергов қиляпмиз. Ўзингдан гапир, Сувонқулов! Хўш, чиқарасанми яширган пулларингни ё...

Суюн бургут қайсарона бош чайқади:

— Яширган бир тийиним ҳам йўқ! Борлигини билсангиз... сўраб нима қиласиз? Топиб олаверинг тинтиб!

— Ҳа, пул йўқ сенда! — яна пичинг қилди Шарановский. — Битта от учун бир янги «Волга»ни бериб юбораверадиган камбағалсан сен!

— Қалдирғоч! — қистирди собиқ директор. — Аммо лекин ўзиям қалдирғочмисан—қалдирғоч-да, жонивор!

— Жуда соз! Сен қайсарлик қилсанг, биз ҳам қайсарлик қилишга мажбурмиз, — Шарановский шундай деб, Лочиннинг хонасига ўтди-ю, пойгакда тўхтаб:

— О! — деб хитоб қилди. — Одам яшайдиган уйми бу ё кутубхонами?

— Бу ўғлимнинг хонаси, — деди Маржоной. — Шунанга, китоб шайдоси ўғлим!

Шарановский «ҳимм» деб ғўлдиради-да, эшикда мутеларча қўл қовуштириб турган шериги Миржалоловта юзланди:

— Одатда... нодир буюмлар нодир китоблар орасига яширилади! Яхшилаб қаранг! Биз собиқ директор билан отхона-молхоналарни кўздан кечирамиз!..

Тинтув камида икки соат давом этди-ёв! Шарановский билан унинг ёнида худди садоқатли қари бўрибосардай алпанг-талпанг қадам ташлаган Мансур меш қўлида қўл фонари, отхона ҳам қолмади, ошхона ҳам, сомонхона ҳам — ҳаммаёқни титиб чиқишди. Гоҳо-гоҳо улар Маржонойни чақириб, алмисоқдан қолган эски қутиларни, увада—чувада латта-путтадан бошқа ҳеч нарса тополмай пўнғиллашар, оёқ остидаги эгар борми, жабдуқ борми — тепишиб, жигибийрон бўлишарди. Маржоной улар талаб қилган ишни ўринлатиб, яна эри олдига чопаркан, кўзида маржон-маржон ёш, Оллоҳдан фақат бир нарсани тилар, у ҳам бўлса Лочин кеп қолмагай, деб илтижо қиларди. Ниҳоят, тинтув тугаб, ҳаммаси яна меҳмонхонага йиғилишди. Камгап, қовоғи осилган Миржалолов протоколини ёзиб тугатган, унда топилган пул ва зеби-зийнатлар қайд этилган эди. Маржоной гўё эс-ҳушидан айрилгандай хаёли паришон, эрининг линжигга кириб олган, ҳозир унинг юрагини биттаю битта ўй, биттаю битта фикр кемирар, у ҳам бўлса — эрини опкетишадими-йўқми, деган ташвиш эди.

Ниҳоят, керакли қоғозлар тўлдирилиб, кетиш вақти келди чоғи, Шарановский ўйчан одимлаб, остин-устун бўлиб ётган меҳмонхонани бир айланиб чиқди-да, бошини сарак-сарак қилиб:

— Суюн бургут! — деди у, «гражданин Сувонқулов» дейиш ўрнига. — Худо ҳаққи, ўзингга жабр қиляпсан! Охирги марта айтаман: бўйинингга қўйилган айбни тан ол! Агар тан олсанг, ҳеч қаёққа кетмайман, деб тилхат берасан, уйингда қолдирамиз! Тан олмасанг... опкетишга мажбурмиз!

Суюн бургут тишининг орасидан:

— Йўқ! — деб хитоб қилди. — Ҳеч қандай айбим йўқ менинг! Мен ҳеч кимга, ҳеч қачон...

— Хўп! — Шарановский унинг гапини шартта кесди ва соатига қаради. — Беш минут муҳлат. Эр-хотин хайрлашинглар!

Улар бирин-кетин уйдан чиқишди. Мансур меш остонада бир зум тўхтаб, орқасига қайрилиб қаради, тўсатдан овози аллақандай меҳрдан титраб:

— Улим Суюнжон! Ешлик қилма, болам! — деб гап бошлаган эди, Бургут ўрнидан сапчиб туриб:

— Бор! Ишингни қил, қари тулки! — деб ўшқирди.  
— Ҳамма балога бош бўлиб, энди гўё меҳрибонлик қилмоқчимисан?

Мансур меш: «Хўп, улим, хўп!» деганича ҳансирай-ҳансирай ним қоронғу даҳлизда ғойиб бўлди.

Маржонной тиз чўкиб, эрининг оёқларини қучоқлади:

— Суюн ака! Айтинг, жон Суюн ака! Қанақа айб? Қанақа туҳмат? Наҳот мендан, ўз жуфти-ҳалолингиздан яширадиган сиригиз бўлса? Яна ўша қўрадаги ёнғинми?..

Суюн бургут хотинини қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазди-да, чўяндай қорайиб кетган юзини ишқалади:

— Булар... бу нокаслар! — деди ва гўё юраги ўртаниб кетаётгандай, кўйлагининг ёқасини юлқиб очди. — Эмиш... биринчи котибга, Нажмиддиновга... мени ишга қўйгани учун эллик минг сўм пора берган эмишман!

Суюн бургут бир кундаёқ кўзлари катта-катта бўлиб, юзи бир ҳовуч бўп қолган хотинининг елкасидан қучди:

— Йиғлама! Бу туҳматлар кетмайди! Осонликча жон берадиган Суюн бургут йўқ!

У шкафнинг эшигини шарақлатиб очиб, негадир қишда киядиган пўстини билан қундуз телпагини олди-да, ҳамон тош қотиб турган Маржоннойнинг олдига қайтди.

— Жонгинам, ёлғизим, бебаҳо Маржоним, сени дунёда энг бахтли аёл қиламан, деб ўйлаган эдим. Орзунмга етолмадим...

Маржонной жон ҳолатда кафти билан унинг оғзини тўсди.

— Жон Суюн ака, ундай деманг!

Бургут унинг қўлларини ўпди, нам кўзларидан, лабидан, юзидан ўпди. Гўё хотини олдида гуноҳкордай бежуръатгина, секингина ўпди.

— Кечир мени! — деди ўпкаси тўлиб. — Гуноҳкор Бургутингни кечир, худога топширдим сени... — у томоғи гип бўғилиб, ўзини даҳлизга урди.

Маржонной эрини кузатишга ҳам ҳоли йўқ, гиламга мажолсиз йиқилди.

## VI

Лочин ҳарчанд уринмасин, отасининг: «Опангни сенга, сени Оллоҳга топширдим, болам!» — деган гапи сира хаёлидан кетмасди. Отасининг сўзларидан кишини сескантирадиган аллақандай бир сир, ёмон бир хатар-

нинг нафаси келди. Лекин қанақа хатар? — буни илғаб олиш мушкул эди. Фақат клубга яқинлашгандагина (клуб билан спорт зали ёнма-ён эди) Лочиннинг ҳаловатини бузган бу ўй бошқа ўй, бошқа ташвиш билан алмашди: «Олтиной учрашувга келармикан, келмасмикан? Борди-ю, анов... Кларахон ҳам келса-чи? Унда нима бўлади?»

Клара, аслида Комилахон Қурбоновна, район комсомол қўмитасининг биринчи котиби, мусобақада уларга «шеф»лик қилди. Кларахон биринчи дақиқаларданоқ Лочинга меҳр қўйиб, аллақандай эркалаб ва эркаланиб гапира бошлади. Соврин олган кунни эса «дўстлар даврасига» таклиф қилди. Кларахон айтган «дўстлар давраси» ҳеч кутилмаганда хилват бир жой бўлиб чиқди. Ҳозир «ёт нигоҳлардан» холи бу хилватда ўтган бир кеча Лочиннинг эсига тушиб, вужудидан ўт чиқиб кетди, бир зум қалбини йигитлик ғурури чулғаб олди. Аммо шу заҳотиёқ эртасига дўстларидан эшитган дашномлари, айниқса, Олтинойнинг ўксиб-ўксиб йиғлаганлари ёдига тушиб, юрагида ғашликка ўхшаш бир туйғу ғи-мирлади.

Уша кунни Лочин оқ кўпикка чўмган суюкли «Қалдирғоч»ида ҳаммани орқада қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб борганида, стадион тўла минг-минг томошабин баб-баравар оёққа турди, қарсак ва қийқириқлардан еру кўк ларзага тушди.

Ғалабадан кейин, Лочин боши осмон, бетиним эркаланиб, елкасидан тишлашга уринган «Қалдирғоч»ни етаклаб дарвозадан чиққанида, уни тренерлари Соҳиб ака (ёшлар уни суйиб «қўрбоши» деб чақиришади) бошлиқ дўстлари, улар орасида қизилга бўялган майин сочлари елкасига шалоладай қуйилган, ўйноқи қўзларининг теграсига кўм-кўк бўёқ сурилган, хипчабел, хушқад Кларахон кутиб олишди. Пойтадан аввал Кларахон оппоқ тишларини ярқиратиб кулганича: «Лочинга кўз тегмасин», деб туф-туфлаб эркалаб, сочларини силаб қўйганди. Энди у Лочинни кўриб, узоқданоқ:

— Вой, вой! — деб хитоб қилди. — Ғалаба муборак, йигитча! Зўрсиз! Тулпорингиз чиройли, ўзингиз ундан ҳам чиройли бўп кетибсиз! — деди у, ён-верига шўх қаради. — Азиз дўстлар! Агар рухсат берсангизлар, районимиз фахри ва ифтихори Лочинжонни битта ўпаман. Қаршилиқ йўқми?

Ёшлар унинг таклифини қийқириқ билан қарши олишди.

— Қаршилик йўқ! Рухсат, рухсат!

Кларахон бўялган кўаларида ҳамон ўша шўх табас-сум, дуркун қоматини қилпиллатиб, ерни дук-дук босиб Лочиннинг олдига келди. Еш жувондан аллақандай хушбўй атр-упаларнинг жуда ёқимтой, нозик ҳиди келарди.

Лочин кўпкари пайтидагидан беш баттар юраги ўйнаб, жойида қотиб қолди.

Кларахон ҳам ўпса ўпақолмасдан, Лочиннинг ёнидаги дўстларига бир ўйноқи қараш қилди:

— Азиз дўстлар, айбга қўшмайсиңлар, мен рус удуми билан ғолибимизни уч марта ўпаман! — у шундай деди-да, аввал Лочиннинг у юзи-бу юзидан, кейин лабларидан қаттиқ ўпди. Унинг билинар-билинимас бўялган лабларидан... йўқ, бўёқ эмас, аллақандай тотли конфет таъми келарди.

Атрофда қийқирик бўп кетди:

— Қойил! Қойил! Яна! Яна! — жўр кулги янгради, фақат қўрбоши қовоғини уйиб, Олтиной киприкларини аянчли пирпиратиб, тескарни ўгирилиб олди. Лочин кўкрагини тўлдирган ифтихор аралаш лаззатли туйғудан боши айланиб ичида кулди: «Қизғанишини қаранг унинг! Ҳалитдан рашк қилишни ким қўйибди сенга? Битта ўпса, бир жойим камайиб қоладими?»

Улар ҳамон ўша хушнуд кайфиятда йироқроқда шай турган махсус автобус ва машиналар томон йўл олишди.

Кларахон Лочинни, Лочин эса Қалдирғочни етаклаб олганди. Олтинойдан бошқа ҳамма, ҳатто боя Кларахоннинг қилиқларини ёқтирмай қовоғини уйган қўрбоши ҳам, ғалабадан хиёл маст, бир гапириб, ўн кулишар, йўловчилар уларга ўгирилиб қарашар, баъзилар таниб, қўлларини силкитиб табриклашар эди.

Шу ҳолда улар махсус машиналар турган жойга етиб келишди. Кларахонни шахсий «Волга»си кутиб турар, Лочин эса Қалдирғочни четроқдаги ипподром отхонасига топшириши лозим эди. Шундай бўлдики, ҳамма автобусга чиқди-ю, фақат Кларахон билан Лочин ташқарида қолишди. Кларахон автобус шоферига буйруқ берди.

— Сиз ҳайдайверинг, Лочин иккимиз етиб оламиз!

Автобус жилди. Шунда Кумушбиби билан бирга орқа ўриндиқда ўтирган Олтиной ялт этиб орқасига қаради. Унинг тўсатдан мунг чўккан тимқора кўзлари: «Нега қолдингиз, Лочин ака? Юринг биз билан, юринг!» дея илтижо билан жавдирарди. Кумушбиби ҳам ўгирилиб

қараб Лочинга муштини кўрсатди-ю, Лочин бир дақиқа иккиланиб қолди. Буни зимдан кузатиб турган Кларахон конфет таъми келган лабларини чиройли ҳимариб кулди:

— Сизга ошиқми дейман бу қизчалар?

— Ҳа шу... мишиқи қизчалар-да — деди Лочин бепи-санд. — Нимани ҳам тушинишади булар?

— Сиз-чи? Балоғатга етган эркакмисиз?

— Ухшайманми?

— Ҳали кўраммиз, ўхшайсизми-йўқми? — Кларахон қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, дарҳол жиддийлашди:

— Мактабни битиргансиз, а? Эндиги режаларингиз қанақа? Спорт институтига кирмоқчимисиз?

— Йўқ, — деди Лочин. — Мен... адабиёт билан қизиқаман. Иложи бўлса, журналистика соҳасида ўқи-моқчиман.

— Нега иложи бўлмас экан? — деди Клара. — Хоҳ-ласангиз, Москвага ўқишга жўнатаман!

Лочин елкасини учирди:

— Билмасам... Иложи бўлармикан?

Кларахон ҳамон жиддий алпозда:

— Сиз учун иложини топамиз-да! — деб кулди. Сиздай ўткир, мард, талантли кадримиз бўлади-ю, бошимизга кўтармаймизми? Боринг, отингизни топшириб келинг. Бу масалани шу бугун ҳал қиламиз, Лочинжон!

Лочин Қалдирғочни ипподром отхонасига топшириб қайтганида Кларахон бетоқат кутиб турарди. Машинага чиқишдан аввал, Кларахон биринчи кўришдаёқ Лочинни ром қилган ўйноқи оҳангда:

— Мен сизни бир жойга... дўстлар даврасига таклиф қилсам, борасизми? Қўрқмайсизми?

Лочин, шу бугун аллақандай сирли бир нарса рўй беришини сезиб, аъзойи бадани ловуллаб кетди-ю, Кларахоннинг сўзларидан йигитлик ҳамияти исён қилиб:

— Кимдан қўрқаман? — деб ўдағайланди. — Сизданми?

— Қўрқмасангиз... кетдик! Ғалабани ювишимиз керак-ку ахир. Қарши эмасмисиз?

Лочин юрагида гимирлаган аллақандай ғулғула аралаш сирли, жозибали туйғуга бўйсуниб:

— Сиздай гўзал қиз таклиф қилади-ю, мен йўқ дейманми? — деди энтикиб. — Бошланг, қани!

Кларахон орқа ўриндиққа ўтирди-да, сурилиб Лочинга жой берди. «Волга» кўзгалди. Кларахон гўё уни танимайдигандай, гўё ёнига ўзи ёқтирмаган бир одам

чиқиб олгандай, ҳайкалдай қотиб ўтирар, шофер ҳам қовоғи солиқ, худди Лочин унинг оғзидан ошини тортиб олгандай хўмрайиб олганди. Қларахон чамаси, шоферни чалғитиш учун жўрттага баланд овозда:

— Ҳозир биз борадиган жойга бошқа котиблар ҳам йиғилади, — деди ва қовоғидан қор ёққан ҳайдовчига билдирмай, юмшоқ, иссиқ кафтини секин Лочиннинг қўлига қўйди. — Ўша ерда ҳамма гапни гаплашиб оламиз. Хотирингиз жам бўлсин, улар ҳам ёрдам беришадди Сизга!

Машина Лочинлар тушган меҳмонхонанинг шундоқ ёнидан ўтиб (яхшиям болалар кўринмади) чап қўлдаги тор кўчага бурилди-да, сал юрмай, хилватроқ кўча юзидаги бир қаватли ғиштин уй рўпарасида тўхтади. Уларни Қларахоннинг ўзидан ҳам ёш, бири кўк кўз, малла соч, бири лўли башара икки қиз кутиб олишди.

— Менинг ходимларим, — деди Қларахон ва қизларга Лочинни таништирди. — Бу йигит пойгада биринчи совринни олган қаҳрамонимиз! Меҳмон қилишга тайёرمىсизлар, қизлар?

— Тайёرمىз, тайёرمىз! — чуғурлашди қизлар. Тор йўлакнинг охиридаги хилват хонага камтарона дастурхон ёзилган, бир шиша коньяк билан бир баркаш мевачева қўйилганди. Уларни қарши олган қизлар дастурхон атрофида бир лаҳза парвона бўлишди-ю, иккисини ёлғиз қолдиришди.

Хонанинг деразаларига қалин, кимхоб дарпардалар тутилган, тўрига шойи мато ёпилган қўш каравот қўйилганди.

Лочиннинг вужудини яна бояги, бир-бирига зид ҳадик аралаш жўшқин истак қамраб олди. Қларахон буни сезиб қиқирлаб кулди-да, тўсатдан сансираб:

— Нима бало, қизлар билан ҳеч бўлмаганмисан? — деб сўради. — Ростдан, а? Ҳеч қачон, а? — У нимагадир суюниб, яйраб кетди. — Бўлмаса битта ич!

Лочин, юраги кўксидан чиққудек гурс-гурс уриб, Қларахоннинг қўлидан шишани юлиб олди.

— Йўқ, ичмайман! Сен ҳам ичма!.. Емон кўраман! Қларахон аллақандай талмовсираб:

— Бўлмаса... нима қиламиз? — деб сўради-ю, қизариб кетди.

Лочиннинг энсаси қотди:

— Сен нима мақсадда чақирган бўлсанг — ўшани!..

— Ие? — кулди Қларахон. — Ёввошдан йўғоң, де-

тавдек... Бўлмаса... ваннага кириб чиқ! От ҳиди келяпти сендан. От яхши нарсаю...

Лочин баданини чулғаб олган эҳтиросдан вужуди қақшаб:

— Ҳали шунақа де? — деди ғижиниб. — Отни яхши кўрадилару унинг ҳидини ёмон кўрадиларми? — У Кларахонни даст кўтариб, каравотга отди-да, бор кучи, қақшаб турган вужуди билан уни қучди.

Кларахон унинг болаларча уқувсиз, пала-партиш ўпишларидан безиллаб:

— Шошма, жонгинам! — деб ингради. — Узим... ўзим ўргатаман!

Унинг илтижолари Лочиннинг қулоғига кирмади. У бир неча дақиқа ҳушидан кетган одамдай, ҳамма нарса ёдидан чиқди. Аста-секин ҳушига келиб, уйни, қаерга келганини, қаерда ётганини эслаганда эса йироқдан, назарида жуда овлоқдан Кларахоннинг беҳол овози қулоғига чалинди:

— Тулпор бўп кет, тойчоққинам... Дунё тургунча эслайман, ҳеч қачон унутмайман сени, чопағон тойчоққинам менинг!..

Рост, кечаси алламаҳалда меҳмонхонага кириб бориб, ногаҳон дўстлари даврасига тушганида, айниқса Олтинойнинг бўталоқнинг кўзларидай маъсум, маъёс кўзлари билан тўқнашганида юрагида пушаймонга ўхшаш бир нарса ғимирлади... Узиям роса эшитадиганини эшитди. Айниқса, Салим қилтириқ билан Кумуш-биби ёмон эзишди-ёв, чунки улар ҳам қўрбоши бошлиқ дастурхон ёзишиб, тоза кутишган экан Лочинни.

Эртасига Кларахон кўринмади. Лекин ҳозир телевизорчилар билан келиб қолиши ҳам мумкин. Ажабо, ҳозир Лочин унинг келишини истамас, даставвал дилида йигитлик ғурурини уйғотган ўша кечани эсласа, худди лойқа сувга шўнғиб чиққан одамдек ҳис этарди ўзини!..

... Лочин хаёл оғушида спорт залга яқинлашиб қолганида, чап қўлдаги клубдан Олтиной билан Кумуш-биби чиқишди. Улар Лочинни кўрсалар ҳам, чамаси кўрмаганликка олиб қадамларини тезлаштирган эди, Лочин беихтиёр:

— Олтиной! Кумуш! — деб юборди.

Олтиной гўё бир нимадан қўрқиб кетгандай қадами тизлаштирган эди, Кумуш уни қучиб, қулоғига бир нарса деб шивирлади-да, ўзи чопқиллаб, спорт залига кириб кетди.

Олтинойнинг эғнида вилоятга борганда кийган ва



ўзига жуда ярашган калта, ҳаворанг кўйлак, оёғида пошнаси баланд ҳам эмас, паст ҳам эмас, бежиримгина оқ туфли.

У яқин-яқинларгача мактабда тўпигига тушадиган атлас кўйлакда юрар, ҳатто физкультура дарсларида ҳам бу кўйлагини алмаштирмас, фақат узун лозим ўрнига спортча шалвар киярди. Энди эса... Лочин уни тунов куни бу кийимда биринчи кўриб лол қолган эди, ҳозир ҳам беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди.

Олтиной бу калта, ҳаворанг кўйлакда худди еттинчи-саккизинчи синфда ўқийдиган қизчаларга ўхшар, қадди нозик, бели, тегса чарс синиб кетадиган хипчиндай ингичка, оёқлари (вой тавба!) кянодаги раққосаларнинг оёқларидай узун, айниқса... кўйлагини сал туртаб турган кўкраклари чиройли эди. Улар энди етилган юм-юмалоқ, тигиз, майин шафтолиларга ўхшаб кетди Лочинга. Ҳўзиям, узун сочларини шаҳарчасига турмаклар, кўзлари теграсини хиёл бўяб оптию (Кумушбиби ўргатган!) кўзни қамаштиргудек очилиб кетибди!..

— Олтин! Олтиной! — деди Лочин, беихтиёр овози ўзгариб. — Нега терс қарайсан? Ахир... ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!..

Олтиной, бўйнини «Қалдирғочдай» чиройли буриб қийғоч қаради:

— Ростданми? — унинг кишини ром қилувчи катта-катта маъюс кўзларида болаларча қувонч акс этди: — Ростданми? Ростдан ҳеч нарса бўлмадимми?

— Р-рост — дудуғланди Лочин. — Рост, Олтин!

— Унда... унда мен сизни кечирдим...

— Олтиной! — Лочин ногаҳон қуйилиб келган меҳрдан кўнгли ийиб, қизнинг белидан қучмоқчи бўлди, бироқ Олтиной чаққон ҳаракат билан унинг қучоғидан чиқиб олди. Лочин у билан ёнма-ён бораркан, яна: «Кларахон кеп қолса нима бўлади?» деган ташвишли ўй кўнглидан ўтди.

Улар кирганда деворлари ҳар хил шиорлар, машҳур спортчилар суратлари билан безатилган, бурчаклардаги шкафларда диплом ва совринлар кўз-кўз қилиб терилган катта зал ёп-ёруғ, телевизорбоп ясатилган эди.

Тўрдаги стол атрофида кўкрагига қўш-қўш медалларини тақиб олган Қўрбоши, Салим қилтириқ ва Кумуш нима ҳақдадир қизғин баҳслашиб ўтиришарди.

Чамаси Кумуш билан Салим қилтириқнинг гапла-

рига қўшилмай маънос бош чайқаб ўтирган қўрбоши  
Лочин билан Олтинойни кўриб, чеҳраси очилди:

— Э, келинлар, келинлар, совриндорлар! Ҳа, гап  
мана бунақа бўлти! Чин дўстлар арзиматган нарсага  
қовоқ-тумшуқ қилмасдан, кечиримли бўлишади мана  
шунақа!

Нимаси биландир, эҳтимол шиддатли қорамтир юзи,  
хурпайган, ғайир, бейтоат сочлари, элликдан ошса ҳам  
бақувват, алп қомати учундир, кекса йўлбарсга ўхшаб  
кетадиган бу одам, аслида ёшларга жонини берадиган  
фидойи бир инсон эди. Бир маҳаллар у спортнинг бир  
неча турида донг чиқарган, енгил атлетика бўйича эса  
жумҳурият чемпиони даражасига кўтарилган, шу боис,  
Лочинлар учун унинг оғзидан чиққан гап қонун эди.

Қўрбоши ўз шоғирдларининг мақсадини — ҳозир  
телевизорчилар ва шоирлар билан бўладиган учрашув-  
ни сиёсий баҳсга айлантирмоқчи эканликларини эшит-  
ган ва тўғриси айтганда, бундан безовта эди.

Соҳиб ака — қўрбоши буни очиқ айтди.

— Йўқ, у ёшларнинг нияти ёмон демоқчи эмас, ак-  
синча, буни эшитиб, ҳурмати ошди, чунки адолат ва  
ҳақиқат учун кураш инсонни улуғловчи энг олижаноб,  
энг юксак фазилат эканини яхши билади. Қўрбоши ўзи  
ҳам жумҳуриятда содир бўлаётган ноҳақликлардан қат-  
тиқ изтиробда. Чунки кўзбўямачилик баҳона, ҳақиқий  
юлғичлар қолиб, ҳалол, бегуноҳ одамлар тухматга  
учраётганини яхши биларди. Шулардан бири Суюн бур-  
гут бўлса... Унинг бошига ҳам не ташвишлар тушмади.  
Лекин ҳалол экан, қўлларидан ҳеч нарса келмади. Де-  
мак, тухматнинг умри қисқа, ҳақиқат эгилади, аммо  
синмайди, деган гап рости. Бургут эса синмоқ тугул,  
эгилмайди ҳам!.. Гап шу ерга келганда қўрбоши ер  
остидан Лочинга бир қараб олди. Гарчи устоз меҳр  
аралаш ташвиш билан гапираётган бўлса ҳам, Лочин  
уни ёқтирмай:

— Гап меннинг отамда эмас! — деб тўнғиллади. — Бу-  
тун эл хор бўляпти-ку, ахир!

— Биламан, болам, биламан, — қўрбошининг овози  
янада мулойимлашди. У аввалгидан ҳам секинроқ, аммо  
ундан ҳам самимийроқ оҳангда давом этди. Уни бир  
нарса қаттиқ ташвишга соляпти. Авваламбор, улар, яъни  
Лочинлар жуда истеъдодли ёшлар. Истеъдод соҳиблари  
эса, айниқса, ўзларини спортга бағишламоқчи бўлган  
ёшлар унча кўп эмас. Хуллас, устоз шундан қўрқяптики,  
улар сиёсатдон бўп кетиб, ўз қобилиятларини жувон-

марг қилиб қўйишмасмикин, негаки, спорт билан сиёсат сув билан оловдек бир-бирига душман. Спорт, худди санъатдек, кишидан бор кучи, қобилияти, иродасини бус-бутун бахшида этишини талаб қилади. Бу — биринчи. Иккиламчи, келадиган адиблар, телевизорчи ва мухбирлар кимлар? Синашта одамлар эмас-ку? Меҳмонлар яхши кишилар бўлишса-ку, нур устига нур, башарти ораларида бирорта айғоқчиси бўлиб, бу ерда бўладиган қалтис суҳбатни тегишли жойларга етказса-чи? Ва, ниҳоят, улар жазм этган баҳсни туман ва вилоят раҳбарлари қандай қабул қилишади? Маъқул тушадими уларга, йўқми? Ахир, Лочинлар ўқишга боришлари керак-ку ҳали!

Шу ерга келганда Лочин тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан туриб кетди.

— Виждон-чи, виждонни нима қиламиз, устоз?

Қўрбоши ҳорғин бош чайқаб:

— Виждон амрига бўйсуниб яхши, — деди ва қаттиқ уф тортди. — Умуман мен сенларни виждонларингга қарши боришга чақираётганим йўқ. Мен фақат... олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деган нақлни ҳисобга олиб, иш тутишга чақирмоқчиман, холос.

— Биз бўлсак... — деди Лочин лаблари титраб. — Биз сизни отни юрагидай юраги бор деб ўйлардик...

Қўрбошининг лаблари ҳақоратланган боланинг лабларидай пирпираб уча бошлади:

— Энди билсаларинг, Йўлбарс деганларинг қуён чиқди. Шунақами?

Салим қилтириқ Лочинга ўқрайиб қаради.

— Сен ҳам жа-а ошириб юборасан-да!

— Бу ўзи шунақа! Принсипал! — пичинг қилди Кумуш.

Шу пайт ташқарида машина овози эшитилди, кетмакет:

— Келишди, келишди, — деган шов-шув ва дупир-дупир оёқ товушлари қулоққа чалинди.

Кимдир «телевизорчилар қани? Телевизорчилар йўқ-ку?» — деди ҳафсаласи пир бўлиб.

Қўрбоши ўрнидан тураркан:

— Хўп майли, бу ёғи вазиятга қарайлик, — деб қўйди.

Спорт залига беш олтига ёшлар қуршовида телевизорда кам чиқадиган, аммо таниқли, ёш бўлса ҳам соқол қўйган паканагина шоир билан елкасига чарм сумка

осиб олган жиккаккина, абжиргина бир йигитча кириб келишди.

Лочин кўзлари олазарак бўлиб эшикка тикилди. Йўқ, Кларахон кўринмасди. «Хайрият, келмапти. Бир ҳисобдан келмагани ҳам яхши!» — деди ичида, лекин кўнглининг бир четида, «нега келмадийкин?» деган нотинч бир ўй ҳам ғимирлади.

Елкасига қандайдир қора чарм тўрва осиб, қўлига микрофони ушлаб олган абжир йигитча (у мусобақа пайтида ҳам оёқ остида ўралашиб юрганди) атрофини қуршаб олган ёшларга қараб:

— Ҳозир, ўртоқлар, ҳозир, ҳаммасини тушунтириб берамиз, ҳаммасини! — деб билдирларди, сўнг пешвоз чиққан устозга:

— Э, домла! — деб хитоб қилди-да, ёнидаги серсоқол шоирга юзланди:

— Бу киши шу ажойиб командани вояга етказган машҳур тренер... Соҳиб ака...

— Жамолов, — деди кўрбоши.

— Ҳа-ҳа, Соҳиб ака Жамолов бўладилар. Танишиб қўйинг, шоир!

Нисбатан ёш бўлса ҳам жингалак сочларига қиров қўниб, соқол қўйиб олгани учун бўлса керак, ёшига нисбатан хийла катта кўринадиган таниқли шоир аллақандай ийманиброқ аввал устоз билан, кейин бошқа ёшлар билан битта-битта қўл бериб кўришди. Унинг қўли қизларнинг қўлидай юмшоқ ва кичкина эди. Лочин ўзи билмаган ҳолда қўлини қаттиқроқ сиққан экан, у «иҳ», деб кулди-да:

— Бунақа бўлмайди-да, укажон! — деди, қўлини ишқаб. — Чемпион дегани сал раҳмдилроқ бўлади-да, дўстим!..

Жиккак мухбир устозни қўлтиғидан олиб четроққа тортаркан:

— Холироқ бир жой борми? — деб сўради. — Бор бўлса, совриндорларни олиб ўшатга кирайлик, гап бор, — шивирлади у, бошини аллақандай сирли ликиллатиб.

Ҳаммаси устознинг кабинетига киришди, мухбирнинг сирли шивирлаши аллақандай бежо эди. Ўртада гўё нотинч бир шарпа ғимирлаб қолди.

Эшик очиқ қолган экан, мухбир:

— Эшикни ёпинг, ука! — деди Лочинга. — Қани, ўтирайлик, ўртоқлар. Гап шундаки, ўртоқлар, телевизорчилар келмайдиган бўлишди.

— Нега? — деди Лочин бетоқат.

— Негаки... — мухбир чайналди. — Совхозларинг нотинч эканми?

Лочин, гарчи отасини ҳозиргина уйда кўрган бўлса-да, юраги шув этиб кетди. У ўзини аранг босиб:

— Совхоз нотинч деб ким айтди сизга? — деди ўдагайланиб. — Мен мана шу совхоз... совхоз директорининг ўғли бўламан! Керак десангиз, отамни чақриб келаман ҳозир.

Мухбир довдирай бошлади.

— Э, кечирасиз, укажон! Биз билмасак. Район раҳбарлари шундай дейишди. Агар очигини айтсам, укажон, нафақат телевизорчилар, ҳатто биз, радио вакилларига ҳам бу ерга келишни, яъни сизлар билан суҳбат ўтказишни маслаҳат беришмади. Бу кишига раҳмат денг. Шунча гапга қарамасдан, мана, сизлар билан суҳбат қурғали келдилар! — деди жиккак мухбир шоирга имо қилиб.

Лочин асабий кулди.

— Раҳмат! Жуда катта меҳрибонлик кўрсатибсизлар!

— Пичинг қилманг, укажон, — деди мухбир астойдил ранжиб, — мен-ку оддий бир мухбир. Аммо бу кишини танимайдиган одам йўқ жумҳуриятимизда. Халқимизнинг севикли фарзанди бу киши.

Серсоқол шоир ўйғайсизланиб томоқ қирди.

— Қизишмайлик, дўстлар. Ҳақиқатан туманимиз катталари бизнинг бу ерга келишимизга рўйхушлик билдиришмади. — У шундай деб, Лочинга бир қараб қўйди. — Илоҳим юртларинг тинч бўлсин, укажон. Доим тинч бўлсин. Аммо, қандайдир тергов кетяпган эмишми?..

Лочиннинг хаёлидан «Анов ифлос Клара шунинг учун келмаган!» — деган фикр яшиндай ялт этиб ўтди-ю, ўзидан ижирғаниб кетди. У бидирлоқ мухбирчани силтаб ташламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Олтиной кулчадай юм-юмалоқ юзи лов-лов ёниб:

— Туҳмат ҳаммаси! — деб хитоб қилдию кўзига ёш олди. — Яхшиликка ёмонлик. Бултур бизнинг қўрамизга ўт тушиб олти юз қўйимиз нобуд бўлган эди. Шунда... директоримиз Суюн ака, жўжабирдай укаларимни етим қилмай деб, отамларни қаматмай элдан ёрдам сўрадилар. Эл беш юз ўрнига, олти юз қўй тўплаб берди...

— Директоримиз ўзлари юзта қўй бердилар ўшанда! — одатда кесиб-кесиб гапирадиган шадлод Кумушбиби

бу сафар ҳаяжондан энтикиб-энтикиб гапирди. Қизнинг сўзини Салим қилтириқ илиб олди.

— Агар шу директоримиз бўлмаганда бу спорт зал ҳам, клуб ҳам, ғишт заводиям, янги уйлар ҳам — ҳеч нарса бўлмасди!..

Қўрбоши ер остидан шоирга кўз ташлади:

— Агар вақтингиз бўлса, тоққа чиқиб, ўша чўпонлар билан бир гаплашиб кетсангиз, ҳақиқат қилишга ёрдам берсангиз, кўп савобли иш бўларди, укажон.

Шоир, қиров қўнган жингалак сочларини силаб-силаб:

— Билмадим, — деди чайналиб. — Албатта яхши бўларди, аммо... лекин... шу кунларда Москвага кетишим керак. Қолаверса... тергов органлари нима дейишаркин? Бизнинг ишимизга аралаштишга ким ҳуқуқ берди, дейишлари мумкин улар...

Бусиз ҳам бетоқат бўлиб питирлаб ўтирган Салим қилтириқ:

— Қойил! — деб хитоб қилди-да, шартта ўрнидан туриб кетди. У тураётганда стол қийшайиб ағдарилди, гул солинган кўза ерга тушиб чил-чил синди.

— Э, кечирасизлар!

— Майли, майли, ҳечқиси йўқ!

— Туф денглар! Келган бало шу кўза билан кетсин! — деди устоз. Мухбирча ҳам шартта ўрнидан туриб:

— Йўқ, бу аҳволда суҳбатлашиб бўлмайди! — деб ўдағайлаган эди, шоир уни қўлидан ушлаб, жойига ўтқазди.

— Гапиринг, ука, гапираверинг!

Сал ҳовридан тушган Салим қилтириқ ийманиброқ гап бошлади:

— Тўғриси айтсам... гап фақат бизнинг совхозда эмас, шоир ака! Бутун элимиз оёқости бўлди-ку ахир? Ё чиқаётган мақолаларни ўқимаяпсизларми? Чин порахўрлар, чин юлғичлар эмас, бутун ўзбек халқи порахўрлик касалига мубтало бўлган эмиш! Мен сизлардан сўраяпман, жон акалар, ўқиганмисизлар бу мақолаларни ё ўқимаганмисизлар?

Шоир итоаткорона бош ирғаб:

— Ўқиганмиз, ўқиганмиз, — деб тан олди.

— Ўқиган бўлсангиз... сабаб, нега сукут сақлайсиз? Фақат сиз эмас, бошқа адиблар, бошқа зиёлилар қаерда юриштипти? Наҳот бу шўрпешона халқни ҳимоя қиладиган бир мард топилмаса?!

Жиккак мухбир ҳамон питирлар, кўзлари бежо, ҳа-

деб эшикка қарар, сочлари қиров шоир эса худди шафқатсиз ҳукми кутаётган жиноятчидай бошини эгиб ерга қараб ўтирарди. Мухбир тоқати тоқ, нимадир демоқчи эди, Лочин оғзидан гапини олди:

— Йўқ, эл эмасмиз биз! — деди у бўғилиб. — На ғурур бор бизда, на иззат-нафс!.. Қани... грузинларга тегиб кўрсин-чи ўша бўҳтончи журналистлар, аллақачон кўзғолон қилиб юборарди бу халқ!

Олтинойнинг ёнида ўтирган Кумушбиби шоирга яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Мен Лочиннинг гапларига тўлиқ қўшиламан! — у нафаси етмай энтикди. — Мана сизлар, адиб ва журналистлар, айниқса сиз, — Кумушбиби шоирнинг номини айтди, — айниқса сиз марказий матбуотда босилаётган бу бўҳтон мақолаларга қарши нима қилардингиз? Бирорта мақола ёздингизми?

Шоир дир-дир титрай бошлаган қўлларини қаёққа яширишни билмай:

— У, синглим, синглим! — деб хўрсинди. — Сиз ўйлайсизки, бизни бу ноҳақликларга куймайди деб, ачинмайди деб! Биз ҳам шу элнинг фарзандларимиз. Аммо... масала сиз ўйлагандан минг чандон мураккаб, минг чандон қийин! Узи шундай бўларкан. Урмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнаркан. На чора, синглим?

— На чора дейсиз? — Олтиной гапиролмай яна кўзига ёш олди. — Начора деб, қўлни қўлтиққа уриб, ўтираверасизларми? Ахир... эл-юрт сизларга суянади-ку? Бизнинг дардимизни сиз ёзувчилар, зиёлилар, журналистлар айтмаса ким айтади?

Шоир, ҳамон боши хам, оқ аралаш чўққи соқолининг учларини лаблари билан ҳимариб, сукутга кетганди.

Жиккак мухбир унга ёрдамга шошилди:

— Уртоқлар! Азиэ ёшлар! Биз сизларнинг ёниб айтган бу сўзларингизга тушуниб турибмиз. Аммо — лекин бу мавзу бугунги мақсадимизга зид! Биз бугун батамом бошқа ниятда, яъни сизларнинг спорт соҳасидаги галабаларингизни бутун жумҳуриятга пропаганда, яъни ташвиқот қилгани келганмиз! Тўғрими, домла? — у аллақандай мунғайиб, бўлаётган гапларга жимгина қулоқ солиб ўтирган устозга юзланди.

Қўрбоши елкасини қисди.

— Билмадим, ука. Ҳарқалай, бу ёшлар ҳамманинг тилида ва дилида юрган гапларни айтишяпти. Тўғриси айтсам, мен авваламбор жумҳурият раҳбарларига ҳай-

ронман, — деди у тобора қизишиб, — марказдан келган бир гуруҳ каззоблар истаган номаъқулчиликларни қилишяпган эмиш. Одамларни уриб, майиб қилаётган эмиш! Эркаклар қолиб аёлларни, мансабдорлар қолиб, шўрлик бригадирлар, звено бошлиқларигача қамашаяпган эмиш! Раҳбарларимиз қаёққа қараб ўтиришипти? Улар нега сукут сақлашади?

Салим қилтириқ пичинг қилди:

— Раҳбарларимиз ўзлари қалтираб юришган эмиш! Абжир мухбирча, ўтирган жойида оёғи куйган товуқдай питирлаб ўрнидан туриб:

— Уртоқлар! Раҳбарларимиз бошига ҳуда-беҳуда тош отмайлик. Булар-ку, ёшлар, сизга нима бўлди, домла? — деди.

— Мен нима ҳам дейман? — деди устоз. — Уйлайманки, бу ёшларнинг гапида жон бор.. Булар куйганидан айтишяпти бу гапларни!

— Уртоқлар! Азиз ёшлар! — мухбир ғала — ғовурни босишга уриниб, қўлидаги микрофонни ҳавода силкитганча ўтирганларга илтижоли нигоҳ ташлади. — Менингча, ҳурматли адибимизга отилаётган тошлар адолатдан эмас! Кеча мен ўз қулоғим билан эшитдим. Бу киши сизларнинг раҳбарларингизга жуда қаттиқ гапларни айтдилар. Башарти совхоз нотинч бўлган тақдирда ҳам, яъни тергов кетаётган ҳолатда ҳам, ота учун бола жавоб бермайди, дедилар бу киши. Хуллас, мен нима демоқчиман, ўртоқлар! Мен демоқчиманки, биз ҳозир спорт соҳасида эришган ғалабаларингиз ҳақида суҳбат қуриб, уни магнитофонга ёзиб олайлик. Мен ваъда бераман: районингиз раҳбарлари нима демасин, бу суҳбат эфирга чиқади. Бутун жумҳурият эшитади уни!

Лочин унинг гапини шартта бўлди:

— Кечирасизлар. Мен бу суҳбатда иштирок этолмайман!

Маҳмадона мухбирнинг гапидан кўнглига ғулғула тушиб, аранг ўтирган Лочин шитоб билан залдан отилиб чиқди. Лекин майдон охирига борганда орқадан:

— Лочин ака! — деган овоз келди.

Олтиной! Лочин беихтиёр тўхтади. Олтиной чопқвллаб келиб, унинг рўпарасида тўхтади.

— Тунов куни отам айтувдилар. Шу гапни... Суюн акамларга айтиб қўйсангиз...

Лочин қовоғини солди.

— Қайси гапни?



— Отам... отам айтдиларки, Суюн бургут ҳамма айбни ўз бўйнига олавермасин. Мен ҳам ўз гуноҳимга ўзим жавоб бераман, дедилар.

Яқиндаги чироқ шуъласида Олтиной боягидан ҳам нозик ва аллақандай меҳрга муҳтож, ожиз кўриниб кетди кўзига. Лочин унинг илтижо билан порлаб турган маъсум нигоҳига кўзи тушдию гуноҳкорлик туйғуси аралаш чексиз бир меҳрдан юраги ийиб, қизнинг белидан кўрқинқираб, аста қучди. Ҳақиқатан Олтинойнинг бели хипчиндай ингичка ва итоаткор, кўкраклари энди етилган шафтолидай юм-юмалоқ, майин, тигиз эди.

— Битта ўпсам майлими, Олтиним, Олтинойим менинг?

Олтиной ҳамон ўша маънос кўзлари порлаб, секин деди:

— Боя айтган гапларингиз рост бўлса... Анов Кла-рахон билан ораларингда ҳеч нарса бўлмаган бўлса... майли!..

## VII

Ветеран билан Бибисора момо тонг чоғи йўлга чиқишди. Ветеран бир неча йил аввал пенсияга чиқаётганида беришган янги «Волга»сининг рулига ўзи ўтирди. У машина ҳайдашни урушда ўрганган, кейинчалик катта лавозимларни эгаллаганда ҳам шахсий шоферни ўрнига бот-бот ўзи ўтириб, ўзи ҳайдашни яхши кўрарди. Лекин у пайтлар бошқа экан, ҳозир бошқа. У биринчи кун, гарчи йўлда тез-тез тўхтаб, чой ичиб, дам олса-да, кечқурунга бориб анча ҳориб қолдию вилоят марказида (бу вилоят Суюн бургут яшайдиган вилоятга чегарадош, лекин Маржонтовдан узоқроқ, камида яна юз-юз эллик чақирим юриш керак эди) бир маҳаллар Марказқўмда бирга ишлаган, ҳозир эса Ветеранга ўхшаб, фахрийлар сафига қўшилган оғайнисиникида тунади. Оғайниси Ветерандан бир неча ёш кичик, аммо ичидан пишган, бургани тақалашга қодир қари туллак эди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган бу одам пенсияга чиққач, туман фахрийларига раҳбар бўлиб олибди. Оғайниси Ветеранни кўриб аввал аллақандай талмовсираб қолди, кейин шоша-пиша қўш табақали темир дарвозасини очаркан: «Ҳайда, машинангни! Ҳовлига қамал!» деди катта кўча томонга қарай-қарай.

Ветеран оғайнисининг бу хатти-ҳаракатини кейин тушунди. Улар алламаҳалгача қулоқларини қулоқлари, оғизларини оғизларига қўйиб отамлашишди. Оғайниси-

нинг айтишича, бу вилоятни ҳам Москов терговчилари босган, юрт беҳаловат, ҳаммаёқ алғов-далғов экан. Оғайниси шуни айтиб:

— Сен билан биз бахтли одамлар эканмиз! — деди шивирлаб. — Хўп вақтида ишни йиғиштириб, тўғрилаб олган эканмиз пенсиямизни, эса... мансабга қизиқиб ўтиравеганимизда ким билсин, нима бўлардик, биродар?

Бу гап Ветераннинг кўнглига ўтирмади:

— Йўқ, — деди у улкан, оппоқ бошини чайқаб. — Сен билан биз ишлаган вақтимизда пора нималигини билмас эдик, оғайни. Демоқчиманки, бировнинг ҳақиғга хиёнат қилмаган бўлсак, ўзимиз ҳалол бўлсак... қайси гуноҳларимиз учун жавоб берардик?

Оғайниси кўнглида: «Э-э... ҳалиям юрган экансан чучварани хом санаб, азизим! Буёқларда нималар бўлаётганини билмас экансан?» — деди-ю, бироқ бу тўпориқ одамнинг дилига озор беришни истамай, бўзига келган гапни ичига ютиб кўяқолди.

У кўп нарсани билар, куни кеча оғайнисининг куёви — Маржонтов деган машҳур чорва совхозининг директори қамалганидан ҳам бохабар эди. Оғайниси ичида ундан ранжиди, ҳатто ҳадиксирай бошлади. «Ким билсин, битта-яримтаси куёви қамалиб, шогирди шубҳа остига олинган бу қоқбош унинг уйида тунаганини кўриб қолиб, районда изғиб юрган терговчиларга етказса... улар бунга қандай қарашади?»

Шу боисдан Ветеранни бошдаёқ ҳадиксираб кутиб олган фахрийлар бошлиғи, эртасига уни тонг отмасдан уйғотди, бир пиёла чойни наридан-бери ичириб, гираширада йўлга солиб юборди...

Буни пайқаб қолган Ветеран аввал оғайнисидан ранжиди, лекин кейин ўйлаб қараса, унинг шундай қилгани бир жиҳатдан яхши бўлган экан, Маржонтовга барвақт етиб боришди...

Маржоной билан Лочин Суюн бургутдан хабар олгани шаҳарга кетишган экан, эшикни юзи кулчадекки-на, истараси иссиқ бир қизалоқ очди.

Қизалоқнинг айтишича (Момо уни кўриши биланоқ «Айланын Олтиним, оппоқ қизим, Олтиним!» деб айланиб-ўргилиб қолди.) Маржоной билан Лочин учкундан бери ҳар куни шаҳарга қатнар, тонг отмай кетиб, кун ботганда қайтишар экан.

Олтинийнинг гапидан кейин Момо бирдан оҳ-воҳлаб, оқсоқланиб қолди. Қизалоқ унинг қўлтиғига кириб, ҳовлига бошлади.

Ветеран машинани бостирмага қўйиб, уйга кирганида, Бибисора момо қизалоқни бағрига босиб, тебраниб ўтирар, у алланималарни айтиб, гўё ўлган одамни йўқлагандек йўқлаб йиғлар, унинг гапларига тушуниб бўлмас, бироқ овозининг ўзиёқ юракни зир титратарди.

Ветеран унинг ёнига ўтириб, тасалли беришга чоғланган эди, момо ёшига мос тушмайдиган бир чаққонлик билан қизалоқни бағридан қўйиб юборди-ю, кўзлари совуқ чақнаб:

— Бор! — деди сенсираб! — Этагимга ёлишавермай... бор анов куёвимди қамаганлара! Совет ўкиматининг устини бўлганман, босмачилар билан олишиб, шу ўкиматнинг хизматини килфонман деб мақтанувчи эдинг. Бетерансан! Недан қўрқасан?

Ветеран икки қўлини кўксига қўйиб, ёлворишга тутинди:

— Шошма, момо, бораман. Ҳамма идораларга кираман. Худо хоҳласа...

Момо чолига ялт этиб қаради.

Ҳа, худо бор! — деди у Ветераннинг гапини бўлиб.— Худони тилга олмас эдинг, бундан буёғи уни эсингдан ширарма, Бетеран!

Ветеран итоаткорона бош ирғади.

— Хуллас калом, бу ишнинг орқасидан тушаман, хотиржам бўл, моможон! Маржоной келсин, нима бўлди, нима қўйди, билайлик. Сабр қил, Бибисора...

Бибисора момо унинг гапларига қулоқ солмай, ерни икки қўллаб муштлаганича, яна йўқлашга тутинди:

Айланайин, Маржоной,  
Қайда қолдинг, Маржоной?  
Тилаб олган ёлғизим  
Сўраб олган юлдузим,  
Сенга келган бу бало,  
Менга келса бўлмасма,  
Сўраб олган юлдузим,  
Тилаб олган ёлғизим?

Момога қизалоқ ҳам қўшилди-ю Ветеран юраги вайрон бўлиб секин ўрнидан турди.

Ҳовли бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди. Угай бўлса ҳам туғишган қизидай яхши кўрган Маржоной, шу ерда ўнинчи синфда ўқиб юриб, Суюн билан қочиб кетганда, дод деб пешонасига урган Шербўта Норбўтаев аста-секин кўникиб кетганди. Кейинчалик эса ҳар йили ёзда

Маржонтовга келиб, куёви Суюн бургут Момо иккисига қуриб берадиган оқ ўтовда бир-икки ой дам олиб, қимиз ичиб, ҳордиқ чиқариб кетадиган бўлганди. Келган-кетганида момо иккиси бир кун, ярим кун шу ҳовлига тушардилар. У маҳалда саҳни камида ярим гектар келадиган бу боғ-ҳовли бамисоли жаннатдай яшнаб ётар, ўртадаги ёғоч сўри атрофига экилган хина, райҳон, гултожихўрозлар ҳовлига ажиб бир гўзаллик бахш этарди. Ҳозир бу гуллар ҳам, гуллар ортига экилган ламилдори ва қалампирлар ҳам — ҳаммаси қуриб-қовжираб қолган, дарахтлар ҳам, худди Суюн бургутга мотам тутгандай, шумшайиб турар, териб олинмай ерга тўкилган олма, беҳи ва олхўрилар бедазорда гилам бўлиб ётарди.

Ветеран, уй олдидаги ўрик тагига ўрнатилган катта сўрининг чеккасига омонатгина ўтириб, оғир хаёлга толди. Одатда, ҳар сафар улар келганда, Маржоной кечқурунлари ҳовлига сув сепиб, бу сўрига гилам, устига қат-қат кўрпачалар ёзиб, юмшоқ пар ёстиқлар ташлаб қўяр, Ветеран шу ёстиқларга ёнбошлаб, ўқимаган китоби, қизиқмаган нарсаси йўқ невараси Лочин билан гурунглашишни яхши кўрарди. Шўрлик Лочин! У отасини жонидан ҳам яхши кўрар, улар ота-бола эмас, сирдош-маслакдош икки оғайнига ўхшашар эди. У ҳам онасидан беш баттар қовурилиб, адойи тамом бўлгандир?

Ветераннинг хаёлини ёш боланинг «Ветеран бобо!» деб чақирган овози бўлди. Дарвозадан кирган жойда етти-саккиз яшар, юм-юмалоқ, хўппа семиз бир бола унга тикилиб турарди.

— Хўш болам? — деди Ветеран ҳайрон бўлиб.

— Сизни бобомлар чақиряптилар! — деди болакай, овози қўнғироқдай жаранглаб. — Ош тайёр, кеп ош еб кетсинлар, дедилар.

— Қайси бобонг?

Болакай, гўё менинг бобомни танимайдиган қанақа одамсиз, дегандай лўппи юзида аранг кўринган митти бурнини жийриб:

— Бобом-да, Мансур бобомлар! — деди.

— Ҳа... Мансур меш де, ўғлим?

— Ўзингиз меш! — болакай шундай деб тура қочди, сўнг кўчадан «Ўзингиз меш! Ўзингиз меш!» деб калака килган овоз эшитилди.

«Бу мешқорин менинг келганимни қаёқдан билди? — ҳайрон бўлди Ветеран. — Ер тагида илон қимирласа

билади бу қари тулки! Чамаси ё машинамни кўриб қолган, ё битта-яримтаси етказган!»

Ветеран Мансур мешни кўпдан буён, вилоят кўмитасининг котиби бўлиб юрган чоғларидан бери яхши билар, бир маҳаллар оралари ёмон эмас эди. Кўз очиб кўрган хотини оламдан ўтиб бир қиз, бир ўғли билан бева қолганида, унга Бибисора момони топиб берган ҳам мана шу Мансур меш эди! Рост, ўрнини Суюн бургут эгаллаганидан бери у ҳар келганида меҳмон қилмай жўнатмайдиган Мансур меш кўришишни ҳам истамади.

Ветеран бир оз иккиланиб ўтиргач, собиқ директорникига чиқишга аҳд қилди. Ҳарқалай, бу қари тулки бу ердаги ҳамма ишлардан хусусан, қуёви Суюн бургутнинг бошига тушган маломатдан бохабар бўлмоғи керак. Қуёвигача чоҳ қазиганларнинг бири ҳам шу мешқорин бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Нима бўлганда ҳам душмanning сиртида бўлгандан ичида юрган яхши, кўнглида нима бор — билиб қўйган яхши.

Ичкаридан ҳамон момонинг дийднёси эшитилар, бироқ энди кампирнинг овози йиғидан бўғилган, ночорлашган эди.

Мансур меш, кўча юзига қурган катта сўрсиди қорнини чарм тўрвага солиб, тўрва боғичларини бўйнига осиб, қат-қат кўрпачалар устида ёнбошлаб ётар, унинг доимий ҳамроҳи, «Девонаи ростгўй» деб донг чиқарган шахсий қизикчиси, паканагина кўса сўри атрофида пилдираб хизмат қилиб юрарди. Мансур меш ветеранни кўриб қўзғалмоқчи бўлганди, кўса:

— Э, қўзғалманг, хўжайин, қўзғалманг! — деб қирлаб кулди. — Сиз қўзғалсангиз ер курраси бир томонга оғиб, ҳаммамиз асфаласофинга кетамиз, жон хўжайин!..

Мансур меш қовоғини уйиб ёлғондан дўқ урди:

— Қирқ йил қирғин бўлиб, ҳамма қирилиб юрса ҳам, сен тегирмондан тирик чиқасан! Бор, ишингни қил, кўса!

Ветеран, Мансур меш билан салом-алиқ қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашган эди, гапга яна кўса аралашди:

— Э, хўжайиннинг ишлари ҳаминша беш! Ҳалиги... зўрники тегирмон юргазади, деган гапни биласиз-ку, меҳмон! Хўжайин ҳам шўтта ётиб, бутун вилоятни юргизиб ётиптилар! Хи-хи-хи! Битта олдимми, хўжайин?

Мансур меш, хўжакўрсинга жаҳли чиққан бўлиб:

— Оғзинга келганини гапираверасанми, қариб қу-

Йилмаган, кўса! — деб ўдағайлади. — Айтдим-ку, бор, чой-пой келтир, деби!

Кўса қўлларини кўксига қўйди.

— Хўп бўлади! Пошшойи оламнинг сўзи амри вожиб! Ҳозир гатоп қиламиз, аъло ҳазратлари!

Мансур меш кўкрагига осилиб тушган бақбақасини мамнун силаб:

— Тили ёмон, эси пастнинг! — деб кулиб қўйди. — Худо уриб, пайғамбар асоси билан туртган бир ғариби нотавон! Ҳайдаб юборай дейман-ку, бекорчиликда эрмак... Ҳазил қиламан, деб ҳаддидан ошиб кетади, тентак!..

— Ҳайдаб нима қиласан? — деди Ветеран. — Ҳамма подшоларда ҳам бўлган бунақа масхарабозлар!

Мансур меш қорнига кийдирилган чарм тўрвачани кўтариб, бир қимирлаб қўйди.

«Епирай, бурунгидан ҳам семириб фил бўп кетипти-ку бу «пошшойи олам?» Қандай юради, қандай яшайди?»

Мансур меш «эски қадрдонига» ўғринча бир қараб қўйди:

— Хў-ўш, «Маржонтов»га кеп қоптилар. Қайси шамол учирди?

«Бурганинг кетини кўрган айёр! Гўё менинг нима учун сарсон бўп юрганимни билмайди!»

Ветеран юзига қон қуйилиб:

— Шу гап нима керак, Мансурвой? — деди, ўзини аранг босиб. — Ё куёвим Суюн бургутнинг бошига тушган маломатдан беҳабармисан?

Мансур меш ётган жойида бир тебраниб олди:

— Ҳа, Бургутга қийин бўлди-ёв! — деди Ветеранга қарамай. — Тунов куни Московдан келган прокурорлар тинтув қилди кўрасини! Шу ишга аралашмай деб, жаллиниб-жалварсам-да, ғувоҳ бўласан, деб қўйишмай олиб чиқишди. Сенга ёлғон худога чин, биродар, сира кўнглим тортмағон эди бу ишга, аммо «йўқ», деб бўладима бу прокурорларга?.. Гапнинг пўст калласи... анча пул чиқди! Пул ҳам майли, олтин чиқди куёвингди кўрасидан!

Ветеран юраги орқасига тортиб:

— Олтин! — деб хитоб қилганини ўзи ҳам билмай қолди. — Олтин қаёқдан келади уларга?

— Олтинки, бояги... оқинчоқ-тақинчоқларни айтаман! — деди Мансур меш. — Қизинга-да ҳайронман. Ақлли жувон! Қайдан ўч бўлди бу чиркин зеби-зийнатлара! Сира-пира деганди бирлаб ол, санаб ол! Бир тўрва

чиқса-я? Камида бир кило келади! Боз устига бир халта пул! Хўп, барака топкур, шунча пул, шунча тилло жиғибсан, отхона-потхонага жашир! Жерга кўм! Тилла буюмлар сандиқдан, пуллар кўрпа орасидан чиқса бўлама?

«Бир тўрва олтин»ни эшитиб, ўз қулоқларига ишонмаган Ветеран, коса тагида ним коса борлигини англадию бирдан портлади:

— Ҳалолдирки, сандиқда сақлаган! Гувоҳ бўлган одам... Ёлғон гапирасан! Ўзинг сира-пира дейсан-у, тагин уялмайин олтин дейсан! Олтин эмас, Бибисора билан марҳум қайнонасидан қолган узук-жузук бу!

Мансур мешнинг жир босган қовоқлари тагида симобдай милтираган қисиқ кўзлари ярқ этиб очилдию, филнинг оёқларидай йўғон, калта оёқларини хонтахта тагига узатиб, аранг қадрини ростлаб ўтирди.

— Сен... Норбўтайип! Менга ўшқирма! — деди у гўдакнинг бошидай сарғиш тук босган қорамтир муштини тугиб. — Тўғри сўз туғишқанингга ёқмайди! Мен сенгаям, анов шогирдинг, вилоят қўмитасининг биринчи котибигаям бултур кўклам айтғонман: бекорга қияпсанлар бу ишни деганман! Суюн бургут, бургут бўлмоқ тугул шер бўлса-да, эплаёлмайди бу ишти, дегонман! Ёшлиқ қилади дегонман! Йўқ, гапимга кирмадинглар! Мансур қариса-да, ўрнини бергиси келмаяпти деб ўйладинглар ҳамманг! Мана, не бўлди энди? Охири вой бўлдима, йўқма?

Ветеран безгак тутгандай қалтирай бошлади.

— Нафасингни совуқ қилма, Мансурвой. Пок йигит, ҳалол йигит куёвим Суюн бургут!

— Пок жигит, ҳалол жигит! — Нафаси етмай ҳансиради Мансур меш. — «Алвасти сой»да қўра жониб, жетти юз қўй ўлди! Укуматдан яшириб, ёпғилиқ қозон ёпғилиқ қилиб жуборди — бу ҳалол куёвинг! Пора бериб, мени жиқитиб, директор бўлди бу ҳалол жигитинг!

— Кимга пора беради?

— Ҳа, билмеймин де? Ҳеч нарсани билмеймин де, айёр болшебик? — Мансур меш, қат-қат бақбақаларини силкитиб, ёқимсиз кулди-да:

— Кимга бўларди? — деб хириллади. — Уни директор қилган ким? Ким бўлса, шунга берди порани! Эллик минг пора бериб директор бўлгон бул ҳалол куёвинг! Маълумот бор прокурорларда. Ҳамма маълумот! Ушал порахўр шогирдинг ҳам қамалади ҳали!

Ветеран дабдурустан гап тополмай довдираб қолди.

Миясини эса афсус-надоматга тўла аламли ўйлар шафқатсиз пармалади: «Ҳа, нега қари фирибгарнинг гапларидан дарғазаб бўласан? Нега дағ-дағ титрайсан? Илоннинг ёғини ялаган бу иғвогарни лавозимларга кўтарганлардан бири ўзинг эмасмисан? Вилоятда котиблик қилганингда қўллаб-қувватлаб, катта йўл очиб бермаганмидинг бу туллакка?»

У хонтахтадаги бир пиёла яхнани симириб, ўпкасини тўлдириб нафас олди-да:

— Ҳа, кўп хизмат қилибсан прокурорларга! — деди фиғони чиқиб. — Биламан, Бургут шўрлик ўрнингги оптики, устидан юмалоқ хат ёзиб, иғво уюштириш билан оворасан. Аммо билиб қўй, Мансур, ал қасосул минал-ҳақ! Тухматнинг умри қисқа. Кимки, бировга чоқ кавласа ўзи йнқилар, деган донолар. Қайтар дунё дейдилар бун!

— Бу нақлди билар экансан, сен ҳам туҳмат қилма, эски йўлдошингга! «Маржонтов»ди қирқ йил тебратиб, наинки бир қўйи, ҳатто кўзисини жеган эмас Мансур! Мен сенга нима жомонлик қилдимки, менга маломат тошини отасан, Норбўтайин?

«Йўқ, гап топиб бўлмайди фисқи-фужурда устаси фаранг қирриққа! Епирай, наҳот даври-даврон мана шунақа оғзи қон бўриларга қолган бўлса! Қирқ йил халқнинг нонини яримта қилган, унинг ҳисобига бўрдоқидай семирган бу юлғичлар ҳануз отда бўлса-ю, элнинг энг ҳалол, энг адолатли ўғлонлари туҳмат балосига дучор бўлиб юрса? Майли, нима бўлгандаям унинг бу мешқорин қашқир билан баҳслашиб ўтириши ақлдан эмас!»

Ветеран хаёллари ағдар-тўнтар, ўрнидан турди:

— Бас, гап тамом, — деди у, юрагидаги улу билан олишиб. — Мен ҳаммасига тушундим!

— Нимага тушундинг? — ётган жойида ўдағайлади Мансур меш.

— Шунга тушундимки, куёвим шўрликка бўлаётган барча иғво, барча туҳмат, барча фириб ишларнинг бошида сен турибсан! Шунга тушундим!.. Аммо-лекин ёдингда бўлсин, Мансурбек! Сен шоҳида юрсанг, мен баргида юрадиганларданман! Сендай оғзи қон қашқирлар билан курашишга кучи етади Норбўтаевнинг! Билиб қўй, ҳақиқат қарор топмагунча олишаман сен билан. — Ветеран шундай деди-да, худди саксонга бориб қолган қария эмас, навқирон йигитдай ерни гурс-гурс босиб, катта кўча томон йўналди.



— Менга қара, ҳой қариб қуйилмаган болшибик! — қичқирди Мансур меш. — Тўхта, яхши маслаҳатим бор!

У болдиридай йўғон, калта қўлларини хонтахтага тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ хонтахтанинг бир ёғи «чарс» этиб синдию дастурхондаги чойнак-пиёла, меза-чева тўла тақсимчалар гиламга ағдарилди...

Ветеран, кўзига ҳеч нарса кўринмай, асфальт йўлда қоқиниб, гўё чўққа кўмилган қумғондай қайнаб, хаёлан ҳамон Мансур меш билан олишар эди. Ногаҳон хаёлига: «Маржоной билан Лочин қайтдимикин, йўқмикин?» деган фикр келиб, юраги увишиб кетдию, шу ҳолатда ҳовлига кириб борди.

Йўқ, отхона айвонида «Қалдирғоч» кўринмасди. Ветеран деразадан ичкарига қаради: йиғидан тўхтаган Момо ҳовлида нягини тиззасига қўйиб, мунғайиб ўтирибди. Ветеран унинг олдига киришга журъат этолмай, юраги безиллаб, «гуп» этиб сўрига чўқди.

## IX

Уша куни Маржоной билан Лочин одатдагидан сал кечроқ йўлга чиққан эдилар. «Қалдирғоч», гарчи йўрға бўлмаса-да, ҳеч бир отнинг юришига ўхшамайдиган, кишини қийнамайдиган, майда қадам юриши бор эди. Жонивор шу юришига тушиб олса, ўзини гўё енгил машинада ўтиргандай сезарди одам. Лочин эгарга ўтириб, онасини орқасига, қалин кўрпача устига ўтқазиб, йўлга чиққанди. «Қалдирғоч» одатдагидай майда қадамга тушиб, гўё «Жигули»дай енгил учиб кетдию улар соат ўн бирларга қолмай, шаҳарга етиб боришди. «Қалдирғоч»ни кўчада қолдириб бўлмас, Лочин уни кўча тугул, ўз ҳовлиларига ҳам ишонмас эди. Яхшиям, устоз «қўрбоши» шаҳарга кираверишдаги чоғроқ бир ҳовлида турар, Лочин ҳар сафар «Қалдирғоч»ни унинг ҳовлисида қолдириб кетар, устоз уйда бўлса, отга ўзи қарарди.

Марказдан келган терговчилар шаҳар ўртасидаги уч қаватли райком биносидан жой олишган, бино олдидаги майдон ҳар куни одамга тўлиб кетарди. Аксарияти хотин-халаж, мункайиб қолган чол-кампирилардан иборат бу оломон райком ёки райинжроқўмга келган илтимосчилар эмас, ҳибсга олинган кишиларнинг хотин бола-чақаси, ота-оналари эди.

Терговчилар келгач, бино атрофи темир панжара билан ўралиб, рухсатнома берадиган қоровулхона ўрнатилди. Арзга келганлар аввал шу хонадан ё Шарановский, ё унинг ёрдамчисига телефон қилишар, фақат у рухсат берсагина пропуск ёзилиб, уларнинг ҳузурига кириш мумкин эди. Шу сабабдан ичкарига камдан-кам одам кира олар, кирганлар ҳам аксар ҳолларда йиғлаб чиқишар, худди райком биносини ёв босадигандай, итузумнинг уруғидан ҳам кўлайиб кетган милиционерлар эса, йиғилган оломонни ҳайдашгани ҳайдашган эди. Оқибатда, котиблар ва ижроқўм раҳбарларига ҳам ичкарига кириш қийинлашган, шикоятчиларнинг кунни эса навбат кутиш ва милиционерларнинг ҳақоратларини эшитиш билан ўтиб кетарди!

Маржоной ҳам ўғли билан бу ерга учинчи келиши, аммо бир мартагина телефонда Шарановскийнинг ёрдамчиси билан гаплашиб, рад жавобини олганини айтмаса ҳали ҳеч кимнинг қабулига киролмади. Бугун эса, қасдига олиб, Шарановский вилоятга кетган, у қайтиб келадими, йўқми, келса қабул қиладими, йўқми, бунни ҳеч ким билмас, чунки Шарановскийнинг йўқлиги сабаб, милиционерлар ичкарига пашшани ҳам қўйишмасди.

Маржоной билан Лочин райком биноси рўларасидаги чоғроқ боққа ўтиб, бўш скамейкалардан бирига ўтиришди. Кўпдан бери суғорилмаган боғ ярим ташландиқ бир чакалакзорни эслатар, хиёбонлар қовжираган хазон, йиртилган газета, ёжимланган қоғоз (эҳтимол инобатга олинмаган шикоятлардир) парчаларига тўлиб кетган эди. Ҳали саратон кирмасдан туриб сўлинқираган, япроқлари тўкила бошлаган дарахтлар майдонда хомуш ўтирган ғамгин одамларга гўё ҳамдардлик билдираётгандай мунғайиб қолган эди.

Маржоной, худди момога ўхшаб, қўллари билан нягини ушлаганича, хаёлга толганди. Лочин оёқсининг бир ҳафтадаёқ сўлиб, бир тутам бўлиб қолган юзига, киртайиб ичига ботиб кетган кўзларига зимдан тикиларкан, юраги игна санчигандай безиллаб, қўлидаги катта тугунни оёқ остига қўйди. Бу тугунда отаси яхши кўрадиган бир меш қимиз, бир тоғора норин ва беш олтита нон, нон орасига хамирни ийлаш пайтида солинган хат бор. Улар ҳар кунни тугундаги емишларни янгилаб келишар, аммо Суюн бургутга беролмай қайта олиб кетишар, Суюн бургут шу ердами ёки уни вилоятга

олиб кетишганми — шу жўнгина саволларига ҳам жавоб олишолмас эди.

Лочин ойисининг нимжонгина елкасидан аста қучди:

— Нима қиламиз, энажон? Прокурорларни кутамизми ё бўлмаса...

Маржоний мунгли кўзларини бир нуқтадан узмасдан:

— Сени билмадим, — деди ранжиб. — Мен бугун ҳеч қаёққа кетмайман. Агар келмаса, шу ерда тунайман!

— Энажон! — Лочин онасининг елкасини қаттиқроқ қучиб, у юзи-бу юзидан чўлп-чўлп ўпди. — Сал ўзингизни тутинг. Сабр қилинг. Ахир отам айтганлар: энангини сенга, сени худога топширдим, деганлар...

Маржоний кўзига ёш олди.

— Сен-чи? Ўзинг-чи? Лочин деса лочин эдинг? Бир ҳафтада соявг қолди. Отанг менга айтган, жон болам. «Ўғлимни сенга, сени худога топширдим», деган...

Лочин Суюн бургутнинг қошларидай қалин қошларини чимириб, урушқоқ хўроздай ҳурпайди.

— Мен учун ташвиш чекманг, эна! Мен нима қилишни ўзим биламан! Мен ҳали кўрсатиб қўяман бу зўравонларга!..

Маржоний, гўё ўғли ҳозир бора солиб тўполон қилаяпгандай, қўлларига тирмашди.

— Жон болам! Уришмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан...

— Падарига лаънат бунақа арбобларни!..

Отаси қамалган кунни айтган сўзлари! Ўша оқшом, кечкурун уйдан чиқишди: «Совриндор ёшларнинг йиғини бор, мени кутманглар», деб кетган Лочин бир маҳал аллақандай ҳадиксираб кириб келди-да, дабдурустдан отасини сўради. Унгача тинтув тугаб, Суюн бургутни олиб кетишганди! Бўлмаса нима бўларди — буни Маржоний хаёлига ҳам келтира олмасди. Лочин уйга кириб, остин-устин хоналарни, меҳмонхонада юз тубан ётганча унсиз йиғлаётган онасини кўрди-ю:

— Қачон? Қачон опкетишди отамни? — деб бақирди.

— Ҳозир... ҳозиргина...

Лочин шартта бурилиб, ташқарига отилди. Маржоний оёқлари чалишиб, орқасидан чиққанида Лочин «Қалдирғоч»ни эгарламоқда эди.

Маржоний жон ҳолатда ўғлига тармашди:

— Қаёққа? Нима қилмоқчисан!

— Ҳозир қувиб етаман у аблахларни! Қутқараман, отамни.

— Жон болам...

— Қўйиб юборинг, эна! Отамни қаматиб, қандай бош кўтариб юраман бу юртда! — Лочин онасининг қучоғидан чиқиб оёғини узангига қўйди. Маржонной яна дод солиб, унинг бўйнига осилди. «Қалдирғоч» ер депсиниб, кишнаб юборди.

Яхшиям, бу тўс-тўполоннинг устига Лочиннинг дўстлари келиб қолишдию ялиниб-ёлвориб, уни бу ниятидан қайтаришди.

Уша кеча ёшлар алламаҳалгача ўзаро баҳслашиб ҳар хил режалар тузишди. Биттаси радио орқали «Маржонтов» аҳолисига мурожат қилиб, элни оёққа турғизиш керак, деса, биттаси эртагаёқ совхоз ёшларини йигиб, Суюн бургут ётган ҳибсхонага бостириб бориш керак, дейишди. Кейин Маржоннойдан Қуръон топиб беришини сўрашди. Уйда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўк мовутга ўралган катта Қуръонни ўпиб, қасам ичишди. Токи Суюн бургут ҳибсдан чиқмагунча улар Лочинни ёлғиз қолдиришмайди, ҳатто Лочин ўқишга бормаса, улар ҳам боришмайди.

Маржонной қайси бир китобда, қайси бир алломанинг: «Хом сут эмган банда бошига мусибат тушгандагина худони эслайди, ундан паноҳ тилайди!» деган доно сўзларини ўқиганди.

У ёшларнинг Қуръонни ўпиб, қасамёд қилганларини кузатиб ўтираркан, дам меҳри товланиб, қайта-қайта кўзига ёш олди, дам ўзи ҳам Қуръонни ўпиб, уларни дуо қилди.

Салим қилтириқ билан Кумушбиби худди кексалардай: «Сабр қил, Лочин. Сабр таги сариқ олтин деганлар, адолат эгилади, бироқ синмайди!» — деган нақлни такрорлай-такрорлай хайрлашишди. Олтиной эса кетмади. «Ижозат берсангиз, бирга бўлай, опагон», дея ёлбора-ёлбора Маржоннойнинг ёнида қолди..

Уша кеча Лочиннинг хонасида чироқ ўчмади. Лочин шифтга тикилганча тонг оттирди. Саҳарга яқин дўстлари келишди. Шовқин-сурон кўтаришиб, идорага кетишди-ю, сал ўтмай тарвузлари қўлтиқларидан тушиб қайтишди. Уларни радиоузелга киритиш у ёқда турсин, ҳатто бўсафага ҳам йўлатишмапти. Кечагина Суюн бургутнинг соясига салом бериб, икки букилиб турадиган идора ходимлари ёшларни итдай қопишиб, ичкарига кирятмабди.

Шу-шу, мана уч-тўрт кундирки, Лочин оғзига ушоқ ҳам олмади. Тўрт кундаёқ бурунги Лочиннинг соясига

айланди, лунжлари ичига ботиб, кўзлари киртайиб, фақат устихони қолди...

Ҳозир ҳам Маржоной бир нуқтага тикилиб, ҳурпайиб ўтирган ўғлига зимдан тикиларкан: «Йўқ, — деди кўнгли бузилиб, — отаси суд-пуд бўлиб кесилиб кетса, мен чидасам чидарман, бу чидолмайди».

Ростдан ҳам Лочин билан Бургут ота-бола эмас, бамисоли икки тенгдош, ажралмас икки қадрдон эди!..

Она-бола, ҳар бири ўз ўйи, ўз дарди билан бўлиб, анча жим қолишди. Тўсатдан Лочин қўлидаги тугунни Маржонойнинг олдига сүриб, шахт билан ўрнидан турди.

— Эна... сиз ўтириб тулинг, энажон, — деди ёлворинқираб. — Мен бир жойга бориб келаман. Ётиб қолгунча отиб қол, дегандек бир одамга учрашиб келаман. Мабодо тутилиб қолсам, ҳавотир олманг.

Маржоной ўғлига ҳадиксираб қаради.

— Қанақа одам? Нега тутилаб қолсан?

— Мабодо деяпман-да, энажон! Бир амалдор одам. Тез қайтишга ҳаракат қиламан. — Лочин хиёл чайналди. — Бир гаплашай-чи, нима маслаҳат бераркин?

— Майли, болам. Ишқилиб, кеч қолма. Усиз ҳам юрагим така-пука...

— Илтимос, шунақа деманг, энажон! — Лочин ойнасининг у юзи, бу юзидан ўпди-да, хазон тўшалган хиёбондан боғ ичкарасига кириб кетди. У оёқ остида қовжираган япроқлар, юмалаб ётган шишалар, қоғоз парчаларини тепиб, аста одимлаб бораркан, хаёлидаги аламли ўйлар ҳаяжон аралаш аллақандай туғён билан алмашди.

Ана, боғ ортида унча дабдабали бўлмаса ҳам, яқиндагина таъмирдан чиққан, эшик ва деразалари ҳаворанг, деворлари эса нозик пуштиранг бўёққа бўялган бир қаватли бино кўринди. Лочиннинг ўткир нигоҳи қўш қаватли эшикнинг икки томонидаги ойнаванд қутиларга бири рус, бири ўзбек тилида битилган сўзларни аниқ илғади: «Район комсомол қўмитаси».

Бу ёзувларга кўзи тушиши билан Лочин юрагидаги туғён ғулу аралаш шубҳа билан алмашди. У ҳозир тўғри қиялпими, йўқми? Очиқ чеҳра билан кўтиб оладими, ё жон ширин, идора ходимларига ўхшаб терс муомала қиладими? Борди-ю, яхши қарши олиб, тунов кунгидай яна бир хилват жойга бошласа нима қилади Лочин? Олтинойнинг кўзларига қандай қарайди?

Бошларига бу мусибат тушибдики, Олтиной энасининг биттаю битта суйанчиғи бўлиб қолди. Маржоной

Йиғласа йиғлайди, кулса кулади. Худди улар хонадонига келин бўлиб тушгандай, унсизгина одимлаб, унсизгина хизмат қилади. Мана бугун она-бола буёққа кетганларида уйларини кўриқлаб қолди, шу топда кўзи тўрт, йўлларига тикилиб ўтирипти...

Лочин отаси қамалган кечаси Олтинойнинг айтган сўзларни, унинг болаларча соддалик билан: «Агар ўша кунни ораларингда ҳеч нима, ҳеч нима бўлмаган бўлса... майли!» дея, ийманибгина ўпич бергани эсига тушди, тушди-ю, гўё қўлларида қиз қўлларининг иссиқ тафти, унинг хипчиндай ингичка итоаткор вужуди, думбул шафтолидай майини, юм-юмалоқ кўкраклари кўксига теккандай бўлди-да, эти жимирлаб, қадами беихтиёр секинлашди.

Йўқ, шу маврида Лочинни Кларахоннинг ҳузурига висол орзуси судраб кетяпгани йўқ-ку ахир? Уни бу бинога судраб кетаётган бирдан-бир куч — отасининг тақдири. Шундоқ экан, ҳозир бу истак, бу кучга бўйсунмоқ Лочин учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасми, ахир?

Рост, умрида аёл зотига яқинлашмаган Лочинни ларзага солган ўша сирли оқшомдан кейин улар кўришгани йўқ. Лочинни «қалдирғочим», «тойчоққинам» деб эркалаган, уни тоабад унутмаслигини айтиб, тез-тез учрашиб туришга ваъда берган Кларахон ўшандан бери на қорасини кўрсатади, на телефон қилади, сувга чўккан тошдай йўқ бўлди-кетди, ҳатто радиочилар билан учрашувга ҳам бормади. Наҳот аёл зоти шунақа бебурд бўлса, кеча айтган гапларини, берган ваъдаларини бугун унутса?

Унутган бўлса унутгандир! Қайтанга яхши, эсидан чиққан бўлса. Олтинойнинг тирноғига ҳам арзимайди айғирсираб юрган бу манжалақи! Ҳозир висол лаззатлари кўнглига сиғармиди Лочиннинг? Фақат ўша кеча унга елимдай ёпишган, қулоғига энтикиб шивирлаган жонон яхши маслаҳатини аямас лоақал? Анов бераҳим олчоқ терговчилар москвалик бўлса, Кларахон ҳам Москов тарбиясини кўриб келган. Қуш тилини қуш биледи, дегандек бир нарсани билар бу ҳам!.. Жилла қурса тергов қандай кетаётганини, отамнинг ҳол-аҳволи қандай, бирон гапи борми унинг — сўраб-суриштириб берар ахир? Лочин шунга ҳам шукр қиларди, ўла-ўлгунча миннатдор бўларди ундан. Мабодо бу ишлар қўлидан келмаса, асакаси кетармиди Лочиннинг? Ётиб қолгунча отиб қол, деган кексалар.

Комсомол биноси олдида одам уёқда турсин, пашша

хам кўринмасди. Аммо ичкарида... куппа-кундузи чироқ ёниб турган тор, ғира-шира йўлаклариди тоғни урса талқон қиладиган хушбичим йиғитлар бир хонадан иккинчи хонага кириб изғиб юришар, ёпиқ эшиклар орқасида телефонлар бетиним жиринглар, машинкалар тақир-туқир қилар, хуллас, бир қарашда улкан бир маҳкамага ўхшаб кетарди.

Лочин биринчи котибнинг қабулхонаси олдида юраги беихтиёр пўкиллаб бир лаҳза иккиланиб туриб қолди, сўнг, ўз журъатсизлигидан жаҳли чиқиб, эшикни шартта очди. У эшикни очганида рўпарасидаги кўк мовут ёпинган катта стол ортида ўтирган, майин малла сочларини чиройли турмаклаб олган, хушқад, хушбичим қиз кафт-деккина кўзгусига қараб, лабини бўяётган экан, нигоҳини кўзгудан узиб, ёвқараш қилди.

— Нега тақиллатиб кирмайсан? Қачон бу халқ... қачон сенлар маданиятга ўрганасанлар? — деди сенсираб, кейин Лочиннинг қадди-қомати, шиддатли чеҳраси, эгнидаги спортча кийими ёқди чоғи:

— Нега лаллайиб турибсиз? Эшикни очдингизми, киринг-да! — деди сал юмшаб. — Ким керак сизга? Агар Клара Қурбоновна керак бўлса, бугун қабул қилолмайдилар. Жуда-жуда бандлар у киши.

Лочин столга етмай ўрта йўлда тўхтаркан, рўпарадаги қора чарм қопланган икки тавақали эшикка кўзи тушди. Эшикка «ўртоқ К. К. Камалова» деб ёзилган эди.

— Клар... Клара Қурбоновна доим банд бўлсалар керак. Аммо сиздан жуда илтимос: менинг келганимни айтсангиз.

Котиба кўм-кўк кўзларини салгина сузиб, кулимсиради:

— Келганингизни айтишим учун... кимлигингизни билишим керакми, йўқми?

Лочин негадир қизариб кетди.

— Кечирасиз... Тойчоқов Тойчоқ. Тойчоқов келдилар дейсиз.

— Тойчоқ... Тойчоқович? — котиба қизнинг билинар-билинимас сепкилли юзига табассум югурди:

— Жуда ғалати экан исму шарифларинг, — деди у ва лип этиб ўрнидан туриб, қора чарм қопланган сирли эшикка томон йўналаркан, «Тойчоқ... Тойчоқ Тойчоқович! — деб яна бир кулди у.

Эшик бир зум очилиб ёпилганда Лочин тагига қирмизи гилам тўшалган, деразаларига оғир кўк дарпардалар осилган хонанинг тўрида ўтирган Кларахонни

кўриб қолди. У рўпарасидаги барваста бир йигит билан барабар хахолаб кулишарди. Эшикка тескари ўтирган йигитнинг юзи кўринмас, лекин Кларахон... Кларахон аввалгидан ҳам очилиб-сочишиб кетгандай туюлдию юрагида рашкка ўхшаш бир нарса ғимирлади.

Котиба кирганида Кларахон ялт этиб қаради, қарадию қабулхонада қозикдай қаққайиб турган Лочинга кўзи тушиб, теграсига кўк бўёқ суртилган кўзлари бир зум катта очилди. У ёғи нима бўлди, Лочин кўролмайд қолди, эшик ёпилди. Лекин кўп ўтмади. Котиба қиз ичкарига қандай тез кирган бўлса, шундай тез қайтиб чиқди. Бироқ кираётганда Лочинга аллақандай сирли жилмайиб, тикилиб-тикилиб қўйган котиба, Кларахоннинг хонасидан қути ўчинқираб чиқди-да:

— Йўқ, қабул қилолмайдилар сизни! — деди кўрслик билан.

Лочин нима дейишини билмай:

— Нега? — деб сўради.

Қиз энди унга ўқрайиб қаради.

— Нега эмиш! Райком котиби сизга ҳисобот бериши керакми? Вақтим йўқ, дедилар, эртага конференция. Доклад тайёрлаши керак. Гап тамом!

— Хўп! — Лочин ҳам қути ўчиб, жағ пайлари туртиб чиқди. — Ахир сиз тушунтириб айтдингизми... Тойчоқ... ўртоқ Тойчоқов келди, деб айтдингизми у кишига?

— Марҳамат қилиб, бақирмай гапиринг! Бу ер сизга от бозори эмас! — пичинг қилди котиба. — Ҳаммасини айтдим. Тойчоқ ҳам дедим, Тойчоқов ҳам дедим! Вақтлари йўқ! Гап тамом, йигитча!..

Лочиннинг миёсида «Отам қамалганини эшитгани» деган фикр яшиндай ярқ этди. Ҳа, балони билади бу қанжиқ! Қамоққа олинган жиноятчининг ўғли билан учрашишдан кўрқаяптилар! Қандай замонга келдик? Қандай эл бўлди бу? Одам боласининг дардига қулоқ соладиган бир раҳбар топилмаса! Газеталар ўттиз еттинчи йилни ёзишгани-ёзишган, қоралагани-қоралаган бўлса-ю, бугун юртимизда ундан беш баттар адолатсизликлар бўляпгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса?»

Лочин юрагида ғужғон ўйнаган бу исёнкор фикрлардан кўз олди қоронғилашиб, қоқиниб ташқарига чиқди.

У ҳозир энаси билан учрашади. Лекин учрашганда унга нима дейди? Мунгли кўзларига қандай қарайди? Лочин шунини ўйлаб, юраги яна зирқираб оғриди. Мана, ўша хиёбон, ана, энаси ўтирган скамейка. Лекин энаси



кўринмас, скамейка бўм-бўш. Лочиннинг хаёлидан: «Энажоним... энажонимни ҳам олиб кетишган бўлса-я» деган фикр ўтди-ю, Маржоной ўтирган жойга шилқ этиб тушди.

Маржоной ўз ўйи, ўз гами билан овора, жойида қимир этмай ўтирганди. Лочин келишидан атиги ўн дақиқа олдин: «Ассалому алайкум, Маржоной опа», деган овозни эшитиб, хаёл оғушидан чиқди.

Тепасида... милиционер деса милиционер эмас, ҳарбий деса, ҳарбий эмас, лекин эғнида погонли кўкимтир либос, бошида кўкимтир фуражка, ёши элликлардан ошиб қолган бир одам турарди. Маржоной уни қаердадир кўрган, лекин ҳарчанд уринмасин, қаерда кўрганини эслай олмас эди.

— Сиз мени танимадингиз чоғи? — деди формали одам. — Мен... Умрзоқов бўламан. Маржонтовда сизнинг нон-тузингиздан кўп баҳраманд бўлганман.

«Ҳа, ҳа... нобуд бўлган беш юз қўй жанжалида борган эди бу одам! Район прокурори эди-ёв!»

Маржоной гўё қалбига нур қуйилгандай енгил нафас олди.

«Эрим шўрлик айтган эди, инсофли одам, яхши одам деб!»

— Йўқ, нега танимай, танидим, Умрзоқов ака! — деди Маржоной энтикиб.

Умрзоқов гўё Маржоной олдида гуноҳкордай, нигоҳини Маржонойнинг илтижолни нигоҳидан олиб қочаркан:

— Аттанг, аттанг, — деб қўйди. — Чамаси, эрингиз масаласида юрганга ўхшайсиз.

— Ҳа, билар экансиз, — деди Маржоной.

— Биладан. Ноҳақ қамалди эрингиз! Ҳалол одам Суюн бургут! Туҳмат бўляпти унга!

Маржонойнинг кўзларида умид учқунлари милтиради.

— Раҳмат сизга! — деди энтикиб. — Бундан чиқди, эримга ҳеч нарса бўлмайди! Чиқади у, демоқчисиз-да?

Умрзоқов ҳамон унинг юзига қарашга журъат этолмай гудранди:

— Афсуски, мен сизга таскин беролмайман. Унинг иши анов... Шарановский бошлиқ марказдан келган терговчилар қўлида! — Умрзоқов хомуш хўрсинди. — Э-э, нимасини айтай, синглим, эрингиз у ёқда турсин, бизларнинг ҳам аҳволимиз оғир. Гўё биз шу маҳалгача райондаги ҳамма жиноятларни яшириб келган эмишимиз!

— Вой тавба, — деди Маржоной ёқасини ушлаб. — Наҳотки сизларга ҳам ишонишмаса?

— Начора! — Умрзоқов елкасини қисди.

Маржонойнинг дилида ярқ этиб ёнган шам «лип» этиб ўчди-қолди. У лаблари аламли пирпираб:

— Бундан чиқди... тўхмат қурбони бўп кетаверар эканлар-да? — деб сўради.

Умрзоқов қалин қошларини силади:

— Ҳарқалай, жуда унчаликка бормас. Халқимизда ҳақиқат эгилса — эгилади, аммо синмайди, деган гап бор-ку! Адолат ва ҳақиқат тантана қилади охир пировардида, — деди, сўнг:

— Сиз Шарановскийни кутяпсизми? — деб сўради.

— Нима қилай? Дардимга қулоқ соладиган бир мусулмон бўлмаса...

— Шарановский вилоятга кетган! — Умрзоқов пешонасини ишқаб, бир дақиқа иккиланиб тургач: — Қани юринг-чи, борайлик-чи ўша ёққа! — деди. — Уша бўлмаса, муовини бордир? Балки муовин қабул қилар? — У шундай деб, Маржонойнинг тугунини кўтариб олди. Маржоной, зимистон дилида яна умид шами милтираб, итоаткорлик билан унинг кетидан эргашди.

Умрзоқов билан Маржоной хиёбондан чиқиб райком биноси олдидаги сувсиз фонтанга яқинлашаркан, атрофда тут ва қайрағоч соясида, бўш скамейкаларда ўтирган аёл-эркак, чол-кампир, ҳаммаси, худди ҳуркитилган бир гала қушдай «гурр» этиб кўтарилдилар-у, уларни қуршаб олишди. Савол деганингиз ҳар ёқдан ёмғирдай ёғилди:

— Бизнинг арзимизга қулоқ соладиган бир мўмин борми, йўқми?

— Менинг улим звеновой! Урлиқ\* қилган раис қолиб, уни қамашди! Гуноҳи не улимнинг?

— Менинг инимни қамашгани етмагандек, кеча ёш келинимни-да қамашди! Келинимнинг айби не?

— Менинг отам қамалганига уч ой бўлди! Сўровсиз ётир! Бунга жавоб берадиган укумат қайда?

— Қонунди айт, қонунди! Қонун биз пуқорога жазилиб, укуматга жазилмаганма, қонун?

Умрзоқов қўлини кўтариб, ғала-ғовурни аранг босди.

— Уртоқлар. Гапимга қулоқ солинглар, ўртоқлар!

— Тиш-ш...

---

\* Урлиқ — ўғрилик демоқчи.

— Жим!

— Эшитайлик, биродарлар!..

— Уртоқлар! Сизларнинг ишларингиз, яъни қамалган қариндош-уруғларингизнинг тергов ишлари бизнинг қўлимизда эмас. Уларни марказдан келган махсус терговчилар гуруҳи текширяпти!

У гапини тугатмаган ҳам эдики, майдонни яна говур-ғувур тутди.

Маржоний қўллари чўқморга айланган эркаклар, серажин юзлари ёш билан ювилган кампир-чоллар, болачаларни кўтариб олиб, тинмаётган ёш-ёш келинчаларни кўрганида ўз дарди дунёси ҳам эсидан чиқиб, қўшилиб йиғлади. Уларни қуршаган ҳалқа тобора торайиб борар, бироқ Маржоний ғазабдан жунбушга келган бу оломондан на ранжир, на чўчир, аксинча, улар қаттиқроқ ҳайқиришларини истарди. Ажабо: эри қамалгандан бери Маржонийнинг дили вулқон бўлиб қайнаган, лекин ҳали тилига чиқмаган дардларни мана шу оломон айтмоқда эди. Тўсатдан, бошига катта ўдана ўраган новча, қоқсуяк бир аёл икки қўлини барабар кўтариб:

— Московдан келган бўлса... уйимизни бориб кўрсин! — деб қичқирди. — Порахўрсан деб қамаган улимнинг уйида гилам тугул, наMAT-та йўқ! Болалари яланг-оёқ юрипти. Уч маҳал овқати — арпа гўжа! Уғри бўлса, ўз бола-чақасини шу аҳволга солиб қўяма?..

— Менинг келиним ўзини пичоқлаб касалхонада ётипти! Улим билан чимилдиққа кирганига бир йил ҳам бўлмади!.. Улим раис эмас, бошлиқ эмас, тракторчидан чиққан бригадир! Порани ким беради унга?

Юзлари чуваккина, мункиллаб, икки букилиб қолган қоқсуяк бир чол оппоқ соқолини селкилатиб, бутун вужуди қалтираб гапирди:

— Умрим пахтазорда ўтди! Болам-да, боламнинг болалари-да, — баримизнинг умримиз пахтазорда ўтди. Қорнимиз нонга тўймади. Айт, бошлиқ: укуматга не ёмонлик қилдик биз?

Маржоний силласи қуриб, оёғида аранг турарди. Шу пайтгача у дунёнинг ҳамма дарду ҳасрати ёлғиз менинг бошимда, деб ўйларди. Энди билса ундан беш-баттар хўрланганлар, оёқости қилинганлар сон-саноқсиз экан! Бир зум унга шундай туюлдими, гўё бутун эл, еру кўк, бутун «Маржонтов» фарёд чекарди.

— Уртоқлар! Жон биродарлар! — ёлворди Умрзоқов.

— Йўл беринглар! Агар Шарановский келган бўлса — айтамыз! Дардларингни етказамиз уларга!

— Чиқсин буёққа шул Шараноп!

— Арзимизни эшитсин!

— Ҳақиқат қилсин!

Бу шовқин-суронни эшитиб, ёрдамга келган уч-тўртта милиционерлар қайнаб турган оломонни орқага суриб, Умрзоқов билан Маржонойга йўл очиб беришди, кейин қўл ушлаганича ҳамон ҳайқираётган, йиғлаб-сиқтаётган оломонни куч билан орқага итаришиб, майдондан чиқаришди. Кимдир: «Қонунсизлик, зуравонлик бу!» — деб хитоб қилган эди, милиционерлардан бири:

— Юм оғзингни! — деб ўшқирди. — Яна бир оғиз ҳукуматга қарши гапирсанг... қонунни кўрсатиб қўямиз сенга! Қамоқни соғинган бўлсанг, олқириб тикамиз ертўлага!

Биринчи қаватга кирган жойдаги кийим ечиладиган хонада кўкраклари оқинчоқ-тақинчоқларга тўла бир мўйсафид ўтирарди. Умрзоқов ундан Шарановский келган-келмаганини сўраган эди, мўйсафид:

— Шарановскийми, Барановскийми, мен танимасам буларни! — деб пўнғиллади. — Ҳаммани ҳайдаб чиқариб, хўжайин бўлиб олишди бу бебошлар! Кундуз оғнаб ётишади, маншат қилишади. Кечалари тонг отгунча сўроқ қилишади! Узингиз кириб билинг — йўқлаган одамнингиз шу ердами, йўқми?

Умрзоқов мармар полда сирпана-сирпана узун йўлакда ғойиб бўлди-да, сал ўтмай қайтиб чиқди.

— Шарановский келмапти. Лекин унинг ёрдамчилари ўзлари қидиришяпти экан сизни. Шу йўлакдан борасиз, чап қўлда ўн саккизинчи хона! — деди Умрзоқов ва овозини пасайтириб шивирлади: — Узингизни дадил тутинг! Дўқ-пўписи қилишса... бўш келманг! Эрингиз пок инсон, ҳақиқат сиз томонда, синглим!

Маржоной (унга бир нима бўлди-ёв) боя одамларнинг арзи додига қўшилиб йиғлаган бўлса, энди Умрзоқовнинг илиқ сўзларию берган далдасидан кўнгли бузилиб, тор йўлак бўйлаб ўн саккизинчи хонани қидириб кетди.

Икки томонда аскардай саф тортган қатор эшиклардан одамлар бири кириб, бири чиқар, энди уйқудан турган кўзлари қизарган, қовоқлари шишган бу одамлар елкаларида сочиқ, қаёққадир шошилишарди. Баъзилар Маржонойга бепарво нигоҳ ташлар, баъзилари,

аксинча: «Хўроз қичқирмасдан бу хотин нима қилиб юрибди бу ерда?» дегандек ўқрайиб қарашарди.

— «Э, худойим! — деди Маржоной ичида. — Биттасининг юзида фаришта, кўзларида хайрихоҳлик бўлмасая!»

Мана, ўн саккизинчи хона!

Маржоной, юраги гурс-гурс уриб, эшик олдида тўхтади, негадир рўмоли тагидан туртиб чиққан сочларини, кўйлагининг устидан кийган жемперини тузатган бўлди-да, эшикни аста таққиллатди. Ичаридан:

— Марҳамат, киринг, кираверинг! — деган овоз эшитилди.

Сатҳи катта бўлмаса ҳам, шинамгина чорбурчак хонанинг тўрида, чамаси, ташқаридан кўринмасин учун қоқ ярмигача оқ бўёққа бўялган баланд дераза олдида стол тўла оқ, қора, кўк, қизил папкаларга кўмилиб... тунов кун тинтувга борган Миржалолов ўтирарди.

Маржоной кириши билан ўнг қўлдаги эшик очилиб, тунқора хонадан елкасида сочиқ, сепкиллик кўйлакчан бир одам чиқди. У пойгакда довдираб турган Маржонойга тикилиб қаради-да, тўрда ўтирган-Миржалоловга юзланиб:

«Шуми?» — дея имо қилди. Чамаси, сепкилли юзидан аллақандай соддароқ, раҳмдилроқ кўринган бу одам катталардан бўлса керак, Миржалолов аллақандай питирлаб ўрнидан турди-да, «шу», — деди. Кўйлакчан одам ўтирадиган стул қидириб, ён-верига аланглади. Бунга кўрган Миржалолов:

— Ўртоқ... ўртоқ Доронин! — деди талмовсираб. — Мени кечирасиз... Махсус топшириқ бор. Хўжайиннинг махсус топшириғи...

— Ҳмм... махсус топшириқлар ҳам жуда кўпайиб кетди-да! — Доронин шундай деб пўнғиллади-да, худди аламини полдан олаётгандай, зарб билан одимлаб, ташқарига чиқиб кетди. Сепкил юзи, кўриниши, айтган сўзларидан аллақандай яхшилиқнинг нафасини сезган Маржоной уни илинж билан кузатиб қолди, бир ўйи, ҳатто «Ўртоқ Доронин!» дея илтижо қилмоқчи ҳам бўлди, бироқ шу пайт Миржалоловнинг кутилмаганда мулойим, юмшоқ овози эшитилди:

— Келинг, синглим! Келинг, келинг, марҳамат, ўтиринг!

Маржоной силласи қуриб, Миржалолов кўрсатган курсига шилқ этиб ўтираркан: «Э, Худо! Ўзинг инсоф бер бу туллакка!» — деди ичида.

Тунов кунни кечаси тинтувга борганида қовоғи булут, бир оғиз илиқ сўз айтмаган Миржалоловнинг бугунги юмшоқ муомаласида кишининг дилига гулгула соладиган сирли бир шарпа бор эди. Бундан ҳайратга тушган Маржоной юраги алғов-далғов, у кўрсатган стулга ийманибгина ўтирди. Терговчи гапирмоқчи бўлиб, бир неча марта томоқ қирди, лекин, чамаси, сўзни нимадан бошлашни билмай чайналди. Ниҳоят, Маржонойнинг кўзига қарамай:

— Ҳойнаҳой, эрингизнинг иши билан келгандирсиз, синглим? — деди ҳамон ўша ғайритабиий меҳрибонлик билан.

Маржоной ҳаяжондан қулт этиб ютинди.

— Бошқа нима дардим бўларди, акажон?

Миржалолов «ҳим» деди-да, ўрнидан туриб, хонани яна бир айланиб чиқди.

— Мен сизнинг қўйингизни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасман, — унинг лабларидаги табассум аста сўнди. — Эрингизнинг иши оғир, жуда оғир, синглим!..

Маржонойнинг дилида йилт этган илинж совуқ ҳадик билан алмашди.

— Эримнинг гуноҳи нима ўзи? — деди Маржоной бўғизига келган фарёдни аранг ичига ютиб.

— Наҳот, эрингиз сизга ҳеч нима демаган бўлса?

— Айтган... — Маржоной шундай деди-ю, лабини тишлади: «Нима деган? Нима деб валдираяпсан?»

— Хўш, нима деганди?

— Эрим... Суюн акам, яратган эгамнинг олдида ҳам, бошқасининг олдида ҳам тариқча гуноҳим йўқ менинг, деган эдилар.

— Бундан чиқди... биз бегуноҳ фариштани қамабмиз-да?

— Сизлар туҳмат... Сизлар айтяпган эмишсизларки, тўё эрим вилоят котибига пора бериб директор бўлганмиш. Фирт ёлғон-ку бу?

Миржалолов юришдан тўхтади.

— Нега «тўё» бўлар экан? — Унинг овозидаги мулойимлик совуқ таҳдид билан алмашди. — Тўё эмас, катта пора берган эрингиз!

— Туҳмат! — Маржоной ўрнидан қандай туриб кетганини билмай қолди.

— Утиринг! — буюрди Миржалолов. — Сиз шуни билиб қўйингки, — деди у салмоқлаб, — эрингиз бу жиноятини, яъни директор бўлиш учун катта пора берга-

нини аллақачон бўйнига олди! Афсуски, Шарановский йўқ, бўлмаса... ҳозир унинг пора берганини тан олиб чеккан имзосини кўрсатардим сизга!

Маржоной:

— Бўхтон! — деб бақирмоқчи бўлди, назарида, шундай деб бақирди ҳам, лекин овози чиқмади. Кимдандир эшитган ваҳимали гаплар миясини бурғидай пармалади. «Калтаклашар эмиш! Уғрилар, киссавурлар, қиморбозларнинг орасига ташлаб урдиармиш булар! Минг хил қийноқларга солиб, «иқрор» қилдиармиш! Наҳот унинг эрини ҳам, кимсан Суюн бургутни ҳам шу кўйларга солиб, дўзах азоблари билан «иқрор» қилдиришган бўлса?»

Аёлнинг кучи нимага етади? Икки кўзига етади! Маржоной, аъзойи-бадани зирқираб, яна бўғилиб-бўғилиб йиғлашга тутинди. Йиғи аралаш овлоқдан, жуда овлоқдан Миржалоловнинг хиёл юмшаган, гўё Маржонойнинг кўз ёшларидан нйган овози қулоғига чалинди:

— Бу йиғи-сиғининг фойдаси йўқ, сингилжон! Ундан кўра эрингизнинг қисматини енгиллаштириш йўлларини ўйлайлик. Ун беш йил беришадиган бўлса ўн йилга, ўн йилни беш йилга, уч йилга келтириш чораларини қидирайлик, жон синглим...

Маржоной йиғидан таққа тўхтади. Хаёлидан: «Бу одам нима деяпти? Ун беш йил бўлса ўн йилга, ўн йилни беш йилга келтирайлик», дегани нимаси? Қандай келтиради? Бегуноҳ одамни қандай қилиб ўн беш йилга қаматади? Бу қандай кўргулик, яратган эгам?»

Бу саволлар миясидан қуюн тезлигида чарх уриб ўтдию, қандни кўриб авралган ёш боладай, умид билан Миржалоловга қаради. Миржалолов қаршисида оёқларини кериб турар, юзидаги қаҳр аломати яна илгариги шафқат ва ҳамдардлик билан алмашганди. У нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Лекин Маржоной ўзини тийишга сабри етмай:

— Ахир... қайси гуноҳлари учун эрим шўрликни ўн беш йилга кесасизлар? — деб тавалло қилди. — Бегуноҳ у, акажон, ҳаммаси туҳмат! Бегуноҳ у!

Миржалолов асабий кулди.

— Жуда қизиқсизлар-да, сиз аёллар! Эҳтимол, ўша вилоят котиби эрингизни йўлдан ургандир, чалғитгандир? Агар билгингиз келса... у ҳам эрингиздан пора олганига иқрор бўлди. Эрта-индин у ҳам қамалади!..

Маржоной, безгак тутгандай дир-дир титраб, бир сиқим бўлиб букчайиб қолди.

— Яна айтаман, синглим, ҳозир бу гаплардан фойда йўқ. Ҳозир эрингизнинг бошига тушган савдони енгиллаштириш йўлларини ахтарайлик. Энди кўп нарса сизга боғлиқ, синглим!

«Менга боғлиқ? Нима қилишим керак? Қўлимдан нима келади менинг?» — Маржонойнинг мияси говлаб кетди. У ҳарчанд уринмасин, рўпарасида қоққан қозиқдай қаққайиб турган бу одамнинг дам қаҳр тулпорига миниб, дам эгардан тушиб гапираётган гапларини ҳеч илғаб ололмасди. Мақсади нима унинг? У нимагадир шама қилипти! Лекин унинг шамасида... байроғига адолат учун кураш шиори ёзилган бу ташкилот мақсадига батамом зид мудҳиш бир нарса бор эдики, Маржоной буни ўйлашга ҳам қўрқарди. Ниҳоят у:

— Акажон! — деб ёлборди. — Гапингиз... мақсадингизга тушунолмаёйман. Очiqроқ айтинг, акажон!..

— Айтсам... — Миржалолов яна чайналди, пешонасини силаб, нимагадир тунқора хона эшигига бир қараб олди. — Аммо гап ўртамизда қолсин. Оғзингиздан чиққудек бўлса тўхмат деб баҳоланади. Тўхмат учун эса... жавобгарликка тортиласиз.

Маржоной шоша-пиша бош ирғади:

— Ҳа, ҳа, тушундим, акажон, тушундим...

— Тушунсангиз... биров пул керак! Эрингизнинг ишини тўғрилаш учун керак бу пул!

Маржоной юрагидаги ҳайрат ва саросимани аранг босиб, Миржалоловнинг ўзига ўхшаб:

— Қанча? — деди шивирлаб.

— Ҳа, шу... — Миржалолов дудуғланиб, пешонасини ишқади. — Сизнинг муаллима эканингизни инobatга олиб... кўп эмас... эллик минг бўлса етади!

Маржоной қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Миржалолов қути ўчиб яна бояги эшикка қаради.

— Нега бақирасиз? Айтдим-ку, оғзингиздан чиқмасин бу гап деб!

— Эллик минг! — деди Маржоной гўё унинг сўзини эшитмагандай. — Ахир қаёқдан оламиз мунча пулни?

— Агар эрингизнинг тақдирига қайғурсангиз — топасиз! Қўрада қўйларнинг бор...

— Бор эди. Юзта қўйимиз бор эди. Анов ёнғинда ўлган қўйларнинг ўрнини тўлдираман деб...

Миржалолов бетоқат қўл силтаб:

— Қариндош-уруғларнинг бордир ахир? — деб сўради.

— Бор. Бироқ эллик минг?..

— Анов отларинг-чи? — Маржонойнинг гапини бўлди



Миржалолов. — «Волга»га алмашиб олган отларинг!  
«Қалдирғоч» дейсизларми уни?

— Қалдирғоч, — деди Маржоной бўшашиб.

— Сотсаларинг унга камида йигирма минг беришадил!

— Қалдирғоч... — деди Маржоной мунғайиб. — Уғлим шўрлик нима қилади? Жонидан ҳам яхши кўради уни ўғлим!

— Жонидан ҳам яхши кўрармиш! — пичинг қилди Миржалолов. — Чамаси сизга эр, ўғлингизга ота эмас, мол-дунё керак экан! Турмуш ўртоғингизнинг қисматидан кўра мол-дунё баланд турар экан сизлар учун!

Маржоной жон ҳолатда:

— Йўқ, йўқ, унақа деманг, акажон! — деб илтижо қилди. — Бойликни ўйлаётганим йўқ мен ўлгур... Шунчаки...

— Нима шунчаки?

— Шунчаки, — Маржоной оғзи қуриб тамшанди — Сизлар... бегуноҳ бир одамни оқлаш учун пора олишларингиз...

Миржалолов дағ-дағ титраб:

— Йўқол! — деб ўшқирди. — Яхшликка ёмонлик! Мен сендай тошбағир хотинни умримда биринчи кўришим, чиқ кабинетдан!

Маржоной энг сўнгги умиди чил-чил синаётганини сезиб яна «акажон»лашга тушган эди, йўлакда гурс-гурс оёқ товушлари эшитилдию эшик шитоб билан очилиб, хонага... Шарановский билан прокурорлик либосида яна бир барваста одам кириб келишди... Шарановский бир Маржонойга, бир Миржалоловга савол назари билан қаради-да, полни ларзон-ларзон қилиб, тун қора хона томон юрди. Маржоной апил тапил ўрнидан турди.

— Уртоқ Шарановский!..

Шарановский қайрилиб ҳам қарамади. У жингалак соч бошини баланд кўтарганча виқор билан юриб, тун-қора хонага кириб кетди. Миржалолов қаҳр билан Маржонойга қаради.

— Бор, — у қўлини бигиз қилиб ташқари эшикни кўрсатди. — Чиқ бу ердан? Чиқасаним ё милицияга топширайми?

Маржоной қуйилиб келган кўз ёшидан ҳеч нарсани кўрмай, сармаст одамдай гандираклаб хонадан чиқди.

«Маржонтов» туманида тергов ишларига бошчилик қилаётган Вячеслав Шарановский вилоят марказидан ниҳоятда кўтаринки руҳда, боши осмон бўлиб қайтди. Бунинг бир сабаби жумҳурият миқёсидаги тергов ишларини бошқараётган генерал кеча, вилоят марказида ўтказилган махфий кенгашда Шарановский ва унинг қўл остидаги терговчилар қўллаётган услуб, яъни бирор жиноятчини ҳибсга олишдан олдин унинг жиноятларини исбот қилувчи фактларга суяниш эмас, балки аввал ҳибсга олиб, кейин тергов давомида гуноҳини бўйнига қўйиш услубига юқори баҳо берди, бу услубни адлия фанига қўшилган улкан янгилик деб эълон қилди.

Терговчи ва прокурорлар орасида «генерал» деб ном чиқарган ва алоҳида ваколатларга эга бўлган бу одам гарчи «важоҳатидан ит ҳуркийдиган»лардан бўлмаса ҳам «ҳақиқат учун жонини ҳам аямайдиган, ҳеч нарса ва ҳеч кимдан кўрқмайдиган, қайтмас ва музаффар курашчи»лардан эди. Мана бир неча йилдирки, у ўзи шу услубга суяниб, бутун жумҳуриятни зир титратар, одамларнинг айтишича, вилоят катталари у ёқда турсин, балки жумҳурият раҳбарлари ҳам ундан чўчишар, бу элда аллақачон унинг айтгани-айтган, дегани-деган, хуллас, оғзидан чиққан сўз қонунга айланган эди. Бошда бу ерга келиб иш бошлаганида ўзини камтаргина тутган, «Волга» ва «Жигули»ларда юрган бу одам, кейинги йилларда бронетранспортёр ва ҳатто танкларда юришни одат қилганди.

У кеча ҳам вилоят марказига бронетранспортёрда келди. Элда тобора авж олиб бораётган қама-қамалардан юраклари безиллаб қолган халойиқ вилоят кўчаларидан тариллаб ўтган бу баҳайбат машинани кўрганида сичқоннинг ини минг танга бўлиб, ўзларини дуч келган тешикка уришди. Ватан уруши ҳақидаги кино бўлганда ўзларини томдан ташлайдиган болакайлар эса, «ғаройиб жонивор» кетидан югуришиб, айюҳаннос солишди, бири уни «танк» деса, бири бронетранспортёр дея баҳслашиб, муштлашишгача боришди.

Махфий кенгаш область партия қўмитасининг кичик залида ўтди. Эшиклар тақа-тақ ёпилди. Раҳбарлардан биронтаси ҳам таклиф қилинмади, тўғрироғи, ўнларча мотоцикллар қуршовида кириб келган бронетранспортёрни кўрганларида улар ўзлари, чамаси, «...»-инларига кириб кетишди.

Эгнига ўзига ярашган кулранг костюми ичидан ўқ ўтмас қалқон кийиб олган генерал катта, сермазмун нутқ сўзлади. У жумҳуриятда авж олган порахўрлик, пахта соҳасида йўл қўйилган кўзбўямачилик, қисқаси, чуқур илдиэ отган салбий ҳодисалар ва бу ҳодисаларга қарши кураш йўллари ҳақида батафсил маъруза қилди.

— Албатта, — деди генерал ўтирганларга синовчан тикилиб, — биз ўз ишимизни қонун асосида олиб боришимиз даркор. Қонун — ўз номи билан қонун! Лекин биз курашаётган бу юртда давлат киссасига қўл солиб, ватанимизга миллион-миллион зарар етказган юлғичлар, мудҳиш мафияга айланган қаллоблар ва кўзбўямачилар ўз қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қадамда қонунни бузишаётган бўлса-чи? Умуман қонун деган нарсa бус-бутун ёдларидан чиқиб, унга туфлаётган бўлсалар-чи? Ва шу йўл билан давлатимиз ва халқимизнинг миллион-миллион пулларини ўмаришиб, мисли кўрилмаган бойлик орттиришган, шоҳона ҳаёт кечираётган бўлсалар-чи? Биз бу ҳолда нима қилишимиз керак? Хиёнат йўлига кирган мансабдорнинг қилмишлари ҳақида етарли фактларга эга эмасмиз, яъни, қонун бузилиши мумкин, дея қўл қовуштириб ўтираверамизми ё бирор қатъий йўл-йўриқ қидирамизми?

Генерал шундай деб, залда йиғилганларга синовчан тикилди. Шунда ҳар жой-ҳар жойдан:

— Йўқ, биз эски йўл билан ўғирлик ва кўзбўямачиликка чек қўёлмаймиз, — деган хитоблар эшитилди.

— Бизнинг бўшанглигимиз ва журъатсизлигимизни кўриб, қаллоблар ҳаддидан ошиб кетяпти!

— Қонуннинг ҳар бир сатрига риоя қиламиз десак, давлатнинг яна миллион-миллион пуллари ўша қаллоблар чўнтагига кетади!..

Генерал мамнун бош ирғади.

— Масалан, — деди у ғовур-ғувур босилгач, — сиз билая биз кўриб турибмизки, жуда кўп хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ходимлари, айниқса савдо ташкилотларидаги қаллоблар... нари борса икки юз-икки юз эллик сўм маош олганлари ҳолда шундай яшайдиларки, бундай ҳаёт инқилобдан аввалги бойлару беклар у ёқда турсин, ҳатто унча-мунча ҳокимларнинг тушига кирган эмас! Ўзи бек, ўзи хон дейсиз! Уйлари уй эмас, дабдабали қаср! Ўзлари қолиб, фарзандлари ҳам «Жигуль»ю, «Волга»ларда юришади...

Ён-веридан яна боягидай жўр хитоблар янгради:

— Фарзандлари деб қўяқоласизми, невара, эвараларигача «Волга» минишади.

Мажлис шу ерга келганда Вячеслав Шарановский ортиқ чидаб туролмай ўрнидан туриб кетди.

Генерал унга аллақандай илиқ, оталарча меҳр билан тикилиб:

— Ҳа, Вячеслав? — деб сўради. — Бир нарса демоқчимисан?

— Демоқчима! — Шарановский севиқли устозининг алоҳида эътибор берганидан болаларча қувониб кетди. — Мен бу кенгашда айтилган барча гапларга тўлиқ қўшиламан. Марказий газеталарда тўғри эътибор қилинаётганидек, бу ўзи шунақа... ичидан чирий бошлаган юрт экан. Баъзиларнинг уйига кирсангиз... битта намати йўқ! Аммо чопонини тинтисангиз пахтаси орасидан юз минг чиқади!

Орқадан кимнингдир журъатсизгина ожиз овози эшитилди:

— Жудаям унчалик эмас, ўртоқ Шарановский!

Шарановский овоз келган томонга кескин бурилиб қаради. Кичкина залнинг энг охирида беш-олтита маҳаллий элат вакиллари кўзга ташланар, улар энг орқада аллақандай қисиниб, гўё шерлар даврасига тушиб қолган қуёнлардай қимтиниб ўтиришар, олазарақ кўзларида гуноҳкорларча ифода шундоқ акс этиб турарди. Шарановскийнинг узунчоқ чиройли юзига қон қуйилди.

— Мен ўз кўзим билан кўрган нарсаларим ҳақида гапирялман! Сўзимда ҳеч бир муболаға йўқ. Керак бўлса жавоб бераман! — У буюк ҳақиқатни кашф этгандек, виқор билан ўрнига ўтирди.

Шарановскийнинг дарғазаб бўлиши бежиз эмас, ҳозир нима деган бўлса — бунинг ҳаммасини у чуқур эътиқодига суяниб гапирганди.

Вячеслав Шарановский бу ерга келишдан аввал Россиянинг энг шимолий вилоятларида ишларди. У генерал билан ўша ерда танишган. Гарчи у маҳалда генерал ҳали бунақа доврүқ қозонмаган, аммо қаттиққўл, деб ном чиқара бошлаган, Шарановский эса ҳақиқий прокурор шундай бўлиши керак, деган эътиқодда эди. Шу боисдан генералнинг эътиборига сазовор бўлиб, вилоят прокуратурасига таклиф қилинганди.

Шундан бери генерал уни кўз остига олиб қўйган, ҳатто марказга кўтарилиб доврүқ қозонганидан кейин ҳам эсидан чиқармаган эди. Эсидан чиқармаган эканки, икки юз кишидан иборат терговчилар гуруҳини тузиб,

бу жумҳуриятга десант ташлаганида, Вячеслав Шарановскийни ҳам ўз қўшинига таклиф этди, ҳозир текширув кетаётган райондаги терговчилар гуруҳига раҳбар қилиб тайинлади.

Шарановский шаҳаргача келиб, ундаги райком, ижроқўм, универмаг, ресторан ва техникум биналарини, асфальт кўчаларни кўриптики, аламли бир ўй кечаю кундуз унга ором бермайди: «Нега булар бундай талтайиб кетишган? Негача буларда ҳамма нар бор? Негача бизда йўқ? Негача бизнинг аҳволимиз бунча хароб? Бунинг акси бўлиши керак-ку аслида?»

Кейинчалик, Миржалолов билан яқинлашиб, шанба ва дам олиш кунлари колхоз ва совхозларга бориб майшат қилишга одатлангандан кейин, Шарановскийнинг миясини бетиним пармалаган бу аламли ўйлар бешбаттар авж олди.

Одатда бу ўтиришлар энг катта, энг бадавлат хўжаликларнинг энг хилват, энг гўзал жойларида, серсоя боғларида, ховуз бўйларига қурилган шоҳона шийпонларда ўтарди. Бу ўтиришларда хўжалик раҳбарлари, бош ҳисобчи, бош агрономлар ёш болалардай чопқиллашиб хизмат қилишар, олий нав шароблар дарёдай оқар, дастурхонга бўрдоқи гўштидан пиширилган оқ шўрва, қулинг ўргилсин палов ва жигар кабоблар тортиларди. Аввал бошда бу шоҳона ўтиришлар ҳам Шарановскийнинг кўзига ёмон кўриниб юрди, аммо сал ўтмай кўника бошлади, фақат зиёфатлар эмас, зиёфат орқасидан кийдириладиган зарбоф тўнлар, қимматбаҳо совғасаломларга ҳам ўрганиб кетди. Лекин энг баҳаво, энг кўркем боғларда майшат қилган пайтларида ҳам унинг хаёлидан ўша аламли ўй, юрагига бигиздай қадалувчи ўша савол кўтарилмас эди: «Нега булар бунчалик ошибтошиб кетган? Негача бизникиларнинг аҳволи бунчалик хароб?»

Рост, гулгун ўтиришлар бўладиган бу кўркем боғларга етгунча Шарановский тушган машина ўнларча кўримсиз қишлоқлар, қийшайиб қолган, тиргак қўйилиб, аранг турган ғариб кулбалар, қинғир-қийшиқ тор кўчалардан ўтарди. У жазирама иссиқда кетмон чопётган қариялар, кетмонларининг оғирлигидан икки букилган қиз-жувонлар, бўйи гўза бўйига етар-етмас ногирон болаларни ҳам кўрар, лекин улар эсида қолмас, «даҳшатли меҳнат-ку бу» деган фикр хаёлига ҳам кириб чиқмас эди.

Кеча ҳам унинг эсига ўша сарсон бошлар тушди, салқин ҳовузлар, дарё бўлиб оққан коньяк ва жигар кабоблар хаёлида жонланди-ю, ўйлаган ўйларини мардона айта олгандан мамнун бўлиб, жойига ўтирди.

Вячеслав Шарановскийнинг оташин нутқидан кейин залда ғала-ғовур кўтарилган эди, генерал беписанд, бетоқат қўл силтаб, уни босди.

— Биз бу ерда шўрлик чўпон-чўлиқ, қашшоқ деҳқонлар ҳақида гапирётганимиз йўқ, — деди у «генерал» деган номга муносиб бир қатъият билан. — Демокчи-манки, баъзан вазиятга қараб иш юритмоқ лозим. Ҳадеб ҳадиксираб қонунга қарайверсак анов... катта қашқирларни қопқонга қандай туширамыз?

Генерал шундай деб, қаттиққўлликнинг энг яхши намунаси сифатида Вячеслав Шарановский гуруҳи тутган йўлни яна бир қўллаб кетди.

— На чора? — деди генерал, овози хиёл маъюс тортиб. — Албатта, бирор фуқарони жавобгарликка тортишдан аввал унинг жиноятларини фош этувчи фактлар тўплаш лозим. Бу, биз адолат посбонлари унуч оддий ҳалқа, албатта. Лекин баъзан шундай вазиятга дуч келасизки, жиноятчини дарҳол қамоққа олиб, гуноҳларини тергов давомида исботлашга тўғри келади. Мана, масалан, Вячеслав Шарановский. У бу услубга суяниб жуда катта натижага эришдики, унинг бу тажрибасидан кенг фойдаланмоқ зарур!..

Бутун бир жумҳуриятни ларзага солаётган машҳур генералнинг мақтовидан қанот ёзмай бўладими? Вячеслав Шарановский ўз маконига шу қанотда учиб келди-ю, Миржалоловнинг довдираб-дудуғланиб берган «рапорти»га қулоқ ҳам солмади.

— Кейин... кейин гаплашамиз бу гапларни! — деди у мастона жилмайиб. — Ҳозир ҳамма ходимларни йинг. Мажлис эмас, зиёфат ташкил қилинг! Гап бор.

— Ресторангами? — деди Миржалолов енгил тортиб.

— Йўқ. Ресторан директорининг ўзини чақириб, топшириқ беринг. Шу бинода... биринчи котибнинг хонасига дастурхон ёзсин! Айтиб қўйинг: дастурхон жойида бўлсин! Омборида яшириб қўйган нимаики яхши нарса бўлса — ҳаммасини чиқарсин! Коньяклар... фақат арман коньякларидан бўлсин!

Миржалолов аскарчасига ғоз туриб, қўлларини кўксига қўйди:

— Бугун жаа... кайфингиз чоғ. Яхши гап бўлганми дейман, Вячеслав Александрович?

— Бўлганда қандоқ! Ювадиган гап! Яхши йигитсан-у, аммо мана шу... қўлларингни кўкракларингга қўйиб гаплашиш одатларингни қачон қўясанлар? Қуллик давридан қолган одат бу!

— Хўп, хўп. Бу гапингизни инобатга оламиз, Вячеслав Александрович!

— Боринг! Буйруқни бажаринг!

Бир соат ҳам ўтмадики, район партия қўмитаси биринчи котибининг танобий хонаси чинакам зиёфатхонага айланди. Шундоқ райком биқинидаги ресторан ходимлари турнақатор бўлишиб, оёқлари ерга тегмай хизмат қилишди: тоғора-тоғора гўшт, сомса, арман коньякларини қўлдан-қўлга бериб ташишди, столларни гуллар билан безатишди.

Соат саккизда ҳаммаси бир хил кўкимтир либос, оҳори тўкилмаган оқ кўйлак кийиб, гулдор галстукларни тақиб олган, қора туфлилари сақичдай ялтираган адолат посбонлари — Шарановский группасида улар йигирмадан ошарди — биринчи котиб қабулхонасида жамулжам бўлишди. Кунни кеча вилоят марказида бўлиб ўтган махфий кенгаш ва бу кенгашда Шарановский бошлиқ терговчилар гуруҳига берилган юксак баҳо аллақачон етиб келган, устига-устак, ичкарида уларни ажойиб зиёфат кутарди. Шу боисдан қабулхонада кўтаринки руҳ ҳоким, ҳаммининг лабида кулгу, кўзларида мамнуният порларди.

Шарановский қабулхонага роппа-роса соат саккизда кириб келди. У ёлғиз эмас, ёнида ўзидай хушқад, хушсурат ёрдамчиси, Галя деган кўҳликкина ёш котибаси ва Миржалолов бор эди. Ҳаммининг оғзи қулоғида, фақат Миржалолов нимадандир безовталаниб, ичкарига мўралаб қўйди.

Оҳори тўкилмаган оқ кўйлак устидан янги кулранг костюм-шим кийган (у кийимда ҳам сеvimли генералига тақлид қиларди) чеҳрасида камтарин табассум, ҳозир у нозир бўлганларнинг шодон олқишлари остида рўпарасидаги қўш тавақали эшикни ланг очди, очди-ю, дастурхондан мамнун бўлиб, ёнидаги Миржалоловга ўгирилиб қаради:

— Молодец, Миржалолов! Ишончимни оқлабсан бу сафар. — Шарановский бошқарган йигирмадан ортиқ адолат посбонлари орасида руслардан ташқари беш-олтита кавказликлар, яҳудийлар, бир нечта ўзбек ва ҳатто битта бошқирд ҳам бор эди. Руслар вазмин ва салобатли, ўзбеклар аллақандай тортинчоқ, журъатсиз, кавказ-

ликлар эса аксинча бу ернинг асл хўжайинларидек манман, сергап, сершовқин, сервиқор эдилар...

Президиум столининг ўртасидан жой олган Шарановский ўрнидан турди, туриши билан кулгу ва ҳазил-мутойибалар аста-секин тинди.

Шарановский, авваламбор, бу камтарин ўлтиришда ҳозир бўлганларга адолат йўлига ўзини бағишлаган дойорак генералнинг оташин саломини етказди. Қарсақлар билан қарши олинган бу хушхабардан сўнг Шарановский бирдан жиддийлашиб, кенгаш тўғрисида батафсил ахборот берди. Кенгашда унинг қўл остида ишлаётган терговчилар гуруҳига, хусусан, улар қўллаётган услубга, яъни жиноятчиларни қўлга олишдан аввал фактлар тўплаш билан бир қаторда, шубҳали қаллобларни аввал ҳибс қилиб, кейин тергов давомида қилмишларига иқдор қилдириш услубига юксак баҳо берилганини алоҳида уқдириб ўтди. Шарановский бу ҳақда қувончини ичига яшира олмай, мамнуният билан гапираркан, ўнг томондан жимгина ерга тикилиб ўтирган муовини Михаил Доронинга бир неча бор ғолибона қараб қўйди. Ёш бўлса ҳам жуда қайсар Михаил Доронин бу масалада Шарановский тутган йўлга кўпдан бери қатъий эътироз билдириб келарди.

Гарчи кўзи ерда бўлса ҳам, Шарановскийнинг ғолибона қарашларини сезиб ўтирган Михаил Доронин асабий йўталиб қўйди. Унинг рангпар юзи лоларанг тус олди. Ёш, қайсар, ўзига ишонган одам, бошқа вазиятда эҳтимол, бу масалада ўз фикрини дангал айтар ёки ораларидаги нифоққа лампамой қуймаслик учун, шартта туриб зиёфатдан чиқиб кетарди. Ҳозир эса... биринчидан, жанжалнинг ўрни эмас, иккинчидан, тўғриси айтганда, ўзи ҳам генералдан пича ҳадиксирарди.

Зиёфат бошланди. Биринчи қадаҳ албатта, совет тергов соҳасида янги саҳифа очган, жамиятда илдиэ отган мудҳиш ҳодисаларга қақшатқич зарба бераётган, ҳар хил қаллоблар, юлғичлар, корчалонлар, чириб-бижғиб кетган порахўрларнинг пайини қирқаётган адолат посбони-генерал учун кўтарилди. Иккинчи қадаҳни эса буюк устоз ишини жорий этишда ҳаммага намуна кўрсатаётган Вячеслав Шарановскийнинг муваффақиятлари учун ичилди. Кейин бу ишда чинакам жонбозлик кўрсатаётган терговчилар учун, ниҳоят, қилаётган хизматлари унча кўзга ташланмаса-да, ўз камтарин меҳнатлари билан умумий ишга катта ҳисса қўшаётган котибалар, хушмуомалалари, ширин лутфлари, ҳусн-



камоллари билан уларнинг оғир, хатарли ҳаётларини беэаб келаётган гўзал қиз-жувонлар шаънига алёрлар айтилди. Қадаҳларда кўпирган шароблар ва шаънларига айтилган алёрлардан яйраб-яшнаб кетган қиз-жувонлар, биринчи бўлиб даврага чиқишди ва эркакларни рақсга таклиф қилишди. Рақсни, ёш ва энг чиройли хотиба Галяхон бошлаб берди. У полни тешиб юборгудек депсинганича, ёқимтой нозу карашма билан қилчиллаб бориб, Шарановскийни даврага тортди...

Шундан кейин нима бўлди, Шарановскийнинг ёдида йўқ ҳисоб, Галя уни ўз хонасига бошладими, ё Шарановский ўзи уни ётоғига таклиф қилдими, мутлақо эсида йўқ. Чамаси унинг хонасига боришган бўлса керак, чунки эрталаб уйғонса... ўз ётоғида ётарди. Афтидан, тепада бошланган зиёфат унинг хонасида давом этган: Шарановский ётган диван ёнидаги хонтахтада чалачулпа ейилган бир товоқ қовурдоқ, ярим-ялчи ичилган бир-икки шиша коньяк, лаган-лаган мева-чева, очилган ва очилмаган «Боржоми», «Есентуки», «Тошкент» сувлари солинган шисалар аскардай саф тортган.

Боши тарс ёрилиб кетаётган Шарановский лоҳасликдан қутулиш умидида бир пиёла коньякни нафас олмай силқорди-да, газасига тоқати бўлмай, яна бошини ёстиққа ташлади.

Коньяк томоғини ёндириб ўтди, салдан кейин гўё томирларига сеҳрли малҳам қуйилгандай, мияси равшанлашиб, кўнгил озишлари тўхтади.

Шарановский ёстиғи тагидан қўл соатини олди: воё бўй, соат ўн иккидан ошибди!..

У ўрнидан туриб, энди кийина бошлаган эди, эшик очилиб, кеча рақсга тушавериб, ҳолдан тойдирган ёш хотибаси Галя кирди ва салом бериб, қиқирлаб кулди:

— Айиқ бўл кетинг-э, Вячеслав Александрович. Одам деган ҳам шунақа ухлайдими?

Шарановский шўхлиги тутиб Галянинг бўлиқ думбасини шапатилади:

— Кечаси сен билан олишавериб ҳолдан тойгандирманки, қотиб қопман.

Уйинқароқ Галя қаҳ-қаҳ отиб кулди...

— Кошкийди олишган бўлсангиз? Ётоғингизга кирмасдан туриб, учиб қолдингиз-ку, ўртоқ прокурор!

Шарановский қулочини кенг очди:

— Ке бўлмаса бу хатони тузатайлик!

— Жинилик қилманг! Одамлар кутяпти сизни. — Галя шундай деб, деразага тутилган дарпарданинг по-

пукли богичини тортди: дарпарда «шар» этиб очилди. Осмондан қўйилган бир тоғора нур хонани чароғон қилиб, Шарановскийнинг кўзларини қамаштириб юборди.

Аёллардай жони қаттиқ жонзот йўқ экан! Балоям урмапти бу ўйинқароқ шўх қизга! Гўё бир қултум ҳам шароб ичмаган, гўё рақсга тушавериб Шарановскийни ҳолдан тойдирмаган! Кечагидан ҳам очилиб, қилпиллаб турибди. Унинг нафас олишлари, бўялган кўзларини сал сузиб эркаланиб туришлари Шарановскийнинг ҳирсини кўзгади-ю, котибасининг «одамлар кутяпти» деган сўзлари эсига тушиб, энсаси қотди:

— Одамлар кутяпти дедингми? Қанақа одамлар?

— Кечирасиз. Одамлар эмас, битта одам!

— Бугун қабул кунни эмас-ку?.. Бу одамга ким рухсат берди киришга?

— Муовинингиз... Доронин!

— Доронин?

Шарановский муовинининг номини эшитиши билан беихтиёр афт-башараси бужмайиб кетди. Шарановский гуруҳига яқиндагина қўшилган бу ёш, аммо ўлгудек қайсар терговчи, биринчи кунданоқ унинг иш услубига қатъий эътироз билдира бошлади. Айниқса, анов «Мар-жонтов» совхозининг директорини қамашда кўп қаршилик кўрсатди. Шунинг учун ҳам кечаги зиёфатда Шарановский генералнинг гапларини жўрттага такрор-такрор қайтарди, такрорлар экан, Дорониннинг кўзларига тикилиб гапирганди. Лекин шундай қилса ҳам ўзига бино қўйган бу олифта бўш келмади (у прокуратурадан эмас, ҳаммани назорат қилувчи нозик ташкилотдан келган, акс ҳолда Шарановский уни аллақачон ҳайдаб юборган бўларди), Шарановский нутқини тугатар-тугатмасданоқ зиёфатни намоёншкорона тарк этди.

Шарановский бунни эсладию энсаси қотиб:

— Доронин рухсат берган бўлса, ўзи қабул қилсин у одамни! — деди тутатиб. Галя пешонасига шалоладай қуйилган тилларанг сочларини назокат билан орқасига ташлади.

— У одам кўнмаяпти! Доронин билан эмас, фақат сиз билан гаплашармиш, Вячеслав Александрович!

Шарановскийнинг лабларидаги табассум аста сўнди, гўё бу гапларга котибаси айбдордай, қовоғини уйди.

— Қанақа одам эканки, прокуратурага бўйсунмайдиган?

— Қаҳрамон! — деди Галя. — Ҳаммаёғи орден-медал! Костюмининг этагигача оқинчоқ-тақинчоқ!

— Биламиз унақа қахрамонларни! Уғрилик ҳисобига юлдуз таққан кўзбўямачилардан биридир-да! Хўп! Нима масалада кепти? Суриштириб билдиларингми?

— Билдик. Ҳалиги... «Маржонтов» совхозининг директори бор-ку — Сувонқулов! Ушанинг иши бўйича...

«Доронининг иши! Жўрттага қияпти бу ишларни! Аблаҳ!» — Асабий одимлаб дераза олдиға борди, вужудини чулғаб олган титроқ билан олишиб, бино олдидаги кенг, аммо қаровсиз майдонга, сувсиз, ўлик фонтанга тикилиб турди. Ҳар кунгидек, майдон оломонга тўляпти. Яна ҳар кунги йиғи-сиғи, арз-дод бошланаяпти. Қўлла-рида тўрва, елкаларига хуржун осиб олган бу иприндиси-принди одамлар доим унинг жинини кўзғар эди! Ҳозир ҳам шундай бўлди-ю, Шарановский шартта орқасига қайтиб диванга чўкди.

Сўнги бир йил давомида у шахсан тергов қилаётган, ўзи кўзғаган йигирмадан ортиқ ишнинг ичида энг оғири, энг асаббузари мана шу... Суюн Сувонқуловнинг иши бўлди. Тўғриси айтганда, бошда Суюн Сувонқулов устидан тушган бир-иккита юмалоқ хатлар, ёнғинда қолган қўйлар ҳақидаги гаплар уни кўп ҳам қизиқтирмаган эди. У кўпроқ устози генерал йўлидан бориб, осилгандан кейин катта дорға осилиш пайида эди, чунки, шундагина довруқ чиқаришига амин эди. Шу ниятда у бу ерга келиши биланоқ вилоят катталари, хусусан биринчи котиб Жамол Нажмиддинов ҳақида маълумот тўплай бошлаган эди. Бахти экан, ниятини худо ўзи қўллади. Усиз ҳам атрофида гап айланиб қолган Суюн бургут ҳақида: «У директор бўлиш учун Нажмиддиновга катта пора берган!» деган устма-уст хат тушдию Шарановский муовинининг: «Бу гапларни аввал секин текшириб кўрайлик», деган гапига қарамасдан Сувонқуловни шартта қамади. Нажмиддиновни эса, ҳибсга олишга журъат этмади-ю, аммо зимдан иш кўзғади...

Ростини айтганда, Шарановский Суюн Сувонқуловни (одамлар уни «бургут» дейишар экан, уёга қолса шер дейишмайди!) бир-икки кунда шундоқ синдираман, синдирмоқ тугул оёғим тагида эмаклаб юрадиган қиламан, деб ўйлаган эди! Аммо бир қарашда вазмингина, ёввошгина кўринган бу йигит ўзбекнинг эшшагидан ҳам қайсар чиқди!

Шарановский уни минг кўйга солиб кўрди. Биринчи кунлари бир маҳаллар молхона бўлган кана тўла ертўлада ушлаб, кунига бир коса сув, би-та арпа нон билан боқтирди. Авраб ҳам кўрди, пўписа қилиб ҳам.

Лекин синдирмоқ уёқда турсин, ҳозирча бир оғиз гап ололмади! Доронин, чамаси, бунга хурсанд! Йўқ, Доронин нима демасин, Шарановский уни синдиради! Керак бўлса, ҳозиргидан бешбаттар кўйларга солади, керак бўлса, отасини ҳам пичоқлашдан қайтмайдиган кисса-вурлар, қиморбозлар, каллакесарлар орасига ташлайди. Кеча у Миржалоловга Бургутнинг хотинини чақириб, эллик минг сўрашни топширди.

Шарановский кимни қоп деса, қопадиган, бос деса босадиган бу эшакмия Миржалолов, унинг нияти пул эмас, батамом бошқа нарса эканини ўйлаб ҳам ўтирмай энг пимариб ишга киришиб кетди.

Ҳақиқатан, Шарановский учун эллик минг сўм — пул ҳам эмас! Қизиқ халқ бўлар экан бу ўзбеклар. Булар ҳаммаси ўғри деса хафа бўлишадю... Шарановский қайси колхоз, қайси совхоз, қайси жойга бормасин, киссаси пулга тўлиб қайтади. Ким, қачон чўнтагига солди бу пулни — ўзиям билмай қолади. Шу боисдан у сўнги пайтларда меҳмонга дипломат кўтариб борадиган бўлди. Дипломати боришда бўш бўладю, қайтиб келиб очса... даста-даста пул! Ҳозир йиғилган пули миллионга яқинлашиб қолди, ярмини генералга бергандаям... ўзига ярим миллион қолади! Ярим миллион турганда эллик минг пул бўптими? Пул эмас, сариқ чақа! Шарановскийнинг нияти батамом бошқа! Мақсади, Бургутнинг хотини кўнса, пул, яъни пора бераётганда шартта босиш! Керак бўлса, анов эшакмия Миржалоловни ҳам кўшиб, пора олаётган қўлларини шартта кишанлаш. Ана унда Нажмиддинов устидан қўзғалган иш ҳам жадаллашади. Ахир Москов терговчиларига эллик минг сўм таклиф қилган Суюн бургут Нажмиддиновга миллион сўм берган бўлиши мумкинмиди?! Мумкин! Бу эса Шарановскийнинг обрўсини Иттифоқ миқёсига олиб чиқар эди.

Агар Шарановскийнинг бу нияти иш бермаса — охирги чора қолади. Шарановский яхши билади: қамоққа олинган маҳбуслар орасида шундай қайсарлари борки, улар ҳар қандай тазйиққа бардош берадилар, аммо битта нарсага — хотинларининг қамалишига дош беролмайдилар! Ҳатто Сувонқуловга ўхшаган энг қайсарлари ҳам ўша куниёқ гуноҳларини тан олиб, терговчилар нистаган ҳужжатга қўл қўйиб беришади.

Миржалоловнинг айтишича, Бургутнинг хотини гапига кирмапти! Жуда соз! Эр-хотин ўзларидан кўришсин. Шарановский охирги чорани кўришга мажбур бўлади! Шарановский кеча зиёфатдан кейин Миржалоловнинг

таъзирини бериб, она сутини оғзидан келтирди. Аммо ўзиям асаби бузилиб, уст-устига ичди. Учиб қолишининг боиси ҳам шунда. Чунки... биринчи йўл, ҳарқалай, бе-хатарроқ, осонроқ йўл эди! Аммо... тўхта! Эҳтимол бу чолнинг келиши бежиз эмасдир! Эҳтимол кеча Бургутнинг хотини қайтиб боргач, қариндош-уруғлари масла-ҳатлашиб, Миржалоловнинг шартини қабул қилишгандир. Эҳтимол шунини айтгани келгандир бу мўйсафид. Эҳтимол у Доронин билан эмас, Шарановскийнинг ўзи билан юзма-юз гаплашмоқчи бўлаётгани ҳам шундандир. Акс ҳолда... дардини Доронинга айтиб қўя қол-масмиди?..

Шарановский ногоҳон миясида ярқ этган бу фикр-дан кўнгли сув ичгандай ёришиб, ўрнидан туриб кетдию Галянинг елкасига шалоладай қуйилган сочларини тўзғитиб, эркалади:

— Жа ширин забон бўп кетдинг-да, сен пучуқ! Тас-лим қилдинг яхши гап билан. Бор, айт қаҳрамонингга! Ҳозир чиқади де, мени!

## XI

Ветеран Маржонойни қанчалик яхши кўришини энди билди. Шаҳардан кеч қайтган Маржоной дам кўзига ёш олиб, дам бўғзига келган фарёд билан олишиб, гапириб берганида, чол ҳам ўзини тутолмади. Маржоной билан Бибисорага тасалли беришга мадори етмай узоқ вақт гунг бўлиб қолди. Лекин Маржоной сал ўпкасини босиб, Бургутни озод қилиш учун эллик минг пора сўраганларини айтганида Ветеран бирдан ҳушёр тортди:

— Нима-нима? Эллик минг пора? Ким айтди бунини? Уша, Москвадан келган прокурорларми?

— Йўқ, ўзимизни ўзбек. Шарановскийнинг ёрдам-чиси. Улар бирга келиб тинтув қилишганди уйимизни!

— Оқ қарға, қора қарға — бари бир қарға, — деди Бибисора момо.

— Шошма, момо, шошма! Исми шарифи нима, пора сўраган бу корчалонни биласанми?

— Исмини билмайман-у, фамилияси Миржалолов.

Ветеран, кителининг ён чўнтагидан муқоваси сар-ғайиб кетган қалин дафтарчасини олиб, қалтироқ қўл-лари билан алланималарни ёзаркан:

— Кучинг фақат икки кўзингга етганидан фойда йўқ, болам! — деб Маржонойни койиди. — Ветеран бо-

бонг ўлгани йўқ ҳали. Бобонг тирик экан, тагига етади бу қинғир ишларнинг! Асло бўшашма, қизгинам!

Маржоной алам билан тебранди:

— Улар тан олишармиди пора сўраганларини, бобо-жон?

— Тан олишадими, йўқми, уёғини бобонгга қўйиб бер, болам! — Ветеран шундай деб ўрнидан туриб, меҳмонхонага ўтди, ўзини диванга ташлаб узоқ хаёлга толди. Маржонойнинг айтгани, куёви Бургутни ҳибсдан чиқариш учун эллик минг сўради, деган гапи, ҳарчанд уринмасин, сира ақлига сиғмасди. Бу мудҳиш гапни бу ердаги эски қаллоблар айтишса ҳам майли, ветеран бунга ажабланмас эди, аммо Масковдан порахўрликка қарши курашиб, ҳақиқат ўрнатамиз деб келган адолат посбонларининг бундай шарт қўйишлари... йўқ. Ветеран ҳамма нарсага тоқат қилса қилади-ку, бундай фириб, бундай малъунликка тоқат қилолмайди!

Ветеран котиблик давридан қолган катта чарм папкасини очди. Папка тўла жангир-жунгир орден-медал эди! Ветеран, гарчи янги костюми бўлса ҳам, урушдан қолган, рангини ажратиб бўлмайдиган эски кителини олиб, ҳаммасини битта-битта тақиб чиқди. Энг юқорисига Олтин юлдузни — бу юлдузни у Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун олганди — қадади, унинг тагига қўш Ленин ордени, битта жанговар Қизил Байроқ ва битта Меҳнат Қизил Байроқ орденларини, уларнинг остига Биринчи ва Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши, Қизил Юлдуз орденлари ва ўн чоғли ҳар хил медалларни қадади, эринмай, шошмай, ихлос билан битта-битта қадаб чиқди. Ҳар бир орден, ҳар бир медални қадаркан, уларни олишда кўрсатган жанговар ишлари, салкам қирқ йил тинчлик замонида қилган хизматлари эсига тушиб, гоҳ аллақандай жўшқин эсдаликлардан дили равшан тортиб, гоҳ нимагадир хўрлиги келиб, ўксиб олди. Кимдан ҳам яширади? Сўнги йилларда кўплар, айниқса ёшлар орден, медалларни тақиб олган кексаларни кўрса бурунларини жийирадиган, ошкора масхара қиладиган бўлишди. Агар кексалар дўкон-пўкондан бирор нарса олмоқчи бўлса, гарчи ҳаммаёққа «инвалидлар ва Ватан уруши иштирокчилари навбатсиз олишади» деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам, уларни навбатсиз қўйишмайдиган, ҳатто «Ватан уруши иштирокчилари аллақачон у дунёда юрипти, сен ҳалиям бу дунёда ивирсиб юрибсанми», дея ҳақорат қилиш одатини чиқаришган эди. Шу бонсдан Ветеран

бирор дўконда навбат турган одамларни кўрса, гарчи ү ерда текинга олтин улашилаётган бўлса-да, ёнига йўламайдиган бўлди. На чора, давр ўзгарди, Ветеранга ўхшаган минглаб қариялар мана шунақа шафқатсиз, меҳр-мурувватсиз бир замонга қолишди.

Ветеран кейинги пайтларда бундай гаплардан кўп ҳам ранжимайдиган бўлиб, уларга кўникиб ҳам қолганди. Бирор мактаб-пактабга чақириб қолишса, орден-медалларни кўриб, лол қоладиган чурвақаларга ўзи билганича яхши гапларни айтар, гул-пул беришса, уларни опкелиб, Бибисора момога берар, чақиришмаса... унга ҳам ранжимас, шўрлик момо олдига нима қўйса шуни еб, бирда ёзса, бирда узоқ муддат эсидан чиқиб кетадиган «кундалиги»ни битган бўлиб, ўзини овутиб тинчгина юрарди. Аммо энди... йўқ, эндиликда бу ноҳақликларга тоқат қилиб бўлмайди. Пичоқ суякка бориб тақалди. Вожабо: ахир тўрт йил урушда этик билан сув кечиб, қаҳратон қиш кунлари белбогдан қор кечиб жанг қилганларида, душман ўқидан вужуди илма-тешик бўлиб, жон олиб, жон берган мавридларда, бир кун келиб мана шу аҳволга тушаман деб ўйлаганмиди? Юртнинг битта гугуртига, қўрасининг битта қўзисига кўз олайтирмаган куёвим ноҳақ қамалиб, кексаликда топган меҳрибон, оқ кўнгил, соддадил ҳалололимнинг фарёдини эшитаман. Суюкли қизим ва неварамнинг изтиробларига гувоҳ бўламан, деган ўй хаёлига кириб чиққанмиди? Сал кам саксон йил умр кўрган бўлса, унинг олтмиш йили шу Шўро ҳукуматининг хизматида ўтди! Аммо мана, қариган чоғида, кўзидан нури, белидан қуввати кетган бир маҳалда, қилган шунча хизматлари эвазига қайтган яхшилик шу бўлдики? Келиб-келиб энди, инқилоб бўлганига етмиш йил ўтгандан кейин, Шўро ҳукумати ўзига қулдай хизмат қилган садоқати зоҳир бир фарзандининг гапи, кафолати, далилларини инobatга олмаса? Унинг гапи қолиб порахўрликни фош қилиш ниятида Марказдан келиб, ўзлари устаси фаранг порахўрларга инонса бу ҳукумат? Бу аҳволда келгусида кимга таяниб, кимга суянади бу раҳбарлар?

Йўқ, Ветеран бундай ёвуз ишларга лоқайд қараб туролмайди. У нопоклик, ноҳалолликка қарши ҳаммиша курашиб келган, энди ҳам курашади.

Ветеран шу тўхтамакда келди-да, барвақтроқ туриш азда эртароқ ётди. Лекин қани энди кўзига уйқу келса-чи? Миясини бурғидай пармалаган бу нохуш, беҳаловат ўйлар чангалидан қани қутила олса-чи.

У гоҳ эртага прокурорларга айтадиган гапларини ўйлар, хаёлан улар билан баҳсга тушар, гоҳ, аксинча, жумҳуриятда бошланган ва тобора авж олиб бораётган қама-қамаларни, ҳозиргина қизи Маржонойдан эшитган мудҳиш гапларни эслар, шунда юрагида вулқондай қайнаган исёнкор туйғулар аллақандай шубҳа ва ишончсизлик билан алмашарди. Бу ҳақда ўйларкан, негадир марҳум раҳбар эсига қайта-қайта тушарди...

Йўқ, Ветеран баъзиларга ўхшаб, марҳум хўжайинни ҳеч қачон фаришта деб ҳисоблаган эмас.

У марҳумдан кўп яхшиликлар ҳам кўрган, қаҳрига учраган даврлари ҳам бўлган. Катта хизматларини ҳам тан олади. Аммо хатоларини ҳам билади. Айниқса пахтачилик соҳасида олиб борган сиёсатини, гарчи ошкора айтолмаган бўлса ҳам, ҳеч қачон дилдан қўллаб-қувватлаган эмас. Мана, ахири бошига етган нарса ҳам шу пахта бўлди бу катта одамнинг!

Майли! Ўлган одамни ёмонламоқ — гуноҳи азим! Фақат калтабин одамларгина тош отади марҳумларга! Ветеран эса... ораларидан қанчадан қанча яхши-ёмон гаплар ўтган бўлмасин, марҳумнинг вафотидан кейин, сал ўтмай, унинг жасадини қабридан чиқариб ташлаш ҳақидаги фармонни ўқиб, титраб кетди! Уни ҳаммадан кўп ларзага солган нарса шу бўлдики, инсон деган номга номуносиб бу ишга собиқ хўжайиннинг энг яқин шогирдлари ташаббускор бўлишди! Ўлсам ишимни давом эттиришади, юзимни ерга қаратишмайди, деган, инонган сафдошлари қўли билан қилинди бу иш!

Ветераннинг назарида, Сталин ўлгандан кейин унинг бошига мағзава тўкиш нақадар тубанлик бўлса, марҳумнинг гўрини жойидан кўчириш ҳам, худди шундай виждонга хилоф иш бўлди. Шу боисдан у жаҳл устида раҳматликнинг жойини эгаллаган шогирдлари ва «садоқати зоҳир» дўстларига бир-иккита аччиқ хат ёзди. У хатларига жавоб ололмади, аммо «саломларини» одамлар унга етказишди. Бу саломлардан қўрққулик эди! Мана ҳозир ҳам Ветеран қоронғи уй — меҳмонхонада шифтга тикилиб, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётаркан, бошига тушган бу кўргулик билан ўша мактублари орасида мудҳиш бир алоқа бордек туюлиб, бир лаҳза юраги увишиб кетди.

... Ветеран кирганда Вячеслав Шарановский бир қучоқ чиройли гулдаста қўйилган (Галя ҳар куни эрталаб гулларни янгилаб турарди) катта ёзув столи атрофида қўлини орқасига қилиб, асабий айланиб юрарди.



Маржонойнинг кечаги гапларидан кейин Ветераннинг тасаввурида Шарановский важоҳатидан от ҳуркигулик, юзидан заҳар томиб турган бир жаллод бўлиб туюлган эди. Йўқ, унинг рўпарасида чеҳраси тиниқ, қалин малла сочларини силлиқ тараган, эгнига оҳори тўкилмаган оқ кўйлак кийиб, бўйнига гулдор қизил галстук тақиб олган, новчагина, бўй-баста келишган бир одам, тўғрироғи, хушбичим бир йигит турарди!..

Юришда давом этаркан, Шарановский Ветеранга ер остидан бир қараб қўйди-да, беғазаб, бироқ совуқроқ товушда:

— Хўш, хизмат? — деб сўради.

Унинг совуқ овози ҳам, ўғринча қарашлари ҳам шушсурат чеҳраси, келишган бўй-бастига мос тушмас эди.

«Прокурор прокурорлигига борар экан-да!» — Ветеран ҳаяжонини босиб, аста йўталиб олди.

— Агар ижозат этсалар... ўтирсам...

— Марҳамат! — деди Шарановский юришдан тўхтамай. — Агар арзга эмас, дўстона суҳбатга келган бўлсангиз — ўтиринг, — киноя қилди у.

Унинг нозик, аммо ҳақоратомуз кинояси, бот-бот ўғринча тикилиб қарашлари, хонани бетиним айланишлари Ветераннинг юрагидаги ғалаёнга ғалаён қўшди.

У, оёқлари дармонсизланиб, эшикдан кирган жойдаги стулга гурс этиб ўзини ташлади, ташлаганда кителининг кўкрагидан этагигача қадалган орден-медаллари бир-бирига тегиб, хонани жаранг-журунг овозга тўлдирди. Шарановскийнинг лабларида яна бояги масха-раомуз табассум пайдо бўлдию «лип» этиб сўнди.

— Хўш, қулоғим сизда, оқсоқол!

Ветеран ғазабдан дик-дик сакрай бошлаган қўлларини тиззаларига босди. У кўп йиллик ҳаёт тажрибасидан жаҳл келса ақл қочишини яхши билар, агар ҳозир юрагини ларзага солаётган ғазабни жиловлай олмаса ишни бузиб қўйишини сезиб, вужудини қамраб олган исён билан олишар эди.

— Мен, — деди у, ниҳоят, — мен куёвим, яъни ўғлим Суюн бургут... Сувонқулов масаласида келдим.

Шарановский юришдан тўхтади. Унинг қалин сарғиш қошлари асабий чимирилди.

— Сувонқуловнинг иши терговда. Ҳозир жиддий тергов кетяпти. Тергов тугамагунча бир нарса дейиш қийин, оқсоқол!

— Ҳар қалай мен, Сувонқуловнинг отасиман! — деди Ветеран. У гапининг калавасини йўқотиб қўймасликка

уриниб шошар, шошганидан дудуғланар, ўтирган жойида каловланар эди. — Биз ўзбеклар куёвни ўғил ўрнида кўрамиз. Бизда куёвни пайгамбар сийлаган, деган гап бор, ўртоқ Шарановский. Демокчиманки, мен, ота сифатида, ўғлимга қўйилган айбларни билишга ҳаққим борми, йўқми?

— Тергов тугамагунча ҳаққингиз йўқ! — шартта кесди Шарановский. — Лекин ёшингиз ҳурмати... айтишим мумкин. Ўғлингиз Сувонқулов — порахўр! Ҳам пора олган, ҳам пора берган. Порани халқдан, фуқародан олган, пулни катталарга, жумладан вилоят котибига берган!

— Фирт тўхмат бу! — Ветеранни қалтироқ босдию, овози дўриллаб кетганини ўзи ҳам билмай қолди.

Шарановский беписанд кулди.

— Тўхматми, йўқми — буни тергов кўрсатади! Аммо... ёшингиз бир жойга борган одам... ёшингизга ярашмайдиган иш қиляпсиз. Ўзингизни гўлликка соляпсиз! Гўё куёвингизнинг кирдикорларини билмайсиз! Нима ишлар қилганидан, кимдан қанча пора олиб, кимга қанча пора берганидан беҳабарсиз! Туя кўрдингизми, йўқ! Бия кўрдингизми — йўқ! Аммо... мени афв этасиз, оқсоқол! Сиздай ёши улур одам эмас, ёш боланинг гапи-ку бу! Виждонли одамнинг сўзи эмас-ку бу, оқсоқол!

— Нима, нима дединг? — Ветеран ёшига зид бир чаққонлик билан сапчиб турди? — Мен виждонсиз?... Мен... бизлар... Совет ҳукумати учун курашганда... сен... сен мишиқи ҳали онангнинг қурсоғида ҳам йўқ эдинг!

Шарановский Ветеранга қараб бир қадам ташлади-ю, оёқларини кериб тўхтади. Унинг юпқа қонсиз лаблари пирпираб уча бошлади:

— Сиз!.. Ўз вазифамни ўтаётган бир вазиятда ҳақорат қиляпсиз мени... бунинг учун жавоб берасиз!

— Аввал сен жавоб берасан, кейин мен! — Ветеран ҳаво етмай тамшанди-ю, гап тополмай талмовсирай бошлади.

Ё алҳазар! Кечаси ўйлаб қўйган ҳамма аламли ўйлари, айтмоқчи бўлган ҳамма аччиқ гаплари эсидан чиқди! Ҳаммаси! У худди ноҳақ қамчи еган отдай ҳамон дир-дир титрар; титраганда орден-медаллари бири-бирига тегиб, жаранг-журунг қиларди!.. Ҳа, хотирига келди кечаси ўйлаган ўйлари!

— Яхши! Мен жавоб беришга тайёрман! Аммо сен ҳам жавоб берасан! Ҳақиқат қилгани келиб, ҳақиқатни топтаяпсанлар сенлар! Ўйлайсанларки, билганимизни

қиламиз, оёқости қиламиз бу юртни деб! Қайтар дунё бу! Ҳали жавоб берасанлар бу қилмишларинг учун! — Ветеран эсига тушган гапларни қайта унутиб қўйишдан қўрқиб, тили курмалаб бўлса ҳам давом этди. — Сен... Сенлар бу элга порахўрликка қарши курашгани келасанлар-у, ўзларинг порахўрлик билан машғулсанлар. Асл порахўр сенлар! Сен!

Шарановский оёғи куйган товукдай жойида питирлаб қолди. У мяси айниган бу чолдан ҳар нарсани кутса ҳам, бу гапни кутмаган эди.

— Сен... бўҳтончи чол! — деди у, қонсиз, рангпар юзи бўғриқиб. — Нима деяпганингни биласанми ўзи? Бу гапинг, бу тухматларинг учун ҳозир обориб севимли куёвинг ёнига тикиб қўйишимга ақлинг етадимми-йўқми, эсини еган чол! Хўш, кимдан пора олибман мен? Гувонинг борми? Исбот қила оласанми бу бўҳтонларингни?

— Исботим йўқ! Аммо биламан!

— Шунақа де? Исбот йўғ-у, аммо биладилар! — Шарановский енгил тортиб жойига бориб ўтирди. Унинг бўғриққан юзига табассум югурди. — Менга қара, бобой? — Тўсатдан сенсираб заҳарханда қилди у. — Сен бу темир-терсақларингни кўп жаранг-журунг қилаверма! Уларни тақиб келиб қўрқитмоқчи бўляпсанми бизларни? Сен бу сийқаси чиққан ўйинчоқларингни қанақа қилиб олганингни билмайди деб ўйлайсанми бизни?

«Тўхта, тўхта? Нима деяпти, бу аблаҳ? Уйинчоқ? Тақинчоқ? Қанақа қилиб олганингни билмайди деяпсанми бу ўйинчоқларни? Ҳа, сенга ўхшаб ҳаром йўллар билан олганма бу «ўйинчоқлар»ни! Нопок йўллар билан эришганман бу иззат-эътиборларга!..

Иззат-эътибор? Нима деб валдираяпсан, мяси айниган қоқбош? Олтмиш йил бу ҳукуматга хизмат қилиб, тариқча ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлганингда мана шу... нопок порахўр олдида ҳор бўп ўтирарминг ҳозир?»

Ветеран томоғи ғип бўғилганича, улкан оппоқ бошини қуйроқ эгди.

— Сизга рухсат, оқсоқол, — деди Шарановский сал юмшаб. — Бир-иккита гувонларни чақириб бояғи бўҳтон гапларингизни протокол қилдирмагунимча жўнаб қолинг!

Ветеран яна дир-дир титрай бошлади:

— Жуда соз. Ездир ўша протоколларингни! Сен учун Ленин... Ветеран «орден» сўзи эсидан чиқиб, яна ду-

дуғланди. — Сен учун бу юлдуз, бу орден-медаллар темир-терсак бўлдими ҳали? Уйинчоқ бўлдими?

Шарановскийнинг лабларидаги беписанд киноя шўх, ўйноқи табассум билан алмашди.

— Менга қаранг бобой? Наҳот сиздай кўпни кўрган одам... Бу сафсаталарнинг даври ўтганини билмасангиз? Кўйнинг бу алмисоқдан қолган писандаларингизни! Кўриб турибмиз, билиб турибмиз, ҳамма нарсани. Кимки кўзбўямачилик, ўғрилик билан қўлга тушмасин, ҳаммасининг кўкраги мана шунақа темир-терсакка тўла! Хўш, сизнингча қайси хизматлари учун олган бу тақир-туқирларни!

— Ҳаммани тенг қилма!

— Тилимни қичитманг! Ҳамма бир гўр бу элда! Бўлдими? Менинг бошқа гапим йўқ сизга. Кабинетни бўшатиб қўйинг, оқсоқол!

Ветеран қимир этмади! У ҳамон титрар, ҳамон юраги бигиз суқилгандек безиллаб оғирди.

«Аблаҳ! Бутун бир элни ўғрига чиқаришга, ҳақорат қилишга ким ҳуқуқ берди сенга? — деб бақиргиси келар, лекин тили гўлдираб, овози чиқмас эди. Хўрланган, таҳқирланган бир ҳолда хаёлида яна ўша ўй, ўша аламли ўйлар гўжғон урарди.

Йўқ, бу таҳқир, бу хўрлик бу адолатсизликлар бежиз эмас! Ёшлигида қилган адолатсизликлари учун қайт-япти бу хўрлик, бу адолатсизлик?.. Аммо элнинг айби нима? Қайси гуноҳлари учун бу кўйларга тушди бу эл? Пахта деган балои азим туфайли қулга айлангани етмасмиди бу эл!.. Қани энди унинг ёшликдаги кучи? Елкасида пулемёт, Элба дарёсини биринчи бўлиб сузиб ўтгандаги йигитлик шиддати бўлсаю рўпарасида қақ-қайиб турган бу бетакаллуф, сурбет махлуқни тилка-пора қилиб ташласа!.. Йўқ, у куч, у шиддат қайда энди? Ёшликдаги бор кучинг, бор иродангни шўролар ҳукумати учун, энг ҳақгўй, энг адолатли жамият қураман, деб исроф этгансан! Юрак қўрингни шабадада совурилган буғдойдай созуриб тамом қилгансану, хор бўлиб ўтирибсан мана! Ҳа, меҳр-шафқат нималигини билмаган бу жаллод билан олишишга қурбинг етмайди энди!

Дарҳақиқат, қайтар дунё экан бу дунё! Ҳар ким эканини ўрар, деб бежиз айтмаган экан донолар! Мана, сен ҳам эканингни ўрдинг! Умидларинг ушалди! Интилган ҳақиқатнингга эришдинг мана! Нимани кутясан тагин! Тур ўрнингдан, қоқбош!»

Ветеран, юрагини кемирган маҳзун ўйларидан га-

пиришга ҳам мажоли йўқ, ўрнидан аранг турди. Шу пайт кимдир эшикни шахт билан очиб ичкарига кирди. Бу — Дмитрий Доронин эди. Ҳали замон у билан одамга ўхшаб гаплашган бу йигитни кўрганида Ветеран қайта ўтиргиси келди жойига, бироқ тўсатдан ўпкаси тўлди-ю, пиқиллаб йиғлаб юборишидан қўрқиб, гандираклаганича хонадан чиқди.

Доронин чолга йўл берди-да, ер остидан Шарановскийга қаради. Шарановский мийиғида бир кулиб қўйди.

— Намунча урушқоқ буқага ўхшаб, ўдағайлаб турибсан?.. Ке, ўтир!

— Урушқоқ буқа менми ё сенми? — деди Доронин. — Бутун бинони бошингга кўтармасдан секинроқ гапирсанг ҳам бўлади-ку! Эшитган одамдан уял!

— Бақирган мияси айниган бу чолми ё менми? — деди Шарановский.

— Ҳарқалай, ёши бир жойга борган муйсафид экан. Жилла қурса ёши ҳурмати.

— Сен аввал ёши бир жойга борган бу қоқбошнинг гапларини бир эшитгин эди! Илон пўст ташлайди унинг гапларига!

Доронин жавоб бериш ўрнига қўлидаги қора папкани Шарановскийнинг ёзув столига тап этиб қўйди. Сўнг унинг юзига қарамасдан:

— Тавишиб чиқдим бу иш билан, — деди секин.

Шарановский аллақандай тоқатсизлик билан:

— Хўш? — деб сўради.

— Мен сенинг бу ишингга бошдаёқ қўшилмаган эдим, ҳозир ҳам қўшилмайман! Олдиндан айтиб қўяй: Сувонқуловга қўйилаётган айблар асоссиз!

— Шунақами? — деди Шарановский қути учиб. — Айби йўқ, де! Агар ўзи иқроор бўлса-чи?

Бу сафар Доронин ҳам заҳарханда қилди:

— Гўё мен одамларни қандай иқроор қилдирияганингни билмайман!

Шарановскийнинг кўзлари чақчайиб кетди.

— Сен эса... гўё менинг иш услубимни кимсан... генерал ёқлаётганини билмайсан!

Доронин кўзларини Шарановскийнинг пирпирай бошлаган лабларидан узиб:

— Мен... — деди секин. — Мен Сувонқулов билан гаплашдим.

Шарановский гўё даҳшатли бир воқеа содир бўлгандек, бир дақиқа бақрайиб қолди, сўнг:

— Мендан берухсат... ким сенга рухсат берди у билан гаплашишга?

— Ахир иш билан танишиб чиқишни топширдингми менга, ё топширмадингми? Топширган бўлсанг, у билан гаплашишга ҳам ҳаққим бор эди, — деди Доронин ва Шарановский гапни бўлишга уринаётганини кўриб:

— Мени кечирасан! — деб шартта сўзини кесди. — Бу папқада менинг аризам ҳам бор.

— Қанақа ариза?

— Сен билан ишлашни истамайман. Ижозат берсанг — шу бугун жўнаб кетаман.

Шарановский бир ўйида: «Бор, боравер, тўрт томонинг қибла!» деб бақиргиси келди-ю, ўзини аранг босиб жойига бориб ўтирди, дир-дир титраган қўллари билан Дорониннинг аризасини олди-да, унга узоқ тикиляб қолди.

Йўқ, Шарановскийнинг калондимоғ, ўзини адолат-парвар ва инсонпарвар қилиб кўрсатишига уриниб юрган бу ёш терговчидан кўрқадиган жойи йўқ! Агар Доронин ўзини ҳақпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлса, Шарановский бу юртда илдиз отган мудҳиш жиноятларга чек қўйишга бел боғлаган.

Эҳтимол у бу олижаноб мақсад йўлида, баъзи-баъзида қонундан жиндай чекинаётган бўлса — чекинаётгандир? Аммо нияти жиноятнинг пайини қирқиш унинг! Зотан Шарановский бу нарсани яхши сезиб турибди ҳозир: ё у ҳам устозига ўхшаб, гоҳида қонундан жиндай чекиниб бўлса-да, бу ўғрилар, юлғичлар, қаллобларни қийратиб, генерал каби мамлакатга донг чиқаради, ёки Доронинга ўхшаган сохта ҳақиқатпарвар йўлини тутадими-ю, бир умр ипринди терговчи бўлиб ўтиб кетади! Бундай омад умрида бир марта кулиб боқади кишига! Орқасида генералдай суюнчиғи бор экан, нимадан кўрқади у! Кетаман деса... нега ундан нарига бормаиди. Тўрт томони қибла!

Шарановский шу тўхтамакча келди-да, ўрнидан турди. Аммо Дорониннинг гапларидан афсус чеккан бўлиб, уф тортди.

— Уйин қилиб нима қиласан, Дима? — деди. — Сени бўшатиш ё бўшатмаслик менинг ихтиёримда эмас, бу — генералнинг вазифасига киради.

— Кўрқма, мен генералинга бориб арз қилиб юрдиганлардан эмасман. Сен имзо чекиб боравер! Шунинг ўзи кифоя менга!

«Қани, арз қилиб кўр-чи генералга!» — ичида кулди Шарановский:

— Майли, ихтиёр ўзингда!

— Хайр, кўришгунча.

Шарановскийдан садо чиқмади.

## XII

Лочиннинг бошига иш тушиб, ўқишга бориш — бор-масликлари чўзилиб кетгач, Олтиной ота-онасининг олдига бориб келишга аҳд қилди.

У эрталаб кийим-кечаклари, укаларига олган совга-саломларини йиғиштирди, уларни серчўнтак серзанжир чарм халтачасига битта-битта жойлади.

Мактабда ҳамма қизлар ҳавас қиладиган бу бежирим чарм халтачани ўқишни битирувчилар оқшомида унга Лочин ҳадя қилган, Лочинга эса уни машҳур Ветеран бобоси инъом этган. Шу боисданми, бошқами, ҳар сафар Олтиной бу тасмали серчўнтак халтачани қўлига оларкан, гўё Лочин уни қайта ҳадя қилаётгандай, юраги беихтиёр жизиллаб кетади. Бу сафар бу туйғуга аллақандай нотинч безовта ўйлар қўшилиб, кўнглига ғашлик тушдию, тоққа ем-пем опкетаётган машина бўлса, шу бугуноқ жўнашга аҳд қилди. Бунинг учун идорага бориши керак, идорага борса, бола баҳона деганларидек, спортзалга ҳам ўтади. Шояд Лочинни, жилла қурса Кумуш билан Салим қилтириқни кўрса, Лочин билан бир оғизгина гаплашса!

Олтиной Лочинларникига борганида у билан гаплашишга ҳарчанд уринмасин, бунга журъат этолмайди, бирламчи — юраги ўйнайверади, ўйнайверади, иккиламчи — Маржоний опадан тортинади.

Лочин дадаси қамалганидан бери спортзалга қадам босмай қўйган, у ҳар кун онаси билан шаҳарга қатнайди. Бир-икки кун муқаддам Тошкентдан Ветеран бобоси келган. Бутун вилоятга донг таратган бу одам келиши биланоқ совхозда: «Мана энди ҳақиқат қарор топади, шўролар ҳукумати учун жон бериб, жон олган бу одамнинг айтгани-айтган, дегани-деган, у ҳақиқат қилмагунча қўймайди!» — деган миш-мишлар тарқади. Шояд бу миш-мишлар рўёбга чиқса!..

Устига-устак, бугун Олтинойнинг ўнг кўзи учяпти, бетиним учяпти. Яхшиликка бу! Худо хоҳласа, шу бугун Лочинни кўради. Балки Лочиннинг ўзи ҳам уни кўриб ёрилар, тунов кунги шоирлар келган оқшомдагидай юрак

дардларини тўкиб солар? Шунда Олтиной ҳам кўнглини очади. Лочиннинг изтиробларини кўриб, ундан ҳам кўпроқ эзилиб кетаётганини айтади. Йўқ, ўз изтиробларини айтиб, Лочиннинг дилини баттар оғритмайди, фақат тасалли беради, таскину тасалли! Ана, тоғда дадаси ҳам ташвишда. «Агар Суюн бургут ёнғиндан нобуд бўлган қўйлар учун қамалган бўлса, биз терговчиларга тушиб **Торайлик**», бу ишда у эмас, биз гуноҳкормиз, қамашса бизни қамашсин, уволига қолмайлик унинг», деб салом устига салом йўллаяпти. Олтиной бу саломларни эшитиб, дам ичида дадасини ифтихор қилса, дам «отам қамалса энам нима қилади, укаларим нима бўлади?» деган ваҳимадан оёқ-қўлларигача музлаб кетади. Майли, нима бўлгандаям Олтиной Лочинни кўрмай тоққа-кетолмайди кетмайди. Ахир ўша оқшом Лочин айтган сўзлар қулоқлари остида ҳануз янграб турган бўлса, лабларида лабларининг ҳарорати, уни қучган, сочларини, пешонасини силаган метин қўлларининг тафти ҳамон вужудини ловуллатаётган бўлса-ю, уни кўрмай қандай кетади? Уша кеча Лочин айтди, кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деди. «Мен сени йўқотишимга оз қолди, лекин энди ҳеч қачон йўқотмайман, Олтиним, бебаҳо жавоҳирим менинг!..» — деди иссиқ лаблари билан қулоқларини ловуллапти.

Олтиной бу эсдаликлардан энтикиб, пирпираб учаётган кўзларини силай-силаё бувасиникидан чиққан эди, кўча эшик очилиб, Кумушбиби кирди.

Қалта қирқилган сочлари тўзғиган, юзи бўғриққан, узоқдан чопиб келган бўлса керак ҳансираб нафас оларди. У Олтинойни бир чеккага етаклаб, ён-верига қарай-қарай сирли шивирлашга ўтди. Кумушбибининг айтишича, Лочиннинг Ветеран-бобоси ҳам Суюн бургутнинг жонига ора киролмапти. Қайтага иш аксияга юриб, яна бир хавф туғилибди. Лочин жонидан ортиқ кўрадиган Қалдирғочни ҳукумат ҳисобига тортиб олиш хавфи пайдо бўпти!

Кечаси улар маслаҳатлашиб, ҳар эҳтимолга қарши Қалдирғочни совхоз марказидан анча йироқдаги Салим қилтириқнинг дадаси ишлайдиган қорамол фермасига олиб бориб яшириб қўйишибди. Аммо мол фермаси яқин, у ерда сир сақлаш қийин, қолаверса, Мансур меш кўпдан бери Қалдирғочга кўз тикиб юрган эмиш. Шунини ўйлай-ўйлай улар охири Қалдирғочни ёмон кўзлардан йироқроқ, чўпон-чўлиқдан бошқа ҳеч кимнинг оёғи етмайдиган пинҳоний жойларга яширмаса бўлмайди.



деган фикрга келишибди. Бу иш ёлғиз Дарвеш дудуқдан бошқа (Кумушбиби уни Дарвеш бувамлар деб айтди) одамнинг қўлидан келмайди дейишибди-да, Кумушбибини Олтинойга юборишибди. Чунки салдан кейин қорамол фермасидан тоққа туз ортилган машина кетаркан. Агар Олтиной хўп деса, шу машинада бориб, отасидан маслаҳат сўраб келиши керак. Агар отаси рози бўлса шу бугуноқ Қалдирғочни обориб, яшириб қайтишга аҳд қилишибди...

Олтиной Кумушбибидан ортиқча ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмади, кўйлаги устидан туя жунидан ўзи тўқиган жемперини кийиб, бошига илдиқ тивит рўмолини ташлади, бувисига «ҳавотир олманг, кечроқ қайтаман», деди-да, сумкасини елкасига ташлаганча Кумушбибига эргашди. Кўчага чиқишса, Ветеран бобонинг эски «Волга»си кутиб турибди. Рулда Лочин, ёнида Салим қилтириқ.

— Қани, кўп имиллайвермасдан тезроқ чиқақолинглар, жононлар, — деди Салим қилтириқ. — Вақт эиқ!

Лочин лом-ним демай, машинани ҳайдаб кетди. Сал ўтмай қишлоқ орқада қолиб, кафтдай дала бошланди. Офтоб эндигина чиққан, оламини аллақандай ҳарир оқиш туман чуллаган, туман орасидан олдиндаги қир бағрига жойлашган молхона кўрғони элас-элас кўзга чалинарди.

Кўрғон дарвозаси олдида сувсиз ҳовуз, ҳовуз бўйида икки туп мажнунтол сув соясидан сарғайган сочларини ёзиб, ҳазин эгнилиб турарди.

Лочин машинани ҳовуз бўйида тўхтатди. Салим қилтириқ эшикни шарақлатиб очди-да, машинадан сакраб тушди. Унинг кетидан Кумушбиби (чамаси Лочин билан Олтинойни ёлғиз қолдириш ниятида) тушиб, баробар кўрғон томон югуриб кетишди. Лекин Олтиной Лочиннинг ёнида ёлғиз ўтиришдан ийманиб, машинадан чиқди. Кетма-кет Лочин ҳам тушди. У ер остидан Олтинойга қараб-қараб кўйди-да, ногаҳон овози дарз кетиб: — Олтин! Олтиной!.. — деб чақирди.

Бамисоли ёш келинчаклардай рўмолини кўзига тушириб, бош эгиб турган Олтиной аллақандай кўрқибгина унга қаради, қаради-ю яна кўнгли вайрон бўлиб, дарҳол кўзини олиб қочди. Йўқ, бу илгариги, бирда ўта шўх, ўйинқароқ, ҳазилкаш, бирда унча-мунчани писанд қилмайдиган, суюкли Қалдирғочидан ҳам мағрур, қайсар Лочин эмас, кўзларига мунг чўккан, қаноти қайрилган бир қуш эди.

— Тунов кунги гапларим эсингдами, Олтин? — деди

Лочин паст, бўғиқ овозда. — Эсингда бўлса... нега ўзингни четга олиб юрибсан? Ё ҳануз кечирмадингни мени?

Ҳа, Олтиной янглишмаган эди, бу сўзлар қаноти синган, юрагини ўқ тешиб ўтган йигитнинг сўзлари бу! Қоқинган, сурилган тулпорнинг нидоси бу! Йўқ, Олтиной уни бу ҳолатда кўргандан ўзи ўқ егани яхши. Ўзи қоқиниб, ўзи йиқилгани минг марта яхши бундан!

— Қўйинг, Лочин ака, — Олтиной кўз ёшлари билан олишиб, қулт-қулт ютинди. — Билиб қўйинг, мен... сиз нима қилманг, нима деманг... мен ҳеч қачон, ҳеч қачон сизни тарк этмайман! Сиз омон бўлсангиз, сизни кўриб юрсам... узоқдан бўлса ҳам кўриб юрсам бўлди, шунга-ям шукр қиламан. Бошқа ҳеч нарса, ҳеч нарса керак эмас менга...

— Олтиним! — Лочин қизнинг пешонасига тушган оплоқ тивит рўмолини кўтарди, унинг нам киприкларига, катта-катта қуралай кўзларига тикилдию қорамтир қирмизи юзларидан, пир-пир учган лабларидан ўпди. Олтинойнинг нозик баданидан вужудига худди тўлқин янглиғ қаттиқ титроқ ўтди-ю, кўпдан буён йиғилиб қолган сассиз фарёд юрагини бир силкитди.

— Сиздан ёлғизгина илтимосим бор, Лочин ака...

— Айт, Олтиним! Тила-тилагингни!

— Истагим, тилагим шуки, бунақа... бунақа бўлманг, Лочин ака! — аранг дея олди Олтиной.

— Қанақа бўпман?..

— Худди... қаноти қайрилган қушга ўхшайсиз. Қоқинган тулпорга ўхшайсиз! Қўйинг, сиз йиқилгунча мен йиқилай! Сиз қоқинган куни ўлди деяверинг Олтинойни! Ўлди деяверинг!..

Епирай, бу ўша Лочин яқин-яқинларгача назарига йлмай, ичида унинг севгисидан гоҳ кулиб юрган уятчангина, тортинчоққина Олтинойми бу ё кўпни кўрган, кўпни билган доно қизми? Нима бўлмасин, Лочиннинг қучоғида ёниб, титраб турган бу маъсума қушчанинг юраги Лочиннинг юрагидан, суяги суягидан, эти этидан яралган! Лочиннинг кўзига тушган чўп гўё унинг қуралай кўзларига тушади, товонига кирган тикон унинг товонига киргандай вужуди зирқирайди бу қизалоқнинг.

Лочин юрагига қўйилиб келган чексиз меҳрдан кўнгли бузилиб, Олтинойнинг юзларидан қайта-қайта ўпди. У ҳозир қизни сира қучоғидан чиқаргиси келмас, назарида, ундан бир дақиқа ажралса ёмон бир кори ҳол рўй берадигандек туюларди.

— Аттанг, — деб уф тортди у. — Бу куриб кетгур қирчанғи «Волга» Алвасти сойдан ўтолмайди-да. Бўл-маса тоққа шу машинада бориб келақолсак бўларди.

Олтиной Лочиннинг қўлларини аста ёзиб, қучоғидан чиқди.

— Асти Қалдирғочга мингашиб кетаберсак ҳам бўларди, — деди у. — Отам нима ҳам дердилар? Бизга қилган шунча яхшиликларингиз эвазига битта отингизни асраб бермасак нима деган одам бўламиз? Асраб беради. «Алвасти сой»нинг тўқайзорига қўйиб юборса, одам боласи тополмайди!

— «Алвасти сой»да қашқир кўп.

Олтиной секин кулди.

— «Қалдирғоч» ўзини қашқирга олдириб қўймас?

Лочин нафас етмай, томоғини силади:

— Ана, келгинди қашқирлар юртни талаётир. Юртнинг қўлидан нима келди?..

Олтиной қошиқдеккина кафтини Лочиннинг оғир кафтига қўйиб:

— Кўп куйинаверманг! — деб ёлворди. — Ҳаммаси яхши бўл кетади ҳали. Сўзимга инонинг Лочин ака, яхши бўп кетади ҳаммаси!

Шу пайт қўрғонда мотор гувилладик дарвоза очилиб, ўқирганча кўк қашқа\* чиқиб келди. Машина вафиллаганча «Волга»нинг рўпарасига келиб тўхтади, кабина эшиги очилиб, аввал Салим қилтириқ билан Кумушбиби сакраб тушишди, уларнинг кетидан эгнига қалин фуфайка, бошига эски қоракўл телпак кийган паканагина, аммо миқти шофёр йигит тушди.

Олтиной ёш бўлса ҳам қорин сола бошлаган бу юмюмалоқ йигитни кўрганда юзи ловуллаб кетди. Тоғда чўпонларга хизмат қилиб юриб, отасига ёқиб қолган бу йигит, бултур ёзда Олтиной тўққизинчи синфни битириб, энди таътилга чиққан маҳалда унга совчи юборган, ота-онаси ҳам йигитга рўйхушлик билдиришиб, Олтинойни кўп қийнашган эди.

Шофёр Лочинни ёқтирмай, ёвқараш қилди-да:

— Кабинага бир одам оламан, бошқа жўқ! — деб тўнғиллади.

— Ўзиям бир одам боради, — деди Салим қилтириқ. — Кабинага чиқ, Олтиной.

Олтиной баҳона қидириб, талмовсиради:

---

\* Кўк қашқа — самосвял.

— Йўқ, йўқ, кабинада бошим айланади, юқорига чиқақоламан.

— Вой, нима деяпсан, дугонажон, — гапга аралашди Кумушбиби. — Тоғда қорбобо бўлиб яхлаб қоласан!..

Шофёр йигит оппоқ тишларини кўрсатиб кулди:

— Балоям урмайди! Қатиннинг жони қирқта, деганлар, синглим. Қани, чиқ, борадиган бўлсанг! Юкнинг устида эски кўрпа, қоп-қанор бор. Ураниб оласан!..

... Очиқ машина устида совуқ шамол гувиллар, «кўк кашқа» тезлашгани сайин шабада кучайиб борарди. Олтиной, пакана шофёр айтсин-айтмасин, устига қоп-қанор ёпинди, кейинроқ эса, ўғит ҳиди келган эски кўрпа тагига кириб олди. Яхшиям, сал ўтмай, эрталабки туман тарқаб, осмонда офтоб кўринди, офтоб кўриниши билан овлоқда Маржонтовнинг худди салладор мўйсафидни эслатувчи оппоқ, улугвор чўққилари ярқиради. Чўққилар устида паға-паға оқ булутлар сузиб юрарди. Олтинойнинг назарида кўҳна Маржонтов булутларни хушламай: «боринглар, менинг салламга ёпишавермай, даф бўлинглар! Мен, қари чол, офтобга муҳтожман, офтобга!» дея уларни ҳайдар, паға-паға оқ булутлар эса гўё унинг қаҳрли ҳукмига итоат қилгиси келмагандай, қайта-қайта айланар эди.

Олтиной бу манзарани ҳайрат билан кузатиб бораркан, тўсатдан Суюн бургут қамаладиган кунни эр-хотин айтган ўлан ёдига тушиб, яна кўзига ёш қалқиди:

«Маржонтов, Маржонтов,  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов,  
Эл бошига мусибат,  
Келганида хусумат,  
Қалқон бўлган, Маржонтов!  
Фарзандларнинг бошига  
Иш тушганда шер бўлиб,  
Наъра тортган Маржонтов,  
Ев келди-ку қошингга?  
Уғлонларинг бошига  
Нечун сукут сақлайсан,  
Бугун нечук мудрайсан?»

Олтинойга баъзан шундай туюладики, у туғилмасдан олдиноқ Маржонтовни кўрган, туғилмасдан турибоқ «Маржонтов» ҳақида ўлан қулоғига қуйилгану тоабад вужуд-вужудига сингиб кетган.

Олтиной нари борса уч-тўрт ёшлар чоғида отаси узун қиш кечаларида улкан ўчоқ атрофига бири биридан митти, урушқоқ, кир-чир жўжахўрозларини йиғарди-да, бобосидан қолган эски дўмбирасини олиб, ўлан айтишни яхши кўрарди. Бу ўланларни эшитганида Олтиной ийиб кетиб, дадасининг пинжига кириб оларди-да, лаблари пичирлаб, уларни ёдлар эди. Ҳануз эсида: ўша ўланларда ҳам одамлар Маржонтовга мурожаат қилиб, ундан паноҳ сўрашар, яхшиларни қанотига олиб, ёмонларнинг додини беришини илтижо қилишарди. Ҳамон аҳвол ўша-ўша! Ҳамон ёмонлар отда, яхшилар доғда! «Ҳой, Маржонтов, нечук бу адолатсизликка чидаб, дамнингни ичингга ютиб ётибсан? Нечук сукут сақлайсан? Айланайин, боботоғим?»

Олтиной бўғилиб кетаётгандай бўлиб, устига ёпинган эски кўрпани отиб юборди...

Машина тобора ўрлаб, тобора ўнгга бурилмоқда, оқ саллали «Маржонтов» чапда қолмоқда эди. Олтиной болалигидан билади: Маржонтов этагида, унинг серсув сойлари, кўм-кўк яйловларида кўпроқ йилқи ва қорамол боқилади, ушоқ мол, қўй-эчкилар эса Маржонтовнинг ўнг қанотидаги беҳисоб адирлар, серўт, сергиёҳ сайхонликлар, янтоқзор далаларда боқилади. Ҳар баҳор бу қир ва адирларни атри нозик доривор гиёҳлар, илдиэлари ер қаърига кетадиган янтоқлар, ёвшанлар қоплайди, қир оралиғида эса сердон, сермағиз шувоқлар ўсади, шувоқзорга баҳорда бир шўнғиган қўзи кузда қўй бўлиб, думбасини аранг кўтариб чиқади. Ёзга бориб, ҳамма гиёҳлар қуриб-қовжираб қолганда беҳудуд сайхонликлардаги янтоқлар белбоққа келиб фарқ пишди, шунда унинг танасига йиғилган шарбат вужудига сиймай, чарс-чарс ёриладию кўз илғамас янтоқзорлар гўё оппоқ нишолдага ўхшаш оқ кўликка чўмилади.

Янтоқ пишгач, унга туялар қўйиб юборилади. Бир ҳафта ўтмасданоқ бу туялар ўркачлари диркиллаб, янтоқ шарбатидан маст бўладию бутун Маржонтов маст-аласт туяларнинг ҳайқириғидан ларзага келади...

Олтиной кичкиналигида анов янтоқзорга уч-тўртта оқ ўтов тикилиб, уларга энг ёш, энг озода, қўл-оёғи чаққон қиз-келинчаклар кўчиб келишарди. Улар орасида Олтинойнинг энаси ҳам бўларди. Бу махсус тўрт ўтовнинг ихтиёрига ўн-ўн бешта энг сара оқ туялар ажратилар, уларни соғадиган хотинлар ҳам, худди дўхтир хотинларга ўхшаб оқ либос кийишар, туяларни соғишдан аввал қўллари ва челақларни ўн мартадан ювишар эди!..

Олтиной кейин билса: бу ерда соғиладиган қимрон махсус идишларга солиниб, Мансур мешнинг ихтиёрига юборилар, Мансур меш эса уларни энг юқори идоралар, вилоят ва ҳатто жумҳурият раҳбарларига жўнатаркан.

Кейинроқ, Олтиной саккизинчи синфни битирганида унга ҳам бир-биридан шўх, бир-биридан ўйноқи иккита оқ туя беришди, Соғин пайти яқинлашганда ўтовларга «бўх-бўх»лаб ўзлари келадиган бу туялар Олтинойга оқ либос кийган ёш келинчакларни эслатарди.

Олтиной бу туяларнинг сал дағал, йирик маммаларини кафтларига олиб, шиг-шиг соғаркан, хаёлан:

«Буниси Лочинга, буниси қайнатамга, буниси қайна-намга!» — деб қайта-қайта такрорлар, бу ўй, соғаётган қимронини Лочин ичади, деган хаёл дилини илиқ бир нурга тўлдирарди.

Айтадиларким, йўловчи йўлнинг биринчи ярмида қолдирган жойларини ўйлармиш, иккинчи ярмида борадиган жойларини. Олтинойнинг хаёли аста-секин бу ерлардан узилиб, ўзи борадиган Кўкқўтон яйловига кўчди.

Маржонтовнинг кун ботиш томонида «Алвасти сой» тепасида жойлашган Кўкқўтон энг кўркем, энг сергиёқ яйловлардан бири, чексиз-чегарасиз бу сайхонликларда яншан, шувоқ, кийик ўти ўсади, пастдаги «Алвасти сой» ўзанларида эса қамншлар ёзда девордай тиралиб қолади. Бу ерда дадаси бошлиқ уч онла ҳар бир қўра қўйни боқиб, қишин-ёзин, шаҳар нима, поезд нима, самолёт нима билмай кун кечирарди. Айтишларича, отаси Дарвешали ёшлигида елкаси ерга тегмаган полвон, осмонда учиб кетаётган қушни кўзламай урадиган мерган бўлган. Кунлардан бирида отаси тоғдаги арчазорларга қўйган тўрларини айланиб юриб қарайдики, туядай бир жонвор тўр ичида алпанг-талпанг ағанаяпти. Яқинроқ борса — айиқ!

Уша пайтларда тоғда чўпон-чўлиққа тинчлик бермаётган бир айиқ пайдо бўлган экан. Дарвешали тўрига тушган бу айиқ ўша, ҳаммага кун бермай юрган айиқнинг ўзгинаси эканини биладю уни нишонга олганича яқинроқ боради. Тўр ичида алпанг-талпанг ағанаётган айиқ уни кўриб, тоғларни ларзага солиб ўкириб юборади-да, тўрни тилка-пора қилиб отасига ташланади.

Отаси қарсиллатиб икки марта ўқ узади-да, қочишга тушади. Бир пайт одамдай ҳарсиллаган овозни эшитиб қайрилиб қараса... ўн қадам нарида, чамаси, чап оёғидан ўқ еган айиқ оқсоқлана-оқсоқлана қувиб келяпти!

Отаси яна бир марта ўқ узади-ю, жон-жаҳди билан қочади, лекин айиқ ҳам ўкирганича орқасидан қолмай қуваверади. Отаси қочаверади, айиқ қуваверади. Ахийри тепада ўтовлар кўрингунча қувиб келади-ю, кўрғондан чиққан итларни кўргандагина орқасига қайтади. Отаси кўрғондан чиққан хотин-халаж, бола-чақа, чол-кам-пирларга: «Ой-ой-ойиқ! Ққо-ра оойиқ! Отдим! Ққув-ди!» дейдию юзгубан йиқилади. Шу-шу, дудуғланиб гапирадиган бўлади. Одамлар эса... Дарвешалининг ёшликда донг таратган паҳлавон, машҳур мерган бўлганлигини тезда унутиб унга Дарвеш дудуқ деб ном қўйишади. Майли, бошқалар нима деса деяверсин, Олтиной учун отаси дудуқ эмас, дунёда энг ширинзабон, энг тапти, энг ҳалол инсон!

Қизиқ, ўн йил дудуғланиб юрган отаси бултур кузда кўрага ўт кетганида ҳаммани лол қолдириб, тўсатдан тили ечилиб кетдию бир неча кун туппа-тузук гапириб юрди. Кейин-кейин тергов бошланди-да, яна дудуғланиб қолди...

Қиз қалбини нурга тўлдирган болалик эсдаликлари хаёлини тобора узоқларга олиб қочиб, «Кўк қўтон»дан «Алвасти сой»га кўчади... «Алвасти сой» деганлари — бир дарё сув шовуллаб ётган кенг ўзан. Ўзанинг тупкариси — одам қадами етмаган чакалакзор, чакалакзор арчазор қирларга, қирлар аллақандай ғорларга туташиб кетади...

Олтиной кичкинналигида бу даралар, қоронғи ғорлар ҳақида ваҳимали гапларни кўп эшитарди. Гўё «Алвасти сой»нинг тупкарисида одам борса қайтиб чиқолмайдиган чакалакзорлар, кирган киши орқасига йўл тополмайдиган зимистон ғорлар бўлармиш, бу ғорларда сочлари ер супурган алвастилар яшармиш... Улар гўё йиғлоқни гўдакларни пойлаб юриб, опқочиб кетармиш...

Олтиной бу алвастилар тушига кириб, чинқираб йиғлаб уйғонган пайтларини эслаб бир кулиб қўйди. Ажаб эмас, отаси «Қалдирғоч»ни яширсаю Лочин билан унга сал берироқдаги хилват жойларга ўтов қуриб берса... Лочин кундуз «Қалдирғоч»ни боқса, овчилик қилиб тоғдан каклик отиб тушса. Олтиной бўлса ҳамир қориб, уни кутиб ўтирса. Лочин отиб келган какликларни қозонга солиб, иссиқ кулчатой пишириб берса, кечалари эса, раднони вадаванг қўйиб, ёнма-ён жимгина ётиб, мунгли қўшиқлар (Олтиной негадир ҳазин куй, ғамгин қўшиқларни кўпроқ хуш кўрарди!), ўланлар, лапарлар эшитишса!

Қиз ширин хаёллар сеҳрида кўзи илинганини билмай қолди. Тўсатдан айиқдай оғир бир нарса устига гурс этиб тушгандагина сесканиб кўзини очди. Бу — қоринбой шофёр эди.

Олтиной кўзини очганини кўриб, қоринбой телбанома ишшайди.

— Ҳа, гўзал какликча, ахир қўлимга тушдингми? — У шундай деди-да, чамаси Олтинойда ҳирс уйғотиш истагида кўйлагининг ёқасини шартта йиртиб, офтоб тегмаган оппоқ сийнаси, етилган шафтолидай майин, маъсум кўкракларини ўпишга тутинди.

Олтиной тузоққа тушган беданадай питирлаб:

— Акажон! Қўйиб юборинг, оғажон! — деб ёлворди.

— Топибсан қўйиб юборадиган аҳмоқни! Шунча хўрлаганларинг, тегмайман деб ноз қилганларинг етмасмиди? Ҳозир... хотиним бўласан!

Олтиной йиғлаб юборди:

— Оғажон! Қўйиб юборинг! Бари бир... тегмайман сизга! — У жонҳолатда қоринбойнинг кучоғидан чиқишга уриниб куч билан талпинди.

— Ҳозир кўрамиз, хотин бўласанми-йўқми? — Қоринбой Олтинойга бутун оғирлигини ташлаб, ҳирс билан кўйлагини йиртишга уринди.

Олтиной икки қўллаб унинг кўкрагидан итарди-ю, гимнастикада пишган оёқларини йиғиб, бор кучи билан шофёрнинг қорнига тепди.

Қоринбой: «Ҳм! Улдирдинг-ку, даюс!» деганича, ёнбошига ағдарилиб тушди. Олтиной мушукдай абжирлик билан сакраб ўрнидан турди-да, ўзини машинадан отди. Машина ёйилиб оқаётган жилғада турган экан, усти-боши шалаббо бўлди.

Олтиной худди Қоринбой орқасидан қувиб келаётгандай, шалоп-шалоп сув кечиб, адир томон чопаркан, орқасидан шофёрнинг аллақандай аянчли аламли овози қулоғига чалинди:

— Ҳой, Олтиной! Сўзимга қулоқ сол, шаддод қиз! Анов қамалган директорнинг улига тегаман, деб умид қилма! Ули-да қамалади, хотини-да, қамалади. Менга тегасан!.. Отанга юз бош қўй бераман. Қўлингни совуқ сувга урдирмай, ўтовимнинг тўрига ўтқазиб қўяман. Қуйруқ бериб, қази-қарта бериб боқаман. Ҳой, тўхта, тентак қиз!..

Овоз ўчди, кетма-кет машина мотори гувиллади. Олтиной қўрқиб кетиб, ўзини ўнг қўлдаги қалин жийдазорга урди. Жийдазорнинг орқаси қамишзор эди.



Олтиной жийдазор билан қамишзордан ўтгунча қўллари, юзлари шилиниб кетди. Хайрият, қамишзор баланд жарликка бориб тақалар, жарлик тепасида бултур ҳашар йўли билан қурилган янги қўранинг деворлари элас-элас кўзга чалинарди.

Ҳа, мана, яхши баҳона ҳам топилди. Нимага бу аҳволга тушдинг? Юзларингни ким тимдалади, кийимларинг нега шалаббо, деб сўрашса — жавоб тайёр! Билмасдан мана шу сертикон жийдазорга, жийдазордан қамишзорга кириб қолибман дейди. Шундай бўлди-ку ўзиям!

Олтиной қамишзордан ўтиб, баланд жарликка чиққанида, қўрадан берироқда, улкан тош устида хаёлга чўмиб ўтирган одамга кўзи тушди. Яқинроқ бориб қараса — отаси! Қўлидаги узун таёғи билан ер чизиб, ўй ўйлаб ўтирибди. Эҳтимол, Суюн бургутнинг бошига тушган кўргуликдан эзилиб, ўзини қўйишга жой тополмай, юраги қон бўлиб ўтиргандир?! Шўрлик отаси, тили бир ечилиб, қўрқувдан яна қайта дудуғланиб қолган қари отаси!

Олтиной хўрлиги келиб томоғи гип бўғилди. Дарвеш дудуқ қизини кўриб, каловланиб ўрнидан турди.

— Ҳой болам! Не бўлди сенга? Бу аҳволда қайдан келаётирсан?

Олтиной бирдан ўпкаси тўлиб, ўзини отасининг қўчоғига отди.

### XIII

Ҳибсга тушишдан аввал Суюн бургут бир кун ҳам қамоққа бардош қила олмасам керак, деб ўйларди. Йўқ, бошга тушганини кўз кўрар, деганлари рост экан! Авваламбор бошга тушмасин экан, бошга тушгандан кейин дош берар экан, ҳаммасига дош берар экан одам боласи!

Тўғриси, уни қамоқ азоблари эмас, қамалганидан кейин эл орасида тарқалиши муқаррар гаплар кўпроқ эзарди. Бургут билар, у қамалган кунидек совхозда: «Шамол бўлмаса теракнинг учи қимирламайди, биз сутдай пок деб юрган директоримизнинг ҳам аҳволи шу экан-да, унинг ҳам миси чиқди-ку, оқ ит, қора ит — бари бир экан-да!»—деган гап тарқалишини Суюн бургут яхши англади. Англагани учун ҳам «Гуноҳим нима, қайси ёзуқларим учун қамашди мени?» — деган ўй жисмоний азоблардан ҳам кўпроқ қийнарди уни!

Дастлабки уч кеча-кундуз Суюн бургутни ўз ҳолига

ташлаб қўйишди. Умрида қамоқ уёқда турсин, қамоқ-хонанинг ёнидан ҳам ўтмаган одам, уни қамашган жой ҳақиқий ҳибсхонами, бошқами — бунинг фарқига ҳам боролмади. Бургут ҳибсхона деб ўйлаган жой — ҳеч қачон одам зотини кўрмаган, тор ва зимистон бир ертўла эди. На нур тушадиган туйнуғи, на ҳаво кирадиган тешиги бор, бу «қамоқхонада» титилиб кетган бир парчагина бўйра, чоклари сўкилиб, пахтаси чиққан уада кўрпа билан оғир чўян қумғондан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Бу замонавий зиндоннинг фақат битта яхши томони бор — у жуда кенг эди.

Суюн бургут дастлабки дақиқаларда худди исгаҳон икки кўзидан барабар айрилган одамдай, деворларни пайпаслаб, ҳар қадамда бир қоқилиб, ертўлани айланиб чиқди, кейин эса (инсон боласи ҳар нарсага кўнникар экан!) ертўланинг у бошидан бу бошига бориб келишга ҳам ўрганди. Шу-шу уч кечаю уч кундуз бир зум тўхтамай муттасил юриб чиқди. Ҳатто «Нега қамашди, гуноҳим нима менинг?» деган савол миясига келиши билан ўрнидан сапчиб турарди-ю, яна ертўлани айланишга тушганини ўзи ҳам билмай қоларди!.. Фақат тонг чоғи бир дақиқа, икки дақиқа кўзи илинарди, холос. Шундай пайтларда негадир доим яхши тушлар кўрарди. Бирда Маржоной тандирдан узган иссиқ нонларни шарқираб оққан сойга ташлаб, тутиб еб юрган онлари, бирда тўй ва маъракаларда эр-хотин ўлан айтиб олқиш олгани, яна бирда эса сурон солиб, аросат даврадан улоқни юлиб чиққан дамлари тушига кирарди унинг. Аммо бу тушлар қанчалик ширин бўлса, уйғониб кетган онларни шунчалик аччиқ бўларди. Туғилибдики, Маржонтов бағрида йилқи боқиб, от суриб, не-не айғирларни жиловлаб, ўлан айтиб юрган Суюн бургут шундай пайтларда худди сиртмоққа илинган асов тулпордай ер депсинар, тоқати тоқ бўлиб эшикни тепар, ўзини ерга ташлаб, ертўланинг у бошидан бу бошига ағанар эди.

Ниҳоят, ҳар бири бир йилга татиган уч кечаю уч кундуздан кейин уни илк дафъа терговга чақиришди.

Тун ярмидан ошган бўлса керак, йироқ-йироқларда хўрозлар қичқирар, осмон тўла юлдузлар орасида «темир қозиқ» ярқираб турар, қоқ пешонасида эса бир ҳовучгина ҳулкар митти тилла сирғалардай жимирларди.

Суюн бургут, икки ёнида икки милиционер, катта ҳовлидан ўтиб, рўларада қоядай қаққайиб турган жимжит бинога яқинлашаркан, иккала милиционерни икки мушт билан ағдариб, девордан сакраб қочсаммикан,

деган фикр хаёлида чақмоқдай чақнади. «Еспирай, Мар-жонтов қай томонда? Унг қўлдами, сўл қўлдами? Уни кўрадиган кун ҳам келармикин эй, Яратган Эгам?»

У ҳозир, бутун вужуди кўпқари пайтидагидай таранг тортиб, қаҳри қайнаб турганида, ёнидаги милиционерларни бир уриб йиқитишга, сўнг бир ҳатлаб девордан ошиб тушишга қурби етишини биларди. Аммо.. бундай қилиб бўлмайди, бундай қилса, жазодан қўрқиб қочган, яъни гуноҳига иқрор бўлган бўлади. У эса... гуноҳи нима унинг?

Мана, рўпарада қора кўлагадай қаққайиб турган қора бинога ҳам етиб келишди.

Уни жимжит, нимқоронғи йўлақлардан олиб ўтиб, ёп-ёруғ, улкан хонага олиб киришди.

Суюн бургут хонага кирдию чироқдан беихтиёр кўзи қамашиб, пойгакда тўхтади. Кўзини очганда кўрди: деразаларига қора дарпардалар тутилган, бўм-бўш, шипшийдам хонанинг тўрида, кўк мовут ёпилган стол орқасида ўша, тинтувга борган ёш, хушсурат, хушбичим прокурор... Шарановский ўтирар, бурчакда эса майин сомонранг сочлари елкасини, юзини қоплаган ёш жувон бошини ёзув машинкасига қўйиб мудраб қолганди.

Суюн бургут дабдурустдан нима қилишини билмай, Шарановский томон бир қадам ташлаган эди, у аллақандай ҳадиксираб:

— Яқинлашма! — деб буюрди ва эшик ёнидаги стулга имо қилди. — Утир!

Суюн бургут ногаҳон юрагини чангаллаган хўрлик туйғусидан вужудини титроқ босди. Қамалгандан бери ором бермай келаётган, «бу не ҳақорат, бу не хўрлик?» деган ўй миясини яна бурғилади, кейин ўзини сал босиб, стулга оғир чўкди. Шарановский аста ўрнидан турди ва қирмизи гилам тўшалган полни унсиз босиб Суюн бургут томон юрди, бироқ уч-тўрт қадам йироқда тўхтаб, унга узоқ тикилди-да, машинкадан бошини кўтарган ёш жувонга буюрди:

— Ёзишга тайёрлан, Галя!

Жувон, итоаткорлик билан машинкасини тарақлатиб қўйди.

— Хўш, уч кун мириқиб ҳордиқ чиқардинг! «Меҳмонхона» ёқдимми? Дам олиш яхши ўтдимми? — деб личинг қилди.

Суюн бургутнинг хаёлидан «жуда яхши жой экан, бирга ётсак бўларди», деган гап ўтди. У шундай деб

киноя қилгиси ҳам келди-ю, бу хушқад, аммо сўхтаси совуқ билан пачакилашиб ўтиришни истамади.

— Ҳа, оғизларига талқон солиб олдиларми, гунг бўп қолдилар? — овозини кўтарди Шарановский. — Жағингни оч! Бу уч кун ичида тунов кунги гаплар устида ўйладиягни, йўқми?

— Уйладим, — деди Бургут истар-истамас.

— Хўш?

— Ушанда нима деган бўлсам — шу! Ҳаммаси тухмат!

— Шунақами? — асабий кулди Шарановский. — Бундан чиқди, меҳмонхона ёқиб қопти-да! Ёқиб қолган бўлса, тоабад қолдирайлик ўша жойда?!

Суюн бургут жавоб бермади. Ертўладан совқотиб, дағ-дағ титраб чиққан одам, тирноқларидан сочларигача исёнга айланиб, вужудидан гўё ўт чиқа бошлади. Чама-си, буни сезган Шарановский нима дейишини ўйлаб, стол атрофини бир неча марта айланиб чиқди. Ниҳоят, Галяга қарамай, «ёз» деб буюрди-да, Бургутга юзланди:

— Мен умримда сен ўзбеклардай қайсар халқни кўрмаганман. Ҳўкиз бўп кетинглар-э!

Суюн бургут кескин бурилиб қаради:

— Агар прокурор бўлмоқ тугул... генерал бўлсанг ҳам ҳақорат қилма, Шарановский!

Шарановский, гўё Бургутнинг гапини эшитмагандай, аввалги алпозда давом этди.

— Аммо бу қайсарликдан зиғирча фойда йўқ сенга. Ўзингга жабр қиляпсан, холос. Минг ўжарлик қилма, қилган қилмишларингни инкор этолмайсан. Ҳамма фактлар бор бизда!

— Бор бўлса кўрсатинг!

— Вақти келади — кўрасан!

— Нимани кўраман?

— Шунини кўрасанки... Сен бу ерда қайсарлик қиляпсан, ҳолбуки... ҳомийинг аллақачон тан олди!

Суюн бургут кўзлари чақнаб:

— Қайси ҳомийим? — деб сўради. — Нимани тан олади?

Шарановский яна заҳархандалик билан лабини ҳимарди:

— Утир, ўзингни гўлликка солавермай! Мен ўша, сендан уч юз минг лора олиб, совхозга директор қилган вилоят котибини айтяпман!

Суюн бургут ўзини қанчалик босишга уринмасин,

ногаҳон «Бўҳтон!» деб қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ҳаммаси тухмат бунинг! Йўқ нарсани қандай тан олади у одам?

Шарановский, аксинча, кулимсиради.

— Йўқ эмиш, бор эканки тан олди у одам! — деди қутилмаган босиқлик билан. — Хотиржам бўл, йигит. Ҳаммаси маълум бизга! Порани қаерда бергансан, кимлар кўрган, ҳатто неча сўмликлар бўлган — ҳаммасини миридан-сиригача биламиз! Яна айтаман: иқрор бўлиб қўяқол ҳали ҳам бўлса!

«Ё, Парвардигор! Нима деяпти — раҳм-шафқат деганининг кўчасидан ҳам ўтмаган бу аблаҳ? Нима қилмоқчи у? Нияти нима маккорнинг? Пора бермоқ тугул, пора нималигини билмаган бир авом эканимга ўзинг шоҳидсан-ку, Яратган Эгам». Эл «бир сув балосидан кўрқ, бир ўт балосидан, бир тухмат балосидан», деб бекор айтмаган экан! Аммо, тухматдан ниятлари нима бу жаллодларнинг? Ҳаммани бадном қилиб, ҳибсда чиритиб юборишми, ё бошқа ёвуз муддаолари борми?

— Яхши! Бугунги терговни шу билан тугатамиз! Бу ёғини ёзмасанг ҳам бўлади, Галя, — Шарановский юришдан тўхтаб, кўм-кўк кўзларини Бургутга қадади:

— Охирги марта сўраяман: гапингдан қайтмайсан?

— Қайтмайман!

— Кўрамиз ҳали: қайтасанми, қайтмайсанми? — Шарановский шитоб билан одимлаб бориб, стол чеккасидаги тугмачани босди. Дарҳол мультфильмлардаги қўғирчоқ солдатлардай, остонада бояги иккита милиция кўринди.

— Маҳбусни ўн олтинчи хонага элтиб қўйинглар!

— Тушунарли, ўртоқ прокурор!

Суюн бургут, икки ёнида икки милиционер, ҳозиргина ўтишгани тор, ғира-шира йўлакка чиқди. Чиқиши билан — йўлакнинг нариги бошида, ўзи каби икки милиционер қуршовида унга томон келаётган бир маҳбусга кўзи тушди. Шу заҳотиёқ милиционерлардан бири унга:

— Юзингни деворга бур! — деб ўшқирди ва елкасидан ушлаб уни деворга қаратиб қўйди.

Бир дақиқадан кейин гурс-гурс оёқ товушлари эшитилиб, маҳбус милиционерлар қуршовида унинг ёнидан ўтиб кетди.

Суюн бургут, гарчи милиционерлар уни деворга тираб туришган бўлсалар-да, маҳбусни кўз қири билан кўриб қолди, кўриб қолди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Азбаройи озиб, эти устихонига ёпишиб, эгнидаги кийими ходага осилгандай осилиб қолган бу одам... ўша, Шарановский айтган, Бургутдан гўё уч юз минг сўм пора олган... собиқ вилоят котиби Нажмиддинов эди!

Нажмиддинов уни кўрдими, кўрса танидими-йўқми, Суюн бургут буни билолмай қолди: маҳбус милиционерлар қуршовида ёнидан ўтиб, ҳозиргина у чиққан хонага кириб кетди. Суюн бургут фақат бир нарсани англади: Нажмиддинов шунчалик хор, шунчалик ночор-нотавон эдики, у олмаган нарсасини олдим деганига шубҳа қилмаса ҳам бўларди.

Суюн бургут, кўзига ҳеч нарса кўринмай, текис ерда қоқиниб-суқиниб борарди. Бу сафар уни боя нимаси биландир унга қора калхатни эслатган мудҳиш қора бинонинг ўзида олиб қолишди. Бургут ҳамон тасодифий учрашувдан карахт, фақат хонага киргандагина, тўғрироғи, ичкарига кириши билан: «Э-э, хуш кептилар, азиз меҳмон!» деган жўр қийқириқлардан ўзига келди.

Катта бўлмаса ҳам, ҳарқалай, икки қаватли иккитэ темир каравот қўйилган, эски наMAT тўшалган бу хонани... ажабо, Суюн бургут уч кеча-кундуз ётган ертўла олдида жаннатнинг ўзгинаси деса бўларди!

Ерга тўшалган наMAT устида бир-бирдан забардаст уч йигит чордона қуриб, қарта ўйнаб ўтиришар, ўртада кир-чир рўмолчада бир даста пул уюлиб ётарди. Йигитлардан бири, белигача яланғоч, киндигидан кўрагача бир эмас, бир неча жононлар сурати солинган 30-35 ёшлардаги шопмўйлов одам, моҳирона терилган ғиштдай текис, оппоқ тишларини ярқиратиб:

— Муллажирингдан борми, оғайни? — деб сўради.  
— Бўлса ўтир. Ҳурмат-эҳтиром билан аъзо қиламиз даврамингга!

Суюн бургут унинг гапига жавоб бериб улгурмаган ҳам эдики, мўйловнинг ўнг томонида ўтирган, бўйи паканароқ, аммо ўзи йўғон, миқти йигит (бўрсиқнинг ўзгинаси, хаёлидан ўтди Бургутнинг) тамакидан сарғайиб кетган чиройли мўйловчасини ғалати қимирлатиб:

— Қизиқсан-а, Левон, — деб кулди. — Уст-бошларига бир қараб қўй, акамларни! Бошидаги бўрки билан оёғидаги хром этигининг ўзи ўн минг туради. Қойил! Ўтиринг, ака! Қиттай-қиттай қилиб, ўзингизга келиб олинг, акажон! Кейин қўшиласиз даврага!

Суюн бургут яна жавоб беришга улгурмади. Учинчи қиморбоз: қош-қўзлари сурма тортилгандай қол-қора, лабларига қизил бўёқ сурилган, хипчабел нозик йигитча.

Суюн бургутга қараб кўзларини сузди-да, Бўрсиққа юзланиб:

— Сира қўполлигинг қолмади-қолмади-да, Вўрсиқ! — деб жеркинди. — Яхши мезбон меҳмонни шундай қарши оладими даюс! Аввал бундоқ ҳол-аҳвол сўрайди. Исм-шарифларини, касб-корини, насл-насабини суриштириб, танишади-билишади... Ана ундан кейин мулла-жирингдан гап очади, Бўрсиқ!

— Оғзингни юм, маликан айёр! — ўшқирди Бўрсиқ. — Нима бало, бир қарашдаёқ ошику беқарор бўп қолдингми бу гўрсўхтага, ҳез?

Маликан айёр Бўрсиқнинг гапига пинагини ҳам бузмай, Суюн бургутга қараб, бўялган кўзларини сузди:

— Келинг, ёнимга ўтиринг, жоним, бирга олишамиз пулга тўймас бу каллакесарлар билан!

Суюн бургут кутилмаган бу манзиратдан аранг ҳушини йиғиб:

— Мени кечиринглар, йигитлар! — деди мулойимлик билан. — Гапимга ишонинглар, ўтиришгаям, туришгаям мадорим йўқ. Жойимни кўрсатсаларинг, бирпас чўзилиб олсам...

Бўрсиқ Маликан айёрга қараб ўдағайлади:

— Етим қўзини асрасанг оғзи бурнинг мой бўлур, етим болани асрасанг оғзи бурнинг қон бўлур... Бу нонкўрни меҳмон-меҳмон, деб азизлайвериб бошимизга чиқариб олмайлик тагин. Ҳей, буёққа қаранг, акаси! Бу сим каравотларни ё зўр олади, ё зар! — деди у устара билан қиртишланган тақир бошини силаб. — Сиздақа мулла мирқуруқ гадолар эса... ана! — Бўрсиқ эшик ёнидаги каравотнинг тагига ишора қилди. — Ана ўша жойда ётадилар, тўғрими, Левон?

Левон бир-бирига туташиб кетган мўйловсимон қалин қошларини учириб, таҳдид билан пўнғиллади:

— Ҳайронман! Бу хона гадолар эмас, пулдорлар хонаси эканини билишарди-ку, каллаварам прокурорлар! Нега киритишди экан бу ялангоёқни?!

Суюн бургут индамай ўнг қўлдаги икки қаватли темир каравотга ўтди, этингичи ечгиси келмай кир-чир чойшаб ёпилган кўрпанинг оёқ томонини сал буклаб қўйди-да, бир сакрашда юқори қаватга чиқиб олди.

Пастдан аввал ҳайратомуз ҳуштак эшитилди, кейин Бўрсиқнинг:

— Ҳо-о, ўйин кўрсатяптилар-ку, акамлар! — деган овози келди. — Ҳой, сурбет! Ҳибсхона хўжайини Левон

шернинг жойи бу! Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деганлар-а?

— Майли, қўявер, — деди Левон тантилик билан. — Бирпас дам олсин. Ҳисоб-китобни кейин қидамиз.

— Қойил! Шер деса дегудек, жа-а, танти йигитсан-а, Левон! — хитоб қилди Маликаи айёр.

— Хўш, қани, банкага урадиган мард борми? — деди Левон, чамаси, Маликаи айёрнинг мақтовидан нийиб.

— Банкага урадиган мард мана биз бўламиз-да, Левон шер.

— Ғирромлик қилма! — хириллади Бўрсиқ. — Банкани уришга яна бир қўл керак.

— Қайта созла, қартани!

Шундан кейин овозлар аллақандай пасайиб, сирли шивир-шивирга ўтди:

— Пули бор-йўғини билмадим-у, аммо пўстини билан қалпоғи зўр экан, акамларнинг!

— Пўстинига кўз олайтирма! Кўзингни ўйиб оламан!

— Кимга тегсаям, бари бир ўзим ютиб оламан қиморда!

— Кўрамиз!

— Этигини аканг қарағай оламан!

— Майли! Менинг тақир бошимга қундуз теллагиям бўлаверади!

— Ажабо, ақлинг етмадими, каллаварам! Лаш-лушини атайин бизга қолдиришган!..

— Яна битта қарта берайми ё бас қиласанми?

— Бер!

— Куясан!

— Куйсам мен куяман, ишинг нима сенинг, ҳез?

«Кимларнинг ичига тушиб қолдим? Қанақа қашқирларнинг орасига олиб келиб ташлашди мени? Нима мақсадда бунақа қилишди?»

Суюн бургут шунчалик ҳолдан тойган эдики, бошим ёстиққа тегмасданоқ қотиб қоларман, деб ўйлаган эди, бўлмади. Бир-биридан беҳаловат, бир-биридан совуқ, ваҳимали ўйлар яна хаёлини занжирбанд этди. «Йўқ, у ҳеч нарсадан тоймайдиган бу каллакесарлардан, қиморга хотинларини ҳам тикишдан тоймайдиган бу шақоллардан қўрқаётгани йўқ. Бир йигитга бир ўлим! Аммо... аммо нега уни бу кўйларга солишяпти? Уни эгиб олишга кўзлари етмагандан кейин бу каллакесарларга рўбарў қилишяптими? Улардан фойдаланиб тақабатган айблари, иғвою бўхтонларига иқдор қилдиришмоқчими?..»



Қаердадир қулоғига чалинган эди Бургутнинг: гўё Шарановскийга ўхшаган нопок терговчилар ўжар маҳбусларни — тақилган айбларни бўйнига олмайдиган, изнларига юрмайдиган қайсарларни мана шундай қаллобу қиморбозлар, туққан онасини ҳам аямайдиган каллакесарлар, умрлари ўғирлигу фаҳшбозлик билан ўтадиган муттаҳамларнинг орасига ташлармиш. Дунёга келмасдан турибоқ тубанлик ва хунхўрликни касб этган йиртқичлар эса ҳар қандай одамнинг иродасини букиб, бир неча кундаёқ мусичадай қилиб, ноҳалол терговчиларнинг оёқлари остига ташлармиш!..

Суюн бургут бу мудҳиш миш-мишларга бирда ишонса, бирда ишонмай юрарди. Мана энди ишонса бўлади. Майли, бошга тушганини кўз кўрар. Йигит кишининг бошига нелар келиб, нелар кетмас, дейдилар. Суюн бургут ҳам бошга тушганини кўрар. Ким билсин, балки одамлар олдида гуноҳкор бўлмаса-да, Парвардигор олдида гуноҳкордир? Эҳтимол, ўзи билмаган, ўзи ҳам сезмаган гўноҳлари бордир унинг?..

Ёшлик — бебошлик экан. Ёшлик чоғларида Суюн бургут у дунёни гоҳ ўйлаб, гоҳ ўйламай, Оллоҳ таолога бирда ишонса, бирда ишонмай куфрони неъматга йўл қўйган чоғлари ҳам бўлган эди, мана, энди дил-дилдан ишонди! Ростини, эски шубҳалар, «қудратли Эгам нечун мени бу кўйларга солди, қайси гуноҳларим учун бу уқубатларга гирифтор этди?» деган хаёллар ҳам бот-бот кўнглида гимирлаб қоларди. Лекин сал ўзига келгач, бу шубҳаларни дарҳол хаёлидан қувиб, яна кўкка тавалло қила бошларди. Шунда ёшлигида марҳум отаси қанча насиҳат қилмасин, ундан намоз ўқишни ўрганмагани эсига тушиб, афсус чекарди. «Агар раҳматли падарининг насиҳатига кирганида ҳозир бу фарзани бажо келтириб, юрагини каламушдай кемираётган тизгинсиз ғам-андуҳларни бир лаҳзага бўлса-да, хаёлидан чиқарармиди? Андуҳ тўла нотинч дили таскинну тасалли топмасмиди? — деб ўйлади у. Аммо сал ўтмай афсуснадоматлардан яна исёнкор саволларга кўчганини ўзи ҳам сезмай қоларди. Ахир бу қандай ҳокимиятки, қўл остидаги энг беғубор одамларни, ёмонлик, қаллоблик, тулкилик, шумлик нималигини билмаган, гўдакдай пох фарзандларини бу ҳаромхўр қузғунлар ҳукмига ташлаб қўйса? Ҳалол инсонлар дўзах азобига ташланса-ю, бу адолатсизликдан осмон ағдарилиб ерга тушмаса!..

Суюн бургут бу ўйлар гирдобиди қанча қоврилмасин, чарчоқ ўз ишини қилди. У ғафлат уйқусига кетган

экан, бир маҳал кимдир этигини тортаётганини сезиб, уйғониб кетди. Хона ҳамон кундузгидек ёп-ёруғ. Боя ерда қарта ўйнаб ўтирган каллакесарлар Суюн бургут ётган каравотни ўраб олган, шоп мўйлов Левон шер жон-жаҳди билан унинг этигини тортар, Бўрсиқ билан Маликан айёр кўзлари ёниб, унинг бу ишини кузатиб туришарди.

Суюн бургут бир силтаниб оёғини Левоннинг қўлидан тортиб чиқарди-да, каравотга чўккалаб олди.

— Нима қиляпсан, оғайни?

Левон ўз кучига ишонган одамларга хос беиhsанд совуққонлик билан:

— Этикни еч! — деб маслаҳат берди. — Каминадан бошқага муносиб эмас бунақа этик!

Суюн бургут юрак уришини босишга уриниб:

— Ечмасам-чи? — деб сўради.

— Ечмасанг, иккала оёғингни қўшиб шартта кесиб оламан! — Левон шер шундай деб қўлини қўйнига тикди-ю, ярим газ келадиган пичоқ суғуриб олди. — Ким билан ўйнашяпсан, овсар? Еч дедим, еч этикни!

Суюн бургут билакларига чўяндай бир нарса қўйлиб келганини сезиб, темир каравот қирраларини маҳкам чангаллаб олди. Вужудини эса қандайдир ўзгача, фақат даврадаги улоқни рақиблари қўлидан узиб чиққан пайтлардагина қувонч аралаш шафқатсиз шиддатли бир туйғу қамраб олди, хаёлидан эса: «Улсам шу бугун, шу каллакесарлар қўлида ўлиб қўяқолай!» деган бир фикр қуюндай чарх уриб ўтдию бор кучини йиғиб, пичоқ ўқталганича совуқ ишшайиб яқинлашаётган Левоннинг пешонасига тепди.

Тепкиси Левоннинг пешонасига эмас, оғзига тўғри келди чоғи, унинг моҳирона терилган ғиштдай текис тишлари қарсиллаб кетдию яраланган айиқдай бўкирганича эшик олдидаги ҳожат учун қўйилган чўян идиш устига йиқилди.

— Хўжайинни ўлдирдинг-ку, аблаҳ! — хириллади Бўрсиқ. У орқага югуриб ўтиб, «хап сеними?» деганича Бургутнинг бошига бир мушт туширди. Бўрсиқнинг қўли чўяндай оғир эди. Телпаги бошидан учиб кетган Бургут, бир силтаниб, эгнидаги пўстиндан «озод» бўлди-да, сакраб ерга тушди. Икки каллакесар, худди ҳужумга шайланган икки қоплондай, қадларини сал эгиб, рўпарасида муштларини тугиб туришар, иккиси ҳам кўзлари қисилган, вужудлари қалтирар, важоҳатларидан одам қўрққулик эди.

Левон эса ҳамон пойгакда бўкириб, кавказча сўки-  
ниб ётарди.

Суюн бургут ҳам қаддини эгиб, олишишга шайланди. Вужудини ларзага солган бояги ғазаб, тўғрироғи, фақат Маржонтовда бериладиган улоқларда ёки полвонлар билан беллашган чоғларидагина уйғонадиган бир шиддат юрагини боягидан ҳам жўшқин бир завққа тўлдирган, гўё рўпарасида Бўрсиқ билан Маликаи айёр эмас, Шарановский билан Миржалолов деган анов муттаҳам турар, уларни янчиб ташлашга тайёр эди.

Суюн бургут билар, агар рақибининг бошини ўнг қўлига ола олса бас, ҳар қандай полвон, полвон у ёқда турсин, туяни ҳам йиқитар эди. Ҳозир шуни эслаб, Бўрсиқнинг бўйнидан олишга шайланди. Бўрсиқ гўё буни сезгандай, Левонга ўхшаб қўйнидан шартта пичоқ суғурди.

— Яқинлашма, даюс! Нақ ичак-чавоғинини ағдариб, телпагинг ўрнига салла қиламан! — у шундай деб, тўсатдан ғалати ишвалар қила бошлаган Малика айёрга юзланди:

— Оёғидан ол, ҳез, оёғидан!

Бўрсиқ гапни тугата олмади. Суюн бургут бир тепиб, унинг қўлидаги пичоқни учириб юбордию бир ҳамла билан бўйинини ўнг қўли билан қисиб олди. Бўрсиқ, гўё боши сиртмоққа илинган асов тулпордай тапир-тупир қилиб, Суюн бургутни чалиб йиқитишга уриниб кўрди. Лекин Бургут Маржонтовда ўтадиган курашлардагидек, юраги мислсиз бир шавққа, йигитлик ғурурига тўлиб, «Ҳаҳ!» деб бақирди-да, ҳамон зўр бериб типирлаётган Бўрсиқни гурсиллатиб ерга ағдарди.

Юмалаб бориб каравот тагига кириб кетган Бўрсиқ аллақандай йиғламсираб:

— Бўйинини уздинг-ку, даюс! — деб хириллади. Унинг нидоси Левоннинг зорли инграшига қўшилиб, хона эчки фарёдга тўлди.

Суюн Бургут Бўрсиқ билан олишаман деб Маликаи айёр эсидан чиққан экан, бир маврид унинг: «Э, қойил!» деб хиринглаб кулганини эшитиб, ялт этиб қаради. Маликаи айёр бурчакка тикилиб олган, у сурма қўйилган кўзларини сузиб, бўялган лабларини ҳимариб, шодон ишшайиб турарди.

— Қойил! — такрорлади у, кўзини ҳамон ишва билан сузиб, — аммо ўзлари ҳам йигитмисан йигит эканлар-да, — Маликаи айёр қошларини ноз билан учириб,

гўё рақсга тушмоқчи бўлгандай қўлларини ўйнатиб қилпанглади:

— Биз таслим! Шу бугундан бошлаб ҳам қалбан, ҳам жисман шайдойингиз бўлдик, жонидан! Аммо йи-гитмисан йигит экансиз, укаси ўргилсин!

Суюн бургут ижирганиб тескари бурилди. Хаёлидан эса, «Нима бало, чиндан ҳам анавинақа... ҳезлардан-ми бу?» деган фикр ўтди.

Шу пайт, йўлакда гурс-гурс оёқ товушлари, ғала-ғовур овозлар эшитилиб, занглаб кетган темир эшиқ гичирлаб очилди. Хонага бир йўла икки милиционер кириб келди.

— Хўш, нима тўполон бу? Нима қилиняпти бу ерда?

Бўрсиқ бўғилиб-бўғилиб сўкинди. Левон шер инграб ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, яна шилқ этиб йиқилди.

Ҳибсхонага биринчи бўлиб кирган кексароқ милиционер, қовоғини уйиб Суюн бургутга қаради:

— Сенинг ишингни, бу, Бургут?

Маликан айёр битта-битта терилган қошларини ишва билан чмириб кулди:

— Иш эмас, моҳирона ўйин бу! Жаноб миршаб, цирк, театр! Қойилман бу акажонимга! Отнинг калласидек юраги бор экан аммо! Юрагига мафтушман акажонимнинг!

— Сен ҳез... сен ҳезалақдан ҳеч ким гап сўраётгани йўқ! — кекса милиционер уни жеркиб ташлаб, Суюн бургутга юзланди:

— Кап-катта одам, кимсан... Маржонтов совхозининг директори... Нима бало, одам ўлдиргани келдингми бу ерга?

Суюн бургутнинг қалбида ҳамон жўш урган завқ илгариги исёнкор туйғу билан алмашди.

— Бир бўҳтон етмовди, иккинчисини бошламоқчимисиз? — бўғилиб деди у ва оёқ остида ярқираб ётган иккита пичоқни кўрсатди: — Аввал сўраб-суриштиринг — бу пичоқлар кимники? Ким қамоқхонада ётган каллакесарлар қўлига пичоқ бериб қўйди? Мақсадларинг нима? Бўҳтонга учраган ҳалол инсонларни бўколмагандан кейин уларни мана шу ифлос қиморбозлар ёрдамида тиз чўктиришни ниятларинг? Мени бу қиморбоз кисавурлар орасига ташлашга ким рухсат берди сизларга? Инсоф борми сизларда?

Маликан айёр ҳайратдан дик-дик сакраб, хушнуд қийқирди:

— Яшанг! Мана шунақа гап билан ғажиб ташланг

бу жаллодларни! Садағангиз бўлай сиздай хўроз йи-  
гитнинг! — у беҳаё ҳаракатлар қилиб шундай қилпанг-  
ладикки эшикда турган ёш милиционер беихтиёр кулиб  
юборди, мўйсафид эса муштини тугиб, айёрга таҳдид  
қилди:

— Ертўлани соғиниб қопсан-да, ҳез? Чакагингни  
тий, аҳмоқ, бўлмаса бир ўзингни зиндонга тиқиб қўя-  
ман!

— Худо хайрингизни берсин, дўзахга тиқсангиз ҳам  
шу акажоним билан бирга тиқинг, жон гражданин ми-  
лиционер!

Кекса милиционер унга жавоб бермай Суюн бургутга:

— Уғриси зўр келса, қози муттаҳам бўлур... — деди.  
— Оғзингдан чиққан гапларни қара! Уят сенга, Бургут,  
уят. Қани олдимга туш, Суюн!

Суюн бургут ерда ётган пўстинини елкасига ташлаб,  
қалпоғини бошига қўндирди-да, индамай эшик томон  
юрди. Йўлакка чиққанида орқадан Маликаи айёрнинг  
ингичка, зорли овози эшитилди:

— Каминани ҳам опкетинглар. Гўрда бўлсаям шу  
акажоним билан бирга ётай, жаноб миршаблар!

#### XIV

Дунёда мавҳумликдан ёмон нарса йўқ экан. Мар-  
жоной буни мана энди бошини юз эшикка уриб, эри  
тўғрисида бировдан бир оғиз аниқ гап эшитолмагани-  
дан кейин билди. Боз устига, қишлоқда Суюн бургут  
«Маржонтов» совхозига бошлиқ бўлиш учун хўжайин-  
ларга катта пора берган экан, деган миш-мишлар тар-  
қади. Чамаси, бу гапни Мансур мешнинг ўзи ва ҳамон  
отдан тушса ҳам эгардан тушмай юрган югурдаклари  
тарқатишди. Эри Мансур мешнинг ўрнини эгаллагандан  
кейин Маржоной билан саломлашмайдиган бўлган со-  
биқ директорнинг бу малайлари энди ҳар сафар тўх-  
татиб салом берадиган одат чиқаришди, «бай-бай-бай,  
ёмон бўпти-да Бургутга!» дея ҳамдардлик билдириша-  
диган, тасалли берадиган бўлишди. Аммо улар Маржо-  
нойдан кўнгил сўраш учун эмас, билъакс, дилини хуф-  
тон қилиш ниятида шундай қилаётганлари кинояларидану  
гапларининг сохталикларидан шундоқ кўриниб турарди.  
Ахир, Суюн бургутнинг қамалганидан улар хурсанд  
бўлмай, ким хурсанд бўлсин! Бургут ҳибсага олинган  
куннинг эртасигаёқ унинг ўрнига келган Мансур меш-  
нинг жияни Суюн бургут ҳайдаб юборган бу югурдак-

ларнинг аксарини аввалги лавозимларига қайтарди, улар яна собиқ директорнинг «шахсий чойхонаси»да елиб-югуриб, дастурхонида пашша бўлиб олишди.

Шу-шу, Маржонийнинг кўзига олам тор кўриниб, уйдан чиқишга ҳам ийманадиган, гўё эри эл-юрт олдида чиндан ҳам катта гуноҳ қилгандай, одамлардан ҳайи-қадиган, ҳеч кми, ҳатто таниш-билишларни ҳам кўргиси келмайдиган, уларнинг таскину тасаллилларини ҳам эшитишни истамайдиган бўп қолди. Рост, ёмонлар бор жойда яхшилар ҳам бўлар экан. Чин юракдан куйиниб гапирувчилар ҳам оз эмас эди. Лекин, бари бир, кўнгил бир синса ёмон экан, гўё дарз кетган кўзадек, ўрнига келтириш қийин экан уни! Ким билсин, эҳтимол эрининг боши узра айланган қора бўлутлар тарқаса яна ҳеч нарса кўрмагандай бўп кетар. Аммо ҳозир... бор кучи икки кўзига етадиган, сал нарсагаёқ ўзини тутолмай, ўқсийдиган бўп қолди. Яхшиям, момоси билан Ветеран бобоси кеп қолган экан. Бибисора момо, гарчи, қизи билан набирасининг ҳолини кўриб, ич-ичидан эзилса ҳам кўлни кўрган кампир, Маржонийни ёнига ўтқазиб қўйиб, бот-бот койирди. «Сабр қил, болам, сабр таги сариқ олтин» деганлар, ҳаммаси яхши бўп кетади, ҳақиқат эгилса эгилади, бироқ синмайди, ҳали кўрасан, бўтам, бугун қувониб юрган душманларинг юзи шувит бўлади, бугун куйинган дўстларингнинг боши осмонга етади, сабр қил, қизим!» — деб тинимсиз насиҳат қиларди. Лекин бардошли момонинг бу насиҳатлари Маржонийни кўп ҳам овута олмас, балъакс, кўнглидаги ярани баттар тирнар, она-боланинг дардлашуви ҳар сафар кўз ёши билан тугарди, холос. Бу ҳам етмагандай Ветеран бобоси шаҳарга бориб прокурорлар билан учрашиб қайтганидан кейин юраги ёмон бўлиб, тўшакка ётиб қолди...

Авваламбор, бандасининг бошига иш тушмасин экан, иш тушса, бир-бирини судраб келаверар экан!.. Ветеран бува бир ҳафта гоҳ нари қараб, гоҳ бери қараб дегандай, уларни жуда қаттиқ шоширди. Яхшиям дўхтирлари жуда тажрибали кекса одам эди, чолнинг бошидан кетмай, бир ҳафта деганда уни «бери қаратиб» берди.

Эри билан бувасининг ташвишлари етмагандек, Лочин ҳам Маржонийни кўп қийнади. Йўқ, у кучи фақат икки кўзига етган онасидек, йиғлаб сиқтамади. Маржонийга ўхшаб, ўзини ҳар томонга урмади. Ургиси келган

тақдирда ҳам, ҳали ёш, қаёққа ҳам борарди, кимга арз қиларди? Бироқ отаси қамалдию гунг бўлди-қолди!..

На энаси, на момосига дарди дунёсини айтиб ёрилар, на уларнинг панду насиҳатларига қулоқ соларди! Тўғ-рироғи, қулоқ соляптими, йўқми, агар қулоқ солаётган бўлса, уларнинг гапларига розими, рози эмасми — ҳеч нарсани билиб бўлмас эди. У бобоси билан момосининг панду насиҳатларини, Маржонийнинг илтижоларини жимгина эшитарди-ю, лом-мим демасдан ўрнидан туриб кетаверарди. Ўзиям, сал кундаёқ кўзлари ичига ботиб, ранги сомондек сарғайиб, оғайниси Салим қилтириқдан бешбаттар озиб кетди! Яхшиям, шу оғайнисию анов... умрлари узоқ бўлсин, икки қизалоқ — Олтиной билан Кумушбиби бор экан! Шулар келгандагина Лочинга хиёл жон киради, гунг ҳолатдан чиқиб, гапга қулоқ соладиган бўлади. Улар бирдан Лочиннинг хонасига яшириниб олиб, сирли режалар тузишади, чамаси, юқори ташкилотларга хатлар ёзишади, бирдан қаёққадир гумдон бўлишиб, тонготар қайтишади. Кейинги пайтларда ота ташвишига яна бир ташвиш қўшилди: ҳукумат «Қалдирғоч»ни тортиб олармиш деган гап тарқадую тўрталови (илоё Оллоҳ қўллагай уларни!) кечаю кундуз бирга бўп қолишди. Гўё ҳукуматнинг қўли етмайдиган жой бордек, «Қалдирғоч»ни қайгадир обориб яшириб келишди, сўнг бу ишларидан ҳам кўнгиллари тўлмай, Олтинойни тоққа, Дарвеш дудуққа юборишди.

«Қалдирғоч» атрофида гап айланиб қолгандан бери Маржоний Миржалоловнинг айтганларини кўп эслайдиган бўлди. Эслаши билан ўшанда бу сўхтаси совуқ одамнинг таклифини рад этиб тўғри қилдимми, йўқми, деган ўй кечаю кундуз миясидан чиқмай, оромини йўқотди.

Рад этгани ҳам майли, бу гапни Ветеран бувасига айтиб нима қиларди? Буваси бу гапни эшитиб, қони кайнаб кетдию эртасигаёқ шаҳарга отланиб, чамаси, ишни бешбаттар чалкаштириб келди.

Ундан кўра Маржоний ўшанда Миржалоловга: «Майли, оғажон, бир ўйлаб кўрай, қариндош-уруғларим билан бир маслаҳатлашиб олай, бир-икки кун муҳлат беринг менга, оғажон!» деб қўяқолса бўлмасмиди?!..

Бироқ ундай деса... сўраган пулинг кафанлигингга буюрғай Миржалолов ўн минг, йигирма минг эмас, эллик минг деди-я, уялмай-нетмай. Бу пулни эшитган одам эси чиқмай бўлармиди? Бироқ, кейин ўйлаб караса, ҳақиқатан, Миржалолов айтгандай буёқда «Қалдирғоч»

ҳам бор экан. Уни ўттиз мингга олишса, қолган йигирма мингини қолган-қутган қўй-пўйларни, сигир-пигирини сотиб, қолаверса, қариндош-уруғларидан қарз кўтариб бўлса ҳам, тўпласа бўлар эди-ку! Рост, бу гапни Лочинга қандай айтади? Бунини Маржоной ўзи ҳам билмайди! Бироқ наҳот тулпорини отасидан афзал кўрса Лочин? Наҳот тушунмаса? Йўқ, тушунади! Отаси учун битта эмас, мингга «Қалдирғоч»дан ҳам воз кечади ўғли! Ахир отаси бу бўхтонлардан соқит бўлиб, қамоқдан чиқса... бунақа тулпорлардан битта эмас, ўнтасини олиб беради ўғлига! Отаси мол-дунё у ёқда турсин, жонини ҳам аямайди-ку Лочиндан?

Маржоной, ўйлай-ўйлай, ахийри ўғлига кўнглини очишга аҳд қилди. Бироқ ўғлига ёрилиб, унинг розилигини олишдан аввал Миржалоловга учрашмасдан илож йўқ. Ким билсин, бургага тузоқ қўйишга қодир бу одамга инонса бўладими ё унинг айтганлари шунчаки бир илмоқми? Айниқса, Ветеран буваси бориб келгандан кейин... нима гап бўляпти у ёқда? Ўз сўзларида туриптими улар ё айниб қолишдимми?

Маржоной кечаси шуларни ўйлаб, мижжа қоқмай тонг оттирди. Эрталаб, ўғлига бувасининг эски «Волга» сида шаҳарга бориб келишини илтимос қилди.

— Авваламбор, отангдан хабар олайлик, бугун овқат оладиган кун, у-бу бериб келайлик, қолаверса, анов прокурорларга яна бир учрашсам, дейман, ўғлим, — деди Маржоной.

Лочин онасининг гапини ёқтирмай:

— Тунов куни учрашиб, қон бўп чиққанингиз озми? — деди қўрслик билан. — Яна нима гапингиз бор у инфлосларга айтадиган?

— Энди... ётиб қолгунча, отиб қол, дейдилар. Туяга «чўҳ» деган ҳам мадад, болам.

— Сиздан кейин бувамлар бориб, қай аҳволда қайтдилар? Аранг опқолдик бир ўлимдан. Сабоқ бўлмаптида, бу? — Лочин шундай деб ўдағайларди-ю, Маржонойнинг лаблари пирпираб уча бошлаганини кўриб, сал юмшадди:

— Отамдан хабар оламан десангиз, майли, эна! Бироқ, анов... прокурор-прокурор деганларингизни қўйинг! Бас! Шунча ҳақоратлаганлари ҳам етар! Кеча Ветеран бувамлар айтдилар, Московга бораман, дедилар, ҳақиқатни ўша ёқдан қидираман, дедилар. Агар рози бўлсангиз мен ҳам бирга бориб келардим, энажон!

Маржоной алам билан бошини сараклатди.



— Московидан ҳам ўргилай! Москов-Москов деймиз-у, ҳамма бало ўша томондан келяпгани билан ишимиз йўқ! — деди у ва ўглининг отасиникига жуда-жуда ўхшаб кетадиган шиддатли, қайсар нигоҳини олиб қочди:

— Майли, болам, бобонг билан яна бир маслаҳатлашиб кўрайлик. Борсанг бориб келарсан. Ишқилиб, бугун мени шаҳарга обориб келақол, ўғлим.

Лочин ниманидир ўйлаб, пешонасини ишқади.

— Эртага қилсак-чи шу ишни, эна?

— Нега? Бугунги ишни эртага қолдирма, дейдилар — ку, болажоним.

— Чунки бугун... Олтинойни кутяпмиз. Тоққа кетган. Кеча келиши керак эди, келмади. Биласиз-ку, «Қалдирғоч»ни бу ерда асраб бўлмади, эна.

Маржоний бошини қуйроқ эгди. У эндигина, «Қалдирғоч» деганда ўглининг овози алам аралаш аллақандай чексиз бир меҳр билан янграб кетганини эшитганидагина, боя ўйлаган ўйларини унга айтиш қанчалар қийин бўлишини англади, англади-ю: «Отаси-чи? Отасининг қисмати нима бўлади, бу аҳволда?» — деган ўй юрагини ўқдай тешиб ўтди.

«Йўқ, Суюн бургут шу дамда қафас ичида қовурилиб ётганида, Маржоний Москвадан ҳақиқат кутиб, тақдирга тан бериб ўтиролмади бу ерда! Майли, «Қалдирғоч»га тегмаса тегмас, ҳовли-жойи бор, бисоти, топган тутгани бор — барини сотиб бўлса ҳам қутқариб олади, уни!»

«Майли болам, у ёғи бир гап бўлар, — деди у ёлвориб. — Нима бўлсаям, бориб келақолайлик шу бугун...»

Лочин индамай бош ирғади: «Майли...»

Шу пайт дарвоза аста, журъатсизгина тақиллади. Лочин енгилгина одимлаб бориб, дарвозани очди.

Остонада... Олтиной турарди!

Оёғида пошпаси баланд, бежирим этикча, эғнида енгил оқ кўйлак устидан кийилган хипчабел қора барқут нимча, учлари елкасига ташланган оқ шойи рўмолни негадир қошларигача тушириб олибди!

Ҳар сафар (сўнгги пайтларда айниқса) Маржоний бу истараси иссиққина, уятчан қизни кўрганида, дили ўз-ўзидан гўё шуъла тушгандай ёришиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлдию:

— Ке, қизим, — деди унга далда бериб. — Келақол бу ёққа!

Лочин эса сохта дағаллик билан:

— Намунча бошингни эгасан? — деди, мийиғида ку-

либ, — намунача яширасан юз-кўзингни? Еч рўмолингни!

Олтиной икки юзи лов ёниб:

— Қўра ёнидаги жийдазордан ўтаётиб... ҳаммаёгим-ни тирнаб олдим, — деди болаларча соддалик билан.

— Хайрият, бошинг омон қопти! — кулди Лочин.

Олтиной Маржонийнинг ёнига келиб сўрига омонатгина ўтирди. Унинг айтишича, отаси бугун кечкурун келадиган бўпти, келиб, «Қалдирғоч»ни ўзи олиб кетадиган бўпти. Маржоний билан Лочинга салом айтибди, фақат отаси эмас, тоғдаги барча чўпон-чўлиқ Суюн бургутнинг ғамида куйинаётган эмиш. Керак бўлса бо-райлик, дейишти. Суюн бургут бошимизга иш тушганда бизга кўкрагини қалқон қилиб тутган эди, энди биз ҳам бу яхшилигига яхшилик билан жавоб берайлик, дейишти... «Қалдирғоч»ни бўлса... ««Алвасти сой»нинг тупкарисида одам тугул, қашқир боролмайдиган чакалакзорлар бор. Уша жойларга обориб ўзимиз боқамиз, ўзимиз қараймиз, дейишти.

Йўқ, яхшиликка ёмонлик деган гаплар ҳам унча тўғри эмас экан. Яхшиликни қилавергани яхши экан одам боласи! Мана, яхши одамлар кўп эканки, Суюн бургутнинг яхшилигини эсларидан чиқаришмапти!..

Маржоний тўсатдан кўзига филт-филт ёш олиб, қизнинг у юзи, бу юзидан ўлди. Олтинойнинг сўзлари, чамаси, Лочинни ҳам тўлқинлантириб юборган эди, бироқ у буни билдиргиси келмай, ўрнидан турди.

— Майли, эна, мен эса машинага қарай. Шаҳарга тушадиган бўлсак... барвақт бориб барвақт қайтайлик! — Лочин шоша-пиша ҳовлидан чиқди, бироқ Маржоний тўрва-халталарини йиғиштириб бўлмасиданоқ, қайтиб кирди.

— Сизни анов.. мешқорни сўраялган эмиш, — деди у, хушламай. — Бир кеп кетсин, деялган эмиш.

Маржонийнинг юраги негадир «шув» этди.

— Ким айтди?

— Анов... телба масхарабози кеп кетди. Вақти бўлса ҳозир келақолсин, деялган эмиш! — Лочин шундай деб, бир ғижиниб олди. — Нима қиласиз, бориб келасизми ё?..

— Билмасам... — Маржоний каловланди. — Ҳайронман. Нима иши бор экан менда?

— Билмасангиз борманг! — шартта кесди Лочин.

— Ҳайронман. Борсам... бир бало, бормасам... тағин бир бало... Шўримиз қурсин.

— Бўлмаса ров бориб, ров қайтинг! — деди Лочин.

— Шаҳардан барвақт қайтишимиз керак! Мен машина-  
ни шайлайвераман!..

\* \* \*

Офтоб арқон бўйи кўтарилган, лекин ҳарорати сезилмас, Маржонтовдан эсаётган ғир-ғир шабада дарахт шохлари, япроқлари билан ўпишиб ўйнашар, бу шабада Маржонойнинг юз-кўзларини силаб-сийпаб, кўнглидаги ғалаёнини хиёл босгандай бўлди.

Мансур меш, дарвозаси ёнбошига қурилган нақшин-кор шийпоннинг тўрида, қат-қат кўрпачалар устида ёнбошлаб ётарди. Қаппайган қорнига енгил оқ чойшаб ёшиб, пешонасини ҳўл латта билан боғлаб олган Мансур меш нимаси биландир шафқатсиз тўлқин қирғоққа отиб юборган улкан балиқни эслатар, ўзиям ҳаво етмай тез-тез ҳансираб нафас оларди.

Одатдагига хилоф «чойхона»да нвирсиб юрадиган гумашталар кўринмас, қирмизи гилам тўшалган усти берк сўрининг пойида унинг севимли қизиқчиси — Девонаи ростгўй хўжайинига қимиз шопириб ўтирарди.

Маржоной кўриниши билан Мансур меш, худди бўрдоқи қўйдаи оғир тебранди-да, йўғон оёқларини хонтахта тагига чўзиб, қўш болишга суяниб ўтирди. Девонаи ростгўй абжирлик билан сапчиб туриб, унинг елкасига яна бир болиш қўйиб берди. Гарчи ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, Мансур мешнинг жир босган, бўғриққан юмалоқ юзи, сарёғ солинган тўрвадай осилган қат-қат бақбақалари, босволди қовундай туксиз ялтирбошини реза-реза тер қоплаган, ўзиям, одатдагига зид, аллақандай бемажол, ҳорғин, касалманд кўринарди.

— Кел, қизим Маржоной, кел! — Мансур меш шундай деб, Маржонойга хонтахтанинг чеккасидан жой кўрсатди-да, бошини бурмасдан масхарабозига буюрди:

— Сен, бор, қимизингни ичкарига олкириб шопира-вер!

Девонаи ростгўй қимиз тўла ёғоч корсонни кўтариб, ҳовли томон йўналаркан:

— Узлариям жа эркатой бўп кетяптилар-да, — деб пўнғиллади. — Дам ёш хотинини йўқотган чолдай бир лаҳза даф бўлсам питирлаб қоласиз, дам...

— Бор, бор! Аскиянгдиям тузи қолмади, девона! — деди Мансур меш. — Сендай қизиқчидан ўзим ҳам тузукман!.. Битта гап билан этигимга тиқиб қўяман сендай масхарабозни!

Девона бошини ликиллашиб, қиқирлаб кулди:

— Бу гапингизда жон бор, хўжайин! Битта эмас, қорни тиламчининг тўрвасидай шалвираб қолган тўртта масхарабоз сиғади бир пой этигингизга!

Девона кетгач, Мансур меш, жир босган қовоқлари тагидан аранг кўринган қисик кўзларини юмиб, узоқ ўйга толди, чамаси, бу сукут ҳорғинликдан эмас, йўқ, у кўнглидаги қандайдир бир гапни айтолмай қийналар, чайналар эди.

— Мен биламан, синглим, — деди у ниҳоят чўзилиб кетган сукутни бузиб. — Сенга қийин бўлди. Бошинга оғир иш тушди. Бошига иш тушган одам ҳаммадан ҳадиксирайдиган бўлади. Мана, сен ҳам менга ишонамайсан. Уйлайсанки, эринг Суюнжоннинг бошига тушган савдоларда каминанинг ҳам қўли бор деб, гумон қиласан! Аммо бандаси кўрмаса ҳам, яратган эгам кўриб турибди: Эрингга, Суюнжонга қасдим йўқ менинг! Ростим: ўшанда менга билдирмай зимдан иш юритганидан хиёл ранжиганман, бу рост! Сабаби мен ўзим ҳам уни ўрнимга мўлжаллаб юргандим, қизим...

Мансур меш Маржонийнинг жавобини кутиб, анча жим қолди. Маржонийдан садо чиқмагач, овози дарз кетиб, давом этди:

— Майли, болам, кўриб турибман, менинг гапларимга инонмайсан...

— Мени кечирасиз, тоғажон, — деди Маржоний. — Шаҳарга тушмоқчи эдим.

— Шунақа де? Яхши гап. Яхши насиҳатларингизни йнгиштириб қўйинг-да, ниятингизни айтиб қўяқолинг, ниятингиз эса... демоқчисан-да. Тўғри, тушуниппанми сўзингди!

— Йўқ, йўқ, — ёлворди Маржоний. — Сизнинг яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмаймиз, тоғажон!

— Агар шу гапинг рост бўлса, — деди Мансур меш, овози дўриллаб. — Агар яхши маслаҳатимга инонсаларинг. гапинг пўст калласи: «Қалдирғоч»ни сотинглар менга!

Бир нуқтага қадалиб ўтирган Маржоний ялт этиб қаради. Мансур меш у қараши билан худди туятовонларидай улкан, сержун панжаларини хонтахтага тираб, бир тебранди-да, яна ўзини ёстиққа ташлади.

— Худо шоҳид! — деди у, бошини сарак-сарак қилиб. — Ниятим холис менинг! Яхшилик тилайман сенларга, яхшилик. Сабаби: ҳамманинг кўзида чўп бўп турипти бул от! Анов терговчилар ҳам кўзларининг остига оп-

қўйган уни! Эринг Бургут бул отни менга «Волга»сига алмаштириб олган! Турама?\* Тура. «Волга» йигирма минг турса, йигирма мингди, ўттиз мингди санаб бераман сенга! Сен уни эринг йўлига жарат, болам! Эр керакми, от керакми сенларга?

— «Нимага шама қияпти илоннинг ёғини ялаган бу баттол? Тулпорларингга анов терговчилар ҳам кўз тиккан, дегани нима дегани? Миржалолов билан тили бирми бунинг? Сотмасаларинг тортиб олишади демоқчимми бу такаббур туллак?»

— Ҳа, оғзингга сўк солиб олдинг? Қарн билганди пари бялмас, дейдилар!

— Раҳмат, — деди Маржоной, нима дейишини билмай. — Сизнинг маслаҳатингизга юрар эдим, бироқ... Уғлим жонидан ҳам ортиқ кўради бу отни...

Маржоной бу гапни айтишга айтди-ю, пушаймон бўлиб лабини тишлади. Мансур меш ўрнида бетоқат тебраниб, гўё ҳозиргина Маржонойнинг кўнглидан ўтган ўйларни билгандай:

— Отасини-чи? — деб сўради. — Улингга битта от ўз отасидан азиз бўлдимми энди? Бул қандай фарзандки, уни дунёга келтирган отадан отни афзал кўрса?

Маржоной каловланиб ўрнидан турди.

— Майли, мен бир ўйлаб кўрай, тоғажон. Уғлим билан, Ветеран бувам билан бир маслаҳатлашиб олай.

Мансур меш:

— Майли, ўйлашсанг ўйлаш! — деди истар-истамас. — Аммо-лекин кимнинг жони оғрийди Бургутга? Сенинг жонинг оғрийди! Сенинг сўзинг керак менга, болам! Аммо шу бугундан қолдирмай жавобини бер!

Маржоной, кўз олди змистон, худди ёв қувгандай, ўпкаси томоғига тикилиб бир-биридан ваҳимали ўйлар миясида яраланган қушдай чарх урарди: «Бу шум ният нима демоқчи ўзи? Уйласанг ўйла, аммо шу бугун жавобини бер дегани нимаси? Жавобини бермасанг ҳукумат бари бир тортиб олади, ундан кўра вақт борида сотиб қол, демоқчимми? Эринг битта «Волга»га олган бу «Қалдирғоч»ни! Шу гапни анов... турқи совуқ Миржалолов ҳам айтган эди-ку! «Қалдирғоч»ни бу қари тулкига сотса, у ёғини ҳам ўзи тўғриламасмикин? Миржалоловлар билан ўзи гаплашиб, эрининг мушкулини осон қилиб бермасмикин? Ё бунинг ҳаммаси шунчаки бир

\* Турама — тўғрими.

ўйинми? Минг зўр бўлмасин, осмонга устун эмас-ку бу қари бўри ҳам? Не-не одамлар хор бўлаётган бу телба-тескари замонда бу шумтаканинг қўлидан нима келади? Бироқ... йўлга юрмай бўлармикин? Унда тўнни тескари кийиб, эрининг умрига завол бўлмасмикин? Энди кимга боради? Кимдан маслаҳат сўрайди? Маслаҳат сўрайдиган биттаю битта одам — Ветеран бобоси бўлса, у ҳам шаҳарга бориб, прокурорларга учрашиб қайтгандан бери тўшак ёзиб ётиб олди! Дўхтурлар кўриб, юраги чатоқ, қон босими ошган деб, қўрқитишди. Барч бир унга айтмаса бўлмас, бобосига ёрилмаса кимга ёрилади? Бошини қайси деворга уради?

Ветеран буванинг эски «Волга»си дарвоза олдида турар, Лочин кўринмас, шўрлик момо, ер искагудек куймаланиб, кечаси. Маржоной билан бирга тайёрлаб қўйган тугунларни машинанинг юкхонасига жойлар эди. Маржоной чопқиллаб бориб, момосининг қўлидаги тугунни олди, уларни ўзи жойлади. Ичкаридан Лочин чиқди. Онасига аллақандай ҳадик билан қараб:

— Ҳа, нима деди мешқорин? — деб сўради.

— Ҳа, шу, — деди ўғлига қарашга юраги дов бермай. — Отангининг ишларини сўради.

— Меҳрибон бўп қопти-да! — Мийиғида кулди Лочин. — Кетдикми?

— Ҳозир, бирров бобонгни кўриб чиқай!

Ветеран бобоси деразалари «Маржонтов»га қараган, қишда илиқ, ёзда салқин бўладиган кенг хонада алмисоқдан қолган эски сим каравотда ётарди. Уйга Маржонойдан олдин кирган Бибисора момо куймаланиб, чойнакдан совуқ кўк чой қуйиб бермоқда эди. Ветеран Маржонойни кўриб бошини «шилқ» этиб ёстиққа ташлади-да, кўзини юмди. У бор-йўғи уч-тўрт кундаёқ ўзини жуда олдириб қўйган, юзидаги кишини ўзига ром қилувчи шиддатли, ўктам ифода болаларча ожиз, ноғирон ифода билан алмашган, икки лунжи ичига ботиб, узун бурни совуқ урган турпдай қорайиб, сўррайиб қолганди.

Маржоной беихтиёр юраги «шиғ» этиб, каравот олдига бориб чўкка тушди.

— Тузукмисиз, бобожон?

Ветеран кўзини бир очиб, қайта юмди.

— Мени қўябер, болам! Сени анов... илоннинг ёғини ялаган қоринбой чақирган эмиш. Нима деди у қари шақал?

Маржоной бобосининг ўқ еган қушнинг нигоҳидай

ногирон нигоҳидан кўзини олиб қочаркан, Мансур мешининг айтган гапини ҳозир унга айтолмаслигини англади.

— Ҳа, шу... ҳол-аҳвол сўради. Куёвингизнинг ишларини суриштирди.

— Куёвининг иши энди шу қари ғаламисга қоптида? — Ветеран оғир хўрсинди-ю, тўсатдан дағ-дар титраб: — Йўқ, шўро ҳукумати йўқ энди! — деб хитоб қилди. — Эсиз бу ҳукуматга бағишланган ярим аср умрим!.. Бу ҳукуматни деб, жонини ҳам, қонини ҳам аямаган каминадай одамлар оёқ ости бўлса-ю, умри бино, уни каламушдай кемириб келган муттаҳамларга қолса кунимиз? Инсоф нималигини унутган, имон ва диёнат нималигини билмаган шу баттол ҳаромхўрлар ҳал қилса тақдиримизни. Эсиз умрим, эсиз умрим.

Бобонинг киприксиз юмуқ кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқди.

Бибисора момо пиёласи қўлидан тушиб, чолининг ёнига ўтирди, қоқсуяк қўллари билан унинг серажин, дўнг пешонасини силади.

— Ҳой сизга не бўлди. Бетеран? Кеча дўхтир айтмадима, ёмон нарсаларни ўйламай тинч ётинг демадима? Сизга не бўлди, айланайин Бетеран?

Ветеран кампирнинг титроқ кафтини ушлаб, секин силади, аста лабига босди.

— Кечир мени, моможон, сен ҳам кечир, болажоним!

Маржоной ўридан аранг туриб, эшиккача зўрға етиб борди-да, юрагининг қаъридан кўтарилиб келаётган фарёд билан олишиб, икки қўли билан оғзини босди.

\* \* \*

Шаҳар ўша-ўша, райком биносини ҳамон уч-тўртта милиционерлар қўриқлаб туришар, қамоқхона дарвозасида ҳам, худди аввалгидай, тугун кўтарган аёллар, чол-кампирлар, болалар тирбанд эди.

Лочин онасини қамоқхона олдида қолдириб, устози билан учрашгани кетди. Маржоной эрлари, фарзандлари, қариндош-уруғлари қамалган аёлларнинг аламли дийдиёларига беихтиёр шоҳид бўлганича уларнинг кўз ёшларини кўрганида ўзи ҳам кўзига филт-филт ёш олиб, навбат кута бошлади. Навбат катта, овқат олаётган туйнукка ҳали узоқ эди, лекин энг ёмони — навбат

келган тақдирда ҳам тугунини олишадими, ё бир баҳона топиб қайтариб беришадими — бунинг олдиндан ҳеч ким айта олмас, кўплар олиб келган овқатларини топишролмайдилар, аросатда қайтиб кетишарди. Гоҳи гоҳида дарвоза устига ўрнатилган радиокарнай орқали баъзиларни навбатсиз чақириб қолишар, шунда навбат кутиб турганлар орасида норози овозлар, ғала-ғовур бошланарди. «Ҳатто ҳибсхонада ҳам адолат йўқ, шу ерда ҳам ошна-оғайнигарчилик!» деб нолишарди одамлар.

Тўсатдан Маржоний радиокарнайда ўз исми-фамилиясини эшитиб, дик этиб чўчиб тушди. У янглишмадимми, деб ўйлаган эди, йўқ, янглишмаган экан, иккинчи бор унинг исмини айтиб чақиринди.

Маржоний ёнидаги аёллардан ийманиб, узр сўради-да, навбат кутаётганлар сафини айланиб ўтиб, туйнукча яқинлашди, шу пайт туйнукча ёнидаги эшик очилиб, қорачадан келган ёшгина бир милиционер: «Ичкари кириң!» — деб ишора қилди унга.

Маржонийнинг юраги орқасига тортиб кетди: «Нимага чақиряпти бу йигит? Тинчликми ўзи? Ё худойим-эй!» деди ичида ва мажолсизгина одимлаб ичкарига кирди.

Ичкарида туйнук олдидаги кир-чир стол орқасида, қовоғидан қор ёққан баджаҳл милиционерлар рўйхат билан тугун қабул қилмоқда, тўғрироғи, бировларнинг тугунини қабул қилиб, бировларнинг тугунини эгасининг натижаларига қулоқ солмай, бақириб-чақириб қайтариб бермоқда эди.

Ёш милиционер ўнг қўлидаги эшикчани очиб, Маржонийга кириң, дея имо қилди. Маржоний ҳамон оёқлари қалтираб, ичкарига кирди. Бу — торгина хона бўлиб, унинг деразаси ҳам йўқ, шифтида миттигина чироғ милтираб турар, ўртада пастаккина овқат столи билан иккита ёғоч курси турарди.

Ёш милиционер Маржонийнинг қўлидаги тугунини олиб, столга қўйди-да, товушини пасайтириб:

— Мени танимадингизов? — деб сўради.

Маржоний бу йигитни қаердадир кўрган, унинг чеҳраси кўзига иссиқ кўриниб турар, бироқ эслай олмас эди.

— Мен Дарвешали аканинг жияни бўламан, — деди милиционер.

— Қайси Дарвешали?

Милиционер кулди.

— Чўпон Дарвешали-да! Одамлар уни Дарвеш ду-



дуқ дейишади. Эрингиз кўп яхшилик қилиб, қамоқдан олиб қолганлар тоғамларни.

Маржоний бирдан елкасидаги тоғ қулагандай бўлиб, енгил нафас олди.

— Энди гап бундай, опагон, — деди ёш милиционер. — Эрингиз... Бургут акамлар соғ-саломатлар. Қўрқманг. Аммо... руҳи жуда тушқун. Чамаси ўзидан кўра кўпроқ сизларни ўйлаб, изтироб чекаётганга ўхшайдилар. Гапнинг қисқаси, икки оғизгина хат битиб беринг. Биз соғ-саломатмиз, ташвиш тортманг, ўзингизни ўйланг, тўполон қилманг, деб! Мана сизга қоғоз-қалам... — Милиционер ён чўнтагидан муқоваси титилиб кетган эски блокнот билан миттигина қалам олиб, столга ташлади. — Аммо хатингиз жуда қисқа бўлсин... биров киб қолса борми? Мен эшикда пойлаб тураман.

— Шошманг, укагон! — деди Маржоний унинг сўзини бўлиб. — Тўполон дедингиз... — Қанақа тўполон?

— Ҳа шу... адолат талаб қилиб... Эрингизни биласиз-му, олагон!

Маржоний кўзлари мўлтираб:

— Кўришининг иложи йўқми? — деб сўради.

— Ҳозирча йўқ. Ёзинг-ёзинг, аммо қисқа қилинг. Соғ-саломатлигингизни билдириб, бардам бўлинг, сабр қилинг, деб наказ берсангиз бас, бошқа гапнинг ҳожати йўқ. Тезроқ ёзинг, мен эшикда қоровуллик қилиб тураман, — Дарвеш дудуқнинг жияни оёқ учида юриб, қўшни хонага чиқиб кетди.

Маржоний ҳарчанд уринмасин, қалам ушлаган кўлларидаги титроқни тўхтата олмас, гирдиқапалак ўйларини йиғиб ололмас эди. Суюн акаси қамалгандан бери ўйлаб келган ўйлари, кечалари тонг отгунча хаёлан қилган илтимослари, йиғлаб айтган гаплари, берган маслаҳатлари — ҳаммаси эсидан чиққан эди! Ногаҳон ёш милиционернинг (умридан барака топсин, худо уни қайдан етказди?) «Эрингиз ўзини эмас, чамаси сизларни ўйлаб изтироб чекапти», деган гаплари эсига тушди, тушиши билан тор хонада, ўз ёғига ўзи қовурилиб ётган, озиб-тўзиб кетган эри кўз олдига келди, келдию хаёлан унинг оёқлари остига чўккалаб, худди унга гапираётгандай тавалло қилиб, ёлвориб пичирлади:

«Суюн акагон! Худо ўзи қовуштирган ҳалол жуфтим маним!

Сизга нима бўлди. Суюн акагон? Бизни ўйлаб тўлғанар эмишсиз, бизни ўйлаб қовурилар эмишсиз. Библиб қўйинг, сиз тўлғонсангиз биз ўн чандон кўпроқ тўлғо-

намиз, сиз қовурилсангиз биз юз чандон кўпроқ қовуриламиз, кулсангиз куламиз, йиғласангиз йиғлаймиз. Бизни ўйламанг. Узингизни ўйланг! Сиз тирик экансиз, мен ҳам тирикман, агар Сиз... сизга бир нима бўлса мен бир кун, бир соат ҳам яшолмайман бу дунёда. Илоё Яратган Эгам мадад бергай сизга! Оллоҳга топширдим сизни, Оллоҳга топширдим, Оллоҳга топширдим...»

Маржоний томоғи ғип бўғилиб, нимзо чекишга ҳам мажболи келмай ўтирган эди, эшик секин очилиб, Дарвеш дудуқнинг жияни кўринди.

— Тайёр бўлдим, опагон? — деди, у шивирлаб.

— Тайёр, укагон. — Маржоний киприкларидаги ёшларни сидириб ташлади. — Бу яхшилигингиз биздан қайтмаса, худодан қайтсин... Жавобига қачон келай?

— Бир ҳафтадан кейин. Бугун қайси кун? Шанбами? Келгуси шанба хабар олинг!

Ҳа, тунов кунги ўйлари тўғри чиқди Маржонийнинг. Фақат ёмонлардан иборат эмас экан бу дунё, яхшилар ҳам кўп экан, кўп экан!

Маржоний, гўё эри озодликка чиққандай гўё ҳозиргина қоронғи кўринган олам тўсатдан ёришиб кетгандай туюлиб, қамоқхона дарвозасидан қушдай енгил тортиб чиқди.

Лочин, навбат кутаётган халойиқ орасидан онасини тополмай, талвасага тушиб, кўзлари аланглаб турган экан, Маржонийнинг ҳибсхонадан чиққанини кўриб, унга қараб талпинди:

— Нима бўлди? Нима қилиб юрибсан у ерда?

Маржоний ўғлининг бошини эгиб, пешонасидан ўпди:

— Яхши гап бор, болам. Йўлда айтиб бераман.

Лочин Ветеран бобосининг эски «Волга»сини тарақлатиб учириб бораркан, Маржонийнинг гапларини эшитиб, хушнуд кулди:

— Отам молодес, тўполон қилаётган бўлса! Суюн бургут бургутлигини қипти-да! Отам ўрнида бўлсам мев ҳам шундай қилардим!

Она-бола, ҳар бири ўз ўйи билан банд, узоқ жим қолишди.

Офтоб овлоқда элас-элас кўринган Маржонтов устига ёнбошлаган, тоғнинг қорли чўққилари нимаси биландир олтидан жило берилган кўҳна гумбаэларни эслатар, кечқурунги ҳаво куз ҳавосидай майин, сўлим эди. Эҳтимол Маржонтовга салқин ҳам тушгандир? Қиз-

жувонлар, эҳтимол, камзул кийиб, рўмол ўраб юрган-дир? Маржонийнинг ёдига илк келинлик кунларида, тоғ бағрида ўтган масъуд дамлар тушиб, дилини тизгинсиз ҳазин бир туйғу чулган олдию беихтиёр эрининг тунов кунги аламли ўлани хотирасида жонланди.

«Маржонтов, Маржонтов,  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов,  
Дўст келганда меҳрибон,  
Ёв келганда қатагон.  
Қирғин келди қошнингга,  
Фарзандларинг бошига  
Нечук сукут сақлайсан?  
Нечук гунгсан, Маржонтов?..»

Қандай беғубор, бахтли кунлар эди у кунлар. Қандай беғубор! Ҳамма қиз-келиндяклар, турмуш қурган ёш жувонлар у ёқда турсин, ҳатто эрта тегмаган қизалоқлар ҳам — ҳамма ҳавас қиларди Маржонийга. Оҳудай эркин эди у! Бошқа йигитлар ёш қаллиқларини қизғанса, Суюн бургут сира қизғанмас, кечалари бирор овулда йиғин бўлса, Маржонийни ўзи бошлаб бораверар, даврага тортиб, бирга ўлан айтиб, ўйин-кулгини қиздиргани-қиздирган эди.

Биринчи йиллар, у Маржонийсиз бир он, бир дақиқа ҳам туролмас эди. Маржоний бир жойда қиз-келиндяклар билан гурунглашиб сал кеч қолса, Суюн бургут тўсатдан от суриб келарди-да, дугоналарини дув қочириб, уни отига ўнгариб олкетар эди! У улоққа борса ҳам, кўпқарига борса ҳам, ҳатто курашларга ҳам бирга олиб борарди Маржонийни.

— Сен ёнимда бўлсанг кўнглим тўқ бўлади, Маржон! — дерди Суюн акаси уни эркалаб. — Ғайратимга ғайрат қўшилади. Сен ёнимда бўлсанг ҳар қандай даврани ёриб чиқаман! Улоқни мен оламан-у, соврини сенники! Қўрқма! Дилингда худодан омад тилаб туравер, Маржоним, дури гавҳарим!

Бундай суронли улоқларда айюҳаннос солган минг кишилиқ тўда орасида от суриб, олишиб кетаётган эрини кўрганда қайси хотин юрагини ҳовучламайди? Қайси хотин секин кузатиб тура олади?

Маржоний қир-адирда йиғиладиган тумонат одам орасида туриб, пастда, тоғ этагида минг чавандоз орасида қамчисини тишлаб, сурон солиб кетаётган эрини

кузатаркан, ҳар сафар минг ўлиб, минг тирилади! Оллоҳга шукр, аксар ҳолларда улоқни даврадан Суюн акаси юлиб чиқарди, чиқардию оқ кўпикка чўмилган отини суриб келиб, улоқни Маржонойнинг оёғи остига ташларди. Шунда адирда тўпланган тумонат халойиқнинг жўр қийқириғидан Маржонтов ларзага тушарди...

Маржоной қишлоққа кираверишдаги толзорни кўрганидагина бу ширин хаёллар оғушидан чиқди, чиқди-ю, тўсатдан Мансур меш эсига тушиб, ўғлини елкасидан қучди.

— Жон болам, толзорга бур машинангни! Бирпас тўхтайлик. Кўнглим озяпти.

Лочин хушламай:

— Секинроқ ҳайдайми? — деб сўради.

Маржоной ўғлининг хаёли «Қалдирғоч»да эканини сезиб, бир дақиқа иккиланиб қолди. Бироқ унга ёрилмай туриб, жавобини кутаётган Мансур мешга нима дейди? Нима деб жавоб беради?

— Бир пиёла чой ичиб олай, жон болам.

Лочин индамай, рулни бурди. Эски машина маст туядай лапанглаб, қийшайиб, япроқлари тўкилиб қолган қари толлар орасида тўхтади.

Лочин юкхонадан термосни олиб юрқа ўриндиққа, онасининг ёнига ўтирди, бир қўли билан энасига чой узатиб, бир қўли билан уни секин қучди.

— Бир нарсадан ташвишдасиз? Нима бўлди? Очиғини айтинг, айтаверинг, энажон!

— Ҳозир, болам! — Маржоной бир ҳўплам чой ичсам, ўзимни сал босиб оларман, деб ўйлаган эди, йўқ юраги томоғига келиб тикилаверди, тикилаверди.

Лочин бетоқат бўлиб:

— Хўш, нега чўзасиз? Айтинг гапингиз бўлса! — деди ўдағайлаб.

— Айтсам... боя Мансур тоғанг бир сўз айтди.

— Тоғам эмиш! Хўш? Айтаверинг: нима дедилар суюкли тоғамлар?

— У киши айтдиларки.. «Қалдирғоч»ни менга сотинглар, деб маслаҳат бердилар у киши.

Маржоной ўғлига ўғринча бир қараб қўйди. Лочин гўё уни қучган қўлига чўғ теккандай, онасининг елкасидан тортиб олиб, нарироқ сурилиб ўтирди.

— Ўргилиб кетдим бунақа маслаҳатдан! Худди шу гапга чақирганини билувдим-а, боя. Сиз нима дедингиз?

— Мен... узил-кесил бир жавоб беролмадим. Аввал

Ўғлим билан гаплашай, ўғлим нима деса... шу бўлади, дедим!..

— Яхши айтибсиз! «Қалдирғоч»дан айрилгунча ўлганим яхши менинг! Кетдик!

Маржоний Лочинга тармашиб тўхтатди, ўглининг кўзларига илтижо билан тикилди:

— Шошма, тойчоғим! Ахир... гап отангинг тақдири устида кетяпти-ку!

— Биласиз, отам учун жонимни ҳам аямайман. Бироқ, отамга нима дахли бор «Қалдирғоч»нинг? Очигини айтинг ниятигизни!

— Очигини айтсам... бир одам ваъда берди. — Маржоний нафас етмай, кўйлагининг тугмасини ечди. — Айтдики... эллик минг сўм берсаларинг... отангни қамоқдан чиқарамиз, деди.

— Ким у?..

— Бир одам...

— Агар тузоқ қўяётган бўлса-чи у одам?

— Улиптими? Прокурор!

Лочиннинг қошлари ғазаб билан чимирилди:

— У қанақа лаънати прокурорки, бегуноҳ одами порахўрликда айблаб, ўзи пора олса? Инониб бўлмайди бунақаларга, энажон? Ишни бешбаттар чигаллаштириб олманг тагин?

Маржоний ютиниб-ютиниб, аранг гапирди:

— Наҳот битта от... сен учун отангинг қисматидан азизроқ бўлса, болажоним?

— Энажон! — деди Лочин уф тортиб. — Нега тушунишни истамайсиз? Мен «Қалдирғоч»ни қизғанаяпганим йўқ. Лекин сиз қаёқдан биласиз прокурорнинг асл мақсадини? Нияти ёмон бўлса-чи, деяпман, холос.

— Мен ҳам ўйладим буни, болам. Эрталабдан бери ўйлаяпман. Бироқ нима бўлгандаям... ётиб қолгунча, отиб қол, деган-ку эскилар! Биз ҳам бирор йўл қидирмай, индамай ўтираверамизми? Шояд фойдаси тегса... Отанг қутулиб чиқса, битта «Қалдирғоч» ўрнига ўнтасини оберади-ку сенга, болажоним!

Лочин бирдан бўшашиб, энасини бағрига босди:

— О, энажон, энажоним маним! Бўпти, сиз айтганча бўлақолсин. Отам учун бир от эмас, минг от садаға! — деди Лочин, томоғи ғип бўғилиб.

— Умрингдан барака топ, болам. Шундай дейишингни билувдим. У дунёю бу дунё розиман сендан...

Маржонийнинг гапи бўғзида қолди. Шу пайт яқиндаги катта йўлда мотоциклнинг пат-пати эшитилди-ю,

таққа тұхтади. Унинг ўрнига бўралаб сўкинган йўғон овоз, қарсиллаб синган таёқ ва аччиқ кишнаган от товуши келди.

Лочин: «Қалдирғоч!» деб қичқирдию толзорга шўнғиб, катта йўл томон чопди.

Маржоной юрагини ҳовучлаб, ўғлининг кетидан югурди.

Шаҳарга борадиган катта йўлнинг қоқ ўртасида уч ғилдиракли мотоцикл тұхтаб турар, мотоциклга арқон билан бўйнидан боғланган «Қалдирғоч» олдинги оёқларини ерга тираб, уни юргизмай қўйганди!

Чамаси «Қалдирғоч»ни олиб кетгани келган иккита милиционернинг бири рулда ўтирар, иккинчиси қўлидаги йўғон таёқ билан боши-кўзи демай отни қарсиллатиб урар, улардан юз қадамча орқада... Салим қилтириқ, ундан сал орқароқда Олтиной билан Кумушбиби югуриб келишарди.

Шитоб билан отилиб борган Лочин «Қалдирғоч»ни ураётган милиционернинг ёқасидан ушладию бир силташда ариқ томон улоқтириб юборди. Милиционер бешолти қадам нарига алаң-талпанг учиб борди-ю, қўлларини лапанглатганча чалқанча йиқилди. Лекин Лочин унга кайрилиб ҳам қарамасдан отининг бўйшидан қучоқлаб олди. Даҳшат ичида ўғлининг орқасидан чопиб борган Маржоной аниқ кўрди: «Қалдирғоч»нинг оғзи қоп-қора қон, кўзларидан тирқираб ёш оқар, тулпор худди безгак тутган одамдай дир-дир титрарди! .. Жонивор қонли лабларини Лочиннинг юзига, бўйнига суркаб, ҳансираб нафас олар, тинимсиз пишқирав, Лочиннинг юз-кўзлари ҳам қоп-қора қон бўлган, унинг вазоҳатидан одам қўрққулик эди!

Маржоной жон-жаҳди билан ўғлига тирмашди.

— Болам! Онагинанг ўргилсин, болажоним.

Шу пайт мотоциклда ўтирган милиционер ерга сакраб тушдида;

«Ҳой, даюс, кимга қўл кўтаряпсан?» деганича Лочинга ташланди. Маржоной ўғлини қўйиб юбориб, унинг йўлини тўсди:

— Жон болам! Кечиринг бунни, жон болам. Ёшлик қилди!

Тўсатдан орқадан тарс-тарс ўқ овози эшитилди. Аччиқ кишнаб осмонга сапчиган «Қалдирғоч» олдинги оёқлари билан мотоциклнинг ўриндиғини яна қарсиллатиб тепди...

Маржоной даҳшат ичида орқага қаради. Боя Лочин

улоқтириб юборган милиционер кўзлари олазарак: «Отман! Ҳозир отиб ташлайман бу зўравонни!» деганича, боши узра тўппончасини силкитиб, яқинлашиб келарди.

Маржоний биринчи милиционерни ташлаб унга қараб талпинди, бироқ, оёқ остидаги тошга қоқилдию гандираклаб кетди. Яхшиям, Салим қилтириқ етиб келиб ушлаб қолди...

Шундан кейин нима бўлди? Маржоний бир зум ҳушидан кетдими, бошқами — яхши эслай олмай қолди: Салим қилтириқ уни бир чеккага олиб чиқиб ётқиздими, қизлар келишиб бошида гиргиттон бўлишдими, юзи га сув сепиб, ҳушига келтиришдими..

Маржоний кўзини очса... катта йўл одамга тўлиб кетибди! Қишлоқ томондан яна бир милиционер от чолтириб келяпти! Аввалги икки милиционер Лочинга ёпишяпти. Бироқ одамлар ўртага тушиб, милиционерларга ялиниб-ёлворшяпти!..

Маржоний яна кўз олди қоронғулашиб, хотираси хиралашди. Кейин эшитса, одамлар Лочиний милиционерлардан ажратиб олишибди. Милиционер «Қалдирғоч»нинг бўйнига арқон солиб, катта йўлдан ўтаётган юк машинасига боғлаб судраб кетишибди. Шатакка олинган, аёвсиз қамчиланган «Қалдирғоч», худди онасидан айрилган бўталоқдай, орқасига, одамларнинг кўлидан чиқишга уриниб, бўзлаб йиғлаётган Лочинга қарай-қарай, узоқлашиб кетганмиш...

Маржоний иккинчи бор кўзини очганда... юзи қопқора қон Лочин («Қалдирғоч»нинг қони!) яраланган қушдай питирлаб, ҳамон одамлар билан олишарди!

Маржоний хаёлан: «Болажоним, болажоним-ов!» деб қичқирган бўлдию ўрнидан туришга интилди, бироқ кўкрагида қаттиқ санчиқ сезиб, Олтиной билан Кумушбинининг қўлига «шилқ» этиб йиқилди...

## XVI

Дарвеш дудуқнинг жияни овқат олиб кирганда Суюн бургут узунига икки одим, кўндалангига нари борса бир ярим қадам келадиган, нимаси биландир қудуқни эслатадиган каталакда деворга суянганича хаёлга толганди. Бу ҳолида у худди оёқда тик туриб уйқуга кетган отни эслатарди...

Яхлит темирдан ясалган залворли эшик гичирлаб очилганда Суюн бургут зилдай оғир киприкларини аранг ёзиб, милиционерга қаради-ю, кўзини юмди. Милицио-

нер қўлидаги бир товоқ қарам шўрва билан бир-икки тўғрам қора нонни бетон супачага қўйди-да, секин шивирлади:

— Овқатга қаранг, ака.

Суюн бургутдан садо чиқмади. У ҳатто кўзини ҳам очмади. Милиционер ёпиқ эшикка бир қараб қўйди, сўнг қўйнидан икки букланган қоғоз чиқариб, товоқнинг тагига қистирди.

— Овқатга қаранг, Бургут ака! Товоқ тагида Сизга хат бор...

Суюн бургутнинг кўзлари ярқ этиб очилди. Рўпарасида тунов кунни уни қиморбоз-каллакесарлар даврасидан олиб чиқиб кетган ёш, хушсурат милиционер турарди! Қош кўзлари биланми, очиқ, қорамағиз чеҳрасидаги ёқимтой табассуми биланми, Бургутга ёқиб қолган бу йигитча ўша кундан бери унга хайрихоҳлик билдирарди. Бургут йигитчани бир сафар Дарвеш дудуқнинг қўрасида кўрганида дудуқ уни «жияним», деб таништирган эди. Чамаси, тоғасига қилган унинг яхшилигидан бохабар бўлса керак, йигитча қўлидан келганча яхшилиқ қилишга уринар, овқатни эшик тўйнугидан узатмасдан, ичкарига кириб, супачага қўйиб кетар, бошқа назоратчилардай «сенсираб» жеркиб гапириш ўрнига ҳар сафар:

— Яна овқатга қарамабсиз, ундоқ қилманг-да, Бургут ака, ўзингизга ўзингиз жавр қилиябсиз, — деб койиб қўярди.

Суюн бургут кўзини очиши билан йигитча овозини боягидан ҳам пасайтириб:

— Мен ҳозир навбатчиликни топширяпман, — деди. — Опамлар! сизга овқат опкелган эканлар, дуои салом айтдилар. Хат ёзиб берувдилар, товоқнинг тагига қўйдим. Жавоб ёзаман десангиз... мана сизга қалам-қоғоз. — Милиционер қўйнидан бир варақ қоғоз билан чимчалоқдеккина қалам олиб, товоқнинг ёнига қўйди. — Индин яна навбатчи бўламан. Жавоб ёсангиз, ўшанда обкетаман. Аммо эҳтиёт бўлинг. Опамларнинг хатларини... яхшиси чайнаб ичингизга ютиб юборақолинг. Қалам-қоғозни яшириб қўйинг!

Дудуқнинг жияни Бургутдан жавоб кутиб турди, аymo Суюн бургут кўзини ҳам очмади.

— Асло руҳингиз тушмасин, Бургут ака! — деди милиционер, тўсатдан овози титраб. — Худо бор тепада. Ҳаммаси яхши бўп кетади, ака! — У оёқ учида юриб катакдан чиқди, Суюн бургут шундагина товоқ тагида-



ги бир парча қоғозни олиб, дераза ўрнига ясалган дўппидеккина туйнук олдиға борди. Мактуб Маржонийнинг дастхатига ўхшамаган, чамаси, қўли қалтираб ёзилганидан, ҳарфлар, сўзлар қинғир-қийшиқ эди.

Суюн бургут, гўё олдиға қўйилган овқатни бир ямлаб ютган одамдай; хотиннинг мактубини бир кўз югуртиришдаёқ ўқиб чиқди-ю, унга тўймай қайта ўқишга киришди. Назарида, хат калта, жуда калта туюлди Бургутга. Мактубда яна нималардир, яна қандайдир гаплар бўлиши керак эди! Гўё у кутган гаплар сатрлар орасига яширингандай, хатни қайта ўқиди, учинчи марта, олтинчи, саккизинчи, юзинчи марта ўқиди, сўнг, бутун вужудида беадад бир ҳорғинлик сезиб, тағин деворга суянди-да, тағин кўзини юмди.

Иўқ, хат эмас, юракни тилка-пора қилувчи аччиқ бир фарёд эди бу! Энг ёмони — Бургутнинг ҳамма ниётларини, кечадан бери ўйлайвериб қатъий қарорга айланган совуқ ва пинҳоний мақсадини билиб ёзилган, бу мақсадни синдириш азмида битилган мудҳиш бир мактуб эди бу!

«Сиз билиб қўйинг, — депти. — Сиз тирик бўлсангиз мен ҳам тирикман, депти, сизга бир нима бўлса, мен бу дунёда бир кун ҳам турмайман», — депти. Епирай? Бошига тушган бу маломат, бу хўрлик, бу ҳақоратларга дош беролмай қолган Бургут, ўйлай-ўйлай, ахир пиروвардида чорасиз қарорга келганини қайдан билдиркин, қайдан сездикин у?

«Азизим, ёлғизим маним, ўзинг ёзганингдек, яратган эгам қовуштирган вафодор ёрим, бебаҳо гавҳарим, дури-садафим маним! Сенинг олдингда гуноҳқорман! Сен дунёда ҳуснда тенгсиз, ақлда ягона эдинг. Ким билсин, мен бадбахт, ўшанда, ёшликда сенинг азиз бошингни айлантириб, опқочиб кетмаганимда, бугун, эҳтимол, катта олима ё машҳур шоира, эл ардоқлаган бахтиёр аёл бўлармидинг? Менга тегиб нима кўрдинг сен шўрлик? Дунёда энг вафодор маъшуқа, энг инсофли хотин, менга текканингдан пушаймон эмаслигингни хатингдан билдим. Қамоққа тушибманки, сенинг олдингда гуноҳқор эканимни ўйлайвериб адоин-тамом бўлган эдим, хатинг армон тўла юрагингга малҳам бўлди, дардларимга таскин берди. Бунинг учун мендан қайтмаса Оллоҳдан қайтгай, олтиним. Аммо гуноҳқор эрингни кечир, бебаҳо садафим, дуру гавҳарим! Мен қалам билан эмас, кўз-ёшларинг билан ёзилган хатингни ўқиганимдан кейин ҳам, ўйлаган ўйларим, қилган аҳдимдан қайтолмайман,

қайтолмайман. Кеча терговда бу йиртқиқларнинг яна бир разил ниятларини билиб қолдим, агар улар бу мудҳиш мақсадларини рўёбга чиқарадиган бўлишса...»

Суюн бургутнинг юмуқ кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. У олазарақ бўлиб, бир темир эшик дарчасига, бир девордаги дўппидеккина тешикка қаради, бир ўйи шитоб билан чопиб бориб, бошини темир эшикка ургиси келди. Ё эшик синар ё боши тарвуздек тарс ёрилиб, бу азоб, бу хўрлик, бу ҳақоратлардан бир йўла қутулиб қўяқоларди! Аммо... йўқ, у ҳали Маржонийга айтадиган гапларини охиригача айтолгани йўқ, унга ёзадиган хатини ёза олганича йўқ!..

Энг муҳими, кўзининг нури, бу ёлгон дунёга келиб, кўрган биттаю битта қувончи, бахти саодати Маржоний билмоғи даркор! Ўзини мусулмон деб билган бари инсон борки, куври азим, кечирилмас гуноҳ деб билган бу йўлни танлашга нима мажбур қилди? — Буни билмоғи, охиригача билмоғи лозим Маржоний, акс ҳолда уни кечирмайди, у дунё-бу дунё кечирмайди!..

Кечаси алламаҳалда Бургутни яна терговга чақиришди. Бу сафар уни анов москвалик жаллод Шарановский эмас, ўз ҳамюрти, аммо баттолликда ундан қолишмайдиган Миржалолов сўроқ қилди.

Тағин эски ҳаммом, эски тос, тағин ўша: Нажмиддиновга катта пора бергансан, деган куракда турмайдиган бўҳтон! Фақат битта фарқи шу бўлдики, бу сафар уни собиқ биринчи котибга рўпара қилишди!

Суюн бургут асабини айниқса қаттиқ қақшатадиган бу тунги терговга бораркан, бир неча дақиқадан кейин Нажмиддинов билан юзлашиш хаёлига ҳам кириб чиқмаган эди.

Ҳатто Бургутнинг раддиясидан кейин аллақандай қутуриб кетган Миржалолов: «Опқир, анов, лапашанги!» деб бақирганида ҳам бу «лапашанг» Нажмиддинов бўлиб чиқишини тасаввур этмаган эди.

Ҳақиқатдан, тунов куни Бургут янглишмаган, ўша кеча, гарчи йўлакда уни деворга қаратиб қўйишган бўлса ҳам ёнидан ўтаётганида таниб қолган одам... Нажмиддинов эди!.. Йўқ, бу Суюн бургут яхши билган, ҳаминша ўзига оро бериб, башанг кийиниб юрадиган, бўй-баста келишган, сал кам йигирма йил бутун вилоятни ёт деб ётқизиб, тур деб турғизиб юрган Нажмиддинов эмас эди, у билган Нажмиддиновнинг аянчли сояси эди, холос!

Чамаси, собиқ биринчи котибни аёвсиз дўппослаш-

ган бўлса керак, оёғини аранг судраб, аранг юриб кирди, ўзиям кўзлари ичига ботиб, юзи қонталашиб, эғнидаги кир чир кийими сомони тўкилган бўш қопдай шалвираб қолганди.

Тўрда, Шарановскийнинг ўрнида кеккайиб ўтирган Миржалолов ер остидан Нажмиддиновга қадалиб қарадида:

— Утир, маҳбус! — деб буюрди. Сўнг, ўридан тўриб, худди устози Шарановскийга ўхшаб, қўлларини орқасига қилганича, хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади. Унинг хатти-ҳаракатларида, қовоғини уйиб, гўё чуқур хаёлга толгандай, залворли қадам ташлашларида ҳам устози Шарановскийнинг қилиқлари, хатти-ҳаракатлари шундоқ акс этиб турарди! Чамаси, у ўз мавқеидан, одамларни қийноққа солиш, азоб бериш ҳуқуқидан, ўзи каби бандалар устидан ҳокими мутлоқ бўлганидан боши осмонда экани Шарановскийнинг юзида, шафқатсиз мовий кўзларида, ҳар бир сўзида шундоқ кўриниб турганидек, Миржалоловнинг ҳам юзида, гапида, қилиқларида шундоқ кўриниб турарди.

Ногаҳон у юришдан тўхтаб:

— Хўш, маҳбус! — деди, собиқ котибга қарамай. — Кечаги берган кўрсатмаларингизга иқрормисиз? Яъни бу одамни «Маржонтов» совхозига директор қилишда уч юз минг сўм пора олганингизни тасдиқлайсизми?

Хонага кирибдики, Бургутга бирор марта қарамаган Нажмиддинов, боши ҳам:

— Тас... тасдиқлайман! — деди эшитилар-эшитилмас, ногирон бир товушда.

— Тасдиқласангиз гапириб беринг! Бу одам сизга қачон, қаерда берган бу порани?

Ажабо: шу тобда стулда аранг ўтирган бу шўрлик, мажруҳ одамга нисбатан на нафрат сезарди Суюн бургут, на қаҳр, на адоват! Аксинча, унга қарашдан нийманар, қараса юраги безиллаб оғрирди.

— Гапиринг чайналмасдан! — бақирди Миржалолов.

Нажмиддинов аллақандай саросимага тушиб ўтирган стулини Бургутдан нарироққа сурди-да:

— Ҳа шу... — деб ғўлдиради, — бултур кўкламда, «Маржонтов»да учрашганимизда... сой бўйида олганман.

Миржалолов Суюн бургутга юзланди.

— Эшитдингми?

Суюн бургутдан садо чиқмади. У ҳам Нажмиддиновга қарашга журъат этмас, назарида, кўзи-кўзига туш-

са Нажмиддинов ўтирган жойидан йиқилиб тушадиган-дек туюларди.

Миржалолов тоқатни тоқ бўлиб:

— Эшитган бўлсанг... гапир! Жавоб бер! — деб ўшқирди.

Суюн бургут кишанли қўлларини мушт қилиб тугди.

— Аввалги сўроқларда нима деган бўлсам шу! — деди юрагидаги пўртана билан олишиб. — Мен ҳеч кимга пора берган эмасман, пора ҳам олган эмасман! Тамом-вассалом.

Миржалолов столни гурсиллатиб муштлади:

— Қирчанғи эшшак бўп кет-э, даюс!

Суюн бургут асов отдай дир-дир титраб:

— Ҳақорат қилма! — деди секин, аммо секин эшитилган бу бўғиқ овоздан қўрққулик эди. — Қўлингдан келса... анов тўппончанг билан шартта отиб ташла! Аммо ҳақорат қилма инсонни! — У шундай деб, ўтирган жойида тошдай қотиб қолган собиқ биринчи қотиб томон ўгирилди:

— Сизга нима бўлди, Жамолиддин ака? Йигирма йилдан бери вилоятга дағдаға солиб юрган одам.. қандай қилиб бу аҳволга тушдингиз? Бу... бу жаллодлар билан олишиб, уйдирма гапларни, куракда турмайдиган ғирт бўҳтонларни ўз ёқаларига ёпиштириш ўрнига.. олмаган порани олдим дейсиз? Ўзингиз етмагандек менинг бошимга ҳам мағзава тўкасиз. Сизга нима бўлди, Жамолиддин ака? Эркакмисиз ё?.. Суюн бургут гапини тугатмаган ҳам эднки, Нажмиддинов каловланиб ўрнидан турди-да, маст одамдай гандираклаб бориб Бургутнинг оёғи остига гурс этиб йиқилди, йиқилдию кўз ёшидан бўғилиб:

— Кечир мени, укажон! — деб ингради. — Кўриб турибсанку, аҳволимни! Худо ҳеч кимнинг бошига солмасин мен кўрган азобларни!

— Бас! Бу порахўр қолиб, бизга туҳмат қиларсан ҳали? — Миржалолов шундай деб эшикда турган назоратчига юзланди-да, ерда юмалаб ётган Нажмиддиновга ишора қилди:

— Олиб кет бу латтачайнарни! — У шитоб билан юриб дераза рўпарасига борди ва то эшикда қаққайиб турган милиционер собиқ қотибни ўрнидан тургазиб, елкасидан турта-турта хонадан олиб чиқиб кетмагунча чурқ этмади. Сўнг, сал юмшаган, аллақандай ёлворган овозда:

— Аҳволини кўрдингми, Бургут? — деб сўради. —

Агар шу одамнинг куни бошимга тушмасин десанг...  
ўжарлик қилма, йигит!

.. Суюн бургут мийиғида кулди:

— Ҳезалак эмас, йигит бўлганим учун ҳам такрор айтаман: бўйнимга оладиган гувоҳим йўқ менинг!

— Оласан бўйнингга! Гувоҳларимиз кўп ҳали!

.. — Чақиринг ўша гувоҳларингизни!..

— Чақирамиз! — деди Миржалолов. — Аммо билиб қўй, у шундай гувоҳки, ўзинг пушаймон бўласан кейин!

«Бу аблаҳ нима деяпти. У қандай гувоҳ эканки, мен пушаймон бўламан? Нимага ишора қиляпти бу қаллоб?»

Суюн бургутнинг юрагига аллақандай ноаниқ, мавҳум, совуқ бир шубҳа ғимирлаб кирди-ю:

— Марҳамат, чақиринг! — деди хиёл бўшашиб.

.. Миржалолов буни сездими, бошқами, заҳарханда қилди:

.. — Хотиринг жам бўлсин, — чақирамиз! Аммо шуни билиб қўйки, биз уни сен билан юзлаштиришдан аввал.. сен ётган каллакесарлар камерасига ташлаймиз! Левои шерлар бир кечадаёқ.. абжағини чиқаришадн унинг! Ана ундан кейин юзлаштирамиз икковингни!

Суюн бургут юрагида ҳамон ғимирлаётган мудҳиш шубҳа билан олишиб:

.. — Кўриб турибман, ҳеч нарсадан қайтмайсанлар сен нокаслар! — деди ҳансираб. — Одам боласининг ҳаёлига келмайдиган ишлардан ҳам қайтмайсанлар тубан ниятинг йўлида! Аммо... агар қўрқмасанг... мард бўлсанг... ҳезлик қилмай очигини айт менга, ниятинг нима?

.. — Хўп, айтаман! — деди Миржалолов рангидан қони қочиб. — Бу гувоҳ.. ўз жуфти ҳалолнинг... Маржоной!::

— Нима? — Суюн бургут аста ўрнидан тура бошлади-ю, чайқалиб кетиб, аранг деворга суюниб қолди.

Миржалолов гарчи Суюн бургутнинг қўли кишанланган бўлса ҳам, ундан тайсаллаб, биқинидаги тўппончасини ушлаб-ушлаб қўйди.

— Ҳа, эсингга тушдимми? Бултур кўкламда «Маржонтов»да бу порахўрга пул бераётганингни хотининг ҳам кўрган! Биз одамгарчилик қилайлик деб, ҳозирча қўлга олмадик хотинингни. Аммо сен қайсарлигингдан қайтмасанг, қамашга мажбур бўламиз хотинингни ҳам!

— Аблаҳ! — Суюн бургут қўлидаги кишанларни шақир-шуқир қилиб, ўтирган стулига тирмашди.

Миржалолов ранги девор, ўнг қўли билан тўппончасига ёпишди:

— Қимир этма! Отиб ташлайман! Итдай этиб ташлайман!

— От, қонхўр, от! Бу юрганнимдан ўлганим яхши менинг!

Миржалолов унга жавоб бермай, пойгакда қаққайиб турган милиционерга:

— Олкет буни! — деб ишора қилди, сўнг Суюн бургутнинг орқасидан хириллади. — Бир кун муҳлат сенга! Ўжарлик қилмай ўйлаб кўр аммо!

Шундан кейин Суюн бургутнинг хотирасида қандайдир бир бўшлиқ пайдо бўлди-ю, Миржалоловнинг хонасидан қандай чиққани, узун тор йўлакларда кимларни кўргани, бу қудуқдай тор, совуқ катакка қандай қайтиб келгани — биттаси ҳам эсида йўқ!

Бир маҳал ҳушига келиб қараса... нимаси биландир ўриснинг тобутини эслатадиган мана шу ўз катагида ётибди... Дарвоқе бу ерга қачон келди? Қанча вақт ўтди? Анов бешавқат жаллод берган фурсатга қанча колди? Бир кун муҳлат бераман, ўйлаб кўр деганди. Бир кун нимага керак Бургутга? Нимасини ўйлайди?

Ёв ёмон, аммо ўзингдан чиққани ундан ҳам ёмон дегандек, ёвузликда устози Шарановский, ҳатто устозининг устози анов мудҳиш генералдан ҳам ўтиб кетган бу жаллоднинг олдидан чиқмасданоқ нима қилшини ўйлаб қўйган Суюн бургут!

Миясини еган қари қашқир! Айтган гапини қаранг унинг. Ё пора берганига иқрор бўлармиш ё Маржонойни анови каллакесарларга емиш қилармиш! Ё ҳазар, алҳазар! Наҳот бу гапларига ўзи инонса бу қузғун? Наҳот Бургут жонини асраш учун Маржонойни, Оллоҳ ўзи қовуштирган жуфти ҳалоли, бу ёлғон дунёга келиб кўрган биттаю битта қувончи, бахту саодатини оч қашқирларга ем қилиб қўйса? Бундай қилиб асраган жонини кўчада дайдиб юрган итларга ташлар Суюн бургут?

Буни хаёлга келтиришнинг ўзи даҳшат-ку Бургут учун!

Девордаги туйнукдан туриб турган хирагина шуъла батамом сўниб, шифтда ярқираб турган чироғ ўчганига қараганда, тонг яқин. Анов қузғуннинг олдидан чиқмасдан турибоқ кўнглига туккан аҳдини амалга оширадиган пайт келди. Бу иш шундайки, бу ишга қасд қилган одам уни чўзаверса, ҳарчанд довжорак бўлмасин, икки-

ланиб, қўли қалтираб қолиши мумкин. Жон ширин деб бекорга айтмаганлар!

Суюн бургут белини пайпаслаб, киндиги тагини ушлаб кўрди, жойида турибди!..

Бургут дастлаб қамоққа тушган кунлари, бу кенг жаҳон кўзига тор кўриниб, зимистон ертўлада у ёқдан-бу ёққа эмаклаб, ер чангаллаб тимискиланиб юрган пайтларида қўлига синчалоқдеккина бир темир тушганди. Ушанда бургут «бир кунимга яраб қолар», деб уни шимининг белидаги кавакка яшириб қўйган эди. Бу катакка тиқишганидан кейин эса, кўзига уйқу келмай, тўлганиб ётган маҳали, уни мана шу бетон тобутга чархлай-чархлай пичоқдан ҳам кесгир бир ханжарга айлантирган эди...

Суюн бургут мана энди нима қилишини ипидан игнасигача ўйлаб қўйди. Қачон, қандай ётади, ўзи чархлаган бу ажал қуролини қандай ишлатади... Оллоҳ ўзи кечиргай. Ҳа, ўлимдан эмас, ёлғиз Оллоҳдан қўрқадим у. Ким билсин, эҳтимол Яратгувчи бу савдоларни синамоқ учун солгандир унинг бошига? Аммо, норасо бандангня ўзинг кечиргайсан, Яратган Эгам. Бу қандай синовки, на адолат бўлса унда, на ҳақиқат!? Ҳақ ва адолатни қарор топтирадиган подшоҳлар эса нолок, ноҳалол инсонлар ёнини олиб, ҳалол, покиза, аммо ночор, нотавон мўминларни хору зор қилса? Қўй оғзидан чўп ололмайдиган ғарибу ғураболар устига чиқиб тепишса, ўзлари қолиб, бола-чақаларигача исканжага олишса? Ҳатто жуфти ҳалолларининг номусига тегишдан ҳам тойишмаса?

Бу ўйларим шаккоклик бўлса, Ўзинг афв этгайсан, аммо бандаларинг бошига тушган бу синовларга ким дош бера олади, эй Яратган Эгам?

Ҳа, Суюн бургут эсини егани йўқ, у биледи, жазм этган иши ҳар бир мусулмон учун (алҳамдулиллоҳ, у мусулмон!) гуноҳи азим эканини дил-дилидан англайди. Аммо... бошқа йўл қолмаса на чора? Хом сут эмган бандангман, ўзинг яратдинг, ўзинг кечиргайсан, яратгувчим! Сен ҳам кечир, Оллоҳ ўзи қовуштирган хасмим, жуфти ҳалолим, бу дунёга келиб топган бирдан-бир бахтим, бебаҳо Маржоним, олтиним, дуру гавҳарим, кечир, кечир, кечир...

Мана айтадиган гаплари ҳам тугади... Умрида ҳеч қачон бундай самимий гаплашмаган, ҳасратлашмаган эди, дарди-дунёини тўкиб, бундай ёрилмаган эди. Тўғриси бунга ҳожат ҳам бўлмаган, қуш тилини қуш билла-

ди, деганларидек, улар бир бирини гап-сўзсизоқ тушунишар, нигоҳлари нигоҳлари билан тўқнашгандаёқ билишар эди дилларидаги, тилларидаги ниятларини!..

Ҳа, Маржонхой тушунади, Маржонхой кечиради уни. Фақат... ўғли, кўзининг оқу қораси Лочин!.. Унга нима ҳам дея олади Бургут? Деганда тушунармикин, кечирармикин ўғли?..

Алвидо, Лочин! Алвидо ўғлим! Сени худога топширдим, онангни сенга! Сен ҳам отангни афв эт, болажоним! Афв эт, афв эт...

Суюн Бургутни совхоз шаҳарчасига дафн этишга рухсат беришмади. Унинг жасадини кечаси алламаҳалда қопқоғи миҳланган оғир тахта қутида олиб келишди. Олиб келган одамларнинг орасида милиционерлари кам, аксарияти башанг кийинган келишган ёш йигитлар эди. Уйда кўтарилган фарёд, қий-чув, йиғи-сиғи — ҳеч нарсага қулоқ солмай, ими-жимиди дарҳол кўмасанлар, ҳатто жаноза ҳам ўқимайсанлар, хуллас, элга овоза қилмайсанлар, деб оёқ тираб туриб олишди. Халойиқ йиғилди. Доду фарёдни эшитиб бир зумдаёқ ҳамма ёқни одам босди. Наинки, ҳовли, кўча ҳам элга тўлиб кетди. Суюн бургутнинг жасадини олиб келган бойвачасимон йигитлар аввал тўпланган юртни ҳам писанд қилмай, ўдағайлаб кўришди, аммо йиғилган эл ҳам бўлиб келмади. «Бир бегуноҳ, беайб, покиза мусулмонини бесабаб беёзиқ жувонмарг қилганларинг озми? Энди уни расм-русмимизни ҳам бажо келтирмай, жаноза ҳам ўқиттирмай, пинҳона кўймоқчимисанлар! Инсоф борми сенларда? Мусулмонмисанлар ўзларинг ё кофирмисанлар? — деб ғалаён кўтаришди.

Суюн бургутнинг жасадини олиб келган пўрим бойвачалар шундан кейингина сал паст тушиб, мурасага ўтишди. Қарияларнинг маслаҳати билан Суюн бургутни Маржонтовга, ўзи кўп йил ишлаган йилқи фермасининг ёнидаги кичик қабристонга дафн этадиган бўлишди. Шундан кейин қутини бузиб, ундан Суюн бургутнинг жасадини олишди, ювиб-тарашди, марҳум энаси ўз қўли билан тўқиб, тўйларида инъом этган улкан патгиламга ўрашди, сўнг жаноза ўқиб, Маржонтовга олиб кетишди. Бургутни ўзи яхши кўрган сой бўйидаги арчазорга дафн қилишди. Тумонат одам йиғилди, Суюн бургутни ерга бериб бўлгач, эски удум бўйича: «Халойиқ! Қандай одам эди Суюн бургут!» деб сўрашганда тоғу тошга сиғмай кетган эл жўр бўлиб: «Яхши одам эди, мард йигит эди, Суюн бургут!» деб ҳайқирди. Бу



хайқириқдан Маржонтов ҳам йиғлади-ёв, Маржонтов ҳам силкинди-ёв!..

Дафн маросимининг учинчи кунн элга қора ош берилди. Қора ошдан кейин қариндош-уруғлар ҳам тарқашди. Фақат Маржоной билан Бибисора момо катта ўтовда, уч-тўртта энг яқин аёллару Лочиннинг дўстлари қолди.

Лочин билан Ветеран бува холироқ жойга тикилган бошқа ўтовда туришар эди. Кеча Ветеран буванинг юраги яна ёмон бўлиб, уни ҳам шаҳар касалхонасига олиб кетишди. Бугун қора ошдан кейин, эл тарқагач, Салим қилтириқ билан Кумушбиби ҳам қайтадиган бўлишди. Улар Лочин билан хайр-хўш қилишгани киришганда у ўтовнинг тўрида, шифтдаги туйнукка тикилиб ётарди. Лочин уч кундан бери шу ҳолатда қимир этмай ётар, на саволларга жавоб берар, на гапирарди, гўё отаси ўлгандан кейин тилдан қолиб, гунг бўп қолган эди. Ҳатто отасини мазорга қўйиб қайтгач, энг яқин қариндошлари билан момоси ва энасидан кўнгил сўрагани кирганида ҳам на бўғзидан нидо чиқди, на кўзидан ёш! Ўтов тўла хотин-халаж, негадир ҳаммаси бирдан Лочинга қараб талпинишди. Лочинни бағирларига босганларича, Суюн бургутни йўқлай-йўқлай, уввос тортиб йиғлашди. Бибисора момо, қадди дол, куймаланиб келиб, неварасининг бўйнига осилди, бошини сараклаб, аланималарни айтиб, унсиз йиғлади. Лочин шунда ҳам ҳайкалдай қотиб тураверди, фақат энаси Маржонойни кўргандагина дош беролмади! У аввал энасини танимай қолди. Эғнида... этаги ер супурган узун кўйлак, бошида бир томонга оғиб қолган кўк рўмол, юзлари кўмирдай қорайиб кетган Маржоной дастлаб унга ёнғинда қолиб, барча шоҳу бутоқлари куйиб, сўппайиб турган ёлғиз арчани эслатди, назарида, бу ёнғиндан энасининг фақат кўзлари қолган, лекин бу кўзларда нам йўқ, улар худди қуриб қолган бутоққа ўхшарди... Уни айниқса энасининг сочлари ларзага солди. Энасининг ҳамиша қалдирғочнинг қанотидай ялтираб турадиган қоп-қора, майин, гўзал сочлари бир кечадаёқ қордай оппоқ оқарган эди! Лочин буни кўрдию бўғзида туриб қолган фарёдни тутолмади, момосининг бағридан отилиб чиқиб, энаси томон талпинди, унинг олдига тиз чўкиб, оёқларини қучоқлаб олди... Бу унинг сўнги фарёди, сўнги ожизлиги бўлди... Шундан бери тили соқов, қулоғи кар!

Мана, ҳозир ҳам у гўё энг қадрдон оғайниси Салим қилтириқ билан Кумушбибини кўрмагандай шифтдаги

туйнукдан кўзини узмай ётаверди. Салим қилтириқ билан Кумуш бирпас унга жимгина тикилиб ўтиришди.

— Лочин, — деди Салим. — Биз хайрлашгани келдик...

Лочин қимир этмади. Кумушбиби бирдан овози дарз кетиб:

— Лочин, — деди ёлвориб. — Бунақа қилмагини-да, Лочин! Ҳамманинг бошида бор бу ўлим. Ҳеч ким... Ҳеч ким устун бўлган эмас бу дунёга! Ҳаммамиз кетамиз бир кун! — деди у файласуфона, дедию гапини тугатолмай ҳиқиллаб қолди. Лочин лом-мим демай тескари ўгирилди-да:

— Раҳмат! Йўлдан қолманглар. Бораверинглар! — деди аллақандай совуқ, бўғиқ овозда. — Мен... мен сенлардан розиман. Сенлар ҳам рози бўлинглар.

Салим қилтириқ бирдан ҳушёр тортиб:

— Лочин! — деб хитоб қилди. — Сенга нима бўлди? Нима деяпсан, Лочин?

Лочин бетоқат қўл силтади:

— Айтяпман-ку, сенларга рухсат деб, раҳмат деб...

Кумушбиби рўмолининг учини оғзига босиб, югурганича ўтовдан чиқди. Салим қилтириқ бир нарса демоқчи бўлиб, бир-икки тамшанди-ю, гапиролмади, орқасига қарай-қарай Кумушнинг кетидан чиқди.

Улар чиқиши билан олам сукутга чўмди, гўё атрофда тирик бир жон йўқдай ҳаммаёқ жимжит. Йўқ, ана, бу сукутни бузиб, нимадир патиллади. Движок! Утовда чироқ ёнди, ёниши билан нариги ўтов томонда болачаларнинг хуррам қийқирини янгради. Қаердадир от киши-нади, ит акиллади.

Лочин ўрнидан турди. Утов тирқишидан ташқарига қаради. Қоронғи тушипти. Қўшни ўтов ҳам жимжит... Фақат ўтов орқасидаги ўчоқларда олов ёняпти, аллақандай аёллар гимирлашиб юришипти. Улар орасида Олтинойни танигандай бўлди. Чамаси, аёллар овқат пиширишяпти... Лочин негадир оёқ учида юриб жойига қайтди. Ёстиғи остидан қалин дафтар, чўнтагидан қалам олиб, хонтахтага қўйди, бироқ, ўйлаган нарсасини ёзиш ўрнига яна туйнукка тикилди. Туйнукда илк юлдузлар, йўқ, янги туғилган қўзичоқлардай маъсум, беғубор ногирон юлдузчалар милтирарди. Лочиннинг назарида, бу ногирон юлдузлар уни чорлаётгандай, ўз ёнларига чақираётгандай туюлди...

Лочин қўлига қалам олди.

«Энажон! Энажонгинам!

Гуноҳқор ўғлингизни кечиринг. Шу кеча мен сизга айтмасдан олис йўлга отландим. Адолат қидиргани сафарга чиқдим. Бу йўл жуда узоқ бўлади. Балки бир неча йиллар, балки ўн йиллар кетар адолатни тиклаб, отамнинг номини оқлашимга. Чунки мен ўз юртим у ёқда турсин, Москов ҳам ҳақиқат қилишига ишонмай қолдим. Эндиликда, мен керак бўлса, Миллатлар Ташкилотига-ча бораман (эътибор беринг, энажон: «ёзаман» деяганим йўқ, «бораман» деяман!), Қандай қилиб, дерсиз? Йўлини топаман. Хорижга чиқадиган кемаларга матросликка ёлланиб бўлсада океанлардан қайиқда сузиб ўтсам-да, йўл топаман! Демокриманки, бошимга не савдолар тушмасин, отамнинг номини оқлайман, унинг ҳалол инсон эканини исботламай, адолатни тикламай қайтмайман. Унгача сиз сабр-тоқат билан кутинг ўғлингизни! Эсингиздами, энажон, бир кун и адабиёт дарсида сиз рус шоири Симоновнинг «Мени кутгил ва мен қайтарман» деган шеърини ўқиб бергандингиз. Бу шеърда урушда юрган солдат ўз ёрига мурожаат қилиб айтдики, «мободо мен дом-дараксиз кетсам, ҳатто эринг ўлди, деган қора хат олсанг ҳам — бунга ишонма! Бутун эл, ҳатто туққан онам инонса ҳам, сен инонма бу гапларга, мен тириқ қайтаман, албатта қайтаман», дейди ўша солдат. Шеър бизга жуда ёққан эди. Бироқ сиз ўшанда айтган эдингиз: бу гўзал шеърдаги ўлди, деган гапга бутун эл, ҳатто онам инонса ҳам, сен, яъни севгилим, инонма, деган сатрлари унча тўғри эмас, чунки, урушда юрган, эр йигит ўлипти, деган гапга ҳамма, ҳатто солдатнинг севиқли ёри инонса ҳам, она инонмайди, шоир шу ерда жиндақ хато қилган, дегандингиз?.. Қиссадан ҳисса шуки, сизга ҳам «ўғлингиз Лочин оламдан ўтипти», дейишса — инонманг, зинҳор-базинҳор инонманг, энажон! Модомики юртимизда ҳақиқат йўқ экан, мен уни бошқа жойлардан қидираман, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига-ча бораман, аммо адолатни топмай қайтмайман. Сиз эса... биламан! Нонсоф эмасман, биламан: сизга қийин бўлади, энажон. Жуда қийин бўлади — ҳаммасига кўзим етиб турибди! Аммо бундан бошқа йўлим қолмаса нима қилай? Ўзингиз айта қолинг: нима қилай, энажон?»

Лочин дафтар-қаламини шоша-пиша ёстиғи тагига яшириб, қулоғини динг қилди. Яқин жойда итлар повиллади, сўнг енгил шарпа эшитилди. Сал ўтмай, қўлида патнис, Олтиной кирди.

Гўё Лочин билан аллақачон қовушгандай, гўё бу

онлага келин бўлиб тушгандай, гўё қайнотасига мотам тутаётгандай кўк кўйлак кийиб, бошига кўк доқа рўмол ташлаб опти. Бу либос унинг чеҳрасига юракни жинг эттирувчи маъсум бир маъюслик бахш этибди. Узиям, тўлин ойдай юмалоқ юзи хиёл чўзилиб, катта-катта кўзлари бўталоқнинг кўзларидай мўлтираб қопти!

Қиз, қўлида баркаш, бир-икки қадам юрди-ю, чалқанча ётиб олган Лочинга бир дақиқа термулиб турди. Ундан садо чиқмагач, «қулт» этиб ютинди-да, яна қушдай енгил одимлаб, орқасига тисарилди. Шунда Лочиннинг аллақачон яхлаб, бир парча музга айланган юраги ногаҳон «шиғ» этди, қайнаб келган меҳрдан кўнгли ийиб:

— Олтин... Олтиной! — деб чақирди. Олтиной қайрилиб қаради, қуралай кўзлари умид билан, болаларча килинж билан мўлтиради.

— Олтиной... Илойим, бахтли бўл..

Олтинойнинг жовдираб турган кўзларидаги умид, ҳадик ва қўрқув билан алмашди.

— Сиз, нима... нималар деяпсиз, Лочин ака! — деб сўради тўсатдан ўпкаси тўлиб.

Лочин чайналди.

— Ҳа, шу. Сен яхши қизсан деяпман, Олтиной! Дунёда энг сулув қизсан, Олтиной! Бахтли бўл, бахтли бўласан деяпман...

Олтинойнинг қўлидаги баркаш ерга тўшиб, даранглаб кетди.

— Қўйинг бунақа деманг, Лочин ака! Илтимос, қўрқитманг одамни! — Олтиной лаблари пир-пир учганича, ташқарига отилди.

Лочин қизга айтган гапларидан пушаймон бўлиб, унинг бу гапи ҳам, боя Салимларга «мен розиман, сенлар ҳам рози бўлинглар», деган сўзлари ҳам, уларнинг кўнглида хавотир уйғотиши мумкин-ку, дея ўзини койиб узоқ ётди.

Назарида Олтиной ўтов тирқишидан:

«Йўқ, Лочин ака! — деб шивирлагандек бўлди. — Сиздан бошқа ҳеч кимни демайман. Сизсиз бу ёруғ дунё қорини мен учун! Сизсиз дўзах у, мен учун! Бир ёққа кетмоқчи бўлсангиз бирга олиб кетинг, акажон!»

«Бунинг сира иложи йўқ, Олтиной. Менинг манзилим узоқ, йўлим хатарли, Олтиним!»

«Майли, бошга тушганни кўз кўрар, Лочин ака! Фақат ташлаб кетманг. Ташлаб кетсангиз, дунёда энг бахтиқаро қиз мен бўламан. Ундан кўра ўлдириб кетинг, мени! Ўлдириб кетинг!»

Лочин сапчиб турди. Чамаси, кўзи илинган экан.

Яна ҳаммаёқ жимжит, сокин. Ўтов шифтидаги чироқ ҳамон чарақлаб турибди. Афтидан вақт тун ярмига яқинлашган шекилли, дарахтлар нотинч гувиллаяпти! Лочин чироқни ўчирмоқчи бўлди-ю, ўчирмади: ўчирса нариги ўтовдагилар хавотирга тушиб, хабар олгани келишлари мумкин. Лочин ниманидир эслаб-эслай олмай пешонасини ишқади: **Ҳа, хат!**

Хат ёстиқ тагида эди! Йўқлаб келишса кўриб қолиб, оламни бошларига кўтаришлари мумкин! Лочин хатни ёстиқ остидан олиб, кигиз тагига яширди-да зимистон қоронғуликка шўнғиди.

Шамол кучайган, ўтов теварагидаги дахатлар нимадан дир зорланиб, нола чекиб увиллар, осмондаги булутлар худди қашқирдан ҳурккан қўй галасидай, шитоб билан жануб томон шошилар, осмоннинг очиқ жойларндаги юлдузлар гўё ҳовучлаб сочилган тилла тангачалардай ярқираб эди.

Шундоқ рўпарада, қоронғида қовоқ солиб турган Маржонтов устида уч кунлик беҳолгина ҳилол элас-элас кўзга чалинарди.

Маржонтовга кўзи тушиши билан хонадонлари бошига қора кун тушган оқшом отаси билан энаси бўзлаб айтган ўлан ёдига келди:

Маржонтов, Маржонтов,  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов!  
Оғир кунда таянчим,  
Қора тунда суянчим!  
Ёв келди-ку, қошинга!  
Фарзандларинг бошига  
Иш тушди-ку, Маржонтов.  
Уғлонларинг ошига  
Оғу тушди, Маржонтов.  
Нечун сукут сақлайсан?  
Қалдирғочинг қалдираб,  
Ғанимларни қувмайсан?  
Айланайин, Маржонтов,  
Ургилайин, Маржонтов!..

Йўқ, Маржонтов ҳам, боболарга мадад берган, ёв келганда қалқон бўлган Маржонтов ҳам бугун гунг, сассенз, соқов!

Лочин кўзи қоронғуликка ўргангунча ўтов ёнида

турди, кейин, атрофига қарай-қарай бир-бир босиб, қабристон томон йўналди. Лекин қанча эҳтиёт бўлмасин, қўрадаги сезгир итлар акиллай бошлади. Лочин қоронғуда туртиниб-суртиниб, қалин арчазор орасида тимирскиланиб бораркан, итлардан бир-иккитаси орқасидан қувиб келишди, уни таниб, думларини ликиллатиб, оёқларига сурканишди. Лочин «қайт-қайт» дея секин койиб, уларни аранг орқага қайтарди-да, йўлида давом этди.

Ана, қабристон ҳам кўзга чалинди. Қабристондан узоғи билан икки юз-икки юз эллик қадам нарида одамлар «Шайтон дара» деб ном қўйган тубсиз дара! Қаърида не-не сирли ҳангомалар, не-не мудҳиш фожиаларни асраган бу зимистон даранинг тубида бир дарё суя оқади! Утовдай-ўтовдай тошларга, чўнг қояларга урилиб, улоққа тушган тулпордай оқ кўпикка чўмиб, қутурган шердай наъра тортиб оқади. Дунё дунё бўлти-ки, унга йиқилган на от, на одам, на йиртқич ҳайвон топилган! Ҳаммаси изсиз, ном-нишонсиз йўқолган, йўқолаверган! Ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч нарсани топган эмас бу ёвуз дарадан! Аммо қариндошини йўқотган одам қариндошидан, молини йўқотган молидан умидини узган эмас! Унинг, Лочиннинг умиди ҳам шунда! Ҳаммаси «Мени кутгил ва мен қайтарман!» деган анов машҳур шеърдагидай бўлади.

Лочин уч кеча-кундуз ухламай, ахир пировардида шу йўлни топди. Бу дунёдан кетса ҳам энасининг юрагида умид шамини ёқиб кетяпти! Дунёда фарзандини йўқотган ҳамма эналардай, Лочиннинг энаси ҳам уни кутади, токи қариб, бу бевафо, норасо дунёдан кўз юмгунча ўғлидан умидини узмай кутади, кутаверади. Энаси учун ўйлаб топган биттаю битта тасалли шу! Бошқа йўл бўлмаса, на чора?

Мана, бор-йўғи беш-олти қабрдан иборат кичик гўристон! Отасининг қабри энг юқорида, тарвақайлаб ўсган иккита кекса арча ўртасида. Маржонийнинг тилағи билан ёнида унга ҳам жой қолдиришган. Лочин тепасига улкан ҳарсангтош қўйилган отасининг гўри ёнига чўккалади, чўккалар экан, тиловат қилишни билмаслигини эслаб, яна ўзидан ранжиди.

«Отажон! Малъун бўҳтончилар сабаб, азиз бошингиз устида қора булутлар айлана бошлаганида айтган васиятингиз ҳамон ёдимда. «Уғлим! Сени худога топширдим, энангни сенга!» дегандингиз ўшанда. Уйламангки, инонган ўғлим сўнгги илтижомни ҳам бажо келтирмади деб! Аммо... гуноҳкор фарзандингизни афв этинг,

отажон! Бошқа чорам қолмади! Сизга қилинган бу адолатсизлик, бу ҳақорат ва хўрликлардан кейин мен учун ҳаром бу дунё! Афв этинг, отажон! Ахир сиз дош беролмаган бу таҳқир, бу ноҳақликларга мен қандай дош берай, отажон?...»

Лочин қабр тошини силаб, гўё отасининг пешонасидан ўпаётгандай, уни қайта-қайта ўпди-да, ғип бўғилиб, ўрнидан турди. Қўра тарафда яна итлар ҳура бошладди: шошмоқ керак!

Лочин олдидаги қалин арчазорга шўнғиди, кафтлари, юз-кўзларига минг тикон бўлиб қадалган игнали шохларнинг оғриғини ҳам сезмай, юқорига, «Шайтон дара»га қараб ўрлаб кетди... Орқада, қўрғон томонда, ҳамон итлар ҳурарди. Бир-икки жойда чироқ милтирарди.

Лочин қадамини тезлатди. Ишқилиб, дарага етиб олса бас! У ёғи, худо мадад берса... бир оний иш!..

Орқада итлар тобора қаттиқроқ ҳурар, қандайдир овозлар элас-элас қулоққа чалинарди. Мана, хайрият, Лочин ўзига «Адолат манзили» деб ном қўйган «Шайтон дара»га ҳам етиб келди, келди-ю, ёвуз даранинг совуқ нафасидан сесканиб, жар ёқасида тўхтади. Дара, тўғрироғи, унинг кўз илғамас, тубсиз, зимистон қаъридаги асов дарё гўё уни ўз бағрига чорлаётгандай аллақандай сирли шовуллаб, кишини ўзига ром қилувчи мафтункор садо тарқатиб, бетиним гувиллар эди!

Лочин бир силтаниб танасини қўйлагидан жудо қилди, тугмаларини дўланадай дув тўкиб, шимидан ҳам апил-тапил озод бўлди, қоронғида тимирскиланиб катта бир тош топди-да, уларни боғлаб, қулочкашлаб дарага отди.

Мана, онадан туғилгандай бўлди-қўйди. Энди бир сакраса бас — юрагини тилка-тилка қилаётган бу андуҳ, бу ноҳақ, норасо дунёнинг барча азоб-уқубатларидан қутилади-қўяди!

Тўсатдан, улкан бир қора соя Лочиннинг ёнгинасидан ғизиллаб ўтди-да, шитоб билан орқасига бурилиб, оёқларига урилди.

Қоллон! Ажаб ҳол! Марҳум бобосининг садоқатли қари бўрибосари! Аллақачон юролмай қолган, умрининг сўнги дақиқаларини кечираётган бу қари ит уни қандай қувиб етди? Қандай топиб келди? Ниманинг аломати бу? Е қоллон эмас, Лочинга дўмбира чалишни ўргатиб, улоқларга опичлаб юрган севимли бобосининг беҳоловат руҳини, безовта арвоҳини бу?

Шу пайт арчаларни гувиллаб эсаётган довул орасидан аёл кишининг:

— Ло-чи-ин! Жон ўғ-лим! — деган чинқириғи қулоққа чалинди. Унга: «Ака-жон? Акажоним-эй» деган яна бир фарёд кўшилди. Энаси! Энаси билан Олтиной!

— Кетсанг... энангни кўмиб кет, жон болам! Аввал ўз кўлинг билан гўримга кўмиб кет!..

«Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!..»

«Кечиринг, энажон! Аммо ўғлингиз бу золим дунёда туролмайди! Суйган отасини хор қилган, ундай ҳалол, мард, танги инсонлар оёқ ости бўлиб, Мансур мешдай қора қузғунлар даври-даврон сурган бу дунё, бу юрт ўғлингизга ҳаром энажон. Кечиринг!»

Қоплон гўё Лочиннинг шафқатсиз ниятини сезаётгандай, оёқлари остида ҳамон чарх урар, «Қайт бу мақсадиндан, қайт!» дегандек зорли ғингшир, одам боласидай ялиниб, ёлворар эди.

Лочин, худди қишда дарёга шўнғишга чоғланган одамдай, бир жунжикди-ю, ўзини зимистон ўпқонга отди.

Қоплон аянчли акиллаганича жар бўйида қолди. Оvloқдан, жуда овloқдан, осмон қаъридан итнинг овозидан ҳам зорлироқ юракни зир титратувчи сас келди:

«Болам-ов! Бўтам-ов!..»

Тўхта! Нима қилиб қўйдинг, аҳмоқ? Туққан онангни бўзлатиб нега бу қабиҳ ишга жазм этдинг?! Тўхта! Наҳот тўхтаб бўлмаса энди? Наҳот қўлга илинадиган ҳеч нарса бўлмаса бу ўпқонда? Ахир... шайтонлар макон қурган бу дара четларида ўсган дарахтлар қайда? Епирай, қачон тугайди бу дара, бу азоб, бу даҳшат? Ё... боболар айтган бу бебақо дунёдан анов гўзал боқий дунёга ўтдимми у? Утиб, қуш бўлиб учиб юрибдимми?

Лочин оғриқни ҳам ҳис этмади.

Ногаҳон тоғлар қарсиллаб ёрилдию мисли кўрилмаган бир машъал ярқ этиб ёнди, у бутун атрофни, суюкли Маржонтовнинг олпоқ чўққисини, наинки Маржонтов, бутун оламини чароғон қилиб ёритди, ёритди-ю, шу заҳоти сўнди-қолди.

*Тошкент. 1988 — 1991 йиллар.*



# МУҚАДДАС



*«Муқаддас» қиссаси олтмишинчи йиллар ёшларининг севимли асарларидан бири эди. Қисса — муҳаббат ҳақида, тўғрироғи, фожеий севги ҳақида. Чин муҳаббат, поклик ва ҳалолликнинг рамзи. Қисса қаҳрамони Шарифжон севгилиси Муқаддасга эришиш орзусида худбинликка йул қўяди ва... суюклисидан айрилади. Чунки худбинлик ва ноҳалоллик ҳукм сурган жойда муҳаббат сўнади, ҳатто ўлади. Шу боисдан «Муқаддас» қиссаси бугунги кун учун ҳам, эҳтимол келажак учун ҳам ибратли бўлиб қолаберади.*

\* \* \*

Бу воқеаларга бир қиз сабаб бўлди. Қизнинг исми Муқаддас эди... Мен у билан биринчи марта институтда, кириш имтиҳонлари бўйича химиядан ўтказилаётган сўнги консультация пайтида танишдим, йўқ, танишдим десам нотўғри бўларди, шунчаки икки оғизгина гаплашиш бахтига муяссар бўлдим...

Уша воқеадан бир кун олдин мен заводдан отпускага чиққандим. Отпускам имтиҳон пайтига тўғри келишини билган ойим билан ўгай отам: «Институтга имтиҳон топшириб кўр, кира олсанг, яхши, кира олмасанг сендан нима кетади?» деб анчадан бери қистаб юришарди. Мен имтиҳон топшириб толеимни синаб кўришга қарши бўлмасам ҳам: «Бу гап заводдаги дўстларимнинг қулоғига чалинса: «Бир йил ишламасдан туёғини шиқиллатиб қолди-я деб кулишмасмикин?» деган андишаларга бориб, иккиланиб юрардим. Уша куни нонушта вақтида бу гап яна қўзғалди-ю, розилик бермай пложим қолмади. Лекин қизик: шу ишга ўзим розилик берган бўлсам ҳам, уйдан чиққанимдан кейин: «Ишдан қочди, деган гапга қолмасмиканман?» деган ўйлар яна эсимга тушиб, кўнглимни ғаш қилди, шунинг учун ҳам қабул комиссиясига кирмасдан, аввал, бу ёғини ҳам бир кўриб

қўяй, деган фикр билан консультация ўтказилаётган аудиторияга кирдим.

Мен кирганда деразалари ҳовлига қараган узун, ярим қоронғи аудитория қиз-йигитларга лик тўлган эди. Қоп-қора ялтироқ сочларини силлиқ қилиб тараб олган ўрта бўйли ёшгина домла қўлидаги бўр билан доскани тақ-тақ уриб, уни тушуниш мушукул бўлган мураккаб формулаларга тўлдирмоқда эди.

Бахтимга эшикдан кирган жойда, ярим очиқ турган катта деразанинг тагида ўриндиғи ўпирилиб тушган бўш стул, унинг ёнида кимдир туртиб қулатиб кетган узун пачоқ скамейка ётарди.

Мен домла кўриб қолмасин учун тез бориб скамейкани турғизиб қўйдим-да, четига ўтира қолдим.

Аудитория дим, иссиқ ва аллақандай ёқимсиз тер ҳидига тўла эди. Домланинг «цинкум», «водород», «валентлик», «сульфат кислотаси» каби кимёвий терминларга тўлиб-тошган лекцияси қулоққа кирмас, бир меъёрдаги гаплардан мудроқ босарди кишини. Атрофимдаги қиз-йигитларнинг қисилган кўзларидан улар ҳам домланинг лекциясига зор бўлганларидан эмас, балки имтиҳон олдидан кўнгилларини тинчитиш учунгина келиб ўтирганларини пайқадим. Бироқ кириб қолгандан кейин дарров индамай чиқиб кетиш одобдан бўлмайдди, деган андишага бориб, мен ҳам ўтириб қолдим.

Лекцияга бир нафас қулоқ солиб ўтирдим, сўнгра гап оддий кимёвий реакциялар устида кетаётганини тушундим-да, ундан баттар зеркиб, деразадан ташқарига қарай бошладим.

Деразадан кенг, чор бурчак ҳовлининг фақат бир чети, фонтани бор катта цемент ҳовуз билан унинг атрофидаги гулзор ва уч-тўрт туп кекса сада кўринарди. Ҳовузда баданлари қуёшда чўяндек қорайиб кетган бир тўда болалар чўмилишарди. Саданинг тепасига чиқиб олган бир бола уларга тош отар, пастдагилар эса унга сув сепишар, лекин сепган сувлари етмагани учун сададаги бола кулар, пастдагилари эса ғазабланар, тош қидирардилар.

Бу манзарага жуда қизиқиб кетган эканман, тўсатдан: «Мумкинми озгина сурилсангиз?» деган овозни эшитиб ҳушимга келдим. Овоз шундай майин ва ёқимли эдики, гўё юзимга тоғ шабадаси теккандек, тез бурилиб қарадим.

Ёнгинамда оқ шойи кўйлак кийган ўн етти-ўн саккиз

ёшлар чамасидаги қиз турарди. У кечикиб келганимни домла кўриб ранжимасин деб қўрқаётган бўлса керак, катта-катта қора кўзларини домладан узмасдан, қаддини сал букиб турар, ўзи ҳам шошиб, югуриб келган бўлса керак, икки ўрим майин, қўнғир сочларининг учлари ечилиб, кўйлагининг этагини бутун қоплаб олганди.

Бундай қизни биринчи кўришим эди. Унинг чеҳрасида, ҳатто бутун қиёфасида ҳали гард юқмаган ёшлик ва беғубор қизлик иффати барқ уриб турардики, ўзимни йўқотиб қўйиб, унга жой беришни ҳам унутибман.

Қиз кўзларини домладан узиб менга қаради ва қошларини сал чимириб ўпкалангансимон:

— Озгина сурилиш шунча қийинми? — деди секин.

Шундагина ўзимга келдим, ёнимга ўтирмоқчи эканини тушуниб, шоша-пиша сурилиб ёнимдан жой бердим.

Қиз ўтирди. Юрагим нимагадир дук-дук урар, нафасим бўғиларди. Бир лаҳза шу аҳволда унга қарашга журъат этолмай иккиланиб ўтирдим, кейин секин кўз қиримни ташладим.

Қиз кўзларини дам домлага, дам олдидаги дафтарига тикиб, доскадаги формулаларни кўчирмоқда, ўзича пичирлаб, нималарнидир такрорламоқда эди.

Мен ён томондан унинг узун киприklarининг пир-пирашини, нимагадир чимирилган бахмалдек қоп-қора қошларини кўрдим-у, юрагим яна гуп-гуп уриб, кўзларимни олиб қочдим. Назаримда ҳамма бизга тикилиб қараётганга ўхшарди. Тўсатдан қиз мен томонга энгашиб:

— Кечирасиз, домла ўчириб қўйдилар, мана бу формуланинг ёзилиши тўғрими? — деб сўради секин.

Мен ҳам унга томон энгашарканман, пешонамга майин соч толаларининг тегаётганини сездим, лекин кўзларимга ҳеч нарса кўринмас эди.

— Тўғри, — дедим шошиб.

— Қизиқ. Нимага бўлмаса буёғи чатоқ чиқяпти?

Мен зўр куч билан ҳушимни тўплаб, дафтарини олдимга тортдим-да, ҳарфлар ва рақамлардан тизилган узун, мураккаб формулага тикилдим.

Шу топда мен шундай бир аҳволда эдимки, бу формуланинг хатосини топиш у ёқда турсин, миямга ҳеч бир фикр келмасди, лекин... (бу ҳам бир бахтдир-да!) тўсатдан гўё миямда бир нур «ярқ» этиб, қизнинг «ва-

лентлик» билан «атом» тушунчаларини чалкаштириб юборганини сезиб қолдим.

— Қачондан бери водород икки валентли бўлиб қолди? — дедим мен унга қараб. — Кислородни тўрт валентли қилиб қўйибсиз-ку.

— Мен атомлар сонини кўрсатган эдим, — деди қиз ва мени гапиршига ҳам қўймасдан бошини тез-тез силкитиб кулди.

— Ҳа, ҳа, тушундим, тушундим!..

Сўнгра дафтарини олдига тортиб формулани қайта ёзди-да, аллақандай порлаб турган миннатдор кўзлари билан менга бир қараб қўйди.

— Раҳмат сизга! — деди у ва секин кулди: — чарчасунақа бўлар экан..

Ёшликда муҳаббат нималигини ҳали яхши англаб етмаган, лекин кўнгил севгини қўмсай бошлаган бир даврда шунақа пайтлар бўлар эканки, бундай чоғларда чиройлигина эмас, истараси иссиқ қиз бўлса ҳам бир жилмайиб боқишидан, бир оғиз илиқ сўзиданоқ маст бўлиб қолар экан киши.

Мен ҳам у маҳалда шундай даврни бошимдан кечираётганим учун бўлса керак, юлдузи иссиқ бу қизнинг ширин муомаласи жуда эритиб юборди.

Чиндан ҳам маст эдим. Қулоқларим тагида гўё унинг майин овози қайта-қайта такрорланар, «Раҳмат сизга» деган сўзлари руҳимни эркаларди.

Консултация тамом бўлди. Аудиториядаги қиз-йигитлар шов-шув билан эшикка томон ёпирилди. Мен дафтар-китобларини йиғиштирдим-у, нимагадир чиқиб кетолмасдан тўхтадим. Мен қизни кутардим. Лекин фақат шунинг учун тўхтаб қолганимни ҳали ўзим ҳам сезмас эдим. Шу маҳал тўсатдан биз томон жилмайиб келаётган силлиқ сочли ёш домлани кўриб қолдим. Даставвал мен унинг нимага илжаяётганини фаҳмлай олмасдан ҳайрон бўлдим, лекин кўзим қизга тушди-ю, дарҳол тушундим: домла қизга қараб жилмайиб келар, қиз эса нима учундир, гоҳ дафтар-китобларини тахлар, гоҳ яна столга ташлар, қулоқлари ловиллаб ёнар, ҳаяжонланаётгани чехрасида акс этиб турарди.

Хаёлимга: «Нега бундай ҳаяжонланади?» деган фикр келди, ўзимни болалар орасига уриб, ташқарига чиқаётганларга қўшилиб кетдим, лекин эшикка яқинлашгач, беихтиёр тўхтадим. Ўз ихтиёримдан кучлироқ бир нарса мени тўхташга мажбур этди. Шу пайт домланинг «Салом Муқаддасхон!» деган мулоим овозини, сўнгра

қизнинг секингина: «Салом!» деб жавоб берганини эшитиб, бурилиб қарадим. Улар бояги жойда ёнма-ён туришарди. Қиз кўзларини ерга тикиб, столда ётган дафтарларини дам очиб, дам ёпар, йигит эса унинг юзига, уялганидан бўлса керак, сал чимирилган майин қошларига термелиб қолган эди. Унинг қизга бундай тикилиб туриши негадир ғашимни келтирарди. Лекин нега?

— Бугун кечикдингиз? — деди домла кулимсираб.

Қиз индамади, фақат бошини силкитиб тасдиқлаб қўя қолди.

— Ҳамма саволларга тушундингизми?

— Ҳа, — деди Муқаддас.

— Агар тушунмаган саволларингиз бўлса...

— Йўқ, ҳаммасига тушундим! — деди қиз ва бирдан дафтар-китобларини тез йиғиштириб, домланинг ёнидан ўтди-да, эшикка қараб юрди.

Мен унга йўл бериш учун тисарилаётиб кўзим яна домлага тушди. У бошини сал эгиб, Муқаддасга ер тагидан тикилиб қолган, қизнинг жавоби уни саросимага тушириб қўйгани кўриниб турарди.

Йўлакка чиққанимда, Муқаддас унинг охирига етиб зинапоядан пастга туша бошлаган эди. Мен жадалладим ва йўлакда у ёқдан бу ёққа юрган қиз-йигитларни туртиб-суртиб, Муқаддас билан кетма-кет кўчага чиқдим. Муқаддас ўнг қўлга бурилган ва эндигина бешолти қадам юрган эди. Мен ҳам у бурилган томонга бурилдим. Яна худди боягидек ўз ихтиёримдан устун бўлган бир куч мени унинг кетидан юришга мажбур қилди. Лекин унга яқинлашишга журъат этолмас эдим. Мен унинг ўримлари ечилиб, қўйлагининг этагини қоплаб олган ва гоҳ ўнгга, гоҳ чапга тўлғанаётган қўнғир сочларидан кўзларимни узолмасдан борарканман, Муқаддаснинг тўсатдан ўгирилиб қарашидан ҳадиксирардим, назаримда ўгирилиб қараса, менинг нима учун эргашиб келаётганимни пайқаб қоладигандек туюларди.

Муқаддас муюлишга етганда рўпарадан тўладан келган; ўнг қошининг четида катта қора холи бор бир қиз чиқдию, иккиси тўхтаб гаплаша бошлади. Мен ҳам тўхтадим. Нима қилишимни билмаганимдан, худди осмонда бир нарса бордек, кўкка тикила бошладим. Бахтимга сал ўтмасдан иккови ажрашди. Муқаддас муюлишдан ўнг томонга бурилиб кетди, қиз эса менга қараб юрди. У ерга тикилганича ёнимдан тез юриб ўтаркан, ўзича нимагадир илжайиб қўйди. «Нимага кулимсиради? Наҳотки сезиб қолган бўлса?»

Муқаддас бурилган кўчада, муюлишдан юз эллик — икки юз қадам нарида, институтнинг қизлар ётоғи бор эди. Мен бу ётоқxonани яхши билардим, чунки ўтган йили ҳам институтга имтиҳон топшириб юрганымда Муқаддасга ўхшаган бир қизни яхши кўриб қолган эдим, у қиз ҳам шу ётоқда турарди. Мен ҳар куни эрта-лаб уни бир кўриш умидида ётоқxonанинг ёнига бир келиб кетардим. Кўчанинг нариги юзидан ётоқxonанинг деразаларига тикилиб ўтарканман, биров кўрса бу ерда нима қилиб юрганимни сезиб қоладигандай, юрагим пўкиллаб турарди. Кейин у қиз институтга кирди, мен эсам киролмай қолдим-у, аста-секин эсимдан чиқариб юбордим... Наҳотки Муқаддас ҳам шу ётоқxонада турса?

Муқаддас тўхтади. Ётоқxonанинг олдида турган қизлар тўпига қўшилиб бир зум кўринмай қолди, сўнгра унинг хипча келишган қомати зинапоя устида бир кўринди-ю, яна ғойиб бўлди. Икки ўрим узун қўнғир сочларининг сўнги марта нафис тўлғанганини кўриб қолдим.

Муқаддас ётоқxонага кириб кетиши билан мен ҳам хушимга келдим. Унинг менга кулиб қараган қоп-қора маъсум кўзлари эсимга тушиб, «Раҳмат сизга!» деган мулойим овози қулоқларим остида қайта жаранглагандек туюлди-ю, аъзойи баданимдан иссиқ чиқиб кетди...

Орқамга қайтдим. Муюлишга етганимда тўсатдан хужжатларимни ҳали топширмаганим эсимга тушиб қолди... Секин юриб институт рўпарасидаги дарахтзор майдонга бордим. Шоҳлари бир-бирига чирмашиб кетган садалар, нозик акациялар, уларни қучоқлаб, бошларини силаб турган қудратли эманларнинг соясидаги қатор скамейкаларнинг ҳаммасини қиз-йигитлар эгаллаб олган. Ҳаммасининг қўлида китоб. Лекин менга шундай туюлдики, худди улар бу ерга дарс тайёрлаш учун эмас, чақчақлашиб ўтириш учун келганлар. Узун хиёбоннинг ўртасига борганимда, чап томондаги скамейкаларнинг бирида ўтирган иккита қиз билан ингичка мўйлов қўйган бир йигитча ўринларидан турдилар. Йигитча дарҳол иккита қизнинг ўртасига кириб уларни қўлтиқлаб олди, бир нимани айтиб уларни кулдирди ва учови хохолашиб, институтга қараб кетдилар. Уларнинг ўрнига ўтирарканман, «Наҳотки шулар кирганда мен киролмасам?» деган фикр кўнглимдан ўтди ва негадир яна Муқаддас эсимга тушиб кетди... Эрта-индин мана шунақа олифталардан биттаси шу хиёбонларда уни ҳам қўлтиқлаб юрмасмикин? Ё мен бу олифтадан кам-



манми? Нимага бу ўқиганда мен ўқимас эканман? Уқишга киришнинг нима айби бор? Ҳеч айби йўқ!»

Фақат бунинг цех бошлиғимиз Сулаймон акага бир оғиз айтиб қўйиш керак эди. Лекин шуниси борки, айтсанг яна гап чўзилиб кетади...

Тўсатдан хаёлимда ғалати бир фикр чақнади: «Ҳужжатларимни топширавераман. Лекин... агар ўша қиз билан бирга ўқишимга кўзим етса имтиҳон топшириб ўқишга киришга ҳаракат қиламан, бўлмаса — ҳужжатларимни қайтиб оламан!..»

Бу фикр ўзимга шундай маъқул тушдики, бояги иккиланишларнинг ҳаммасини бир зумда ҳал қилиб, кўнглимни чарақлатиб юборди.

Эҳтимол менинг бу гапларим жуда ғалати туюлар, эҳтимол менинг бундай қарорга келишимга бошқа кўп нарсалар сабаб бўлгандир, лекин ўша кунни худди шу гапларни хаёлимдан ўтказганим ва бу ўйлар кўнглимдаги ғулғулани босиб, менга тасалли бергани сира-сира эсимдан чиқмайди.

\* \* \*

Шундан кейин уч-тўрт кунгача Муқаддасни кўролмадим. Лекин у ширин бир туш каби сира хаёлимдан кўтарилмас эди. Кечқурунлари китобдан чарчаб, уйқум келмасдан юлдузларга тикилиб ётган чоғларимда, доим уни эслардим. Консультация кунини энгашганим савол берганида пешонамга теккан майини соч толалари, мулойим табассуми кўз олдимида бир зум гавдаланар, қулоқларимга «Раҳмат сизга» деган майини овози эшитилиб кетарди-ю, тотли ва ҳароратли бир туйғу қалбимни тўлдирарди... Шу алфозда икки кун ўтди, учинчи кунини биринчи имтиҳон эди... Менинг келажаким, ўқиш ё ўқимаслигим шу имтиҳонга, тўғрироғи, ўша ажойиб қизни учратиш-учратмаслигимга боғлиқ эди. Шундай деб ўйлаганим учун бўлса керак, ўша кунни жуда эрта турдим. Ойим дамлаб қўйган чойни наридан-бери ичдимда, йўлга тушдим. Ойим кетимдан кўчага чиқди. Индамасам институтгача борадиган. Қаттиқ койиб бердим.

Институтда одамнинг кўплигидан эшикка яқинлашиб бўлмас эди. Мен ўтган йилиёқ имтиҳон пайтида, ўқишга сира алоқаси бўлмаган одамларнинг ҳам институт остонасида санқиб юришини кўп кўрган эдим, лекин назаримда бу йил одам ўтган йилгидан ҳам кўп эди. Бир минутга уларнинг ҳаммаси кўзимга меҳнатдан қо-

чиб юрган эркатойларга ўхшаб кўринди-ю, газабим кўзгади, лекин шу пайт хаёлимга: «Ўзинг-чи, ўзинг нима қилиб юрибсан?» деган фикр келиб, кўнглим ғаш бўлди. Хижолат бўлиб ўзимни оломонга урдим. Туртиб-турткиланиб юриб эшикка зўрға етиб олдим-да, ўша ерда навбатчилик қилиб турган юқори курс студентларига имтиҳон қоғозимни кўрсатиб, юз машаққат билан ичкарига кириб олдим.

Ичкарида ҳам одам кўп эди. Қатор эшикларнинг олдида, ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб ёшлар турар, уларнинг шивирлашган ҳаяжонли овозлари эшитилар, асабий ҳаракатлари кўзга ташланарди. Бу ерда ҳукм сурган аллақандай ваҳима менинг ҳам вужудимга сингиб, гўё қон томирларимдан юрагимга бориб етди-ю, тўсатдан оёқларим мадори қуригандай бўлди. Муқаддас кўринмас эди. Наҳотки бошқа факультетга кирган бўлса? Зинапойдан секин юриб иккинчи қаватга чиқдим-да, юрагим гуп-гуп уриб чап қўлга бурилдим.

Тор йўлакнинг нариги бошига яқин жойда, мен имтиҳон топширадиган ўттиз бешинчи аудиториянинг олдида бир гуруҳ абитуриентлар тўпланганди. Имтиҳон бошланишига уч-тўрт минут қолган. Уларга қараб бешолти қадам босганимда юрагим бирдан «шиғ» этиб, аъзойи баданим жимирлаб кетди: қизларнинг орасида Муқаддас ҳам бор эди!

Муқаддас тескари қараб турган бўлса ҳам мен уни дарров танидим; оқ шойи кўйлагининг этакларига тушиб турган икки ўрим кўнғир сочидан ва айтиб бериш жуда қийин бўлган яна алланималаридан танидим. Муқаддас бошини тез-тез ирғатиб, ёнидаги дугоналарига нима тўғрисидадир куйиб-пишиб гапирмоқда эди, яқинлашиб қолганимда қизлардан бири унга мени кўрсатиб бир нима деди. Муқаддас «ялт» этиб қаради ва юрагимни оловли ҳаяжонга тўлдириб, менга томон бир қадам босди-да, яна тўхтади. Унинг жовдираган қуралай кўзларидан, тортиниб, уялиб қарашидан бир нимани сўрашдан ийманаётгани кўриниб турарди.

— Вой айтавер, нимаси уят? — деди шу вақт қизлардан бири. Бу ўша тунов кун муюлишда учраган ва ёнимдан ерга қараб кулиб ўтиб кетган қора холлик қиз эди.

Тўхтадим. Муқаддас менга томон яна бир қадам ташлади-да, у ҳам тўхтади:

— Кечирасиз, — деди у, негадир қизариб тирноқларига тикилди, — кечирасиз, мен Абдуллаева бўлганим

учун биринчи беш киши қаторида киришим керак эди. Шунга... шундан жуда қўрқялман. Менинг ўрнимга киролмайсизми? Бошқаларга айтсам ҳеч ким унамаяпти. — Муқаддас бошини кўтариб юзимга қаради. Унинг кўзлари айни вақтнинг ўзида ҳам умид, ҳам илтимос ва тасвир этиш қийин бўлган аллақандай ҳисларни ифода этиб, порлаб, жовдираб турарди.

Олдин шошиб қолдим. Муқаддаснинг бу илтимоси уч-тўрт кундан бери чизиб юрган ҳамма режаларимдан ҳам аъло чиққани учун бўлса керак, ўзимни йўқотиб қўйдим. Фақат Муқаддас бошини кўтариб, аллақандай қўрқиб қарагандагина ҳушимга келдим ва «хўп» деб юборганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

Одатда имтиҳонга биринчи бўлиб кириш, кузда совуқ сувга шўнғишдан ҳам қийин туюлади, ҳатто ўз билимига ишонган киши ҳам нимадандир ҳадиксираб, эти жунжикиб туради. Бу жиҳатдан мен ҳам ўзимни довраклар қаторига қўшолмайман, лекин бу сафар мен «хўп» деб жавоб берганимда, Муқаддаснинг қоп-қора кўзларида чақнаган миннатдорлик ифодаси кўнглимга далда берди чамаси, имтиҳонга жуда дадил кирдим, одатдагидек иккиланиб турмасдан билетни ҳам дадил олдим...

Мен «омад» деган сўзга ишонмайман, лекин «омад келиши» рост бўлса, шу сафар менинг омадим юришган экан! Менга айни ўзим тилаб юрган саволлар тушган эди: биринчи савол — саккизинчи синф программасидан Ньютон қонуни, иккинчиси қаршилик кучи, учинчиси осонгина бир мисол!...

Мен бу саволларни шунчалик яхши билар эдимки, ҳатто: «Тайёрлик кўриб ўтирмасданоқ жавоб бериб қўя қолсаммикин?» деган фикрга ҳам бордим, фақат хаёлимни йиғиштириб, ўзимни босиб олиш учунгина ўтириб ҳозирлик кўра бошладим.

Имтиҳон олувчи комиссия икки кишидан иборат эди: биттаси олтамиш ёшлар чамасидаги, туксиз юмалоқ боши қуёшда чўғдек қизариб, жигарранг тусга кирган бир чол эди, иккинчиси тунов кунни консультация вақтида Муқаддаснинг ёнига келиб ҳол-аҳвол сўраган силлиқ сочли таниш ёш домла эди. Мен ўтиришим билан у қўлида бир варақ қоғоз ушлагани ҳолда эшикка борди ва у ерда навбатчилик қилиб турган студент йигитчадан:

— Абдуллаева қани? Нимага кирмади? — деб сўради секин.

Муқаддаснинг ўрнига мен киришимга навбатчи йигитнинг ўзи рухсат бергани (эҳтимол у ҳам Муқаддаснинг ялиниб қараган кўзларига тоб беролмай «хўп» деб юборгандир!) шунинг учунми, ё шошиб қолиб бошқа сўз тополмай қолдим, билмадим, ишқилиб:

— Абдуллаева бошим оғрияпти, деб ташқарига чиқиб кетди, — деди ва тез қўшимча қилди: — ҳозир келади!

Домладан: «Абдуллаеванинг ўрнига ким киради?» деган саволни кутиб, юрагим пўкиллаб турувди, лекин у индамасдан жойига бориб ўтирди. У негадир ғамгин эди. Катта аудитория бўм-бўш бўлгани учун биринчи кирган беш бола алоҳида-алоҳида ўтирган бўлса ҳам, ёш домла улардан кўзини узмас, нимадандир шубҳаланаётганга ўхшарди. Кекса домла эса юпқа оқ шойи рўмолча билан ялтироқ дўнг пешонасини тез-тез артиганича чуқур ўйга чўмган, гўё имтиҳонни ҳам унутиб юборган эди.

Таваккал қилиб биринчи бўлиб чиқдим. Даставвал ёш домла Муқаддасни сўраганини эшитганимда бир оз ҳадиксираган, савол ёғдириб йиқитишга ҳаракат қилмаса деб хавотирланган эдим. Лекин у фақат битта қўшимча савол берди. У ҳам бўлса атом ядроси тўғрисида эди. Мен бўлсам бу мураккаб ҳодиса билан шунчалик қизиқар эдимки, ҳатто ўрта мактаб дарслигидаги маълумотларгина эмас, атом тўғрисида босиб чиққан ва кўзим тушган оммабоп мақола ва брошюраларни ҳам қидириб топиб, ўқиб юрар эдим. Кекса домла буни жавобимнинг бошиданоқ сезиб қолди шекилли, гапим тугамасданоқ:

— Бўлди, ўғлим, бўлди, балли, — деди ва имтиҳон қорозимни олиб, қўл қўя бошлади.

Мен имтиҳон қорозимни олиб қарамасданоқ беш олганимни тушундим ва тўсатдан ўзимни қушдек енгил ҳис этиб ташқарига отилдим.

Йўлакда мени Муқаддас кутиб турарди! У рўпарадаги чанг босган ёпиқ деразанинг олдида, физика дарслиқларини кўкрагига босиб, иккита қиз билан гаплашиб турарди. Лекин эшик очилган ҳамон «ялт» этиб қаради. Шу қарашидан, катта-катта қора кўзларида бирдан чақнаган аллақандай ифодадан у мени кутиб, мен учун қайғуриб, ҳатто хавфсираб турганини билдимда, кўнглим яна ҳам чарақлаб кетди.

Муқаддас жилмайганича олдимга келди.

— Нима бўлди? — деди у қўлимдан ушлаб. Менинг

«беш» деган жавобимни эшитиши билан чехрасидаги гуноҳкор ифода чуқур ички бир шодлик билан алмашди-ю, юзига гүё ёруғ бир нур қуюлди.

— Вой, мен сизни йиқилиб қолмасангиз деб шундай қўрқдим, шундай қўрқдимки! — деди Муқаддас кулиб.

У яна бир нима демоқчи эди, лекин шу маҳал эшикда турган йигитча:

— Уртоқ Абдуллаева! — деб чақириб қолди. Муқаддас сесканиб кетди-да, дархол эшикка томон юрди, йўл-йўлақай бурилиб қаради:

— Энди менинг ҳам беш олишимни тилаб туринг! — деди у ҳаяжонли, титроқ овоз билан.

— «Тилаб туринг...» Бу нима дегани? Мен чиққунча кетиб қолмасдан кутиб туринг, дегани эмасми?.. Қандай ажойиб қиз!..

Узун йўлакда секин юра бошладим. Боя даставвал кириб келганимда йўлакда ҳукм сурган овозлар, ваҳимали гаплар энди тагин ҳам кучайган эди. Кимдир йиғлар, кимдир уни юпатар эди. Лекин ажабо: бу гапларнинг маъноси менинг хаёлимга бориб етмас, мен фақат битта овозни — Муқаддаснинг мулойим овозини эшитар эдим. Қулоқларим тагида унинг: «Вой, мен сизни йиқилиб қолмасангиз деб шундай қўрқдим, шундай қўрқдимки!» деган сўзлари тинимсиз такрорланар, ажиб бир мусиқа каби руҳимни эркалар, хаёлимни кўкларга кўтарарди.

Ярим соатча шу аҳволда юрдим. Сўнгра эшикка тикила бошладим. Мен билан баравар кирганларнинг ҳаммаси қайтиб чиқишди, улардан кейин кирганлардан яна битта қиз ҳам чиқди. Муқаддаснинг эса ҳамон дараги йўқ. Аста-секин юрагимда тўлиб-тошган шодлик аллақандай тараддуд ва қўрқув билан алмаша бошладди...

Қизиқ, Муқаддас кечиккан сайин менинг ҳам ҳушим ўзимга кела бошлади. Мен энди атрофимдаги қиз-йигитларни таний бошладим, уларнинг гап-сўзларига, яхши топшириб чиққанларнинг шодлигига, йиқилиб чиққанларнинг қайғусига тушунадиган бўлиб қолдим. Боя йиғлаётган қизга эътибор бермаган бўлсам, энди унинг худди Муқаддасга ўхшаган ёшгина бир қиз эканини кўриб, раҳмим келиб кетди.

Қизнинг атрофини қуршаб олган уч-тўртта дугоналари уни ҳамон юпатишар, у бўлса ҳеч кимга қулоқ солмасдан куюниб-куюниб йиғлар эди. Мен уни кўрдим-у, негадир ёш домланинг тунов куни Муқаддаснинг кети-

дан жимгина ғамгин тикилиб қолгани эсимга тушиб кетди... Кўнглимдаги бояги шодлик энди қандайдир оғир ваҳима билан алмашди. Лекин худди шу махал эшикдан Муқаддас кўринди. Унинг аллақандай чарақлаб кетган кўзларига, худди гулханнынг таптида тоблангандек гулгул ёнган юзига кўзим тушиши биланоқ имтихонни муваффақиятли топширганнын англадим. Унга қараб интилдим, қўлини сиқиб табриклаш учун шошилдим, лекин йўлакда турган қиз-йигитлар уни мenden олдин қуршаб олдилар... Қизлар у билан ўпишиб кетишди, йигитлар эса қўлини қисиб табриклай бошладилар. Сўнгра Муқаддас йиғлаётган қизни қучоқлаб ниманидир қизгин тушунтиришга киришди. Мен эсам... наҳотки, мени эсидан чиқариб юборган бўлса...

У атрофга аланглаб, кимнидир қидира бошлади, тўсатдан кўзларимиз тўқнашди, юзидаги табассумдан мени излаганини тушундим!

У менга қараб юрди, мен унга.

— Табриклайман, Муқаддасхон!

Муқаддас бутун вужуди билан кулиб, қўвнаб жавоб берди:

— Раҳмат! Кўрдингизми, навбат алмашганимиз қандай яхши бўлди! Сиз ҳам беш олдингиз, мен ҳам! Энди доим шунақа қилайлик! Бўлтимиз? — деди у.

— Бўпти, — дедим чин юракдан қувониб.

У юзимга бир секунд тикилди, гўё мени биринчи марта кўраётгандек аллақандай синовчан назар билан тикилди, сўнгра ерга қаради. Унинг нимадандир хижолат чекиб қулоқлари бирдан ловиллаб ёнганини кўрдим-у, ўзим қизариб кетдим. Муқаддас дилимдаги ҳисларни сезган эди!..

Ўртамизда қандайдир бир ўнғайсизлик вужудга келди. Бу ўнғайсизлик бизни йўлакда юрган навбатчи йигитнинг: «Имтиҳон топшириб бўлганлар бу ерда турмасин!» деган буйруғи қутқазди.

Секин юриб биринчи қаватга тушдик, сўнгра кўчага чиқдик ва остонани қуршаб олган оломонни зўрға ёриб, ётоқхона томонга ўтиб олдик. Лекин энди нима қилиш керак? Буни иккимиз ҳам билмас эдик. Мен Муқаддаснинг тўсатдан тумтайиб, индамай қолганидан бирга юришимиздан сиқилаётганини, уни уялтирмаслик учун хайрлашимим кераклигини сезиб турдим, лекин оёқларим ўз ихтиёримга қарши мени илгари судраб борар, орқада қолмоқчи бўлсам ҳам қололмас эдим.

Қуёш баланд кўтарилиб, ҳаммаёқни иссиқ алангага

кўмиб юборганди. Ҳарорат шунчали зўр эдики, тротуарнинг соя тушмай қолган жойларига оёқ қўйиб бўлмас, иссиғи туфлидан ўтиб товонни куйдирарди.

Ҳавода ғир этган шабада йўқ, дарахтлар ҳам одамлардек иссиқдан толиб, мудраб турарди. Қани энди шундай пайтда Муқаддас «хўп» деса-ю, бирорта серсоя паркка кириб дам олсак, ё бирга дарс тайёрласак!

Бирдан нима ҳам бўлди-ю, кўзим иккинчи қаватнинг тепасига тушди. Биз имтиҳон топширган аудиториянинг энг четги деразаси олдида иккимизга қандайдир маъюс тикилиб... бояғи ёш домла турарди! «У нима қилиб турибди? Нега бундай тикилиб қарайди» — деб ўйладим. Бир зумда қалбимни тўлдирган ёруғ ҳисларга ҳам аллақандай соя ташлагандек туюлди.

Домланинг кузатиб турганини Муқаддас ҳам кўриб қолдим, ё уялганидан шундай қилдим, ишқилиб, муюлишга етмасданоқ тўхтади ва ерга тикилиб:

— Сиз қаёққа кетяпсиз? — деб сўради. Мен шошиб қолдим. Азбаройи нима деб жавоб беришимни билмаганимдан:

— Мен... агар бўш бўлсангиз дарс тайёрлардик! — деб юбордим. Муқаддас бошини яна ҳам пастроқ туширди.

— Кечирасиз, мен боролмайман.

— Нега?

— Негаки... мен ўзим шунақаман, — деди Муқаддас, — беш олган куним ҳеч дарс тайёрлай олмайман.

— Бўлмаса... кинога борайлик! — дедим мен, дедиму, шу сўзни айтишга журъат этганимдан ўзим ҳам ҳайроп қолиб, қизариб кетдим. Муқаддас «ялт» этиб юзимга қаради. Таклифим унинг қулоғига ёмон эшитилганини кўзларидан пайқадим. Лекин ўзимнинг ҳам қизариб кетганимни кўриб, уялиб қолганимни сезди чамаси, кўзларидаги совуқ ифода дарҳол юмшайди.

— Раҳмат. Олдин имтиҳонларни топшириб олайлик. — деди у туфлисининг учи билан ер чизиб, кейин қўшимча қилди:

— Энди... Хайр...

Йўқ, Муқаддас буйруқ бермас, у фақат илтимос қилар, дугоналарининг кўриб қолишидан уялгани учунгина ажрашишни истар эди!

— Кўришгунча, — дедим мен.

— Хайр, — деди Муқаддас ва юзимга бир қараб олгач: — химияни ҳам шунақа қилиб топширамизми? — деб сўради.

— Албатта, — дедим кулиб.

Биз ажрашдик.

Биласизми, илк баҳор пайтида ёмғирдан кейин осмон бошқача бир тиниқ мовийлик кашф этади. Ёмғирда чўмилган дарахтлар худди тўйга ясанган қизлардек очилиб, ҳаво хушбўй ҳидларга, қушларнинг чуғур-чуғурига тўлиб, олам яшнаб кетади.

Муқаддас билан хайрлашиб орқамга қайтарканман, менинг кўнглим ҳам худди ёмғирдан кейинги осмондек чарақлаб кетганди. Гўё ҳамма менга кулиб боқар, гўё ёлғиз мен эмас, ҳамма бахтиёр, гўё одамларнинг ҳаммаси бирдан бир-бирига меҳрибон, жуда мулоим, жуда яхши, жуда ғамхўр бўлиб қолган эдилар.

\* \* \*

Уйга кечроқ қайтдим. Биз Комсомол кўлининг орқасида, Бўзсувнинг бўйида янги участкада турардик. Ҳовлига киришим билан кўзим жигарранг йўл-йўл пижамасини кийиб, ишқомнинг тагидаги сўрида ёнбошлаб газета ўқиб ётган дадамга тушди, ойим ҳовли супурмоқда эди. Эшикни очишим билан дадам кўлидаги газетасини, ойим супургисини ташлаб менга қаради. Афтидан кўнглимдаги шодлик юзимда шундоқ акс этиб турган бўлса керак, иккиси ҳам бирдан:

— Бешми? — деб сўрашди.

— Шунақага ўхшайдими? — дедим мен.

Ойим пешонамдан ўпди. Дадам эса ёстиққа қайта ёнбошларкан:

— Ана, кўрдингми, кеча ўртоқлар билан гаплашиб қўйганман, десам ишонмовдинг, — деди кўлига газетасини олиб.

— Сиз бултур ҳам шунақа деган эдингиз, — деди ойим.

Дадам бирдан кўлидаги газетани четга отиб юборди, унинг оқ оралаган сийрак сочларининг тагидан бошининг қизариб кетгани, лабларининг пирпираб уча бошлагани кўринди.

— Хўп, мен ҳеч ким билан гаплашмадим. Бултур ҳам гаплашган эмасман, бу йил ҳам — деди у титроқ, аянчли овоз билан.

Уларнинг жанжалини, айниқса ўғай дадамнинг худди бир нимадан аразлаган ёш боланинг овозидай аянчли овозини эшитмаслик учун уйга кириб кетдим. Бир йилдан бери давом этиб келаётган бу кўнглисиз жанжал



менга жуда огир ботарди. Биринчидан, ойимнинг институтга киролмаганим учун ҳамма айбни дадамга тўнкаши қаттиқ тегса (Салим Қаримович институтда ўқитувчи эди), иккинчидан, бултур бўлиб ўтган катта бир жанжал устида мен Салим Қаримовичнинг ўз дадам эмаслигини, у менга фақат ўгай ота эканлигини билиб қолгандим. Ўшанда ойим, афтидан, менинг борлигимни унутиб қўйиб: «Шариф ўз болангиз эмас-да, ўз болангиз бўлганда-ку...» деб юборган, кейин кўзи менга тушиб гапи оғзида қолган, лекин, шу бир гапнинг ўзиданоқ менга ҳамма нарса аён бўлиб қолган эди. Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир этган, шунчалик қаттиқ таъсир этган эдики, уйдан чиқиб кетиб, бир-икки кун бошқа ёқларда юриб келгандим... Шундан кейин ойим ўз дадамнинг фронтда ҳалок бўлганини, урушдан олдин эса машина-созлик заводида конструктор бўлиб ишлаганини гапириб берганди. Мен ойимдан Салим Қаримовичга қандаи турмушга чиққанини сўрамадим, албатта, лекин ўша воқеадан бери уни негадир «дада» деб эмас, «Салим Қаримович» деб чақиргим келадиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини ўзим ҳам тушунолмайман, чунки Салим Қаримович ёмон одам эмас, у мени жуда яхши кўради, ўғлим деб чақиради, эҳтимол ўз боласи бўлмагани учундир, жуда яхши муомала қилади. Салим Қаримович институтда кўп йиллардан бери оддий ўқитувчи бўлиб ишлар, демак унинг қўлидан келадиган ёрдам ҳам жуда чамали эди. Лекин ойим бунинг тушунгиси келмас, бултурдан бери уни қийнаб келарди. Мен дадамнинг бултур яхшигина ҳаракат қилганини, ўқишга киролмай қолганимда мандан ҳам кўпроқ изтироб чекиб юрганини билардим. У ҳатто мени институтга лаборантлик ишига жойлаштириб қўйишга ҳам ҳаракат қилиб кўрганди, лекин бунга мен ўзим кўнмагандим. Ойимдан ўз дадам тўғрисидаги гапларни эшитганимдан кейин, айниқса дадам машинасозлик заводида конструктор бўлиб ишлаганини билганимдан кейин, нимадир мени шу заводга тарта бошлаган, назаримда у ерга бормасдан бошқа жойга бориб ишласам, отамнинг хотирасига ҳурматсизлик бўладигандек туюлганди менга. Олдин ойим билан Салим Қаримович бу гапларимни эшитгиларини ҳам келмаган эди, бироқ бир куни нима ҳам бўлди-ю, ойим эрталаб чиқиб кетиб, уйга узун бўйли, қотма, сочлари оппоқ оқарган, лекин шоп мўйлови қоп-қора одамни бошлаб келди. Бу одам Сулаймон ака эди.

Сулаймон ака дадамнинг энг яқин дўсти бўлганини,

улар бирга ўқиб, бирга ишлаганларини, ўзи ҳам соддагина бир одам эканини кейинчалик билдим, бироқ биринчи учрашганимизда у менда ғалати таассурот қолдирган, шоп мўйлови ҳам, йўғон дўриллаган овози ҳам аллақандай ясама туюлганди.

Сулаймон ака мени заводга ўзи бошлаб борган, ҳужжатларимни ўзи тўғриллатиб, ўз цехига олиб кирган ва кейинчалик қадрдон бўлиб кетган мана шу универсал токарлик станогимда биринчи детални ўзи ясаб кўрсатган эди.

Отанинг хотираси ҳурматигами, ё мени чиндан ҳам яхши кўриб қолганиданми, билмадим, ишқилиб, Сулаймон ака менга доим хушмуомала қилар, баъзан уйига, баъзан цехнинг бир четигаги кичик, тор кабинетига бошлаб кириб суҳбатлашиб турарди. Мен унга жуда ўрганиб қолгандим. Умуман шу бир йил ичида мен заводга, моторларнинг ғув-ғувига тўлган катта, улуғвор цехимизга, ўзимнинг универсал станогимга, дўстларимга жуда ўрганиб, яхши кўриб қолгандим.

Ойим билан дадам ўртасида бўлиб ўтган жанжал таъсир этди чамаси, бунинг ҳаммасини яна бир эсладим. Лекин қизиқ, бу сафар институтга ҳужжат топшираётганимдагидек кўнглим хира бўлмади. Муқаддас билан учрашув қувончи кўнглимнинг бир четига уйғонган шубҳани енгиб кетганди...

Муқаддасни эслашим билан иссиқ бир туйғу яна аъзойи баданимни жимирлатиб ўтди. Ўзим ҳам беихтиёр жилмайиб ўтирган эканман шекилли, уйга ойим кириб:

— Супага чиқ болам, овқат тайёр, нимага куласан! — деб сўрагандагина ҳушимга келдим. Ойим кулгимни бошқа нарсага йўйиб:

— Илоҳим бошқаларидан ҳам беш бўлсин! — деб қўйди.

Овқат вақтида ойим билан Салим Қаримовичнинг орасида яна ўша эски гап қўзғалиб кетармикин, деган хавотирда эдим. Яхши ҳам бу гап қўзғалмади. Бояги сўзларнинг ўзигами, ё мен уйга кириб кетгандан кейин ҳам жанжал давом этганми, билмадим, ишқилиб, даданинг қовоғи солиқ эди. У ҳатто вазиятини ҳам ўзгартирмаган: ўнг қўлтиғига иккита пар ёстиқни босиб, ҳамон газета ўқиб ётарди. Ёши элликларга бориб қолган, институтда ўқитувчилик қилаётган бу салобатли одам баъзан ёш болага ўхшаб кетар, арзимаган нарсадан ҳам хафа бўлаверарди.

Шундай пайтларда менинг унга раҳмим келарди. Бугун вақтим чоғ бўлгани учунми, билмадим, ҳар қалай унга бирон яхшилик қилгим келди. Тўсатдан хаёлимга: «Булар менинг Муқаддасни севиб қолганимни биллиб қолишса нима қилишар экан?» деган фикр келди. Бир дақиқа кўзимга супанинг четида ўтириб, дадамга уялиб-гина пилелада чой узатаётган Муқаддас кўриниб кетди.

Бу орзу шунчали ширин эдики, унинг давомини ўйлаш истагида овқатдан бир-икки қошиқ едим-да, жойимга бориб ётдим... Мен ҳовлининг кун ботиш томонидаги хилват бурчакка, ўзим эккан икки туп олманинг тагига каравот қўйиб олгандим. Каравотнинг остидан ариқча ўтар, туну-кун тинимсиз оққан сув кечалари руҳимни аллалар, китобдан чарчаган чоғларимда ором берарди.

Бугун бу хилват жой кўзимга яна ҳам жозибали кўриниб кетди. Ўзимни каравотга ташлаб, олманинг қуюқ япроқлари орасидан осмонга тикилдим.

Куюёш ботган, боғни фақат ёз оқшомларидагина бўладиган майин ва сокин бир қоронғилик чулғамоқда эди. Жимжит, фақат қўшни ҳовлида чақалоқнинг йиғиси-ю, каравотнинг тагидан ўтаётган сувнинг майин шилдираши эшитилади, япроқлар орасида битта-яримта олтин нуқталар жимирлайди. Ана қаердандир узоқдан, афтидан қўлдан бўлса керак, қандайдир маъюс, лекин ёруғ эсдаликлар уйғотгувчи бир кўйнинг овози кела бошлади. Хаёлим кузда илиқ мамлакатларга қараб учган қуш каби яна Муқаддасга қараб учди... Орзунинг чегараси йўқ. Мен унинг шу уйда, шу ҳовлида юришини, шу ариқнинг бўйида, супанинг ёнидаги краннинг тагида ўтириб, ажойиб қўнғир сочларини ювишини кўз олдимга келтирдим...

Узоқдан, қўлдан эшитилаётган маъюс кўй секин авжига чиқмоқда эди. Кўй авжига чиққан сайин менинг ширин хаёлларим ҳам чуқурлашиб борарди... Биз албатта бирга ўқиймиз, ҳар кун ярим кечагача бирга ўтириб дарс тайёрлаймиз, сўнгра... Сўнгра ундан чиқиб, бу ерга келямиз... Йўқ, мен бир ўзим чиқаман ва каравотга ётиб уни кута бошлайман. У бўлса... Уй йиғиштирган бўлиб яна анчагача чиқмай ўтириб олади. Ниҳоят, уйнинг чироғи ўчади ва қоронғида унинг шип-шип этган оёқ товушлари, «қаёқда қолдингиз, Шариф ака?» деган майин овози эшитилади. Мен ўрнимдан сакраб тураман ва уни қўлларимга кўтариб: кулган лабларидан, кўзларидан ўпаман...

Дарвоза томондан эшитилган «Шариф, хо Шариф!» деган овоз хаёлимни бўлиб юборди. Урнимдан туриб ўтирдим.

— Биров чақиряпти, чиқиб қара! — деди ойим. Шу вақт «Шариф, хо Шариф!» деган овоз қайта такрорланди. Бу — Тўлаганнинг овози эди.

— Тўлаганга ўхшайдими? — деди ойим ҳам.

Тўлаган иккимиз бир цехда ишлардик. У мендан икки йил олдин заводга кирган «тажрибалик» токарлардан. Бултур ишга кирганимда Сулаймон ака мени унга «шогирд» қилиб тайинлаган эди. Шундан бери Тўлаган ўзини менга яқин олиб юрар, мен ҳам уни ҳурмат қилардим. Лекин ҳозир унинг келиши менга негадир ёқмади, ҳатто кўнглимда аллақандай бир қўрқув уйғотди: «Кечаси нима қилиб юрибди?»

Сўрининг ёнидан ўтаётганимда Салим Қаримович: «Заводдаги ошнанг бўлса бояги гапни айтиб юрма яна!» — деб огоҳлантирди. У ёрдам масаласини айтмоқчи эди. Гарчи мен унинг ким билан гаплашганини билмасам, ёрдამини сезмасам ҳам, дадам деярли ҳар куни бир марта мени огоҳлантириб қўяр, афтидан «бу гапни бировлар эшитиб қолишини истамас эди.

Тўлаган дарвозанинг олдида, ариқнинг бўйндаги толга суяниб, папирос чекиб турарди. Қоронғида юзи кўринмас эди. Лекин чап қўлини шимининг киссасига суқиб, оёқларини чалиштириб, гавдасини бир оз олдинга эгиб туришидан кўзимга худди уриш учун пайт пойлаб турган безорига ўхшаб кетди. Мени кўргач, у папиросини ёғимлаб оёғининг остига ташлади ва қўлини чўзаркан:

— Хўш, жаноблари, нима қилиб юрибдилар? — деб сўради. Унинг бу гапи менга гўё: «Хўш, бизга билдирмасдан ишдан қочиб қолибсан-да!» дегандай эшитилди.

— Ҳа, нима қилибман? — дедим шошиб, «гап очиб қолса, ишинг бўлмасин дейман. Ростдан ҳам ўқийманми, йўқми — нима ишлари бор?» деган фикрни кўнглимдан кечириб, ўзимга ўзим далда бериб қўйдим.

Тўлаган кўкрагимга бир уриб кулди:

— Тагин нима қилибман, дейди-я, бу акам! — Отпускага чиққан одам шунақа қиладими, ўн кундан бери, бир бормабсан-а? Наҳотки дўстларингни кўргинг келмаса?

Бу гапни эшитиб бирдан кўнглим жойинга тушди.

Севиноб кетиб, мен ҳам унинг кўкрагига бир мушт тунширдим.

— Қўл тегмаяпти, дўстим, қани уйга кир, бирпас гаплашиб ўтирамин, — дедим қандайдир енгил тортиб, лекин Тўлаган кирмади. Уни менга Сулаймон ака юборган экан. Эртага заводга бориб учрашар эмишман. Юрагим яна «шув» этиб кетди.

— Нима ишлари бор экан? Айтмадиларми?

— Йўқ, — деди Тўлаган. У яна папирос олиб тутатди. Гугуртнинг ярқ этган шуъласида лабларидаги табасум кўриниб кетди.

— Нега куласан?

— Ўзим...

— Отпускаи маҳалидаям тинч қўйишмайдилар-да!

— Оббо сени-эй! — Тўлаган қаҳ-қаҳ уриб кулди ва елкадан қучоқлаб ўзига тортди: — Сулаймон аканинг сенига айтадиган гапи бор экан, шунга чақирди.

— Қанақа гап? — дедим шубҳаланиб, — нимага яширасан?

— Ие, қизиқмисан? — деди Тўлаган, — унинг нима дсийшини қаёқдан билай? Эртага ўзинга айтар ахир!..

Тўлаган кетди. Мен дарвозанинг олдида анча туриб қолдим. Кўнглим ғаш, бояги қувончли, ширин, аммо тағи йўқ хаёллардан асар ҳам қолмаган эди.

«Нимага чақирдиши мумкин? Яна қанақа гап чиқиб қолдйкин? Ё институтга кирмоқчи бўлганимни эшитиб қолдимкин? Эшитиб қолган бўлса нима дейман? Умуман... шундай яхши коллективдан, бир йил ишлаб ортирган дўстларимдан, ажраб тўғри қиялпанми, йўқми?» бир ҳафтадан бери унутишга ҳаракат қилиб юрганым бу ўйлар хаёлимни яна чулғаб олди.

\* \* \*

Эрталаб туриб мундоқ ўйлаб қарасам, кечаси чеккан ташвишларим ўзимга бачкана туюлди.

— Бориб тўғриси айтман! Бир қизни яхши кўриб қолдим дейман, вассалом!

Шу фикрни кўнглимга қаттиқ туғиб, соат ўн бирлар чамасида уйдан чиқдим. Соат ўн иккида ишчилар овқатга чиқади. Мен худди ўша пайтга етиб боришни кўзлаган эдим, лекин нима ҳам бўлиб автобус кела қолмади-ю, мўлжаллаган вақтимга етиб боролмадим.

Автобус пропуск бюросининг рўпарасида тўхтади. Соат ўн иккидан чорак ўтган, ишчилар овқатга чиқиб кетишган эди. Ичкарига, цехлар жойлашган катта қўр-

гонга киришни ҳам, ошхонага боришни ҳам билмасдан ҳайрон бўлиб тургандим, кўчанинг ўнг юзидаги завод бошқармаси жойлашган, чанг ва қурумдан кулранг тусга кирган кўримсиз бивоннинг эшигида Кулоянц деган армени йнгит кўриниб қолди. Кулоянц иккимиз бир бригадада ишлар эдик. У бошқарма буфетидан чиққан бўлса керак, бир қўлида нон, бир қўлида бир қарич келадиган йўғон колбаса ушлаб, иштаҳа билан чайнаб турарди. Мени кўриб қолиб, колбаса ушлаган ўнг қўлини кўтарди-да, оппоқ тишларини ярқиратиб кулди:

— Ээ... академик! Нима қилиб турибсан? Ўт бу ёққа!

Кулоянцнинг мени «Академик» дейиши бежиз эмас эди. Утган йили кузда, дастлаб заводга ишга кириб қийналиб юрган чоғларимда, бир куни нима ҳам бўлиб бригадамизда ўқиш ва иш тўғрисида қизғин баҳс чиқиб қолди. Ушанда мен Кулоянцга қарши гапириб (унинг нима дегани ҳозир эсимда ҳам йўқ), «Суворов генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас, деган, катта инженер, ё одам бўлишни орзу қилмаган ишчини ҳам яхши ишчи деб бўлмайдил!» деб юборган эдим. Бу гапим баъзиларга маъқул тушиб, баъзиларга маъқул тушмаган бўлса ҳам кўпчилик эсидан чиқариб юборган эди. Фақат Кулоянц ўшандан бери мени «Академик» деб чақирадиган бўлганди. Унинг бу лақаби олдин ғашимга тегиб, жаҳлимни чиқарган, кейинчалик нимагадир, эҳтимол ҳазил эканини тушунганим учунми, ўрганиб кетгандим. Лекин қизиқ, бу сафар Кулоянцнинг «Академик» деб чақириши нима учундир жуда қаттиқ ботди. Кўчадан ўтиб, унинг ёнига борарканман, бутун вужудимни титроқ босганди.

— Хўш? Академик бўлсам нима бўпти? — дедим унинг қоп-қора соқол босган юзига, ярқираб турган оппоқ тишларига қадалиб, — нега бу гапингни қўймайсан?

Кулоянц нон чайнашдан тўхтаб, юзимга таажжуб билан тикилиб қолди. Бир-бирига туташган йўғон қошлари олдин чимирилди, учини эгилган узун катта бурни керилиб, қуёшда куйган қоп-қора юзига кескин ва аллақандай совуқ ифода бағишлади, кейин қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ие, қачондан бери бунақа ҳазил кўтармайдиган тегма нозик бўлиб қолдинг? Заводдан кетиб яна ўша интеллигентлигингга борибсан-да, қадрдон?

— Интеллигент бўлсам нима қипти? Интеллигент сандан...

— Ие, ақли ҳушинг жойидами? Олдин кўришайлик!  
— деди Кулоянц, бироқ қўлини беришдан олдин кўкрагимга бир мушт туширди, сўнгра кулганича елкамдан қучоқлаб, бошқарма жойлашган бинога етаклади.

— Қани, юр, сени кутиб ўтирибми?!.. Аммо-лекин бунақа одатингиз йўқ эди-ю, ўртоқ академик! Тинчликми ўзи?

✓ Кейинчалик бир-икки ой ўтиб, кўнглимдаги ғалаёнлар босилгандан сўнг, ўша кунни Кулоянцга айтган гапларим, қилган муомалам эсимга тушиб кетса, уялганимдан юзимга қон тепар, астойдил изтироб чекардим. Уша кунни эса унинг ҳазилига нақадар дағал жавоб бераётганимни ҳатто сезмас ҳам эдим.

Ўттизинчи йилларнинг бошида завод билан бирга қурилган бинонинг ичи хийла қоронғи, тор ва кўримсиз эди. Лампочка ёқиб қўйилган тор йўлакнинг икки томонидаги баъзиларига оқ тунука, баъзиларига чарм қопланган ва тез-тез очилиб ёпилаётган қатор эшикларнинг ёнидан ўтиб, йўлакнинг охирига етдик ва чап қўлдаги учбурчак хонага кирдик. Бу — завод комсомол комитетининг хонаси эди.

Хонада секретарнинг ўзи йўқ, тўрда, рамкага солинган фахрий ёрлиқлар қўйиб қўйилган шкафга суяниб Тўлаган ўтирарди, унинг олдида ҳам бир-икки тўғрам колбаса билан бир бурда нон бор эди.

— Ээ... яхши келдинг! — деди у, ўрнидан туриб, — биз сени цехда кутдик — келмадинг. Сулаймон ака парткомнинг олдига кириб кетдилар. Ҳозир келиб қоладилар. Ўтир!

Уйдан чиқишда кўнглимдаги бор гапни айтишга қаттиқ аҳд қилиб, зарур бўлса ҳатто ҳужумга ўтишни ўйлаб келган бўлсам ҳам, Тўлаганнинг гаплари дилимда яна шубҳа аралаш қўрқув уйғотди. Тўлагандан: «Нимага чақирибди, сўрадингми?» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, Кулоянц сўзимни бўлди.

— Бу академизимиз отпуссага чиққандан бери жа айнаб, инжиқлашиб қолибдилар! Бир нима десанг, яна ўша бултурги гапдан келадилар!

Тўлаган пешонасини бекитиб, ўнг қошини тўсиб олган қалин, типпа-тик сочларини бармоқлари билан орқага тараркан:

-- Қайси гапларни айтасан? — деб сўради.

— Ҳа, ўша гаплар-да! Эсингдами?

Ҳужумга ўтиш пайти келган эди. Ё ўз фикрларимни исбот қилишим, ё таслим бўлишим керак эди.

— Менга қара, Кулоянц? — дедим, — академик деб бир мазах қиласан! Интеллигент деб бир куласан... Нима демоқчисан ўзи? Ишчилар синфини интеллигенциясига қарши қўймоқчимисан?

Эшикдан кираверишдаги диванга ўтириб нон билан колбасани тушираётган Кулоянц оғзидагини юта туриб ғалати жилмайиб қўйди, кейин:

— Хўш, яна қанақа туҳматларинг бор? — деди-да, бирдан чаққон сапчиб туриб олдимга келди. У ҳамон кулимсирар, бироқ бурун катаклари кенгайган, кўзлари қисилган эди. — Баҳсдаям мард бўлиш керак, дўстим, тушундингми?.. «Интеллигенцияга қарши эмишман»... Чепуха!.. Мен меҳнатдан қочадиган, меҳнатдан ўлимдан қўрққандек қўрқадиган, турмушда фақат осон йўлларни қидирадиган ҳозирги замон бойваччаларига қаршиман. Тушундингми? Мен ўшнақа бойваччаларни айтаяпман сенга! Билдингми? Ё унақаларини ҳам ҳурмат қилайликми?..

Тўлаган юзини тириштирди:

— Э... қўйсаларингчи, шу эски гапни! — деди у қўлини силтаб.

Лекин Кулоянц бир қизнишиб кетса, уни босиш қийин эди.

— Мен аминманки, меҳнатнинг қадрини билмасдан туриб, меҳнаткаш одамни ҳурмат қилишни ўрганмасдан туриб, киши яхши олим ҳам, яхши инженер ҳам бўлолмайди! — дерди у, бурун катаklarини кериб. — Бу қуруқ, дабдабали гап эмас. Мен ўзим ўшанақа бойвачча эдим. Шу заводга келиб одам бўлдим. Шу завод мени турмушга ўргатиб одам қилди.

• Шу маҳал орқамда:

— Бунинг ўзи-чи, ўзи? — деган йўғон, дўриллаган овоз эшитилди.

Бўсағада кенг елкалари билан бутун эшикни тўсиб Сулаймон ака турарди. У хийла олдин келиб, баҳсимизни эшитиб турган бўлса керак, шоп мўйловининг тагида табассум яширинганди, Кулоянцга яна жон кирди.

— Мен ҳам шунга айтаяпман-да, ўзиям шу ерга келиб одам бўлди-ку!

Урнимдан туриб, Сулаймон ака билан кўришдим. Унинг катта ялпоқ кафтини икки қўллаб сиқарканман, тўсатдан, уйдан чиқишда ўйлаб қўйганимдек, унга бор гапни тўкиб соломаслигимни сездим.

Ундан қўрққанам учун эмас, аксинча, у менга, заводга келиб одам бўлганимга астойдил ишонгани, мени



яхши кўриб, ҳурмат қилгани учун ҳам бор гапни айтолмаслигимни сездим.

Уни алдаш қанчалик оғир бўлмасин, ҳақиқатни очиб, унинг ишончини емириш ундан ҳам оғир эди.

Қандай, яхши дам оляпсанми? — деди Сулаймон ака.

— Емон эмас, — деб гудрандим.

Иккимиз ёнма-ён ўтирдик. Сулаймон ака киссасидан рўмолчасини олиб, оппоқ оқарган қалин сочларини, мунчоқ-мунчоқ тер оқаётган юзини артиб, нимагадир «уф»лаб қўйди. Бугун менга унинг пешонасидаги ажинлар кўпайгандек, яна ҳам чуқурлашгандек, ҳатто шоп мўйлови ҳам қандайдир осилиб, бурунги улуғвор кўринишини йўқотиб қўйгандек кўринди. Қаттиқ чарчагани қисилган кўзларидан ҳам биллиниб турарди.

— Хўш, мен сенларни бир масалада чақирдим, — деди Сулаймон ака ва кулимсираб қўйди, — аммо... ҳали ҳозир сир тутасанлар...

Тўлаган билан Кулоянц барабар стулларини суриб, яқинроқ ўтиришди.

— Ўзларингга маълум, — деди Сулаймон ака, — ҳозир ҳар бир завод, ҳар бир корхонада ишчилар Коммунистик меҳнат бригадаси деган ном олиш учун кураш бошлаб юбордилар. Завод партия ташкилоти ҳамма цехлар ва бригадаларнинг иши, интизоми, бригада аъзоларининг ахлоқи ва ҳоказолар билан танишиб чиқиб, бригадаларинг келажакда шу номни олишга лойиқ, деб топди...

(Ҳали кўп йиллар ўтади, кўп сувлар оқиб кетади. Шунда бизнинг ҳам кўзимиз очилади, «коммунист», «коммунистик бригада» деган сўзлар устидан биз ҳам куламиз. Лекин у маҳаллар, олтмишинчи йилларнинг бошларида бу уйдирма шиор атрофида қанча шов-шувлар, қанча дабдабалар бўлган, бу ҳақда ёзмаган на бирорта газета, на радио, на телевидение қолганди. Ҳаёт ўзи шунақа дабдабалардан иборат эди. Биз-ку, ёш эдик. Аммо Сулаймон ака-чи? Наҳот ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучукларини кўрган одам ҳам ишонган бўлса ўшанга?)

— Шундай қилиш керакки, қўлга киритилган ютуқлар кундан-кунга ортиб борсину сира пасаймасин! Сенлардан илтимос шуки, шу ишга ўзларинг бош бўлинглар! — деди Сулаймон ака ва тўсатдан менга юзланди. — Сени бу ерга чақирришдан мақсад шуки, аввало бу гаплардан хабардор бўлиб қўйган. Иккинчидан... сиртдан

Ўқиш масаласини тезроқ ҳал қилгин. Истаган институтга киришинг мумкин, лекин заводдан кетишни маслаҳат бермайман... Нима дейсан?

— Нима ҳам дерди? Бизни ташлаб кетиб кўрсин-чи!  
— деди Тўлаган. Унинг узунчоқ буғдойранг юзи ҳаяжондан ловиллаб ёнар, кўзлари қувончдан чақнарди.

Коммунистик меҳнат бригадасида ишлаш! Сиртдан ўқиш!.. Тўсатдан иккиланиб қолдим. Тарозининг Муқаддас турган палласи қанчали оғир бўлмасин, бу ёғининг ҳам салмоғи оз эмаслигини сезардим... Нима қилиш керак?

Кўз олдимга негадир имтиҳондан кейин Муқаддаснинг жилмайиб туриб, «Энди ҳамма имтиҳонларни ҳам шунақа қилиб топширайлик-а? дегани келди...

Секин Сулаймон акага қарадим. У рўмолчаси билан елпиниб, кулимсираб ўтирарди. Унинг юзидаги бояги чарчоқлик йўқолган, пешонасидаги ажинлари гўё каммайганди, лекин унинг чеҳрасида ҳам ўз муваффақиятларидан хурсанд одамларда бўладиган аллақандай совуқ, ёқимсиз бир мамнунлик бордек туюлди менга.

— Хўп, уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрай, — дедим ва ерга қарадим.

Кулоянц шартта ўрнидан туриб кетди.

— Сен ёш боламисанки, ойинг билан маслаҳатлашсанг!

Мен катта жанжал бўлишини кутгандим, бироқ Сулаймон ака Кулоянцнинг сўзини бўлди:

— Майли маслаҳатлашсин, маслаҳатли тўй тарқамас деган гап бор, Серёжа, — деди ва иккала қўлини столга тираб, ўрнидан турди.

— Соат бир бўлди. Ишга чиқайлик. Гап шу, дўстларим. Бу ёғи энди сенларга боғлиқ. Башарти бу ёғини ҳам ўрнига қўйсаларинг ойинг охиридами, ўрталаридами — масалани ишчиларнинг ўртасига ташлаймиз...

Заводга кирмадим. Пропуск бюросининг ёнида хайрлашдик.

— Ойингга салом айт, — деди Сулаймон ака, — яхшилаб тушунтир!

Кулоянц елкамдан қучоқлаб:

— Бояги гапларга хафа бўлма! — деди кулиб, — ҳазилга тушунасан-ку, дўстим!

Автобус келмаган эди. Худди бир нарсасини йўқотган одамдек, остановкада туролмасдан, пиёда кетдим. У маҳалда қанчалик катта хато қилганимни астойдил

тушунмасам ҳам, ҳар қалай келажагим учун муҳим бўлган бир нарсани тарк этганим кўнглимда турарди. Бу ажойиб таклифни Муқаддасни деб рад этдим, албатта. Лекин Муқаддаснинг ўзи ким? Қанақа қиз? У кўнглимга умид бағишлайдиган бир гап айтдимикин, шунчалликка борсам? Умуман лоақал бирга дарс тайёрлашни ҳам хоҳламаган нотаниш бир қизни деб, оғир бўлса ҳам шарафли йўлдан юрмасдан бошқа ёқларга бурилиб кетишим тўғрими?

Автобусга тушмасдан пиёда кетарканман, шу ҳақда ўйладим. Бу ўйларимга кўнглимдан аниқ жавоб тополмасдим. Фақат бир нарса равшан эди: бундан кейин қайси йўлдан кетишим ўша нотаниш қизга, Муқаддасга боғлиқ эди!



Аҳволимнинг чатоқлиги шунда эдики, Муқаддас иккимизни бир-биримизга яқинлаштира оладиган яккаю ягона восита ҳозирча имтиҳон эди. Шунинг учун ҳам имтиҳондан қўрқиш уёқда турсин, унинг тезроқ келишини истардим.

Имтиҳон куни яна жуда эрта уйғондим. Бу сафар чойга ҳам қарамасдан апил-тапил кийиндим-да, институтга чопдим. Имтиҳонга кечикиб қолишимдан эмас, Муқаддаснинг бошқа биров билан келишиб қўйишидан қўрқардим. Лекин институтга етиб, таниш акацияларга кўзим тушиши билан беҳудага қўрққанамни, умуман тўрт кундан бери чекиб келган изтиробларим, умидсизликдан қийналиб юрганларим — ҳаммаси бекор эканини тушундим: Муқаддас мени кутиб турарди! Аввалги сафаргидек, ичкарида, аудиториянинг эшигида ҳам эмас, кўчада, институтнинг олдидаги акациянинг тагида кутиб турарди..

Бу сафар унинг эгнида ҳаворанг крепдешин кўйлак, бошида тагдўзи дўппи, оёғида енгил босоножка эди. Ҳаворанг кўйлак чеҳрасини очиб юборганиданми, ё тагдўзи дўппи жуда ярашиб тушганиданми, билмадим, ишқилиб Муқаддас кўзимга тунов кунгидан ҳам латофатли бўлиб кўринди. У шундай жозибали ва маъсум эдики, илк гуллаган бодом ниҳолини эслатарди. Мени кўриши билан олдимга қараб юрди. Кўзларида бирдан чақнаган қувончдан, лабларида ўйнаган табассумдан Муқаддаснинг мени, ёлғиз мени кутиб турганини бил-

дим-у, юрагим яна баҳор куйларига, баҳор қуёшидек илиқ ва ёруғ ҳисларига тўлиб яйраб кетди.

Биз қўл беришиб кўришдик. Муқаддас қошларини ўпкалангансимон чимириб:

— Вой, мен сизни кечикиб қолармикансиз деб, жонимни ҳовучлаб турибман-а? — деб кулди. Менга унинг кулгисида ҳам аллақандай эркалик аралаш бир гинахонлик бордек туюлди.

— Мен кечикар эканманми? — дедим, — сиз билмайсиз Муқаддас, мен сизни ҳар куни...

— Юринг, — деди Муқаддас сўзимни бўлиб, гўё гапимнинг охирини эшитишдан қўрқиб, — ичкарига кирайлик...

Худди тунов кунгидек менга ҳам шундай туюлдими, гўё у юрагимдаги туйғуларни сезар, севиб қолганимни ҳис этар ва буни гапириб қолишимдан қўрқар эди.

«Қандай ажойиб қиз!» — Муқаддаснинг ўрнига имтиҳонга кирарканман, кўнглимдаги ҳамма ғалаён босилган, хаёлим равшан эди.

Лекин турмуш шунақа нарса эканки, у ўнг қўли билан бошингизни силаса, чап қўли билан юзингизга турсаки тушириб тураркан. Ўша куни имтиҳондан йиқилишимга оз қолди. Қизиғи шундаки, бунга дадам сабаб бўлган экан. Буни мен имтиҳон олган озғин, нимжон домланинг аудиторияга киришим билан бир имтиҳон қоғозимга, бир юзимга тикилиб: «Салим Қаримович сизнинг кимингиз бўлади?» деган саволиданоқ тушундим. Бир дақиқа ҳушимни йўқотиб, довдираб қолдим, лекин шу заҳотиёқ миямда бирнарс «ярқ» этиб, чолнинг мақсадини ҳам, истеҳзоли жилмайишини ҳам — ҳаммасини ёритиб юборди. Айни замонда юрагимдаги қўрқув ҳам қаёққадир йўқолди. Хаёлимдан: «қулатса қулатар!» деган фикр ўтди, бу фикр кўнглимда қандайдир шўхлик аралаш бир жасорат уйғотди-ю, дадиллик билан:

— Ҳеч кимим! — деб жавоб бердим чолга.

— Нима? — деди у пастдан юқорига қараб.

— Ҳеч кимим! — такрорладим мен, — умуман... жавобимга қараб баҳо қўяверасиз, мен сиздан енгиллик сўрамайман!..

Чолнинг ажин қоплаган узунчоқ юзига бирдан мулойим нур тушиб, кўзларида илиқ табассум жилваланди.

— Марҳамат, олинг! — деди у, ўйинчоқ, ёғоч курак-

чага ўхшаган кичкина кафтини столдаги билетларга чўзиб.

Мен қўлимга теккан биринчи билетни олдим ва одатдагидек саволларни ўқиб ҳам турмасдан, деразанинг ёнига ўтиб ўтирдим. Утиришим билан комиссиянинг иккинчи аъзоси ҳам кирди. Бу — қишлоқ аёлларига ўхшаб кетган, соддагина кийинган новча, семиз бир хотин эди.

— Хўш, нечанчи билет? — деди чол, аллақандай хушчақчақ овоз билан.

— Ун тўртинчи.

Менга учта савол — Ньютон биномининг ечилмаси, кесик конуснинг ҳажми (ечими билан) ва битта мисол чиққан эди.

Билганда қийин савол ҳам осон бўлиб кўринади кишига. Бу учта савол, аслида хийла мураккаб бўлса ҳам, жуда осон туюлди. Бунинг устига чол ҳам бояги гаплардан кейин менга тез-тез қараб жилмайиб қўяр, гўё кўнглимга далда берарди. Бу ҳам сабаб бўлди-ю, биринчи бўлиб қўл кўтардим.

— Марҳамат! деди чол ва кафти билан столни «шап» этиб уриб, рўпарасидан жой кўрсатди. — Қулоғим сизда, яхши йигит.

У худди ёқимли куйни эшитишга ҳозирлангандек, кичкина нимжон гавдасини орқага, креслонинг суянчигига ташлаб, кўзларини шифтга тикди. Сўнгра то мен жавоб бериб бўлгунимча вазиятини ўзгартирмади, фақат баъзи баъзидагина қўлини столга ташлаб, узун ингичка бармоқлари билан уни чертиб қўяр, лекин шунда ҳам жавобим унга ёқяптими, йўқми — билиб бўлмас эди.

Имтиҳон топшираётганда ўз жавобининг домлага қандай таъсир этаётганини билмаса жуда қийналиб кетади киши. Бир-икки марта ер остидан чолнинг ёнидаги аелга кўз ташладим, лекин унинг гўё ярми чўрт кесиб ташлангандек калта бурунли семиз юзидан бир нимани билиб олиш қийин эди. Ниҳоят бор гапимни айтиб бўлдим. Чол вазиятини ўзгартирмасдан:

— Саволингиз йўқми? — деди афтидан аёлга мурожаат этиб.

Аёл истар-истамас лабини қимирлатди:

— Йўқ.

— Уч! — деди чол, бирдан ўзини олдинга ташлаб ва кўкраги билан столга суяниб. Унинг сал қисилган

кичкена кўзларида, юпқа лабларида табассум ўйнагани учунми, билмадим, ҳеч чўчимасдан:

— Нега энди уч бўлар экан? — деб сўрадим.

— Негаки, молига қараб пул тўлаймиз-да, яхши йигит! — деди чол бармоқлари билан столни асабий тақиллатиб. Бу сафар совуқ бир титроқ аъзойи баданимни жимирлатиб ўтди.

— Қўшимча савол беринг! — дедим, дедим-у, овозимнинг бирдан қандайдир ўзгариб бўғиқ эшитилганини пайқаб қолдим.

— Қўшимча савол денг? Ҳм... — деди чол, — хўш... Ҳим.: қани арифметик прогрессиянинг формуласини ёзиб беринг-чи!..

Қўлларим негадир титрар эди. Нега? Ахир арифметик прогрессия формуласи эсимда турибди-ку! Мен қинғир-қийшиқ рақамларни тез ёзиб кўрсатдим:

$$S_n = \frac{a_1(qn-1)}{q-1}$$

Чол тўсатдан қаҳ-қаҳ уриб кулди:

— Икки! — деди у ва рўмолчаси билан кўзларини артаркан, қўшимча қилди:

— Қани, бўлмаса геометрик прогрессиянинг формуласини ёзинг-чи, кўрайлик!

Қоғозни олдимга сурдим ва чолнинг кулгисига дарҳол тушундим: боя ҳаяжон устида арифметик прогрессия формуласи ўрнига геометрик прогрессия формуласини ёзиб юборган эканман.

— Кечирасиз, — дедим, — бу...

— Икки! — деди чол. У ҳамон кўкрагини столга тираб, кўзларимга жилмайиб боқарди...

Иўлакда мени Муқаддас кутиб турарди. Ҳозир у билан ажрашишимга, қайта кўришмайдиган бўлиб, бир умр ажрашишимга ақлим етиб турарди. Лекин кўзларимга тикилиб, нимагадир жилмайиб ўтирган бу чол... Шартта ўрнимдан турдим:

— Истаган баҳонгизни қўйинг!

Чол яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Яша! Ўғил бола экансан! — деди у ва имтиҳон қоғозига тез қўл қўйиб, ёнидаги аёлга берди, аёл ҳам кулимсираганича қўл қўйди-да, менга узатди. Бирдан аъзойи баданимда кучли чарчоқ ҳис этиб, бўшашиб,

ташқарига томон юрдим. Эшикка яқинлашиб қолганим-да, аудиторияга Муқаддас кирди. Афғидан, рангим ўчиб, алланечук бир ҳолатда бўлсам керак, унинг кўзлари катта-катта очилиб: «Сизга нима бўлди?» деган ифода пайдо бўлди, лекин тўхтаб унга жавоб берадиган пайт эмас эди. У кўзларида шу савол билан ёнимдан ўтиб кетди. Мен ташқарига чиқдим.

Домла мен ўйлагандек «икки» эмас, «уч» қўйганини йўлакка чиққанимдагина билдим. Лекин олдинги «беш» олдида бу «уч» кўзимга жуда хунук кўринди шекилли, кўнглимни ғаш қилди...

Муқаддас ярим соатларда чиқди. У эшикда кўриниши биланоқ кўзлари билан мени излаб топди, атрофини қуршаб олган дугоналарига аллақандай асабий овоз билан «тўрт-тўрт!» деб жавоб берганича тўппа-тўғри олдимга келди. Қошлари сал чимирилган, кўзлари нимадан кўрққан кийикнинг кўзларига ўхшарди.

— Вой, сизга нима бўлди?

— Нима бўларди, уч олдим! — дедим мен. Муқаддасга биров мени «икки» олди деган бўлса керак, «хайрият» дегандек чуқур нафас олиб энтикди, юзига қон югурди. — Хафамисиз? — деди у, кўзларимга тикилиб, деди-ю, бошини эгиб секин қўшимча қилди. — Мен сизга жавр қилдим...

Рўпарамда бошини қуйи солиб туришидан, овозидан, жовдираган кўзларидан мени деб изтироб чекаётганини билишнинг ўзи бир олам қувонч, бир олам бахт эди.

— Нимага хафа бўлар эканман! Битта учнинг зарари йўқ...

Муқаддас «ялт» этиб юзимга қаради, бошини тез-тез силкитиб тасдиқлади:

— Рост, рост, битта учдан кўрқмасангиз ҳам бўлади. Лекин бу ёғига эҳтиёт бўлинг. Энди мен ҳам сизга жавр қилмайман, — деди у яна гуноҳкорона жилмайиб.

Кўчага чиқиб хайрлашаётганимизда Муқаддасдан яна бирга дарс тайёрлашни илтимос қилдим. Муқаддас бу сафар ҳам кўнмади. Лекин шунга қарамасдан кўнглим негадир тинч эди. Уша куни менга Муқаддаснинг қалбида ҳам яхши бир ҳис уйғонаётганга ўхшаб кўринганди.

— «Бу ҳақиқатми, ё амалга ошмайдиган бир ширин хаёлми?»

Бунинг хаёл эмас, ҳақиқатга яқин бир нарса эканига ишондан имтиҳон берган кунимиз ишондим.

Иншони биринчи қаватдаги ўн олтинчи аудиторияда бир неча группа бирлашиб ёзиши керак эди. Мен кирганда, аудитория одамга тўлиб қолган, фақат энг олдинда, домлалар ўтирадиган жойнинг қаршисидагина, биринчи столда бир-иккита бўш жой қолганди. Лекин аудиторияга одам ҳамон ёпирилиб кирмоқда, жадаллашмасам ўша жойдан ҳам қуруқ қолишим муқаррар эди. Мен Муқаддасни йўқлашга ҳам сабрим чидамасдан, ўртадаги тор йўлакдан биринчи қатордаги бўш столга интилдим. Аудиториянинг ярмига бориб қолган эдим, орқамдан:

— Шариф ака! — деган таниш мулойим овозни эшитдим. Юрагим «жиз» этиб орқамга бурилдим. Муқаддас мендан икки қадам нарида, аудиториянинг кўча томонидаги столнинг четида ўтирарди. Имтиҳон деган нарсанинг нақадар даҳшатли эканини шунинг ўзидан ҳам билса бўлади, жонимдан ортиқ кўрган қизнинг ёнидан ўтибман-у, уни кўрмабман!

У қўлини бермасдан фақат кўзлари билан саломлашди.

— Битта бўш жой бор, хоҳласангиз ўтиринг, — деди у секин, гўё ёнидаги қизларнинг эшитиб қолишидан қўрққандек. Ўзи эса менинг «хўп» дейишимни кутмасданоқ сурилиб ёнидан жой берди.

Бутун вужудим билан ловиллаб ёнига ўтирдим, бошқаларга билдирмасдан қўлини олиб секин сиқдим.

— Сиз қайси темани ёзмоқчисиз — деди Муқаддас.

— Қайси тема тушишини биласизми?

Муқаддас кулди.

— Қўрқмайсизми?

— Йўқ, — дедим, «Сиз ёнимда экансиз ҳеч нарсадан қўрқмайман» деган фикр кўнглимдан ўтди, буни унга айтмоқчи ҳам бўлиб оғиз жуфтладим-у, журъат этмадим. Унинг чеҳрасидаги поклик, беғубор қизлик иффати, ҳам тортиниб, ҳам севиниб гапиришлари кишини қандайдир софликка, самимийликка ундарди.

Қалбимда яна баҳор эди. Кўнглимдаги бояги ваҳима у ёқда турсин, имтиҳон топширгани келганимни ҳам унутаязган эдим. Шу топда фақат бир нарсани — Муқаддаснинг яқинлигини, гоҳо-гоҳо мулойим қараб қўйишларини, уялганидан сочларини ўйнаб, жилмайиб гапиришларини сезардим, бунинг ҳаммасидан бошим айланарди.



— Вой, туринг, домлалар келишяпти! — деди Муқаддас.

Шошиб ўрнимдан турдим. Аудиторияга бир эмас, бирдан уч домла кирган эди. Ари уясидек ғувиллаб турган аудитория бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Атрофимга қараб қиз-йигитларнинг ҳаяжонланган юзларини кўрдим. Ҳамма бирдан худди буйруқ кутаётган солдатлардек жим бўлиб, серрайиб қолган эди.

Икки ассистент аудиторияни оралаб «ҳужжатлар»-имизни текшириб чиққанларидан кейин, уларни бошлаб кирган ўрта бўйли, узун дўнг бурнига олтин кўзойнак кўндириб олган мўйсафид домла бутун деворни қоплаган катта доскага темаларни ёзишга киришди. Биринчи тема Йўлчи билан Гулнор образлари эди. «Образ» деган сўзни ёқтирмасам ҳам домла бошқа темаларни ёзиб тамом қилмасданоқ биринчисини танлаб олдим.

«Қутлуг қон»ни ёшлигимдан севар эдим, менга Йўлчи ҳам, Гулнор ҳам жуда ёқар, Гулнордай бир қизни севишни орзу қилиб юрардим. Ҳозир эса менинг Гулнорим ёнимда ўтирарди. Мен ёзганларимнинг дарслик талабларига қанчалик жавоб беришини билмайман, лекин Йўлчи билан Гулнорга бўлган самимий муносабатимни, ҳурмат ва муҳаббатимни қоғозга туширишга астойдил ҳаракат қилдим. Қоғозга Гулнор билан Йўлчининг номларини ёзардим, аслида эса ўз муҳаббатимни ҳикоя қилардим.

Иншоли шундай самимий, шундай зўр ҳаяжон билан ёзар эдимки, ҳамма нарсани, ҳатто ўтирган жойимни ҳам эсимдан чиқараёзган эдим. Фақат бир марта ҳаёлим бўлинди — аудиторияга таниш ёш домланинг кириб келганини кўриб қолдим. У биринчи столнинг орқасида олтин кўзойнагини чақнатиб ўтирган кекса домланинг қулоғига ниманидир шивирлади. Ўзи домлага гап уқтирар эди-ю, кўзлари Муқаддасда эди... Аудиториядан қайтиб чиқиб кетаркан, назаримда менга ҳам бир қараб қўйгандек бўлди. Кўнглимдан: «Ўзи тилчи эмас-ку, бу ерда нима қилиб юрибди?» деган гап ўтди ва яна тунов кунгидек юрагим «шув» этиб кетди. Унинг кирганини Муқаддас ҳам пайқамадимикин, деб ер остидан кўз ташладим. У пайқамаган бўлса ҳерак, бошини чап томонга эгиб, ёзиш билан банд эди...

Муқаддас «Шоҳи сўзана»ни танлаган эди... Биз иккимиз «чурқ» этиб оғиз очмас, ҳар биримиз ўз ишмиз

билан банд эдик. Фақат бир марта — ёзганларимни оққа кўчиришга киришганимда, унинг «севгисини» эмас, «севгисининг» деб ёзинг, «ни» эмас «нинг» деб шипшиганини эшитиб қолдим.

Биз иккимиз барабар ёзиб тугатдик, лекин Муқаддас ёзганларини қайта-қайта ўқир, ниманидир тузатар эди. У ҳамма қизлардек энг сўнгги минутгача топширмаслини билдим-да, сабрим чидамасдан, олдинроқ топшириб чиқиб кетдим.

Муқаддас мендан анча кейин чиқди. У одатдагидек яйраб-қувнаб эмас, аллақандай бўшашиб чиқди, гўё мен олдиндан билишим мумкиндек:

— Беш олаимизми, йўқми? Сиз нима дейсиз? — деб сўради юзимга тикилиб.

Қаромат қилишни билмаслигимни айтиб қолдим.

— Мен энди то баҳомизни эшитмагунимизча сира тинчимайман, уйқум ҳам келмайди, — деди Муқаддас ва қошларини сал чимириб ўйчан овоз билан қўшимча қилди:

— Энди энг қийини қолди. Нима бўлса ҳам тезроқ тамом бўлиб қўя қолса эди!

— Қўрқсангиз бирга тайёрлай қолайлик! — дедим унинг кўзларига тикилиб.

— Сиз химияни яхши биласизми? — сўради у.

— Яхши биламан. Ишонмасангиз бирга тайёрланайлик. Ўзингиз...

— Йўқ, ишонаман, — деди Муқаддас ва бир секунд иккиланиб тургач:

— Қаерда тайёрланамиз? — деб сўради.

— Сиз қаерни хоҳласангиз ўша ерда... Агар хоҳласангиз...

Муқаддас юзимга савол назари билан тикилиб турарди.

— Агар хоҳласангиз биз томонларга борамиз, — дедим мен ва шошиб қўшимча қилдим: уйда эмас, биз томонларда жуда яхши жойлар бор. Жуда ажойиб, салқин...

— Сиз қаерда турасиз?

— Комсомол кўлининг орқасида. Майда-чуйда олиб чиқиб кетсак... Эрталабдан кечқурунгача ўқиб келамиз. Ҳеч ким халақит бермайди.

Муқаддас ерга тикилиб турарди. Бу сафар у йўлакда юрган қиз-йигитлардан тортинмас, ё хаёли бошқа ёқда

бўлиб, уларни пайқамас эди. У яна бармоқларига тикилиб ўйланиб қолди. Унинг қаттиқ яккиланаётганини яна бир нафас кутсам:

«Йўқ, боролмайман», деб жавоб беришини пайқадим ва тўсатдан кутилмаган бир журъат билан қўлини ушладим:

— Нимага бунақа қиласиз? Ё менга ишонмайсизми? — дедим.

Овозим титраб кетди.

Муқаддас ҳайрон бўлиб юзимга қаради.

— Ишонмасам шундай қилармидим? — деди у секин.

— Ишонсангиз нега...

— Хўп, майли, бораман, — деди Муқаддас; тўсатдан бошини кескин силкитиб, — лекин эртaroқ чиқиб кетайлик!

Биз эртасига эрталаб соат саккизда Комсомол кўлининг олдида, почтанинг ёнида учрашадиган бўлдик.

«Эртага кўнглимда бор гапни унга очиқ айтаман! Пайти келди!» — шу қарор билан уйга кетдим.

\* \* \*

Эртасига учрашмоқчи бўлган жойимизга жуда барвақт бормоқчи эдим, лекин уйдан энди чиқаман, деб турганимда тўсатдан дадам чақириб қолди, кеча ишонми қандай ёзганим тўғрисида сўроқ қила бошлади.

Салим Каримовичнинг мақсадига тушуниб турардим. У ишнинг олдини олмоқчи эди, чунки физикани учга топширганимдан буён уйда яна жанжал ва ташвиш кўпайиб кетганди. Лекин шунга қарамасдан, унинг саволлари гашимга тегарди. Назаримда, у қаёққа шошаётганимни билар ва жўрттага ушлаб тургандек туюларди. Ниҳоят сабр қосам тўлиб кетди. «Мен ҳозир...» — дедим-у, Салим Каримовичнинг бир нима деб чақирганига ҳам қулоқ солмасдан ташқарига отилдим, дарвозадан чиқишим билан худди қафасдан қутулган қушдек автобусга қараб югурдим.

Аҳдлашган жойимизга ўз вақтида етиб бордим. Муқаддас эса чорак соат кечикиб келди. У маҳалда ҳамма қизлар ҳам бунақа учрашувларга кечикиб келишларини, жиндек куттириб қўйишни яхши кўришларини билмас эдим, шунинг учун ҳам бу чорак соат менга чорак асрга ўхшаб кўринди. Гап Муқаддасни кутиб қолишимда эмас, албатта, ҳамма даҳшат шунда эдики, мен уни

келиб кетиб қолган, деб хавфсирардим. Энди уни кўра олмас эканман-да, деб ичимда дадамдан астойдил хафа бўлиб турганимда, орқамдан кимнингдир:

— Шарифжонмисан? — деган дўрилдоқ овозини эшитиб, чўчиб ўгирилдим.

Олдимда айланасига ғишт терилган чор бурчак гулзорнинг ёнида Сулаймон ака турарди. Уни бу ерда учратишни сира кутмаганимдан бўлса керак, ўғирлик устида тутилган одамдек довдираб қолдим, ҳатто қўл бериб кўришишни ҳам эсимдан чиқариб қўйдим. Ўзим ҳам қизариб-бўзариб, терлаб кетдим шекилли, Сулаймон ака қоп-қора шоп мўйлови остидан кулимсиради-да, томирлари бўртиб чиққан катта суякдор кафтини уза-тиб:

— Ясан-тусанлар жойида-ю, кимни кутиб турибсан, ўғлим, — деб сўради.

Унинг «ўғлим» дейиши ҳар вақтдагидек қулоғимга жуда иссиқ эшитилди-ю, бу одамдан яшириб юрган ва уч-тўрт кундан бери ёдимдан кўтарилган бутун ишим эсимга тушиб кетди...

— Тунов кунги саволимизга жавоб бермадинг-ку? — деди Сулаймон ака. — Сиртдан ўқиганинг тузук эмасми? Ё заводдан кетгинг борми?

Мен кўзимни унинг юзидан узиб, трамвай келадиган томонга қарадим: Муқаддас ўша ёқдан келиши керак эди.

— Ойнинг хоҳламадимми? — деди Сулаймон ака.

Унинг юзига қарай олмадим, ерга тикилдим. Юрагим гуп-гуп урарди, юзим, қулоқларим ловиллаб ёнаётганини сезардим, лекин нима деб жавоб беришимни билмас эдим. Зотан отамнинг энг қадрдон дўсти бўлган, мени ўз бағрига олиб, яхшигина ҳунар ўргатган, ниҳоят ўз ўғлидек яхши кўрган бу мўйсафидга нима ҳам дердим? Унга фақат ҳақиқатни айтишим мумкин эди. Лекин бўлиб ўтган шунча воқеадан сўнг, ҳозир Муқаддасни кутиб турганимда, унга ҳақиқатни айтишим мумкинми-ди?...

Сулаймон ака менинг сукутимни тасдиқ аломати деб билди шекилли, бир зум тургач:

— Ҳмм... Шунақа дегин?.. Мабодо характеристика учун ишлаб юрилгани йўқми ўзи? — деб кулди.

Оқкўнгил одам! У менинг нақадар муғомбир эканимни қаёқдан билсин? Мен унинг яна саволлар беришидан, айниқса жим туриб жавоб кутишидан қўрққан эдим, лекин у:

— Майли, ўзинг биласан, ўғлим, — деди ва нимадандир чарчаган одамдек уф тортиб қўйди, — ўқиган яхши. Мен ўқишингга қарши эмасман. Лекин сиртдан ўқиганингда ҳам ёмон бўлмас эди... Хўп, майли, отпусканг қачон тамом бўлади?

— Яна ўн кунларда...

— Уйга бир бор. Тунов кунги иш энди пишиб қолди. Бир гаплашайлик. Хўпми?

— Хўп, — дедим унинг юзига қарамасдан. Шу маҳал автобус келиб қолди. Сулаймон ака шошиб хайрлашди.

У тушган автобус юриб кетгунча тикилиб қолдим. Бир неча дақиқага Муқаддас ҳам эсимдан чиққан эди.

«Уни яна нега чалғитдим? Нимага ростини айтиб қўя қолмасдан уни алдадим?» Бунинг сабабини ўзим ҳам билмас эдим. Фақат бир нарсани — бу ёлғон гапларим билан Сулаймон ака, дўстларимдан, заводдан тағин ҳам узоқлашганимни, уларга бир оғиз айтмасдан институтга ҳужжат топширган куним ўртамизда пайдо бўлган ғов ҳозирги гапларимдан кейин тағин ҳам ўсиб кетганини сезардим. Яна тунов кунгидек юрагимдан мустаҳкам жой олган азия, қимматбаҳо бир нарсани йўқотганимни ҳис этдим ва биринчи марта чин кўнглимдан ачиндим... Бу ўйлар хаёлимни шундай чулғаб олган эканки, Муқаддаснинг қачон ва қайси томондан келганини ҳам пайқамай қолибман, фақат унинг:

— Ҳа, сизга нима бўлди? — деган таниш овозини эшитганимдагина ҳушимга келдим.

— А? — дедим томирларимга иссиқ қон югуриб. Назаримда бирдан кўз олдимни тўсиб келган қора булут тарқаб, ҳаммаёқ нурга чўмилгандек туюлди.

— Чақирсам ҳам қарамайсиз? — деди Муқаддас. У аллақандай маъюс қоп-қора кўзлари билан юзимга ўйчан тикилиб турарди.

Бу сафар унинг эгннда биринчи марта кўрганимдаги оқ шойи кўйлак, бошида ўша тагдўзи дўппи эди, лекин ўзи кўзимга қандайдир ғамгин кўринди.

— Юринг, нариги томонга ўтайлик, автобусга чиқамиз, — дедим мен.

— Автобусда бориладими? — деди Муқаддас ва яна юзимга тикилиб, — узоқ эмасми? — деб сўради.

Менга шундай туюлдики, гўё у автобусга чиққиси келмас, нимадандир тортинар эди.

— Йўқ-йўқ, — дедим, — узоқ эмас, бирпасда етиб борамиз. Бўзсувнинг бўйида. Шундай салқин, шундай яхши жойларки... Юринг.

Нимагадир шошар эдим, шошаётганимни, Муқаддаснинг олдида ўзимни худди ёш боладек тутаётганимни сезиб турардим-у, лекин барибир, ўзимни босиб ололмас эдим. Қизиғи шундаки, ҳозиргина Сулаймон акани кўрганда кўнглимни ғаш қилган нотинч ўйлар ҳам ҳар сафаргидек Муқаддасни кўришим билан дарров йўқолган, ҳаммаси қувончли ҳаяжон билан алмашган эди.

Биз катта кўчадан ғизиллаб учиб ўтаётган енгил машиналарга йўл бера-бера, рўпарадаги автобус тўхтайдиган жойга ўтиб олдик.

Кун чиқиш томондаги тўрт қаватли бино устидан кўтарилган қуёш кўчаларни нур селига кўмиб юборган, одамлар ўзларини дарахтларнинг соясига ура бошлаган эдилар.

Муқаддас бугун нимагадир маъюс ва камгап, у қандайдир ўз ўйлари билан банд эди, У билан гаплашгим келар, лекин гапни нимадан бошлашимни билмасдим, сукутнинг чўзилиб кетганидан хижолат чекардим. Бунинг устига автобус ҳам кечикмоқда эди. Назаримда, Муқаддас автобус кутишдан зерикиб, тўсатдан айниб қоладигандек туюлар, автобус чиқиб келадиган муюлишдан кўзимни узолмас эдим.

Ниҳоят автобус ҳам келди. Одам кўп бўлишига қарамай, бир амаллаб чиқиб олдик. Муқаддас орқадаги бир жойга илинди, мен унинг ёнида типпа-тик турардим. Биз ҳамон гаплашмас эдик, машина юриб, кўлнинг орқасидаги биринчи кўприкка етгандагина, Муқаддас:

— Ҳали узоқми? — деб секин сўради.

— Йўқ, узоқ эмас, — дедим унга.

Муқаддас индамасдан ўйчанлик чўккан аллақандай ғамгин кўзларини яна деразага тикди. Асфальт йўлнинг ёвгинасида, чуқур жарликнинг тагида, кўм-кўк шишадек тиниқ Бўзсув оқарди, жарликнинг иккинчи томонида, балаидликда, бир-бирига қўшилиб кетган ям-яшил боғлар туташ бир ўрмонзор кашф этарди.

Автобус иккинчи кўприкдан ўтиб тўхтаганда Муқаддас: «Ҳалиям келмадикми?» деган маънода менга бир қараб қўйди. Мен ўзимни кўриб кўрмаганликка солдим, Муқаддаснинг ёнида ўтирган чол ўрнидан турган эди, унинг жойига ўтирдим.

— Нимага бундай хафа кўринасиз? Тинчликми? — дедим секин.

— Йўқ, ўзим... — деди Муқаддас ва тўсатдан ўрнидан туриб, автобуснинг олдига ўта бошлади.

Бир дақиқа ўзимни йўқотиб қўйдим, сўнг секун юриб орқасидан бордим.

— Мен тушаман, — деди Муқаддас. У юзимга қарамас эди.

— Нега, яна бир остановка...

— Керакмас!.. — Бу сафар Муқаддаснинг овози қаттиқроқ эшитилди.

Ундан «нимага бундай қиялпсиз?» деб сўрамоқчи бўлдим-у, тўсатдан автобустагиларнинг ҳаммаси бизга тикилиб турганлигини, ҳамманинг диққат-эътибори бизда эканини кўриб, гапим оғзимда қолди.

Машина тўхташи билан Муқаддас гўё уни биров ушлаб қоладигандек, автобусдан биринчи бўлиб сакраб тушиб кетди.

Мен олдин унга аччиқ қилиб тушмай ўтиб кетавермоқчи бўлдим-у, лекин чидаб туролмай автобусдан секин тушдим — ўз иродадан зўр бир куч унинг орқасидан мени ҳам машинадан судраб туширди.

Муқаддас жарликнинг бўйида, секин оқаётган Бўзсувга ўйчан тикилиб турарди. Унинг ёнига келиб тўхтадим.

— Нимага бундай қилдингиз? — дедим ҳаяжонимни зўрға босиб.

— Бормайман, — деди Муқаддас.

— Нега? Сабаби...

— Сабабини нима қиласиз? Бормайман дедимми — бормайман!

Бу сафар унинг овози қандайдир жуда кескин жанглади. Бу кескинлик кўнглимга жуда қаттиқ тегди-ю, кутилмаган жойда мендаги журъатсизликка барҳам берди.

— Сиз.. ёмон жойларга бошлаб кетяпти деб ўйладингиз чамаси! — дедим, қаттиқ гапираётганимни сезиб ва нимагадир бундан севиниб, — мени ёмон мақсадда бошлаб кетяпти, деб ўйлаганга ўхшайсиз! Сиз мени ким деб ўйладингиз? Наҳотки мен шунчаликка борсам?

Шундай самимий гапирганим учунми, ё айтган сўзларим қаттиқ таъсир қилдими, билмедим Муқаддас қандайдир тез ўзгарди, юзидаги совуқ ифода бир зумда мулойим табассум билан алмашди.

— Йўқ. унақа эмас, унақа деб ўйлаганим йўқ, — деди у ерга қараб; — шунчаки... Юринг, сквердаги паркка бора қолайлик! — тўсатдан таклиф қилди Муқаддас ва қандайдир шўх порлаган қора кўзларини ўйнатиб

кулиб қаради. — Ана, машина ҳам келяпти! Хўп дея қолинг, Шариф ака!

Муқаддас мендан куларди, албатта! У менинг «хўп» демасдан иложим йўқлигини, унинг ҳар қанақа талабини бажаришлигимни биларди-ю, тагин мендан нажот сўрарди!.. Шўх кезларини ўйнатиб, оқ кўнгил ва пок қизлардагина бўладиган беғубор бир ноз билан жилмайиб, ўзининг «ғолиб» келишини билиб туриб, яна ижозат сўрарди!

«Бу қиз олдида ўзимни жуда ерга уриб юбордим чамаси. Менда на йигитлик иззат-нафси, на гурур, на ирода қолди» — деб ўйладим ичимда. Буни ўзим ҳам сеза бошлаган эдим. Лекин унга қарши чиқишга кучим етмас эди. Бу сафар ҳам яна таслим бўлдим.

Кўнглимда уйғонган ғазаб ва алам унинг «хўп дея қолинг», деб бир кулиб боқишидаёқ тарқаб кетди, лекин унинг яна шундай кулиб боқиши ва шундай илиқ сўзларини эшитгим келгани учун бўлса керак, автобусда кетаётганимизда атайин қовоғимни солиб олдим. Муқаддас бир-икки марта ер остидан менга кулимсираб қараб кўйди. Лекин буни кўриб кўрмаганликка солдим.

Муқаддас мени астойдил хафа бўлди деб ўйлади шекилли, паркнинг ёнига келиб автобусдан тушганимизда юзимга аллақандай гуноҳқорона тикилиб:

— Мен сизга ишонмаганим учун эмас, шунчаки... ўзингиз бир ўйлаб кўринг: яхши эмас-да, — деди ва қизариб кўшимча қилди:

— Кўйинг энди, шунақа қилманг!

Соя жойга нур тушгандек кўнглим бирдан ёришиб кетди:

— Нима қилдим?

— Шунақа... Бирам қовоғингизни солиб олдингизки!..

Иккимиз баравар кулиб юбордик, орамызда ғов бўлиб турган номаълум тўсиқ ҳам кўтарилди-да, гўё бир-биримизга яна ҳам яқинроқ бўлиб қолдик.

Паркда одам кўп эди, институтга кириш имтиҳонларини топшираётган ёш-ялангларнинг ҳаммаси гўё бошқа ердан жой тополмагандек шу ерга келган, улар паркнинг энг хилват бурчакларигача эгаллаб олган эдилар. Қизил қум сепилган аллеяларнинг ўртасидан ўтарканмиз, скамейкаларда ўтирган йигитларнинг бизга тикилиб қараб қолаётганларини кўрдим, бир вақтнинг ўзида ҳам ғазабим кўзғар, ҳам нимагадир фахрланардим. Муқаддас эса уялганидан юзлари гул-гул ёниб, яна ҳам жозибали кўринар, у кўзларини ерга тикиб бор-



ган сайин жадаллаб борар ва текис ерда ҳам ҳадеб қоқилар эди.

Ниҳоят паркни бир айланиб, қайтиб чиқаётганимизда, эшикка яқин жойдаги эстрада театрининг орқасида битта бўш скамейкани кўриб қолдик.

Муқаддас худди уни биздан бурун бошқалар эгаллаб олишидан қўрққандек, чопиб бориб ўтириб олди.

Скамейканинг икки ёнида икки туп кўк терак қад кўтарган, лекин унинг сояси қуюқ эмас, япроқлари орасидан сирғаниб ўтган нурлар худди шойи қуроқлардек парча-парча бўлиб ерга тушиб турарди. Скамейканинг олдига сепилган қизил қум ҳам кўғирмочдек қизиб кетган эди. Лекин Муқаддас ўтирган ҳамон:

— Яхши жой экан-а? Ҳеч ким халақит бермайдми! — деди-да, нимагадир ўз-ўзидан қувониб теварак-атрофга бир қараб қўйди. — Тўғримми?

— Тўғри, — дедим. Унинг «Ҳеч ким халақит бермайдми» деган сўзлари қулоғимга жуда иссиқ эшитилган, ўртамизни бўлиб турган масофа гўё яна бир-икки қадам қисқарганди.

Муқаддас қўлига химия дарслигини олди.

— Бўлди! Энди ким гапирса ҳам...

— Кинога билет олсин! — дедим мен.

Муқаддас «жуда муғомбирсиз-а?» деган маънода бир қараб қўйди-ю, индамасдан ўқишга киришди. Мен унинг нимадан бошлашни сўраб ҳам ўтирмасдан китобнинг тўғри келган жойидан шариллатиб ўқиб кетганидан сал ўтмасданоқ тўхташини сезиб, ён томондан қараганда жуда нафис кўринган майин қошига, жимир-жимир терлаган пешонасидаги соч толаларига тикилиб, кўнглим аллақандай нурга, бахтга тўлиб ўтирардим, лекин қулоғимга ҳеч нарса кирмас эди.

Тўсатдан, худди мен ўйлагандай Муқаддас ўқишдан тўхтади, гўё бу китобни сира қўлига қайтиб олмайдигандек, четга отиб:

— Сиз қўрқяпсизми? — деб сўради.

— Йўқ, — дедим, — нимадан қўрқаман?

— Мен шундай қўрқяпман, қўрқяпман, шундай қўрқяпманки, қўлимга китоб олгим келмай қолди! — деди Муқаддас ва ҳар сафаргидек бирдан ўйчанлик чўкиб, маъюс бўлиб қолган кўзларини бир нуқтага тикиб, кейин қўшимча қилди:

— Уқишга киролмай қолишимдан эмас, шарманда бўлиб уйга қайтиб боришдан қўрқаман... Ростини айтсам дадамни хафа қилишдан қўрқаман, — деди Муқад-

дас, сўнгра гап ўз-ўзидан Беговотга, уларнинг оиласига утиб кетиб қолди...

Муқаддаснинг онаси ўзини болаларига фидо қилиб, фақат уларнинг бахтини ўйлаб, уйда ўтириб қолган содда аёллардан экан, отаси заводда мастер бўлиб ишларкан. Лекин у киши мастерликка ўқиш, илм орқали эмас, пешона тери тўкиб, меҳнат билан эришган одамлардан экан. Уларнинг жуда кўп фарзандлари бўлган, лекин ҳозир фақат Муқаддас билан унинг укаси қолган, иккита акаси урушда ҳалок бўлган, ҳозир Муқаддас бу оиланинг энг қатта фарзанди экан. Шунинг учунми, ёки отаси ўзи ўқий олмасдан кўп заҳмат чеккани учунми, ишқилиб, кўпдан бери Муқаддасни ўқитиб, инженер қилиш орзуси кўнглига қаттиқ ўрнашиб қолган экан. Уйларига меҳмонлар келганда, дўстлари билан чақчақлашиб ўтирган чоғларида дадаси ҳамиша қизини чақириб, уларга кўрсатар, яхши ўқишини айтиб мақтар ва қизим албатта инженер бўлади, деб ўзи ҳам фахрланиб қўяркан.

Бизнинг тақдиримиздаги бу кутилмаган ўхшашлик мени ҳам таажжубга солиб қўйган, ҳам қаттиқ қувонтирган эди.

Муқаддаснинг ота-онаси тўғрисидаги қизларга хос бошқача бир меҳр-муҳаббат билан қилган ҳикоясини тингларканман, уларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсам ҳам, назаримда қаердадир учратгандек, биладигандек туюлар, гўё уларни кўпдан бери танийман, яхши кўраман. Кўнглимда ҳалитданоқ уларга нисбатан қандайдир бир фарзандлик туйғуси уйғонган, уларга бир яхшилик қилиш истаги туғилган эди. Менга негадир айниқса унинг дадаси ёқиб қолган эди. Кўнглимда гўё у менга меҳрибон бир ота бўлишига, мен эсам фронтда ҳалок бўлиб кетган ўз падаримни топиб олишимга ишонч уйғонган эди...

Муқаддаснинг ота-онаси, ўртоқлари, она шаҳри ҳақида, гоҳ маъюс, гоҳ қувончга тўлиб айтаётган ҳикоясини эшитарканман, кўнглимдаги бу истак-орзулар ҳам гуркираб ўсиб борар, яна хаёл дарёсида сузардим. Мен ҳалитданоқ бир кун эмас бир кун Муқаддас билан бирга чамадон кўтариб Беговотга боришимизни кўз олдимга келтира бошлаган эдим... Биз шаҳарнинг бир четидаги шафтоли, ўрик ва олчаларнинг қуюқ соясига кўмилган шинамгина ҳовлиларига кириб борамиз... Бизни эшикда чол-кампир кутиб олади. Кўзларидаги ёшларини артиб,

пешоналаримиздан ўпадилар, узок умр тилаб, дуо қилдилар...

— Ие, доим шунақа қиласиз-а? Ҳушингиз жойидами ўзи? Юринг!

Уйқудан уйғонгандек чўчиб кетдим. Китоб-дафтарларини қўлтиқлаб олган Муқаддас скамейканинг олдида менга таажжуб билан қараб турарди.

— Қаёққа? — дедим.

— Кетамиз...

Муқаддаснинг қошлари чимирилган, кўзларида аллақандай бир қатъиятлик бор эди.

— Нега энди? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Кўйинг, бирга дарс тайёрлай олмас эканмиз... Мен унга бошқа савол бермадим.

Шу топда менинг кўнглимда нималар бўлса, унинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш бир нарса бўлаётганини пайқаган эдим. Фақат уни бир-икки кун кўролмай қолишдан қўрқиб:

— Агар эрта-индин бир учрашсак... — деб гап бошлаган эдим, Муқаддас:

— Йўқ, энди имтиҳонда учрашамиз, — деди оғзимдан сўзимни олиб.

Биз индамасдан паркдан чиқдик ва хайрлашиб, иккимиз икки томонга кетдик. Уч-тўрт қадам босмасдан оқ орқамга ўгирилиб қарадим, худди шу пайт Муқаддас ҳам қаради-да, садаф тишларини чақнатиб бир кулди.

Қандай ажойиб қиз!

Тўсатдан кечаги қароримни унутиб қўйганимни, Муқаддасга севгим тўғрисида бир оғиз айтмаганимни эсладим. Эсладиму беихтиёр кулиб юбордим: унга бу ҳақда гапириб ўтиришга ҳожат қолмаган, чунки у ҳам мени севишига энди ишонаверсам бўларди. Энди олдимда бошқа мақсад турарди. Қандай бўлмасин ўқишга киришим керак эди!

\* \* \*

Ниҳоят, бизнинг тақдиримизни ечадиган сўнги имтиҳон ҳам келди. Бу сафар унинг қандай ўтганини, қандай саволлар тушганини ҳикоя қилиб ўтирмайман. Бунинг кераги ҳам йўқ, фақат шунга айтишим мумкинки, сўнги имтиҳондан яна Муқаддас тўрт олди, мен беш олиб чиқдим. Бунга Муқаддаснинг ўзи сабаб бўлди. Ўтган имтиҳонда унинг ўрнига кириб уч олганим унга жуда қаттиқ теккан экан, бу сафар менинг хоҳиш билдири-

шимга қарамасдан ўз навбатида кирди ва худди олдиндан кутгандек, тўрт олиб чиқди.

У шундай руҳи тушиб, лаблари титраб чиқдики, йиқилибди деган хаёлга бориб шошиб қолдим. Лекин «тўрт» олганини эшитиб қойиб бердим. Югуришиб келиб, қуршаб олган қиз-йигитлар ҳам уни уриша бошладилар:

— Иккита тўртга шунча хафа бўласизми?

— Сиз қўрқмасангиз ҳам бўлади, ўн саккиз у ёқда турсин, ўн етти бал олганларни ҳам қабул қилишади!

— Сизни қаранг, мен тўрт олсам дўппимни осмонга отган бўлардим!

Бу самимий гаплар Муқаддаснинг кўнглига таскин берди шекилли, мен имтиҳонни топшириб чиққанымда хийла ўзига келиб қолган эди.

— Ана, мен нима деган эдим? — деди қошларини чимириб ва ҳаяжонли овозда давом этди.

— Деканатга чиқдим. Қизларнинг гапи рост экан. Ун саккиз бал олганларни қабул қилишимиз аниқ дейинди!

— Энди кўнглингиз жойига тушдими?

Муқаддас кулди.

— Ҳали иншо нима бўлишини айтинг! Домла оғриб қолган эканлар. Бугун келибдилар. Натижасини тушдан кейин эшиттиришар эмиш, — деди у ва қўлидаги кичкина соатига кўз ташлаб қўшимча қилди:

— Нима бўлса ҳам тезроқ эшиттириша қолишса бўларди.

Кўчага чиқиб бир айланиб келишни таклиф қилдим.

Муқаддас бу сафар одатдагидек ийманиб, тортиниб турмади. Аксинча севишиб кетиб: «Лимонад ичиб келамид!» деди.

Биз кўчага чиқдик-да, қуюқ соя тушган хиёбонлардан паркка қараб кетдик. Кўчада одам кўп эди. Ҳар қачонгидек улар бизга қараб ўтар, айниқса ёш йигитлар менинг рашкимни келтириб Муқаддасга суқланиб тикиларди. Шу рашкданми, ё Муқаддаснинг яқинлигиданми, билмадим, ўзимни худди ловиллаб ёнаётган гулханнинг таптида тобланаётгандек ҳис қилардим, аъзойи баданимдан ловиллаб ўт чиқиб борарди. Муқаддас эса (ажаб!) гўё ҳеч нарса сезмас, у нимагадир севинар, ҳадеб кулар, юзлари гул-гул яшнаб, ўткинчиларнинг диққат-эътиборини яна ҳам ўзига тортар эди. Ундаги бу сабабсиз шодлик аста-секин менга ҳам ўтди-ю, кўнглимдаги фашликни тарқатиб юборди.

Иншонинг натижасини бир соатча айланиб қайтиб боришимиз биланоқ эълон қилишди. Биз борганда абитуриентлар аудиторияга тўпланиб бўлган эдилар. Хамманинг юзида ҳаяжон, аудитория сув селгандек жим. Биз эшикдан кирган жойда, орқада тўхтадик. Аудиториянинг тўрида, кўндаланг қўйилган катта столнинг орқасида, иншо ёздирган ўша катта, дўнг бурнига олтин сопли кўзойнак кўндириб олган мўйсафид домла турарди. У худди бизнинг кириб келишимизни кутиб тургандек, кўзойнагини тўғрилаб қўйди-да, қўлига рўйхатни олди.

Тўсатдан юрагим уришдан тўхтаб, нафасим қисилганини сездим, лекин домланинг: «Абдуллаева «беш» деган овози билан бирга гўё кўкрагимга оромбахш, хушбўй ҳаво қуйилиб енгил тортдим-у, ялт этиб қарадим; худди оқ дастурхонга қизил бўёқ тўкилгандек Муқаддаснинг бирдан оқариб кетган юзига қирмизи ранг тарқалиб, қулоқларигача ловиллаб ёнди. Қўлини қидириб топиб, секин қисдим, у миннатдор бўлиб бошини силкитди, сўнг, «жим» деган маънода қўлимни қисдида, домланинг оёзига тикилди: энди у менинг тақдиримни кутарди!..

Менинг фамилиям рўйхатнинг ўртасида, балки ундан ҳам олдинроқда бўлиши керак эди. Лекин бу масофа менга негадир жуда узоқ туюлди, гўё чумоли карвонидай тизилган рақамлар ва баҳоларнинг охири кўринмас эди.

— Содиқов... уч!

Мен ёмон бир ҳодиса рўй берганини «уч» сўзининг маъносини англашдан ҳам олдин «ялт» этиб қараган Муқаддаснинг кўзларидаги қўрқувдан билдим... Бир нафас хаёлим тўс-тўполон бўлиб кетди, кескин бурилиб аудиториядан чиқдим. Кетимдан Муқаддас ҳам чиқди. Мен нимага ва қаёққа кетаётганимни ўзим ҳам билмасдан узун йўлакнинг тўрига томон юргандим, Муқаддас қўлимдан ушлаб тўхтатди.

— Шошманг, қаёққа кетяпсиз?

— Қўйинг, нима қиласиз? — дедим тўсатдан, менга ачинишига қарамасдан қоп-қора ажойиб кўзларида бахт ва шодлик порлаб турган бу қизга кўнглимда қандайдир бир душманлик сезиб.

— Унақа деманг, балки ўн олти бал олганларни ҳам...

— Майли! Юпатмай қўя қолинг! Мен институтга

жиролмайдиган бўлганимдан хафа эмасман! Нима қиласиз мени...

— Бўлмаса нимага бундай қиляпсиз? — деди Муқаддас.

— Нимага эканини билмайсизми? — дедим унинг юзига газаб билан тикилиб. Мен шунчалик тўлиб-тошиб кетган эдимки, аудиториядаги қиз-йигитлар бирдан ёпирилиб чиқиб қолмаганда, кўнглимдаги бор гапни тўкиб ташлашдан ҳам тортинмаган бўлардим.

— Муқаддас! Сиз билан гаплашишим керак. Шу бугун, ҳозир гаплашишим керак...

Муқаддаснинг нимагадир сал ранги ўчди. У қандайдир таажжуб чўккан кўзларини юзимдан узиб четга қаради.

— Мен бугун... соат тўртда Беговотга кетмоқчи эдим.

— Шунақами? — дедим, — майли, йўлингиздан қолманг...

Овозим титраб кетди. Муқаддас юзимга бир қаради-ю, бошини кескин силкитди:

— Юринг!

Биз ўша паркка, атиги ярим соат олдин хушвақт бўлиб, ўйнаб-кулиб чиқиб кетган паркка қайтиб келдик. Паркда одам сийрак эди. Одатда бўш ётмайдиган хилват жойлардаги скамейкаларнинг кўпчилиги бутунлай бугун кимсасиз бўлиб, институтларда имтиҳон тугаб қолганлигини кўрсатиб турарди. Биз нимагадир бу хилват жойларда тўхтамас, тўхташни на у, на мен таклиф қилардик. Умуман мендаги бояги қатъийлик қаёққадир йўқолган, Муқаддаснинг «юринг» деган кескин гапидан кейин бирдан паст тушиб, журъатсиз бўлиб қолган эдим. Муқаддас эса менинг нима демоқчи эканимни яхши сезса керак, институтдан ўзи бошлаб чиққан бўлса ҳам, энди гап очолмас, оғзига сўк солгандек, чурқ этмасдан ерга тикилиб борарди.

Паркнинг энг охирига борганда, ўнг қўлдаги қизил қум сепилган торгина йўлнинг бўйида чирмовиқ билан қопланган кичик бир соябон кўринди. Биз унга кўзимиз тушиши билан худди олдиндан аҳдлашиб қўйгандек индамасдан баравар бурилдик...

Соябон тагида уч бурчак қилиб қўйилган иккита скамейка турарди. Муқаддас биринчи скамейканинг четига омонатгина ўтирмоқчи эди, қўлидан ушлаб, бурчакка ўтқаздим-да, ўзим унинг рўпарасига ўтирдим. Бирпас жим қолдик. Сўнгра Муқаддас юзимга бир қараб олди-да:

— Мен сиздан буни сира кутмагандим, — деди секин, буйеги кетиб, оқариб қолган босоножкасининг учи билан қумни ковлаб.

— Нимани кутмагандингиз? — дедим гапига тушунмасдан.

— Мен сизни... бунчалик...: бўшанг деб ўйламовдим. Биламан, осон эмас. Бироқ... сиз ўғил боласиз ахир!..

Муқаддас биринчи марта иззат-нафсимга теккан эди. Наҳот менинг нимага озор чекаётганимни ҳалиям тушунмаса?

— Сиз мени институтга киролмайдиган бўлганим учун алам қияпти деб ўйлаяпсизми? Агар билсангиз... Менга институтингиз керак эмас!..

«Бўлмаса нимага бунча хафа бўляпсиз?» — деган саволни кутиб тўхтадим. Лекин Муқаддас «чурқ» этиб оғиз очмас, ҳамон босоножкасининг учи билан қумни чизиб ўтирарди. Мен унинг кўнғир соч толалари орасидан қулоқларининг яна ловиллаб кетганини кўрдим: у нима демоқчи эканимга яхши тушунган эди! Бироқ тушунган бўлса ҳам бор гапни айтмасдан иложим йўқ эди, унинг мақсадимга тушунгани ҳолда гапимни жим ўтириб эшитиши эса кўнглимга далда берарди.

— Мен сизни деб... ёлғиз сиз учун! — дедим ниҳоят.

Муқаддаснинг боши яна ҳам пастроқ эгилди.

— Қўйинг, унақа деманг! — деди у секин титроқ овоз билан.

— Нимага демас эканман? Ахир мен сизни шунчалик...

Муқаддас секин бошини кўтариб пастдан юқорига қаради. Унинг учлари эгилган узун киприклари орасида гўё гул чаноқларига қўнган шудрингдек тиниқ ёш томчилари ялтираб, аллақандай титраб турарди.

— Менга ишонмайсизми? — деди у, деди-ю, лаблари худди ўксиган боланинг лабларидек пирпираб уча бошлади, киприклари орасидаги тиниқ томчилар кўпайиб, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Муқаддас! — дедим унинг қўлларидан ушлаб.

— Агар ишонсангиз... бунақа деманг...

Мен индамасдан уни ўзимга тортдим, ҳали ўзимга бахтимга, унинг бўса беришга рози эканига ишонмасдан бағримга босдим. Муқаддас жиндек ҳам қаршилиқ қилмади, у гўё боғбонга бўйин эгган ёш ниҳолдек итоаткорлик билан кўкрагимга бошини қўйди...

Бир минутга бу олам, оёқларим остидаги мен туғилиб катта бўлган бу ер, тепамдаги бу зангори осмон...

ҳаммаси қаёққадир йўқолди-ю, Муқаддас билан иккови-  
мизгина танҳо қолдик, холос...

Унинг лаблари худди баҳор қуёшини эмган лолани  
эслатар, лола япроқларидек майин ва илиқ эди, уларда  
тоғ шабадаси тегиб япроқ ёзган чечакларнинг ажиб та-  
роватли иси бор эди. Сочларидан, ажойиб қўнғир соч-  
ларидан райҳон ҳиди келарди...

Мана, бир ой бўптики, мен шу масъуд дамни, шу  
бўсани орзу қилардим: лекин уни қўмсаб кечалари уйқу  
кўрмай тонг оттирган чоғларимда ҳам мен бу лаблар-  
нинг бунчалик тотли бўлишини билмаган эдим, мен бит-  
та бўса худди чанқоқни қондирадиган бир пиёла булоқ  
суви каби қалбимдаги бутун алам ва изтиробларни боса  
олади деб ўйламаган эдим!.. Ажабо, битта бўса кўнглим-  
даги ҳамма чигалларни ечиб ташлаган эди.

Паркдан чиқиб Муқаддас билан бирга яна институт-  
га томон борарканман, ўзимни асфальт устида эмас, гўё  
пат гилам устида юриб кетаётгандек ҳис қилардим, лаб-  
ларимда ҳамон лабларининг бахмал майинлигини сезар-  
дим, димоғимга ураётган райҳон ҳидидан бошим айла-  
нарди.. Фақат инсититутга кирганимизда ва мен эшикда  
қолиб; Муқаддас «бир минутга» қабул комиссияси жой-  
лашган хонага чиқиб кетганидагина энди мен учун бу  
бинонинг эшиги ёпилгани эсимга тушиб, яна юрагим  
бир қисилиб қўйди. Сўнг оймга телефон қилмаганимни  
эслаб, эшикдан кирган жойдаги телефон-автоматга бор-  
дим.

Ойимнинг қўрққан, титроқ овози узоқдан жуда ға-  
лати эшитилди.

— Нима дединг? Нимага уч бўлади?

— Нимага бўларди? Ёмон ёзганим учун-да! — дедим  
мен энсам қотиб.

— Дадангга айтдингми?

— Нима дейман?

— Дарров айт! Тентак бўлдингми? Сенга айтяпман,  
эшитяпсанми — дарров топиб айт!

— Хўп!

Юқоридан Муқаддаснинг тушиб келаётганини кўриб  
трубкани илиб қўйдим.

«Энди бир қилмаган ишим имтиҳондан йиқилдим, деб  
Салим Каримовичга йиғлаб боришим?»

Мен унинг қандай қилиб уч олганимни синчиклаб  
узоқ суриштиришини, аччиғи чиқиб пўнғиллашларини  
кўз олдимга келтирдим.

— «Йўқ, ўлсам ҳам бормайман!»

Муқаддас кулгисини, қувончини яширишга ҳаракат



қилар, лекин қирғоққа сапчиган тошқиндек, шодлик юзига тепиб, хўзларида жилваниб турарди.

— Ўн саккиз бал олганларнинг кириши шак-шубҳасиз эмиш! деди-да, кўнглимни кўтариш учун бўлса керак: — Ақалли ўн етти балга ҳам етолмадингиз-да! — дея қўшимча қилди.

Бояги игна юрагимга яна бир қадалди.

У дарҳол Беговотга жўнамоқчи эканини айтди, шундай айтдики, гўё мендан ижозат сўради. Мен уни кузатиб қўймоқчи бўлдим. У қаршилиқ билдирмади. Умуман илгари кинога боришга кўнмай юрган бу қиз, бугун битта ҳам илтимосимни рад этмас, гўё бу билан қалбимдаги ярага малҳам берарди. Менинг эса бунга ҳам кўнглим тўлмас эди. Кейинчалик мен, Муқаддаснинг муваффақияти ва ўз муваффақиятсизлигим ўша кунни мени қандайдир инжиқ ва эгонист қилиб қўйганини, умуман мен ўзимни ўғил болаларча тутмаганимни кўп марта уят билан эслардим. Аммо ўша вақтда мен буни сезмасдим. Афтидан, худди шундай инжиқликнинг таъсирида бўлса керак, вокзалда поезд кутиб ўтирганимизда, мен чидай олмадим-да, бизнинг муносабатимиз келажакда қандай бўлишини билмоқчи бўлдим...

— Кейин. Мен қайтиб келай, кейин гаплашамиз! — деди Муқаддас ва энди боягидек йиғлаб эмас, кулиб туриб сўради:

— Бир нимадан шубҳа қиялсизми?

— Йўқ, нега? — дедим дудуқланиб.

Муқаддас бир зум жим қолгач:

— Энди нима қилмоқчисиз? — деб сўради.

— Нима қилардим. ишлайман, — дедим ва бу сўзларим Муқаддаснинг юзида қандайдир илиқ ва шод табассум уйғотганини кўриб қолдим.

— Агар йиқилганимда мен ҳам ишлардим, — деди Муқаддас нимагадир ҳаяжонланиб, — ўзимизнинг металл заводимизга кириб ишлардим. Сиз ҳам заводга кириш. Бунақа юришдан ҳеч бир фойда йўқ...

Мен машинасозлик заводининг бир йиллик стажибор ишчиси эканимни айтмоқчи эдим, поезд жўнайдиغان бўлиб қолди. Шошиб хайрлашдик. Муқаддас вагоннинг зинапоясига чиқаётиб қулоғимга шипшиди:

— Икки-уч кунда қайтиб келаман. Ётоқхонага келинг, кутаман. Хўпми?

Поезд узоқлашиб, унинг шамолда ҳилпираган оқ шойи кўйлаги кўздан йўқолгунча қараб турдим.

Кўнглим энди мутлақо тинчиган эди. Қулоқларим

тагида «Ётоқхонага келинг. Кутаман...» деган сўзлари такрорланар ва юрагимга аллақандай осойишта ва сўнмас бир шодлик бағишлар эди.

Кўчада, қаёққа боришимни ўйлаб, бир нафас турдим, сўнг бирдан қандайдир енгил тортиб, қувонч билан қарор қилдим — заводга!

Заводни эслашим билан бўлиб ўтган ҳамма воқеа қайта эсимга тушиб, ўзимдан ўзим уялиб кетдим.

Лекин шу заҳотиёқ «шунчалик хижолат бўладиган бирон жиноят қилдимми?» — деб ўзимни юпатиб қўйдим, кўнглим ўша осойишта, ёруғ қувончга тўлиб, автобус билан заводга жўнадим.

\* \* \*

Заводга биринчи смена ишини тугатиб, навбатдаги смена ишга тушадиган пайтда етиб бордим. Автобусдан тушиб заводнинг қизил ғиштдан қурилган баланд кўрғонига қараб юрганимда, дарвозадан ишчилар ҳам тўптўп бўлиб чиқа бошладилар. Уртоқларимни кўчада кутсам ҳам бўларди-ю, цехни, станогимни бир кўриб кетиш ниятида ичкарига кирдим.

Дарвозадан кираверишда ярим гектар келар-келмас гулзор бор эди. Гулзорнинг ўртасида заводнинг ҳурмат тахтаси, баъзи стендларга завод физкультурачилари олган кубок ва фахрий ёрлиқлари қўйилганди. Гулзорнинг орқасида, то кўз илғамас жойларгача, бир-бирига параллель қурилган баланд ойнаванд цехлар қад кўтарганди. Улар худди катта парникларни эслатарди.

Бизнинг механика цехимиз гулзорнинг орқасидаги учинчи бинога жойлашган.

Ҳовлига киришим билан гулзорнинг ўртасидан ўтган йўлнинг чап томонида, кичкина цемент ҳовузчанинг ёнида тўпланиб турган бригадамиз йигитларига кўзим тушди. Менинг тўғримда қандайдир гап кетаётган бўлса керак, дарвозадан киришим билан йигитлардан бири:

— Ана, ўзи ҳам келди! — деб юборди.

Ҳовузнинг ёнига тиз чўкиб, соқол қиртишлаётган Кулоянц:

— Оламда бормисан, академик? — деди кўлик чап-лашган юзини буриб, — Изламаган жойимиз қолмадику? Қаёқларда юрибсан?

— Нима гап ўзи? — дедим, йигитлар билан кўришарканман, лекин говур-ғувур бўлганиданми, билмадим, ҳеч ким менга жавоб бермади.

Белигача қип-яланғоч бўлиб, краннинг сувига ювинаётган Тўлаган дабдурустдан,

— Уртоқлар, тунов куни мен буни битта жонон билан бошлашиб юрганини кўрувдим! — деди итоатсиз сочларини артаркан. — Аммо жонони жа зўр экан!

— Шунинг учун ўқишга кирмасдан қочиб юрган экан-да, — деб кимдир орқамдан гап отган эди, ҳаммаси бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

— Нима гап ўзи? Нимага қидирдиларинг? — дедим юрагим пўкиллаб.

Соқолини олиб бўлиб ёнимга келган Қулоянц елкамга битта туширди:

— Жононга ошиқ бўламан деб ақлу ҳушингдан айрилибсан-да! Тунов кунги гаплар эсингдан чиқдимми?

— Бригадамиз Коммунистик меҳнат бригадаси, деган ном олмоқчи-ю, сен бўлсанг лақиллаб юрибсан. Қойилман сендақа академикка!

— Одамларни чалғитма! — деди Тўлаган пахмоқ сочиқ билан мускуллари бўртиб турган баданини қизартириб артаркан, — ном олиш учун курашга бел боғламоқчимиз дегин! Ҳали пойгада ўзиб келсанг оласан бу номни!

Мен ғашим келиб: «Э, қўйсанг-чи бу сохта гапларни. Бу қуруқ сафсаталарга ўзинг ҳам ишонмайсан-ку?» деб бақиргим келди, лекин бир йил бир цехда бирга ишлашиб, анча дўстлашиб қолганимиз учунми, уларни ранжитгим келмади. Шу пайт: «Э, Шарифжон кепти-да», — деган йўғон, дўриллоқ овоз эшитилди:

Сулаймон ака ҳам Тўлаганларга ўхшаб одатдаги ишчи коржомаси ўрнига янги костюм-шим кийиб, бўйнига галстук тақиб олган эди. Мен буни кўрдиму, ҳамма гапга тушундим.

Демак, ҳозир мажлис бўлади. Мажлисда булар мени ўртага олиб тоза пўстагимни қоқишади. «Коммунистик бригада» деган ном олаётганимизда ишдан қочяпсан», деб роса изза қилишади.

Шу ҳақда ўйладиму, юрак ютиб, Сулаймон акага:

— Сизга бир оғизгина гапим бор эди, — деб илтижо қилдимда, у кишининг жавобини ҳам кутмасдан йўлакка чиқдим:

Сулаймон ака кулимсираб:

— Ҳа, нима гап, тинчликми ўзи, ўғлим? — дея орқамдан чиқди.

Шу топда ўзим жуда тўлиб турган эканманми, ё Сулаймон аканинг илиқ муомаласи сабаб бўлдими, ишқи-

либ шу залнинг ўзидаёқ у «ўғлим» деб гап бошлаши биланоқ, оғзидан сўзини олиб, бўлган воқеани сўзлай кетдим. Хаяжонланиб, дудуқланиб гапира бошладим. Сулаймон ака пала-партиш ҳикоямни типпа-тик турганича олдин кулимсираб (афтидан, менинг самимийлигимдан севиниб), сўнгра қошларини чимириб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб, индамасдан эшитди. Гап-риб бўлганимда клубда битта ҳам одам қолмаган, бўш залда фақат иккимиз турардик. Ниҳоят Сулаймон ака кўзларини бир нуқтадан узиб, юзимга тикилди.

— Агар сўнгги имтиҳондан ҳам яхши ўтганимда... бу ерга қайтиб келмас экансан-да, шунақами? — деб сўради.

— Ҳа, — дея бош ирғатдим.

Унинг юзига қарашга журъат этмасдим, гапни ўзим бошлаган бўлсам ҳам юрагимда бор гапни айтиб бўлганимдан кейин бирдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

Жуда узоқ туюлган жимликдан кейин Сулаймон ака:

— Эрталаб ойинг уйда бўладими? — деб сўради.

— Бўлсалар керак.

— Айтиб қўй: эрталаб соат саккизларда бораман, йўлдан кириб ўтаман.

Ялт этиб унинг юзига қарадим. Сулаймон ака ўсиқ қошларини чимириб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб, узун, дағал бармоғи билан учлари сарғайиб қолган мўйловини силаб турарди. Бошимни кўтаришим билан у ҳам қаради, томирлари бўртиб чиққан катта, ялпоқ кафтини чўзди:

— Хўп, гап шу! — деди у, — эртага учрашамиз!

«Нима демоқчи? Ойим билан нима тўғрисида гап-лашмоқчи?» хаёлимда шу нотинч ўйлар билан уйга кетдим...

\* \* \*

Уйга кун ботиб, қош қорайиб қолганда кириб бордим. Ойим гулзорнинг ўртасидаги супада икки қўлини тиззасига қўйиб, аллақандай ўйчан, ғамгин бир вазиятда ўтирар, оқ шойи кўйлагининг устидан попукли ипак камар тақиб олган Салим Қаримович эса супа билан гулзор ўртасидаги бир парча ерда у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди. У камарининг бир учини ўнг қўлига ушлаб олган ва унинг попуғи билан чап қўлини ҳадеб савалар, бу эса унинг нимадандир безовта бўлаётгани-

ни кўрсатарди. Эшик «ғийқ» этиб очилиши билан Салим Каримович тўхтади. Кўзойнаклари устидан тикилиб қаради. Ойим чўчиб бошини кўтарди.

— Хайрият! — деди Салим Каримович ва нимагадир бошини чайқаб уф тортиб қўйди. — Биз сени деб қаёқларга бориб, эрталабдан бери чоп-чоп қилиб юрибмиз-у, сен бўлсанг... ўз ҳолингга юрибсан. Одам деган ҳам шунақа бепарво бўладими, ўғлим?

Ойим индамасдан ўрнидан туриб олдимга келди ва аллақандай ҳолсиз, чарчоқ овозда:

— Қаёқларда юрибсан, болам? — деди секин. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлганини кўриб, шошиб қолдим.

— Қани юр, уйга кирайлик, — деди Салим Каримович қатъий овозда, — бир соат вақт қолди!

Ҳайрон бўлиб бир ойимга, бир Салим Каримовичга кўз ташладим. Салим Каримович менга қараб мамнун куяди:

— Бир бало қилиб ишингни тўғриладик, ўғлим... Уртоқлар илтимосимизни қайтармадилар. Қани бўла қол, иншонингни тўғрилаб келганман, тезроқ кўчириб бер!..

Шошганимдан:

— А? — деб юбордим. Салим Каримовичнинг бу хабаридан қувониш керакми, йўқми, буни ҳали ўзим ҳам яхши тушуниб етмасданоқ, ёдимга Сулаймон Акрамович тушди. Тушди-ю, кўнглимининг бир четига «ярқ» этган шодликка совуқ сув сепилгандек бўлди.

— Йўқ, фойдаси йўқ, — дедим. — Энди фойдаси йўқ...

Бу сўзларни секин айтдим, лекин қизиқ, шундай дейишим билан Муқаддасни эсладим!

«Наҳотки тўғрилаш мумкин бўлса? Наҳотки биз бир институтда, бир аудиторияда, бир жойда ўтириб беш йил ўқишимиз мумкин бўлса? Наҳотки у билан доим бирга бўлиш бахтига муяссар бўлолсам?»

— А? — деди Салим Каримович, — қайта айт: нима дединг?

— Уйга кирайлик, уйга кириб гаплашайлик, — деди ойим. Унинг овозида қандайдир қўрқув бор эди.

— Бу қандоқ бўлди? — деди Салим Каримович. У бунақа жавобни сира кутмаганидан бўлса керак, кўзойнагини дам қўлига олар, дам қайта тақиб, бир ойимга, бир менга қарарди, — ўқишга хоҳишинг йўқ бўлса, яъни умрбод шу заводда оддий ишчи бўлиб ўтаман десаңг... тагин ўзинг биласан. Аммо бундай қулай пайт

турмушда бир келади, ўғлим. Сенинг ўрнингда бўлсам, уни қўлдан бермас эдим, тагин ўзинг биласан!

Ойим қўлимдан ушлади:

— Юр, ўғлим, уйга кирайлик...

Индамасдан ойимнинг кетидан уйга кирдим. Салим Каримович нимагадир кирмади.

Хаёлим бирдан тўс-тўполок бўлиб кетган, кўнглимда бир-бирига зид ҳислар олишмоқда эди. Ҳақиқатан ҳам ғалати аҳволга тушиб қолгандим. Муқаддасни десам, бояги ажойиб одамлардан, дўстларимдан айирилишимни сезардим, лекин уларни десам... Муқаддас нима бўлади?..

Ойим айвондан уйга кираётиб эшик тепасидаги турмачани босди. Уйни чарақлатиб юборган лампочка нурида столда турган катта сопол товоқ тўла ошни кўрдим. Ошга ҳеч ким қўл урмаган, афтидан, ойим уни менга сузган-у, келмаганимдан кейин ўчоққа қўйишни унутган, ош совиб қолган эди.

— Овқатингни иситиб берайми? — деди ойим. «Йўқ» деб бош чайқагандим, юзимга тикилди.

— Қани ўтир, нима гап ўзи, тузукроқ тушунтир-чи?

Ойим қўлимдан тортиб стулга ўтқизди-да, ўзи ҳам четда турган стулни рўпарамга суриб ўтирди. Лампочканинг кўзни қамаштирувчи ўткир ёруғлигида унинг пешонасидаги, кўзлари ва лабларининг четларидаги ажинлари аниқроқ кўриндими, ё бутун қиёфасидаги аллақандай мунгли, маъюс ифода таъсир этдими, билмадим, ишқилиб, биринчи марта унинг хийла қариб, чарчаб қолганини аниқ кўрдим. Назаримда унинг дилида менадан, ўз фарзандидан яшириб юрган бир дарди, нидоси бордек туюлди-ю, бир секундга оёғига чўккалаб, унинг тиззасига бош қўйгим; ювилавериб ранги ўчиб қолган чит қўйлагига юзимни яшириб, ором олгим, ҳамма нарсани унутгим келди... Лекин худди шу пайт ойимнинг кўзларидаги маъюслик аллақандай совуқ бир ифода билан алмашди.

— Нимага индамайсан? Қаёқларда тентираб юрибсан?

Бу совуқ ифодани кўрмаслик учун ерга қарадим, шу вазиятда бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб бердим, заводга борганимни, дўстларимнинг қандай қарши олганларини, Сулаймон Акрамовичга сиримни очганимни ва унинг эртага келмоқчи бўлганини — ҳаммасини гапириб бердим, фақат Муқаддас тўғрисида ҳеч нима демадим.

Ойимнинг кўзларига ўйчанлик чўккан эди. У юзимга тикилиб ўтирар, лекин хаёли бошқа ёқларда эди. Аста-секин қалбимга тағин бояги туйғулар қуйилиб кела бошлади: тағин боягидек унинг муштипар бир аёл эканини, кўнглининг бир бурчида мендан яшириб юрган сирлари борлигини ўйлай бошладим, бироқ худди боягидек тағин кўнглим эриб кетаётганда ойим гап бошлади:

— Сулаймон ака билан ўзим гаплашаман, — деди у босиқ, маънос овозда, — унга ҳаммасини ўзим тушунтираман. Нечук сени ўқишга киритишга бунчалик уринаётганимни ўзингга ҳам айтиб бераман, болам. Эҳтимол мен нотўғри қилаётгандирман. Бироқ бошқа иложим йўқ. Бунинг сабабини кейин тушунтириб бераман, болам. Лекин... Сен ҳозир дадангнинг айтганини қил: иншонини унга кўчириб бер. Бўлмаса кеч қоламиз...

Йўқ, ёш бўлишига қарамасдан юзини ажин тўри қоплаган бу аёл ўглининг заводга кириб ишлашидан қўрқадиган хотинлардан эмас. Буни мен яхши билардим. Демак, уни бу ишга мажбур этаётган қандайдир бошқа сабаблар бор!

Ойим менинг кўнмасдан ўжарлик қилишимни кутган бўлса керак: «Сен олдин иншони ёзиб бер, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман, ҳаммасини айтиб бераман» деган сўзларни бир неча марта такрорлади. Мен эсам... Ойим бу сўзларни ҳар такрорлаганида елкамни босиб турган оғир тошларнинг биридан қутулаётгандек, бўлардим, ўзимни тобора енгил сезардим... Ахир менинг ўқишим шунчали шарт экан, бунга ҳозирча мен учун номаълум бўлган жуда муҳим сабаблар бор экан, ниҳоят Сулаймон Акрамовичга ҳам ойимнинг ўзи жавоб берар экан, нимага унинг талабини адо этмас эканман? Зотан унинг талабини рад этишга қандай ҳақим бор?

Тўғриси айтсам, кўнглимнинг бир четида қандайдир шубҳа бор эди. Ойим келтирган, тўғрироғи, иншони ёзиб берганимдан сўнг айтадиган далиллари қанчалик салмоқли бўлмасин, дўстларим олдида ўзимни оқлай олмаслигимни сезардим, лекин... кўз олдимда кулиб турган Муқаддас, у билан беш йил бирга бўлиш истаги бу ўйлардан зўр чиқди-ю, қандай қилиб: «хўп» деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

Ойим ташқарига чиқиб бирпасдан кейин дадамни бошлаб кирди. Нимагадир кулимсираган, афтидан, ўз ишидан мамнун бўлган Салим Қаримович қўлимга ўроғлиқ қоғозни бераркан:

— Қанақа ёзганингни бир кўриб қўйгин-у, қанақа ёзиш кераклигини ҳам ўрганиб олгин, — деди жилмайиб, — келажагингни шу қоғоз ҳал қиладн. Эҳтиёт бўл, ўғлим!

Бу ўша — Гулнор билан Йўлчи тўғрисида ўз қўлим билан ёзган иншо эди. У қизил қалам билан шундай тузатилган, шундай чизиб ташланган эдикн, худди қуроқ кўрпани эслатар, қалам тегмаган битта ҳам жумла қолмаган эди. Мен бунчалик тузатишларнинг сабабларига тушунмоқчи бўлиб, иншони ўқий бошлаган эдим, дадам қўлини елкамга қўйиб:

— Олдин кўчириб бер! Кейин ўқийсан! — деди.

Ойим бу гаплар менинг иззат-нафсимга тегиб кетишидан кўрқса керак:

— Бўлақол, болам, тезроқ кўчириб берақол, — деди секин.

Ойим кўрқмаса ҳам бўларди: Салим Қаримовичдан хафа бўладиган жойим ҳам йўқ, ҳақим ҳам йўқ эди.

Кейинчалик ҳамма нарса ҳал бўлгандан кейин мен ҳар сафар ўша дақиқаларни эслаганимда шундай уялар, юрагимни шундай қаттиқ бир оғриқ чангллаб олардики инграб юборардим. Лекин у маҳалда бировнинг қўли билан тузатилган иншони кўчириб нақадар катта хато қилаётганимни сезмас эдим, чунки хаёлим қувончли бир фикр билан банд эди: — Энди Муқаддас иккимизни ҳеч нарса ажрата олмайди!

Менинг ўрнимда ҳамма ҳам шу аҳволга тушиб қолармикин, ё мен ўзим шунчалик беқарор эканманми, билмадим, ишқилиб, ўшандан атиги бир соат олдин, мажлис вақтида қилган афсусларимни унутиб, иншони қайта кўчирар эдим. Мажлис маҳалида, у ерда жўш урган меҳнат руҳига мафтун бўлиб, Муқаддасни унутган бўлсам, энди ўша дўстларимни, ўша ажойиб руҳни унутиб, ёлғиз Муқаддасни ўйлардим...

Ниҳоят ёзиб бўлдим. Салим Қаримович ёзганларимни ўзи бир марта ўқиб чиққач, бирор соатда қайтиб келишни ваъда қилиб, ошнаснинг олдига жўнади. У чиқиб кетиши билан ойимга қарадим: унинг қўлида бу нотўғри, ифлос кирдикорни оқлайдиган қандайдир бир ҳужжат бор эди. Мен бу ҳужжатни кўришни, виждоним олдида ўзимни оқлашни истардим! Ойим ҳам менинг мақсадимни сўзсизоқ тушунди шекилли, уйнинг тўрига бориб, бутун деворни қоплаб олган гулдор чойшабни кўтариб миҳга илди ва тахмонда турган катта эски сан-



диқнинг устидаги кўрпаларни битта-битта олиб столга қўя бошлади.

Мен индамасдан унинг ишини кузатиб ўтирардим. Кўрпаларни олиб бўлгач, ойим сандиқни очди-да, унинг ичидан четлари қирқилган эски бир чамадон олиб, олдимга қўйди. Чамадонни очаётганида қўллари секин титраётганини пайқаб қолдим.

«Нега?! Мен ҳамма балони ўзим қилиб, яна айбни унга тўнкаб, дилига озор бераётганим йўқмикин?..»

Чамадондаги нарсалар оқ шойи билан ўралган эди. Ойим шойини кўтарди ва мен эҳтиёткорлик билан тахланган бир чамадон хатларни, эски конвертларни кўрдим. Уларнинг кўпчилиги уч бурчак хатлар бўлиб, саргайиб, четлари йиртилиб кетган, кўк қалам билан битилган устидаги ёзувлари ҳам ўча бошлаган эди.

— Бу... отангнинг хатлари, — деди ойим, деди-ю, кўзалари жиққа ёшга тўлди, — мана, ўзиниям бир кўриб қўй...

Ойим хатларнинг тагидан катта бир конверт толиб ундан иккита сурат олди ва биттасини менга узатди.

— Фронгда тушган сурати...

Бу — узун бўйли, чакка суяклари туртиб чиққан, лунжлари ичига ботиб кетган қоп-қора бир одамнинг сурати эди. У жилмайиб турар, лекин негадир, афтидан, жуда озиб-тўзиб кетгани учун бўлса керак, йиғлаб турганга ўхшарди. Унинг бошида эски пилотка, энгида ёнжимланган эски гимнастёрка, оёғида катта рабoчий этик, суратнинг тагига эса қалам билан «Ленинград, 1941» деган ёзув битилган эди. Кўзим шу ёзувга тушди-ю, йиғлаб турганга ўхшаган бу қоп-қора новча одам юрагимга яқин, меҳрибон, гўё мард ва довурак бир кишига айланди, гўё «Ленинград, 1941» деган сўзлар тўсатдан ярқ этиб нур сочди-ю, бу нур пилотка кийган нотаниш одамнинг қалбини, ички дунёсини, руҳини ёритиб юборгандек бўлди...

«Отам!» мен бу сўзни фақат хаёлимда тилга олсам ҳам, у тўсатдан кўнглимни эритиб юборди. Ажабо: мен бу сўзни биринчи марта чин қалбимдан, самимий тилга олишим эди...

— Мапа, буни ҳам бир кўриб қўй. — Ойим иккинчи суратни чўзди, чўзаркан; билинар-билинемас қизаргандек ва кулимсирагандек бўлди.

Бу дадам иккисининг урушдан олдин олдирган суратлари эди. Иккиси ҳам ёш ва бахтиёр эдилар.

— Мана шу одам сенинг отанг, ўғлим; — деди ойим

секин. — Мен отанг олдида гуноҳкор эмасман, ўғлим. Хоҳласанг, мана хатларини ҳам ўқиб кўр. Мен жуда ёш бўлганим учун... турмуш қилдим. Бироқ мен ҳанузгача..: — Ойим энтиқди, бир секунд сўзидан тўхтаб, рўмолча билан кўзларини артди, сўнгра ўзгарган, босиқ овозда давом этди: — Мен уни ҳанузгача унутганим йўқ, ўғлим. Шунинг учун унинг биттаю битта васиятини бажармасам виждоним олдида тинчий олмайман. Унинг биттаю битта васияти — сени ўқитиш эди, ўғлим, сени ўқитиб инженер қилиш эди. У ўзи инженер эди, яхши инженер эди. Сенинг ҳам инженер бўлишингни орзу қиларди. Мана, унинг ўлим олдида госпиталдан ёзган хати. Ишонмасанг, ўзинг ўқиб кўр.

Ойим бир чамадон хатларнинг орқасидан уч бурчак қилиниб буқланган ва устига кўк қалам билан адрес ёзилган сарғиш конвертни олиб, менга чўзди.

— Госпиталдан, ўлим олдида ёзган хоти, — такрорлади ойим, кейин юзимга қарамасдан секин қўшимча қилди:

— Отанг қорнидан яраланган эди...

Хатни олмадим. Отам тўғрисида яна бир оғиз сўз эшитадиган бўлсам, ўзимни тутолмай қолишимни сездимда, ўрнимдан туриб эшикка томон юрдим. Ойим тўхтатмади: у менинг қалбимдаги ҳисларни тушунган эди.

Ташқарида ҳаво бирдан ўзгариб, шамол кўтарилган, ҳовлидаги олча ва ўриклар совуқ куз келаётганини эслатиб қаттиқ гувиллар, шовиллар эди. Тиниқ, бахмалдек майин осмонни тўлдирган юлдузлар ҳам бугун одатдагидан бошқачароқ кўринар, муз парчаларини эслатиб совуқ чиқнарди...

Айвоннинг устунига суяниб бир нафас турдим. Дарахтларни эгиб, гувиллатиб эсаётган шамол юзимга уриб, кўнглимдаги ғулғулни тагин ҳам кучайтириб юборди.

Деразадан ойимнинг сояси кўринди: у кўрпаларни жойига йиға бошлаган эди. Секин бориб жойимга, олчалар орасидаги ёғоч каравотга ўзимни ташладим.. Шамол ҳамон гувиллар, дарахтлар куздагидек қаттиқ шовиллар эди.

Ойимнинг гапларидан кейин мен унинг ўзича ҳақ эканлигини тушундим, лекин қизиқ, дадамнинг хатлари, сурати, ойимнинг ҳикояси кўнглимни тинчиттиш у ёқда турсин, ўйларимни тўс-тўполон қилиб юборган эди. Бу

хатлар эҳтимол ойимни оқлар, лекин менн-чи? Менн оқлармикин?

Бу ўйлардан қутулиш ниятида бошимни кўрпага ўрадим.

\* \* \*

Эрталаб кун чиқар-чиқмас уйғондим. Тундаги шамол тинган, осмон кўм-кўк, тиниқ эди. Қуёшнинг илк нурлари ҳовлидаги икки туп мирзатеракнинг учларида жилваланар, ҳаммаёққа қандайдир осойишталик чўккан, ҳовли сув сепгандек жимжит эди.

Тўсатдан уй томондан Салим Қаримовичнинг овози эшитилди. Ҳайрон бўлиб муздек олча шохларини эгиб мўраладим, чунки Салим Қаримовичнинг бунақа эрта турадиган одати йўқ эди. Уйдан ойим билан катта чарм папкасини қўлтиқлаб олган Салим Қаримович чиқди.

Норози овоз билан секин гапирмоқда эди:

— Мен у одам билан гаплашишни истаймайман. Аммо эҳтиёт бўлинг. Бир чатоқ чиқса мен ҳам, ўртоқлар ҳам уятга қоламиз.

— Сулаймон ака гапга тушунадиган одам, — деди ойим; ўзим ётиғи билан тушунтириб қўяман.

— Хўп. Ишқилиб уятга қолмайлик. Ҳозирги пайтда бу ниҳоятда нозик масала...

«Иншо тўғриланибди!» Миямда «ярқ» этган бу фикр нимагадир дилимни равшан қилолмади. Бирдан Сулаймон ака келадиган вақт яқинлашиб қолганини эслаб, ўрнимдан турдим. Қизиқ, хаёлимга келган биринчи фикр уйдан тезроқ чиқиб кетиш, у билан учрашмаслик, уни кўрмаслик бўлди. Кранга бориб муздек сувга бошимни ювдим. Кийиниб энди чиқаман деб турганимда дарвоза томондан ойим кўринди.

— Иншонинг тўғриланибди, табриклайман, ўғлим! — деди у кулимсираб. Лекин кўзлари худди кечагидек маъюс эди.

— Йўқ, йўқ, сен кетмагин, — деди ойим Сулаймон ака билан учрашмаслик ниятида кетмоқчи бўлаётганимни эшитиб. — Сўраб қолса уят бўлади.

Ойимнинг ҳаяжонланаётганини тушундим-да, қайтиб жойимга бориб ётдим.

Кўнглим ғаш эди, ҳатто нимадандир кўрқардим, бу кўрқув дилимга озор берар, иззат-нафсимга тегар, лекин ундан қутулишга ожизлик қилардим.

Дарвоза тақиллади. Ойим шошиб, тез-тез юриб ўтиб

кетди. Бир оздан кейин Сулаймон аканинг ясамага ўхшаган дўрилдоқ овози гўё ҳовлини тўлдириб, жаранглатиб юборди:

— Чой-пойга овора бўлманг. Ҳаммаси бўлиб беш минутга келдим, холос. Қани, шу сўрида ўтира қолайлик.

— Уйга кирайлик, ҳали сизга айтадиган анча гапларим бор, — деди ойим.

Сулаймон ака уйга кириш-кирмаслигини билмасдан иккиланди шекилли, бир зум жим қолди.

— Мен сиз билан гаплашаман, деб келсам, ҳали сиз мен билан гаплашиб қўяман денг! Оббо сиз-э... Шарифжон қани? Чақиринг уни!

Юрагим «шув» этиб ўрнимдан туриб кетдим. Лекин шу вақт ойимнинг:

— «Шарифжон шу ерда, олдин ўзимиз бир гаплашиб олайлик, кейин уни ҳам чақирамиз», — деган сўзлари билан кўнглим бир оз ўрнига тушгандек бўлди.

— Ҳай, майли, гапингиз бўлса эшитайлик, — деди Сулаймон ака. — Аммо бошқа нарсага овора бўла кўрманг. Шошиб турибман.

Сулаймон ака катта, оғир этиклари билан ерни гурс-гурс босиб айвонга чиқди, кейин иккиси ҳам уйга кириб кетдилар-у, овозлари эшитилмай қолди.

Ўрнимдан туриб ўтирдим. Юрагим пўкиллаб урар, бир ўйим чопиб бориб суҳбатларини бўлгим, «ўқишни ҳам, ишни ҳам йиғиштириб қўйдим!» — деб бақиргим келарди...

«Беш минут ўтираман», деган Сулаймон аканинг уйга кириб кетганига чорак соатдан ошиқроқ вақт ўтди-ю, лекин ундан дарак йўқ эди.

«Нега буларнинг гапи жуда чўзилиб кетди? Еки ойим менга кўрсатган хотларини унга ҳам кўрсатяптимикин?» тоқатим тоқ бўлди. Деразадан кўриниб қолмаслик учун кранни айланиб ўтиб, айвонга яқинлашдим. Ичкаридан Сулаймон аканинг овози эшитилиб турарди. Устуннинг ёнига борганимда сўзлари қулоғимга аниқ-аниқ кира бошлади:

— Хўп, тағин ўзингиз биласиз, лекин қаттиқ янглишаётганингизга шубҳам йўқ! — дерди Сулаймон ака. — Бунга менинг имоним комил, Раҳимахон! Шундай ажойиб ишчи, ажойиб одам бўлиб етишаётган ўсмирни йўлдан урибсиз-а? Бай-бай-бай!

Ойим бир нима деяётган бўлса керак (унинг овози эшитилмас эди), Сулаймон ака бир неча дақиқа сукут

қилди, сўнгра илгаригидан кўра асабий ва қаттиқроқ овозда:

— Мен Содиқни сиздан кам билмайман! — деди, — биз бирга ўқиганмиз, фронтда ҳам бирга бўлганмиз! У Шарифнинг инженер бўлишини орзу қиларди. Бу — тўғри! Лекин Содиқ ҳаёт бўлганида сира бу йўлга бошламас эди. Сиз уни бойваччага айлантирмоқчи бўляпсиз! Аммо гап уни бойвачча инженер қилиб етиштиришда эмас, гап уни одам қилиб етиштиришда!

Тўсатдан миямда исёнкор бир фикр чақнади.

«Нима демоқчи? Мени одам бўлмайди демоқчимми? Йўқ!» Ичкарига кирмоқчи бўлиб интилдим-у, уйдан Сулаймон ақанинг:

— Хўп, майли, билганингизни қилинг! — деган гапини эшитиб киришга журъат қилолмасдан яна тўхтадим. — Шарифнинг ўқишига қарши эмасман. Уқисин, инженер бўлсин, фақат бу йўлдан бормасин, деяпман холос! — дерди Сулаймон ака. — Инженер бўладими, олим бўладими, тўғрилиқча бўлсин деяпман, холос! Хўп, бошқа гапингиз йўқми? Хайр!

Айвон билан олчазорнинг ораси ўн-ўн беш қадам келарди. Унга етиб бориш... Бу тўғрида ўйлаб улгурмаган эдим ҳамки, эшик очилиб остонада Сулаймон ака кўринди. Унинг юзи ҳаммомдан чиққандай қизарган, қошлари туташиб, қовоғи солинган, оппоқ қалин сочлари тўзғиган эди. Мен уни кўрдим дегунча юрагимдаги бояғи исёнкор туйғулардан асар ҳам қолмади. Аксинча, ўз ихтиёримга қарши унга томон юрдим. Сулаймон ака мени кўриб тўхтади. Лекин кўришмади.

— Ўз фикримни ойингга айтдим! — деди у, афтидан, мени ҳам гаплашмоқчи деб ўйлаб, — энди билганларингни қилинглар. Лекин институтга хат ёзиб, сиримни очадди деб кўрқмасаларинг ҳам бўларди...

Сулаймон ака, қошларини чимириб бир зум жим қолди.

— Ниятим бошқа эди... Минг афсус, мақсадимга тушунмабсан!..

У шартта бурилиб, зинадан тез-тез юриб пастга тушди-да, дарвозага қараб кетди.

«Наҳотки, шу кетишда чиқиб кетса? Наҳотки тўхта-маса?..»

Йўқ, тўхтади. Ҳовлининг ўртасига борганда тўхтади, ўнг қўлидаги ёғимланган шапқасини бошига қўнди-раркан, чақирди:

— Бери кел!

Мен чоғиб бордим.

— Мабодо... кейин, турмушда қийналиб қолсанг... аҳмоқлик қилиб юрма, олдинга бор. Тўғри боравер, тушундингми?

— Силаймои ака!

— Тушундингми? — юзимга қарамасдан деди у ва жавобимни ҳам кутмасдан вазмин, оғир қадамлар билан ҳовлидан чиқиб кетди.

Тишимни тишимга босиб, муштимни тугдим.

«Йўқ бормайман, ҳеч қачон бормайман!»

У менга бир оғиз илиқ сўз айтмади, нимага шундай қилипсан, деб бир оғиз сўрамади ҳам, меннинг дилимда ҳам ўзимга яраша бир дардим борлигини билишни ис-тамади!..

«Йўқ, раҳмат, бормайман!»

Бу одамнинг оталарча муомаласига ўрганиб қолганим учунми, билмадим, унинг бу қадар совуқ муомала қилиши шунчалик қаттиқ теккан эдик, алам ва хўрликдан кўз ёшларимни зўрға тийиб турардим.

Бир оздан кейин уйдан ойим чиққанда, биз бир-биримизнинг юзимизга қарай олмадик. У мендан кўзларини олиб қочар эди, мен ундан... лекин иш битган эди! Мен ҳатто чой ҳам ичмасдан уйдан чиқиб кетдим. Институтга бордим, паркларни айланиб кечқурунғача юрдим. Аста-секин кўнглимдаги ғубор тарқаб, унинг ўрнини аллақандай ёруғ; дилни равшан қиладиган ўйлар; орзулар эгаллади: энди институтга киришим, Муқаддас билан бирга бўлишим муқаррар эди!

\* \* \*

Шу кундан бошлаб мен учун ҳар соати бир йил ту-юлган кутиш даври бошланди. Мен икки нарсани ку-тардим. Бири институтга қабул қилинганлигимиз тўғри-сида чиқадиغان буйруқ бўлса, иккинчиси Муқаддас эди. Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғонар-уйғонмас институтга қараб чопардим, юрагимни ҳовучлаб фойедаги эълонлар ёпиштириладиган досканинг олдига борардим, буйруқ-нинг чиқмаганини кўргач, ҳафсалам пир бўлиб, қайтиб кетардим-у, кун бўйи шаҳарни кезиб, кечқурун яна бо-рардим...

Шу тахлитда икки кун ўтди. Унғача Муқаддас ҳам қайтиб келмади. Учинчи куни эрталаб, эндигина уйқу-дан уйғониб, кўзларимни очгандим, ёнимга ойим келди, каравотнинг четига омонатгина ўтириб пешонамдан ўпди.

— Табриклайман, ўғлим! — деди у маъюс жилмайиб,  
— буйруқ чиққан эмиш. Салим Каримович кечаси келиб айтди...

Юрагим бирдан қаттиқ уриб, юзим ловиллаб ўрнимдан сакраб турдим.

Дадам ҳовлида яланг оёқ, пижамасининг почаларини тиззасигача шимариб, гулларга сув қўйиб юрарди. У мени кўриб ёнимга келди, ҳўл, муздек кафти билан қўлимни сиқди.

— Энди табриклаймиз, ўртоқ студент!

Апил-тапил ювиниб, институтга чопдим.

Ўша куни қувончга қувонч улашиб кетадиган бахтли бир кун экан: яқиндагина ювилган асфальт кўчалар салқин ва ойнадек чарақлаб, сув пуркалган дарахтлар қуёш нурларига чўмилиб, гўё байрамда ясанган қизлардек очилиб, яшнаб кетганди. Гавжум кўчалардаги одамлар ҳам ҳар кунгидан яхшироқ кийинган ва нима учундир одатдагидан мулойимроқ ва ёқимлироқ кўринарди. Ҳамма бир-бирига йўл берар, бир-бирини иззат қиларди. Трамвайга чиққанимда ўзимдан ёшироқ бир қиз ўрнидан туриб менга жой берди ва «марҳамат, ўтиринг», деб жилмайиб қўйди, трамвайдан тушиб институтга қараб чошиб кетаётганимда, орқамдан биров «йигитча!» деб чақирди-да, чўнтагимдан авторучкам тушиб қолган экан, бояги қиздек мулойим кулимсираб қўлимга тутқазди.

Институт эшиги олдида, имтиҳон чоғидагидек бўлмаса ҳам ҳар қалай хийла одам тўпланган эди. Назаримда қизларнинг орасида Муқаддас кўрингандек бўлиб юрагим ўйнаб кетди. «Қўрқанга қўша кўринади», деган гап рост экан-да, институтга етиб қолганимда тўпланган ёшлар орасида бирга имтиҳон топширган таниш қиз-йигитларга кўзим тушиб, тўсатдан юрагим «шув» этди-ю, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ўзимни кўриб-кўрмасликка солиб, жадаллаб ўтдим-да худди сувга шўнгигандек фойега уриб кетдим.

Фойеда ҳам одам кўп эди. Бу ерга келувчиларнинг кўпчилиги қабул қилинишига умиди борлар, ҳатто ишюганлар бўлгани учундир, албатта, кўпчиликнинг юзида шодлик аралаш ҳаяжон жилва қилар, кўзлари чақнарди.

Эълонлар осилган катта қора досканинг олдидаги оломоннинг орасига суқилиб кириб, туртиб-турткиланиб олдинга ўтиб олдим. Лекин ҳаяжонланганимдан гўё доска чайқалар, қоғозлардаги ёзувлар бир-бирига чаплашиб кетганга ўхшар, мен қидирган буйруқ ҳеч топилмас эди...

Ҳа, мана бизнинг факультет!.. Кўзларим узун рўйхатга қадалди. Уз исмим ва фамилиямни қидира бошладим. Ана, топдим. Юрагим гупиллаб, рўйхатнинг бошига тикилдим. Аббосов; Акрамова, Алимов, Аҳмедова, Бобожонов... йўқ! — Юрагим шув этиб, рўйхатни яна бошидан охиригача ўқиб чиқдим: Муқаддас ростдан ҳам рўйхатда йўқ эди!.. Кўзларимга ишонмасдан рўйхатни қайта бошдан ўқишга киришдим... Наҳотки, қабул қилинмаган бўлса?

Унинг рўйхатга кирмай қолганига, демак институтга ҳам қабул қилинмаганига ақлим етиб турарди, лекин бунга ишонгим келмас, ишонишдан қўрқар эдим. Шунинг учун худди бошқа рўйхатларда бўлиши мумкиндек, уларни ҳам бир-бир ўқиб чиқдим, сўнгра яна биринчи рўйхатга қайтдим. Лекин аста-секин орқадан келганлар туртиб-сиқиб худди тошқин қирғоққа чиқариб ташлаган бир чўлдек, мени четга чиқариб қўйди. Шундан кейингина бир оз ҳушимга келиб, бу ҳодисанинг сабабини қидира бошладим. Лекин ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келолмадим. Умуман, бунинг ҳеч қанақа сабаби йўқ, сабаби бўлиши мумкин эмас эди! Афтидан, бир англашилмовчилик юз берганди, эҳтимол рўйхат кўчирилаётганда хато бўлиб, унинг фамилияси тушиб қолган бўлса! Бу хатони тезроқ тузатиш, Муқаддас келмасдан олдин тузатиб қўйиш керак эди!

Қабул комиссиясига борсаммикан, ё деканатгами, деган ўй билан бир нафас иккиланиб турганимдан кейин, деканатга боришга қарор қилдим, чунки буйруқ чиққандан кейин бунақа масалалар билан деканат ҳам шуғулланишини бултуроқ билиб олган эдим.

Унг қўлга бурилиб, тор ёғоч зиналардан учинчи қаватга чиқа бошладим. Афтидан, менга ўхшаб хато «қидриб» юрганлар озмунча бўлмаса керак, юқорига чиқиб-тушаётганлар сон-саноксиз, ҳамма ерда говур-ғувур, тўполон эди. Лекин қатновчиларнинг кўпчилиги иккинчи қаватдаги институт директорининг кабинетига бурилиб кетар, учинчи қаватга чиқувчиларнинг сони хийла оз эди.

Директорнинг кабинетига бурилмасдан, учинчи қаватга кўтарила бошлаганимда кўнглимдан: «Улар мендан сиз у қизнинг кими бўласиз, деб сўраб қолишса нима дейман», деган фикр ўтди.

Беихтиёр қадамим секинлашиб қолди. Худди шу вақт тепада, учинчи қаватнинг йўлагида, зинага томон бир-бир босиб келаётган Муқаддасни кўриб қолдим... У



ҳам мени кўрди-ю, юришдан тўхтаб, чиқиб боришимни кута бошлади.

Худди катта бир бахтсизлик рўй беришини олдиндан билган одамдек, аллақандай мадорсизланиб учинчи қаватга зўрға чиқдим. Биз қўл бериб кўришдик. Муқаддас тўсатдан пирпираб уча бошлаган лабини тишлаб ерга қаради.

— Кирдингизми? Нима дейишди? — деб сўрадим секин.

Муқаддас жавоб бермади, у фақат кўзларини ердан узиб аста юзимга қаради, унинг узун эгилган киприклари орасидан юмалаб чиққан икки томчи кўз ёшини кўрдим. Бу томчилар бир-бирини қувиб, юзидан юмалаб тушди-да, лабининг четидаги чуқурчага сингиб кетди...

Сўнгра бир-бирини қувган ёш томчилари кўпайиб кетди...

— Қўйинг, — дедим унинг қўлини қўйиб юбормасдан, — бу ерда бир хато ўтганга ўхшайди. Мени қабул қилганда, сизни қабул қилмайдиларми?

Муқаддас ёш тўла кўзлари билан менга «ялт» этиб қаради:

— Сизни қабул қилишдими! Қандай қилиб? — деди у ва мен эндигина Муқаддас исминни рўйхатдан қидириб ҳам ўтирмаганини, чунки менинг институтга киришлигимни мутлақо кутмаганини англадим. Айни замонда энди унга ҳақиқатни айтишим ҳам осон эмаслигини, бу гап кеча ва аввалги кунлари ўйлаганимдек Муқаддас учун хушxabар бўлиши қийин эканлигини тушуниб, қурқиб кетдим. У эса ҳамон менга тикилиб, жавоб кутиб турар, ҳатто катта очилган маъюс қора кўзларида ҳам таажжуб, ҳам савол, ҳам аллақандай бир шубҳа бор эди! Уша дақиқада мен ҳали унинг кираолмаслигига ўзим сабаб бўлганимни билмаган, ҳатто хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Лекин бир нарсани аниқ сезардим: мен ё бу даҳшатли хатони тўғрилашим, ёки бу ажойиб бахтдан, мўлтираб турган бу масъум кўзлардан, ҳаётимни нурга тўлдириб юборган унинг муҳаббатидан бир умрга жудо бўлишим керак эди!..

— Деканнинг олдига кирдингизми? — дедим кўзларига тикилиб, — нима дейишди? Нега индамайсиз, Муқаддас?..

— Декан банд экан. Барибир фойдасиз, дейишди... — деди Муқаддас ва қаёққадир четга, қоронги йўлакка қараб қўшимча қилди:

— Сиз... Мен сизнинг кирганингизни билмагандим...

Муқаддас бу сафар «қандай қилиб кирдингиз?» демади, лекин кўнглида ёмон бир шубҳа туғила бошлагани аниқ эди! — «Наҳот менга ишонмася?!»

— Балки рўйхат хато кўчирилгандир, юринг, кириб гаплашамиз! — овозим негадир титраб кетди. — Деканнинг олдига кирамиз, юринг!

Муқаддас кўзларини бир нуқтадан узиб, юзимга бир қараб қўйди-да:

— Майли, юринг, — деди секин.

Ҳа, катта бир хатога йўл қўйганим энди аниқ эди. Мен бунга албатта айбдор эмасман, лекин хато қилганимга шубҳа йўқ! Энди бу хатони ё тузатишим керак, ё Муқаддасдан жудо бўлишим!

Кўнглимдаги ҳаяжонли тараддуд кутилмаганда қатъий журъатга айланди. Йўлакнинг охирида, деканатнинг эшиги олдида, бир-иккита яхши кийинган аёллар турар, четроқда ҳасса ушлаган бир чол ўтирарди. Биз боришимиз билан бошига шляпа кийган юм-юмадоқ бир хотин кўлида ўйнаб турган ҳашаматли хитой зонтиги билан олдимни тўсди.

— Сиз декангами, яхши йигит! Биз ҳам...

Мен унинг зонтигини жаҳл билан итариб ташладим.

— Биз сизга ўхшаб бу ерга тиланчилик қилиб келганимиз йўқ! Юринг, Муқаддас!

Аёл билан сира кутмаган бўлса керак, шошиб бир қадам орқага чекинди, оғзи очилганича бақрайиб қолди. Мен ичкарига кириб эшикни ёпаётганимда аёллардан бирининг:

— Ҳозирги ёшларимиздан ҳар нарсани кутса бўлади! — деб пўнғиллагани қулоғимга чалинди.

Деканнинг қабулхонасида одам ғуж-ғуж эди. Икки жойда иккита ёзув машинаси тақирлар, кимдир телефонда қичқириб гапирар, важоҳатларидан домлаларга ўхшаган беш-олтита салобатли кишилар нима тўғрисидадир қизгин баҳслашардилар. Лекин бу одамларнинг ҳеч қайсиси бизга қайрилиб ҳам қарамади, фақат «декан» деб ёзиб қўйилган ва қора чарм билан қопланган салобатли эшикнинг ўнг томонида ўтирган сочлари оппоқ кампир бизга қараб бирдан ўшқириб берди:

— Нимага рухсат сўрамасдан кирдиларинг? Декан банд!

Бир дақиқа ўзимни йўқотиб, довдираб қолдим, лекин кўзим Муқаддасга тушди-ю (у лаблари титраб, ёнимда турарди), дарров сўз топдим:

— Ҳеч ким руҳсатсиз киргани йўқ! Ушқирришдан олдин сўранг бундоқ! Бизни директор юборди!

— Нимага келганларингни сўрамасданоқ билиб турибман! — деб пўнғиллади кампир.

— Биласизми, йўқми, аммо бизни директорнинг ўзи юборди! — дедим қатъий.

Кампир жаҳл билан столдаги қоғозларни титкилай бошлади.

— Декан йўқ. Муовини қабул қиламан деса марҳамат! Мен билмайман! Ўзидан сўранглар!

Эшикни куч билан юлқиб очдим. Кўнглимдан: «нима бўлса бўлар!» деган фикр ўтди.

— Мумкинми?

Жавобни эшитмасданоқ ичкарига кириб олдик. Лекин ичкарига кириб, энсизгина узун хонанинг тўрида, қора мовут ёпилган столнинг ёнида ёшгина бир жувон билан кулишиб, гаплашиб турган ўрта бўйли олифта кийинган йигитни кўришим билан юрагимдаги борлиқ, журъат ва қатъият худди сув пуркалган алангадек ўчди-қолди. Бу олифта йигит ўша Муқаддас иккимизни доим кузатиб юрган, бир неча марта Муқаддасга сўз отиб, танишишга ҳаракат қилиб кўрган ёш олим Пўлат Азизов эди!.. У бизга бир қараб қўйди-ю, сочларини калта қилиб қирқтирган ёш жувонга қўлини чўзди.

— Бизларни унутиб юбормасдан келиб туринг, Гулчеҳраҳон! — деди у ва гўё шундай чиройли жувон билан яқин муносабатда эканини бизга кўрсатиб қўймоқчи бўлгандек, жўрттага қўлини қўйиб юбормасдан:

— Демак... шу қарорга келдикми? — деб сўради.

Жувон калта, қуюқ сочларини силкитиб кулди:

— Яхши йигит келиб туринг демайди, вақт-соатини ва учрашадиган жойини аниқроқ айтади.

— Оббў сиз-е! — деди қизариб Пўлат Азизов, лекин жувон «Хўш, бопладимми?» деган маънода қўлларини сийлаб қийшанглаб кулди ва эшикка томон юрди.

Ер тагидан Муқаддасга бир қараб олдим. У бошини қуйн солиб, тирноқларига тикилиб турарди. Узун-узун эгилган киприклари гўё титраётгандек пирпираб учар, ловиллаб ёнган узунчоқ юзи, бутун қисфаси дилидаги пушаймон, уят ва ҳақорат ҳисларини худди кўзгудек акс эттириб турарди. Мен ҳам ичкарига кириб Азизовни кўрган заҳотимоқ бу ерга келиб яна бир хато қилганимизни тушунган эдим. Лекин энг ёмон шунда эдики, энди чиқиб кетиб бўлмас эди.

Жувон эшикни ёпиши билан Азизов ўзини четлари қирилган катта юмшоқ креслога ташлаб:

— Хўш, эшитаман? — деди ва гўё бизга қарашдан уялгандек столдаги қоғозларни титкилашга киришди.

Бир неча секундга чўзилган, лекин менга жуда узоқ туюлган жимликдан кейин ўзимни зўрга босиб мақсадимизни тушунтира бошладим. Муқаддаснинг исмини тилга олишим билан Азизов сўзимни бўлди:

— Конкурздан ўтмаган сизми, ё Муқаддасхонми?

Бирдан юрагимдан зўр бир тўлқин қайнаб чиқди-ю, бутун вужудимни ловиллатиб юборди.

— Муқаддасхон, — дедим секин.

— Ие! Бўлмаса Муқаддасхоннинг ўзлари гапирсинлар-да, сиз нима қилиб бу ишга аралашиб юрибсиз?

Унинг кўзлари бирдан ялтираб кетганини кўриб қолдим. Умримда ҳеч қачон ўзимни бунчалик ожиз ва аянчли ҳис этмаган эдим. У кўз олдимда гўё ўсиб, улғайиб, олижаноб бир одамга айланиб борар, мен эсам, аксинча; аллақандай кичрайиб, ерга кириб борардим. Ҳозир бу одам мени истаганча ҳақорат қилиши мумкин эканини, мен эсам унга жавоб қайтара олмаслигимни сезардим, аъзойи баданимдан совуқ тер чиқа бошлаган эди.

— Хўш, нега индамайсиз, гапиринг! — деди Азизов; кейин кўзларини столдаги қоғозлардан узиб, юзимга тикилди. Нима деб жавоб беришимни ўйлаб улгурмаган ҳам эдимки, Муқаддас тўсатдан, бошини кескин силкитди:

— Юринг, Шариф ака, кетайлик! — деди у секин; лекин аллақандай титроқ овозда. Ўзи ҳам гўё осмонга парвоз қилишга ҳозирланган чиройли ва мағрур қушга ўхшаб турарди, бошини сал орқага ташлаган, оқ шойи кўйлагини туртиб чиққан чиройли кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, ҳаяжондан гул-гул ёнган юзи, Азизовга қадалган катта-катта чиройли кўзлари қандайдир олижаноб нафратга тўла эди. Муқаддас бир нафас шу вазиятда Азизовга тикилиб турди, сўнгра менга юзланди:

— Юринг, кетайлик! — такрорлади у, бир қадам босди ҳам, лекин худди шу пайт Азизов икки қўлини креслонинг икки томонига шартта қўйиб, кутилмаган бир чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди.

— Тўхтанг, Муқаддасхон, ҳар қалай ҳақиқатни биллиб кетганингиз маъқул! — деди у паст, қандайдир бўғиқ овоз билан. Сўнгра столни тез айланиб ўтди-да худди қулаб кетишидан қўрққандек, қўлларини орқага чў-

зиб, унинг четларини ушлаб олди. Унинг ҳаракатлари кескин, ўзи ҳам титраб-қақшаб турарди. Бироқ мени унинг гапи, ҳаракатларидан ҳам кўра овозидаги чуқур титроқ сескантириб юборган эди. Бу титроқ қандайдир бир дардга, нидога, аламга тўла эди. Буни Муқаддас ҳам сездими; ё Азизовнинг ҳаракатларидаги кутилмаган кескинлик таъсир этдими, билмадим, ишқилиб, икки қадам босмасданоқ тўхтади, гўё чақмоқ чақишини кутган одамдек, турган жойида қотиб қолди.

Бу «ҳақиқат» нимадан иборат эканини ҳали аниқ билмасам ҳам, ҳозир даҳшатли бир нарса рўй беришини сеза бошлаганимдан, мен ҳам серрайиб қолдим.

— Сиз неча бал олдингиз? — деди Азизов Муқаддасга ер остидан тикилиб.

Бир неча секунд чўзилган жимликдан сўнг:

— Ўн саккиз, — деди Муқаддас секин.

— Яхши, — деди Азизов, — лекин сиз ўн саккиз бал билан киролмаган ҳолда бу чиройли йигитча ўн олти бал билан қандай қилиб кирганини бир ўйлаб кўрдингизми, — деди у ва бир зум жавоб кутиб тургач:

— Бу йигитча сизнинг ўрнингизга кирганини биласизми? — деб сўради. — Бу йигитча ишини тўғриламаганда сиз бунақа хафа бўлиб, йиғлаб юрмасдингиз, билдингизми?..

Кўнглимнинг бир четида боядан бери худди шу саволни кутиб турган бўлсам ҳам қаттиқ сесканиб кетдим, «ялт» этиб Муқаддасга қарадим. У ҳам менга қаради. Аллақандай кўрқиб, нимадандир чўчиб қаради. Изтироб чўккан катта қора кўзлари гўё ёрдам сўраётгандек жовдираб, милтираб турар; қошлари аламли чимирилган эди. Бу кўзлар мenden Азизов айтган даҳшатли ҳақиқатни инкор этишимни сўрар, ялиниб-ёлворар эди. Мен эсам... мен эсам жонимдан, ҳаётимдан ҳам ортиқ кўрган севгилимнинг чеҳрасида акс этиб турган бу изтиробига, бу нидосиз саволига нима ҳам дердим? Секин бошимни эгдим...

— Афсуски, мен буни шу бугун, ҳозир билиб қолдим. Буйруқ чиққандан кейин билиб қолдим! — деди Азизов ва яна боягидек унинг овозидаги аламли титроқ этимни жунжиктириб юборди. — Суриштириб билсам, бу йигитча иншосини тўғрилатиб олган экан... Сиз хафа бўлманг, Муқаддасхон, мен ҳалиям бўлса ҳаракат қилиб кўраман. Лекин мени бир нарса таажжубга соляпти: бу йигитча ўрнингизга жойлашиб олиб, тағин нимага сизга меҳрибончилик қилиб юрибди?..

Мен унга бир нима дейишим, бир жавоб қилишим керак эди. Буни ўзим ҳам сезардим. Лекин нима дейман? Мен ғаразғўй деб, мансабидан фойдаланиб, Муқаддаснинг бошини айлантирмоқчи бўлаётган бир фирибгар деб юрганм бу одам, аслида менинг ўзимдан яхши, соф ва олижаноб бўлиб чиқса нима ҳам қилардим, нима ҳам дердим? Мен фақат бир нарсани — бошим билан қоронғи, тубсиз жарликка қулаётганимни ҳис этардим, холос.

Қимдир секин инграб юборгандек бўлди.

Зўр куч билан бошимни кўтардим, кўзим Муқаддаснинг жиққа ёшга тўлган катта-катта кўзларига тушди. У афтидан, ҳўнграб йиғлаб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб олган, кўз ёшлари эса, худди менинг қарашимни кутиб тургандек; бир-бирини қувиб юмалаб туша бошлади.

Мен эсам унга тикилиб турардим, бутун вужудим билан изтироб чекардим, лекин уни юпатишдан, унга тасалли беришдан ожиз эдим, ажабо: мен унинг кўнглини олишга ҳақим йўқ эди!..

Азизов бир қадам олдинга юрди.

— Йиғламанг, Муқаддасхон, ҳалиям ҳаракат қилиб кўрамиз; — деди у. — Ҳали вақт бор..

Лекин Муқаддас унинг гапига қулоқ солмасдан тескари бурилди.

— Қўйинг! Кераги йўқ! — деди Муқаддас секин, — кераги йўқ! — у кўзларини қўллари билан қуёшдан тўсгандек тўсиб, эшикка томон юрди.

Мен уни тўхтатмадим, тўхтатишга журъат этмадим, лекин Муқаддас чиқиб кетгач, тўсатдан рўй берган ҳодисанинг бутун даҳшатини тушуниб Азизовга юзландим:

— Инсофсиз! — дедим кўз ёшимни ютиниб. Фақат шу бир сўзни айтиб чиқиб кетмоқчи эдим, бироқ Азизов қўлимни шап ушлади-да, юлқиб тўхтади:

— Инсофсиз ким? Сенми ё менми? — деди у кўзларини нафрат билан чақнатиб. — Инсофсиз деб сени айтидилар! Тушундингми?

Нима дейишимни билмай лол бўлиб қолдим, чунки у ҳақ эди! Қўлимни унинг қўлидан юлқиб чиқариб олдим-у, ташқарига отилдим..

Муқаддас билан иккимизнинг ўртамизда пайдо бўлган кўприк қулаб тушганига, энди бу кўприкни тиклаб бўлмаслигига ақлим етарди, албатта, бироқ шунга қарамасдан ҳалиям бўлса у билан гаплашишни, бўлган воқеани унга тушунтиришни истардим, афтидан, бўлиб

ўтган ишнинг бутун даҳшатини ҳалиям англаб етмаган эдим. Менга бу иш ҳалиям бўлса бир англашилмовчилик бўлиб кўринарди, чунки шуни яхши билардимки, агар Муқаддаснинг ўрнига киришимни сезганимда ҳеч қачон бу ишга розилик бермаган бўлардим!..

Қабулхонада ўтирганларни хайратда қолдириб ичкаридан жинниларча югуриб чиққанимда, Муқаддас тор ва ярим қоронғи йўлакнинг охиридаги зинапоёга яқинлашиб қолган эди. У оёқ товушларимни эшитиб ўгирилиб қаради-да, қадамларини яна ҳам тезлаштирди.

— Муқаддас! — деб чақирдим, йўлакдагиларнинг таажжуб билан қабрайиб қолганларига эътибор ҳам бермасдан. — Муқаддас, тўхта! —

Муқаддас тўхтамади, лекин зинадан пастга тушмасдан нари кетди ва йўлакнинг энг охиридаги катта деразанинг олдига бориб тўхтади. Тез юриб унинг ёнига бордим.

У худди бир нарсадан аразлаган одамдек тескари ўгирилиб, узун қўнғир сочларининг учларини бармоқларига ўраб турарди.

— Муқаддас, — дедим, — Муқаддас; менга бир қаранг; мен...

Муқаддас вазиятни ўзгартирмасдан:

— Домланинг айтганлари ростми? — деб сўради.

— Муқаддас, — дедим ёлвориб, — менга бир қаранг...

— Ростми деяпман? — такрорлади Муқаддас.

Тўсатдан томоғимга бир нарса тикчилгандек бўлиб бир нафас жим қолдим.

— Рост, Муқаддас, лекин гапимга ишонинг, мен бу нарса сизнинг ўқишга киролмай қолишингизга сабаб бўлади деб сира ўйламаган эдим. Бўлмаса... наҳотки, мен сизни..: Ахир мен..:

Муқаддас шарт бурилиб юзимга тикилди. Ҳеч қачон унинг чеҳрасида бундай ифодани кўрмаган эдим: қопқора кўзлари чақнаб тағин ҳам чиройли кўринар, юзи ловиллаб ёнар, нам лаблари пирпираб учарди.

— Сенинг киролмаслигингга сабаб бўламан, деб ўйламагандим дейсиз, мендан бошқа бир кишининг ўрнига кирганингизда-чи, унда нима бўларди? — деди Муқаддас, деди-ю, кўзлари яна жиққа ёшга тўлди. — Мен аҳмоқ бўлсам... сизга шундай ишонган, шундай ишонган эдимки!

У тескари ўгирилди-да, кафтлари билан юзини босиб секин йиғлай бошлади...

Яна боягидек миямда гўё бир нарса «ялт» этиб ёнди-ю, назаримда зўр бир ҳақиқатни тўсиб турган парданинг чети кўтарилгандек туюлди. Буни жуда аниқ ҳис этдим, лекин... лекин мен масаланинг бу томонини ўйламаганим ҳам рост-ку ахир! Мен катта бир адолатсизлик ва инсофсизлик қилиб қўйганимни бўйнимга оламан, аммо, биринчидан; буни оқибатини яхши ўйламаган бўлсам, иккинчидан, мени бунга мажбур этган нарса... Муқаддас эди-ку, севгимиз эди-ку!

— Муқаддас, — дедим кўзларини учратишга ҳаракат қилиб; — менинг ҳам гапимга бир қулоқ солинг. Мен ёмон, разил иш қилиб қўйганимни бўйнимга оламан. Лекин мен буни билмасдан қилдим. Энди мен ўзим тузатаман, ўзим ҳаракат қиламан...

— Раҳмат. — Муқаддас рўмолчаси билан кўзларини артди; — Раҳмат, мен энди ўқиб бўлдим!

— Муқаддас?..

— Мен энди ўқимаيمان! — деди Муқаддас, — наҳот сиз мени бу ерга меҳнатдан қочиб келган деб ўйласангиз? Мен ишчининг қизиман! Мен шунчалик сизга... сизни, — у гапининг охирини айтмади, ёш тўла кўзлари билан юзимга яна бир қаради-да, зинапояга томон бурилиб кетди.

— Муқаддас! — дедим уни тўхтагишга ҳаракат қилиб, — Муқаддас...

— Қўйинг, бўлди! Орқамдан юрманг! Шунча берган ёрдамингиз ҳам етади! — деди Муқаддас ва йиғлаганича зинапоядан югуриб тушиб кетди... Иккинчи қаватга буриладиган жойда шамолда учгандек майин тўлганган икки ўрим сочлари тагин бир кўринди-ю, ғойиб бўлди...

— «Қўйинг! Бўлди! Шунча берган ёрдамингиз ҳам етади!» — Унинг йиғлаб айтган бу сўзларида аллақандай бир дард, муҳаббат дарди бор эди, лекин айни маҳалда бу унинг «умидингни уз» ҳам дегани, «тамом» дегани, «битди» дегани эди...

Назаримда шу топда кимдир менга қон ва жон бериб турган ҳаёт манбасини шартта кесиб ташлагандек эди: хаёлимга ҳеч бир фикр келмас, гўё миям ҳам; қалбим ҳам бўм-бўш эди. Ҳатто ҳозир мен учун нақадар катта фожиа рўй бергани ҳам онгимга бориб етмаган, қаерда ва нима учун турганимни ҳам яхши билмас эдим, фақат юрагимнинг бир чети қаттиқ оғрир, худди захарли тикан қадалиб турганга ўхшарди.

Тўсатдан турган жойимдан пастда, кўчанинг нариги юзиде Муқаддасни кўриб қолдим. У ҳамон рўмолчаси



билан кўзларини тез-тез артиб бир-бир қадам ташлаб борар, худди нотаниш шаҳарда адашиб кетиб, қаёққа боришини билмай қолган бир бечорага ўхшарди.

Уни кўришим билан хаёлимга:

— Бу ерда нима қилиб турибман? — деган фикр келди. — Бу даҳшатли хатони тузатиш учун бир ҳаракат қилиб кўришим керакми, ё Муқаддас айтмоқчи ҳеч нарсани билмагандек бўлиб, унинг ўрнига кириб олиб ўқиб кетавераманми?

Йўқ, мен энди ўқимаслигимга, ўқийман десам ҳам ўқий олмаслигимга ақлим етиб турарди. Демак рўй берган адолатсизликни тўғрилашим керак, тўғрилаб Муқаддасга айтишим керак, кейин у ўқийдими-йўқми, ўзи билади; аммо адолатни тиклаш менинг вазифам, менинг виждон бурчим!..

Пастга қараб югурдим. Иккинчи қаватда директорнинг кабинети олдида турган бояги одамлар йўқ, йўлак ҳам бўшаб қолган эди. Катта, қўш деразали ёруғ қабулхонанинг тўрида ўтириб, машинка чиқиллатаётган ёш қиз менинг «директор борми?» деган саволимга юзимга ҳам қарамасдан:

— Кўзингизнинг олдида чиқиб кетди-ку, кўрмадингизми? — деб жавоб берди.

Унга бошқа савол бериб турмасдан яна пастга отилдим. Директорни танимас эдим, йўлакда ва биринчи қаватда учраган одамлар мен тасаввур этган директорлик салобати бўлмаганлиги учун, уларга мурожаат ҳам қилиб турмасдан кўчага чиқдим.

Ташқарида эшикнинг рўпарасида, акациянинг соясида турган «Победа»нинг ёнида икки киши хайрлашмоқда, иккаласи ҳам яхши кийинган, қорин сола бошлаган салобатли одамлар эди. Эшикдан югуриб чиққанымда уларнинг бири — папка қўлтиқлаб олган, сочларига оқ оралаган, ўрта бўйли; оқ шойи кителли одам «Победа»нинг эшигини оча бошлади. Машинанинг юриб кетишидан қўрқиб чопиб бордим:

— Институт директори сиз бўласизми? — дедим ҳансираб.

Машинанинг эшигига қўл чўзган одам бундай одобсизликни кутмаган учунми, ё мен жудаям ҳовлиқиб кетган эканманми, юзимга таажжуб билан тикилиб:

— Мен бўламан, хўш? — деб сўради.

— Сизга жуда зарур бир гапим бор эди.

— Шунақами? Эртага келсангиз қанақа бўларкин, — деди у кулимсираб.

— Кечирасиз, эртага қолдириб бўладиган иш эмас!  
— дедим, унинг яна машинага ўтирмақчи бўлаётганини кўриб, беихтиёр қўлимни чўздим.

Директор менга яна диққат билан қараб қўйди. Сал қисилган кўзларида яна таажжуб ифодаси жилваланди.

У кескин ҳаракат билан енгини кўтариб қўл соатига тез кўз ташлади ва лабини тишлаб бошини чайқади:

— Кечирасиз, ука. Сира иложим йўқ: Кечикяпман. Бир зарур иш билан чақирришган эди, етиб бормасам бўлмайди! — деди ва юзимга яна бир кўз ташлаб, қўшимча қилди:

— Эртага эртароқ келинг. Биринчи навбатда қабул қиламан.

Унинг кескин ҳаракат билан «Победа»нинг эшигини очганини кўриб, яна тўхтатмоқчи бўлгандим, директор билан хайрлашиб турган одам «шап» этиб қўлимдан ушлади:

— Менга қаранг, яхши йигит, одобсизлик ҳам эви билан-да! Сиз ким бўласиз ўзи?

Директор машинадан бошини чиқариб менга юзланди:

— Тўғри, тўғри, арзингизни бу кишига айтсангиз ҳам бўлади... мумкин бўлса ёрдам беринг.. — деди у ва шофёрга қараб имо қилди: «ҳайда!»

— Менга қаранг, — деди директорнинг шериги, — мен сизни бир ерда кўргандек бўлаётибман. Сиз.. Салим Қаримовичнинг ўгли эмасмисиз?..

Кўчани тўлдирган «Зим» ва «Победа»ларга аралашиб муюлишдан бурилиб кетаётган директорнинг машинаси орқасидан тикилганимча қотиб қолдим, энг сўнгги умидим ҳам лучга чиққани мени оғир ўйга толдирган эди.

Енимдаги одам қўлимдан ушлади:

— Сизга нима бўлди, йигитча? Сизнинг масалангиз ҳал бўлувди шекилли. Тағин нима қилиб юрибсиз?

Кескин бурилиб қараган эдим, у кишини танир эканман.

Бу ўша, иншо ёздирган олтин кўзойнакли чиройли мўйсафид домла эди!

— Ҳа, менинг масалам ҳал бўлди! — дедим унинг силлиқ қирилган қип-қизил юмалоқ юзига, олтин кўзойнаги тагида чақнаб турган чағир кўзларига ғазаб билан тикилиб. — Аммо мен масалани ҳал қилган одамлар билан гаплашмоқчи бўлиб келгандим! Мен уларни фош қилгани келдим! Фош қиламан! Энди тушундингизми мақсадимга?..

Домланинг юмалоқ юзи галати чўзилиб, кўзларида: «Бу жинними ўзи» деган ифода жилваланарди. У елкасини бир қисиб қўйди-да, худди уни шу топнинг ўзидаёқ фош қиладиган жойга судраб кетишимдан кўрққандек, жадаллаб институтга кириб кетди.

Яна боягидек хийла вақтгача нима қилишимни билмасдан туриб қолдим: хаёлимга тузукроқ бир фикр келмас, ҳушимни йнгиб ололмас эдим. Ниҳоят анчадан кейин миямга:

«Директор, эртага келасан, — деди-ку, унгача Муқаддас кетиб қолмасин!» деган фикр келди.

Муқаддаснинг кетиб қолишидан кўрқиб муюлишгача шошиб, жадаллаб бордим, лекин муюлишдан ўтиб, кекса қайрағочлар соя ташлаган таниш икки қаватли уйни кўришим билан қадамим ўз-ўзидан секинлашиб қолди.

... Сўнги бир ой ичида бу кўримсизгина бино мен учун дунёда энг кўркам, энг зийнатли, энг оромбахш бир жойга айланган эди. Мен унинг олдидан юрагимни ҳовучлаб, Муқаддасим, севгилим яшаган иккинчи қаватдаги балконли хонадан, хонанинг деразаларига тutilган ҳарир тўр пардасидан кўзларимни узолмасдан, уни кўрмасам ҳам ҳар сафар қалбим нафис ва тотли туйғуларга тўлиб ўтардим. Мен уни неча марта қувончдан бошим арш-аълога етиб шу уйга кузатиб қўйган, неча марта уни кўролмасдан изтироб чеккан эдим, лекин ҳеч қачон унинг олдига ҳозиргидек кўрқиб, юрагимни тўлдирган қоронғи ва оғир ҳислардан кўнглим ғаш бўлиб бораман деб ўйламагандим.

Ҳамиша одам кўп бўладиган ётоқхонанинг олдида бахтга қарши бу сафар ҳеч ким йўқ эди. Бир-икки минут саданинг тагида битта-яримта таниш-билиш чиқиб қолишини кутиб турдим, сўнгра секин эшикка бордим.

Йўлакда, иссиқ сув тўлдирилган катта бакнинг ёнида кўзойнак таққан бир кампир пайпоқ тўқиб ўтирарди.

Муқаддасни чақириб беришини илтимос қилгандим, бошини чайқаб уфлаб олди.

— Сира тинчлик бермадиларинг-бермадиларингда! — деди-да, ўнг қўли билан белини ушлаганча иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Ташқарига қайтиб чиқиб ариқ бўйидаги саданинг соясида кута бошладим. Юрагим тез-тез урар, хаёлимда фақат битта фикр айланарди: «Борми, йўқми, чиқадими, чиқмайдими?»

Боя ҳеч ким бўлмаган ётоқхонанинг олдида, энди гўё

мени кутиб тургандек, қиз-йигитлар тўплана бошлади. Назаримда улар ҳадеб менга қараётгандек, нақадар хунук иш қилиб қўйганимни билиб; мендан нафратланишаётгандек туюларди.

Тўсатдан тепамдаги балконнинг эшиги очилгандек бўлди. Мен тез қарадим ва балконда турган Муқаддасни кўрдим.

У бояги шойи кўйлагини ўрнига оддий чит кўйлак кийган, сочларини орқасига турмаклар олган, афтидан, кеттишга аҳд қилгани чин эди. Кўзларимиз бир секундга учрашди. Унинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлдими, ё менга шундай туюлдими, билмадим, у бошини қуйи солиб индамасдан яна ичкарига кириб кетди...

Бирпасдан кейин эшикда имтиҳон топшириб юрган кезларимизда бир-икки кўзим тушган ўша юзида қора холи бор қиз кўринди. У секин юриб ёнимга келди-да, гўё мени энди кўраётгандек юзимга қадалиб, тўрт букланган бир парча қоғозни чўзди:

— Муқаддасхон чиқмайман дедилар... — Шундай деди-ю, жавобимни кутмасданоқ ётоқхонага кириб кетди. Мен ҳам соядан чиқиб бошим оққан томонга қараб кетдим.

Муқаддаснинг жавоби тахминан қанақа бўлишини сезсам ҳам, кўнглимнинг бир четида ҳануз сўнмаган бир умид милтираб турарди. Тўрт букланган қоғозни очдим. «Шариф ака! Менга кўп яхшиликлар қилдингиз. Бу яхшиликларингиз учун раҳмат. Бироқ энди ўзингизни қийнаманг. Ҳозир менинг институтга қабул қилинишим тўғрисида буйруқ олиб келган бўлсангиз ҳам мен қолмас эдим. Гапимга ишонинг: энди бир-икки йил ишласдан сира ўқимайман. Бу бир ой менга катта сабоқ бўлди. Ақлим кирди. Ниҳоят шуни ҳам тушундимки, олдин ишлаб кейин ўқиш фақат меҳнатни ҳурмат қилиш ва чиниқиш учунгина эмас, одам таниш учун ҳам зарур экан. Агар билсангиз... Мен сизга шундай ишонгандим, шундай ишонгандимки!..

Хайр. Муқаддас».

Тамом. Битди. Муқаддасдан айрилганимга, бахтсаодатимдан, баҳоримдан; кутилмаган жойда топиб олган дурдонамдан айрилганимга энди ишонсам бўларди!

Хат йиғлаб ёзилганлиги кўриниб турарди, лекин йиғлаб бўлса ҳам шафқатсиз ёзилган бу бир парча қоғоз кўлимни, кўлимнигина эмас, юрагимни ўртамоқда эди. Мен бутун қалбимни чангаллаб олган қаттиқ оғриқдан бошқа ҳеч нарсани сезмас эдим. Гоҳо-гоҳодагина бир

дақиқа хат ҳам, Муқаддасдан айрилганим ҳам эсимдан чиқар, ҳамма нарсани унутиб қўярдим. Шундай пайтларда бир оз бўлса ҳам ором олардим, лекин тўсатдан яна хат эсимга тушиб кетиб, Муқаддасдан айрилганлигим электр токидек бирдан миямга бориб етарди-ю, аччиқ алам бутун вужудимни гўё захарга тўлдириб юборди.

Психология китобларидамикин, эсимда йўқ, киши бир нарсасини йўқотган жойидан кетолмайди, кетса ҳам айланиб қайтиб келаверади, деган фикрни ўқиган эдим. Мен ҳам шунга ўхшаган бир нарсанинг таъсиридами, билмадим, бир маҳал ўзимни паркда, Муқаддасни биринчи марта ўпганим соябон ёнида кўрдим...

Парк аввалги латофатини йўқотган, дарахт япроқларини қуюқ чанг босиб, кулранг тусга кирган, қум сеппилган йўлларда ёғимланиб ташланган қоғозлар, папирос қутилари ётар, соябоннинг ичида ҳам чирмовуқнинг хазонлари уйилиб қолган эди. Лекин атиги бир ҳафтадаёқ ташландиқ жойга айланган бу соябон менинг кўзимга жуда иссиқ кўринди, гўё Муқаддаснинг ўзини кўргандек юрагим бирдан ширин сиқилиб, ҳаётимдаги энг қисқа лекин энг масъуд онлар эсимга тушиб кетди. Мен соябоннинг ичига кириб, ўша таниш, қисқа, аммо ширин хотиралар гувоҳи бўлган скамейка олдига келдим. Муқаддаснинг қаршисида ўтириб унинг ёшларини артгандим, унинг қизлик иффати; иззат-нафсини енгиб айтган «севаман» деган сўзларини эшитгандим, уни биринчи марта ўпгандим. Севги хотираларини ўз бағрига яширган скамейкага суяндим, суяндим-у, ўзимни тутолмасдан бирдан йиғлаб юбордим.

— «Бу қандоқ бўлди? Мен нималар қилиб қўйдим? Қандай қилиб ўзимга ўзим пичоқ урдим? Қандай қилиб ўз бахтимдан ўзим айрилдим?»

Биринчи дақиқада бу саволлар юрагимда тутаб турган изтиробни бирдан ловиллатиб юборди-да, хаёлимда бошқа айбдорларни қидиришга киришдим.

Шу топда бу нарсада ўзимни эмас, ойим билан Салим Қаримовични айблашга, ҳамма гуноҳни ўша иккисига тўнкашга тайёр эдим.

Лекин ажабо: мен уларни айблашга ҳақим борми? Уларга бир нарса дейишга тилим борадими? Мен ўзим эмасми тунов кун бу ишга розилик берган? Ушанда розилик бермаганимда, иродасизлик қилмаганимда улар мени мажбур қила олишармиди?»

Аччиқ алам билан иқроқ бўлдим: йўқ!..

Менинг ҳеч кимни айблашга ҳақим йўқ эди. Ҳаммасига ёлғиз ўзим айбдор эдим. Бу нарсага ўз инсофсизлигим, сабрсизлигим, иродасизлигим сабаб бўлди! Бўлмаса бир йил ишлаб шунча ҳурмат орттирган, ҳунар ўрганган заводни шундай ташлаб кетармидим? У ерда орттирган шунча дўстларимдан шундай осонгина юз угирармидим? Мен тенги йигитлар ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, қийинчиликлар билан олишиб, улар устидан галаба қозониб юрган бир пайтда, мен севгимнинг жойини тортиб олиб бундай шарманда бўлиб қолармидим?..

— Ҳа, энди ақлим кирган, энди ҳамма нарсага тушунган эдим. Муҳаббат — муқаддас туйғу. У софликни талаб этади. Муқаддас менинг ўзимни ҳам, севгимни ҳам тарк этиб; кўзимни очган эди. Халқнинг «Инсофли одам ошини ер; инсофсиз бошини» деган мақолида мужассамланган ҳаётнинг энг улуг қонунларидан бири менга ўзининг шафқатсиз, лекин адолатли кучини кўрсатган эди.

\* \* \*

Чирмовуқ соябон тагида қанча ўтирганимни ўзим ҳам билмайман. Паркни тўлдира бошлаган одамларнинг ғовур-ғувурларидан ўзимга келганимда қуёш ғарбга ёнбошлаган, боя мен кирганда иссиқдан қақраб ётган хиёбонларга дарахтларнинг қуюқ сояси тушган эди.

Парк жонланмоқда, ҳаёт ўз изига тушмоқда эди. Юрагимдаги ғам-ғусса нақадар оғир бўлмасин, мен ҳам яшашим, кун кечиршим, ҳаётни давом эттиришим керак эди, ўрнимдан туриб соябон тагидан чиқдим...

Энди нима қилишимни, бундан кейин қайси йўлдан кетишимни ҳали ўзим ҳам яхши тасаввур этмас эдим. Фақат бир нарсани яхши билардим — бу йил қайтиб институтга қадам босмайман!

Паркдан чиққач: қаёққа боришимни ўйлаб бир зум туриб қолдим. Негадир уйга оёғим тортмас эди.

Шундай пайтларда ҳаммада ҳам бўладигандек, мен ҳам кўнглимдаги дардимни дўстимга, кўнглимга яқин бир одамга айтгим, ҳасратлашгим, ўртоқлашгим келарди.

Лекин кимга бораман? Кимга айтаман?

Йўқ, мен Сулаймон Акрамовични ҳам, Тўлаганини ҳам; бир йилда заводда орттирган бошқа дўстларимни ҳам унутмаган эдим, уларнинг ҳаммаси эсимда турарди, ҳатто Сулаймон Акрамовичнинг бир ҳафта олдин айтган сўзлари ҳам ёдимда эди, лекин уларнинг олдига энди қайси юз билан бораман, нима дейман?

Рост, кўнглимнинг бир четида агар самимий кечирим сўраб борсам улар кўкрагимдан итармасликларига ишонардим, лекин журъатсизликданми ё йнгитлик иззатнафси йўл қўймадими, ишқилиб заводга бормасдан, уйга қараб йўл олдим. Эҳтимол уйда институт билан заводга олиб борадиган иккита йўлдан бошқа учинчи бир йўл топилиб қолар!:

Шу хаёл билан уйга кетдим, лекин ажабо: хаёлим дўстларимда, заводда эди. Мен қандайдир уларни кўмасар эдим. Қани энди шу топда Тўлаган билан одам сийрак кўчаларни кезиб, кўнглимдагиларни унга гапириб берсам, бир ой ичида тўпланган ҳасратларимни тўкиб юрагимни бўшатсам?..

Дарвозадан ҳовлига кирдим-у, ҳайрон бўлиб тўхтадим, рўпарадаги супада сийрак сочларини чангаллаб Салим Каримович ўтирар, ёнида қўлида бир пиёла сув тутиб ойим турарди.

Мен Салим Каримовичнинг:

— Шарманда қилди! Шарманда! — деган сўзларини эшитиб қолдим.

Дарвоза очилганини эшитиб, ойим ўгирилиб қаради. Салим Каримович эса секин ўрнидан турди. Унинг лаблари титрар, кўриниши жуда аянчли эди.

— Бу қандоқ бўлди? — деди у, қандайдир йнгламсираган, титроқ товуш билан. — Сен кимни фош этмоқчи бўлиб юрибсан? Мен сени ўғлим деб, жигарбандим деб ўртоқларга елиб-югуриб ишингни тўғрилаб берсам-у, сен бунақа қилсанг? Мени ўртоқларим олдида қай аҳволга солиб қўйганингни биласанми ўзинг? Шарманда қилдинг, шарманда!

Шу топда меннинг ҳам дардим ўзимга етарли бўлиб тургани учунми, билмадим, қаттиқ бир нарса дейишга оғиз жуфтладим-у, лекин унинг йнглашдан бери бўлиб турганини кўриб ҳушимга келдим: унга қаттиқ гапиришга нима ҳақим бор? Ахир айб унда эмас, ўзимдаку! Бу иродасиз, шўрлик одам ойимнинг қистовлари билан шу ишга мажбур бўлганини кўра-била туриб индамаган эдим-ку! Дадамни айблаш ҳам виждонсизлик бўлади-ку!

— Кечирасиз, болалик қилибман. Директорга кирман деб жаҳл устида айтгандим. Кўнглингиз тўқ бўлсин... Ҳеч қачон кирмайман! — дедим ва уйга бурилдим: Тўсатдан хаёлимдан: «Агар ўз дадам тирик бўлганда эҳтимол бу ишлар бўлмас эди, эҳтимол мен бу аҳволга тушмас эдим!» деган фикр ўтди-ю, кўзимга ёш келди...

Уйга киришим билан орқамдан ойим ҳам кирди. У

тўппа-тўғри олдимга келди, нккала қўли билан бошимни ушлаб; кўзларимга тикилди:

— Сенга нима бўлди, болам? Кўнглингдаги дардингни онангдан нега яширасан? Нега бундай қиласан.

Йўқ, сочларига оқ оралаган, пешонасига чуқур ажинлар тушган бу она ўз фарзандининг дардини тушунмайдиган оналардан эмас эди! Мен бир ой ичида бошимдан ўтган ҳодисаларни ундан яширмасам ҳам бўларди!..

Бошимни унинг қўллари орасидан секин чиқариб ерга қарадим. Айни маҳалда уйга келаётганимда йўлда ўйлаганим учинчи йўлнинг йўқлигига ҳам амин бўлдим.

— Мен бу йил ўқимайман, — дедим, — яхшиси заводга қайтиб бораман.

— Нега? — секин сўради ойим, унинг овози жуда мулоийм эди. — Сир эмасми?

— Йўқ, сир эмас, бироқ бу тўғрида ҳозир айтолмайман. Мен сизга фақат шуни айтишим мумкинки; тунов куни шу ишга розилик бериб жуда катта хато қилибман; чунки бир одамга... бир қизга жуда жавр бўлди... Йўқ демасангиз, Сулаймон аканинг олдига бораман.

Ойим узоқ вақт жим қолди.

— Майли, болам, ўзинг биласан; — деди ниҳоят ва яна бошимни ушлаб, пешонамдан ўпди. Унинг кўзлари нам эди:

— Йўқ, болам, сен эмас, мен янглишдим. Уқи деб зўрлаб сени қийнаб қўйганга ўхшайман. Бора қол, болам, майли, бора қол.

У яна пешонамдан ўпди. Уйдан чиқиб Сулаймон аканинг олдига кетдим.

Хатони тузатиш учун ҳаётни қайтадан бошлаш керак эди.

*1961 йил*



# ҲИКОЯЛАР

www.ziyouz.com

## БАХТ ҚУШИ

Жамшид «Кўк сой»ни шундай соғиндики, эсига тушса, кўз олдига ёз бўйи қармоқ билан балиқ тутган катта тўғон, бутун қишлоқ болалари йиғилиб кураш тушадиган, чиллак ва ёнғоқ ўйнайдиган кенг сойлик, сойликнинг четидаги нон оқизиб ейдиган муздай чашма келарди. У, айниқса, қўшнилари Санобар деган эркакшода қизни, унинг «Қоровой» деган катта қора мушугини кўп эслар, уларни эслаганда негадир Моҳира холанинг қўрда кўмилган жўхори сўталари-ю, муздай гўжаси кўз олдига келиб, оғзидан суви қочарди.

Жамшид «Кўк сой»ни бултур ёзда акасиникига меҳмон бўлиб борганида кўрган. Акаси билан келинойиси эса уерга узоқ йили, институтни битиришганидан кейин врач бўлиб боришган, қишлоқда уларни «қўш дохтур» деб аташар ва жуда ҳурмат қилишарди.

Кечқурунлари акаси Суръатжон қўштиғ милтиғини елкасига илиб атроф боғлардан мусича, тўғондан балиқчи қушлар отар, Қоровой эса худди овчи итга ўхшаб уларни йиғиб келарди. Баъзан акаси билан келинойиси Тамиллахон сойда бекинмачоқ ўйинларига қўшилиб кетишар, сувга чиққан аёллар турнақатор бўлиб уларни томоша қилишар, «Вой ўлмасам», деб юзларини четга буришар, ёшлар эса азбаройи хурсанд бўлганларидан уларни қийқиришиб қарши олишарди. Шундай пайтларда Жамшид акаси билан келинойисидан дил-дилидан фахрланар, акасининг чаққон ҳаракатлари, ундан қочган келинойисининг шамолда тўзғиган бир ўрим сочлари, оловдай ёнган чиройли юзи, кулгидан чақнаган катта қўй кўзларига завқ билан боқарди.

Кузда, Жамшид кетишдан сал олдинроқ, акаси тажриба учун, деб уч-тўртта қуён боқа бошлаган эди. Жамшид кетишидан икки кун аввал қуёнларнинг биттаси қушчадай-қушчадай тўққизта қуёнча туққан эди, акаси

сўнги хатида: «Қуёнчаларинг ҳалиям сени эсидан чиқаргани йўқ, ҳар куни: «Жамшидни соғиниб қолдик, қачон келади, деб сўрашяпти!» деб ёзди-ю, усиз ҳам тоқати тоқ бўлиб юрган Жамшидга ҳар бир соат бир йилдай туюла бошлади.

Ниҳоят, бахтиёр дам етиб келди. Ойиси майда-чуйда олиб берди. Жамшид ўзи Санобарга катта копток олди. Уйдагилар бунинг ҳаммасини бир чамадончага жойлаб, уни поездга олиб чиқиб қўйишди.

Поезд станцияга кечаси келди. Акаси негадир кўринмай, Жамшидни қарши олгани Санобарнинг дадаси — Шомурод ака чиққанди. Шомурод ака уннинг қўлидан чамадонини олиб, олисроқда турган шотилик аравага бошлаб кетди.

Арава ҳам, отлар ҳам Жамшидга таниш — бу аравада у қанча марта пичан ташиган, отларни тўғонда чўмилтирган. Жамшид дили илиқ бир меҳрга тўлиб, отларнинг бошини силади, сўнг аравага чиқиб қуруқ бедага чўзилди. Димоғига какра, ялпиз ва яна аллақандай ўтларнинг сал тахир ва хушбўй ҳиди «гуп» урди-ю, дили яйраб кетди.

Шомурод ака аравага чиқиб ўз жойига ўтираркан, қоронғида ниманидир чўзди: «Ма болам, чиллаки ўрик. Санобар бериб юборди...»

Жамшид бир дўппи ўрикни олиб кўкрагига босаркан:

— Санобар! — деди кўнгли сув ичгандай бўлиб. — Санобар...

Арава қўзғалди. Бахмалдай тиниқ осмон оҳишта айланиб, битта-битта терилган йирик кўкиш юлдузлар дарёда оққандай секин оқа бошлади.

Жамшид кўзини юмди-ю, назарида, шу заҳотиёқ кимдир сочларини секин тортқилагандай бўлди, қулоқлари остида қиз боланинг мулойим овози эшитилди.

— Тур, Жамшид, тура қол энди...

У кўзларини очмоқчи бўлди-ю, очолмади, киприкларини бир-бирига ёпишиб қолгандай оғир эди.

— Санобар, — деди у хаёлида. — Санобар...

— Тура қол, — ёлворди Санобар. — Мен сенга лайлак кўрсатаман. Тўғондаги оқ теракка кўкламда лайлак уя солган...

Санобарнинг гапини Моҳира холанинг ўктам овози бўлди:

— Бировнинг боласига тега кўрма, ҳой, Эркакшода.

Йўл юриб келган — ухласин. Ундан кўра ўрик қоқ, бола бечора турса ейди!

Жамшид ўзича кулимсиради, кўзи яна илина бошлади-ю, ёнгинасида «дув-дув» тўкилган ўрикларнинг пагирлашидан уйғониб кетди.

Ажабо: Жамшид аравада эмас, сўрида ётарди! Моҳира хола Санобарни Эркакшода деганича бор, у бутун ҳовлига шох ёзиб ўсган кекса ўрикнинг энг учида катта бир шох устида депсиниб турибди. Энди чиққан офтобда унинг оддийгина қизил чит кўйлаги хонатласдай товланади, ўзиям прожектор шуъласида баланд гумбаз остида ўйин кўрсатаётган акробат қизга ўхшайди.

Жамшид ўрнидан сакраб турди:

— Санобар!

Санобар эгилиб пастга қаради, кейин худди маймундай бир шохдан иккинчи шохга сакраб, «тап» этиб ерга тушди.

Юмалоқ қоп-қора кўзлари артилган чаросдай чарақлайди, қалин пахмоқ сочлари саватдай тўзғиган, бурун катаклари кулгидан керилган.

— Юр, — деди Жамшиднинг қўлидан ушлаб. — Мен сенга лайлак кўрсатаман!

Улар пахса девордан ошиб боққа тушишди, япроқлардаги қалин шудрингни ёмғирдай «дув» тўкиб, олчазор орасига шўнғишди.

Жамшид уст-боши шудрингдан ҳўл, яланг оёқ юришга ўрганмаган оёқларига тикан қадалиб, ҳар қадамда бир тўхтар, Санобар эса на шудрингни парво қилади, на тиканни, унинг қўлидан тортқилаб, дарахтлар орасига боши билан бузоқдай шўнғиб кириб, шўнғиб чиқарди... Тўсатдан олисроқда сойга қараб чопқиллаб бораётган нозиккина бир жувон кўринди. Жувон йўл-йўлакай эғнидаги ҳаворанг кўйлагининг устидан оқ халат киймоқда эди.

Жамшид беихтиёр унга томон талпиниб:

— Кеннойи! — деб юборди.

Жувон тўхтади, дарахтлар орасидан мўралаб қаради-да, чопқиллаганича келиб, Жамшиднинг пешонасидан, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди; сўнг, ўзини сал орқага ташлаб; қуралай кўзларини «юмалоқ» қилди:

— Вой-буў... бирам катта; бирам чиройли йигит бўлсан!.. — деди Тамилла ва кулиб қўшимча қилди: — Санобарга қара: уям чиройли қиз бўлди!

Санобар:

— Боринг-э! — деди тескари бурилиб.

Тамилла Жамшидга қараб кўзини қисди. У шоша-пиша эсон-омонлик сўрашди. Жамшиднинг овқати ошхонада столда турганини, у эса шошаётганини, сойда «скорая помощь» кутаётганини айтди-да, чопиб кетди. Лекин сал юрмай тўхтаб қичқирди:

— Аканг қирдадир. Айтиб қўй, мен касал кўргани кетдим!

Жамшид эндигина акасини эслаб, Санобарнинг қўлидан тортди:

— Юр, олдин акамни кўрайлик.

Санобар негадир қовоғини солди, ювилган чаросдай чақнаган кўзларини ерга тикди.

— Шунақами? Акангни соғиниб қолдингми?

— Биз ҳали кўришганимиз йўқ ахир. Мен кечаси сизларникида ухлаб қолибман...

Санобар кўзлари сал қисилди, ранги ўчиб:

— Билиб қўй, Жамшид, — деди. — Аканг — ёмон одам! Кеннойинг... яхшилару аканг ёмон одам! Ўзиям, қуёниям жонимга тегди. Тушундингми?

Жамшид нима дейишини билмай, лол бўлиб қолди.

— Нега энди? Ахир бултур ўзинг бу қуёнларни...

— Лайлакни кўрасанми ё суюкли акажонингними? — деди Санобар ва жавоб кутмасдан боғларнинг ортидаги сойга қараб кетди. Сал юрмасдан боғ чекиниб терак бўйи келадиган чуқур жарлик кўринди. Жарликнинг тагида кенг ажриқзор сой, сойнинг у юзида тўғон, тўғоннинг устида бир-бирига туташиб кетган шафтолизор боғлар.

Жамшид тўғон бўйидаги оқ теракнинг учида пайдо бўлган катта уяни, ҳатто ундан чиқиб турган иккита лайлакнинг бошини Санобар айтмасданоқ кўрди, лекин кўнглидаги бояғи илиқ нур сўнган эди, у шафтолизор боғларга, пастдаги сойга маъюс тикилди.

Бултур ёзда Санобар иккиси ҳар куни шу боғлардан дўппи-дўппи луччак шафтоли ўғирлаб чиқиб, тўғон бўйида ўтириб ейишар, кузда эса қўйниларини ёнгоққа тўлдириб, сойда болалар билан ёнгоқ ўйнашарди. У пайтларда акаси Суръатжон Санобарни жуда яхши кўрар, Жамшид ҳатто рашик қиларди. Бу йил қанақа ола мушук ўтдийкин ораларидан. Тўсатдан ён томондаги мажнунтоллар орасидан иккита боланинг боши кўринди. Уларнинг биттаси — паканагина қора бола Жамшидни кўриб ёнидаги кўккўз болани туртди:

— Бу ёққа бир қара: бултурги олифта кепти!

— О! — деди кўккўз кемшик тишларини кўрсатиб.

— Уст-бошига бир қара: худди қизлардай гулдор кўйлак кийибди!

— Стилляг-да стилляг! — кулди қора бола.

Жамшид ҳали ўзига келмаган эди ҳамки, Санобар бир ҳатлашда уларнинг ёнига борди, сочларидан «шап» ушлаб, бошларини бир-бирига уриштира кетди:

— Мана сенга стилияга! Мана сенга олифта! Мана!

Санобар улардан бўлса бир ёш каттадир, лекин у шундай чаққон ва чаптаст эдики, болалар унинг қўлидан базўр чиқиб жуфтакни отиб қолишди ва анча узоқлашгандагина тўхтаб Жамшидга муштрларини кўрсатишди:

— Шошмай тур, сен олифта! Бир кун учрайсан ҳали!

— Бор, бор, туёқларингни шиқиллатларинг! — деди Санобар. — Бўлмаса тутиб олиб, тумшуқларингни тошга ишқайман!

Жамшид Санобарни унга бўлишгани учун эмас, мана шунақа абжирлиги, «эркакшода»лиги учун ҳам яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам унинг акаси билан аразлашиб қолгани кўнглини яна оғритди.

— Санобар, — деди. — Нима бўлди ўзи? Эсингдами, бултур акам тўртта қуён олиб келганда...

— Тўртта қуёни энди юзта бўлди! — деди Санобар.

— Кузгача бутун бир ферма бўлади!

— Юзта бўлса нима қилти?

— Нима қилганини ҳозир биласан!

Санобар Жамшидни уйларининг орқасидаги ошхоналарига — сузма; ачиган қатиқ, қуриган райҳон, қалампир ва яна алланималарнинг ҳиди анқиб турган катта хонага бошлаб кирди.

Ошхонанинг ўртасида, шифтдаги туйнукдан тушиб турган бир тоғора офтобда, худди занжирбанд шердай, бошини оёқларига қўйиб Санобарнинг суюклиси «Қоравой» — кучукдай келадиган бир мушук мудраб ётарди. Мушук Санобарни кўриб секин ўрнидан турди, хушнуд гингшиб роҳат билан керишди-да, эшикка томон юрди, лекин бўйнидаги чилвир тутиб қолди.

Санобар тиз чўкиб уни қучоқлаб олди. «Қоравой» чиндан ҳам жуда чиройли, қоп-қора жунлари қундуздай майин, силлиқ йўлбарс сифат бир мушук эди.

Санобар мушукнинг олдига косада сут қўйиб бошини силаркан:

— Мана, кўрдингми акажонингнинг қилганини? — деди Жамшидга юзланиб. — Унинг дастидан итгаям кун йўқ, мушуккаям!

Жамшид бирдан енгил тортиб кулиб юборди.

— Энди шу... «Қоровой»ни деб!..

— Нима, «Қоровой» худонинг махлуқи эмасми? — деди Санобар, кимгадир тақлид қилиб. — Агар билсанг, мушукни пайғамбар силаган. Томдан ташласанг оёғи билан тушади. Ишонмасанг; ана оймлардан сўра! — Санобар лабини чўччайтириб тескари бурилиб олди. — Шундай дейишингни билувдим. Ҳар қанча дўст бўлсак ҳам акангга бўлишасан-да!

Жамшид ялиниб-ёлвориб, ўшандаям унга атаб олиб келган коптогини бергандагина Санобар сал паст тушди ва «қуён фермага» бирга чиқишга рози бўлди.

«Қуён ферма» боғнинг бошида, бир маҳаллар тупроқ олиниб, бир томони ғорга айланган тепаликнинг ён бағрида эди. Бултур тўртта қуён шу ғорда яшарди, бу йил тепалик тўқилган сим билан ўралиб, қуёнларнинг инидан илма-тешик бўлиб кетган, ўзиям ҳар бир чангал, ҳар бир янтоқнинг соясида иккита қулоқ диккайиб турарди!.. Ғорнинг оғзида худди эндигина тухумдан чиққан оппоққина жўжаларга ўхшаш ўн чоғлик қуёнчалар дам ғуж-ғуж бўлиб, катта оқ қуённинг эмчақларига ёпишар; дам митти оёқчалари билан «тап-тап» ер депсиниб ўйноқлашар эди.

Санобар; бояги адоват ҳам эсидан чиқиб, ариқ бўйидаги жийдалар орасидан ўт юлишга киришиб кетди. Жамшид ҳам ариққа тушаётган эди, тепаликнинг орқасидан беда ортилган эшагини хиҳ-хиҳлаб акаси чиқиб келди.

Қизик: одатда бекаму кўст кийиниб юрадиган Суръатжон, ҳозир оёғида бесўнақай этик; эгнида доғ тушган сурранг кўйлак; бошида эски похол шляпа; камарида ўроқ, Жамшиднинг кўзига жуда ғалати кўринди. Ўзиям шундай озиб кетибдики, гўё шохлари буталанган мирзатеракдай сўррайиб қолибди!

— Э, қаёқларда юрибсан, оғайни? — деди у Жамшидни кўриб ва оппоқ тишларини кўрсатиб кулди. — Менга ёрдамчи келди деб қувонсам, келмасдан туриб бу пучуқ билан топишибсан-да!

Суръатжон Жамшидни эркалаб, осмонга отиб қоқиб олди, сўнг, тескари ўгирилиб турган Санобарга қараб:

— Қалай, «Қоровой»ни қўйиб юбормадингми? — деб сўради.

— Нега қўймас эканман, қўйиб юбордим! — деди Санобар.



— Йўқ, рост айтаман, пучуқ! Кеча кечқурун ариқда «Қоровой» юргандай бўлувди...

— Вой тавба! — деди Санобар ўқсиб. — Жинингиз ит-мушукка тушди...

Суръатжон унинг гапига қулоқ солмай, шляпасини олиб, бошини қашиди:

— Ҳайронман, боя санадим, иккита қуён йўқ. Қаёққа кетади бўлмаса...

— Ҳа, ўша иккита қуёнингизни менинг «Қоровойим» еган! — Санобар ранги ўчиб, лаблари титраб шундай деди-да, ўзини боққа уриб кўздан ғойиб бўлди.

Суръатжон «парво қилма» деган маънода кўзини қисди ва Жамшиднинг тумтайиб қолганини кўриб деди:

— Тентак қиз. «Қоровой» деган битта мушуги бор — бўридай келади. Кўк қуён туққанда битта боласини олиб қочганини ўз кўзим билан кўрганман. Айтсам ишонмайди... Қани, қарашиб юбор, ука!

Ака-ука эшакдаги бедани тушириб ярмини қуёнларга сочиб, ярмини жийдаларнинг соясига элтиб қўйишди, сўнгра уйга бориб, — Суръатжонлар Шомурод аканинг урушда ҳалок бўлган укасининг уйида туришарди, — нонушта қилишди. Нонуштадан кейин Суръатжон Жамшидни яна тепага бошлаб чиқди ва қуёнларга сув бериб, қараб туришини тайинлаб, ўзи ишга кетди.

Жамшид тепада, атрофида дик-дик сакраган қуёнлар орасида ёлғиз қолди. Унинг дилидаги эрталабки офтоб сўнган, кўнгли куз ҳавосидай сербулут эди. Тепарагида дик-дик сакраган қуёнлар, ҳатто оппоқ жўжалардай митти қуёнчалар ҳам кўзига қандайдир совуқ кўриниб кетди...

Шу кундан бошлаб «қуён ферма»нинг ҳамма майда-чуйда ишлари Жамшиднинг зиммасига тушди.

У ҳар куни эрталаб акасига ўт ўришар, сўнг бу ўтларни уч маҳал қуёнларга улашар, уларга сойдан сув ташиб берарди. У «ферма»дан акаси билан келинойиси ишдан қайтгандагина озод бўлар, ўшанда ҳам уни акаси эмас, келинойиси озод қиларди. Баъзан Тамилла унинг вожидан Суръатжон билан уришиб ҳам қолар, гўё эрининг шафқатсизлиги учун Жамшиддан уэр сўрагандай, ҳар хил ширинликлар бериб, бошини силарди.

Жамшид эса ишнинг оғирлигидан эмас, фақат бир нарсадан эзилар, у ҳам бўлса, Санобар билан оралари бузилиб қолгани эди.

Санобар биринчи кунданоқ тўннини тескари кийиб

олди. У Жамшид билан деярли гаплашмас, гаплашма-са-да, «салом»дан нарига ўтмас эди. Рост, Санобар уни ўйинлардан ҳайдамас, лекин кўрганда илгаригидек кўзлари чақнаб, чопқиллаб пешвоз чиқмас, фақат болалар «стиляга-стиляга!» деб мазах қилган пайтлардагина: «Тегманглар унга!» деб жеркиб ташлар, сўнг, истехзоли кулимсираб қўшиб қўярди:

«Ҳозир бу хаёлида минг қуёни олдига солиб ҳайдаб кетяпти! Аттанг, хаёлини бўлдиларинг!»

Жамшидга ҳаммадан кўра Санобарнинг мана шу қочириқлари алам қилар, шундай пайтларда акасига билдирмасдан секин қишлоқдан чиқиб кетгиси келарди.

Бунинг устига сўнгги пайтларда қуёнлар тўқилган симнинг тагини кавлаб қўни-қўшниларнинг «экин-тикинига тушиш одатларини чиқарди. Қўни-қўшнилар ҳар кун уларни қарғаб-сиқтаб қувиб келишарди. Суръатжон бу қарғиш-сўкишларни писанд қилмас, Жамшид эса ич-ичидан эзилар, чунки қўни-қўшнилар аксарият ҳамма аччиқ гапларни унинг юзига солишар: «Ҳой, бола, акажонингга айтсанг-чи, ўлиб бўлдигу, бу ер юткур шалпанг қулоқларингдан!» деб нола қилишарди. Шундай пайтларда ер ёрилмас эдики, Жамшид кирса! У ариқ бўйидаги жийданинг соясига чўзилиб узоқ ўйга толар: «Акамга нима бўлди? Шундай яхши, мард, хушчақчақ йигит, бир йилда нега бунчалик ўзгариб кетди?» деган фикр унга тинчлик бермас, лекин ўйлаб ўйининг тагига етолмас эди.

Бир кун Жамшид очиқ деразадан келинойисининг ҳаяжонли овозини эшитиб, беихтиёр тўхтади.

— Сизга нима бўлди ўзи? — дерди Тамилла куйиниб. — Ўзингизни бир кўзгуга солиб кўринг! Бу қанақа юриш ахир?

Суръатжон аввал қаҳ-қаҳ отиб кулди, кейин:

— Хўш, нима бўлти ўзи? — деди. — Оддий меҳнаткаш одамнинг юриш-туриши, вассалом!

— Қўйинг энди шу қуён-муёнингизни! — деди Тамилла ёлвориб. — Сизга ҳеч ярашмайди шу иш!

Суръатжон бир зум жим қолди, кейин Жамшидга аллақандай маъюс туюлган бир товушда:

— Биладан, ҳаммасини биладан, жонгинам! — деди чуқур тин олиб. — Лекин... бир-икки ой сабр қилинг. Кузда ҳаммасини шартта сотамизу кўчамиз-кетамиз.

— Қўчсак бир кунимизни кўрармиз.

— Гап унда эмас, жонгинам. Мен сизни ўз дугона-

ларингиз, қариндош-уруғларингиз олдида юзингиз ёруғ бўлсин деб!..

— Мени ҳалиям бировнинг олдида юзим қора эмас.

— Йўқ, жонгинам, мен сизнинг олдингизда гуноҳқорман. Сиз ҳаммадан яхши кийиниб, ҳаммадан... Сиз катта бахт... сазоворсиз...:

— Вой тавба! Мен сизга бахтсизман дедимми? Ахир одамлар, бутун маҳалла, гап-сўз...

— Ургилдим ўша одамлардан! Мен сизни шундай яхши кўраманки, ҳар қанақа фисқ-фасодга...

Жамшид бу гаплардан кейин эшитилган бўса ва кулги овозларидан уялиб, уйнинг орқасига бурилиб кетди.

Лаҳза ўтмай уйдан кулимсираб Суръатжон чиқди ва теллага қараб йўл олди. Унинг кетидан бир ўрим майин сочларини тузатиб ва кўзларидан ўт чақнаб Тамилла чиқди. Жамшидга кўзи тушиб кулди-да, қўлидан ушлаб, югурганича сойга етаклади...

Жамшид ҳайрон эди. Акаси билан келинойисининг гаплари унинг кўнглидаги жумбоқни ечиш у ёқда турсин, баттар чигаллаштириб юборди. Бу ўртада бир воқеа юз берди-ю, Жамшид охири акаси билан гаплашишга аҳд қилди.

Жамшид кечқурун нимадандир кўнгли чўкиб уйга кирган эди, Тамилла Санобар келиб, уни гўжага таклиф қилиб кетганини айтиб қолди.

Жамшид гўжадан ҳам бурун Санобар чақириб келганидан хурсанд бўлиб, Моҳира холаникига қараб чопди.

У чиққанда бутун оила ишқомнинг тагидаги сўрига йиғилган эди. Санобарнинг дадаси Шомурод ака ёнбошлаб гўжа ичмоқда, Санобар «Қоравой»ни силаб ўтирар, Моҳира хола эса қўлини паҳса қилиб ниманидир қаттиқ-қаттиқ гапирар эди. Жамшид унинг гапидан фақат: «Кўни-қўшнилариинг таънасидаи ўлиб бўлдики!» деган сўзларини эшитиб қолди. Гап Суръатжон ҳақида бўлса керак, Шомурод ака Жамшидни кўриб Моҳира холага бир нима деди ва бошидаги эски дўпписини тўғрилаб кулимсиради:

— Ке, Жамшидбек ўғлим, сўрига чиқ! Қишлоққа кепсану кўринмайсан. Оббў сени-эй!..

Моҳира хола эса, Жамшиднинг олдида бир коса гўжа қўяркан, деди:

— Жамшиджон ўзиям билади. Акасининг дастидан бутун сой маҳалла, дод деяпти... Йўқ, адаси, айтинг дўхтирингизга: ё қуёни қуритсин, ё кўчсин боғимиз-

дан! Ё бўлмаса боғни уларга бериб биз кўча қолайлик!

Шомурод ака яна боягидай хижолат чекиб йўталди, Жамшидга қараб: «Бу гапга парво қилма», деган маънода кўзини қисди, сўнг:

— Отанг тақачи бўлсаям қўйгин энди, хотин, — деди бошидаги дўпписини тўғрилаб. — Улар ўқиган одамлар, биз айтмасак ҳам ўзлари тушуниб қолишади, ҳа!

— Уқиган одамлар! — деди Моҳира хола, — Тамиллаҳонга даъвом йўқ, олим деса арзийди. Мен айтсам бунинг акасини айтаман!

— Бунинг акаси қуён боқиб бой бўлмоқчи! — деди Санобар.

Моҳира холанинг ҳамма гапи бир бўлди-ю, Санобарнинг сўзи бир бўлди. Жамшид ичган гўжаси томоғига тикилиб, ўрнидан сапчиб турди. У анча жойга бориб қолганида Шомурод аканинг:

— Шуюм иш бўлдимиз? Ўзинг чақириб, ўзинг тагин бола бечоранинг ошини заҳар қилдинг! — деганини эшитиб қолди.

Суръатжон ёрнинг олдида «қирт-қирт» беда чайнаётган қўёнларга тикилиб, нимагадир кулимсираб ўтирарди. У Жамшидни кўриб имлади: «Бери кел, ука!»

Жамшид унинг хушнуд чеҳрасидан бехиштиёр кўзини олиб қочди.

— Акажон! — деди титраб. — Қўйинг шу ишингизни. Сиз шундай яхши... йигит эдингиз. Ҳамма сизни яхши кўрарди!

Суръатжон қовогини солиб:

— Ўзи нима гап? — деди.

— Шу... ҳамма бизни ёмон кўради. Қуён боқиб бой бўлишмоқчи, деб масхара қилишади...

Суръатжоннинг узунчоқ юзи оппоқ оқариб, қизларникидай катта, серкиприк кўзлари қисилди. Жамшид акаси уни силтаб ташлар, деб ўйлаган эди, лекин Суръатжон бир зум ўйлангач:

— Қани, ўтиринг-чи, ука, бир гаплашайлик, — деди оҳиста.

Жамшид кўнгли умидга тўлиб унинг ёнига чўнқайди.

— Қуён боқиб бой бўлмоқчи эмишманми? — Суръатжон истеҳзоли жилмайди. — Сен шу гапларга ишонасанми, ука?

— Йўқ, бироқ...

— Хўп, — деди Суръатжон. — Сенга битта савол:

дейлик сен жонингни ҳам аямайдиган бир... дўстинг бор, кимни айтсак бўлади, масалан... Санобар!

— Санобар мен билан гаплашмайдиам! — деди Жамшид.

— Йўқ, — деди Суръатжон. — Гап очилдими, тўғриси айтиб қўя қолай. Мен бу ишни бойлик орттириш учун эмас, кеннойинг учун, Тамилла учун қиляпман ука?

— Биладан. Лекин...

— Йўқ, билмайсан, ука. Гапимга қулоқ сол аввал... — Суръатжон чуқур хўрсинди, сўнг, худди юрак сирларини очишга қийналаётгандай, секин гап бошлади:

— Ҳали катта бўласан, ука, севги нималигини биласан... Тамилла кеннойингни ўзинг биласан. Бундан уч-тўрт йил аввал танишганимизда кеннойинг шундай... кўҳлик эдики, ман-ман деган йигитлар, казо-казоларнинг ўғиллари унинг изини... унинг бир оғиз сўзига зор эди. Лекин кеннойинг уларни эмас, мени деди. Мен бу олис қишлоққа кетганимда, тўғрироғи, юборилганимда лом-мим демасдан бирга келди, мана уч йилдирки, шу тешикда ётибмиз... Ҳозир, бир маҳаллар кеннойингдан рад жавобиңи олган ўша йигитлар, ҳар биттасининг тагида битта «Волга», юришипти катта мансабларни эгаллашиб!.. Мен эсам... кеннойинг бечора нима кўрди менга келиб?

— Ахир... кеннойим сизга таъна қиляётгани йўқ-ку, буни!

— Бундан кўра таъна қилгани яхши эди! — деди Суръатжон оғир хўрсиниб. — У ақлли, олижаноб инсон. Шунинг учун ҳам таъна қилмайди. Мен эсам унга сайин қийналяпман, ука! Нега десанг, кеннойинг ўзи тушунса ҳам, ота-онаси, қариндош-уруғлари тушунмайди. Бизнинг гапимизга кирмай топганингдан кўрганинг шуми дейишади. Яқинда шаҳарга кўчамиз. Нима, икки қўлимизни бурнимизга суқиб борамизми? Ҳамма тушунмаса ҳам сен тушунишинг керак, ука. Мен ўғирлик қилмасам, бошқа қилмасам. Ўзинг биласан — бошда бу ишни тажриба учун қилувдим, кейин қарасам етти хазинанинг биттаси шу экан... Хуллас, яна бир-икки ой тишни тишга қўйиб чидаш керак, ука... Бойлик орттирмақчи эмишман! Йўқ, ука, бойлик учун эмас, Тамилла кеннойинг учун қиляпман бу ишни. У мисоли... бошимга қўнган бир бахт қуши, ука. Учиб кетмаса деб қўрқаман. Сен ҳали ёшсан. Бу гапларга катта бўлганингда тушунасан, ука, — Суръатжон маъюс кулимсираб укасининг елкасига қўлини қўйди. Унинг «ука» деб гапиришида,

овозида, кулимсирашида бўлакча бир самимият бор эдики, Жамшид ўпкаси тўлиб, акасининг қўлини қаттиқ сиқди.

Кечаси Жамшид тўғондаги бақаларнинг қуриллашига, узоқ-яқиндаги итларнинг вовиллашига, шамол ўйнаган дарахт япроқларининг шитирлашига қулоқ солиб қўл чўзса етадиган юлдузларнинг милт-милт ёнишига кўз тикиб, узоқ ётди.

Дам унинг эсига Моҳира холанинг аччиқ гаплари тушар, дам кўз олдига Санобарнинг истеҳзоли табассуми келар, дам қулоқлари остида акасининг аллақандай мунгли овози янграрди...

У энди акасини қораламас, унинг яхши одам эканига деярли шубҳа қилмас, айни маҳалда уни тамом оқлаш ва Санобарни қоралашга ҳам тили бормас, бунинг учун нимадир етишмас, лекин етишмаётган нарса нима эканини тушунолмас эди...

Бир ҳафта ўтди. Уша суҳбатдан кейин анча мулозимлашиб қолган Суръатжон уст-устига бир-иккита қуён йўқолиб, асабийлаша бошлади.

Бир кун кечқурун тўғонда чўмилаётган Жамшид акаси чақираётганини эшитиб қолди.

Борса, акаси Суръатжон беда ташийдиган кўк эшакни эгарлаб, шай қилиб турибди. Жамшид бориши билан у икки кўзи қаппайган ҳуржунни эгарга ташлаб, қирга имо қилди:

— Ана у қирнинг орқасида яна бир пастроқ қир бор. Унинг устига чиқсанг пастда чуқур жар кўринади. Мана бу хуржунда... — У хуржуннинг қаппайиб турган ўнг кўзига қўлини қўйди. — Жун қоп бор. Шу қопни олиб, жарга отгину, дарҳол қайтгин!

Жамшид акаси кўрсатган томонга қаради. Ҳали қоронғи тушмаса-да, қирга туташган осмон қизғиш тусга кира бошлаган эди.

— Нима, қоронғи тушиб қолади, деб қўрқаяпсанми? Ё жин-шайтон, бўри-мўрига ишонасанми? — Суръатжон аллақандай асабий кулди. — Бекор гап, оғайни! Кўк ҳангининг бошини қўясану чопиб бориб, чопиб келсан!

Жамшиднинг кўнглидан: «Шу ишни эрталаб қилса нима бўларди?» деган гап ўтди-ю, акасини ранжитмай деб, тўғрироғи, унинг кўзига қўрқоқ бўлиб кўринмай деб, эшакка миниб йўлга тушди.

Жамшид акаси айтган жарликни бултур ёзда кўрган, бир кун кечқурун Санобар иккиси йўқолган кўзини қидириб бориб, ваҳимага тушиб қайтишган. Жамшид кўк

ҳангини савалай-савалай биринчи қирга чиққанда олисга чекинган уфқ кулранг тусга кирди, иккинчи қирга чиққанида ғира-шира қоронғилик тушиб қолди.

Мана, таниш жарлик, тўғрироғи, таги чангал билан қопланган, қоронғи ўнгирга ўхшаш ваҳимали чуқурлик...

Жамшидни шу ўнгирдай қора ваҳима босиб, эшакдан зўрға тушди. У хуржундаги жун қопни тортиб оларкан, қўлига оғир ва юмшоқ бир нарса тегди, нимадир хириллагандай бўлди-ю, сочлари тиккайиб, тиззалари қалтираб кетди. Шу пайт қопдаги оғир ва юмшоқ нарса яна типирлаб, хириллаган овоз такрорланди.

«Ит! Йўқ, мушук!..» тўсатдан Жамшиднинг миёсида нимадир ярқ этгандай бўлди: «Қоровой!..»

У боғични қандай ечгани ҳам эсида йўқ, қопнинг тагидан ушлаб силкиган эди, боши латта билан ўралган, оёқ-қўли боғланган «Қоровой» қора қундуздай юмалаб тушди. Жамшид «Қоровой»нинг бошидаги латтани юлиб олди, оёқларини ечиб юборди. «Қоровой» бир ағанаб ўрнидан турди, кўзлари олазарак бўлиб атрофга тикилди, сўнг, Жамшидни таниди-ю, аянчли миёвлаб, оёқларига сурканди.

Бояги ваҳимадан асар ҳам йўқ, Жамшид «Қоровой»ни кўтариб бағрига босди-да, эшакка миниб, орқага қайтди.

У ҳали акасига нима дейишни билмас, тўғриси, бу ҳақда ўйлагани ҳам йўқ, бутун хаёли Санобарда эди!.. У акасининг бу қилиғини изоҳлашга ақли етмас, фақат бир нарсани сезар — тунов куни Суръатжон уни алдаган, у энди акасининг мунгли гапларига ишонмас эди!

Жамшид, акам кўриб қолмасин, деб анча жойни айланиб, олдин пахтазорга тушди, кейин ариқ ёқалаб кетди ва Санобарларнинг ҳовлисига сой томондан кирди.

Санобар қўйларини тушовлаб, сигир-бузоғига ўт бераётган экан. Жамшиднинг олдига истар-истамас чиқди-ю, «Қоровой»ни кўриб, оғзи очилиб қолди.

— Вой, «Қоровой?» Яна бўшаб кетибдими бу тентак!

Жамшид ҳаяжондан нафаси тикилиб, тили ғулдурай-ғулдурай, бўлган воқеани айтиб берди.

Санобар қоронғида кўзлари чақнаб, Жамшиднинг қўлини «шап» ушлади, антикиб гапирди:

— Жамшид! Мен... Мен сени акангдай деб ўйловдим. Хафа қилган бўлсам кечиргин! Энди биз... Энди биров сенга тегадиган бўлса! — деди-ю, тўсатдан иссиқ лаблари билан Жамшидни «чўлп» этиб ўпиб олди.

Жамшид, назарида, офтоб чиқиб, ҳаммаёқ ёришиб

кетгандай туйилиб, Санобарларнинг ҳовлисида қушдай энгил тортиб чиқди.

Суръатжон сўрида овқатланиб ўтирарди. У Жамшид-ни кўриб, кўзини қисди.

— Қалай, буйруқ бажарилдими?

Жамшид акаси кўз қисиб кулганини кўрганда бир зум ҳақиқатни айтгиси ва тунов кунгидай уни қучоқлаб, бундай қилманг, акажон, деб ёлворгиси келди-ю, нимадир бунга халақит берди.

— Бажарилди, — деди у ва гапни калта қилиш учун ювиниш баҳонасида сочиқни олиб сойга қараб кетди.

— Молодец! — деди акаси. — Катта бўлсанг яхши солдат бўласан!

Эртасига Жамшид аллақандай ёқимсиз, ваҳимали бир қийқириқдан уйғониб кетди. Овоз бир зум тинди-ю, яна такрорланди. Бу сафар у худди бўғизланаётган одамнинг товушини эслатди Жамшидга.

У ўрнидан сакраб турди, лекин овоз келган томонни билмай жойида қотиб қолди. Ошхонада газ плитада чой қайнатаётган Тамилла ҳам бир зум тўхтаб, қулоқ солди, сўнг яна ўз ишига киришди. Шу пайт аянчли гингшиган товуш гўё ёрдамга чақиргандай чинқириб юборди-ю, Жамшид қирга қараб чопди. Энди шубҳа қолмаган: бола йиғисига ўхшаш чинқириқ ариқ бўйидаги қатор жийдалар орасидан келарди. Жамшид нафаси томоғига тиқилиб ўша томонга отилди, отилди-ю, юраги шартта узилгандай бўлиб, жийдага суяниб қолди.

Акаси Суръатжон, қўлида жингил сопли узун қамчи, жийдага ортки оёғидан осилган «Қоравой»ни қулочкаш-лаб урмоқда эди!

Суръатжон қулочини ёзганда кўзи косасидан чиқаётган «Қоравой» гужанак бўлиб осмонга сапчир, арқондай эшилиб тўлғанар, қамчи текканда одамдай зорланиб чинқирар, сўнг оғзидан қон қусиб, бир зум тинчиб қолди...

Жамшид ҳали ҳушини йиғиб олмаган эди ҳамки, Тамилла билан Санобар, уларнинг орқасидан яна аллакимлар кўринди...

Жамшид бирдан ҳушига келиб, ўзини акасига ташлади:

— Ака! Тўхтанг, ака!

Суръатжон, кўзлари қонталашган, ўгирилиб қаради. Жамшид унинг қўлига осилиб қолди. Кетма-кет етиб келган Санобар эса, дод солиб Суръатжонни муштлай кетди:



— Жаллод! Нима қилиб қўйдинг, жаллод! Оппогим, «Қоровой»жон! Қамаб қўювдим-ку, қанақа қилиб учрай қолдинг бу жаллоднинг қўлига, жонгинам!

Ҳамма, худди «Қоровой»нинг ўлими эмас, катта бир фожианинг устидан чиққандай сукут сақлар, ёлғиз Санобар ҳамон Суръатжонни дўппослаб йиғларди. Суръатжон эса, гўё бу ишни мастликда қилгану, ҳушига келиб, қўрқиб кетган одамдай, давранинг ўртасида бе-хол турар ва ён-вериға аланглаб қарарди. Шу пайт қаёқдандир етиб келган Шомурод ака, бошидаги дўпписини тўғрилаб:

— Бу қандоқ бўлди, дохтур ука, — деди. — Мушук ҳам худонинг махлуқи-ку...

— Мен... нима қилай, ҳар куни битта-иккита қуён йўқоляпти. Шундан бошқа...

— Ёлғон! — қичқирди Санобар, — Сиз қуён боқиб-сизки, «Қоровой» бечора қамоқда!..

— Санобархон, сен билмайсан... — Суръатжон гапни тугатмади, Тамилла, ранги девор, ўзини боққа урганини кўриб, унинг кетидан талпинди.

— Тамилла! Тўхтаг, Тамилла...

Тамилла тўхтаб кескин бурилиб қаради-ю, гўё шилимшиқ бир нарсадан ижирғандай, юзи буришди:

— Қўлингизни артинг... Қон!..

Суръатжон дармони қуриган одамдай қўлидан қамчиси тушиб, лол бўлиб қолди. Шомурод ака камаридаги қиндан пичоғини олди, «Қоровой»нинг оёқлари боғланган чилвирни кесди ва мушукни ўтга ўраб кўтариб олди.

— Бўлди, қизим, бўлди, юр, бир жойга кўмайлик бу бечорани...

Жамшид ҳозир акасининг чиндан изтироб чекаётганига дил-дилидан ишонар, шунинг учун Санобарларга эргашшини ҳам, Суръатжоннинг ёнида қолишини ҳам билмас эди. Тўсатдан Суръатжон худди бир нима эсига тушгандай бошини кўтариб:

— Шомурод ака!.. — деб хитоб қилди. — Худо ҳаққи... нимага шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман. Падарига лаънат бу қуёнларнинг! Кечиринг мени! Менга биттаси ҳам керак эмас! Олинг шуларни! Илтимос қиламан — олинглар шу қуёнларни!

Шомурод ака тўхтади, шошмасдан бир-икки марта томоқ қирди, кейин:

— Раҳмат, ука, — деди ўйчан товушда. — Биз деҳқон одам. Қуён жонивор боғ-роғнию экин-тикиннинг заволи. Деҳқон одамга тўғри келмайди бу иш, ука...

«Қоравой»ни боғнинг қоқ ўртасидаги бир туп бозор ўрикнинг тагига кўмишди. Бечора шу ерда ўтириб ўрик пишганда чумчуқ пойларди.

Суръатжон ўзича ниманидир мулоҳаза қилиб, пешанасини ушлади, лекин қўли қон экани эсига тушди шекилли, юзи буришиб, уйга қараб югуриб кетди.

Суръатжон шу кетганича тушдан кейин усти берк бир машина олиб чиқди. Ҳамма қуёнларни ўшанга тикиб, шофердан қаёққадир жўнатиб юборди. Кейин кун ботгунча тепанинг атрофидаги ҳамма қозиқларни суғуриб, симларни йиғиштириб ташлади.

Жамшид унинг юзига қарашга юраги дов бермас, юзига қараса жон-жони ачишиб кетарди.

Тамилла эрталаб кетганича кечаси алламаҳалда қайтиб келди. Жамшид унинг.

— Рухсат беришди, кетаман, — деганини эшитиб қолди. Суръатжон нимадир деган эди, у асабий товушда:

— Йўқ, бир кун ҳам турулмайман, — деди кескин, — одамларнинг юзига қарай олмайман. Қўйнинг, гапирманг. Жазонингиз...

Тамилла кийимларини бир чамадонга жойлаб эртасига кун чиқар-чиқмас жўнаб кетди. Жамшид билан Суръатжон юкларни шайлаб, яна бир кеча тунадилар.

Эртасига юкларни машинага ортиб бўлиб, энди жўнамоқчи бўлиб турганларида Санобар кўринди. У секин имлаб Жамшидни четга чақирди.

— Жамшид, — деди у, — «Қоравой» бўлса ўлди. Сен кетмай қўяқол. Ё кетсанг ҳам... келиб тур... мени... бизни унутма. Унутмайсанми?

Жамшид «ялт» этиб акасига қаради, Суръатжон машинанинг кабинасига суяниб, хаёлга чўмиб маъюс ўтирарди.

Жамшид акасидан кўзини узиб, тўғонга, оқ теракнинг учида ўтирган иккита лайлакка, сойликда кураш тушаётган болаларга тикилди. У бултур ёнғоқ отиб, ағанаб ўйнаган бу сойликни, жарликнинг тагидаги муздай булоқни, балиқ тутиб, кечаю кундуз чўмилган бу тўғонни, эркакшода бўлса-да, ҳозир кўзларида ёш, мўлтираб турган бу ажойиб қизни энди ҳеч қачон кўрмаслигини биларди. Лекин... Санобардан айрилиш — қанчалик оғир бўлмасин, акасини бу аҳволда ташлаб кетиш мумкин эмас, Жамшид ҳозир унинг ёнида бўлишни керак эди.

Жамшид «қилт» ютинди-да, кескин бурилиб, кутиб турган машинага қараб чопди.

1964 йил

## ЯХШИЛИК

Мен ҳар сафар Мунаввар келинойимни эслаганимда кейинчалик рўй берган бу оғир воқеа эмас, дилимда сал маъюс ва илиқ ҳислар уйғонган ёз кунни эсимга тushади.

...Бувимнинг серсоя боғи қариндош-уруғларимизга, тоғамнинг ёр-биродарларига тўлган: биров ўчоқ қурмоқда, биров ўтин ёрмоқда, биров ҳовлига сув сепиб, сўрига палос ёзмоқда. Кечқурун тўй!

Бу шодиёнадан маст, мен ҳам йиғилган болаларга қўшилиб шов-шув кўтараман, дам шотутга ўрмалаб, каптар уяларидан тухум қидираман...

Тўсатдан мирзатеракка чирмашиб ўсган аймақи ток орасидан бувимнинг боши кўринади. У мени имлаб чақиради, қўлидаги рўмолидан дўппимга икки-уч бош чиллаки узум солади:

— Бор, меҳмонхонага элтиб бер. Тоғанг билан келинойинг... татиб кўришсин.

Мен дўппимни кўкрагимга босиб меҳмонхонага қараб чопмоқчи бўламан, лекин бувим қўлимдан ушлаб тўхтатди, ён-верига қараб секин дейди:

— Мабодо... «ўтир», дейишса, ўтирмагин тагин. Бир нафас бўлсаям бирга бўлишсин. Эртага... — Бувим, лаблари пирпираб, гапиролмай қолади, рўмолининг учини кўзига босади-ю, имо қилади: — Бор!

...Тоғам эртага урушга кетади. У кеча кечқурун келинойимни Тошкентдан «олиб қочиб келган». Қулоғимга чалинган шивир-шивирларга қараганда, улар институтда бирга ўқишар экан. Кечаси уйимиз хотин-халажга тўлиб, келинойимни кўролмаган эдим, бугун эрталаб подадан қайтаётиб, булоқ бошида кўриб қолдим.

Тоғам булоқ бўйига чўнқайиб, юзини ювар, келинойим эса эгнида атлас кўйлак, бошида четларига гунафшаранг гул тикилган ипак дурра, елкасида сочиқ, қўлида челак, унинг ёнида турарди.

Келинойим новча, ҳатто тоғамдан ҳам новчароқ, — мен буни тоғам ювиниб бўлиб, қаддини ростлаганида пайқадим, — узунчоқ юзли, нозиккина қиз эди. Мени айниқса унинг хиёл маъюс қора кўзлари ҳайратда қол-

дирди. Умуман унинг бутун вужудида, очиқ, мулойим чеҳрасида, ўйчан тикилиб туришида бўлакча бир ғамгинлик бор эди.

Мен уларга сездирмай ўтиб кетмоқчи эдим, тоғам кўриб қолиб, олдига чақириб олди.

— Мана, танишиб кўйинг, Мунаввархон, — деди у. — Боя сизга айтган жияним Мансурполвон шу йигитча бўлади. Мен кетганда биров сизни ранжитадиган бўлса... шу йигитга айтиб қўясиз...

Келинойим челақни чап қўлига олиб, ўнг қўлини менга чўзди, қошларини чимириб, мулойим жилмайди.

— Шунақами? Тоғангиз кетганда мени биров хафа қилса... ён босасизми менга, Мансуржон?

Мен қизариб нимадир деб ғудрандим. Менинг ўрнимга тоғам жавоб берди:

— Ён босиш ҳам гапми, сизни ранжитган одамнинг калласини олади жияним, лаббай?

Келинойим менга қараб кўзини қисди:

— Кўйинг, ҳаммани ўзингизга ўхшаган зўравон деб ўйламанг!

Тоғам қаҳ-қаҳ отиб кулди. Мен эсам, кўнглим ажиб бир ҳисларга тўлиб, ўзимни боққа урдим. Ушандан бери кўз олдидан келинойимнинг ўйчан чеҳраси, қулоқларидан эркалаб айтган гаплари кетмас эди.

...Қишлоқи соддаликни қаранг! Хаёлимда ҳеч нарса йўқ, чопганимча бориб меҳмонхонанинг эшигини шарақлатиб очибман! Тўрда ўтирган келинойим чўчиб ўгирилди. Тоғам бошини келинойимнинг тиззасига қўйиб, сочларини ўйнаб ётган экан, ўзини четга олди-ю, мени кўриб яна тишларини ярқиратди:

— Э, сенмисан, полвон? Ке!

— Ҳа, шу... бувимлар узум бериб юбордилар...

— Бувингларми? — яна кулди тоғам. — Қани, опке, узум бўлса, маза қилиб туширайлик бир.

Мен узумни уларнинг олдидаги дастурхонга қўярканман, келинойимнинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш кўрдим. Узумни қўйиб, дарҳол орқамга қайтмоқчи эдим, келинойим кўрсаткич бармоғи билан кўз ёшларини сидириб ташлади-да, қўлимдан ушлади.

— Утиринг, Мансуржон, бирга узум еймиз.

Тоғам ҳам истар-истамас таклиф қилди.

— Утир!

У бир бош узумни келинойимга тутаркан, менга кўзини қисди:

— Биласанми, нима йиғлаяпти келинойинг! Тўй эс-  
кича бўлсин эмиш, чимилдиққа кирармишлар...

— Ҳа, кирмоқчиман, — деди келинойим.

— Икки букилиб амма-холаларингга салом бермоқ-  
чи эмишлар...

Келинойим узун, ингичка бармоқлари билан узум  
доналарини битта-битта узиб оғзинга соларкан:

— Нега куласиз? — деди. — Умримизда бир марта  
бўладиган тўй, ҳаммасини кўрсам дейман. Ойим бечо-  
раниям хафа қилманг. Майли, чимилдиқ тутишсин, «ке-  
лин салом» қилишсин, қизлар лапар айтишсин...

— Ана холос! Салкам олий маълумотли келинойинг-  
нинг гапларига қара!..

— Олий маълумотли булсам нима бўпти? Ахир сиз  
эртага урушга...

Келинойим гапиролмай юзини четга бурди.

— Хўп, хўп, таслим бўлдиқ, азизим! Майли, чимил-  
диққаям киринг, амма-холалариниям хурсанд қилинг.  
Фақат йиғламанг, жоним. Қани, кўз ёшингизни артинг,  
бир жилмайинг!.. — Тоғам кулиб келинойининг соч-  
ларидан тортқилади. Лекин у ҳам тўлиб тургани, ўзига  
далда бериш учунгина зўраки кулаётгани шундоқ сези-  
либ турарди... Қўнглим бир хил бўлиб, секин чиқиб  
кетдим...

Оқшом тўй бўлди. Сўлим ёз кечаси қишлоқ боғлари  
устида маъюс куйлар, айрилиқ ҳисларига тўла ҳазин  
лапарлар янгради. Келин келаётганда (уни қўшнимиз-  
никидан чиқаришди), дарвоза олдига гулхан ёқишиб,  
йигитлар йўлга арқон тутишди. Бувим, қўлида бир ҳо-  
вучча танга, дам йиғлаб, дам кулиб келиннинг бошидан  
пул сочди. Қиз-йигитлар айрилиқ ва ҳижрон аламини  
тамом укутмоқчи бўлгандай, тонг отгунча ўйин қилиш-  
ди. Эрталаб эса гузарга йиғилган халойиқ тоғам бош-  
лиқ ўттиз нафар йигитни кўз ёши ва дуолар билан ку-  
затиб қолишди...

Тоғам кетгандан кейин келинойим ўзини қаёққа ури-  
шини билмай, оламга сиғмай қолди. У худди олис ва  
нотаниш жойга тушиб қолган кийик боласига ўхшар,  
атрофида гиргиттон бўлиб қариндош-уруғлар билан,  
ҳатто бувим билан ҳам кўп ёзилиб гаплашавермас, ак-  
сарият боғни ёлғиз кезар, катта-катта кўзларини олис-  
олисларга тикиб узоқ ўйга чўмар эди.

Мен баъзан унга ҳар хил китоблар олиб келиб бе-  
рардим. У китобни миннатдорчилик билан олар, мени  
эркалар, лекин жуда кам ўқир ё ўқий бошласа ҳам

ярмига етмасданоқ ёлиб қўяр эди. Фақат тоғамдан хат келган кунлари кўзлари чарақлаб, яшнаб-яйраб кетар, катта боғнинг гоҳ у ери, гоҳ бу еридан унинг майин хиргойиси эшитилар эди...

Шу зайлда бир ҳафта ўтди. Кейин, ўқиш бошлангунча (у мактабга ишга жойлашган эди), уйда «юрагим сиқилиб кетади», деб даштга, буғдой ўроғига чиқиб кетди.

Бувим қанча қистамасин, ялиниб-ёлвормасин, келинойим то ўқиш бошланмагунча даштдан қайтмади. Мен ҳар куни бўлмаса ҳам, икки-уч кунда бир ҳўтигимга миниб, бувим берган икки-учта тўқач, қўрда кўмилган уч-тўртта жўхори сўтаси, бир товоқ сомса ва бир хурмача қатиқни хуржунга жойлаб, даштга, унинг олдига жўнардим.

Келинойим, оғир меҳнатга ўрганмаган шаҳар қизи эмасми, сал ўтмасданоқ озиб-қорайиб кетди. Қийналиб қолгани шундоқ сезилиб турса-да, бувимнинг «саломларига» кулиб жавоб берарди:

— Ойимларни тинчитиб қўйинг, Мансуржон, «қиз-жувонлар орасида туппа-тузук юрибди», денг!..

Мен унга дил-дилимдан хайрихоҳ эдим. Қишлоқда кеча-кундуз почтачининг йўлига тикилиб, ўзи билан ўзи олишиб ётгандан кўра, бу кенг даштда ҳамдард, ҳамнафас тенгдошлари орасида ҳасратлашиб, улар йиғлашса йиғлаб, кулишса кулиб юргани яхши эмасми?

Даштдагиларнинг кўпчилиги худди келинойимдай ҳижрон доғидан қалблари кабоб ёш-ёш қиз-жувонлари эди. Улар, худди ҳамма алам, ҳамма нэтиробларини меҳнатдан олмоқчи бўлгандай, ўчакишиб, жон-жаҳдлари билан ишлашар, кечалари эса тун ярмигача кенг даштни зир титратиб мунгли лапарлар айтишар, фронтдаги ёрларига атаб қўшиқлар тўқишар, содда, лекин бўлакча бир самимиятга тўла хатлар ёзишар эди... Келинойим қизларнинг илтимоси билан баъзан уларга «чиройлироқ» хатлар ёзиб берар, баъзан шеърлар тўқир, шунинг учун ҳам ҳамма уни яхши кўрар эди.

Келинойим мени кўзи тўрт бўлиб қарши олар, чунки тоғамнинг хатларини аксарият мен олиб келар эдим. Бундай пайтларда келинойим дағаллашиб қолган кичкина кафтлари билан бошимни маҳкам ушлаб, кўксига босар, пешонамдан ўпар: «Менинг чин ғамхўрим, халоскорим!» деб эркалар, мен эсам унинг яшнаб кетган чеҳрасини, севинчдан чақнаган тимқора кўзларини кўр-

ганимда бошим осмонга етар, унга кўпроқ яхшилиқ қилсам, уни кўпроқ қувонтирсам дер эдим.

Келинойим шу кетганча даштдан ўқиш бошланиш арафасида қайтди. Лекин ўқиш бир ҳафта давом этар-этмаёқ мактаб ёпилиб, ҳамма пахта теримига чиқиб кетди. Худди шу орада, сентябрнинг ўрталарида тўсатдан тоғамдан хат узилиб қолди.

Тоғам сўнгги хатида: «Эрта-индин урушга кирамиз», деган эди, шу-шу хат тўхтади-қолди.

Орадан ўн беш кунлар ўтганда тоғам билан бирга жангга кирган бир ҳамқишлоқ йигитдан хат келди. У йигитнинг ёзишича, тоғам ярадор бўлиб, уни госпиталга олиб кетган эмиш. Йигит буни ўз кўзи билан кўрганини айтган ва тоғамнинг адресини сўраган эди. Бу хат қоронғи тунда офтоб чиққандай ҳамманинг дилини умидга тўлдирди, кўзлари яна почтачининг йўлига тикилди. Лекин орадан яқин бир ой фурсат ўтди ҳамки, тоғамдан дарак бўлмади. Бу ўртада ҳалиги ҳамқишлоқ йигитга — унинг ўзи ҳам ярадор бўлиб, госпиталга тушган эди — қанча-қанча хатлар ёзилди. У йигит тоғам ярадор бўлганини, санитаркалар уни окопдан кўтариб олиб чиқиб кетганини ўз кўзи билан кўрганини яна таъкидлади. Лекин бундан нима фойда? Тоғамдан ҳамон дарак йўқ эди.

Келинойим дастлабки пайтларда ўзини анча дадил тутди, умидсизликка берилмасликка ҳаракат қилди. Лекин кунлар ўтган сайин эзилиб, ахири жуда бўшашиб кетди. Айниқса, ҳамқишлоқ йигитнинг хатларига қарамай, госпиталдан дом-дарак бўлмагач, тамом руҳи сўниб, кўнгли чўкиб қолди.

У даладаям қўли ишга бормай, аллақандай парижон юрар, арзимаган нарсагаёқ ёш боладай лаблари титраб, кўзига милт-милт ёш олар эди. Ҳар куни тушда, худди хат келса дарров хабар беришмайдигандай, мени уйга жўнатар, сўнг, ранги қочиб, кўзлари мўлтираб, йўлимни пойларди. Мен учун унинг умид билан жавдираб турган катта қора кўзларига қараб «йўқ» деб бош чайқашдан катта азоб йўқ эди!

Одатда мен унинг кўзларига қарашга журъат этолмай, олисроқдан индамай ўтиб кетардим, кейин унинг терган пахталарини хирмонга таширканман ё ариқ бўйдан сигирга пичан ўрарканман, ахир бир кун тоғамдан хат келишини ва мен бу хатни узоқдан кўрсатиб, чопиб келишимни орзу қилардим. Юрсам-турсам кўз олдимдан шу манзара кетмас эди; келинойим хатни кўр-

ганда албатта қувончдан йиғлар, кейин кулар, сўнг мени қучоқлаб бағрига босар ва биз ҳозиргидан ҳам иноқ ва меҳрибон бўлиб қолармиз!..

Мен келинойим дейману, бироқ ундан ҳам бувимга қийин эди. Ҳар куни кечқурун келинойим даладан қайтиши билан меҳмонхонага кирарди-ю, ўзини сим каравотга ташлаб ётиб оларди. У кўзини шифтга, бир нуқтага тикиб соатларча ётар, бувим эса, усиз ҳам юраги лахча чўғ, қандай қилиб унинг кўнглини олишни билмай, ич-ичидан зил кетар, дам «ноумид шайтон, сабр қил, болагинам!» деб койиган бўлар, дам ўзи боғни гир айланиб, юм-юм йиғлар, назаримда, у ҳаммадан кўра келинойимнинг кетиб қолишидан қўрқар эди.

Ноябрнинг ўрталари эди. Лекин ҳали совуқ тушмаган, кунлар илк куздагидай илиқ, дарахтларнинг таги хазондан гилам тўшалгандай қип-қизил, яланғоч боғлар аллақандай маъюс ва сокин туюлади...

Эрталаб тегирмонга бориш учун хўтигимни эгарлаётиб ошхонадан келинойимнинг хуррам овозини эшитиб қолдим.

— Ойижон! Мени айтди дерсиз — бугун хат келади. — дер эди у. — Туш кўрдим. Уғлингиз от ўйнатиб кепти.

— Иншоолло, айтганинг, келсин, болам...

Бир лаҳзадан кейин келинойим, озгин юзи аллақандай ёришиб кетган, арпа аралаш жўхори солинган тўрвани бувим билан кўтаришиб чиқди. Қопни хўтиikka ортишга ёрдамлашар экан:

— Тезроқ қайт, жон қайним, — деб кулди. — Бугун қовоқ сомсага тўйиб, бир яйрайлик!..

Мен ҳам кўнглим сув ичгандай бўлиб хўтигимни чоптириб кетдим. Туш бўлмасданоқ жўхорини торттириб қайтиб келганимда уйда ҳеч ким йўқ эди. Унни ошхонага тушуриб, хўтигимни етаклаб сойга кетдим.

Сойга яқинлашиб қолганимда кекса шотут тагидаги улкан қабр олдида ўтирган бувимга кўзим тушди. Бувим бу қабрни авлиё дер, ҳар шанба унинг устидаги қулоч етмайдиган архар шохига оқ латта боғлаб, кечалари унинг меҳробига мойчироқ ёқарди.

Бувим, тагида наmat, худди эркаклардай чўккалаб ўтирар, лаблари ниманидир пичирлар, афтидан, авлиёга илтижо қилар эди.

Мен бувимни илгарилари ҳам бир неча марта шу аҳволда кўргандим, лекин у одатда бомдод ё аксинча,



намозшом пайтлари шундай қиларди, бугун эса... тол тушди..

Кўнглим бир хил бўлиб сойга чиқдим, чиқдим у яна дилим ёришиб кетди. Сойда, толлар орасидаги булоқ бўйида келинойим қатиқланган сочини сувга чайиб ўтирарди.

У мени кўриб белига тушадиган майин сочларидаги сувни сидириб ташлади, тез турмаклар, ўрнидан турди.

— Дарров қайтиб қолибсан, қайним? Ҳозир қалампир солиб шунақа бир қовоқ сомса қилайки, мазаси оғзингда қолсин!

У тоғарасини кўтариб боққа кириб кетди, мен эса хўтигимни тушовлаб сойликка қўйиб юбордим-да, булоқ бўйидаги қуриб-қовжираб қолган ўтга чўзилдим.

Қани энди келинойимнинг туши ўнгидан келса-ю, почтачи менга бир хат ташлаб кетса! Мен уни чопачопа келинойимга элтиб берсам, уйимиз устига йиғилган қора булутлар тарқаб, офтоб чиққанини кўрсам!

Секин қаддимни ростлаб боққа қарадим. Шотутнинг тагида бувим кўринмас эди. Мен авлиё бобонинг қабри ёнига боришга ийманиб, унинг рўпарасига тиз чўкдим. Кўзларим ўз-ўзидан юмилиб, болаликдагина бўладиган бўлакча бир самимият ва эҳтирос билан пичирладим:

— Э, қудратли, шафқатли меҳрибон авлиё бобо! Тилагимни қабул қил! Келинойимнинг туши ростга чиқсин! Меҳрибон бувим билан келинойимнинг кўз ёшларини қуригин, бошларига тушган ғам-ғуссадан соқит қил уларни, э, меҳрибон, қудратли бобо!..

Қулоғимга: «Почтачи! Почтачи!» деган овозлар киргандай бўлди. Чўчиб кўзимни очдим. Қичқираётганлар — сойда сигир боқиб юрган болалар эди. Почтачи — билагидан снаряд парчаси узиб кетган қўли қизил таёққа ўхшаб қолган ёш йигит — шалланг қулоқ эшагини «хих-хих» лаб сойнинг ўртасида биз томонга қараб келарди.

Ваҳимали, айни замонда куз офтобидай илиқ бир туйғу вужудимни чулғаб олди. Шу топда мен почтачи бизникига йўл олганига, тоғамдан хат олиб келаётганига зиғирдай ҳам шубҳа қилмасдим!

Ўрнидан сакраб турдим. Ўша ваҳимали ва қайноқ туйғуга бўйсуниб боққа отилдим.

— Бувижон! Келинойи! Хат! Тоғамдан хат!

Уйдан олдин қўллари хамир бувим югуриб чиқди, унинг кетидан бир қўлида тароқ, бир қўлида кўзгу, сочлари паришон келинойим кўринди. Ранги девор, сочла-

ри ёзилган, у ёнимдан ўтиб, мен кўрсатган томонга чо-  
пиб кетди, унинг орқасидан хамир қўллари билан елка-  
сига тушган рўмолини тўғрилай-тўғрилай бувим югур-  
ди. Учинчи бўлиб мен чопдим. Лекин почтачининг биз  
томонга бурилмасдан қўшни боққа ўта бошлаганини  
кўрдим, кўрдиму аллақандай совуқ бир ҳисдан аъзойи  
баданим музлаб, беихтиёр тўхтаб қолдим.

Булоқ бошига бориб қолган келинойим офтобда кўз-  
гусини чарақлатиб қўлини силтади:

— Шўттан узата қолинг хатни! Шўттан...

Кетма-кет бувим ҳам етиб борди, ҳансираб-антикиб  
деди:

— Вой, қадамингга ҳасанот, почтачи ўғлим! Хатни  
бергини ўзинг дарвозадан айланиб кира қол. Қовоқ сом-  
са қилаётувдим, насибангни еб, суюнчингни опкет, бо-  
лам...

Почтачи эшагини тўхтатди. Худди соқолини сила-  
моқчи бўлгандай қизил таёққа ўхшаган қўлини қимир-  
латиб қўйди, сўнг юзини четга буриб пўнғиллади:

— Қайси хатни айтасиз?

— Хат-да, хат. Ўғлимдан келган хатни айтаман, бо-  
лам!

Почтачи бошини кўтармасдан:

— Нима қилай, — деди секин. — Хат ўғлингиздан  
эмас, госпиталнинг начальнигидан экан, холажон. Биз  
уни... қишлоқ Советининг раисига топширдик...

Келинойим ялт этиб менга қаради. Унинг кўзларида  
шундай бир қўрқув, шундай бир даҳшат бор эдики, мен  
ҳеч қачон ўрни келмайиган ёмон бир нарса рўй берга-  
нини ҳис қилдиму ўрнимда қоққан қозикдай қотиб қол-  
дим. Бувим эса ҳамон ҳеч нарсага тушунмай:

— Вой, тентак-эй, — деди кулиб. — Унинг началь-  
нигидан хат келади-ю, қишлоқ Советига берасанми,  
болам?

Почтачи худди пойгадан қолган чавандоздай жон-  
жаҳди билан эшагини савалаб йўлига равона бўлди.  
Бувим унинг кетидан югурмоқчи бўлган эди, келинойим  
алам тўла бир овозда:

— Ойижон! — деб қичқириб юборди. — Ойижон!..  
Қўйинг! Керакмас! — У шундай деди-да, менга ўгирил-  
ди, лаблари титраб: — Топган хушхабаринг шу бўлди-  
ми? — деди-ю, нафаси етмай томоғини силади.

Мен унинг титраган лабларига қарай олмай бошим-  
ни эгдим.

— Кечирасиз, — дедим ўпкам тўлиб. — Мен... мен яхши ният билан сизга яхшилик қилсам деб...

— Яхшилик! — келинойимнинг кўзлари олдин жиққа ёшга тўлди, сўнг бирдан ўт чақнади: — Топган яхшилигинг шу бўлса... Йўқол кўзимдан! Йўқол!

У болта теккан ёш ниҳолдай икки букилиб, оёғи остидаги тиканга тиз чўкиб қолди. Боятдан бери ҳушини йўқотиб, бир келинига, бир менга қараб турган бувим унга отилди, мен эсам ўзимни дарахтзорга урдим...

Сал ўтмай қишлоқ Советидан одам чиқди, бир лаҳзада хотин-халаж йиғилиб қий-чув, йиғи-сиғи бошланди. Бир ҳафтагача бувимнинг уйдан одам аримади, кечаю кундуз йиғи тинмади. Лекин ҳеч ким, ҳатто бувим ҳам мени эсламади. Мен бир ҳафтагача додимни айтадиган тирик бир жон тополмай ўзим билан ўзим олишдим. Ахир... мен чиндан ҳам келинойимни дил-дилимдан яхши кўрганам учун, уни бир қувонтириш учун, унга яхшилик қилиш учун шундай қилдим-ку! Худди шу куни, худди шу соатда қорахат келганини қаёқдан билай ахир? Наҳот келинойим буни тушунмаса?

Ниҳоят, бир ҳафтадан кейин бувим ўзи мени чақириб олди. Мен унинг аллақандай чўкиб қолган жуссасини, бир парча бўлиб қолган юзини кўрдиму ўзимни унинг бағрига отиб, йиғлаб юбордим.

Мен бувимга кўнглимдаги бор дардимни айтдим. Келинойимнинг дилига озор бериш учун эмас, тоғамдан хат келганига ишонганим учун, азбаройи келинойимни қувонтириш учун шундай қилганимни, келинойимни ҳамон яхши кўришимни, керак бўлса ундан жонимни ҳам аямаслигимни гапириб бердим...

Меҳрибон бувим! У менинг изтиробларимга тушунди. Келинойим билан гаплашадиган бўлди, йиғлай-йиғлай пешанамдан ўпиб, бошимни силаб тинчитиб қўйди.

Билмадим, бувим келинойим билан гаплашдим, гаплашган бўлса у нима деди, лекин келинойим бир матороба ҳам менга қайрилиб қарамади.

Эғнида кўк кўйлак, бошида кўк рўмол, у яқин бир ой мотам тутди. Кўнглим хуфтон, мен кечаю кундуз унинг йўлини пойладим, бир оғиз сўзига зор, уйдан чиққанида кўзларига тикилдим, лекин у ҳар сафар мени кўрганда узоқдан тескари бурилиб кетар эди. Бир ойдан кейин келинойим ўз элига кетадиган бўлди. Қариндошларимиздан биттаси колхоздан арава сўраб чиқди. Мен доақал хайрлашар, ақалли яхши кунлар хотираси

учун бир оғиз гап айтар, деган умидда эрталабдан йў-  
лини пойладим.

Йиғи-сиғидан юрак безор, келинойим билан бувим-  
нинг хайрлашганини кўрмаслик учун сой бўйига, бирин-  
чи бор тоғам билан келинойимни учратган булоқ боши-  
га бориб турдим. Арава қўзғалиб, булоққа яқинлашга-  
нида секин йўлга чиқдим. Келинойим, эғнида қора паль-  
то, бошида қора шол рўмол, пичан тўшалган шотили  
аравада менга тескари қараб ўтирарди.

...Наҳот кечирмаса? Наҳот бир марта қайрилиб ҳам  
қарамаса? Ақаяли хайрлашмаса?.. «Келинойи! Менга  
бир қаранг! Менинг дардимга қулоқ солинг! Нима қи-  
лай, шундай бўлди!.. Хоҳласангиз мени уринг, ўлдилинг,  
бирок... бир оғиз бир нима денг! Мен сизни... шундай  
яхши кўраман, шундай яхши кўраман!...»

Орамиз яқин қолганда мени кўрган аравакаш чол  
келинойимга бир нима деди. Келинойим секин бурилиб  
қаради, қаради-ю, яна тескари ўгирилди. Назаримда,  
унинг йиғидан қизариб, шишиб кетган кўзлари қайта  
ёшга тўлишгандай бўлди.

Арава ёнгинамдан ўтиб кетди. Мен, дилим қон, унга  
илтижо қилганимча орқада қолдим. Арава муюлишдан  
бурилиб кетди, келинойим ҳатто қўлини ҳам силтама-  
ди. У менинг «яхшилигим»ни кечирмаган, кечиролмаган  
эди.

1965 йил

## АТАМАН

Гап одамийликдан кетдимн, мен ҳам бошимдан ўтган бир хангомани айтиб берай... Министрликда шоферлик қилиб юрган пайтларим. Хўжайин министр бўлма-са ҳам катта бир бошқарманинг бошлиғи, қора «Волга» минадилар...

Шанба куни эди, хўжайин билан хонимларини эрта-лаб меҳмонга обориб, кечқурун уйларига опкеп қўйдим-да, барвақтроқ қутулганимга шукр қилиб, гаражга қайтаётган эдим, йўлда иккита йигитча қўл кўтариб қолди. Тўхтадим. Йигитчалар Қуйлиққа олиб бориб қўйишимни илтимос қилишди. Гараж тамом бошқа ёқда эди. Йўқ десам лўливаччалар экан, «жон ака, ишимиз тиқилинч эди, бир савоб иш қилинг», деб ёпишиб олишди.

Лўлининг одатини биласиз, бир ёпишса елим бўлиб кетади. Хуллас калом, хўп дейишга мажбур бўлдим.

Йигитчаларни Қуйлиққа олиб бориб қўйиб, энди гаражга қайтган эдим, диспетчер чақириб қолди:

— Қаёқларда юрибсан? Боядан бери хўжайинининг хотини телефон қилавериб, қулоқни қоматга келтирди. Бор, тезроқ телефон қил, кутиб ўтирибдилар!

Нима ҳам бўларди, «яна бир ишлари чиқиб қолгандир-да, дам олиш куни ҳам тинчлик бўлмади-ку!» деб ранжидиму илож қанча, телефон қилдим...

Хоним чиндан ҳам кутиб ўтирган эканлар.

— Абдуллажонмисиз? — дедилар ҳовлиқиб: — Вой, қаёқларда юрибсиз? Кутавсриб ўлиб бўлдиму! Машинада сумкам қопти, кўзингиз тушмадими?

— Йўқ... қанақа сумка?

— Кичкина қора сумка. Орқа ўриндиқда қоп кетибди, ичида олтин соатим билан сирғачаларим бор эди. Соат ҳам гўрга, сирғачаларимга қўрқяпман. Ойимлардан қолган ёдгорлик эди. Эҳтиёт қилиб олиб қўйинг. Эрталаб келганингизда ташлаб кетарсиз. Хўпми, Абдуллажон?

«Хўп» дейишга ҳам сабрим стмай машинага қараб югурдим. Қаёқда? Сумкадан нишона ҳам йўқ! Тиззаларим қалтираб, машинанинг ўриндиғига ўтириб қолдим. Кўз олдимга дарров бояги лўливаччалар келди. Тушаётганларида қўлимга беш сўлкавойини қистириб дўлдан қочгандай қочиб қолганларидаёқ қўрқувдим-а. Энди нима қиламан? Хўжайиннинг хотинига нима дейман? Йўлда қайтаётиб, иккита лўливаччани Қуйлиққа олиб бориб қўювдим, сумкангизни ўшалар илиб кетишибди,

кечирасиз, дейманми? Биз сизни инсофли шофер деб ишониб юрсак, ҳукуматнинг машинасида киракашлик қилиб юрибсизми ҳали, дейишмайдим? Қай балодан йўлиқдим бу икки тулкиваччага?

Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ер чизиб ўтирувдим, бирга ишлайдиган шофер оғайним келиб қолди.

— Ҳа, намуноча сувга тушган мушукдай шумшайиб қолдинг? — деб ҳазиллашди, — машинани уриволишдан омонмисан, оғайни?

— Машинани уриволиш ҳам гапми? — дедим. — Шармандан шармисор бўлдим, оғайни!

Ўзимни қарғаб-сўкиб, бўлган гапни айтиб бердим. Оғайним жа уддабурон йигит эди-ю, шундай бўлса ҳам «аммо ёмон жойдан илинибсан», деб бошини қашиб, ўйлаиб қолди. Ўйлаб-ўйлаб ахир: «Пулнинг борми», деб сўради.

— Қанақа пул? — дедим.

— Бир-икки юз сўм керак, дўстим. Лўлиларни қидириб топамиз. Улар биз билан пулсиз гаплашмайди. Пул бериб гаплашиб кўрамиз. Милицияга бормаيسان-ку, ахир. Ё борасанми? Борганда нима дейсан? Гувоҳ-пувоҳнинг бўлмаса...

Оғайним билан машинага ўтириб, уйга бордик. Хотин бечоранинг бўҳча-сандиқларини ахтариб, «қора кунга сақлаб қўйган» беш-ўн сўмини қоқиб, қўни-қўшнидан қарз-қурз кўтариб, икки юз сўм тўплადигу Қуйлиққа қараб кетдик.

Машинани ўзим ҳайдаб боряпман. Кўзим йўлда-ю, кўнглимда ташвиш... Энди нима қиламан? Дардимни кимга айтаман? Қай балодан учрай қолдим бу икки лўливаччага! Энди уларни қай гўрдан топаман? Топганда... бўйинларига олармикин? — дейман ичимда. Дейману ўшандан бир ҳафта олдин бўлган бир воқеа қайта-қайта эсимга тушиб баттар эзинламан.

Ишдан кейин Сквердан ўтиб кетаётган эдим, бир тўп лўли хотинлар учраб қолди. Улар «Фол очиб бераман», деб ўтган-кетганининг йўлини тўсишаётган экан, мани ҳам «гур» этиб қуршаб олишди. Қора қош, қора кўз ёшгина лўли хотин қўлимни «шап» этиб ушлаб:

— Ўн тийин бер, яхши йигит, — деди қошини учириб. — Қисматингни айтиб бераман!

Мен киссамдан ўн тийин чиқариб бердим.

— Ма, фол очмасданоқ ола қол!

Лўли хотин ўн тийинни кафтимга босиб:

— Энди бир сўм чиқар, — деди. — Қўрқма, бир сў-

минг керак эмас. Бир сўмлик фол очаману ўн тийинингни оламан, холос. Қани тезроқ чиқар, яхши йигит! Ажойиб гаплар кутяпти сени! Ҳаммасини айтиб бераман. Қани, бўла қол!

Мен кулиб, қўлимни чўнтагимга солган эдим, қасдига олиб, битта бир сўмлик билан битта ўн сўмлик чиқиб қолди!

Лўли хотин бу пулни ҳам кафтимга босди-ю, қўлимдан ушлаганча жаврай кетди:

— Сен бахтли йигитсан. Узоқ умр кўрасан. Тўқсонга кирасан. Тўқсонга кирганда ҳам йигитлик хислатингни йўқотмайсан. Олтмишга кирганда онаси ўпмаган ёш қизга уйланасан. Узинг бой бўласан. Оч қўлингни!

Мен унинг гапига кулиб қўлимни очган эдим, лўли хотин кўз очиб юмгунча пулга чанг солди-да, қўлини ҳавода гир айлантириб, кафтини очди, пул йўқ эди!

Мен уни ҳазиллашяпти, деб ўйлаб:

— Менга қара, яхши қиз! — дедим. — Майли, ўн тийин эмас, бир сўм олгину ўн сўмликни қайтариб бер!

— Кеча қол шу ўн сўмдан! — деди лўли хотин қошини учуриб. — Бу пул бари бир энди сенга буюрмайдил!

Мен жаҳлим чиқиб:

— Қани, бу ёққа чўз пулни! — деб қўлидан ушламоқчи бўлган эдим, лўли хотин тўсатдан кўйлагининг ёқасини очиб, дуркун кўкрагини чиқарди-да, ерга қараб соғиб юборди. Тизиллаб оққан сут асфальтни оплоқ қилди!

— Мана шу оқ сут ҳурмати кеча қол ўн сўмингдан! — деди лўли хотин.

Бунга нима ҳам дейсиз? Шартта бурилиб, йўлимга равона бўлдим...

Битта хотиннинг найранги шунча, иккита лўливачча қанақа ўйин кўрсатар экан ҳали?

Уз ўйларим билан бўлиб, Қуйлиққа етганимизни билмай қолибман. Оғайним тўғри бозорга ҳайдашни буюрди. Лекин бозор тарқаб кетган экан. Қоровул чоллар билан гаплашган эдик, улар Чирчиқ бўйига боришимизни маслаҳат қилишди. Дарё бўйида яқинда аллақаяёқдан кўчиб келган лўлиллар қароргоҳи бор эмиш.

Бозордан чиқиб, Чирчиқни ёқалаб кетдик. Дарҳақиқат сал юрмасданоқ кўприкнинг нариги томонида, ўтлоқ жойда, қатор тикилган беш-ўнта чодирлар, қаторлашиб турган аравалар, дарё бўйида от боқиб юрган болалар кўринди. Узи кун ботиб, қош қорайиб қолган эди, ҳар ер-ҳар ерда гулхан ёняпти, бола-чақаларнинг

Йиғи-сигиси, аёлларнинг ғала-говури, эркакларнинг сўкинган овозлари, ёш-ялангларнинг қўшиқлари, отларнинг кишнаши — ҳаммаси қўшилиб, бир ажиб манзара касб этган. Худди йигирманчи аср одамлари эмас, қадимий кўчманчи бир қабилалар қароргоҳига бориб қолгандай бўлди. Бу аросат орасидан бояги иккита йигитчани топиб олиш бир тўда анғиз орасидан игна топиб олишдай гап... Четроқда от боқиб юрган болаларнинг ёнига бориб: «Бу қароргоҳнинг бирорта оқсоқолнамо одами борми?» деб сўрадди.

— Атаман бор! — деди болалардан бири.

— Қани бизни оборинглар-чи, ўша атаманга!

Болалар қоп-қора митти кафтларини чўзишиб пул сўрашди.

Чўнтақларимизни кавлаштириб бор майда-чақаларни йиғиб бердик. Болалар бизни четроқдаги катта чодирга бошлаб боришди.

Чодирнинг олдига тўшалган наमतда олтмиш ёшлардаги бир мўйсафид ёстиққа ёнбошлаб ётарди.

Оқ оралаган, лекин қалин жингалак сочлари қизил духобадан тикилган ғалати қалпоғининг тагидан пешанасига кўпикдай тошиб чиққан, соқол-мўйлови ўзига ярашиб турган бу одам бизга бургут қараш қилиб, тикилиб-тикилиб қаради-ю, лекин жойидан қўзғалмади, фақат яқин келиб салом берганимиздан кейингина назмин бош қимирлатиб, «Утиринглар», деб нмо қилди, сўнг, қат-қат кўйлагининг этаги билан ер супуриб ўчоқда овқат пишираётган кўҳликкина жувонга қараб ўз тилида бир нима деди. Жувон ҳадиксирагандай бизга совуқ назар ташлади-да, чодирга кириб кетди. Шундан кейин Атаман қуюқ қошларини сылаб «хўш, хизмат» деган маънода бизга қаради.

Биз унинг рўпарасига ўтириб, бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб бердик.

Атаман олдин қовоғини солиб, гоҳ-гоҳида виқор билан мўйловини бураб, гапимизга жимгина қулоқ солди, кейин йигитчаларнинг бўй-басти, афт-ангори, кийим-кечагини суриштирди, ниҳоят қаддини ростлади-да, қизил шойи кўйлагининг ёқасидан кўриниб турган сертук кўкрагини силаб:

— Сенларга ёрдам беришнинг иложи йўқ, — деди.

— Нега? Уша олтин соату, олтин сирғаларни баҳолаб, пулини тўлаймиз. Ошиғи билан тўлаймиз. Ёрдам беринг, отахон!

— Гап пулда эмас! — деди Атаман, қовоғини солиб.



— Бу икки ҳароми ҳозир бу ерда йўқ. Ҳали замон кетишган. Булар нега бунақа ошиқиб жўнаб қолишди десам, гап тагида гап бор экан-да!

Юрагим орқамга тортиб кетди. «Шарманда бўлдим!» дедим ичимда.

— Жон оқсоқол, ёрдам беринг. — деди оғайним. — Қаёққа кетганини биласиз. Бир иложини топинг, ота...

— Қаёққа кетганини-ку, биламан-а, — деди Атаман. — Аммо лекин... У ўткир кўзлари билан бирга бир қараб олди-да, соқолини тутамлаб ўйланиб қолди.

Оғайним:

— Жон отахон... — деб гап бошлаган эди, Атаман «тўхтаг» деган маънода ишора қилди.

— Хўп, ёрдам берай. — деди у хиёл сукут сақлагач. — Аммо битта шартим бор, йигитлар.

— Шартингизни айтинг, ота, — дедик биз. Сабаби билиб турибмиз, шу одам бир йўл кўрсатмаса, ҳазрати Хизр ҳам ёрдам беролмайди.

— Шартим шуки, милицияга арз қилмайсизлар. Болалик қилишибди тентаклар. Ўзим адабларини бериб қўяман...

— Хўп, отахон, биз туя ҳам кўрмадик, бия ҳам кўрмадик.

— Бўпти, — деди Атаман. — Бўлмаса, бундоқ қиламиз. У тентаклар ҳали замон вокзалга чиқиб кетишган. Борадиган жойлари — Чимкент. Чимкент поездчиқса энди йўлга чиққандир, тагларингда қора айғирларинг бор экан. — Атаман «Волга»га қараб кулимсираб қўйди. — Агар дарҳол кетларидан тушсаларинг, Чимкентга поезддан олдин етиб борасанлар.

— Етиб боришга-ку, етиб борамиз, аммо улар гапга кирармикин?

Атаман тоқатсизланиб бошини чайқади.

— Шошманглар, гапнинг «берди»си бор... Боргандан кейин йигитларни вокзалда кутманглар. Фойдаси йўқ. Улар майда-чуйда билан кетишган, вокзалга киришмайди. Вокзалнинг олдида кичкина гулзор бор. Улар гулзорга чиқишади, агар ҳеч ким кутиб олмаса, шаҳар ўртасида эски черков бор. Улар ўша черковга боришади. Сенлар уларни гулзорнинг ёнида кутиб туринглар. Улар яқинлашганда йўловчиларга қўшилиб бориб: «Салом йигитлар, умрларинг узоқ бўлсин, битта папирос чектиринглар», деб айтасанлар... Йигитлар бу гапдан аччиқланган бўлиб: «Э, тавба! Бир чеким аччиқ тамакига

зормизу булар папирос сўрашади-я!» деб жавоб беришади.

— Аччиқ тамакига зор бўлсаларинг, бу матоҳ бизда бор, марҳамат, дейсанлар.

Шу гапдан кейин йигитлар ҳушёр тортиб қолишади. Уларни четга опчиқиб, тамаки чекишиб, бояги гапларингни айтасанлар... Сабр қилинглар, бу ёғни ҳам айтаман. Агар тентаклар тентаклик қилиб жиртакилик қилишса яна битта гап бор: «Атамanning кумуш сопли қамчиси йўқолибди. Жаҳли чиқяпти!..» дейсанлар. Эсларингдан чиқмайдими? Чиқмаса — бўпти. Ишларинг ўнгидан келсин. Ҳа, айтмоқчи, қайтгандан кейин бир келиб кетинглар, нима бўлганини биллиб қўйишим керак. Лекин пул-мул бериб юрманглар. Зинҳор. Хўп, оқ йўл, йигитлар!

Мўйсафидга раҳмат айтиб, таваккал қилиб йўлга чиқдик... Фурсатни бой беришдан қўрқиб, вокзалга ҳам бурилмадик, йўл-йўлакай бензин олдиғу тўғри Черняевкага қараб кетдик. Негаки, поезддан олдин етиб бормасак, уларнинг изини ҳам тополмаймиз.

Хўп, Черняевкадан ҳам ўтиб, даштга чиқиб қолдик. Газни босиб, спидометрни юз қирққа чиқариб, шамолдай учиб кетяпмиз.

Атамanning гапларидан кейин дилимда умид учқунлари милтирай бошлаган бўлсаям, хўжайиннинг хотинини ҳар эсалам, юрагим бир сапчиб тушади. «Ишқилиб, ўзинг обрў бергин!» деб қўяман ичимда.

Шу зайлда ҳайдаб, Ленинскка кириб бордик.

Станция шундоққина йўл устида экан, бир лаҳзага бурилиб, поезд ўтдими, йўқми, деб суриштирдик.

— Ҳозиргина ўтиб кетди, — дейишди.

Яна спидометрни юз қирқдан туширмай кетяпман, ўзинг шарманда қилмагайсан, деб!..

Йўлда Шаробхона деган бир жой бор экан. Яна тўхтаб: «Поезд ўтдими, йўқми?» деб сўрадик.

— Беш минут бўлди ўтиб кетганига, — дейишди.

Рулга оғайним ўтирди. Кетяпмиз газни босиб. «Волга»га ўшанда бир қойил бўлдим, ука. Тезлиги ортган сайин силлиқ кетади-я, азамат! Машина эмас, ер бағирлаб учаётган қуш дейсиз, мисоли!

Шу учгандан учиб, баланд бир довонни ошиб Чимкентга ҳам кириб бордик. Ҳайрият, вокзали шундоқ тош йўлнинг ёқасида экан, биз шлагбаумдан ўтишимиз билан олисдан поезд ҳам кўринди! Наридан бериси бўлиб бир-икки минут олдин борибмиз!

Вокзалнинг олдида машинадан тушиб, гулзорга боришимиз билан поезд ҳам келиб тўхтади... Бундоқ қарасак, гулзор атрофида беш-олтита лўлилар вағир-вуғур қилиб юришибди.

Маслаҳат билан мен гулзорнинг ёнида қолдим, оғайним беш-ўн қадам нарироқ бориб, гўё поезддан тушган йўловчиларни кутаётган шоферга ўхшаб, айла-ниб юрди. Сабаб, лўливаччалар мени кўриб қолишса, Атаманнинг гапини эшитмасданоқ туёқларини шикиллатиб қолишлари мумкин.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, лекин вокзал олди лампочкаларнинг шуъласидан ёп-ёруғ. Поезддан тушиб вокзалдан чиқаётган одамлар аниқ кўриниб турибди.

Икки кўзим вокзалда, питирлаб турибман. Бир маҳал юрагим «шиғ» этиб кетди. Қарасам, иккита таннш йигитча, елкаларида хуржун, қалпоқларини бостириб кийишиб, гулзорга кириб келишяпти... Биз кутган томондан эмас, тамоман бошқа ёқдан кириб келишяпти. Шошганимдан «Шоюсуф!» деб қичқириб юборибман... Оғайним қайрилиб қаради-ю, лўливаччаларни кўриб, гулзорга қараб чопди, Лекин Шоюсуф гулзорга етгунча йигитчалар гулзордаги лўлиларга қўшилиб вағир-вуғур қилишиб, шаҳар томонга йўл олишди...

Шоюсуф унча-мунчани писанд қилмайдиган чапани йигит эди, орқаларидан қувиб бориб, лўливаччаларнинг бирини «шап» ушлади.

— Тўхта, оғайни!

Йигитча тўхтаб ўқрайиб қаради, лекин Шоюсуф оғзини очиб улгурмади ҳамки, лўлилар ғала-ғовур кўтаришиб уни қуршаб олишди. Қарасам, уришдан ҳам то-йишмайди!

Югуриб бориб: «Салом йигитлар, умрларинг узоқ бўлсин, битта папирос чектиринглар!» деб бақириб юбордим.

Лўлилар бирдан тўхтаб, ўқрайиб қарашди. Йигитлардан бири истар-истамас: «Ўзимиз аччиқ тамакига зормизу папиросдан гапиради-я!» деб пўнғиллади.

— Аччиқ тамакига зор бўлсаларинг бу матоҳ бизда бор, марҳамат! — дедим мен.

Бу сафар йигитлар мени таниб, оёғи куйган товукдай питирлаб қолишди. Шу пайт новчадан келган шоп-мўйлов лўли ўз тилида бир нима деди. Яна ғала-ғовур бошланиб, лўливаччалар секин даврдан чиқиб, жила бошлади.

Мен Атаманнинг гапи ҳам эсимдан чиқиб, уларнинг

кетидан ташланган эдим, шопмўйлов лўли, йўлимни тўсди-да, қўлини қўйнига солди. Қоронғида суяк сопли пўлат пичоқнинг тиғи ялтиллаб кетди. Хайрият, Шоюсуф этиб келиб:

— Тўхта, номард! — деб қўлини қайирди. — Пичоқ уришдан олдин билиб қўй: «Атамanning кумуш сопли қамчиси йўқолибди. Жаҳли чиқяпти!..»

Бу гапни эшитган йигитчалар тўхтаб, шопмўйловга қараган эди, у бир нима деб сўкинди-да, қўлини бир силтаб даврадан чиқди.

Шундан кейин бошқа лўлиллар ҳар бири пўнғиллаб, бири ошкора сўкиниб, аста-секин тарқала бошлади, лекин биронтаси ҳам човут солишга журъат этмади.

Биз йигитларни четроққа олиб чиқиб: «Қани, олтин сирғачалару олтин соатни чўзинглар!» дедик.

Йигитчалар гўё тушунмаган бўлиб, гап чалғита бошлаган эди, оғайним:

— Эшитдиларинг-ку! — деб бақирди. — «Атамanning кумуш сопли қамчиси йўқолибди. Жаҳли чиқяпти!..»

Бу гапдан кейин йигитчалар сўкина-сўкина хуржунларидан муштдеккина бир тугунча чиқариб беришди. Тугунни ечган эдик, қоронғида тилла соат билан сирғачалар чарақлаб кетди. Мен қувонганимдан «ух», деб юборибман!

Тошкентга бомдодда қайтдик, қайтдигу тўғри Чирчиққа қараб кетдик.

Борсак, Атаман ярим-яланғоч бўлиб дарёда қора айғирни чўмилтираётган экан.

Машинадан тушиб, салом бердик.

У кулиб қарши олди: «Хўш, қалай, ишларинг битди-ми?»

— Битди, отахон, раҳмат сизга!

Биз бўлган воқеани айтиб бердик, кейин пулни чиқариб, «илтимос, шу пулни олинг, бошда чин кўнгилдан сўюнчига атаган эдик», дедик.

Атаман мўйловини «дик» қилиб қовоғини солди.

— Бу гапни бир айтдинглар, қайта айтманглар! — деди у. — Мен ҳам сенларга чин кўнгилдан ёрдам бердим. Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам... Одамлар, «лўли боласи йўқки, муттаҳам бўлмаса!» деб ўйлашади. Билиб қўйинглар: лўлилар орасида яхшилари ҳам бор, ёмонлари ҳам, мардлари ҳам бор, номардлари ҳам!..

Атаман бир тийин ҳам олмади. Биз раҳмат устига раҳмат айтиб хайрлашдик. Шу-шу, биров ёмонликдан гап очса ғазабим қўзғайди-ю, Атаман тўғрисида гапириб бераман.

1969 йил

## МУЗҚАЙМОҚ

Ўша оиламиз бошига оғир кулфат тушган кун, мен, ўн яшар бола, нимадандир кўнглим ғаш, уйимиз рўпарасидаги пахса деворга чиқиб, ўзимча гўё отга миниб ўтирардим.

У маҳалда биз Туркистон шаҳрининг энг сўлим жойларидан бири— Лагер кўчасида икки хонадан иборат, олди айвон, ўша замон имкониятига кўра тузуккина уйда истиқомат қилардик. Бу уйнинг каттагина ҳовлиси ҳам бор эди. Икки қаватли улкан дарвоза орқали кирадиган бу ҳовлида биздан ташқари яна бир неча хонадон яшарди. Дарвозанинг устида қуруқ пичан сақланадиган болохона бўлар, биз, болалар оқшом пайтлари беркинмачоқ ўйнаганда болохонага чиқиб пичан тагида «жон сақлардик».

Оиламиз бошига мусибат тушган ўша машъум кундан бир неча ой муқаддам дадам уйимиздаги деярли барча китобларни уч-тўрт қопга солиб, беда тагига яширгану, болохона эшигига отнинг калласидек қулф осиб қўйгандилар. Эндиликда болохонага ҳеч ким киролмас, фақат мен гоҳо-гоҳо туйнукдан тушиб, қоплардаги китобларни, айниқса серсурат, қалин китобларни туйнук шуъласига солиб, томоша қилиб ўтиришни ёқтирардим.

Бу суратлар ҳам жуда ғалати, уларнинг аксари чарм палто кийиб, белларига қилч ва тўппонча тақиб олган ҳарбий, баъзилари эса от ўйнатган, қизил алвон кўтариб душман сари от суриб кетаётган марду майдонлар бўлса ҳам, негадир барчасининг кўзлари ўйиб олинган. Ёки юзларига кўк сиёҳ тортилган эди. Нега шундай? Мен бу сир-асрорнинг тагига етолмай қийналардим, дадамлардан сўрашга эса юрагим дов бермас, сабаби, дадамлар қаҳри қаттиқ одам эди, «бу китобларни сенга ким кўрсатди» деб дашном беришлари мумкин эди.

Ўша қора кун ҳам, нимадандир кўнглим нотинч, китоб титиш эсимга тушиб томга чиқдим. Аммо таниш туйнукка яқинлашганимда кўчанинг бошида қўш от қўшилган чиройли фойтунга кўзим тушди. Сал ўтмай, фойтун дарвозамиз рўпарасига келиб тўхтади. Ундан ўша пайтларда барча катталар учун расм бўлган яшил ранг галифе шим ва гимнастёрка кийган ўрта яшар икки киши билан қизил кўйлакли, кўзлари қийғоч бир аёл тушди. Эркаклардан бири томда мени кўриб қолиб:

— Эгамберди Жақиповнинг уйи шулма? — деб сўради.

— Шу, — дедим мен. Шу пайт ҳовлидан чиққан оймларнинг:

— Келинлар, меҳмонлар, хуш келибсизлар, — деган овози эшитилди. Мен болохона устунидан сирпаниб, ерга сакраб тушдим. Меҳмонлар ичкарига киришган, оймлар аллақандай ҳаяжонда эдилар.

— Дадангининг маҳкамасига чоп! — дедилар оймлар негадир шивирлаб. — Айт: САКУда бирга ўқишган оғайниларингиз келишди, де! Кутиб ўтиришибди, тезроқ келар экансиз, де! Ҳа, Айтмоқчи, бирйўла мактабга бориб, опанг билан поччанга ҳам айт — тезроқ келишин. Дастурхон-пастурхонга қарашиб юборишин!

Мен негадир, афтидан «меҳмон» сўзидан кўнглим ёришиб, икки оёғимни қўлимга олиб чопа кетдим. Гарчи поччам билан катта опамлар ўқитувчилик қиладиган мактаб дадамлар ишлайдиган маҳкамадан хийла нарида бўлса-да, аввал ўша томонга ўтиб, оймларнинг гапини опамларга айтдим, сўнг, ҳамон икки оёғим қўлимда, ялангоёқ, ялангбош, кўча чангитиб дадамларнинг маҳкамасига қараб чопдим.

Дадамлар бир маҳаллар Қозоғистон Халқ комиссарлари совети қошида тузилган майда миллатлар (асосан ўзбеклар) халқ комиссари лавозимида ишлаган. САКУни тугатганларидан кейин эса Ўзбекистонда қолишни истамай («Мени Қозоғистон ўқитган, Қозоғистоннинг нонини оқлайман») ҳозирги Чимкент вилоятининг Сайрам районинда биринчи котиб, кейинроқ эса Қозоғистон темир йўли Сиесий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларида хизмат қилганлар. Лекин кейинги йиллар «Отанг сўфи бўлган, сен бунга яширгансан», деган айбнома билан пастга сурила-сурила, юмалай-юмалай охир пировардида Туркистон тумани молия бўлимига мудир этиб тайинланган эдилар.

Раҳматли бувамлар Ёқуб (жонлари жаннатда бўлғай!) ҳақиқатан Қарноқ қишлоғининг энг катта масжидида то инқилобгача сўфилик қилгандилар. Одамларнинг айтишича, у кишининг овозлари шу даражада зўр бўлган эмишки, ҳар субҳидам масжид мезанасига чиқиб азон айтганларида нафақат ўн минг кишилик Қарноқ аҳли, балки ўттиз чақирим наридаги Туркистон намозхонлари ҳам эшитган эмишлар. Шу боисдан Қарноқ аҳли бувамларнинг исмларига Шайх сўзини қўшиб, Ёқуб шайх деб атаганлар... Лекин ўн олтинчи йилги қаттиқ қурғоқчиликда бобомиз Ёқуб шайх оғир аҳволга тушганлар. Шу боис отамиз овласини боқа олмай, бир-икки

қўй, бир-икки қоп ғалла эвазига бир бойнинг ўгли ўр-нига мардикорликка кетганлар-у, уёқдан болшевой бў-либ қайтганлар. Шу-шу, ота-бола бири — шайх, бири — болшевой, қип-қизил синфий душманга айланганлар.

Дадамларнинг маҳкамаси улкан савдогар қурган ва эндиликда партня қўмитаси жойлашган кўркам биво-нинг шумдоқ биқинига жойлашган эди. Мен борганимда дадамлар ҳам идорадан чиққан эканлар. Мени узоқдан кўриб дарвоза олдида тўхтадилар. Дадамлар тўладан келган, новча, қиррабурун, ўша даврда расм бўлган тўмтоқ мўйловли, хушқад, салобатли киши эдилар. Эг-нидаги либоси ҳозир хотирамда йўқ, агар янглишмасам ўша маҳалда доҳий Сталинга тақлидан кийиладиган кўкрак чўнтакли яшил костюм ва галифе шим кийган, оёқларида ҳам ўша замонларда расм бўлган ғарч-ғурч хром этик.

Раҳматлик дадамлар, уйқусизликданми, бошқами — кўзлари қизарган, аллақандай ҳорғин кўриндилар мен-га. У киши ҳансирай-ҳансирай айтган гапларимни эшит-дилар-у, чеҳралари сал ёришиб:

— Юр, болам! — дедилар бошимни силаб. — Сенга битта музқаймоқ оберай!

Боя айтганимдек, дадамлар дийдаси қаттиқроқ, ўк-там, камгап одам эдилар. Уша кунгача мен у кишининг бирор марта бошимни силаганларини билмасдим. Ак-синча, ҳануз эсимдан чиқмайди: дадамлар ур калтак, сур калтак тагидан чиқолмай, ишдан ҳайдала-ҳайдала охир пировардида қишлоққа қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб ётган пайтлар. Бир кун ойимлар қўлимга пул ва икки-уч литрли графин (дадамлар катта лаво-зимларда ишлаган маҳалда орттирган нодир матоҳ) тутқазиб:

— Дўконга кириб қимиз олиб чиқ, даданг айтдилар! — дедилар.

Дўконга кирсам қимиз тугаган экан. Мен парвойи фалак, қўлимдаги графинни ўйнатиб уйга қайтдим. Йў-лим ёғоч ва темир қозиқлар қоқилган мол бозоридан ўтарди. Тўсатдан нимадир «шақ» этди. Қарасам, қўлим-даги графин темир қозиқлардан бирига тегиб, тангадай жойи ўпирилиб тушибди. Юрагим орқамга тортиб кет-ди. Уйга қайтишга журъат қилолмай анчагача боғимиз пойидаги сой бўйида айланиб юрдим. Ниҳоят, юрагимни ҳовучлаб уйга кириб бордим. Ойимлар мени кўриб:

— Қаёқларда дайдиб юрибсан, бевош? Даданг шўр-лик кутавериб диққинафас бўп кетдилар-ку! — деб ко-

Йидилар, сўнг графиндаги тешикка кўзлари тушиб, қўлимдан ушлаганча ичкарига судрадилар.

Дадамлар улкан, чорхари уйимизнинг тўрида китоб варақлаб, ёнбошлаб ётардилар.

— Дўконда қимиз йўқ экан, бу ҳам етмагандек, ўғлингиз графинни синдириб қўйибди... — Ойимлар шундай деб графинни дадамларнинг олдидаги хонтахтага қўйдилар.

Кейинчалик ойимлар бу ишларидан пушаймон бўлиб кўп гапирганлар. «Нега шундай қилганимни ўзим ҳам билмайман, болам, даданларнинг ночор аҳволи ҳаммамизни эзиб қўйган эди», дегувчи эдилар раҳматлик.

Дадамлар шитоб билан қадларини ростладилару хонтахтадаги графинни олиб, менга қараб отдилар. Зарб билан отилган графин шундоқ қулоғим тагидан ўтиб (чамаси, жонҳолатда бошимни олиб қочган бўлсам керак!) деворга тегиб чил-чил сипди.

Мен тура қочдим, қочарканман, ойимларнинг:

— Қимиз ҳам ўлсин! Қимиз деб боламни ўлдирмоқчимисиз, адаси? — деган аччиқ фарёдини эшитдим.

Ойимларнинг айтишича, кейинчалик дадамлар ҳам бу қилмишидан пушаймон бўлганлар. Ким билсин, эҳтимол бошига оғир мусибат тушишини сезиб юргани учундир, эҳтимол бир маҳал дилимга озор бергани эсига тушиб, уни кўнглимдан чиқармоқчи бўлгандир, ҳар қалай, умримда биринчи бор бошимни силаб, музқаймоқ оберишга аҳд қилдилар.

Кўчанинг нариги юзида шаҳар боғи бўлар, боғ олдидаги майдончада ҳар хил сув, мева шарбатлари, музқаймоқ сотиладиган митти-митти дўкончалар бўларди. Борсақ, дўконлар ёпилган экан. Дадамлар астойдил ранжидилар.

— Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлгандим, бу ҳам насиб қилмади-ёв, болам! — дедилар у киши аллақандай чуқур ўкинч билан.

Уйга борганимизда чироқлар ёнган, ҳовлидаги ўчоққа қозон осилган, биздан аввал етиб келган катта опамлар билан ойимлар ўчоқ атрофида куймаланиб юришар, поччамлар кўринмас эдилар.

Дадамлар ичкарига кириб кетдилару дарҳол қайтиб чиқдилар. Чеҳралари очилган, кайфлари чоғ эди.

— САКУда бирга ўқиган эски қадрдонларим келишти. Қалай, тузукроқ гўшт-пўштаринг борми, Гулшан? — дедилар дадамлар ойимларга қараб. — Бор бисотингни дастурхонга тўкасан бугун...



Марҳум волидамизда жиндак шаддодлик бўларди.

— Сиз қозон-ўчоқ атрофида айланавермай ичкарига кириб меҳмонларингизга қарайверинг! — дедилар шартта кесиб.

Дадамлар ойимларнинг бу сал ясама қўрслигига кулимсираб, ичкарига кириб кетдилар.

Ҳовлимизда, шундоқ ўчоқ ёнида бир туп гужум ўсар, гужум тагида чуқур қудуқ бўлар, иссиқ ёз ва илиқ куз кунлари гўшти шу қудуқда асрардик.

Ойимлар менга қудуқдан гўшт олиб бер, дедилар. Мен қудуқ чанғироғининг дастасини айлантириб, гўшт осилган чангакни торта бошладим-у, тўсатдан кўчадан кириб келган икки ҳарбийга кўзим тушиб, негадир юрагим орқамга тортиб кетди. Улар ўчоқ атрофида куймаланиб юрган ойимлар билан опамларга бир қараб қўйдилар-да, этиклари билан ерни тап-тап босиб айвонга чиқишди. Айвондан уйга киришди. Ҳарбийларни кўришлари биланоқ турган жойларида тош қотиб қолган ойимлар билан опамлар бирдан дод солишиб, уйга қараб югуришди. Қудуқ чанғироғини беихтиёр қўйиб юбориб мен ҳам кетларидан чопдим.

Мен ўша пайтлар мамлакатимизда ва ҳатто шаҳримизда нима бўлаётганидан беҳабар эдим, албатта. Шу боис ойимлар билан опамларнинг ҳарбийларни кўришлари биланоқ фарёд чекиб, ичкарига отилишлари сабабни англамадим. Аммо улар мудҳиш мақсад билан келишганини ақл билан бўлмаса-да, юрак билан ҳис этгандим. Кейин билсам, ўша даврда ҳамма жойда бўлганидек, Туркистонда ҳам ҳар куни, ҳар дақиқада кўп-лаб одамлар ҳибсга олинган экан. Ойимлар ва опамлар бундан боҳабар бўлганлари учун ҳам ҳарбийларни кўриб дод солишган экан. Эшикдан киришим билан ҳарбийлардан бири — новчадан келган, малла сочларининг учлари қошларига нафис эгнилиб тушган хушсурат ўрис капитан полни ғарч-ғурч босиб, эшикка келди-да, унинг илмоғини солиб:

— Тиштув тугагунча энди ҳеч ким уйга кирмайдиям, чиқмайдиям! — деди юракка ғулғула солувчи бир қатъият билан.

Уйда қий-чув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда ҳайкалдай қотиб қолган дадамларнинг бўйнига осилиб йиғламоқда, ойимлар ҳам дадамларнинг елкасига суяниб, унсиз титрамоқда, кичик опамлар билан укаларим бурчакка тиқилишиб, худди калхатлардан қўрқ-

қан жўжалардай, кўзлари ола-кула, бир-бирининг пинжиге кириб олишганди.

Икки тавақали ўрта эшик очиқ, ичкари хонанинг тўрида САКУДа дадамлар билан бирга ўқиган меҳмонлар, рангларидан ранг йўқ, типпа-тик серрайиб туришарди. Иккинчи ҳарбий эса ичкари уйдаги катта қизил шкафга терилган китоб ва альбомларни битта-битта кўздан ўтказмоқда эди.

Китобларнинг деярли ҳаммаси қизил жилдли Ленин асарлари эди. Тинтув бошлаган ҳарбий Ленин асарларига тегмас, қалин, серсурат альбомларни эса варақлаб кўриб беписанд ерга ташлар эди. Ҳануз эсимда: бу альбомлар ҳам худди болохонадаги китоблар каби, аллақандай раҳбарларнинг суратларига тўла бўлиб, уларнинг ҳам аксари аллақачон қамалгани учун (буни мен кейин билдим, албатта) юзларига кўк сиёҳ чапланган, кўзлари ўйиб олинган, баъзи суратларнинг каллалари «кесиб» ташланган эди. Беписанд ҳарбий (агар янглишмасам, у ҳам капитан эди) альбомларни кўздан кечираркан, дам улардаги кўзлари ўйилган, бошлари «кесилган» суратларга, дам дадамларга қараб:

— Кўриниб турибди, жа ғоявий эканлар! — дерди мийиғида кулимсираб.

Хушсурат малласоч капитан эса ташқи хонадаги қутилар, сандиқ ва сандиқчалар, шкафларнинг тортмаларини очиб, улардаги буюмларни титкилар, латта-путталар орасидан алланималарни қидираб эди. Навбатдаги шкафга келганда ҳарбий уринмасини, унинг пастки тортмаларини очолмади. Уйда бирорта сандиқ, ё шкаф йўқ эдики, мен уни очолмасам. Капитаннинг қийналаётганини кўриб, мен қўлимга миҳ олдим у пилдираб бориб шкафнинг тортмасини шартта очиб бердим. Капитан чеҳраси ёришиб кулди-да:

— Маладес! — деди бошимни силаб. — Келгусида Павлик Морозов чиқади сендан!

Капитаннинг бу кутилмаган мақтовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга қарамасдан отамни қамашга келган жаллоднинг мақтовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни ҳар эслаганимда бир ўзимдан ижирганиб юрдим. Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан ғурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мужҳиш ҳақиқат!

Шу пайт дадамларнинг:

— Сув! — деган овозлари эшитилди. — Бир пиёла қудуқ суви беринглар, юрагим куйиб кетяпти!

Уйда сув йўқ экан. Опам йиғидан тўхтаб:

— Уртоқ капитан! — дедилар ҳиқиллаб. — Рухсат беринг, укам қудуқдан сув олиб кирсин!

Капитан шкаф тортмасидан бошини кўтариб:

— Агар дод-войингни қўйсанг — рухсат бераман! — деди ва кулди: — Шундай чиройли қиз ҳам бунақа йиғлоқи бўладими?

Капитаннинг мени Павлик Морозовга ўхшатгани менга қанчалик хуш ёққан бўлса, унинг опамларга қилаётган сохта хушомоди шунчалик ёқмади. Лекин нима ҳам қилардим? Челакни олиб ташқарига отилдим. Ҳовлидаги чироқ ўчган, айвондан узоқроқда, қудуқ ёнидаги гужум панасида кимдир қоққан қозикдек қаққайиб турарди. Бу — поччамлар эди. У лом-мим демасдан қўлидаги чақалоқни менга тутқазиб, қудуқдан ярим челак сув олиб берди-да, шарпасиз одимлаб ҳовлининг қоронғи бурчагига қараб кетди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгучи эдилар:

— Уша куни поччангни худо ўзи асради! Агар поччанг опанг билан бирга келганида, ким билсин, уни ҳам бирга опкетишармиди бу тошбағирлар?

Ойимларнинг бу гапида жон бор эди, чунки тинтув тугаб, дадамларни олиб кетаётганларида ҳарбийлар САКУчи шўрлик меҳмонларга Туркистондан кетишдан аввал НКВДга бориб, рухсат олишлари шарт эканини уқтиришиб, қўлларидан тилхат олишди.

Мен ярим челак сувни кўтариб, ичкарига кирганимда, дадамлар стулда ўтириб, оёқлари тагида ҳамон дод солиб йиғлаётган катта опамлар билан ойимларни тинчитишга уринардилар. Азалдан қорамағиз одам, дадамлар бир зумдаёқ бамисоли оловда қолган арчадек қорайиб кетгандилар. Ойимлар тоқчадан коса олиб бердилар. Дадамлар бир коса муздай қудуқ сувини битта сипқориб:

— Қўй, йиғлама, қизим, йиғлама, Гулшан! — дедилар оғир ҳансираб. — Партия олдида тариқча гуноҳим йўқ! Уртоқ Сталин тирик экан, бу туҳматлардан қутқариб олади ҳали!

Дадамлар қудуқ сувини косалаб сипқорар эдилару шу битта гапни қайта-қайта такрорлардилар:

— Партия олдида бегуноҳман, Гулшан! Уртоқ Сталин барҳаёт экан, бизни буларнинг оёғи остига ташлаб қўймайди!

Мен ҳозир, шахсга сиғиниш даврининг мудҳиш кирдикорлари, мудҳиш инқилоб доҳийлари, айниқса, Сталин ҳукмронлиги даврида юз берган шафқатсиз қатлу қирғинлар, миллион-миллион бегуноҳ кишиларнинг бошига тушган ғурбатлар, ота боладан, бола отадан айрилиб, одамларнинг кўзёши дарё бўлиб оққан ўша зимистон йиллар ҳақида ўйлаганимда, дадамларнинг Сталин тўғрисида айтган гапларини эслаб, ҳайрон бўламан. «Наҳот отам бу қирғинбаротни кўрмаган-сезмаган бўлсалар, наҳот Сталин бу жабру ситамлардан беҳабар эди, деган содда, бемантиқ сўзларга ишонган бўлсалар?», деган фикр бот-бот кўнглимдан ўтади.

Лекин ундай десам... ўша даврда ҳукм сурган инқилоб чавандозлари орасида машъум Октябрнинг сохта оташин чақириқлар, жўшқин қўшиқлар, алвонлари, «доҳий»нинг алангали нутқларига астойдил ишонган, бўлаётган қатлу қирғинларнинг ҳаммаси инсоният бахти учун қилинганми, деган мудҳиш ёлғонга учган соддадил, оқкўнги одамлар оз бўлганми?

Албатта, юракни зирқиратувчи бу ўйлар менинг хаёлимга кўп йиллардан кейин ўша даврлардаги даҳшатли воқеалар фош қилиниб, кўзимиз очилганда келди. У маҳалда эса...

Билмадим, тинтув қанча давом этди. Лекин дадамлар қудуқ сувни сипқора-сипқора, «Уртоқ Сталин содиқ фарзандларини хор-зор қилиб қўймайди», деган гапни такрорлай-такрорлай ярим челақ сувни ичиб тугатганлари ҳануз эсимда.

Мен кейинчалик, бу гапни айтсам кўплар ишонмай:

— Қуйинг-э, одам боласи ярим челақ сувни ича оладими? — дегувчилар ҳам бўлди, аммо мен, ўн-ўн бир яшар бола, буни ўз кўзим билан кўрганман, дадамларнинг ўша сўзларини ўз қулоғим билан эшитганман! Ичи ёниб кетаётган одам ярим челақ у ёқда турсин, бир челақ сувни ҳам ичади!

Ниҳоят, тинтув тугади. Дадамларга кийининиши буюрдилар. Ойимлар билан опамларнинг ноласи кўкка чиқиб, уйимиз аччиқ фарёддан зир титради. Ойимлар дадамларнинг елкасига пальтосини илдилар. САКУни битирган шўрлик меҳмонларга тузалган дастурхондан илинган нарсани рўмолга тугиб, қўлларига тутқиздилар.

Боягидан ҳам баттар қорайиб, бир зумда аллақандай озиб, мункайиб қолган дадамлар аввал ҳамон фарёд чекаётган ойимлар билан опамлар, сўнг қақшаб-қалтираб

қолган укаларимнинг пешоналаридан ўпдилару, навбат менга келганда:

— Ҳай, аттанг! — дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. — Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлувдим. Шуниям эвлаёлмадим-ов, болам!..

Бутун тинтув давомида кўзимга ёш олмаган, «келгусида Павлик Морозов бўласан», деган сўзлардан шишиб кетган норасида, бирдан ҳамма нарса — дадамларнинг ҳеч қачон эркаламаганини ҳам, дўкондан қимиз тополмай қайтганимда графинни қулочкашлаб отганлари ҳам — ҳаммаси эсимдан чиқдию аламли чинқириқ билан дадамларнинг тиззаларини қучоқлаб олдим...

\* \* \*

... Бир неча ой ўтди. Бу орада хонадонимиз мотамсаро бир маконга айланди. Қиш яқинлашиб қолган, кун сайин унинг қаҳрли нафаси кучайиб борар, уйда эса на ўтин бор, на кўмир!.. Биз танча қуриб, бир амаллаб кун кечирамиз.

Ҳафтада бир марта, янглишмасам, шанба кунлари дадамга овқат олишади. Ойимлар бир амаллаб топган-тутганларини пиширадилару тонг маҳал у киши билан бирга авахтага равона бўламиз.

Туркистонда Қул Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг шундоқ биқинида Ўрта Осийни забт этган генерал Черняев қурдирган беш-олтита мустаҳкам гиштин бинолар бўларди. Черняев бу биноларни чор аскарлари учун қурдирган. Совет ҳокимияти эса уларни қамоқхонага айлантиргану атрофини тиканли сим билан ўраб ташлаган.

Ҳар шанба тиканли сим билан чегараланган бу қалъа рўпарасига камида 150—200 аёл, чол-камфирлар йиғилишади, булар «халқ душманлари»нинг оила аъзолари. Ёш-ёш жувонлар қақшаб-қалтираб қолган кексалар ҳибсхона ходимларининг овқат қабул қилишини кутиб, эрталабдан кечгача тиканли сим олдида дийдираб туришади. Ойимлар қамоқхонага гоҳида мени ҳам етаклаб боришларига сабаб — мабодо дадамлар билан юз кўришиш насиб этса отамлар мени кўриб қолсинлар деган ниятда эдилар. Лекин дадамларни бирор марта кўрсатишмади, кўрсатишмаганлари ҳам майли, бот-бот олиб борган овқатларимизни қабул қилмасдан қайтариб юборишарди. Гоҳо мен бир неча соат маҳтал бўлиб кутганимдан кейин бирор баҳонани рўкач қилиб, ҳибсхонанинг шундоқ ёнгинасидаги шаҳар боғига қараб чопардим.

У ерда худонинг куни борки, митинг бўлар, шаҳар мактабларидан ноғоралар гумбури ва карнай-сурнайлар садоси остида пионерлар ва ҳатто октябрятлар саф тортиб боққа келишарди. Боғ ўртасига қизил алвон билан ўралган улкан минбар ўрнатилган бўлиб, чарм пальто кийган, тўппонча таққан фаоллар унга чиқиб ваъз айтишар, ваъзаларнинг аксарияти тротскийчилар ва уларнинг «дум»ларини фош қилишга бағишланарди. Бу ваъзхонликларнинг даҳшатли томони шунда эдики, бугун Тротскийнинг «дум»ларини фош этиб, оташин нутқ сўзлаган нотикларнинг аксари эртасига ўзлари «дум»га айланиб, фош этилганлар рўйхатига тушиб қолишарди.

Мени бу митингларга боришга нима чорлаганини ҳануз тушунолмайман. Афтидап, карнай-сурнай ва ноғоралар садоси саф тортиб ўтадиган тенгдошларимнинг қувноқ ва жўшқин қўшиқлари бўлса, ажаб эмас. Чунки бу гумбур-гумбур садолару оташин қўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим ҳаприқиб кетаверарди. Фақат бир нарса мурғак қалбимни эзар, у ҳам бўлса, минбардан туриб айтиладиган нутқларда баъзи-баъзида дадамларнинг номи ҳам «дум»лар қатори тилга олинарди. Лекин шундай пайтларда дадамларнинг Сталин тўғрисидаги сўзлари эсимга тушардию юрагимга қўйилиб келган аламли туйғуни ҳайдардим. Бу ҳол токи шаҳар комсомол кўмитасининг котиби билан юзмаюз келгунимча давом этди.

Бу ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга қўшни эди. Оиламиз бошига мусибат тушгунга қадар, у хонадонимизга бўзчининг моксидек қатнар, дадамлар билан кечалари узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. У ўша ёзда уйланган, хотини ҳам, ўзига ўхшаш кўҳлик, хушқад, хушсурат эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбоши бўлган, ойимларнинг айтишича, дадамлар унга моддий ёрдам ҳам берган эканлар.

Дадамлар қамалганларидан кейин ён қўшнимиз қорасини ҳам кўрсатмайдиган бўлди. Бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки шогирд тугул қариндош-уруғлар ҳам бу оғир, ғурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта-яримта келса ҳам кечалари қўрқа-писса келиб, сўнг девор паналаб қайтиб кетарди.

Шанба куни эди. Чамаси, қамалганлар сони кўпайган, чунки авахтага овқат кўтариб келганлар сони анча ортган, навбат кутаётганларнинг думи кўринмасди. Кун совуқ, севалаб майда ёмғир ёғарди. Шу боисданми,

бошқами, оймлар мен сўрамасданоқ уйга кетишимга рухсат бердилар. Мен тинимсиз майдалаб ёғаетган ёмғирдан дийдираб, уйимизга томон равона бўлдимۇ тўсатдан боғ томонда янграган ноғоралар гумбирию карнай-сурнайлар садосини эшитиб, беихтиёр тўхтадим.

Ноғоралар ва карнай-сурнайлар садоси тобора авжга чиқмоқда, чамаси, одатдагидан ҳам катта митинг бошланмоқда эди. Ургатилган отга ўхшаб яна ноғоралар гумбирлаётган томонга бурилдим. Ҳақиқатан ҳам ёмғирга қарамай, пионерлар ҳар томондан саф-саф бўлиб боққа ёпирилиб келишарди.

Дарвозага яқинлашиб қолганимда ногаҳон рўпара томондан келаётган кўшнимиз — шаҳар комсомол кўмитасининг котибига кўзим тушди. У бир ўзи эмас, чарм пальтолик ҳарбий одам билан уч бурчак соқол кўйган, жиккаккина мўйсафид қуршовида келарди.

Котибни кўришим билан юрагим негадир «шув» этиб, боққа шўнғишга чоғландим, аммо котиб бир сакрашда йўлимни тўсиб, билагимдан шаппа ушлади-да:

— Ҳа, қашқирдан туғилган қашқирча! — деди титроқ босиб. — Битта шалтоқ бузоқ бир подани бузади! Бўйнингга сохта қизил галстук тақиб, бу софдил қизил пионерларни бузмоқчимисан? — У кўлимни оғритиб сиққанча ўзига торта бошлади. Лекин шу пайт жиккак мўйсафид:

— Кўйиб юбор, болапақирни, — деди орага тушиб. — Уртоқ Сталин айтди-ку, бола отаси учун жавоб бермайди, деб? Гуноҳи нима бу норасиданинг!

Еш котиб қовоғидан қор ёққанича бир қарияга, бир чарм пальтоли ҳарбийга қаради-да, кўлимни кўйиб юборди ва: «Йўқол кўзимдан!» — деб ўшқирди.

Шундан кейин нима бўлди, нима кўйди — ҳозир эсимда йўқ, фақат котибнинг омбирдек метин чангалидан чиқдимۇ томоғимни гип бўққан кўз ёшини юта-юта, саф-саф бўлиб ўтаётган бахтли тенгдошларим ёнидан катта кўча томон отилдим...

\* \* \*

Дадамлар ҳибсга олингандан сўнг уч-тўрт ой ўтди ҳамки, у киши билан бирор марта кўриша олмадик. Бутун шаҳар ҳануз таҳликада, ҳамма жойда, ҳатто мактабларда ҳам душман қидириш ҳамон давом этарди. Сира эсимдан чиқмайди. Уша йили улуғ рус шоири Пушкин вафотининг 100 йиллиги нишонланар эди. Бу ғам-

гин санага аталиб қанақа тадбирлар белгиланди, қанақа китоблар чиқарилди, қанақа мажлислар, адабий кечалар ўтказилди — буни билмайман. Аммо ўша санага аталиб ўқувчилар учун дафтар чиқарилгани ёдимда. Миллион-миллион нусхада чиқарилган бу дафтарларнинг олд муқовасида болаликдан ҳаммамизга таниш жингалак соч, ҳабашчеҳра шоирнинг сурати солинган, муқованинг охириги бетига эса шоир эртақларидан бирига чизилган сурат берилган эди. Аввал бошда ҳеч қандай гап йўқ эди. Кейин тўсатдан шаҳарда, жумладан мен ўқийдиган Ленин номидаги мактабда ҳам ваҳимали миш-мишлар тарқалди. Гўё Пушкин юбилейига чиқарилган бу дафтарлар, тўғрироғи, дафтар муқовасидаги суратларга аксилинқилобий сўзлар битилган эмиш! Кимки Пушкиннинг соч ва соқоллари, айниқса, муқова охиридаги эртақларга чизилган суратларни эътибор билан кўздан кечирса, шоирнинг жингалак сочларини эртақларга чизилган суратларни ҳушёрлик билан нигоҳидан ўтказса, маккорона битилган аксилинқилобий сўзларни топиши мумкин эмиш!

Мен ўқийдиган 3—«А» синфида ёши анчага борган, тишлари тўкилиб қолган, аммо жуда мулойим, меҳрибон рус кампири дарс берарди. Бир ойдан бери бу кампир — ҳозир исм-шарифлари ёдимда йўқ — касал бўлиб, ўрнига ёш татар йигитча дарс бера бошлаган эди. Қаттиқ оқсоқланиб юрадиган бу йигитча бизга қўшни бўлмиш райком котибининг қайниси бўлиб, дадам қамалганларидан кейин менга ўқрайиб қарай бошлаган эди. Аммо ҳаётнинг ўйинини қарангки, дадамлардан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас ёш ўқитувчимизнинг поччаси ҳам ҳибсга олиниб, «халқ душмани» деб эълон қилинган эди. Шу-шу баттар мунгайиб, аввалгидан баттар оқсоқланиб қолган ўқитувчи менга ачиниб қарайдиган, йўлакдами, ҳовлидами — танҳо юрганимни кўрса, бошимни силайдиган бўлиб қолганди. «Пушкин суратлари ичига қабиҳ аксилинқилобий сўзлар ёзилган эмиш», деган гап тарқалган кунни ёш ўқитувчимиз синфимизга жуда хомуш бир қиёфада кириб келди. У мунгли кўзлари билан болаларга узоқ тикилиб тургач:

— Болалар! — деди аллақандай ёлвориб. — Қани, кеча тарқатилган дафтарларингни олинглар-чи! Ҳалиги... муқоваларига Пушкин сурати солинган дафтарларингни айтяпман!.. Олдиларингни? Эҳтимол, эшитгандирсизлар, ашаддий душманларимиз маккорона чизилган ҳарфлар воситасида СССРга қарши сўзлар ёзи-



шипти! Бу мудҳиш сўзларни топган пионерлар бор. Уларнинг суратлари эртага фахрий доскага осилади. Наҳот бизнинг синфимизда бирорта ҳушёр пионер топилмаса? Қани, суратларга яхшилаб қаранглар! Шояд сизлар ҳам душманларимизнинг бу қабиҳ сўзларини топиб, уларни фош этсаларинг!

Еш ўқитувчи шундай деб менга ўзгача бир умид билан қараб қўйди. Ҳар қалай менга шундай туюлдию олдимдаги дафтарга чизилган суратларга тикилиб, жонжаҳдим билан маккоруна чизилган ҳарфларни қидира бошладим...

Асабларим таранг тортилган, миям назаримда лаҳча чўққа айланган эди. «Наҳот жонажон ҳукуматимизга қарши ёзилган бу мудҳиш сўзларни топиб, душманларнинг кирдикорларини фош этолмасам? Йўқ, топаман! Топганда ҳам биринчи бўлиб топаман. Иккинчи бўлишнинг фойдаси йўқ!.. Тўхта, шоир елкасидаги мана бу гажак тола нимани эслатади? «С» ҳарфининг ўзгинаси-ку!.. Унинг ёнидаги гажак-чи! У ҳам «С»! Унинг ёнидагиси ҳам!» Мана буниси «Р»нинг ўзгинаси-ку! Вой, тавба! Бу баттоллар «СССР» деб ёзиб қўйишибди-ку, Шоядан бери шуни ҳам кўрмапман-а?... Мана бу гажак тола-чи? Қўйиб қўйгандек «Д» ку! Ундан кейинги гажак-чи? «О»нинг худди ўзгинаси-ку! «О» бўлган жойда «Л» ҳам бўлиши керак? Мана «Л»! Ёнгинасида эса «Ой»га ўхшаш иккита гажак қаторлашиб турибди! «Доёй СССР!», яъни «Йўқолсин СССР!» деган гап-ку бу!».

Мен ҳаяжондан нафасим бўғилиб:

— Топдим, муаллим, топдим! — деб бақириб юбордим.

Мажруҳ ўқитувчим текис полда қоқилиб-суриниб оқсоқлана-оқсоқлана ёнимга келди. Синф тўла ўқувчилар ҳам «гурр» этиб ўринларидан турдилар-да, устимга ёпирилдилар.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб, улуғ шоирнинг жингалак сочлари орасидан топган мудҳиш ҳарфларни кўрсата бошладим. Ниҳоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошларимга мағрур қарадим. Синфга чўккан оғир сукунат ичидан тўсатдан ўқитувчимизнинг:

— Маладес! — деган хитоби эшитилди. — Ҳушёр пионер деб шуни айтадилар!

Ҳамма менга ҳасад билан қарар, мен ўзимни чинакам қаҳрамон ҳис қилардим.

— Қани, дафтарларингни йиғиб беринглар! Бир

соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб тўлланди. Ҳаммамиз бирга бу мудҳиш дафтарни ёқиш маросимида қатнашамиз!

Ўқитувчимиз оқсоқлана-оқсоқлана синфдан чиқиб кетди, лекин бир соат тугул икки соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Сўнг дафтарларни ёқиш маросими бошқа кунга қолдирилипти, деган хабар келдию уй-уйимизга тарқалдик.

Кечқурун мен кундузи бўлган воқеани ҳаяжондан энтика-энтика ойимларга айтиб бердим.

Ойимлар мен кутган мақтов ўрнига:

— Ҳой, болам-ов, болам-ов! — дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. — Сенга нима бўлди, болам-ов!

— Менга нима бўпти? Нега бундай дейсиз, ойижон? — дедим ранжиб.

— Ҳеч нима... Илоё даданга ўхшаб қаҳри қаттиқ бўлма. Оллодан биттаю битта тилагим шу, болам.

Ойимларнинг гапига яхши тушунмадим. Эрталаб мактабга, тўғрироғи, залда осилган ҳурмат тахтасига қараб чопдим. Надоматлар бўлсинким, рўйхатда менинг номим йўқ эди! Кўзларимга ишонмай рўйхатга бир неча марта кўз югуртириб чиқдим: йўқ, на номим, на суратим бор! Душманнинг ёвуз кирдикорини фош этган ҳамма ҳушёр пионерларнинг сурати ҳурмат тахтасига осилган-у, битта менинг суратим йўқ! Афтидан, кимдир ҳушёрлик қилиб халқ душмани фарзандининг суратини ҳурмат тахтасига осиб мумкин эмаслигини айтиб, мендан ҳам ҳушёрроқ бўлган!

Мана, бу воқеаларнинг содир бўлганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шахсга сиғиниш даврининг не-не жиноятлари фош этилди. Бу жиноятлар қандай даҳшатли бўлмасин, назаримда, уларнинг энг ёмони — катталар етмагандек, мендай гўдакларни ҳам ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ҳаммаёқдан ёвуз кирдикорлар қидиришга қаратилган уринишлар деб биламан.

\* \* \*

Ниҳоят, дадамлар билан видолашадиган кун ҳам келди. Видолашишга уч кишига руҳсат беришганди: ойимлар, катта опамлар ва менга! Шу боисдан бўлса керак, қариндош-уруғлардан ҳеч ким, на дадамларнинг укалари, на ёр-дўстлари — ҳеч ким келмади.

Ойимлар билан опамлар кечаси ухлашмай, дадамлар

учун буғдой талқон, сўк талқон ва яна аллақандай нарсалар тайёрлашди. Чунки бу пайт дадамлар озод бўлади деган умид ожиз милтираб турган шамдай сўнган, у кишини узоқларга олиб кетишлари чамаси ойимларга аён эди.

Эрталаб тўрва-халталарни кўтариб қамоқхонага қараб йўл олдик. Бу сафар бизни кўп куттиришмади. Белига чойнакдай тўппонча тақиб олган ҳарбий бизни узун, тор, нимқоронғи йўлакдан ичкарига бошлади. Йўлакнинг ярмига борганда ўнг қўлдаги эшикни очиб, бизга йўл берди. Чоғроққина тўртбурчак хонанинг тўридаги стол олдида гимнастёрка кийган, сочлари оппоқ бир одам алланималарни ёзиб ўтирарди.

Дадамлар бурчакда курсида ўтирган эканлар (мен аввал у кишини танимай қолибман!) биз киришимиз билан дик этиб ўрнидан турдилар. Азалдан барваста, тўладан келган, новча одам бир-икки ой ичида чўпдай озиб, лунжлари ичига ботган, кўзлари кяртайиб, қийғир бурни сўрайиб қолганди.

Яна қамалган кечасидагидек йиғи-сиғи бошланди. Ойимлар-ку, юзини рўмолига яшириб, жимгина титраб йиғлар, лекин опамлар... дадамларнинг бўйинларига осилиб олган опамларнинг фарёди тор хонани зир титратарди.

Кейинчалик марҳум ойимлар кўп айтгувчи эдилар:

— Ноинсофлар жилла қурса ярим соат ҳам фурсат бермадилар. Даданг шўрликнинг дийдорига ҳам тўймадик. Берган чорак соатлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди...

Бу сафар чора соат давом этган видолашув давомида дадамлар бирор марта Сталиннинг номини тилга олмадилар, қамалган кунларидагидек: «Мен партия олдида гуноҳкор эмасман! Уртоқ Сталин барҳаёт экан, мени оёқости қилиб қўймайди!», — демадилар. Билъакс, бир неча марта кўзларига ёш олиб:

— Мени кечир, Гулшан. Аёл бошинг билан беш болани қандай боқасан — ақлим бовар қилмайди. Энди юз кўришишимизга ҳам кўзим етмайди, кечир мени! — дедилар.

Ҳар сафар дадам шундай деганларида столга мукка тушиб, алланималарни ёзаётган киши:

— Ҳой, Ёқубов! — дерди қоғоздан бош кўтармай. — Сенга нима бўлди? Ёш боламисан, Ёқубов!

Ниҳоят, бу одам қаршисидаги деворга осилган алмисоқдан қолган девор соатига кўз ташлаб:

— Фурсат тугади, Ёқубов. Энди хайрлашинглар! — деб буюрди.

Опамларнинг нидоси баттар авжига чиқди. Ойимлар озгина пул олиб келган эканлар, дир-дир титраган қўллари билан дадамларга тутди, дадамлар эса:

— Болаларингга ярат, Гулшан! — деб ёлворар эдилар. Лекин ойим кўнмай, ахири пулни олишга мажбур қилдилар.

Ойимлар келтирган пул бор-йўғи эллик сўм бўлиб, ўнта беш сўмликдан иборат эди. Дадамлар пулни қийнала-қийнала оларканлар, беш сўмликлардан бирини менга узатдилар. Ойимлар пулни мендан олиб, дадамларга қайтариб бермоқчи бўлгандилар, дадамлар кўнмадилар, кафтларини бошимга қўйиб:

— Сен энди бу уйдаги энг катта эркаксан, болам, — дедилар ва яна кўзига ёш олдилар. — Ойингга ёрдамлашиб, укаларингга қараб тургин, болам!

Дадамлар шундай деб беш сўмликни чўнтагимга солдилар.

— Умримда бир марта сенга музқаймоқ олиб бермоқчи бўлган эдим, бу ҳам nasib этмади. Бу пулга дафтар-китоб ол! Қолганига музқаймоқ олиб е, ўғлим!..

Боядан бери ойим ва опамларга қўшилиб йиғлашни ўзимга эп кўрмай серрайиб турган бола, тўсатдан, худди дадамларни олиб чиқиб кетаётган пайтларидагидек юрагимда нимадир дарз кетгандай туюлдию НКВД ходимининг мақтовлари ҳам, аксилинқилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим ҳам — бари ёдимдан чиқиб, «Дадажон!», деганча отамнинг тиззасини қучоқлаб олдим.

\* \* \*

Бу машъум воқеалардан кейин кўп йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. 1955 йили Хрушчевнинг бутун дунёни ларзага солган машҳур нутқидан кейин оиламиз, шахсга сиғиниш зулмидан жабр чеккан миллион-миллион оилалар каби дадамларнинг тақдирини, ўлик ё тирик эканини (унгача ёзган ўнларча хатларимизнинг биттасига ҳам жавоб ололмагандик) сўраб, юқори ташкилотларга мурожаат қилдик.

Мактубларнинг биттасини Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитасига, иккинчисини СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасига йўлладик. Тахминан тўрт-беш ойдан кейин бирин-кетин иккита жавоб келди. Жавоб-

ларнинг биринчиси Қозоғистон Марказий Қўмитасидан бўлиб, унда дадамларнинг партиявий иши кўриб чиқилгани, у киши Сталин шахсига сизиниш қурбони бўлганлиги эътироф этилган ва 1918 йилдан эътиборан партия аъзоси сифатида тиклангани хабар қилинган эди.

Иккинчи жавоб Москвадан, Давлат хавфсизлиги қўмитасидан бўлиб, унда айтилишича, дадамлар Узоқ Шарқдаги қайси бир ўрмон хўжалигида дарахт кесувчи бўлиб ишлаган, 1943 йил қиш ойларида (вақти аниқ айтилмаган) дарахт кесаётган пайтида йиқилиб вафот этган.

Биринчи жавобдан фарқли ўлароқ, бу хатда шундай илова ҳам бор эди. Агар волидамиз (мен ёзган хат, табиий, ойимлар номидан битилган эди) пенсия ёшида бўлсалар, у кишига давлат тегишли миқдорда нафақа тўлайди. Агар ойимларнинг турар жойи бўлмаса, у киши қўмитадан келган ушбу жавоб асосида шаҳар советига мурожаат қилиб, навбатсиз уй оладилар...

Ҳар иккала хат ҳам ҳақиқатни қарор топтириш, адолатни тиклашга қаратилган эди. Аммо мен негадир, эҳтимол, Узоқ Шарқда олти йил оддий солдат бўлиб, бутун қийинчиликларни бошимдан ўтказганим учундир, ногаҳон ўзим кўрган бепоён совуқ ўрмон, қор тагида эгилиб турган дарахтлар, қиш кўз олдимга келди. Бир зум нигоҳим олдига бу қоронғи ўрмонда беҳол имиллаб дарахт кесаётган дадамлар келди, келди-ю, алам, изтироб, меҳр-шафқат ва хўрлик туйғулари тошқиндай гувиллаб вужудимни қақшатиб юборди.

«Йўқ! Бу нопоклар 1918 йилдан фирқа аъзоси бўлиши отамни ноҳақ қамайдилар, қариганида ҳам озод қилишни истамай, қаҳратон қишда ҳам ўрмон кесдириб, ўлимга маҳкум этадилар-у, энди ўз гуноҳларини ювиш умидида жудолик азобидан икки букилиб қолган бевасига нафақа тўлармишлар, бошпана берармишлар! Йўқ, мен битта онамни улар берган садақасиз ҳам боқиб оламан, уларсиз ҳам бошпана топиб берман!»

Хаёлан шундай деб, яхши ният билан ёзилган икки хатни бурда-бурда қилиб йиртиб ташладим...

ЭССЕ

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИ УҚИГАНДА

### I

Биринчи дафъа «Утган кунлар» тўғрисида, тўғрироғи Отабек — Кумуш қиссаси ҳақида олти-етти яшар чоғимда дадамлардан эшитганман.

Уттизинчи йилларнинг ўртаси. Дадам, ўн тўққизинчи йилдан партия аъзоси, катта ишларда ишлаб келган одам, нима учундир, ишдан четлаштирилиб, қишлоққа қайтиб келган пайтлари.

Ҳар оқшом катта меҳмонхонамиз одамга тўлиб кетади. Қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, қиз-келиндяклар йиғилади. Аксарияти ёшлар.

Дадам таҳмондаги китоблар орасидан жигарранг жилдли қалин бир китобни олиб секин варақлайди. Мен унинг тиззасига суяниб китобнинг безаклари, ажойиб суратларини томоша қиламан. Бу китоб — «Минг бир кеча»нинг 1905 йили босилган рус нашри (кейинчалик мен бу китобни қанча изламай тополмадим!) эди.

Дадам китобни ўқимайди, бир неча бетини ўйчан варақлайди-да, кейин секин ҳикоя қила бошлайди.

Бу ҳикоялар аксарият тун ярмигача, баъзан хўроз қичқирғунча давом этади, мен ҳам оғимларнинг «ёт» дейишларига қулоқ солмай, мижжа қоқмай эштаман. Эсимда бор: менга айниқса машҳур саёҳ Синдбоднинг саргузаштлари хуш ёқиб тушарди.

Шу қиш оқшомларининг бирида дадам қора муқовасининг устига йўл-йўл оқ чизик чизилган қалингина бир китоб топиб келди.

Китобнинг биринчи бетиди — бошида духоба дўппи, эғнида қора гимнастерка устидан кийилган ола тўн, тўладан келган, учбурчак мўйловли бир одамнинг сурати бор эди.

— Бу — «Утган кунлар» деган ўзбекча роман, — деди дадам. — Уни мана шу одам ёзган. Исм-шарифлари Абдулла Қодирий Жулқумбой...

— Жулқунбой? Қозоқми?

— Йўқ, — деди дадам кулиб. — Ўзбек. Жулқунбой бу кишининг тахаллуси. Ёзувчилар баъзан ўз исмларини ўзгартириб, бошқа исм танлашади.

Китоб қўлдан қўлга ўтиб, яна дадамга қайтди. Дадам шошмасдан ўқишга киришди. Мен ҳам «маза қилиб эшитиш» учун дадамнинг тиззасига суяниб, яхшироқ жойлашиб олдим.

Учинчи ё тўртинчи оқшом ярим кечада уйғониб кетсам, китоб ўқилиб бўлган, қиз-жувонлар кўз ёшларини артишиб, пиқ-пиқ йиғлашар, эркаклар оғир сукут сақлашар, дадам эса ёзувчи ҳақида секин ҳикоя қиларди.

Дадамнинг ҳикоясидан эсимда қолганлари шулар:

— Абдулла Қодирий — улкан ёзувчи. Ўзиям ажойиб одам... Ҳукумат унга ҳамма имкониятларни туғдириб берган. Тошкентда унинг катта боғи бор. У ҳар куни эрта саҳар уйғониб ёзишга ўтиради. Чарчаган пайтлари чиқиб, боғда ишлайди.

Йиллар ўтди. Ўсиб-улғайиб китобга ташналигим, ишқим, меҳр-муҳаббатим ўсиб борган сари «Абдулла Қодирий...», «Ўтган кунлар...», «Меҳробдан чаён...» деган гаплар қулоғимга тез-тез чалинадиган бўлди.

1943 йилнинг охириги ойлари, тўққизинчи синфда ўқиб юрган чоғларим.

Бир кун синфимизга янги ўқитувчи — фронтдан ярадор бўлиб қайтган ёшгина йигит кириб келди. У «ҳарбий иш»дан дарс бера бошлади, лекин адабиётга жуда қизиқса керак, ҳар куни бир китоб кўтариб келар, болаларга вазифа топшириб қўйиб, ўзи китоб ўқиб ўтирарди. Лекин бу қанақа китоб эканини ҳеч ким билмас, чунки, аксарият китобларнинг жилди қоғозга ўралган бўларди.

Кунлардан бирида ўқитувчининг укаси, синфдош дўстим мени четга тортиб:

— Кеча акам «Ўтган кунлар»ни топиб келди, — деб қолди. Дарсдан кейин «Ўтган кунлар»ни бир кечага сўраб олиш умидида синфдош оғайним билан бирга уларникига бордим.

Биз борганимизда, домла олдида қаттиқ нон, икки кўзи аллақандай китобда, чой ичиб ўтирарди.

Мен дудуқлана-дудуқлана илтимосимни тушунтира бошлаган эдим, ўқитувчимиз қоғоғини солиб:

— «Ўтган кунлар»ни ўқиш мумкин эмас. Билмайсанми? — деди кўзимга тикилиб.

Мен ҳаяжондан энтикиб:



— Мана, сиз ўқияпсиз-ку? — дедим.

Ўқитувчининг юзида билинар-билинмас табассум пайдо бўлди.

— Биринчидан, мен ўқитувчиман, ёш бола эмасман, — деди у. — Иккинчидан, мен уни танқидий кўз билан ўқийман.

— Мен ҳам танқидий кўз билан ўқийман. Домлажон, бир кечага бериб туринг. Эрталаб олиб келиб бераман. Ҳеч кимга айтмайман.

Домла сал юмшади, лекин ҳамон бир қарорга келолмай пешонасини ишқади.

— Бир кечада-ку ўқиб тугатолмайсан-а?

— Ўқиб чиқаман, — дедим мен. — Албатта, ўқиб битираман!

Домла кулиб юборди.

— Хўп, майли, аммо ўзинг ҳам дейман... бир ёпишсанг қўймас экансан!

У ўрнидан турди ва токчадаги пиёла-чайнакларнинг орқасига қўл суқиб, қалин сарғиш қоғозга ўралган бир китобни олиб берди.

— Ма, қўйнингга тиқ. Ҳеч ким кўрмасин. Кейин... эртага демайману, индинга олиб келиб бер. Уқдингми?

— Уқдим! — Мен унинг айнаб қолишидан қўрқиб, китобни қўлтиғимга урдиму эшикка отилдим.

Уша кеча мижжа қоқмадим. Тонг пайти охири саҳифани ўқиб бўлдим. Китобни ёпиб боққа чиқдим.

Хўроз учинчи марта қичқирган. Япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолган боғда шабада бебошлик қилади, кекса ўриклар, ичлари ковак олмалар ҳазин чийиллайди, нола қилади, олча ниҳоллари, ёш олхўрилар юз муқомга тушиб эгилиб-эшитилади.

Мен юзимни шабадага тутиб боғда узоқ айланаман. Кўз ёшларимни артмай, хўнг-хўнг йиғлайман...

Уша маҳалгача ҳеч бир китоб мени шу қадар ларзага солмагандир. Гўё Отабек менинг ўз акам. Кумуш эса ўз келинотимдай уларнинг тақдирига ич-ичимдан куюнаман, изтироб чекаман. Адабий «сир»лардан беҳабар: «Аттанг, шу хўракни Зайнабга топширмай, Ўзбек ойм ўзи қилганда-ку, бундай бўлмас эди!» деб афсус чекаман... Айни замонда кўнглимда ҳеч бир губор, ёмон асорат йўқ...

Бошларига кўп мусибат тушган, кўп довул ва бўронлардан ўтиб чиниққан одамлар ҳар қандай фожиага ҳам мардоновор туриб берадилар, сабот ва олижанобликни қўлдан бой бермайдилар. Шунинг учун улар-

нинг фожиаси сизни эзмайди, балки сабот ва матонатга ўргатади, олижаноблик ва мусаффоликка чорлайди, шунинг учун ҳам сиз Отелло билан Дездемонанинг фожиали тақдирига кўз ёши тўкаркансиз, бу кўз ёшлар қалбингиздаги ҳамма ғуборларни ювиб ташлагандай бўлади, ўзингизни аллақандай софроқ ҳис этасиз, қалбингиз одамларга ҳамдардлик, ҳамжиҳат бўлиш, яхшилик қилиш истаги билан тўлиб тошади... Отабек—Кумуш фожиаси ҳам назаримда, менга ҳаётнинг теран ва чигал томонларини кўрсатган, мен ғўё беш-олти ёш улғайган, айни замонда дилимга аллақандай ҳазин ва ёруғ нур қуйилган эди...

Кўп йиллар ўтди. Мен ҳам адабиёт майдонига кириб, яхши-ёмон бир-иккита асар ёздим. Бу пайтларга келиб «Ўтган кунлар»ни қайта ўқиб чиқдим. Бу сафар китобнинг кўп фазилатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам кўзимга чалинди. Лекин улғайганда олган таассуротларим ҳақиқатга қанчалик яқин бўлмасин, китоб устида кўз ёш тўкиб тонг оттирган ўша дамларим, эрта саҳар хувиллаб қолган боққа чиқиб, танҳо кезган пайтларим сира-сира эсимдан чиқмайди...

Бу воқеадан кейин сал ўтмай, ҳалиги ўқитувчимиз вафот этди. Ярадор бўлгани етмагандай, фронтда ўпкасини совуқ урган экан, кўкламга чиқмасданоқ узилди.

Яна бир-икки ой ўтди. Қишлоқда бирга тепишиб ўсган дўстларим фронтга жўнайдиган бўлиб қолишди. Гарчанд, мен бир ёш кичик бўлсам ҳам, дўстларимдан айрилишга, улардан қолиб қишлоқда юришга виждоним ёр бермади-ю, ариза бериб ихтиёрий равишда урушга кетадиган бўлдим.

Эртага жўнаймиз деган куни кечқурун мен марҳум ўқитувчимизнинг уйига бордим ва унинг укасидан «Ўтган кунлар»ни беришини илтимос қилдим.

Урушга кетаётган одамнинг илтимосини қайтариш қийин. Ўқитувчимнинг укаси қийналиб бўлса ҳам китобни берди.

Мен уни қопдаги талқон, туршак ва қаттиқ нонлар орасига солиб, орқалаб олдим.

Биз қишлоқдан бир йўла қирқ чоғли йигит чақирилган эдик. Бир-икки ойдан кейин бўлиниб-бўлиниб ўн чоғли йигит қолдик. Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг ёзида шу ўн чоғли йигит фалакнинг гардиши билан Мўғулистон даштларига бориб тушдик.

Қаёққа қараманг бепоён дашт. Тап-тақир жигарранг адирлар. Каламуш илма-тешик қилиб ташлаган ясси

қирлар. Кундуз жазирама иссиқдан кирадиган жой тополмайсиз, кечаси эса сел ёғади, совуқдан тишлар шақшақ қилади...

Биз олис-олисларда қолган она юртни, дўппи билан сув ичган булоқларни, тиззадан тупроқ кечиб юрган қишлоқ кўчаларини соғинамиз. Дўппи-дўппи ўрик териб қизларга тутган чоғларимиз, пода кутиб ўмбалоқ отиб ўйнаган сойликлар, сув сепишиб чўмилишган анҳорлар кўз олдимиздан кетмайди. Кечалари даштдаги чайлаларда бир-биримизнинг пинжимизга суқулишиб ётарканмиз, қишлоқ қизларининг мулойим чеҳраларини, ҳазин ва шўх лапарларини қўмсаймиз, қўмсаймизу бутун вужудимиз билан киндик қонимиз тўкилган она тупроққа талпинамиз... Ана шундай пайтларда, буюм халтамни очиб, ўқ-дори, қаттиқ нон ва консерва қутилар орасида ётган «Ўтган кунлар»ни оламан. У соғинган қалбларимизга аллақандай таскин беради, ташна дилларимизни нима биландир қондиргандай бўлади. Биз Отабек — Қумуш саргузаштининг мунгли ва ёруғ саҳифаларини қайта-қайта ўқирканмиз, гўё суюкли қишлоғимизга бориб келгандай, қариндош-уруғ, ёр-биродарларимиз билан дийдор кўришгандай бўламиз... Нур билан йўғрилган севги саҳифалари эса... ўз севгилиларимизни эслатади. Биз гўё олис-олисларда қолган қишлоқ қизларини кўргандай, уларнинг шўх қилиқлари, ҳазил-мутойнабалари, куй ва қўшиқларини эшитгандай бўламиз... Ҳа, халқимизнинг баъзи иллатларини шафқатсиз фош этган, айни замонда энг яхши урф-одатларини, ўзига хос фазилатларини ажиб бир шоирона муҳаббат билан тараннум этган бу улкан асар белимизга қувват, кўнглимизга далда берар эди. Шунинг учун ҳам мен бу китоб ва уни яратган буюк инсон олдида ҳамиша бош эгаман, қўлим кўксимда, ҳамиша таъзим қиламан.

## II

Бугун, бир неча йилдан кейин, «Ўтган кунлар»ни қайта қўлга олдим.

Энди, ёзувчилик «сирлари»ни озми-кўпми ўрганганимдан кейин, романнинг бутун реалистик кучи ва кишини ром қилувчи гўзаллиги ҳам, характерларнинг бетакрор миллий колорити ҳам, шу билан бирга реалистик услубда ёзилган ва бугунги китобхон учун сунъийдек туюладиган айрим саҳифалар ҳам кўзимга ташланади.

Масалан, ҳаётда кўп нарсани кўриб чиниққан, тажриба орттирган Отабекдай йигитнинг худди ёш бир ўспириндай Кумушга ошиқ бўлганини ҳаммадан яшириб, кечалари тўлганиб чиқишлари, айниқса оддий хизматкор Ҳасанали ундан яшириқча совчига боришлари, ниҳоят бу сирлардан беҳабар Кумушнинг никоҳ кечаси: «Сиз ўшамми?» деб «кутилмаган бахт»га муяссар бўлиши... бунинг ҳаммаси китобхонга асарнинг таъсир кучини ошириш учун, «эффekt» учун қилинган, яъни, бошқача қилиб айтганда — «ясалгандек туюлади». Назаримда, романнинг «Ҳукмнома» боби, Кумуш жаллод кўлига топширилган Отабек билан Қутидорни хат воситаси билан дор тагидан қайтариб, қутқариб қолиши ҳам эртақлардаги воқеаларга ўхшаб кетади. Лекин қизиқ: романни дастлаб ўқиган ўн олти-ўн етти ёшимдаку, бу нарсаларни билмас эдим, бироқ нега ҳозир, ёзувчилик «сирлари»ни оз-моз билганим ҳолда, сунъийликни сезганим ҳолда «Утган кунлар» ҳануз мени ҳаяжонга солади, чексиз завқ беради, титратади?..

Китобни очаман. «Жодугар ҳинди» деган бобни ўқий бошлайман. Ўзбек ойимнинг ғалати гаплари, Ҳасаналига човут қилишлари, Кумушнинг ҳийлакорликлари ҳақидаги таъналарини ўқиб, қотиб-қотиб куламан, куламану тўсатдан бу хотин менга жуда таниш эканини ҳис этаман. Мен бу хотинни — бир маҳалнинг ўзида ҳам меҳрибон, ҳам шафқатсиз, бир қарашда жуда ўктам бўлса-да, аслида ниҳоятда софдил, «думбул табиат» бу аёлни болалигимдан бери танийман. Мен уни ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада кўрганман. Ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқнинг ўз Ўзбек ойими бор, ёзувчи айтгандай, буларсиз на тўй ўтади, на аза! Ҳатто эркаклар ҳам уларнинг маслаҳатисиз иш қилишмайди!

Менинг учун Ўзбек ойим «Утган кунлар»даги энг ҳаётний, энг жонли, энг мукаммал образлардан бири! Бу образ Абдулла Қодирийнинг улкан реалист ёзувчи эканлигидан далолат беради. Романга ниҳоятда ҳаётний бир руҳ киритади: Гарчи, эпизодик бўлса-да, Азизбек, Муслмонқул чўлоқ ва Хушрўйбиби тўғрисида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Романда бу образлар бўлмасин-чи, ёки улар сал бошқачароқ, майинроқ бўёқлар билан чизилган бўлсин-чи, Отабек — Кумуш фожнаси эҳтимол оддий мелодраматик бир воқеага айланиб қоларди!..



«Утган кунлар»нинг «Қудаларни кутиб олиш» бобида шундай бир жумла бор: «Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек оймнинг қучоғига отди. Ўзбек ойм ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўлиб; айланиб, ўргилар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлар эди...»

Гарчи ёзувчи бу ўринда «нима учундир» сўзини ишлатса ҳам, китобхон Ўзбек оймнинг «нима учун йиғлашини» жуда яхши тушунади.

Ўзбек оймдай содда ва софдил аёл Кумушнинг гўзаллигини, унинг бўлакча жозибасини, тортинчоқ, уятчан табассумини кўрганида ўзининг ноҳақлигини, унга нисбатан қилган адолатсизликларини, уни бахтсиз қилиб қўйганини тушунмаслиги мумкин эмас эди. Ўзбек ойм, соддадил аёлларга хос бир сезгирлик билан буни тушунган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, кўз ёши тўкар ва бу билан Кумушдан кечирим сўрар эди...

Бир китобхон сифатида буни мен ҳам сезаман ва беихтиёр кўзимга ёш оламан... Ёзувчининг маҳорати деб, ўз қаҳрамонининг дилини билиши деб — мана буни айтадилар!..



Одатда, Кумушнинг ўлими тўғрисида, тўғрироғи китобхон буни сеза бошлаши ҳақида гап кетганда Зайнаб билан Хушрўйбибининг суҳбатини, баъзан Отабекнинг тушини эслайдилар. Лекин мен бу фожиани Кумушнинг Тошкентга келиши тасвирланган саҳифаларданоқ ҳис этаман.

Бу саҳифаларни — романнинг энг тиниқ, энг ажойиб жойлари деса бўлади. Қудаларнинг кутиб олиниши, яна тўғрироғи Юсуфбек ҳожининг Ўзбек ойм га Отабек билан, Отабекнинг эса Зайнаб билан суҳбати, сўнг қудалар зиёфати, Отабек билан Кумушнинг яширинча учрашуви, Кумушнинг сўз ўйинлари, ёлғиз қолган икки кундошнинг аччиқ кинояларга тўла сўзлашуви, ниҳоят, Офтоб ойм билан Кумушнинг видолашув кечалари шундай зўр реалистик бўёқлар билан чизилганки, сиз ҳар бир одамни кўриб турасиз, гўё бу суҳбатларда иштирок этасиз, дам куласиз, дам ачинасиз, дам маънос туйгуларга чўмасиз. Айни замонда, ҳар бир қаҳрамоннинг дард-ҳасратини, ўйларини, улар сизга ўхшаган оддий одамлар эканини чуқурроқ тушунасиз. Бу саҳи-

фалар фақат улуғ ёзувчиларгагина муяссар бўладиган бўлакча бир куч билан ёзилган, қандайдир куз офтобидай тиниқ ва илиқ нурга йўғрилган. Лекин куз қанчалик илиқ бўлмасин, келаётган қишнинг дарағи сезилгандай бу саҳифаларда ҳам бўлажак фожианинг совуқ нафаси сезилиб туради. Гарчанд ёзувчи келажакда рўй берадиган фожа ҳақида бир оғиз бир нима демаса-да, сиз бунингадир сезасиз, худди инсон ўзини кутаётган бахт ва бахтсизликни олдиндан сезганидек, ёмон бир нарсалар рўй беришни олдиндан ҳис қиласиз. Шунинг учун ҳам бу саҳифалар сизни тиниқ ва ҳазин куйдай титратади. Сиз баъзан куласиз, баъзан жилмаясиз, лекин юрагингизни чулғаб олган ғамгин туйғудан қутулмайсиз.

Мен ўз бошимдан кечирган арзимас тажрибамдан биламан: китобхонни бу куйларга солиш, бўлғувси бўронларнинг совуқ нафасини олдиндан билдириш унчамунча талантга муяссар бўлавермайди!..

\* \* \*

Юқорида мен Отабек билан Кумушнинг илк учрашуви сал сунъийроқ туюлади деган эдим. Лекин мана, кўп йиллик айрилиқ, ҳижрон доғлари ва висол орзусида ўтган машъум йиллардан кейин улар яна учрашадилар...

Ўртача ёзувчининг қалами остида мелодраматик саҳнага айланиши мумкин бўлган бу лавҳа шундай назик бир дид, шундай шафқатсиз реалистик бўёқлар билан тасвир қилинганки, мен бу эпизодни романинг энг зўр жойларидан бири деб ҳисоблайман!

Мана, ўша учрашув, яна ўша икки суюшган қалб, лекин бу сафар илк муҳаббатнинг тотли нафасига маст бўлиб, ўзларини йўқотиб қўйган икки ёш эмас, балки ҳаёт синовларида чиниққан, кўп бўрон ва довуллардан ўтиб, ўзларини тутиб олган икки оқил одам учрашадилар!

«... Отабек кавушини даҳлизга ечди-да, уй бўйича бир-икки қайта юринди ва энтикиб нафас олди. Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимирлагандек бўлди. Бу қимирлашни Отабек пайқамасди. Ҳалиги қимирлаган кирпўш бирдан очилиб кетиб Отабек чўчиди... Биров тахмондан унга қараб кулимсирар эди... Отабек титрар эди. Бир оздан кейин иккиси ҳам ўзларини бирмунча тўхтатдилар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина қучоқлашдилар...»

Қаранг: қаҳрамонлар на оҳ-воҳ чекишади, на уч

йиллик азоб-уқубатларини эслаб кўз ёши тўкишади, на бир-бирдан ўпкалашади!

Рост, Кумуш кўзига ёш олади, лекин бу — кулги аралаш тўкилган ёш эди. Сўнг... қандайдир маъюс бир нурга йўғрилган қочириқлар, ҳазил-мутойибалар бошланади:

«— Сиз... қочқоқсиз! — деди Кумуш.

— Сиз...

— Мен?

— Сиз қувлоқсиз!

— Ажаб қиламан! — деди Кумуш ва шапалоғи билан эрининг юзига секингина уриб қўйди.

— Бу ёққа ҳам...

— У ёққа Зайнаб урсин!

— Зайнабнинг... уришга ҳаққи йўқ!

Кумушнинг кўзида ҳалигача кўрилмаган бир шодлик ўйнади.

— Тўғри айтасизми?

— Тўғри айтаман!

— Мана бўлмасал! — деди Кумуш. Отабекнинг иккинчи юзини ҳам силагандек қилиб қўйди. Яна кулимсирашиб, термилишиб қолдилар...»

Бу маъюс ва ёруғ кулимсирашларида, нозик қочириқларда айтилмаган, айтилишнинг ҳожати ҳам бўлмаган қанча-қанча дарду алам, меҳру оқибат, соғинган юракларнинг талпиниши, ҳарорати, ҳаяжони, нидоси бор!..

«Ёзувчи бу лавҳада нозик дил ва меъёрни бирор жойда ҳам йўқотмайди, бутун бир саҳнада битта ҳам ортиқча сўз йўқ.

«Кумуш яна бир кулиб қарагандан кейин уйдан чиқди. Отабек энди тамом ўзини босиб олган, эндиги юрак уриши фақат ҳалиги фаришта томонга ошиқишгина эди».

Ёзувчи учун бундай нозик жойдан «эсон-омон ўтиб олиш» — қил кўприкдан ўтиб олишдай гап!

\* \* \*

Ҳар бир ёзувчи яхши билади: кўп кишилар иштирок этадиган саҳналарни ёзиш, айниқса қийин бўлади. Эҳтимол, шунинг учундир, ҳар сафар романнинг «Қудаларни кутиб олиш» деган, айниқса «Зимдан адоват» деган саҳифаларини ўқиганимда ёзувчига таҳсин айтман.

Бу саҳифаларда қатнашган тўққиз хотиннинг бирортаси ҳам «сояда» қолмайди, уларнинг ҳар бири ки-

тобхоннинг кўз олдида туради. Бу саҳнада Ўзбек оймнинг соддалиги ва думбуллиги, Офтоб оймнинг босиқлиги ва оқиллиги, Кумушнинг уятчанлиги ва самимийлиги, Зайнабнинг ҳасадгўйлиги, Хушрўйбининг золимлиги ва муғамбирлиги, қуда томонларнинг адовати, ҳаммаси шундоқ «лўп» этиб кўринади.

Ўзбек аёлларининг ўзига хос виқор ва соддаликлари, иззат-икромлари, ажойиб сўз ўйинлари, нозик қочирқиқлари, коса тагига ним коса яшириб гапиришлари-чи?

Ёзувчи бу бобда моҳир шахматчига ўхшайди, шатранжнинг бирорта донаси ҳам «четда» қолмайди, унинг қўл остида ҳаммаси ўйнайди, айнаи замонда бу ўйин ички бир драматизмга тўла. Шу бобда биз кундош билан учрашган Кумушнинг изтиробларинигина эмас, биринчи марта Зайнаб ҳам тирик жон эканини, у ҳам чуқур кечинмаларга қодир эканини чуқурроқ ҳис қиламиз.

### III

Бугун «Меҳробдан чаён»ни қайта ўқиб чиқдим. Роман ғалати таассурот қолдирди менда.

Китобни очишим биланоқ фақат Абдулла Қодирий-тагина хос бўлган бўлакча бир миллий руҳ, илиқлик, самимият ва меҳр юрагини жиз эттириб, дилимни равшан қилди.

Романнинг илк саҳифаларида ёзувчи менга, лабида табассум, суюкли фарзандларининг ўйинини кузатиб, уларнинг шўхлик ва эркаликларидан завқланиб, айвонда чой ичиб ўтирган меҳрибон отага ўхшаб кўринди. Ота ўз фарзандларининг фақат фазилатларинигина эмас, уларнинг камчилик ва нуқсонларини ҳам кўради, лекин меҳрибон, вазмин одам, уларни қаттиқ койиб кўнгилларини оғритгиси келмайди. Рост, тўнғич ўғли Маҳдумнинг баъзи қилиқлари отанинг ғашини келтиради, лекин ақлли одам, ўғлининг хатти-ҳаракатларидан дарғазаб бўлиб гапирса, дастурхон атрофида ўтирган ҳамсуҳбатларининг (китобхонларнинг) таъбини тирриқ қилишини биледи, шунинг учун ҳам тўнғич фарзанди ҳақида дам юмшоқ кулиб, дам билинар-билимас истеҳзо билан гапиради. Ўхтин-ўхтин, Маҳдум ҳаддидан ошиб кетган пайтлардагина, меҳрибон падарнинг кўзида ўт чақнайди, бироқ нима бўлганда ҳам пуштикамаридан бўлган фарзанди эмасми, қаҳри газза-



би дарҳол сўниб, ташвиш ва изтиробга айланади. Лекин Анвар — Раъно дostonига ўтиши билан ёзувчи худди суюкли кенжатойлари ҳақида гапираётган отани эсга солади. Ҳар бир ота ўз кенжатойларининг нуқсонларини кўрмаганидек, Қодирий ҳам аввал бошда энг суюкли қаҳрамонларининг камчиликларини кўрмайди, унинг ҳикояси хиёл майинлашади, овозида эркалаш оҳанглари пайдо бўлади.

«Раъно яна бир неча ғужумларни териб узатди.

— Қани юмушингиз?

— Сенда нима юмуш бўлсин, Раъно? Ҳар кунги ўзинг билган гап... сўзлашиб ўлтирамиз; узум тўкилса, менга териб берасан, деб чақирган эдим.

— Дадам хуфтандан қайтиб қолади. Гапингиз бўлмаса, мен кетаман.

— Хуфтан ҳали ўқилган эмас, азон ҳозир айтилди. Башарти дадамиз хуфтанни ўқимай келиб қолса, бунинг ҳийласи осон: дарров анави гулнинг тагига яширинамиз!

— Башарти дадам бизни қидириб, гулнинг тагидан топса, нима қиламиз?

— Нима қилар эдик?.. Сен уйингга кетасан, мен бўлсам меҳмонхонага.

— Икковингиз гулнинг тагида нима қилиб ўлтирган эдингиз, деб сўраса, нима жавоб берамиз?

— Ўзимиз ўлтирган эдик, деймиз.

— Нима учун, деса-чи?

— Қизингиз уялгани учун, деймиз...»

Раъно-ку, майли, ёш бир қизча, лекин Мирзабоши лавозимига кўтарилган Анвардай йигитнинг «дарров анави гулнинг тагига яширинамиз» деб гапириши... жуда ғалати туюлади. Рост, муҳаббат, бу улуғ инсоний туйғу, баъзан катта одамни ҳам ёш болага айлантириб қўяди, лекин, ҳар ҳолда, бундай саҳна ва бундай тасвирлар ёзувчининг ўз қаҳрамонларига ўзгача меҳридан далолат беради. Шу саҳнанинг охирида Анвар Раънодан тўйга розилик олади:

«— Чинингми?

— Чиним!

— Хўп бўлгай. Мен, эртага, тўйимиз кўкламга бўлсин деб жавоб айтаман... Ерлар кўк гиламлар билан безалганда, ҳар тарафни бинафша чечаклари босган, қушлар уя қайғусини чекканда биз ҳам тўй қилармиз, чимилдиқда бахт созини тинглаб, истиқбол куйини куйлармиз... Шундайми, Раъно?

— Шундай...

— Ундан сўнг менинг оғушимда шунинг сингари данг келиб қолишидан қўрқиб, киши қўлига тушган қуш боласидек типирчиламассан. Шу ҳуснинг, шу малоҳатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?»

Албатта мен, оддий китобхон, ўша оқшом Раънодан илк бўса олган Анварнинг ҳолатига тушуниб турибман. Бу масъуд дамларда унинг кўнглидан худди шу гаплар ўтганига, дилида худди шу туйғулар жўш урганига ишонаман, лекин буни Раънога айтиши, айниқса шундай ширин-шакар сўзлар, чиройли иборалар билан ифода қилиши... Менга сал «ғалатироқ» туюлади... Лекин қизиқ: бу саҳналарда жиндек сентименталикка йўл қўйган ёзувчи Анвар — Раъно фожиаси тасвирланган саҳифаларда, сарой ҳаётига бағишланган бобларда шафқатсиз реалистик услуби билан ҳайратга солади кишини!

Раънога фотиҳа ўқилиб, Маҳдум буни «истикболнинг хайрли фоли, файзи илоҳий», деб қувонган куннинг эртасига Анвар бу мудҳиш хабарни эшитади ва сўнгги марта Раъноларникига боради.

«Вақт намозшомдан оққан... Шом намозини ўқиб қайтган Маҳдум меҳмонхонанинг эшигини очиқ кўради. Анварнинг келганини фаҳмлаб, у билан кўришишни истамай ё истаса ҳам нимадандир ҳадиксираб, тўғри ичкарига ўтади. Йиғидан киприклари терилиб, чуқур андиша ичида бошини қуйи солган Нигор ойим ош кўтариб меҳмонхонага киради ва Анварнинг:

— Нега йиғлайсиз?.. Сиз шундай бўлсин деганминдингиз? — деган гапларига жавоб бермай, йиғлаган қўйи меҳмонхонадан чиқиб кетади...

«...Анвар ошдан бир-икки луқма олиб, қўлини артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди.

Чироғпоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг ёритар, шамнинг титроғи билан кўзини бир нуқтага тиккан Анварнинг ҳозирги хаёлчан юзи ҳам қалтирагандай кўринар эди. Меҳмонхона тип-тинч, фақат бу тинчликни ташқаридан ёққан ёмғирнинг кучсиз шитирлаши, ўқтин-ўқтин қўзғалиб қўйган шамолнинг даричага келиб урилиши ва аллақайси том бошидаги бир мушукнинг мовлаган товуши бузар эди...»

Бу ердаги ҳар бир сўз, ҳар бир деталь — ярим қоронғи меҳмонхонадаги ўлик сукунат, ёмғирнинг шитир-

лаши, томдаги мушукнинг мовлаши, ҳаммаси Анварнинг юрагидаги туғённи ифода қилади, ёзувчи унинг руҳий ҳолатини тасвирлаб ўтирмайди, чунки бу ҳолатни битта гап билан: «Чироғпоядаги бедиллар юрагидек титраган шам ёруғида Анварнинг хаёлчан юзи ҳам қалтирагандай кўринар эди», деган биттагина жумлада ифода қила олган... Орадан бир пиёла чой ичиш фурсати кечганда... Меҳмонхонанинг даҳлизиди, қўлида чойдиш, Раъно кўринди. «Икки кўзи қип-қизариб, қовоқлари шишиб, кўпчиган, юзида ҳам зўриқиш аломати бор эди. Ерга қараган ҳолда оқ чойдишни Анварнинг ёнига келтириб қўйди, токчадаги пиёлани олиб чойдишдаги чой билан чайқади, пиёлани сочиқлагач, яна чайиб иккисини Анварнинг ёнига сурди ва бирдан ўкраб юзини танча устига қўйди...»

Тасвирнинг шафқатсизлигини сезяпсизми? Ёзувчи Раънонинг йиғисини кўрсатишга ошиқмайди, аксинча, унинг ҳар бир ҳаракатини энг майда тафсилотлари билан кўрсатишга тиришади, лекин ажабо, ёзувчи Раънонинг кечинмаларини тасвирламаса ҳам сиз унинг тўлиб-тошиб турганини аниқ ҳис қиласиз, унинг хатти-ҳаракатларини кузатар экансиз, юрагини ларзага солган туғён тобора ортиб бораётганини ва пировард портлашини сезиб турасиз, шунинг учун ҳам ниҳоят ўпкаси тўлиб «бирдан ўкраб танча устига бош қўйганида» беихтиёр кўзингизга ёш оласиз...

Бу саҳнада Анвар билан Раъно сизнинг кўз олдингизда камида ўн ёш улғаяди. Севкли қаҳрамонларининг бошига тушган мусибатни улкан реалистларга хос бир шафқатсизлик билан тасвирларкан, ёзувчи Маҳдумни ҳам аямайди. Романнинг бошида унинг баъзи қилиқлари ҳақида мулойим кулимсираб гапирган адиб, бу бобда, ўғлининг пасткаш хатти-ҳаракатларини билиб қолган адолатли отадай уни аёвсиз жазолайди.

Кечқурун шом намозидан қайтаётганда Анвар келганини пайқаган Маҳдум икки дилпоранинг мунгли суҳбатини бўлиб меҳмонхонага кириб келади. Кечагина Анвар Мирзабоши лавозимига кўтарилганда тўйни тезлатиш тараддудига тушиб қолган одам, бугун Анварга ҳатто салом ҳам бермайди. Чунки кеча бизда табассум уйғотган хасислиги бугун, хонга қайната бўлиш бахти олдида, саройдан келадиган олтинлар олдида пасткашликка, чинакам разолатга айланади.

«Ичкарига кир, Раъно, бевақт бу ерда нима қилиб ўтирибсан?»

Бу гап Анварнинг, фақат Анвар эмас, китобхоннинг ҳам вужудини «ғизз» эттириб юборади. Романнинг бошида Маҳдумнинг қилиқлари ва зиқналикларини кулимсираб кузатган китобхоннинг қалбида энди жирканч ва нафрат уйғонади. Бу нафратни ҳаммадан кўра Раъно яхши ифода қилади. Кечагина укаси билан «Лой ўйнаб» юрган қиз, шу топда отасининг бутун шафқатсизлигини, бемеҳр, бағритош бир одам эканлигини дилдидан ҳис этади ва ғазабдан титраб:

«Андишасиз!» — деб хитоб қилади. Бу худди сизнинг кўнглингиздаги гап! Шунинг учун ҳам Раъно кўзига жиққа ёш олиб, меҳмонхонадан чиқаркан, қалбингизда унга нисбатан бўлакча бир меҳр ва ҳурмат уйғонади.

\* \* \*

«Меҳробдан чаён»нинг энг зўр жойларидан бири хон ҳарам ва қирқ қизлар ҳаётига бағишланган саҳифаларидир.

Адабиётимизда хон ҳарамига тушган бахти қора қизлар ҳақида анча-мунча асарлар бор. Бу асарларнинг ҳаммаси бир-бирини такрорлайди, камбағал деҳқоннинг сулув қизи бўлади. У холасинингми, аммасинингми ўғлини яхши кўради. Лекин хондан қарздор бўлиб қолган камбағал деҳқон қарзини тўлай олмайди-ю, унинг эвазига қизини хонга тортиқ қилишга мажбур бўлади. Севгилисидан жудо бўлган бечора қиз, хон саройида ҳижрон доғида ёна-ёна охири сил касалига учраб ўлади... Худди шундай ҳикоя «Меҳробдан чаён»да ҳам бор. Лекин бу ҳикоядан ҳам кўра қирқ қизларнинг кундалик ҳаётини тасвирлаган саҳифалар даҳшатга солади кишини.

Ҳарамга келтирилган кунлари бир-икки кеча хоннинг «илтифотига сазовор бўлиб», кейин ўз ҳолига ташлаб қўйилган<sup>9</sup>бу чиройли, соғлом қизлар тўрт девор ичида ўзларини қаёққа уришни билишмай тўлғанишади, зерикканларидан, азбаройи димиққанларидан ҳарамга кириб келган ҳар бир одамга ёпишишади, уни эрмак қилишади. Лекин ҳарамнинг дарвозаси қулф, эрмак зоти у ёқда турсин унга кирадиган аёллар ҳам саноқли. Шунинг учун ҳам Гулшаннинг ҳарамга келиши канизлар учун катта ҳодиса, эрмак, ҳатто байрам, шунинг учун ҳам ҳовли юзида копток ўйнаб, яланг оёқ, яланг бош қувлашиб юрган қизлар уни кўриб олдиға югуришади, кулги ва қийқириқ билан қарши олишади:

«Эсонмисиз! ...Эрингиз ўлмадимми? Шаҳар йигитлари омонми?» — деб ҳазиллашишади. Гулшаннинг: «Бўлди, бўлди! Шўх байтал ўлгурлар!» деган хитобига: «Тўқ байтал! Тўқ байтал!» деб тегажоқлик қилишади. Кейин уни ҳам ўйинга тортишади ва Гулшан ютқизганда «хих, эшагим!» дейишиб, орқаси яғир бўлгунча устига минишиб ўйнашади. Кечаси эса базм қуришиб, муңгли лапарлар айтишади. Лекин ҳар бири бир йигитни бахтли қиладиган бу мазлумаларнинг гўзал базмини тўрт девордан бошқа ким кўради, шўх ва ғамгин лапарлари қайси йигитни шайдо қилади?.. Йўқ, бу гўзал базмини, тўрт девор орасига қамалган парилар ўйинини уларнинг ўзларидан бошқа ҳеч ким томоша қилолмайди. Шунинг учун ҳам бу лапар ва ўйинлар қизларнинг дилини баттар қитиқлаб, ушалмас орзулари чинакам изтиробга айланади, шунинг учун ҳам базмдан кейин аламзада қизларнинг ҳазил-мутойибалари дағаллашади, «кўйлак» ечар, иштон солар» каби шарм-ҳаёсиз ўйинлар бошлашади.

Биринчи қарашда бир оз «яланғоч» туюлган бу сахна хон саройида сил бўлиб ўлган қизлар ҳақидаги ҳар қанақа ҳикоядан ҳам қаттиқроқ, таъсир этади кишига. Бу саҳифалар сизни титратмай иложи йўқ, чунки шафқатсиз реалистик куч билан ёзилган бу саҳналарда инсоннинг энг улугъ фожияси — муҳаббат ва она бўлиш бахтидан умрбод маҳрум бўлган аёллар фожияси бор.

\* \* \*

«Меҳробдан чаён»ни бир неча марта ўқиганим ҳолда унинг «Қизиқлар» деган бобини фақат бир марта ўқидим.

Билмадим, эҳтимол бу бобдаги қизиқларнинг қизиқчилиги ва аскияларини «эшитиб» завқландиганлар бўлса бордир, лекин мен «томоғи остидаги чўғир қовундек бўқоқ ғовлаб ётган мулла Бахтиёрни, кир яктагидан бадани кўринган, бир қўли билан елкасини қашиб, иккинчиси билан иштонбоғини ушлаб олган Баҳром қизиқни» кўз олдимга келтирганимда мен бу аскиялардан эмас, ёзувчининг сатирик қудратидан қойил қолдим. Чунки «бурни ўрнида юқорига қараб қурбақа ўрмалаган маҳлуқнинг» ташқи қиёфасидан, хунуклик ва ифлосликда бир-биридан ўтган бу қизиқларнинг: «Бир пой кафшни еб қўйибсизлар-ку». Ёки: «Бўқоғингга кафшнинг ўкчаси тиқилиб қолипти-ку!» Ёки: «Сингли талоқ битни қочирдим-да!» каби «аскиялар»ни ўқиганда: на-

хот шундай «қизиқчи»ликдан завқ олган Худоёрхондай примитив одам Урта Осиёдай катта бир ўлкани ўн йиллар давомида идора қилган бўлса?! — деган ўйга борасан. Бу ўй даҳшатга солади кишини. Ёзувчининг асл мақсади ҳам китобхонда худди шу фикрни уйғотиш бўлса керак.

• • •

Китобни ёпиб узоқ ўйга толаман: бу улкан ёзувчи ҳаёт бўлганда адабиётимиз яна қандай дурдоналар билан бойир эди?

*1969 йил*

## МУНДАРИЖА

### *Қиссалар*

Адолат манзили . . . . .	5
Муқаддас . . . . .	170

### *Ҳикоялар*

Бахт қуши . . . . .	251
Яхшилик . . . . .	267
Атаман . . . . .	277
Музқаймоқ . . . . .	285

### *Эссе*

Абдулла Қодирийни ўқиганда . . . . .	303
--------------------------------------	-----

Адабий-бадвий нашр

**ОДИЛ ЕҚУБОВ**  
**АДОЛАТ МАНЗИЛИ**

Қиссалар, ҳикоялар, эссе

Рассом *Н. Ҳакимов*  
Техн. муҳаррир *Б. Султонов*  
Мусахҳиҳлар: *М. Ҳошимова,*  
*К. Зиёмуҳамедова*

Оригинал макетни тайёрловчи

*Н. Қодиров*

ИБ № 5475

Ушбу китоб «Хазина» илмий ижодий чиқариш бирлашмасига қарашли компьютерда "Хероx Ventura Publisher 2.0" дастурида тайёрланди.

Теришга 6.04.96 да берилди. Босишга 21.06.96 да руҳсат этилди. Бячими 84×104 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Адабий гарнитура. Офсет босма усулда босилди. Нашр табоғи 18,0. Адади 10000 нусха. 264-бумуртма.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.